

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-1/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир хайати:**

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.
Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улўзбек Темирбаевич, DSc
Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.
Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.
Рўзбобоев Рашид Юсуфович, тиб.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машиариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1/1 (97), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 195 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Aytenov I.S., Bozorov T.A., Samadiy S.A., Muhammadova D. A., Zakirova O.R. , Chiniqulov B.X., M.Isoqulov S. S. Orol bo`yi tuproq va qum namunalaridan kultivirlanuvchi bakterial mikroflorasini ajratish va ularning patogen Fusarium turkumi zamburug'lariga qarshi antagonistik xususiyatlarini tavsivlash	5
Doniyorov B.N. Buxoro vohasi misolida musicha (<i>Streptopelia senegalensis</i> Linnaeus, 1766) ning biologiyasiga doir materiallar	8
Doniyorova Sh.O., Xalquziyeva M.A. Bunium L. turkumi turlarining xo`jalikdagi ahamiyati va dorivorlik xususiyatlari	17
Khalilova B.A. The impact of environmental pollution on the entomofauna of soils	19
Ne`matova M.I., Xalquziyeva M.A. Eremurus L. turkumi turlarining morfologik xususiyatlari	22
Otabaev A.O., Abdullaev I.I., Abdunazarov E.E. Dorivor valeriana (<i>Valeriana officinalis</i> L.) ning o`sishi va rivojlanishiga yorug`likning ta`siri	25
Жуманиязов Ж.О., Тўхтаев Б.Ё., Хамраев Н.У., Абдурахимов У.К. Хоразм тупроқ – иқлим шароитида қалампир ялпиз инродукцияси	28
Иззатуллаев З., Бобоназаров Ғ.Ё., Орзиева Ё.М., Хамраева Ф.М., Абдуллаев Ў.Р. Қарши магистрал канали моллюскалари бўйича дастлабки маълумотлар	31
Холмуратова М.М., Макамов А.Х., Шавкиев Ж.Ш., Норбеков Ж.К., Кушаков Ш.О., Хошимов С.Қ., Юлдашева З.З., Хайитова Ш.Н., Холиқулова Н.Ш., Гулбоева Х.И. Ғўзада сув танқислиги билан боғлиқ бўлган физиологик хусусиятларни турли сув режими шароитларида ўрганиш	33
Хамраева Д.А., Темиров Э.Э. Тошкент Ботаника боғи шароитида <i>Weigela florida</i> f. <i>bristol rubi</i> (Вейгела) нинг гуллаш биологияси	40
Юнусов Р., Ганиева Ф.А., Орифов О.О. Пакана олма дарахтларини ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг зарарли организмлардан ҳимоялаш ҳамда ресурстежамкор инновацион технологик омилларни қўллаш	44
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ	
Акрамов А., Диёров Х. Дориланган уруғлик чигитни такомиллаштирилган аралаштиргич барабанини рационал параметрларини тажрибаларни математик режалаштириш орқали аниқлаш	47
Асатова С.С., Азимов Б.Б., Омонов М.А., Рашидов Ш.Д. Ўғит қўллашда тупроқни оғит металллар билан ифлосланиши ва уни бартараф этиш чоралари	50
Асатова С.С., Соттиева С.Э., Музаффаров Д.М., Юлдашев Ж.М. Кузги буғдойга карбамид –аммиакли селитра (кас) ўғитини қўллаш самараси	54
Имомназаров О.Б., Нуритдинов Н., Турсунов А. Ғўзани қўш экинлар билан етиштириш агротехнологияси	57
Маммдиев А.Х., Рўзиева И.Ж., Бўрива Д.Р., Чариева Н.Н. Бўз-воҳа тупроқларининг агрохимёвий хусусиятларига минерал ўғит ва биопрепарат таъсири	61
Низамов Р., Хакимов Р., Халимова М., Садуллаев С., Абдуллаев Д. Турли озиқлантириш усуллари қовуннинг ўртапишар навлари ҳосилдорлигига таъсири	65
Остонакулов Т.Э., Турсунов Г.С., Шамсиев А.А., Амантурдиев И.Х. Сорта и агротехнологии сладкого картофеля (батата) при возделывания в основной и повторной культуры	69
Отеулиев Ж.Б., Алламуратов М.О., Бауетдинова И.С., Бийимбетова З.С. Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган тупроқларининг шўрланиш хоссалари	74
Райымбеков Д. Б., Сейтказиев А. С., Мусабеков К.К., Бегматов И. А., Матякубов Б. Ш. Прогнозирование ионно-солевого состава вод методами физико–химической гидродинамики	78
Рўзиева И.Ж., Тожибоева Ш.Ф., Турсунова С.А. Бўз-воҳа тупроқларида микробиологик таҳлилларини ўтказиш мониторинги	83

Хасанова Ф.М., Қорабоев И.Т., Атабаева М.С. Суюқ аммиак қўллаш ва ерга турли усулларда ишлов беришни тупрокнинг макрорструктураси ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири	85
Худойбердиев Н.Х., Аллашов Б.Д. Беда коллекцияси намуналарининг биринчи ўримдаги кўк масса маҳсулдорлиги	89
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Elmurodov Sh. Analysis of the impact of the hidden economy on the state financial system	94
Elmurodov Sh. Analysis of the current state of the hidden economy in the Republic of Uzbekistan	97
Raximberdiyev I.U. Aholini ijtimoiy himoya qilish va kambag'allikni kamaytirishda yevropa tajribasi va undan foydalanish	100
Shermuxeimedov B.U. Tijorat banklarida depozit operatsiyalarini rivojlantirish istiqbollari	103
Sherjonov Sh.A. Aholini ijtimoiy himoya qilishning moliyaviy manbalari va tashkiliy-huquqiy asoslari	107
Suyunova Z.B. Features of accounting for amortization of fixed assets and its improvement	112
Turanov S. Analysis of factors affecting the capital structure of small and medium enterprises in Uzbekistan	115
Umarova M.A. O'zbekiston Respublikasida inflyatsiyani barqarorlashtirish yo'nalishlari	118
Yuldashev Sh.K., Xalikova L.N. Raqamli iqtisodiyotni shakllantirishda inson kapitalining roli	124
Атаджанов К. Анализ и особенности методики оценки эффективности применения аутсорсинговых услуг	127
Бутанова Д. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари прогноз қийматларини ҳисоблаш масалалари	134
Джалилов Ф.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ва воситалари	139
Жуманазаров О.С. Савдо ва молиявий хизматлар соҳаларида шерикчилик алоқалари хусусиятлари	143
Қалмуратов Б.С. Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришни статистик таҳлили	149
Матякубов У.Р. Минтақа туризм соҳасида янги хизмат турларини кенгайтиришнинг устувор йўналишлари	153
Музаффарова К.З. Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицион муҳитнинг аҳамияти	157
Рахмонов А.С. Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт сабабли йўқотилаётган солиқ тушумлари таҳлили ва уни камайтириш йўллари	160
Сағиева М.О. Совершенствование механизма управления развитием хлопково-текстильных кластеров в региональной экономике	163
Таджибаев З.М. “Яшил иқтисодиёт” – жамият билан табиат ўртасида мувозанатлаштириш воситаси сифатида	168
Туйчиев Ш.Ш. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес субъектларини солиққа тортишни такомиллаштириш йўллари	175
Тўйчиев Э.К. Ўзбекистонда капитал бозор орқали инвестицияни жалб қилиш механизми самарадорлигини ошириш	178
Хайтов О.Н. Туризм соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш шакллари ва усуллари	183
Шакарров Қ. Ахборот технологиялари соҳасида кластер фаолиятини ривожлантириш истикболлари	188

UO'K 632.937.1.05

**OROL BO'YI TUPROQ VA QUM NAMUNALARIDAN KULTIVIRLANUVCHI
BAKETRIAL MIKROFLORASINI AJRATISH VA ULARNING PATOGEN *FUSARIUM*
TURKUMI ZAMBURUG'LARIGA QARSHI ANTAGONISTIK XUSUSIYATLARINI
TAVSIVLASH**

*I.S. Aytenov, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi instituti,
Toshkent*

*T.A.Bozorov, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi instituti,
Toshkent*

S.A. Samadiy, o'qituvchi, O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent

*D. A. Muhammadova, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi
instituti, Toshkent*

*O.R. Zakirova, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi instituti,
Toshkent*

*B.X. Chiniqulov, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi instituti,
Toshkent*

*S. S.M.Isoqulov, ilmiy xodim, O'zRFA Genetika va O'simliklar ekperimental biologiyasi
institute, Toshkent*

Annotatsiya. Orol bo'yi turli hududlari tuproq va qumlaridan yig'ilgan 16 ta namunalardan 306 ta toza bakterial izolyat kulturalari ajratib olindi. Bakterial izolyatlar tarkibi ikki xil ozuqa muhitidan iborat ozuqa muhitida patogen *Fusarium* turkumi vakillari bo'lmish *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* va *F. tricinctum*lar birga ekildi va bakterial izolyatlarning antagonistik xususiyatlari aniqlandi.

Kalit so'zlar: Kartoshkali dekstroza agari (KDA), fosfat tuzli buferi (FTB), orolqum tuproq namunalari, bakteriya, *Fusarium*, inhibitsiya, ozuqaviy agar (OA), antagonizm

Аннотация. Из 16 отобранных почв и песка собранных различных мест приаральского моря было выделено 306 чистых изолятов бактериальных культур. Для определения антагонистических способностей выделенных бактерий использовали представители патогенных грибов *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* и *F. tricinctum*lar из рода *Fusarium* для выявления бактериальных антагонистов.

Ключевые слова: Картофельный декстрозный агар, фосфатный солевой буфер (ФСБ), образцы почвы приаралья, бактерия, *Fusarium*, ингибиция, питательный агар (ПА), антагонизм

Abstract. 306 pure bacterial isolates were isolated from 16 soil and sand samples collected from different places of the Aral Sea. To determine the antagonistic ability of bacterial isolates, they were co-cultured with pathogenic *Fusarium* species such as *Fusarium oxysporum* f.sp. *vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* va *F. tricinctum* in dual-culture medium

Keywords: Potato dextrose agar, Phosphate buffer saline (PBS), soil samples of the Aral Sea, bacteria, *Fusarium*, inhibition, Nutrient agar, antagonism

Kirish. Hozirgi kunda Orol bo'yi hududlarining tuproq mikrofloralarini tadqiq qilish orqali u yerdagi ekotizimning shakillanishida birinchi navbatda mikrofloradagi mikroorganizmlarning o'zaro munosabatlari muhim hisoblanadi. Antagonist bakteriyalarning o'simliklar patogen zamburug'lariga qarshi antagonistik xususiyatini o'rganish qishloq xo'jaligi uchun dolzarb masalalardan biridir. O'simlik zamburug' patogenlari qishloq xo'jalik ekinlariga jiddiy zarar yetkazadigan va hosildorlikning pasayishiga olib keluvchi ahamiyatga ega muhim salbiy omillardan biridir [7]. Zamburug' patogenlarini biologik nazorat qilish kimyoviy nazoratga nisbatan munosib alternativ usul hisoblanadi va atrof muhitga salbiy ta'siri sezilmaydi.

O'simliklarni himoya qilishda bionazorat atamasi yuqumli kasalliklarni bostirish uchun biologik antagonistlardan foydalanishni maqsad qiladi. O'simliklar va patogenlar orasida o'zaro

munosabatda bo'lishligi, o'simlikning chidamlilik darajasi bilan o'lchanadi. Biroq, yuqori virulent patogen shtammlar o'simlik vegetasiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatishi va hosildorlikning pasayishiga olib keladi. Bakterialarga asoslangan biologik kurash esa samarali yo'l ekanligiga sabab ularning ajratgan faol kimyoviy modda faqat patogen zamburug'ning o'ziga tasir qilib boshqa o'simlik xo'jayinga salbiy tasir qilmaydi [8].

Tuproq orqali yuqadigan o'simlik patogenlari keltirib chiqaradigan o'simlik kasalliklari qishloq xo'jaligida nazorat qilish va sezilari darajadagi muammolarni keltirib chiqaradigan eng xavfli kasalliklardan biridir. *Fusarium* turkumi bir nechta zamburug' turlarini o'z ichiga oladi, ularning ko'pchiligi bug'doyda boshqoq chirishi, poya chirishi va boshqoq kuyishiga olib keladigan kasalliklarni keltirib chiqaradi [1]. Masalan, *Fusarium oxysporum* 100 dan ortiq o'simlik turlarida ildiz to'qimalarining so'lishiga va ildizning chirishiga olib keladi [2]. So'nggi bir necha o'n yilliklarda tuproqda yuqadigan kasalliklarning oldini olish va nazorat qilish choralari odatda chidamli navlar va fungitsidlardan foydalanishga tayanadi. Bunda, genotipida chidamli dominant gen bo'lmasa, unda chidamli navlarni yaratish imkonini bermaydi [3]. Biroq, kimyoviy fungitsidlarning qo'llanishi atrof-muhit va inson salomatligi uchun potentsial xavf tug'dirishi mumkin [4]. Bundan tashqari, oldingi tadqiqot natijalariga asosan kimyoviy nazorat choralari mikroflorada nomutanosiblikni keltirib chiqarishini ko'rsatdi, bu foydali organizmlarning faolligini kamaytirishi va chidamli patogen shtammlarning rivojlanishiga olib kelishi mumkin [3]. Biologik nazorat o'simlik kasalliklariga qarshi kurashning muqobil va barqaror strategiyasi hisoblanadi, sababi uning arzonligi va ekologik tozaligidir [6].

Mavzuning dolzarbligi va hozirgi holati. Mikroorganizmlar biotasini o'rganish va ularni tahlil qilish ilm-fan va ishlab chiqarish sohalarida eng muhim masalalardan bir hisoblanadi. Bundan tashqari tuproq va o'simliklar mikroflorasi iqlim o'zgarishi va qishloq xo'jaligida qo'llaniluvchi kimyoviy pestisidlarni ta'siriga sezgirliги jihatidan ko'rsatkichlardan biridir. Bu esa o'z navbatida qishloq xo'jaligi va farmasevtika sanoati uchun dori va biologik nazorat kurash vositalarini ishlab chiqish uchun manba sifatida ishlatilishi mumkin.

Orol bo'yi tuproqlarining mikroflorasini urganish borasida bir nechta ilmiy ishlar olib borilgan. Stulina va boshqalar (2019) tomonidan orolning qurigan va Orol bo'yi atrofidagi tuproqlarning mikrofloralari buyicha mikrobiologik tadqiqotlar utkazilgan [9]. Bundan tashqari orol ko'lining qurigan tuproqlarida geologik va mineralogik uzgarishlarning bakterialarga ta'siri Jiang va boshqalar tomonidan (2021) o'rganilgan. Orol bo'yidagi galofit o'simliklarning kutivasiyalanuvchi endofitik bakteriyalarning Gao va boshqalar tomonidan (2021) o'rganilgan [10]. Biroq orolbo'yi atrofi tuproqlari va o'simliklaridagi anatonsit bakteriyalar borasida ilmiy ishlar uchramaydi

Tadqiqot usullari. Orol bo'yi tuproq va qum namunalaridan kultivirlanuvchi mikroflorasini darajali suyultirish usuli bilan ozuqaviy agar (0.5% pepton, 0.3% beef extract, 1.5% agar-agar, pH 6.8) da ajratib olindi. Bunda 800 mg tuproq va qum namunasi 0.9 ml FTB buffer (NaCl - 137 mM, KCl - 2.7 mM, Na₂HPO₄ – 1 mM; KH₂PO₄ –1.8 mM; pH 7.4) bilan yaxshilab aralashtirildi va 1:10⁶ gacha suyultirildi. Ajratib oligan bakteriyalar 30 °C da 1-2 kun davomida o'stirildi. Patogen zamburug'lar esa KDA ozuqa muhitida 25-26 °C 7 kun davomida o'stirildi. Patogen *Fusarium* turkum vakillari: *F. oxysporum f.sp. Vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* va *F. tricinctum* Genetika va O'simliklar eksperimental biologiyasi insitutining Fitopatogen va boshqa mikroorganizmlar noyob ilmiy obyekt kolleksiyasidan olindi.

Izolyatlarning antagonistik ta'siri dual-kulturali ozuqa muhitida tahlil orqali baholandi [5]. Dual-kulturali ozuqa muhiti KDA va ozuqaviy agar (OA) 1:1 nisbatta aralashtirilib tayyorlandi. Patogen zamburug' kulturasiidan kesilgan diametri 5 mm li bo'lgan diskni dual-kulturali ozuqa muhiti bo'lgan petri likopchasi markaziga quyildi va bakterial izolyatlar markazdan 2 sm masofada joylashgan 4 ta joyga ekildi. Inhibitsiya foizi quyidagi formula bilan aniqlandi:

$$\text{Inhibitsiya (\%)} = [(R-r)/R] \cdot 100\%$$

bunda R- nazorat zamburug' diametri, r- bakteriya bilan ekilgandagi zamburug' diametri.

Natijalar va ularning tahlili. Orol bo'yi tuproq va qumlaridan 16 ta namuna yig'ib kelindi. Namunalar Orol dengizining qurigan qismida, oldingi qirg'oq bo'lgan joylardan va hozirgi suvi qolgan Kichkina Orol dengizi bo'yidan olindi (1-jadval).

Orolqum buy hudularidan ajratilgan bakterial izolyatlar

№	Namuna	Dengiz sathidan balandligi(m)	Geografik koordinatasi	Tarqalgan joyi	Ajratib olingan bakteriya izolyatlari soni
1	2(1 sm)	34	№:4415522 E:05851524	Orol bo'yi	0
2	3(5 sm)	34	№:4415522 E:05851524	Orol bo'yi	0
3	4(10 sm)	34	№:4415522 E:05851524	Orol bo'yi	4
4	6	40	№:4450376 E:05821814	Orol bo'yi	35
5	7	17	№:4450561 E:05823570	Orol dengizi qirg'og'i	56
6	8	17	№:4450561 E:05823570	Orol dengizi qirg'og'i	1
7	9	34	№:4450446 E:05822268	Orol dengizi qirg'og' suvi bor joyi	4
8	90	46	№:4378967 E:0593398	Mo'ynoq kemalar qabristoni	25
9	97(1sm)	34	№:4438058 E:05828158	Orol bo'yi	2
10	97(5sm)	34	№:4438058 E:05828158	Orol bo'yi	38
11	97(10sm)	34	№:4438058 E:05828158	Orol bo'yi	1
12	98	76	№:4450147 E:05820778	Orol dengizi qirg'oq	8
13	106	42	№:4450336 E:05820900	Orol bo'yi	35
14	110	46	№:4450335 E:05820978	Orol bo'yi	24
15	114	39	№:4450361 E:05821525	Orol bo'yi	56
16	116	22	№:4450539 E:05823098	Orol bo'yi	17

Orol bo'yi hududlardan yig'ib kelingan tuproq va qum namunalaridan FTB bufferi yordamida 306 ta bakterial izolyatlar ozuqaviy agarda suyultirish yo'li orqali ajratib olindi. Eng ko'p 56ta kultivirlanuvchi bakterial izolyatlar 7- va 114-namunalardan ajratib olindi. 8, 97(1sm), 97(10sm) va 9 namunalardan juda ham kam bakteriya kulturasi ajratib olindi. 2(1sm) va 3(5sm) namunalaridan bakteriya koloniyalari aniqlanmadi. Ajratib olingan toza kulturali har bir bakteriya patogen *F. oxysporum f.sp. Vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* va *F. tricinctum* zamburug'lariga qarshi antagonist xususiyatini aniqlash uchun tekshirildi. Antagonistik bakteriyalarni aniqlashda kartoshka-dekstrozali va ozuqaviy agar aralashmasidan qo'shib tayyorlangan ozuqa muhitidan foydalanildi. Tekshirish natijasida umumiy 8 ta bakterial izolyatlar har xil darajadagi inhibitsiya (organizmning o'sishini cheklash) darjasini ko'rsatdi (foizda) ko'rsatdi (2-jadval).

Antagonist bakteriyalarning zamburug'larni inhibitsiya qilish ko'rsatkichlari

No№	<i>F. oxysporum f.sp. vasinfectum</i>		<i>F. solani</i>		<i>F. graminearum</i>		<i>F. culmorum</i>		<i>F. tricinctum</i>	
	ND	IM	ND	IM	ND	IM	ND	IM	ND	IM
110S-3	-	-	-	-	40	s8,45	-	-	-	-
110s-10	31,6	10	46,16	5,93	46,23	7,2	33	11	30,14	5,3
106s-145	30	15,5	47,14	15,5	31	13	31,4	14,8	14	11
106s-150	15,5	7	16,77	4,92	28,55	3,38	30	7	16	3,5
6s-232	35,15	7	37	12	-	-	32,5	10	30	7,5
6s-247	-	-	24,92	6,56	-	-	34	11	25	6
6s-256	28,64	6,84	37,81	10,9	33,19	7,75	35	12,8	41	7
90s-284	27,12	8,77	29,36	6,69	30	5,5	35	9	34	10

Antagonist bakteriyalarning ichida eng yuqori inhibitsiya darajasi *F. graminearumga* qarshi 106s-150 – 88,16%, 110s-10 - 84,43%, *F. solaniga* qarshi 110s-10 - 87,15%, *F. tricinctumga* qarshi 6s-256 - 82,9%, 110s-10 - 82,4% ni va *F. oxysporum f.sp. vasinfectumga* qarshi 110s-10 - 87,15% ni ko'rsatdi. Eng past inhibitsiya darajasi esa 106s-145 izolyati bo'lib u *F. tricinctumga* 21,4% ni inhibitsiya foizini ko'rsatdi. 110S-3 izolyat faqat *F. graminearumga* qarshi antagonistik xususiyatini (78,88%) namayon qilgan bo'lsa, 110s-10, 106s-145, 106s-150, 6s-256 va 90s-284 izolyatlari deyarli *Fusarium* turkumining hamma vakillariga turli xil darajadagi inhibitsiya ko'rsatkichlarini qayd qildi. 6s-232 bakterial izolyatining *F. graminearumga* qarshi, 6s-247 izolyantning *F. oxysporum f.sp. vasinfectumga* va *F. graminearumga* qarshi antagonistik xususiyatlari aniqlanmadi lekin qolgan *Fusarium* turkum vakillariga kuchli inhibitsiya darajasini qayd etildi.

№	Inhibitsiya darajasi				
	<i>F. oxysporum f.sp. vasinfectum</i>	<i>F. solani</i>	<i>F. graminearum</i>	<i>F. culmorum</i>	<i>F. tricinctum</i>
	Inhibitsiya darajasi (%)				
110S-3	-	-	78,88	-	-
110s-10	68,35	87,15	84,43	66,7	82,4
106s-145	48,33	67,12	58,06	52,9	21,4
106s-150	54,84	70,66	88,16	76,7	78,1
6s-232	80,09	67,57	-	69,2	75,0
6s-247	-	73,68	-	67,6	76,0
6s-256	76,12	71,17	76,65	63,4	82,9
90s-284	67,66	77,21	81,67	74,3	70,6

Xulosa. Orol bo'yi tuproq va qum namunalaridan ajratib olingan 306 ta bakteriyal izolyatlarning antagonistik xususiyatlari aniqlash uchun *F. oxysporum f.sp. vasinfectum*, *F. solani*, *F. graminearum*, *F. culmorum* va *F. tricinctum* patogen zaburug'lariga qarshi antagonist xususiyatini aniqlash uchun tekshirildi. Antagonist xususiyatiga ega 8 ta bakterial izolyatlari aniqlandi va keyingi molekulyar identifikatsiya bo'yicha tadqiqotlar uchun tanlab olindi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Nourozian, J., Etebarian, H.R. and Khodakaramian, G. Biological control of Fusarium graminearum on wheat by antagonistic bacteria Songklanakarin J. Sci. Technol., 2006, 28(Suppl. 1) : 29-38
2. Li E, Ling J, Wang G, Xiao J, Yang Y, Mao Z, Wang X, Xie B. Comparative Proteomics Analyses of Two Races of Fusarium oxysporum f. sp. conglutinans that Differ in Pathogenicity. Sci Rep. 2015 Sep 3; 5:13663. doi: 10.1038/srep13663. PMID: 26333982; PMCID: PMC4642580.
3. Shanmugam, V., & Kanoujia, N. (2011). Biological management of vascular wilt of tomato caused by Fusarium oxysporum f.sp. Lycopersici by plant growth-promoting rhizobacterial mixture. Biological Control, 57(2), 85–93. doi:10.1016/j.biocontrol.2011.02.001
4. Dufour, M.-C., Fontaine, S., Montarry, J., & Corio-Costet, M.-F. (2010). Assessment of fungicide resistance and pathogen diversity in Erysiphe necator using quantitative real-time PCR assays. Pest Management Science, 67(1), 60–69. doi:10.1002/ps.2032
5. Zhao, Y., Selvaraj, J. N., Xing, F., Zhou, L., Wang, Y., Song, H., ... Liu, Y. (2014). Antagonistic Action of Bacillus subtilis Strain SG6 on Fusarium graminearum. PLoS ONE, 9(3), e92486. doi:10.1371/journal.pone.0092486 <https://doi.org/10.1371/journal.pone.0092486>
6. Pshibytko, N. L., Zenevich, L. A., & Kabashnikova, L. F. (2006). Changes in the photosynthetic apparatus during fusarium wilt of tomato. Russian Journal of Plant Physiology, 53(1), 25–31. doi:10.1134/S1021443706010031 (<https://doi.org/10.1134/S1021443706010031>)
7. Cook, R.J., 1993. Making greater use of introduced microorganisms for biological control of plant pathogens. Annu. Rev. Phytopathol., 31: 53-80.
8. Cook, R.J., 1993. Making greater use of introduced microorganisms for biological control of plant pathogens. Annu. Rev. Phytopathol., 31: 53-80.
9. Stulina, G., Verkhovtseva, N., & Gorbacheva, M. (2019). Composition of the Microorganism Community Found in the Soil Cover on the Dried Seabed of the Aral Sea. Journal of Geoscience and Environment Protection, 7, 1-23. <https://doi.org/10.4236/gep.2019.78001>
10. Gao, L.; Ma, J.; Liu, Y.; Huang, Y.; Mohamad, O.A.A.; Jiang, H.; Egamberdieva, D.; Li, W.; Li, L. Diversity and Biocontrol Potential of Cultivable Endophytic Bacteria Associated with Halophytes from the West Aral Sea Basin. *Microorganisms* **2021**, *9*, 1448. <https://doi.org/10.3390/microorganisms9071448>

UO'T 598.265.1

BUXORO VOHASI MISOLIDA MUSICHA (STREPTOPELIA SENEGALENSIS LINNAEUS, 1766) NING BIOLOGIYASIGA DOIR MATERIALLAR

B.N. Doniyorov, katta o'qituvchi, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada mavzuning dolzarbligi, musichaning tarqalishi, uchrash xususiyatlari va uning o'rganilganligi, o'tkazilgan tadqiqotlarning muddati va ishni bajarishda foydalanilgan usullar, topilgan uyalar soni, uyalash joylari, Buxoro vohasi sharoitida boshqa kaptarsimonlardan farqli belgilari, uchrash joylari va soni, sayrashi, juft hosil qilishi kabi ko'payish bilan bog'liq xulqiy reaksiyalari, uyalar soni va joylashishi, uyalashda turlararo munosabatlar, uyalash muddati va undan foydalanish, uya shakli, o'lchamlari, uyasining joylashishi, uya qurishi, uyaning tarkibiy qismlari va morfometrik o'lchamlari, tuxum qo'yishi va muddati hamda ularni isitish jarayonidagi

nasl g'amxo'rliqi, tuxumda bo'ladigan o'zgarishlar, jo'ja ochishi, jo'jalarining o'lchamlari, o'sishi va rivojlanishi, ko'payishga doir tasvirlar, yangi avlodning uyasi bilan bog'liqligi, tunashiga oid ma'lumotlar, tarixiy yodgorliklar bilan munosabati, oziqlanishi va oziqa xillari kabi biologik xususiyatlari hamda ahamiyati o'rganilgan.

Kalit so'zlar: *Buxoro vohasi, tarixiy obida, musicha, tuxum, avlod, uya, jo'ja, qush, biologiya, ekologiya, areal, agrobiogeotsenoz, morfometrik, usul, oziq-ovqat, ahamiyati, ortishi, hajmi, rivojlanishi, parvarishi, isishi, xulq-atvor reaksiyasi, juft, kaptar, antisaniitariya, tadqiq qilish, uchrashi, tarqalishi, uya qurish, uyasining joylashishi, turlararo munosabatlar, komponent.*

Аннотация. *В статье актуальность темы, распространение малая горлица, особенности встречи и его изучения, продолжительность проведенных исследований и использованные в работе методы, количество найденных гнезд, места гнездования, особенности, отличные от других голубей в условиях Бухарского оазиса, места и количество встреч, пение, парное продуктивное поведение, связанное с размножением, такое как гнездование, количество и расположение гнезд, гнездовые межвидовые отношения, продолжительность гнездования и использование, форма гнезда, размеры, гнездо расположение, конструкция гнезда, компоненты гнезда и морфометрические размеры, продолжительность кладки яиц и уход за расплодом в процессе их нагревания, изменения яиц, вылупление, размер, рост и развитие птенцов, образы размножения, новое поколение, его связь с гнездом, сведения о его ночлеге, связи с историческими памятниками, биологических особенностях, таких как питание и виды пищи, и его значение изученно.*

Ключевые слова: *Оазис Бухары, исторический памятник, малая горлица, яйцо, поколение, гнездо, цыпленок, птица, биология, экология, площадь, агrobiogeоценоз, морфометрический, метод, пища, важность, увеличение, размер, разработка, забота, потепление, поведенческая реакция, пара, голубь, антисанитария, проведение исследований, встреча, рассредоточение, гнездование, расположение гнезд, межвидовые отношения, компонент.*

Abstract. *In the article, the relevance of the topic, the distribution of the laughing dove, the meeting characteristics and its study, the duration of the conducted research and the methods used in the work, the number of nests found, nesting places, signs that differ from other pigeons in the conditions of the Bukhara oasis, the meeting places and number, singing, reproductive behavior such as mating, number and location of nests, nesting interspecific relationships, nesting duration and use, nest shape, dimensions, nest location, nest construction, nest components and morphometric measurements, laying and duration of eggs and brood care in the process of heating them, changes in eggs, hatching, size, growth and development of chicks, reproduction images, biological characteristics and importance of the relationship of the new generation with the nest, information about its overnight stay, relationship with historical monuments, nutrition and types of food studied.*

Keywords: *Oasis of Bukhara, historical monument, laughing dove, egg, generation, nest, chick, bird, biology, ecology, areal, agrobiogeocenosis, morphometric, method, food, importance, increase, size, development, care, heating, behavioral reaction, couple, pigeon, unsanitary, research, meet, spread, build a nest, nesting site, interspecific relations, component.*

Kirish. *Biologik xilma-xillikni muhim tarkibiy qismi hisoblangan qushlar turlarini, jumladan, Musichani areal hududlarida tarqalishi, biologiyasi va ekologiyasini tadqiq qilish, uni agrobiogeotsenozlarga, qishloq, shahar, vohalarga jalb etish, muhofaza qilish chora tadbirlarini aniqlash dolzarbdir.*

Musicha deyarli Yer yuzi bo'ylab jumladan, Buxoro vohasida ham tarqalgan, o'z arealiga ega kaptarsimonlar turkimga mansub, o'troq, sinantrop tur hisoblanadi. Uni o'troq deyishga sabab, yil davomida vohaning barcha ekologik muhitlarida uchratdik. Bu qushni viloyat tumanlari, shaharlari, shaharcha va qishloqlari agrobiogeotsenozlarida uchratish mumkin. Ammo hozirgacha bu qushning biologiyasi kam o'rganilgan yoki tadqiqotchilar tomonidan yig'ilgan materiallar bugungi kunda ancha eskirgan va tegishli xulosalar chiqarish uchun yetarli emas (Zarudniy, 1896; Dal, 1936; Abdusalomov, 1964; Ivanov, 1969; Kashkarov, 1974; Baqoyev, 1994; Xolboyev, 2000). Shuni

e'tiborga olib ushbu maqolada 2006-2022 yillarda musicha bioekologiyasi bo'yicha o'tkazilgan kuzatishlar, to'plangan ma'lumotlarga asoslangan holda fikr, mulohazalarimizni keltiramiz.

Ishni bajarishda G. A. Novikov (1953), A. V. Mixeyev (1984), A. S. Mal'chevskiy (1981) metodlaridan foydalanildi. Musichaning 141 ta uyasi topildi, 81 ta tuxumlari, 52 ta polaponlari o'rganildi. Yana boshqa bir qancha kuzatishlar ham amalga oshirildi.

Buxoro vohasi agrobiogeotsenozlarida musicha biologiyasi va xo'jalik ahamiyatini o'rganish insonlar va musichalar o'zaro munosabatlarini, ularning ahamiyatini, jalb etish yo'llarini, muhofaza qilinishini aniqlashga oid tavsiyalar berish.

Asosiy qism. Buxoro vohasi hududida musichalar odamlar bilan yonma-yon yashaydi, kishilarning ijobiy munosabati sababli ulardan qo'rqmaydi. Shuning uchun bu qush uya qurmagan xonadonni topish qiyin. Bu qush ko'rinishidan ko'k kaptar va qumridan sezilarli, g'urrakdan esa xiyla kichik. Fe'l-atvori ancha murakkab bo'lib, areal chegaralari o'zgarimoqda, bu holatni u uyalaydigan joylarni qumrilar egallab olayotganida, uyalash joylari sifatida yopiq joylarni tanlayotganida, tunash joylarini o'zgartirayotganligida ko'rish mumkin. Musichani boshqa kaptarsimonlardan, ayniqsa qumri, g'urraklardan ajratishda faqat gavdasining bir oz kichikligi emas, balki bo'ynida va qanotining tashqi yuzasida ko'zga tez tashlanadigan yarim halqa shaklidagi qora tasma hamda yorqin naqshlarning yo'qligi ham katta rol o'ynaydi. Shunga qarab ancha uzoqdan ham uni tezda tanib olish mumkin.

Natijalar va muhokamalar. Yil davomida bu qushni Buxoro vohasi qishloq, shaharlarida, yo'l atrofidagi daraxtzorlarda, agrotsenozlarda uchratdik. Musichaning seroblik darajasi (soni) shaharda, qishloqda, agrobiogeotsenozlarda ancha farq qiladi.

Bu qushning sayrashi 4-5 bo'g'inli bo'lib-"kuk-ku-ku-kuuuu" tarzida yilning deyarli barcha oylarida eshitiladi. Faqat sayrayotgan musichalarning seroblighi martdan to avgustgacha ko'proq bo'ladi va sentabrdan to fevralgacha ularning tovushini kamroq eshitish mumkin. Qish qattiq kelgan 2008 yilda esa, musichalarning sayrash rejimi ancha o'zgardi. Qish oylarida ular sayramay qo'ydi. Dastlabki sayrashini fevral oyining uchinchi va mart oyining birinchi (19.02.2009; 14.03.2010; 04.03.2015; 22.02.2018; 11.02.2019; 20.02.2022) o'nkunligida qayd etdik. Uya qurishdan oldin musichalar ham boshqa agrotsenoz qushlaridek juft hosil qiladi. Bu davrda ular bir-birini quvib uchadi, ba'zan tumshuqlarini bir-biriga tekkizishi, "kuk-ku-kuk-ku-kuuuu" deb turiga xos tovush chiqaradi, qanotlarini bir-biriga urib chapak chalgandek tovush chiqarib ufqqa tik ko'tarilib, Yerga tomon tez sho'ng'ishi, xas tashish, biri ikkinchisini ustiga chiqish, qisqa qadamlar bilan taqib qilish, uya qurish, uyada tunab qolish kabi fe'l-atvorni mahorat bilan namoyon etadi.

Turli sharoitlarda uning 141 ta uyasini topib o'rgandik. Shundan tuxumli uyalar 55 ta, bo'sh uyalar 46 ta, jo'jali uyalar 26 ta, tashlab ketilgan uyalar 11 ta, yaxshi qurilmaganligi uchun qulagan uyalar 3 ta. Uyalarini binolarning eshigi peshtoqiga, konditsionerlar ustiga, karnizlarga, ayvonlarga, mol bozorlaridagi naveslarga, darvoza zulfiniga, gaz hisoblagich g'ilofiga, daraxtlar (qaroli, gilos, olma, tuya archa, o'rik, chinor, gujum, olcha, shumtol, gledichiya, virgin archa) ga, tolordagi tok shoxlariga, chopilgan yulg'u shoxlari orasiga, kuzatuv kamerasiga, qarovsiz qoldirilgan tok shitlari ichiga, ochiq qoldirilgan derazalarga, bekatlarga, kuchli ismaydigan chiroqlarga, ishlab turganiga qaramasdan shamol haydovchi uskunalarga, reklama afishalari orasiga joylashtiradi. Boshqa kaptarsimonlardan farqli ravishda turli binolarni uya qurish uchun ko'p tanlaydi. Uya joylarini tanlashda musichaga nisbatan qumri va mayna hamda qishloq qaldirg'ochi kabi turlar raqobatda bo'ladi. Tabiiy sharoitdan kelib chiqib bunday turlararo raqobatda musichalar ba'zan yutqazsa, ba'zan yutadi. Ba'zida musichalar yil oshgan yoki oldin foydalanilgan o'z uyalaridan ham takror foydalanadi. Uyani qurishda ikkala jins musichalar ishtirok etadi. Qurilish muddati ba'zan bahorning kelish vaqtiga, ob-havoga, jumladan, haroratga bog'liq holda uchkundan o'nkungacha, o'rtacha to'rt-olti kun vaqt talab etadi. Musichalar uyasini qurishda asosan 100 metr radiusda tevarak-atrofdagi o'simliklarning turli qismlaridan, kamdan-kam hollarda ingichka, rangli simlardan (5 ta uyada) ham foydalanadi. Uya ko'rinishi jihatidan ancha yassiligi, g'ovakligi, uya materiallarining ko'p bo'lmasligi va ingichka rangli simlardan foydalanilishi, insonlarga yaqin nuqtalarda joylashtirilishi bilan xarakterlanadi. Uyasi aniq shaklga ega emas, ya'ni yarim likopchasimon, ovalsimon, cho'ziq shaklli bo'ladi. Ba'zan pastdan turib uyadagi tuxumlarni kuzatish mumkin. Qush uyalarini

daraxtlarga joylashtirishda nuqul poyalarning shohlangan joylarini, yoxud yon shoxlarni uchki qismlarini tanlaydi. Musicha uyasini qurishda turli o'simliklarning vegetativ va generativ qismlaridan hamda juda kam miqdorda antropogen ashyolardan foydalanadi. Musicha uyasining tarkibiy qismlariga oid ma'lumotlar quyida 1-jadvalda keltirilgan

1-jadval

Musicha uyasining tarkibiy qismlariga oid ma'lumotlar

Tarkibiy qismlar	Uyalar				O'rtacha vazni, g
	1	2	3	4	
Yulg'un	2,7000	-	3,8000	5,0000	2,8750
Sho'ra tana qismlari	1,3000	13,1000	1,8000	3,0000	4,8000
Tok gajjaklari	0,7000	-	-	1,5000	0,5500
Supurgi	0,5000	-	0,3000	-	0,2000
Yantoq	0,6000	-	0,9000	-	0,3750
Tukli chitir	3,1000	-	-	-	0,7750
Yovvoyi supurgi	0,2500	-	0,1000	0,7000	0,2625
Radio simlari	0,2500	-	-	-	0,0625
Musicha axlati	-	2,3000	1,7000	40,3000	11,0750
Musich parlari	-	0,3000	0,3000	-	0,1500
Ajriq	-	0,1000	-	0,8000	0,2250
Olma tana qismlari	-	0,0500	-	0,3000	0,0875
Shuvoq	-	2,0000	-	-	0,5000
Qo'ypechak	-	0,1000	-	-	0,0250
Salomalaykum	-	0,1000	-	-	0,0250
Beda tana qismlari	-	-	0,4000	2,9000	0,8250
Jag'-jag'	-	-	0,1000	1,1000	0,3000
Boshqa o'simliklar	-	-	0,5000	7,1000	1,9000
Bulg'or qalampiri tana qismlari	-	-	-	1,5000	0,3750
Shivit	-	-	-	0,1000	0,0250
Qamish	-	-	-	0,3000	0,0750
Qatim, makkajo'xori, bug'doy doni	-	-	-	0,4000	0,1000
Jami	9,4000	18,0500	9,9000	65,0000	25,5875

Izoh: Musicha uyasi tarkibida 1-jadvalda keltirilgan komponentlardan tashqari har xil xaslar, madaniy o'simliklarning ildizlari, tol tanasi, bug'doy poyasi, gilos shoxchasi, kurmak tana qismlari, doka, sintetik iplar, uchraydi.

Musicha uyasining xom-ashyosi va o'lchamlari ekologo-geografik sharoitga hamda mavsumga, uyalash muddatiga bog'liq holda o'zgaruvchan bo'ladi. Musicha uyasining morfometrik o'lchamlari: chuqurligi (n=33) 51,9 (26,0-290,0) mm., uzunligi (n=2) 170,0 (170,0) mm., bo'yi (n=4) 175,0 (140,0-230,0) mm., tubining eni (n=3) 93,8 (61,3-110,0) mm., eni (n=32 x 28) 132,3 x 163,8 (17,7-223,0 x 20,0-300,0) mm., uya devorining qalinligi (n=2) 41,8 (27,6-56,0) mm., uya devorining balandligi (n=1) 18,2 mm., vazni (n=13) 60,8 (23,5-139,8) g. Yuqoridagi ma'lumotlarga ko'ra uya o'lchamlarida ham mahalliy, ham individual o'zgaruvchanlik borligi bilinadi.

Uya qurilishi tugagach, unga oq rangli tuxumlar qo'yadi. Tuxumlar bir holatda har kuni bittadan, ikkinchi holatda bir kun tanaffus bilan qo'yilar ekan. Uyadagi jami tuxumlar soni ikkitaga teng bo'ladi. Musicha tuxumlari morfometriyasi quyidagicha: tuxumning uzun (n=63) ligi 27,1 (24,5-29,5) mm., eni (n=62) 21,4 (19,3-22,2) mm., uchki eni (n=59) 15,5 (11,8-17,1) mm., tubining eni (n=59) 17,2 (12,6-18,6) mm., vazni (n=81) 6,2 (4,8-7,7) g. Tuxumlarni bosish, isitishda musicha oilasi ishtirok qilsada, oiladagi urg'ochi individning faolligi sezilib turadi. Tuxumlarni kuzatish, o'lchash vaqti ona musicha shishib, dumidagi patlarni yelpig'ichdek yozib gavda hajmini katta ko'rsatishga, qanotlari bilan urib, gavda orqasiga qanotlari kapalak qanotlaridek taxlanib, juda yaqinlashganda sekinlik bilan joyini o'zgartirib, cho'qishga urunib, diskonfort tovush chiqarib qarshilik qiladi. Tuxum bosayotgan musicha tana o'lchamlari quyidagicha: tumshug'ining uzunligi 18,5 mm., tumshug'ining asosdan uzunligi 18,9 mm., burun teshigidan uzunligi 8,7 mm., tumshug'ining balandligi 5,0 mm., qanotining uzunligi 102,0 mm., ikkita qanotining yoyiq holdagi uzunligi 347,0 mm., tana uzunligi 188,0 mm., ilik suyagi uzunligi 20,8 mm., dumini uzunligi 70,0 mm., vazni 85,9 g. Erkagi esa, uyadan 11,0 metr uzoqlikda juftini muhofaza qilib, uni atrofdagi

vaziyat bilan bog'lab turadi. Quyosh botgach uyaga yaqin keladi. Tuxumlarni bosish davrida urg'ochi musicha (n=48) odamni o'ziga 1,922 (0,0-10,0) metrgacha yaqin kelishga, hatto qo'l tekkizishga, uni suratga tushirish uchun ham imkoniyat beradi. Bu hol musichaning avlodiga bo'lgan g'amxo'rligini kuchliligini ko'rsatadi. Tuxum bosish jarayoni 13-14 kun davom etadi. Shu davrning 12-13 kunlarida tuxum po'choqlarida darz ketish holatlari ko'zga tashlanadi. Bu hodisa tuxumlardan jo'jalar chiqishi uchun harakatlanayotganligini bildiradi. Tuxum bosish davrida tuxumlarni vazni har kuni sezilarli kamayib boradi. Tuxumdan chiqqan jo'ja tez o'sib rivojlanadi, vazni ortib boradi. Jo'jalarning ko'rinishi, qiyofasi, rangi o'zgarib boradi. Dastlab ularning tumshug'i uchi, tirnoqlari oq tusda bo'ladi. Tanasi yuzasida sariq va tiniq sariq embrion puxlari bo'lib, ayrim joylari: ko'zlari, quloqlarining atrofida, tumshug'i, oyoq panjalari, bo'yning pasti, qorin qismi bo'ylab patsiz joylari ham bor. Jo'jalarning ko'zlari ojiz, quloq teshiklari yopiq bo'ladi. Ular tuxumidan chiqqandan keyin 72,0-96,0 soatligida ko'z, quloq atroflarida qoramtir tusli patchalarning murtagi, qanoti, dumida ham pat o'siqlari namoyon bo'ladi. Keyinroq 3-4 kunligida eshitish yo'llari, ko'zlari ochiladi. Jo'jalar tashqi ta'sirlarga javob bera boshlaydi, ya'ni xurpayish, axlat tashlash, titrash, o'zini orqaga tashlab pisish, tumshuqlarini bir-biriga urib qirs-qirs ovoz chiqarish, uchishga va cho'qishga urinish, panjasini qisish, tez yurib qochishga urinish, tez-tez nafas olish, uyadagi xaslarni changallash, bosh, oyoq panjalarini, tumshuqni harakatga keltira oladi. Endi qanotidagi qoquv patlarining, dum patlarining uchi yorilib, eshilib mo'yqalamni eslatuvchi tutamlar hosil bo'la boradi. Tumshuq, tirnoqlarining rangi qo'ng'ir tus oladi, quyuqlasha boradi. Jo'jalar qanotlarini sekin yozib, boshini tik saqlaydi, tez-tez nafas oladi. Hayotining yetti-sakkiz kunlariga kelib, jo'jalarning dum patlarining ikki chetidan oq rangli patlar chiqadi. Qanoti, dumidagi pat yelpig'ichi kattalashib boradi. Tanasining yuzasi bo'ylab kontur patlar yaxshi rivojlanganligi bois, tana patlar bilan yaxshi qoplanadi, o'n-o'nikki kunligida ular hali ham ucha olmaydi. Ammo, ancha harakatchan bo'ladi. Keyinroq jo'jalar 14-15 kunlik bo'lganda ota-onalariga o'xshab qoladi, uyadan uchib chiqishga harakat qiladi. Biroq, yana uch-to'rt kun ular uyada ota-onalari panojida bo'ladi. Shundan keyin uyani tark etishadi. Quyida musichaning ko'payish sikliga doir tasvirlar keltirilgan

MUSICHA / МАТАЯ ГОРНИЦА / STREPTOPELLA SENEGALENSIS LINNAEUS, 1766
BUXORO VILOYATI
B. N. DONIYOROV © 25. 06. 2008



Musicha oilasi

MUSICHA / МАТАЯ ГОРНИЦА / STREPTOPELLA SENEGALENSIS LINNAEUS, 1766
BUXORO VILOYATI
B. N. DONIYOROV © 13. 05. 2009



Tuxum qo'yishga tayyor uya

MUSICHA / МАТАЯ ГОРНИЦА / STREPTOPELLA SENEGALENSIS LINNAEUS, 1766
BUXORO VILOYATI
B. N. DONIYOROV © 14. 03. 2009



Uyaga qo'yilgan birinchi va ikkinchi tuxumlar



Tuxumlarini bosib, isitayotgan Musicha



Tuxum bosishdagi g'amxo'rlik



Tuxumdan jish jo'ja chiqish oldi harakatlari



Tuxumdan chiqqan birinchi jish jo'ja



Jo'jalarning uyada joylashishi



Musicha jish jo'jasining umumiy ko'rinishi



Bir haftalik musicha jo'jalari



O'n kunlik musicha jo'jalari



O'n ikki kunlik musicha jo'jasi



O'n bech kunlik musicha jo'jasi



Voyaga yetgan Musichaning umumiy ko'rinishi



Oziqlanish jarayonidagi Mayna va Musicha turlararo kurashi



Tunash uchun qishloq qaldirg'ochi uyasini egallagan Musicha



Qishloq qaldirg'ochini taqib qilayotgan Musicha
Musichaning ko'payish sikliga doir tasvirlar

Lekin yana bir necha kun qush bolalari uyasi bog'liq bo'ladi, dam oladi, tunaydi va h.k. Shunday qilib, Buxoro viloyatida musichaning tuxumli uyalarini martning ikkinchi o'n kunligidan boshlab to noyabrgacha uchratish mumkin. Ob-havo bilan bog'liq holda ular ba'zan kuz faslida ham yoxud erta bahorda ham urchish harakatlarini namoyon etadilar. Iyunning oxiri iyulning boshi bilan musichalarning yangi avlodlari 5 tadan 9 tagacha individdan iborat guruhlarini hosil qiladi. Musichalar asosan 2-5 tadan tunaydi. Tunashda daraxtlarning soni va shoxlanishini, qushning gavda o'lchami, fe'l-atvor, joyning tabiiy xususiyati, oziqa borligi ahamiyatli bo'lib, go'ng qarg'a, ola qarg'a, oddiy mayna, zag'izg'on, qorashaqshaq, qumri, dalachumchuq, oddiy chug'urchuq, ko'k chittak, oddiy zog'cha kabi qushlar kechdan to tonggacha musichaga qo'shni bo'ladi. Bunda go'ng qarg'a, oddiy mayna ko'p sonda bo'lib, kuchli shovqinga ham sababchi bo'ladi.

Xulosa. Musichalar asosan donxo'r qush. Ammo, yilning mavsumlarida ularning ozuqa spektri va joyi o'zgarishi mumkin. Chunonchi, bahor, yozda bug'doy, makkajo'xori, begona o'simliklarning urug'lari, qisman hasharotlar bilan oziqlanadi. Kuz va qishda ular oziq-ovqat qoldiq (tort, somsa, non, semechka, mayiz, yong'oq, mandarin, uzum va uning tagasi, jiyda mevasi, makaron, pista, donasho'rak, har-xil ziravorlar, yeryong'oq, xurmo, olma, banan, pishgan makka so'tasi) lari, perlovka, qo'ypechak, piyoz, grechka, issiriq, madaniy supurgi, gledichiya, ligustrum, virgin va tuya archasi urug'lari bilan oziqlanib, g'o'za, bug'doy, makkajo'xori, loviya, mosh, no'xat, tariq, sholi, kungaboqar, javdar, uzum, olma, o'rik, behi, yeryong'oq ekilgan dalalar, bozorlar, qabristonlar, molxonalar, qarg'alar tunash joyidagi qusqilarni titkilaydi, aholi turarjoylari, chiqindixonalar, ko'chatxonalardan don-dun topib yeydi. Qattiq oziqalarni iste'mol jarayonini yaxshilash uchun ba'zan tosh, shisha, temir parchalarini yutadi. Oziqlanishda ko'k kaptar, qumri, dala chumchuq, oddiy mayna, oddiy chug'urchuq, ko'k chittak, bedana, qirg'ovul, yurok, qizilto'sh, oddiy ko'k chumchuq, oddiy zog'cha, olaqarg'a, zag'izg'on, xonaki parrandalar, chorva mollari va kam holatlarda ko'lbalig'chi, yilqichi, qiziloyoq, so'fito'rgay, musicha atrofida borligi qayd qilindi. Musicha madaniy o'simliklarning donlari, maysalari bilan oziqlanib, bozorlarda oziq-ovqat sotiladigan rastalar atrofida, istirohat bog'laridagi o'tirg'ichlar ustida, xonadonlarda uchrab, ba'zan antisanitariya bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqaradi. Tarixiy yodgorliklarimizdan tunash, ko'payish uchun foydalanishi ularning yemirilishiga sababchi bo'ladi. Tanasida ektoparazitlarni tashishi ularni tarqalishiga sababchi bo'ladi. Xonaki parranda va chorva mollari oziqasiga sherik bo'ladi. Chiqindilar, oziq-ovqat qoldiqlari bilan oziqlanib, sanitarlik vazifasini ham bajaradi. Oziq zanjirida trofik daraja sifatida ahamiyatga ega. Jo'ja boqish davrida "zararkunanda"lar bilan oziqlanib, qishloq xo'jaligiga foyda keltiradi. Axlati fosforga boy bo'lib, tuproqqa aralashib unumdorlikka ta'sir etadi. Uya qurishda begona o'tlarning tana qismlaridan foydalanib, ularni tarqalishini chegaralaydi. Keyingi vaqtlarda daraxtlarga rejasiz shakl berish, ularni kesish, bolalar, daydi mushiklar hamda zag'izg'on tomonidan musicha soniga ta'sir bo'lmoqda. Musichaning ko'rinishi va sayrashi o'ziga xos bo'lib, agrobiogeotsenozda o'z o'rniga ega. Shuning uchun uni muhofaza qilish, noqulay ob-havoli sharoitlarda ularga ovqatlanish joylarini yaratish, oziqlantirish

maqsadga muvofiq. Yuqorida qayd qilingan xususiyatlari bilan turli statsiyalarda inson ekologiyasida ijobiy rol o'ynaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Бакаев С. Б., Салимов Х. В. Гнездование некоторых видов птиц в низовьях р. Зарафшана.//Редкие и малоизученные птицы Средней Азии. Мат-ы III Респуб. орнитол. конф. Ташкент, "Фан", 1990. С. 99-101.
2. Михеев А. В. Определитель птичьих гнезд. М., 1975. С. 171.
3. Мальчевский А. С. Гнездовая жизнь певчих птиц. Л., Изд., ЛГУ, 1959. С. 281.
4. Новиков Г. А. Полевые исследования экологии наземных позвоночных животных. М., 1949. С. 247-289.
5. Дониёров Б. Н., Жумабоев Б. Е. Мусича (*Streptopelia senegalensis*. L.) ning biologiyasi va ekologiyasiga doir ma'lumotlar//Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг XXVI илмий-амалий конференция материаллари тўплами III қисм.-Навоий, 2011. -Б. 167-169.
6. Doniyorov B. N. Musicha (*Streptopelia senegalensis* Linnaeus) ning biologiyasi va ekologiyasiga doir ma'lumotlar (Buxoro viloyati misolida)//Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti.-Buxoro, 2015. №3. -B. 49-52.
7. Doniyorov B. N. Buxoroda uchrovchi qushlarning shahardagi milliy-madaniy yodgorliklarga ta'siri//Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. -Buxoro, 2016. №4. B. 42-46.
8. Doniyorov B. N. Buxoro shahri sharoitida uya qiluvchi qushlar//Актуальные научные исследования в современном мире Сборник научных трудов.- Переяслав-Хмельницкий, 2016. №3. -С. 10-18.
9. Doniyorov B. N., Elliyeva L. Sh. Musicha (*Streptopelia senegalensis*) ning bioekologiyasi (Buxoro viloyati misolida)//Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг "Соғлом она ва бола йили" га бағишланган анъанавий 60-илмий-назарий анжуман тўплами. - Бухоро, 2016. -Б. 101-104.
10. Doniyorov B. N. Turizm sohasida ahamiyatli Buxoro viloyati agrotsenozlaridagi manzarali va sayroqi qushlar//«Ипак ва зираворлар» фестивали даврида 2018 йил 26 май куни Бухоро шаҳрида «Бухоро вилоятининг туристик ва инвестицион салоҳияти» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. -Бухоро, 2018. -Б. 169-173.
11. Бакаев С. Б. "Птицы антропогенных ландшафтов аридной зоны Узбекистана"//Автореф. Док. Диссер. -Ташкент, 1994. -С. 81-101.

UO'K 633.3:58.522.4

BUNIMUM L. TURKUMI TURLARINING XO'JALIKDAGI AHAMIYATI VA DORIVORLIK XUSUSIYATLARI

Sh.O.Doniyorova, magistr, Jizzax davlat pedagogika universiteti, Jizzax
M.A.Xalquziyeva, PhD, Jizzax politexnika instituti, Jizzax

Annotatsiya. Maqolada *Bunium L. turkumi turlarining xalq xo'jaligida va tabobatdagi ahamiyati hamda dorivorlik xususiyatlari haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *Bunium L, zira, efir moyi, meteorizm, gastrit, damlama, urug', O'rta Osiyo.*

Аннотация. В статье представлены сведения о значении видов *Bunium L.* в народном хозяйстве и медицине, а также о лечебных свойствах.

Ключевые слова: *Bunium, тмин, эфирное масло, метеоризм, гастрит, настойка, семена, Средняя Азия.*

Abstract. The article presents information about the importance of *Bunium L.* species in the national economy and medicine, as well as medicinal properties.

Keywords: *Bunium, cumin, essential oil, flatulence, gastritis, tincture, seed, Central Asia.*

Respublikamizda shifobaxsh o'simliklar orasida Ziradoshlar (*Apiaceae L.*) oilasi vakillari alohida o'rinni egallaydi. Bu oila ichida *Bunium L. turkumi* vakillari muhim ahamiyatga ega bo'lib, bu turkumga 45 dan 50 gacha tur kiradi. *Bunium persicum* (Boiss.) B. Fedtsch *Apiaceae* oilasiga mansub o'simlik sifatida Osiyoning Markaziy Osiyo, Eron, Pokiston, Afg'oniston va Hindiston kabi turli mintaqalarida o'sadi. [10]

Bu o'simlik muhim dorivor, mikroblarga qarshi va antioksidant xususiyatlarga ega, bu uning tibbiyot va oziq-ovqat sanoatida foydalanish uchun yuqori salohiyatidan dalolat beradi.

Zira juda qadim zamonlardan beri O'rta Osiyo va Sharq xalqlarining sevib iste'mol qiladigan ziravor o'simliklaridan hisoblanadi.

K.Maxmudov "O'zbek taomlari" degan kitobida zirani 250 xil ovqatga ishlatish mumkinligi to'g'risida yozadi. Haqiqatdan ham mahalliy xalqlar o'zlarining sevimli taomlari: palov, qovurdoq, kabob, shovla, qazi, hasip va mastava kabi taomlarni tayyorlashda zira urug'ini juda qadimdan

ishlatib kelganlar. Abu Ali ibn Sino zirani oshqozon, ichak, jigar va siydik yo'llari kasalliklarini davolashda dori- darmon sifatida foydalangan. Zira urug'ining o'ziga xos xushboyligi va dori-darmonlik xususiyati uning tarkibidagi efir moyiga bog'liqdir. Zira urug'ining tarkibida 2.75-3 %, barglarida 12 % to'q sariq- qizg'ish rangli efir moylari bo'ladi. So'nggi paytlarda O'zbekiston bozorlarida zira urug'i sotuvchi kishilarning soni juda ko'payib ketdi. Ular ziravorlarni payhon qilmoqdalar, o'simlikning rivojlanishiga va ko'payishiga zarar yetkazmoqdalar. Natijada zirazorlarning kamayib ketish hollari kuzatilmoqda. Shu sababli qimmatbaxo zira o'simligini muhofaza qilish ishiga alohida e'tibor berish kerak.[7]

Ziraning xalq tabobatida mevasi ishlatiladi. Mevalari yetilganda o'simlik o'rib olinadi, bog'lab xirmonda biroz quritiladi. So'ngra uni yanchib, mevasi shamolda sovuriladi va tozalab olinadi. Zira mevasi milliy taomlarga ziravor sifatida qo'laniladi. Mevasi tarkibida 3% gacha efir moyi, 13,6% yog', oqsil va boshqa moddalar bor. Efir moyi karen, simol, terpinolen, karvon, linalool, karvakrol va boshqa terpenoidlardan tarkib topgan.

Xalq tabobatida zira qadimdan ishtaha ochuvchi, sog'likni yaxshilovchi, yaralami davolovchi vosita sifatida hamda gastrit kasalliklarida ishlatib kelinadi. Ibn Sino ham o'z vaqtida zirani shu maqsadlar uchun qo'llagan. Mevasining kukuni qorin og'rig'ini qoldirish, taloq (qora jigar) shishini yo'qotish, mevasining sirkadagi damlamasi esa burundan qon oqishini to'xtatish uchun ishlatiladi. Qovurilgan mevasi siydik haydovchi vosita sifatida qo'llaniladi.[6]

Ziraning eng xushbo'y hidlisi, turli maqsadlar uchun ko'proq ishlatiladigan va xalqimiz tomonidan juda qadrlanadigan turi *Bunium bersicum*dir.

Zira urug'idan go'shtli, baliqli, pomidor va bodring konservalarini tayyorlashda, qazi, hasib hamda kolbasa tayyorlash uchun oziq ovqat sanoatida foydalanishni yanada keng yo'lga qo'yish mumkin. U go'shtni hidlanishdan ma'lum vaqtgacha saqlab turishda tabiiy sovutgich vazifasini o'taydi. U turli meva qo'qilarini buzilishdan saqlaydi. Umuman, zira urug'idan turli taomlar tayyorlashda ziravor sifatida ko'p foydalaniladi. Ma'lumotlarga ko'ra ziradan 250 xildagi taom tayyorlashda foydalanish mumkin ekan.

Xalq tabobatida zira urug'i siydik haydovcho vosita tariqasida, tolqonidan tayyorlangan surtgi dori bilan yaralarni davolaydilar. Abu Ali ibn Sino zirani oshqozon, ichak, jigar va siydik yo'llari kasalliklarini davolashda dori- darmon o'rnida ishlatgan.[8]

Bunium L. turlari bilan bog'liq bir qancha farmakologik faoliyat mavjud, ayniqsa antioksidant, antibakterial va antifungal xususiyatlar. [11]

Moyli ekinlar orasida efir moyli ekinlar ajralib turadi. Bu ekinlarning tarkibida (urug'ida, mevasida, bargida, poyasida) 5 -7 % efir moyi bo'ladi. Bu guruhning asosiy vakillari: arpabodiyin, kashnich, qora zira, yalpiz, oq ziradir.

Efir moyli ekinlar tabobatda, parfyumeriya va oziq ovqatda qo'llaniladi. Chiqindisi chorva mollariga yuqori sifatli oziq bo'lib hisoblanadi.[9]

Xalq tabobatida ziraning foydalari haqida buyuk bobokalonimiz Ibn Sino shunday degan: "Unda qizdiruvchi kuch bo'lib, yellarni haydaydi va tarqatadi. Suv bilan aralashtirilganini ichilsa, nafas olish qiyinlashganda yordam beradi. Jolinusning aytishicha, "tikka nafas olishga", hamda sovuqdan bo'lgan xafaqonga foyda qiladi." [1]

Shuningdek, ziraning oshqozon gastriti, sariq kasal, ishtahani ochishda, uyqusizlikda, kishilar quvvatini oshirishda juda ham katta foydasi bor.

Zira - ishtahani yaxshilash uchun hamda oshqozondagi sanchiq, o't pufagi va jigardagi og'riqlar, shuningdek, yo'talga qarshi foydali tabiiy vositadir.

Tarkibidagi shifobaxsh ta'sir etadigan moddalar: zira tarkibi 3-7 % efir moyidan, 12-22 yog'li moydan, shuningdek, kversetin va kempferol deb nomlanuvchi flavonoidlar, kumarinlar, umbelliferon, skopoletin va boshqa moddalardan iborat. Bundan tashqari unda oqsil 10-23 % va xushbo'y moddalar ham borligi aniqlangan.

Zira - mavjud bo'lgan barcha davolash vositalaridan eng yaxshi karminativ (meteorizmga – qorin dam bo'lishiga qarshi) foyda beruvchi tabiiy o'simlik moddasidir. Shu sababdan ham u tabobatda ta'sirchan tabiiy davolash vositasi sifatida mustahkam o'rin olgan. Zirani ko'plab dori-

darmonlar tarkibida uchratish mumkin, lekin uni ko'pincha hech qanday boshqa narsa qo'shmasdan choy sifatida damlab ichish tavsiya etiladi.

Hozirgi zamon shifokorlari ham zira haqida ijobiy baho berib, haddan tashqari to'ralikda, meteorizm (qorin dam bo'lishi)da, oshqozon-ichak yo'llaridagi yengil xastaliklarda, yurak kasalliklarida va emizikli bolalarda ovqat hazm qilish jarayoni buzilganida zirani muayyan tarzda iste'mol qilish nihoyatda foydali ekanini ta'kidlashadi.

Zirali choy: to'la 1 choy qoshiq yanchilgan zira ustidan 1/4 litr qaynab turgan suv quyiladi va 10 minutdan so'ng dokadan o'tkazib olinadi. Ziradan damlangan bunday choyni iliq holatda oz-oz ho'plab ichish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu choy oshqozon hazm yo'llarining dam bo'lishi va ichaklar siqilib qolishini bartaraf etadi.

Shifobaxsh damlama 1-5 g yanchilgan zira ustidan 100 ml qaynab turgan suv quyiladi, 10-15 minut tindiriladi. Tayyorlangan damlamani 2-3 ga bo'lib ovqatlanishdan oldin ichiladi.

Xalq tabobatida oshqozon xastaliklarini davolashda hamda ishtahani ochishda, sanchiqlarni bartaraf etishda, o't pufagi va jigar kasalliklarida, shuningdek, yo'talni davolashda foydali tabiiy vosita sifatida zira juda ham qadrlanadi. Yuqorida qayd etilganidek, undan choy damlab ichiladi, zirani o'zini chaynaladi yoki pichoqni uchiga ilingancha yanchilgan zirani iste'mol qilinadi.

Zira tinchlantiruvchi va yel haydovchi vosita bo'lgani sababli, bunday holatda bolalarga shifokor belgilagan tartibda beriladi. Xalq tabobati mutaxassisleri e'tirof etishicha, o'smir qizlarda og'riqli hayz jarayonida zirali choydan foydaliroq boshqa vosita yo'q. Tish va bosh og'rig'ida plitada ehtiyotkorona biroz qizdirilgan xaltachadagi zirani og'riyotgan joyga bosib og'riqni qoldirish xalqimiz orasida keng tarqalgan tabiiy vositadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ibn Sino, Tib qonunlari, 2-jild, 1956. 325-326 b.
2. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (Ретроспективный анализ за 1988-2007 гг.): - Ташкент, 2008. – 298 с.
3. Холматов Х.Х., Хабибов З.Х. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари - Тошкент, 1976. - 144 б.
4. Курмиков А.Г., Белолитов И.В. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. – Ташкент: Extremum Press, 2012. – 278 с.
5. Холматов Х.Х., Ахмедов У.А. Фармакогнозия. – Тошкент: Ибн-Сино, 1995. – 525 б.
6. Berdiyev E.T., Hakimova M.X., Mahmudova G.B. O'rmon dorivor o'simliklari (o'quv qo'llanma). - T.: "Sano-standart" nashriyoti, 2016.-276 bet.
7. Хайдаров Қ., Хожиматов Қ., Ўзбекистон ўсимликлари: Ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун қўлл.- 2- қайта ишланган ва тўлдирилган нашри.- Т.: "Ўқитувчи" 1992- 248 б.
8. Хожиматов Қ., Ўзбекистоннинг зиравор ўсимликлари (Маъсул мухаррир П.Қ. Зокиров).Т."Фан" 1982, 48 б.
9. Atabayeva X.N., Xudayqulov J.B. O'simlikshunoslik. -T .: "Fan va texnologiya", 2018, 408 bet.
10. Hassan Hassan zadazar, Hassan Hassan zadazarBorzoo, TaamiBorzoo TaamiMajid AminzareMajid, AminzareS. Daneshamooz. Bunium persicum (Boiss.) B. Fedtsch: An overview on Phytochemistry, Therapeutic uses and its application in the food industry// Journal of Applied Pharmaceutical Science. 8(10):150-158 DOI: 10.7324/JAPS.2018.81019.
11. Mohammadhosseini, M, Frezza, C, Venditti, A and Sarker, SD A systematic review on phytochemistry, ethnobotany and biological activities of the genus Bunium L. Chemistry & Biodiversity 18(11) DOI: 10.1002/cbdv.202100317

UDC 573

THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL POLLUTION ON THE ENTOMOFAUNA OF SOILS (ON THE EXAMPLE OF THE CITY OF KUVASAI)

B.A.Khalilova, lecturer, Ferghana State University, Ferghana

Annotasiya. Ushbu maqolada tabiiy resurslardan intensiv foydalanish, ekologik xavfli biotexnologiyalardan foydalanish, unda tabiiy siklga kirmaydigan moddalar ishlab chiqarishdan foydalanish, ekologik xavfli biotexnologiyalardan foydalanish mumkin emas. Kimyoviy moddalarning atrof-muhitga ta'siri va kimyoviy moddalarning atrof-muhitga ta'sirini kamaytirish choralari to'g'risida. Inson hayotining maksimal ruxsat etilgan sharoitlariga rioya qilish.

Kalit so'zlar: Butun moddiy mavjudot, o'ziga xos jihatlar, antropogen xavflar, energiya manbalari, texnosfera, texnogen omillar, tabiiy resurslar.

Аннотация. В данной статье рассматриваются интенсивное использование природных ресурсов, использование экологически опасных биотехнологий продукции, в которой невозможно использование производства веществ, не попадающих в состав природного круговорота, использование экологически опасных биотехнологий. Влияние химических веществ на окружающую среду и о мерах по снижению воздействия химических веществ на окружающую среду. Соблюдение предельно допустимых условий жизнедеятельности человека.

Ключевые слова. Целое материальное существо, специфические аспекты, антропогенные опасности, источники энергии, техносфера, техногенные факторы, природных ресурсов.

Abstract. This article discusses the intensive use of natural resources, the use of environmentally hazardous biotechnologies of products in which it is impossible to use the production of substances that do not fall into the natural cycle, the use of environmentally hazardous biotechnologies. The impact of chemicals on the environment and measures to reduce the impact of chemicals on the environment. Compliance with the maximum permissible conditions of human activity.

Keywords. Integral material being, specific aspects, anthropogenic hazards, energy sources, technosphere, technogenic factors, natural resources.

A person and his environment in the process of life constantly interact with each other. It should be borne in mind that the division of the environment into industrial, domestic and natural spheres is very conditional. The same factor, depending on specific conditions, can be domestic, natural or industrial. The result of human interaction with the environment can vary very widely: from positive to catastrophic, accompanied by the death of people and the destruction of habitat components.

Today we must face the question of measures to reduce the impact of chemicals on the environment. Nature is a source that satisfies the material and spiritual needs of people. Nature is an integral material being. Nature and society form two parts of a holistic being, closely related to each other. In addition to the general characteristics of humans and the environment, there are also specific aspects Everything necessary for human habitation - food, clothing, building materials, etc. - is extracted from nature.

Uzbekistan has also entered the new millennium among many developed countries with a number of socio-economic demographic and environmental problems on a global scale. All living and inanimate things can be a source of danger, and all living and inanimate things can also be in danger. Hazards do not have a selective property, when they occur, they negatively affect the entire material environment surrounding them. A person, the natural environment, and material values are exposed to the influence of hazards. The sources or carriers of hazards are natural processes and phenomena, man-made environment and human actions. Dangers are realized in the form of flows of energy, matter and information, they exist in space and in time. All living and inanimate things can be a source of danger, and all living and inanimate things can also be in danger. Hazards do not have a selective property, when they occur, they negatively affect the entire material environment surrounding them. A person, the natural environment, and material values are exposed to the influence of hazards. The sources or carriers of hazards are natural processes and phenomena, man-made environment and human actions. Dangers are realized in the form of flows of energy, matter and information; they exist in space and in time. Unfortunately, the negative impact on humans and the environment is not limited to natural hazards. A person, solving the tasks of his material support, continuously affects the habitat with his activities and products of activity (technical means, industrial and household waste, etc.), generating anthropogenic hazards in the habitat. The more active the transformative activity of a person, the higher the level and number of anthropogenic hazards affecting both the environment and the person himself. Despite the fact that negative factors affecting a person are present in all spheres of his life, the main one, from the point of view of the presence of dangerous and harmful factors, is the sphere of production.[1]

Among the man-made changes in the environment in which organisms live, its pollution by industrial and household waste leads to much more destructive complications. Territorial and local currents arise in the biosphere and a cycle of chemical compounds is formed. The identification of the composition of outgoing waste from industrial enterprises, the study of their harmful aspects and the development of optimal methods of waste disposal, as well as the prospects for their rational use have become one of the topical issues. Our goal was to study the effect of chemical waste on the soil as well as the effect on the entomofauna of the soils of the territories of industrial zones near the city of Kuvasai.

A number of large industrial enterprises operate in the Ferghana region, an example of which is the Ferghana Oil Refinery, JSC "Farg'onaazot" in the city of Fergana and JSC "Kuvacyment" in the city of Kuvasay.

The main activity of JSC "Kuvacyment" is the production of Portland cement M-400 D 0 and with a mineral additive M - 400 D 20, sulfate-resistant Portland cement M - 400 TO; M - 400 D 10 and M - 500, grouting Portland cement, gypsum binder, lime binder, corrugated asbestos cement sheets, ceramic tiles.

These enterprises are the leading and largest suppliers of construction materials, fuels and lubricants, fertilizers and other high-quality chemical products to the market of Uzbekistan and the Central Asian region, improving the quality of products, providing advanced production technology. The above-mentioned industrial enterprises not only produce products, but also emit waste into the environment, which has a negative impact on nature and the amount of waste released into the environment increases every year.

It is known that chemical industry enterprises produce various chemicals, namely acids, alkalis, salts, mineral fertilizers, polymers, synthetic fibers and other types of products. The chemical industry is divided into several sectors depending on the product produced, the raw materials used, as well as technological processes. A distinctive feature of the chemical industry is that the enterprises of this sphere work in inseparable connection with each other.[2,3]

Chemical waste pollution affects the fauna and microfauna of the soil, the number of ticks and wingless insects decreases, as well as their migration from areas of strong impact. For example, the number of insects within a radius of 3 kilometers of industrial zones is much less than 6-7 kilometers, and the further we move away from man-made zones, the more diverse the entomofauna. Soil organisms are necessary for the decomposition of soil organic matter, any decrease in diversity or abundance can negatively affect the ability of plants to absorb nutrients from the soil. Technogenic hazards exist if the daily flows of matter, energy and information in the technosphere exceed the threshold values. Hazards arise in the presence of defects and other malfunctions in technical systems, in case of improper use of technical systems, as well as due to the presence of waste accompanying the operation of technical systems.

Intensive use of natural resources, the use of environmentally hazardous biotechnologies of products in which it is impossible to use the production of substances that do not fall into the natural cycle, the use of environmentally hazardous biotechnologies has led to a violation of the balance between energy sources and the state of the environment in human activity. Man-made hazards worsen human health, lead to material losses and degradation of flora and fauna.[4,5]

Protection of soils and organisms living in it from chemical influences is achieved by increasing the distance between the source of danger and the object of protection, the use of protective measures. A wide and growing range of man-made hazards, the absence of natural mechanisms of protection against them, all this requires the acquisition of human skills in detecting hazards and the use of protective equipment. The impact of harmful man-made factors can be completely eliminated by humans by improving the sources of hazards and the use of protective equipment, the impact of natural hazards can be limited by prevention and protection measures. The existence of man-made hazards and their high importance in the modern world are due to insufficient human attention to the problem of man-made safety, a tendency to risk and neglect of danger. Fundamentally, the impact of harmful technogenic factors can be completely eliminated by man, but the development of the chemical industry, the widespread use of chemicals, industrial waste, and an increase in the

production of chemical products lead to a high level of poisoning of the natural environment. However, the development of society, the solution of the problem of human needs cannot be imagined without the science of chemistry, and it is also impossible to abandon the use of chemical compounds in economic activity. Therefore, we will need to focus all our attention on their rational use, taking into account the norms of their production.

REFERENCES:

1. Степанова Н.Ю. «Техногенные системы и экологический риск». Казань 2014
2. M.J.Abdullayev and etc. Improving Methodology of Action Games in Training Athletes of Different Ages//European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2021, Volume 8, Issue 1, Pages 806-813.
3. Сердюкова, А.Ф. Последствия загрязнения почвы тяжелыми металлами / // Молодой учёный. 2017 №51(185)

UO'K 581:582

EREMURUS L. TURKUMI TURLARINING MORFOLOGIK XUSUSIYATLARI

M.I.Ne'matova, magistr, Jizzax davlat pedagogika instituti, Jizzax

M.A.Xalquziyeva, PhD, Jizzax politexnika instituti, Jizzax

Annotatsiya. Maqolada *Eremurus L. turkumi* turlarining xalq xo'jaligida ahamiyati, umumiy tuzulishi, morfologiyasi haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: *Eremurus*, *Oltoy*, *Olga*, *Regel*, *gul*, *ildiz*, *urug'chi*, *changchi*.

Аннотация. В статье *Eremurus L.* Представлено ботаническое описание морфологии видов семейства, а также сведения об их значении, экологии и распространении в народном хозяйстве.

Ключевые слова: *Eremurus*, *Алтай*, *Ольга*, *Регель*, *цветок*, *корень*, *семя*, *пыльца*.

Abstract. In the article *Eremurus L.* The botanical description of the morphology of the species of the family, as well as information on their importance, ecology, and distribution in the national economy are presented.

Keywords: *Eremurus*, *Altai*, *Olga*, *Regel*, *flower*, *root*, *seed*, *pollen*.

Eremurus L. turkum turlari alohida ahamiyatga ega bo'lib, *Eremurus* (Lotin *Eremurus*) *Asphodelaceae* oilasiga kiradi, O'rta Osiyo, Tyan-Shan tog'lari, Pomir tizmasi va Himoloy tog'lari orasidagi hududlarda o'sadi. Bu turkum vakillari jahonda 1500 turni o'z ichiga oladi. Ular asosan Amerika qit'asidan tashqari hamma hududlarda tarqalgan. Respublikamizda *Eremurus L. turkum* vakillari foydali ozoqabop o'simlik ko'pchilikni tashkil qiladi. Markaziy Osiyoda 1 turkumga mansub 45 ta tur, O'zbekiston hududida 1 turkumga mansub 21 tur uchraydi.

*Eremurus L. turkum*ining 17 turi O'zbekiston Respublikasi «Qizil kitobi»ga kiritilgan bo'lib, Ularga *Eremurus alberti* Regel, *Eremurus iae* Vved., *Eremurus baissunensis* O. Fedtsch., *Eremurus korovinii* B. Fedtsch., *Eremurus pubescens* Vved., *Eremurus robustus* Regel, *Eremurus nuratavicus* A.P. Khokhr., *Eremurus lactiflorus* O. Fedtsch., *Eremurus luteus* Baker, *Eremurus suworowii* Regel, *Eremurus chloranthus* Popov, *Eremurus aitchisonii* Baker kiradi. [7]

*Eremurus L. turkum*ning ba'zi turlaridan oziq ovqatda, tabobatda qo'llaniladi, ildizlaridan yelim olishda foydalaniladi. [10] *Eremurus L. turkum*iga kiruvchi *Eremurus aitchisonii*, *Eremurus Albertii*, *Eremurus moshchnyi*, *Eremurus olga*, *Eremurus Cleopatra* o'simliklar madaniy holda yetishtiriladi, manzalari turlar sifatida foydalaniladi. Ushbu turkumga kiruvchi o'simliklar yaxshi asal beruvchi o'simlik hisoblanadi.

*Eremurus*ning ayrim turlari dorivor ahamiyatga ega. Masalan, *Eremurus hilariae* tarkibida alkaloidlar ko'p. Xalq tabobatida bu o'simlikning quritilgan ildizidan olingan kukun bakteritsid gips sifatida ishlatiladi. [21]

Berinvard ma'lumotlarida *Eremurus persicus* Boiss. an'anaviy tibbiyotda oshqozon-ichak kasalliklarini davolashda qo'llaniladi. Ushbu keng qamrovli tadqiqot *E. persicus* ning farmakologik va biologik ta'sirini o'rganilgan. *E. persicus* o'simlikining etnofarmakologiyasi bo'yicha xom ekstraktlar, erituvchi fraktsiyalar yoki ajratilgan sof birikmalar ustida olib borilgan tadqiqotlarantibakterial, antifungal, antidiyabetik va boshqalarni o'z ichiga olgan turli xil biologik ta'sirlar haqida berilgan. [9]

Z.Muhidinov ma'lumotlarida *Eremurus Hissaricus* Tojikistonning mahalliy o'simlik bo'lib, xalq tabobatida va xomashyo tarkibiy qismlari ichki iqtisodiyot uchun salohiyatga ega ekanligi va uglevodlar ildiz biomassasining 80-85% ni tashkil qilishi berilgan. [12]

Eremurus va em-xashak Makoo viloyatining Xazangah yaylovlarida asosiy qo'shimcha mahsulot hisoblanadi. *Eremurus* bu hududda bahor faslida 30 kun davomida terib olinadi va mahalliy aholi tomonidan foydalaniladi. [15]

Turkiyada Sharqida *Eremurus spectabilis* sabzavot sifatida ishlatiladi. [6] *Eremurus* L turlarining barglari tarkibida ko'p miqdorda S vitamini bo'ladi va dorivor xususiyatli vakillari .

Qizil kitobga kiritilgan vakillaridan Nor shirach o'simligi Toshkent, Namangan, Jizzax, Samarqand, Farg'ona, Surxondaryo, Qashqadaryo viloyatlari: G'arbiy Tyan-Shan va Pomir-Oloyning barcha tizmalari, Tojikiston, Qozog'iston, Qirg'izistonda tarqalgan bo'lib, Hisor davlat qo'riqxonasining o'rta qismidagi mayda jinsli, tuproqli va toshli yonbag'irlarda o'sadi.

Eremurus (Shirach) o'simligi ildizpoyali ko'p yillik o'simlik bo'lib, *Eremurus Oltoy*, *Olga*, *Regel* oziq-ovqat va bo'yash o'simliklari sifatida ishlatiladi. Xalq xo'jaligida *Eremurus Regel* ning barglari va ildizlari jun va ipakni pushti, sariq ranglariga bo'yashda foydalansa yaxshi samara beradi. [5] Shirach tarkibida vitaminlar va minerallar ko'pligi tufayli u alohida ahamiyatga ega. Axoli tomonidan fevralning oxiri mart oylaridan boshlab istemol qilinadi. Shirachni gulpoyasi hosil bo'lgandan keyin chorva mollari ham istemol qilmaydi.



1-rasm. *Eremurus olga* o'simligi

Shirach ildizpoyali ko'p yillik efemiroid hisoblanadi. O'zbekistonning ko'pgina viloyatlarida tarqalgan. U asosan tog' yonbag'irlarida, toshli dashtlarning quyosh yaxshi tushib turadigan qismida o'sadi. Jizzax viloyati Morguzar tog' tizmasi yonbag'irlarida o'suvchi *Eremurus olga* larni umumiy uzunligi 120 sm dan 160 sm gacha, barglari tor, to'q yashil rangda bo'lib, ularning soni 65 donagacha barg hosil qilgan. *Eremurus olga* ning barglarining eni 0,3-1,6sm bo'lib, uzunligi o'rtacha 15-25 sm tashkil etadi, gulpoyasining uzunligi 50 smdan 120-150 sm ekanligini kuzatildi.

Ularning gulpoyasi qizg'ish tusda bo'lib, turlicha uzunlikda, ildizpoyasi shoxlanish darajasiga ko'ra- oddiy yoki shoxlangan, o'sish yo'nalishi bo'yicha- gorizontaal, vertikal yoki qiya, uzunligi bo'yicha- uzun, qisqa yoki kuchli qisqargan, qalinligi bo'yicha- qalin yoki ingichka ekanligi kuzatildi.

Ildiz tuzilishi shirachning turiga va yashash muhitiga bog'liq bo'lib, ildiz poyasi qisqa.

Gullagan paytida gulbandlari gulpoyaga nisbatan bir oz qiyshaygan bo'ladi, gulpoya uzunligi o'rtacha 50-200 smgacha boradi. Gulqo'rg'on qismlari (tojibarglari) och pushti, jigarrang-to'q qizil chiziqdari mavjud. *Eremurus*ning gullash davri bir oy davom etishi mumkin, barcha turlar may

oyining oxirida - iyun oyining boshlarida ob-havoga qarab gullaydi. *Eremurus* gullashidan keyin yuqori qismi o'ladi va o'simliklar yozgi uyqu holatiga o'tadi. Poyasi uzunligi 50-160 sm gacha bo'lib, ingichka silindrsimon shakllarda bo'ladi.

Gullari umumiy gulpoyada ketma-ket 1-2,5 sm li gulband orqali birikadi. Gultobjibarglari 6 ta, ikki halqada joylashgan, changchilari ham 6 ta. Ipsimon 0,75-1 smli tumshuqchaga ega urug'chisi 6 ta mevabargning qo'shilishidan hosil bo'lgan. Ularning mevabarglari apokarp tipda bo'ladi. Barglari yoysimon yoki paralell tomirli. Yozning dastlabki kunlaridanoq kunlar isishi tufayli shirachning barglari quriy boshlaydi. Shirach gullashda gullarning ochilishi, pastdan yuqoriga sodir bo'ladi - gullash zonasi asta-sekin tepaga ko'chiriladi. Shu bilan birga, ajoyib eremurusdagi changlatish qiziq xususiyatga ega bo'lib, hasharotlar ochilgan gullargaridan asal yig'adi. Ular Iyundan iyul oylari ohirida mevalaydi.

Eremurus olga o'simligidan madaniy holda yetishiriladi, manzarali osimlik sifatida keng foydalaniladi.

Eremurus olga yetishirilganda bir urug '1-2 sm chuqurlashtiriladi, lekin ko'proq emas. Konteynerlar bahorgacha 15 ° C haroratda saqlanadi. Urug'lari ekilgandan so'ng muntazam ravishda tuproq namligini tekshiradi. Chunki urug'lari issiqda nobud bo'ladi. *Eremurus olga* urug'larining unib chiqish davri 30-360 kuni tashkil qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fedchenko B. A. Genus 262. *Eremurus* - *Eremurus* // SSSR florasi: 30 jild.
2. Lomonosov M. V.: Trutnev Yu. P. va boshqalar; Comp. R. V. Kamelin va boshqalar - M.: Moskva davlat universiteti .KMK ilmiy nashrlari hamkorligi, 2008.
3. Pratorov O'., Xudoyberganov X.M. "Botanika darslarida qo'llaniladigan yuksak o'simliklar sistematikasi oid kategoriya va taksonlar". O'quv qo'llanma. -Toshkent. 2004.
4. Pratorov O'., Jumayev K. Yuksak o'simliklar sistematikasi. -Toshkent. 2003.
5. Taxtadjyan A. L. Ch. ed. - M. O'simlik hayoti. 6 jildda // Ta'lim, 1982.
6. Tosun M, Tosun1 M, Ercisli S, Ozer H, Turan M, Polat T, Ozturk E, Padem H, Kilicgun H (2012) Chemical Composition and Antioxidant Activity of Foxtail Lily (*Eremurus Spectabilis*). Acta Sci. Pol. Hortorum Cultus 11: 145-153.
7. O'zbekiston Respublikasi qizil kitobi. T. Toshkent. 2019.-B. 94-103.
8. Xoliqov S. O'simliklar aniqlagichi.-Toshkent. "O'qituvchi". 1995.
9. Beiranvanda M. Beiranv F. and Iranian plant *Eremurus persicus*: an overview of botany, traditional uses, phytochemistry and pharmacology Natural Product Research 36, Issue 10, May 2022, Pages 2692-2705
10. Dilmurod Makhmudjanov, Ziyoviddin Yusupov, Davlatali Abdullaev, TaoDeng, Komiljon Tojibaev & Hang Sun. The complete chloroplast genome of *Eremurus robustus* (Asphodelaceae)// MITOCHONDRIAL DNA PART B <https://doi.org/10.1080/23802359.2019.1674198>© 2019.
11. Heshmatol Vaezin S.M., Ghanbari S., Tavili ALI. Income of *Eremurus* (*Eremurus olgae*) and Forage Production in the Khazangah Rangelands of Makoo. Journal of range and watershed management.
12. Muhidinov Z., Bobokalonov J.T., Ismoilov I.B., Strahan G., et. All. Characterization of two types of polysaccharides from *Eremurus* hissaricus roots growing in Tajikistan. Food Hydrocolloids journal homepage: <http://www.elsevier.com/locate/foodhyd>
13. Naderi SK, KAZEMPOUR OS, ZAREEI M (2009) Phylogeny of the genus *Eremurus* (Asphodelaceae) based on morphological characters in the Flora Iranica area. Iranian Journal of Botany.
14. Salehi B, Ayatollahi S, Segura-Carretero A, Kobarfard F, Contreras M, Faizi M, Sharifi-ad M, Tabatabai S, Sharifi-Rad J (2017) Bioactive chemical compounds in *Eremurus persicus* (Joub. & Spach) Boiss. essential oil and their health implications. Cellular and Molecular Biology 63(9): 1-7.
15. Tosun M, Tosun1 M, Ercisli S, Ozer H, Turan M, Polat T, Ozturk E, Padem H, Kilicgun H (2012) Chemical Composition and Antioxidant Activity of Foxtail Lily (*Eremurus Spectabilis*). Acta Sci. Pol. Hortorum Cultus 11: 145-153.
16. Vvedensky A (1941) *Eremurus*. In: Kudryashev S (ed), Flora of Uzbekistan. Uzb. Sec. USSR Acad. Sci., Tashkent, pp. 398-410.
17. Wendelbo, P. 1964: On the Genus *Eremurus* (Liliaceae) in South West Asia. - Arbok Univ. Bergen, Math. - Naturw. Ser. 5: 1-45.
18. Wendelbo, P. 1968: Further notes on *Eremurus* (Liliaceae) in Afghanistan.-Acta Hort. Gotoburg. 28: 57-63.
19. Wendelbo, P. 1985: *Asphodelus*, *Asphodeline* & *Eremurus*. In. Flora of Iraq vol. 8: 53-65.-Baghdad.
- Wendelbo, P. & Furse, P. 1969. *Eremurus* of South West Asia. -Lily Year Book 32: 56-69.
20. <https://uz.crushingplants.info/10862-eremurus.html>
21. <https://lektrava.ru/encyclopedia/eremurus/>

DORIVOR VALERIANA (VALERIANA OFFICINALIS L.) NING O'SISHI VA RIVOJLANISHIGA YORUG'LIKNING TA'SIRI*A.O.Otabaev, magistr, Urganch davlat universiteti, Urganch**I.I.Abdullaev, b.f.d., professor, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva**E.E.Abdunazarov, b.f.f.d., Botanika ilmiy ishlab chiqarish markazi, Toshkent*

Annotatsiya. Ushbu maqolada Xorazm vohasi sharoitida dorivor valeriana o'simligining o'sishi va rivojlanishiga mavsumiy yorug'likning ta'siri to'g'risidagi tadqiqot ma'lumotlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: dorivor valeriana, introduksiya, vegetatsiya, ekspozitsiya, individual, lyuks

Аннотация. В данной статье приведены сведения о исследований влияния сезонного освещения на рост и развитие лекарственного растения валерианы в условиях Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: валериана лекарственная, интродукция, вегетация, экспозиция, индивидуал, люкс

Abstract. This article provides information about studies of the effect of seasonal lighting on the growth and development of the medicinal plant valerian in the conditions of the Khorezm oasis.

Key words: valerian officinalis, introduction, vegetation, exposition, individual, lux

Mavzuning dolzarbligi. Respublikamiz dori-darmon ishlab chiqarish sanoatida, dorivor vositalarni ishlab chiqarish uchun dorivor o'simliklar xom-ashyo bazasiga bo'lgan ehtiyoj ortmoqda [15]. Hozirgi vaqtgacha ko'p olimlar Respublikamiz sharoitida dorivor o'simliklarning iqlimlashtirilishi va introduksiya muammolari to'g'risida anchagina tadqiqotlarni amalga oshirdilar. Natijada sug'oriladigan unumdor, tog' oldi, adir va sho'r yerlarda dorivor o'simliklar xom-ashyosini yetishtiradigan xo'jaliklar tashkil etildi [4, 8, 12, 13, 14]. Respublika Vazirlar Mahkamasining «O'zbekiston Respublikasi tibbiyot va dori-darmon ishlab chiqarish tarmoqlarini davlat muhofazasiga olish» to'g'risidagi qarorida mahalliy floraga mansub bo'lgan dorivor o'simliklarni asrash va ularni madaniy holda ko'paytirish ta'kidlangan. Shuningdek, chet el florasiga mansub bo'lgan dorivor o'simliklarni mahalliy sharoitga introduksiya qilishni amalga oshirish dolzarb muammodir. Bu o'z navbatida Respublika farmatsevtika sanoatining chetdan xom-ashyoni sotib olish muammosini xal etish bilan birga, xom-ashyoni chetga sotish imkoniyatini yaratadi [1]. Yuqorida keltirilgan muammolarni inobatga olgan holda, halq tabobati va tibbiyotda keng foydalaniladigan o'simliklardan biri bo'lgan *Valeriana officinalis* ni ob'ekt sifatida tanlab olib, uni o'sish rivojlanishiga tashqi omillar ta'sirini o'rganishni o'z oldimizga maqsad qildik.

O'simlikning o'sishi tashqi muhit omillariga chambarchas bog'liq bo'lib, tashqi omillar qancha qulay bo'lsa, o'sish jarayonlari jadal o'tadi va aksincha sharoit noqulay kelsa, o'simlikning o'sishi sustlashadi [10]. *V. officinalis* ko'p miqdorda issiqlik va yorug'lik talab qilmaydi. O'simlik o'rmonlarda soya, nam va chirindisi ko'p tuproqlarda yaxshi o'sadi. U o'ziga xos sharoit va iqlimda o'sganda, tarkibida biologik faol moddalarni ko'p sintez qiladi [6]. O'simlikning o'sish va rivojlanishi, tarkibida biologik faol moddalarning sintezi yoki ularning to'planishiga tashqi muhit (namlik, issiqlik, yorug'lik, havo harorati, shamol tezligi, tuproq tarkibi, o'sish joyi va boshq.) omillarining ta'sirini aniqlash muhim ahamiyatga ega.

Tadqiqot materiallari va uslublari. Tadqiqotlarmizda ob'ekt sifatida *Valeriana officinalis* L. *Valerianaceae*-oilasining *Valeriana* turkumiga mansub bo'lgan ko'p yillik o't o'simlik dorivor valeriana tanlab olindi. O'simlik urug'lari 2020 yilda O'zR FA akademik F.N Rusanov nomidagi Toshkent Botanika bog'idan olindi. Xorazm Ma'mun akademiyasining eksperimental tajriba uchastkasida 2021-2022 yillar mobaynida ilmiy tajribalar olib bordik.

Dastlab, urug'larning unuvchanligini laboratoriya sharoitida aniqlashda Petri likobchasiga tozalangan suv bilan namlangan filtr qog'oz qo'yilib, uning ustiga 100 donadan urug' solindi va 4 karra takrorlangan holda termostatda turli xil haroratda (10-13⁰S, 15-18⁰S, 20-23⁰S) urug'larning unuvchanligi va unish energiyasi O. N. Granitova [5] metodidan foydalanib o'rganildi. Dala sharoitida urug'larning unuvchanligini va maysalarning yashovchanligini aniqlash uchun, avvaldan

ishlov berilgan yerga bahor va yoz oylarida 100 donadan 3 xil ekish chuqurligida (yuza, 0.2 sm, 0.5 sm) ekildi. Tajribalar: bahorda (mart) ekilgan urug'lar aprelda va kuzda (noyabr) ekilgan urug'lar fevral oyida unib ko'chat holiga kelgach ularni katta maydonga o'tkazildi. O'simliklarning tashqi omillarga bo'lgan munosabati K.A. Axmatova [2], I.V. Belolipov [3], P.A. Lapin [7] va T.A. Rabotnov [11] metodlari asosida tekshirildi.

Tadqiqotlar natijasi va uning muhokamasi. O'simliklarning yorug'likka bo'lgan talabini o'rganish uchun, urug'dan unib chiqqan vaqtdan boshlab kuzatish amalga oshirildi. O'simlikning yorug'likka ehtiyoji, individual rivojlanish fazalari davomida sodir bo'lgan o'zgarishlariga qarab aniqlandi [9]. *V. officinalis* ga kun uzunligi ta'sir etmaydi. Adabiyotlarda berilgan ma'lumotlarni introduksiya sharoitida qay yo'sinda namoyon bo'lishini tajribalarda kuzatib bordik. O'simliklarning yorug'likka bo'lgan munosabatini aniqlashda, ularning o'sish va rivojlanish ko'rsatkichlarini asos qilib, har xil ekspozitsiyada va turli muddatda (kuz va bahor) ekilgan o'simliklar maydonida yorug'lik ko'rsatkichlarini taqqosladik. Vegetatsiya davomida yorug'lik ko'p bo'lgan maydonda ekilgan o'simliklarning poya balandligi o'rtacha $82,0 \pm 4,5$ sm, va ildiz uzunligi $12,5 \pm 2,5$ sm hamda diametri $0,6 \pm 0,2$ mm ga yetganligi qayd etildi (1-jadval).

1-jadval

Valeriana officinalis L. ning o'sishiga yorug'lik omilining ta'siri

Joylashuvi	Yoritilganlik, lyuksi	Bo'yi, sm	Barg		Ildiz	
			uzunligi, sm	eni, sm	uzunligi, sm	diametri, mm
Soya yerda	30000	$78,4 \pm 4,2$	$25,1 \pm 1,0$	$10,0 \pm 0,6$	$14,6 \pm 2,6$	$0,8 \pm 0,2$
Yorug' yerda	70000	$82,0 \pm 4,5$	$21,8 \pm 0,9$	$7,6 \pm 0,4$	$12,5 \pm 2,5$	$0,6 \pm 0,2$

1-jadvaldagi ma'lumotlarga ko'ra, soya yerda ekilgan o'simliklarning o'sish jadalligi yorug' maydonda ekilgan o'simliklarga nisbatan bir oz yuqori bo'lib, poya balandligi o'rtacha $78,4 \pm 4,2$ sm, bo'yiga o'sishi sekinroq bo'lsada, barglarning soni va hajmi kattaroq bo'lib, ildiz uzunligi $14,6 \pm 2,6$ sm va diametri $0,8 \pm 0,2$ mm ni tashkil etdi (1-rasm).

1-rasm. *Valeriana officinalis* L. ning o'sishiga yorug'lik omilining ta'siri

Demak, yorug' va soya joyda o'stirilgan o'simliklarning morfometrik ko'rsatkichlari birbiridan farq qiladi. Yorug' maydonda o'sgan o'simliklarning bo'yi baland bo'lishiga qaramasdan poyasi ingichka va nozik bo'lib, bargi mayda, och yashil bo'ladi. Soya yerda o'stirilgan o'simliklarning poyasi yo'g'on, bargi yirik va to'q yashil bo'ladi (2-rasm).



2-rasm. *Valeriana officinalis* L. holati a) soya joyda b) yorug' joyda

Shunday qilib, soyalanish yuqori haroratning zararli ta'sirini kamaytirib, odatda dorivor valeriananing o'sish va rivojlanishiga yaxshi ta'sir qiladi. Bahorgi muddatda ekilgan o'simliklar maydonida, birinchi vegetatsiya yilida yorug'likning eng yuqori ko'rsatkichi (aprel oyida) 57,2 ming/lk va quyi ko'rsatkich (iyul oyida) 40,0 ming/lyuksni tashkil etdi. Shunga ko'ra, o'simliklar barg yuzasi aprel oyida 177,8 m²/ga, iyul oyida 491,2 m²/ga o'zgargan bo'lsa, ikkinchi vegetatsiya yilida o'simliklar barg yuzasi tegishli holda 532,7 m²/ga va 1139,7 m²/ga ortishi bilan tuproq yuzasiga yorug'likning tushishi iyul oyida 36000 lk gacha pasayadi. Uchinchi vegetatsiya yilida esa, yorug'likning yuqori ko'rsatkichi (aprel oyida) 56000 lk va quyi ko'rsatkich (iyul oyida) 41000 lk ni tashkil etdi. Barg yuzasi 355,2 m²/ga dan 815,4 m²/ga ga yetdi. Demak, kuzgi muddatda ekilgan o'simliklarda tuproq yuzasiga yorug'likning tushish miqdori, bahorgi variantda ekilgan o'simliklar maydonidagi ko'rsatkichga nisbatan 3-5 baravar past bo'ladi. Bunga sabab, mavsum va vegetatsiya yillari davomida o'simlik poyalari va barglarining ko'payishi bilan tuproq yuzasining qoplanishi ortadi va natijada yorug'lik miqdorining pasayishi kuzatiladi. Shunday qilib, har ikkala muddatda ekilgan o'simliklar maydonida yorug'likning quyi ko'rsatkichlari iyul oyiga to'g'ri keladi. Bu oyda barglar yuzasining kengayishi va o'simlik biomassaning ortishi bilan tavsiflanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах государственной поддержки развития медицинской и фармацевтической промышленности в Республике Узбекистан» №287 // Народное слово. года.
2. Ахматов К.А. К методике определения жароустойчивости в полевых условиях // Бюллетень ГБС. 1966. – вып. 63. – С. 81-83.
3. Белолипов И. В. Краткие итоги первичной интродукции растений природной флоры Средней Азии в Ботаническом саду АН УзССР // Интродукция и акклиматизация растений: Сб. науч. тр. – Ташкент, БС АН УзССР, 1976. вып.13. – С. 9-58.
4. Белолипов И. В. Опыт интродукции травянистых растений природной флоры Средней Азии (Эколого-интродукционный анализ): Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. – М.: 1983. – 48 с.
5. Гранитова О.Н. Влияние температуры и влажности на прорастание семян некоторых среднеазиатских растений. // Тр. Инс-та ботаники АН Уз ССР, 1955. вып. 3. – С. 63-99.
6. Енин П.К., Лошкарров П.М., Сацыперов Ф.А., Чукичева М.Н. Валериана лекарственная. – М.: Медгиз, 1953. – 110 с.
7. Лапин И.П., Сиднева С.В. Определение перспективности растений для интродукции по данным фенологии // Бюлл ГБС. 1968. вып. 69. С.14-21.
8. Мурдахаев Ю. М. Интродукция лекарственных растений в Узбекистане.: Автореф. дис. ... докт. биол. наук. – Ташкент, Институт Ботаники. АН РУз. 1992. – 42 с.
9. Мустафаев С. М., Холмуродов А. Ўсимликлар биоэкологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 199 б.
10. Мустақимов Г.Д. Ўсимликлар физиологияси ва микробиология асосларидан амалий машғулотлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 18-19.

11. Работнов Т.Н. О конкуренции между растениями в растительных сообществах // Бюлл. МОИП. 1984. – Т.89. вып. 5. –С. 82.-94.
12. Русанов Ф. Н. Перспективы интродукции травянистых растений в Узбекистане // Интродукция и акклиматизация растений: Сб. науч. тр. –Ташкент, БС АН Уз ССР, 1976. вып. 13. –с. 3-9.
13. Тухтаев Б. Е. Биоэкологические основы использования солодки при окультуривании засоленных земель: Автореф. дис. ... канд. биол. наук.–Ташкент: ИБ АН УзССР. 1991.–22. с.
14. Хазанович Р.Л., Руссиян М.И., Гомолицкий П.А. Опыт культуры некоторых лекарственных растений в Ташкенте // Труды ботанического сада АН Уз ССР, Ташкент. 1951. –вып. 2. –С. 181-190.
15. Холматов Х. Х., Ахмедов Ў.А. Фармакогнозия. –Ташкент: Ибн Сино, 1995. –351 б.

УЎК 633.88:581.1 (19)

ХОРАЗМ ТУПРОҚ – ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ ИНТРОДУКЦИЯСИ

Ж.О.Жуманиязов, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива
Б.Ё.Тўхтаев, б.ф.д., проф., “Шафран” Илмий – тадқиқот Маркази, Тошкент
Н.У.Хамраев, PhD, к.и.х., Хоразм Маъмун академияси, Хива
У.К.Абдурахимов, PhD, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида ялпиз ўсимлигининг интродукцияси ҳақида маълумотлар берилган. Илмий изланишлар натижаларига кўра, ялпизнинг енг юқори ҳосилдорлиги ва эфир мойининг ҳосилдорлиги қатор оралигини 45 см бўлганида қўлга киритилиши қайд этилди. Олинган натижаларга кўра, қатор оралиқларини екишга таъсир қилади, деган хулосага келиш мумкин. Ялпизнинг биометрик параметрлари. Ўрим-йиғим пайтида ўсимликларнинг баландлигини уруғлик даражасининг ошиши билан камайтириши тенденцияси мавжуд.

Калит сўзлар: Ялпиз, қишлоқ хўжалиги технологияси, йетиштириши, ҳосилдорлик, эфир мойлари.

Аннотация. В данной статье приводятся сведения об интродукции мяты перечной в почвенно- климатических условиях Хорезмской области. По результатам научных исследований было отмечено, что наибольшая урожайность мяты перечной и выход эфирного масла достигаются при междурядьях 45 см. По полученным результатам можно сделать вывод, что посадка междурядья влияют на биометрические показатели мяты перечной. Наблюдается тенденция к уменьшению высоты растений при уборке с увеличением нормы высева.

Ключевые слова: Мята перечная, агротехника, выращивание, урожайность, эфирные масла.

Abstract. This article provides information about the introduction of peppermint in the soil and climatic conditions of the Khorezm region. According to the results of scientific research, it was noted that the highest yield of peppermint and the yield of essential oil are achieved with a row spacing of 45 cm. Based on the results obtained, it can be concluded that planting a row spacing affects the biometric parameters of peppermint. There is a tendency to reduce the height of plants during harvesting with an increase in the seeding rate.

Keywords: Peppermint, agricultural technology, cultivation, productivity, essential oils.

Муаммонинг долзаблиги. Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаси маҳаллий флоранинг кенг тарқалган ўсимликларини, яъни доривор ўсимлик маҳсулотлари турларини кенгайтириш муҳим ва катта аҳамиятга эга. Кимёвий препаратлар синтези ва уларни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, табиий шароитда етиштирилган ўсимликлардан олинган дори воситалари истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда [1].

Республикаמידа доривор ўсимликларнинг халқ табobatiда қўлланилиши ва фармацевтика соҳасидаги эҳтиёжларни қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса эфир мойли ўсимликларга бўлган талаб ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга [2].

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) маълумоти бўйича, 60% дори воситалари табиий доривор ўсимликлардан тайёрланади. Ялпиздошлар оиласига мансуб қалампир ялмиз ҳам эфир мойга бойлиги ва дориворлиги билан катта аҳамиятга эгадир [3].

Маълумки, интродукция ёндашуви илмий тадқиқотларнинг бир неча босқичларини, жумладан ўсимликларнинг тур ичидаги ўзгарувчанлигини аниқлашни, янги ўсиш шароитида онтогенез хусусиятларини ўрганишни, интродукциентларнинг биоэкологик ва физиологик ҳамда биокимёвий хусусиятларини баҳолашни назарда тутади [4].

Тадқиқот мақсади ва услублари. Доривор ўсимликлардан юқори ва сифатли хом ашё ҳосилини олиш учун авваламбор биологик хусусиятларини чуқур ўрганиш орқали етиштиришнинг замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш зарур [5].

Шу боисдан ҳам, бизнинг илмий тадқиқотларимизда биологик талаблар асосида Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L.) етиштириш жараёнида унинг экологик-биологик хусусиятларини ўрганиш мақсад қилинган.

Мазкур доривор ўсимлик республикамизнинг бошқа ҳудудларида ўрганилган бўлишига қарамай, хусусан Хоразм вилояти шароитида етиштириш агротехнологияси тўғрисидаги маълумотлар умуман йўқ.

Дала тажрибалари учун танлаб олинган тадқиқот майдони Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани ҳудудида жойлашган “Мангу ҳаёт” ҳудудида жойлашган фермер хўжалиги ер майдонлари ҳисобланиб, улар Полвон магистрал ирригация тизимига яқин жойлашган ва сув билан таъминланганлик даражаси ўртача. Тадқиқотлар асосан майда делянкали тажриба бўйича (10x20м²) ўтказилди. Тажрибаларнинг умумий ер майдони 1800 м².

Тажриба даласини танлаш ва тажриба ўтказиш, тупроқ ва ўсимликларнинг намуналарини олиш ва таҳлил қилиш, фенологик кузатишлар Ўзбекистон Ўсимликшунослик Илмий – тадқиқот институти олимларининг тавсиялари асосида амалга оширилди. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш “Фенологик кузатувлар натижаларини статистик таҳлил қилиш услублари” [6.] бўйича амалга оширилди.

Ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини онтогенезда ўрганишда М.С.Зорина ва С.П.Кабановлар услуби [7], фенологик кузатув маълумотларига ишлов бериш В.Н. Нилов усули бўйича қўшимчаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилди [8]. Фенологик кузатишлар уруғлар униб чиққандан то пишиб етилгунга қадар амалга оширилди. Ривожланиш фазасининг бошланиши ўсимликларнинг – 10 фозида намоён бўлганда, тўлиқ фазада эса – 75 фоиз кузатилган вақтда деб қабул қилинди [9].

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки, эфир мойли ўсимликлар орасида ялпиз истиқболли бўлиб, у қон томирларини кенгайтирувчи, тинчлантирувчи ва оғрик қолдирувчи таъсирга эга биологик фаол моддаларнинг юқори миқдори туфайли илмий ва халқ табобатида кенг қўлланилади [10].

2020 – 2021 йиллар давомида тадқиқотларимизда қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L.) ни катта майдонларда етиштириш мақсадида Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитига мослаштириш ишлари олиб борилди. Тажрибаларда 20–25 см узунликдаги қалампир ялпизнинг баргли куртақларнинг юқори қисми ўсимлик материали деб ҳисобга олинди.

1-Жадвал

Қалампир ялпизнинг ҳосилдорлиги ва эфир мойи чиқими қатор орасини ишлов беришилишига таъсири

Қатор ораси, см.	Яшил масса, т/га	Қурук барги,		Эфир мойи		
		т/га	%	Чиқими, %	Йиғиш	
					кг/га	%
30	8,0	1,20	91,2	2,28	25,1	89,4
45	8,3	1,28	94,3	2,33	27,2	92,7
60	7,9	1,19	92,4	2,27	25,8	90,6

Тажрибаларимизда қалампир ялпизнинг қатор ораси 30 см бўлганда яшил масса 8,0 т/га, қурук барги (1,20 т/га; 91,2 %), эфир мойи чиқими 2,28%, йиғилиши – 25,1 кг/га ва 89,4 %, қатор ораси 45 см бўлганда эса яшил масса 8,3 т/га, қурук барги – 1,28 т/га ва 94,3 %), эфир мойи чиқими 2,33%, йиғилиши эса – 27,2 кг/га; 92,7 % эканлиги кузатилган бўлса, ва қатор

ораси 60 см бўлганда эса яшил масса 7,9 т/га, куруқ барги – 1,19 т/га ва 92,4 %), эфир мойи чикими 2,27%, йиғилиши эса – 25,8 кг/га; 90,6 % эканлиги аниқланди.

Тажрибаларимизда қалампир ялпизнинг энг юқори ҳосилдорлиги ва эфир мойи чикими қатор ораси 45 см бўлганлигида юқори натижаларга эришилгани кузатилди.

Олинган натижаларга кўра, экиш жараёнида қатор оралари қалампир ялпизнинг биометрик кўрсаткичларига таъсир қилади деган хулосага келиш мумкин. Уруғлик даражасининг ортиши билан ўсимликларнинг йиғим-терим давридаги баландлигини камайтириш тенденцияси мавжуд.

Қалампир ялпизнинг экиш жараёнида қарор орасининг камайиши ёки катталашиши ҳосилдорликни камайтиради. Максимал уруғлик ҳосилдорлиги Қалампир ялпиз ўсимлик зичлигининг ошиши ҳам, камайиши ҳам ҳосилнинг пасайишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, доривор ўсимликларни етиштириш нафақат хом ашё сифатини яхшилаш, балки етиштириладиган турларнинг энг маҳсулдор шаклларида фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш ва асосий жараёнларни механизациялаш имконини беради, бу эса пировард натижада ҳосилдорликни сезиларли даражада оширишга имкон яратади.

Бундан ташқари, амалга оширилган илмий изланишлар натижалари асосида тайёрланган тавсияларни халқ табобатига, анъанавий ва замонавий тиббиётга, фармацевтика соҳасига ҳамда кишлоқ хўжалигига ва бошқа соҳаларга жорий қилиш натижасида Хоразм воҳасида мавжуд доривор ўсимликлардан олинадиган ҳосилнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва шўрга чидамли янги доривор ўсимликларни кўниктириш имкониятлари яратилади.

Шунингдек, қалампир ялпиз ўсимлигининг ривожланиш фазаларига қараб эфир мойларини тўпланиш динамикасини ўрганиш бўйича олинган натижалар, уни Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иқлим шароитида хом-ашё сифатида тайёрлаш муддатларини белгилаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хуснидинов Ш.К., Галёмина М.А., Белых О.А. Интродукция мяты перечной (*Mentha piperita* L.) и мяты курчавой (*Mentha crispa* L.) в Прибайкалье // Успехи современного естествознания. – 2015. – № 6. – С. 137-140;
2. Тўхтаев Б.Ё., Маҳкамов Т.Х., Тўлаганов А.А., Маматкаримов А.И., Маҳмудов А.В., Аллаяров М.Ў. Доривор ва озучабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома. – Тошкент, 2015. – Б. 3-5.
3. Монографии ВОЗ о лекарственных растениях, широко используемых в Новых независимых государствах (ННГ). Женева, ВОЗ, 2010
4. Аленин, П. Г., Кшиникаткина А. Н. Продукционный потенциал зерновых, зернобобовых, кормовых и лекарственных культур и совершенствование технологии их возделывания в лесостепи Среднего Поволжья: монография // – Пенза, 2012. – С. 265.
5. Икрами М.Б., Тураева Г.Н. Флавоноиды некоторых растений семейства яснотковых // Вестник Технологического университета Таджикистана. – 2018. - №1(32). - С.12-16
6. Исиков В.П., Работягов В.Д., Хлыпенко Л.А., Логвиненко И.Е., Логвиненко Л.А., Кутько С.П., Бакова Н.Н., Марко Н.В. Интродукция и селекция ароматических и лекарственных культур. Методологические и методические аспекты. – Ялта: НБС–ННЦ, 2009. – С. 110.
7. Зорина М.С., Кабанов С.П. Определение семенной продуктивности и качества семян интродуцентов // Методики интродукционных исследований в Казахстане. Алма-Ата, 1987. – С. 75- 85.
8. Нилов В.Н. Методы статистической обработки материалов фенологических наблюдений // Журнал ботаники. 1980. – №2 (65). – С. 282-284.
9. Ашурметов О.А. Методика изучения семенной продуктивности растений на примере видов рода *Glucosyiza* L. // Увеличение кормопроизводства на научной основе: Тезисы докладов конференции. –Ташкент, 1982. – С. 50-52.
10. Пономарева Е.И., Молохова Е.И., Холов А.К. Применение эфирных масел в фармации//Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 4.

**ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ
МАЪЛУМОТЛАР**

**3. Иззатуллаев, б.ф.д., проф. Самарқанд давлат университетини, Самарқанд
Ғ.Ё. Бобоназаров, б.ф.н., доц., Қарши давлат университети, Қарши
Ё.М.Орзиева, ўқитувчи, Қарши давлат университети, Қарши
Ф.М.Хамраева, магистр, Қарши давлат университети, Қарши
Ў.Р. Абдуллаев, PhD, Урганч давлат университети, Урганч**

Аннотация. Илк бор Қарши магистрал каналида моллюскалар тарқалиши ва турлар таркиби ўрганилган, канал ва ундан оқиб чиқувчи сувларнинг турли биотопларида моллюскаларнинг 8 та уруғ ва 7 та кенжа уруғ, 5 та оила, 2 та синф, 1 та кенжа синф, 3 та туркум ва 1 та типга мансублиги аниқланган. Моллюскаларнинг яшаш биотопларида айрим турларнинг сони ва популяциядаги зичлиги аниқланиб, тарқалиши ва экологик гуруҳларига тасниф берилган.

Калим сўзлар: Қарши магистрал канали, моллюскалар фаунаси, таксаномияси, тарқалиши ва гуруҳлари.

Аннотация. Впервые изучены распространение и видовой состав моллюсков Каршинского магистрального канала, а также определена 8 родов, 7 подродов, 5 семейств, 2 класса и 1 подкласс моллюсков в разных биотопах русла и вытекающие из него воды. Определены распределение, принадлежность, численность и плотность населения отдельных видов в биотопах местообитаний моллюсков и классификация по экологическим группам.

Ключевые слова: Каршинский магистральный канал, фауна моллюсков, систематика, распространение и группы.

Abstract. For the first time, the distribution and species composition of mollusks of the Karshi main canal were studied, and 8 genera, 7 subgenera, 5 families, 2 classes and 1 subclass of molluscs were identified in different biotopes of the channel and the waters flowing from it. The distribution, belonging, number and population density of individual species in the biotopes of mollusc habitats and classification by ecological groups were determined.

Key words: Karshi main canal, molluscs fauna, taxonomy, distribution and groups.

Моллюскалар сув ва куруклик организмларининг йирик гуруҳига мансуб бўлиб, сув ҳавзалари биоценозларида муҳим аҳамиятга эга. Улар балиқлар, сув ва сувбўйи кушлари, кемирувчилар, судралиб юрувчилар, амфибиялар учун озуқа манбаи ҳисобланади. Моллюскаларнинг хусусан, икки паллали турлари ифлос сувларни биофилтрлайди, яъни яхши сув санитарлари ҳисобланади [3,5].

Биз тадқиқотларимизда Қарши магистрал каналида тарқалган моллюскалар фаунаси ва биоэкологиясини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Изланишлар ушбу канал сувларида олиб борилганлиги сабабли, қуйида каналнинг тарихи хусусида адабиётлар маълумотини келтирдик. Қарши магистрал канали (КМК), йирик гидротехника иншоотлари мажмуидан иборат бўлиб, 176,6 км узунликка эга. Каналнинг бошланиш 78,4 км қисми Туркманистон Республикаси ҳудудида жойлашган, сувни Амударёдан олиб 6 та насос станциялари ёрдамида 132.2 м баландликка чиқаради. Канални нормал сарфи 175 м³/с, энг кўп сарфи 195 м³/с. Қиш мавсумида каналдан чиққан сув Толлимаржон сув омборига қуйилади. Ёз мавсумида Қашқадарё вилоятининг экин майдонларига тарқалади. Канал ўзинининг кўп қисми бетон қоплама билан мустаҳкамланган [6].

Материал ва услублар. Биз 2021 йил октябрь-ноябрь ва 2022 йил март-апрель-май ойларида Қарши магистрал каналдан моллюскаларнинг 50 дан ортиқ намуналарини йиғиб, уларнинг фаунистик таркиби, таксаномияси, популяциясидаги зичлиги, тарқалиши ва экологик хусусиятларини ўргандик. Материалларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун умумий қабул қилинган малакологик услублардан фойдаландик [1;4].

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Бизнинг Қарши магистрал канали тизимида олиб тадқиқотларимиз натижасида моллюскаларнинг 7 та тури ва 1 та кенжа турининг тарқалганлиги аниқланди. Улар 8 та уруғ ва 7 та кенжа уруғ, 5 та оила, 2 та синф, 1 та кенжа синф, 3 та туркум ва 1 та типга мансубдир. Тадқиқотларимизда Қарши магистрал канали моллюскалари фаунистик таркиби таксономияси аниқланди, айрим турлари биологик хусусиятлари, тарқалиши, яшаш биотоплари, уларнинг популяциясидаги зичлиги ва биоэкологик хусусиятлари ўрганилди.

Қарши магистрал канали моллюскалари турлар таркиби таксономияси

Моллюскалар (Mollusca) типи	<i>Corbicula cor</i> (Lamark, 1818)
Икки паллалилар (Bivalvia)	Corbiculina Dall, 1903 уруғи
Unioniformes туркуми	<i>Corbiculina tibetensis</i> (Bashad, 1920)
Unionidae Rafinesque, 1820 оиласи	<i>C.ferghanensis</i> (Kurselova et Strabogatov, 1971)
Anodontinae Rafinesque, 1820 кенжа оиласи	Қориноёқлилар (Gastropoda) синфи
Colletopterum Bourguignat, 1881 уруғи	Ўпкалилар (Pulmonata) кенжа синфи
Colletopterum s.str. кенжа уруғи	Lymeaformes туркуми
<i>Colletopterum (C.) bactrianum</i> Rolle, 1897	Lymneidae Rafinesque, 1815 оиласи
Pondorosina Bourguignat, 1881 кенжа уруғи	Lymnaea Lamark, 1799 уруғи
<i>Colletopterum (P.) cyreum sogdianum</i> (Kobelt, 1896)	Galba schrank, 1803 кенжа уруғи
Sinadonta Modell, 1944 уруғи	<i>Lymnaea (G.) truncatula</i> (Muller, 1774)
Sinadonta s. str. Кенжа уруғи	Radix Monfort, 1810 кенжа уруғи
<i>Sinadonta (S.) gibba</i> (Benson, 1855)	Lymnaea (R.) auricularia (L., 1758)
<i>S (S.) orbicularis</i> (Heude, 1880)	Planorbidae Rafinesque, 1815 оиласи
<i>S (S.) puerorum</i> (Heude, 1880)	Planorbidae Rafinesque, 1815 кенжа уруғи
Cardiiformes туркуми	Anisus Studen, 1820 уруғи
Corbiculidae Gray, 1847 оиласи	Graulus Agassiz in Charpentier, 1831 кенжа уруғи
Corbicula Megerle, 1811 уруғи	<i>Anisus (G.) ladacensis</i> (Nirill, 1872)

Қарши магистрал канали икки паллали моллюскалардан Соллетоптерум ва Синадонта уруғлари ушбу канал сувларига Амударёдан моллюскаларнинг глохидиялари билан балиқлар орқали тарқалган. Бу уруғга мансуб турлар яхши сув филтратларидир. Улардан, *C. bactrianum* ва *C.c. sogdianum* лар ноёб ва йўқолиб бораётган эндем моллюскалар бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон “Қизил китоби” га киритилиб, муҳофазага олинган. Бироқ, улардан *C. bactrianum* канал сувларида жуда кам сонли. Бу моллюскалар каналда 1.8-2.2 м чуқурликлардан лойлар ва қумлар остида, ботқоқли биотопларда ярим қўмилган ҳолда яшайди. Сувларнинг ифлосланиши ва гидрокимёвий ўзгаришлар турларнинг тарқалишига чекловчи омил сифатида ўз таъсирини кўрсатади.

Канал сувида тарқалган синадонта уруғининг уч туридан *S. puerorum* чиғаноғи ҳажмининг катталиги билан бошқа турлардан ажралиб туради. Умуман канал сувларида синадонталар сони ва биомассаси коллетоптерумлардан устунлик қилади. Ажаб эмас, улар келгусида янада кўпайиб коллетоптерумларни ушбу сувлардан сиқиб чиқариш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки интродуцент организмлар кўпинча, қўлай шароитда популяциясини кўпайтиришга моликдир. Унионидларнинг барчаси гермафродит, тирик туғувчилар, тухумларини ўтлар орасига қўяди, улардан кичик глохидиялар чиқади. Балиқлар чиғаноқлар яқинидан ўтганда улар паллалари қаттиқ ёпилади, глохидиялар эса балиқлар танасига ёпишиб олади. Улар балиқлар танасига 2 ҳафта паразитлик қилади ва сўнгра балиқларни тарк этиб сув тагига тушади. Агар глохидиялар балиқларга ёпиша олмаса, ривожланмайди. Шундай қилиб, моллюскалар сув типларига балиқлар орқали тарқалади.

Corbiculidae уруғлари турлари тўлиқ лой қатламида 1.2-1.8 м чуқурликда кўмилиб яшайди, канал сувларининг қумоқ биотопларида учрайди. Улардан канал сувларида яшовчи *Corbicula* уруғининг тури - *C.cor* тухум қўювчи ва Сорбисулум уруғи турлари: *C. tibetensis* ва *C. ferghanensis*лар тирик тухум қўювчиларга мансубдир. Улардан *C.cor* ноёб, кам сонли ва ареалини қисқартирувчи йўқолиб борувчи тур бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” киритилган ва муҳофазага олинган[2;7].

Қориноёқлиларнинг ўпкалилар синфига мансуб Lymneidae оиласининг *Lymnaea auricularia* ва амфибионт *L.truncatula* турлари Қарши магистрал каналининг секин оқар сув худудлари қирғоғида тошлар устида, айрим жойларда бетон атрофида ва ўсимликлар орасида

яшайди. Амфибионт *L.truncatula* тури популяцияси сонининг кўплиги жихатидан *Lymnaea auricularia* туридан устун туради. Каналдан оқиб чиқувчи айрим ариқлар сувлари қирғоғида унинг популяциясидаги сони 1м² да 100-150 донагача етади. Айрим ҳолларда канал қирғоқларида Phisidae лардан фитофил ва эврибионт *Costatella acuta* учрайди, бироқ ариқларда лойлар устида унинг зичлиги 1м² да 150- 200 донани ташкил этади. Айниқса, бу ҳолатни ариқлар суви қисқа муддат қуриганда кузатиш мумкин. Бундан ташқари ушбу сувларда Planorbidae ларда фитофил *Anisus ladacensis* ҳам тарқалган.

Хулоса. Қарши магистрал канали моллюскаларини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар тадқиқотлар натижасида каналда 2 та синф, 1 та кенжа синф, 3 та туркум, 5 та оила, 8 та уруғ, 7та кенжа уруғга мансуб 11 та тур ва 1 та кенжа тур моллюскалар тарқалганлиги аниқланди. Жами моллюскалардан канал сувларида икки паллалилар 7 та тур ва 1 та кенжа турни, қориноёқлилар эса 4 та турни ташкил этади. Моллюскаларнинг таксаномик таркиби шакллантирилди, айрим турларининг популяциядаги зичлиги, тарқалиши ва экологик гуруҳларига таъриф берилди. Мазкур сув ҳавзаси малакафаунасининг замонавий таркибини аниқлаш орқали бутун ҳудуд сув ҳавзасининг моллюскалари турлари популяцияларини мониторинг қилишга эришиш мумкин. Канал сувларида моллюскаларнинг пелореофил, реофил, фитофил, эврибионт, амфибионт-телматофил экологик гуруҳлари тарқалган. Уларнинг орасида пелореофил экологик гуруҳлар устунлик қилади ва бу шундан дарак берадики, канал ҳудудида лойқа биотоплар кўп. Бундан ташқари ушбу сув иншоотида табиий сув ҳавзалари организмларини, жумладан моллюскаларни тарқалиши ва кўпайиши мазкур сув ҳавзаларини ҳар хил ифлосланишлардан ҳимоя қилиш билан бирга улардан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жадин В.И. Моллюски пресных и солоноватых вод СССР. - М.-Л.: Издательство АН СССР. 1952-376 с.
2. Иззатуллаев З. Двустворчатые моллюски сем. Corbiculidae Средней Азии // Зоол. журнал. 1980. Т. 59. вып. 8. – стр. 1130-1136.
3. Иззатуллаев З.И. Водные моллюски Средней Азии - индикатора загрязнения водоемов и водотоков // Гидробиол. журнал., 1992. Т. 28. N I. – стр. 85-90.
4. Иззатуллаев З. И. Фауна моллюск водных экосистем Средней Азии и сопредельных территорий. Ташкент: LESSON PRESS. 2019. - 328.
5. Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. Зарафшон дарёси икки паллали моллюскалари. Самарқанд: СамДУ, 2009. – 95 б.
6. Tursunov T.N., Bozorov D.R., Matyakubov B.SH. Gidroenergetik inshaotlar. Tashkent, 2019. – 175 b.
7. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. II. Хайвонлар. “Chinor ENK”, 2019. - 374 б.

УЎК 581.1:633.51+633.51:631.445.52

ЎЎЗАДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРНИ ТУРЛИ СУВ РЕЖИМИ ШАРОИТЛАРИДА ЎРГАНИШ

М.М.Холмурадова, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

А.Х.Макамов, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Ж.Ш.Шавкиев, илмий ходим, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

Ж.К.Норбеков, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Ш.О.Кушаков, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

С.Қ.Хошимов, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

З.З.Юлдашева, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Ш.Н.Хайитова, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Н.Ш.Холиқулова, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Х.И.Гулбоева, илмий ходим, Геномика ва биоинформатика маркази, Тошкент

Аннотация. Мақолада сув билан оптимал таъминланганлик (назорат) ва сув танқислиги (тажриба) шароитларида этиштирилган ўрта толали (*G. hirsutum L.*) ғўза нав ва нав намуналарида физиологик кўрсаткичлардан ўсимлик баргларидаги умумий хлорофилл, хлорофилл “а”, хлорофилл “b”, каротиноид ва пролин миқдорлари ҳамда сув билан боғлиқ

хусусиятларнинг таҳлил натижалари келтирилган. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 гўза нав ва намуналари Наманган 77, Napicala-19, Zangi-Ota, Saenr pena 85, SAD-35-11, С – 417 гўза нав ва намуналаридан физиологик хусусиятлари бўйича сув танқислигига мойил эканлиги аниқланган.

Калит сўзлар: *G. hirsutum L.*, гўза, нав, сув режими, сув танқислиги, пролин, умумий хлорофилл, хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, каротиноид.

Аннотация. В статье обобщены хлорофилл, хлорофилл «а», хлорофилл «б», каротиноид и пролин в листьях растений по физиологическим показателям у средневолокнистых сортов хлопчатника (*G. hirsutum L.*) и сортов, выращенных в условиях оптимального водообеспечения (контроль) и воды Дефицитные (экспериментальные) условия Приведены результаты анализа величин и свойств воды. Хлопчатник сортов и образцов КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК-1086, Катамарка 811 и Л-Н1 Наманган 77, Хапикала-19, Занги-Ота, Саэнр пена 85 при водном дефиците по сравнению с оптимальным водоснабжением, САД-35-11, С-417 сортов и образцов хлопчатника по своим физиологическим особенностям оказались восприимчивыми к водному дефициту.

Ключевые слова: *G. hirsutum L.*, хлопчатник, сорт, водный режим, водный дефицит, пролин, общий хлорофилл, хлорофилл «а», хлорофилл «б», каротиноид.

Abstract. In the article, results analysis of quantities total chlorophyll, chlorophyll "a", chlorophyll "b", carotenoid and proline in plant leaves from physiological indicators in medium fiber cotton (*G. hirsutum L.*) cultivars under optimal water supply and water deficit conditions

Based on the analysis of drought tolerance of some physiological indicators of cotton genotypes under different irrigation regimes, Namangan 77, Napicala-19, 0-30, Zangi-Ota, Saenr pena 85, S-2025, КК -602, SAD-35-11, С - 417 cotton cultivars are resistant to water deficit compared to other cotton variety samples, КК-1796, КК-1795, 1000, L-N1, S-9006, КК-1086, Catamarca 811, S-9008, L-N1, 141, С-4769, and L-45 cotton cultivars are non-resistant.

Key words: *G. hirsutum L.*, cotton, cultivar, water regime, water deficit, proline, total chlorophyll, chlorophyll "a", chlorophyll "b", carotenoid.

Дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари биосферада ҳаво ҳароратининг ошишини, ёз ойларида нисбий намликнинг кескин пасайишидан вужудга келадиган иссиқ шамоллар эса атмосфера ва тупроқ қурғоқчилигини келтириб чиқармоқда. Сув муаммоси жиддий бўлган ҳозирги даврда сув тежамкор агротехнологияларни яратиш ва жорий қилиш, шунингдек, тупроқ ва атмосфера қурғоқчилигига чидамли ҳамда сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти юқори бўлган гўза навларини яратиш дунё пахтачилигининг энг долзарб вазибалари сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон республикасида пахтачилик қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимизда гўза ўсимлигидан 200 дан ортиқ маҳсулот олинади ва саноатнинг турли соҳаларида ишлатилади. Гўза ўсимлигининг асосий маҳсулоти бўлган толадан инсонлар учун кундалик зарурият ҳисобланган, экологик соф, табиий маҳсулотлар–кийим кечак тайёрланади [1,2]. Ер иқлимининг глобал тарзда ўзгариб бораётгани ва республикамиздаги сув захираларининг чекланганлиги, йилдан-йилга кучайиб бораётган сув танқислиги гўза ҳосилининг микдори ва сифатига кучли салбий таъсир қилмоқда [3,4]. Гўзани сув танқислигига мослашувчанлигининг физиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали чидамли ашёларни ажратиш олиш селекция жараёнида муҳим ўрин тутди.

Республикамиз пахтачилигини ривожлантириш учун яратилаётган гўза навлари ҳосилдор ва толасининг сифати юқори бўлиши билан бирга унинг сув танқислигига чидамли бўлиши ҳам зарурдир.

Сув танқислиги таъсирида ўсимлик тўқима хужайраларида кислороднинг фаол шакллари (пероксид, супероксид каби эркин радикаллар) ҳосил бўлиш даражаси ортиб, хужайраларда кенг кўламдаги функционал бузилишлар содир бўлади ва бунинг натижасида фотосинтез жараёнини издан чиқишига олиб келади. Бу ҳолат оксидланишли стресс деб

номланиб, салбий таъсирлар натижасида ўсимлик организмда юзага келувчи бузилишларнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади [5,6]. Ўсимлик организмда оксидланишли стресс таъсирига қаршилик кўрсатувчи бир қатор функционал тизимлар шаклланган. Жумладан, ўсимлик хужайраларида мавжуд бўлган турли ферментлар кислороднинг фаол шакллари хосил бўлишини пасайтиради. Бундан ташқари, қуйи молекулали осмопротектор моддалар миқдори ортиб, ўсимликларни ички муҳит барқарорлигини таъминлайди. Булар эса ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларидан ҳимоялайди [7,8]. Шунингдек, ўсимлик хужайраларида осмопротектор моддалардан пролин, глицин бетанин ва маннитол каби моддалар биологик муҳим бўлган оқсил макромолекулалари ва хужайра мембраналарини барқарорлиги таъминлайди. Тамаки ва арабидопс ўсимликларида осмолитик моддалар учун жавобгар *imt 1* гени олиб ташланган ўсимликларга нисбатан *imt 1* гени фаол бўлган ўсимликларда сув танқислигига чидамлилиқ даражаси юқори бўлиши қайд этилган [9].

Фотосинтезнинг пасайиши хлоропластнинг асосий компонентлари бўлган хлорофиллнинг “а” ва “б” шаклларига боғлиқ бўлиб, улар ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини чеклаб қўяди. Manivanna ва бошқалар (2007) ўз тадқиқотларида оптимал сув режимига нисбатан қурғоқчилик шароитидаги кунгабоқар ўсимлик баргларида умумий хлорофилл, хлорофилл “а” ва “б” миқдорлари камайганлигини қайд этган [10]. Зайтун ўсимлигининг иккита навида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан қурғоқчилик шароитида умумий хлорофилл миқдори 29% дан 42% гача камайиши кузатилган [11]. Қурғоқчилик стресси остида хлорофилл миқдорининг камайиши фото-оксидланиш жараёнидаги хлорофилл деградацияси билан боғлиқлиги аниқланган [12].

Ўсимликлардаги умумий хлорофилл, хлорофилл “а” ва “б” хлорофилл физиологик нуқтаи назардан муҳим бўлиб, уларнинг паст концентрацияда бўлиши ўсимлик маҳсулдорлигини камайишига олиб келади. Ўсимликларда хлоропластнинг компонентларидан бири каротиноидлар эса стресс шароитида ўсимликларни фото-оксидланишдан ҳимоя қилади [9,10, 12].

Сув танқислигида ўсимликнинг сув билан боғлиқ физиологик хусусиятларидан барглarning сув ютиш хусусияти яъни нисбий сув миқдори ўсимликлардаги сув ҳолатининг энг муҳим ўлчови эканлиги ўрганилган [1,3,11]. Қурғоқчилик шароитида сув ютиш хусусияти билан пахта ҳосилдорлиги ўртасидаги ўзига хос боғлиқлик аниқланган [8]. Хлорофилл миқдори сув танқислигига чидамли ўсимлик баргларида чидамсиз ўсимлик баргларидаги нисбатан кўп миқдорда бўлиши аниқланган [12,13]. Сув танқислиги шароитида юқори маҳсулдор генотипларни аниқлашда хлорофилл миқдори ва сув ютиш хусусияти энг самарали физиологик белгилар эканлиги қайд этилган [13,].

Бир қатор олимлар томонидан сув танқислигининг ўсимлик ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини ва бу ўз навбатида ўсимлик маҳсулдорлигининг 50% гача камайишига олиб келишини аниқланган [12, 13]. Ўсимлик маҳсулдорлигининг барқарорлиги юқори бўлган ғўза навларини яратиш муаммоси – ғўзада ўсиш, ноқулай муҳит омилларига физиологик чидамлилиқ ва маҳсулдорликнинг ўзаро боғлиқликларини ҳар томонлама ўрганишни талаб этади. Чунки, ўсимлик организмдаги физиологик–биокимёвий жараёнлар ўсимликнинг биологик хусусиятларига ва муҳит шароитларига боғлиқдир.

Тадқиқотнинг мақсади сув танқислигини ғўзанинг нав ва нав намуналарини физиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва ўтказиш шароитлари. Геномика ва биоинфарматика марказининг Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган уруғчилик тажриба дала майдонида ғўзанинг *G. hirsutum L.* турига мансуб Наманган-77, КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК-1086, Catamarca 811, С-9008, L-N1, 141, Napicala 19, 0-30, С-4769, L-45, Занги-Ота,

Тадқиқот намуналарининг чигитлари сув режими бўйича фарқланадиган 2 та фонга, яъни сув билан оптимал таъминланганлик 1-2-1 ва сув танқислиги 0-1-0 суғориш схемасида ўрганиш учун экилди. Оптимал фондаги ўсимликларни парваришlash учун жами 4800-5000

м³/га сув сарфланган бўлса, сув танқислиги фондаги ўсимликлар парвариши учун эса 1000-1200 м³/га сув сарфланган. Тупроқ намлиги ўсимликларни ялпи гуллаш даврида оптимал ва сув танқислиги фонларида 65-70% ва 50-55%ни ташкил этган. Моделлаштирилган қурғоқчилик 0-1-0 суғориш схемаси ўсимликларни гуллаш даврида суғориш сонини камайтириш орқали пайдо қилинди. Агротехник тадбирлар ҳар иккала фонда бир хил тарзда олиб борилди. Ҳар иккала фонда ўрганилаётган материаллар рендомизация қилинган ҳолда 3 такрорда олиб борилди. Намуналар ҳар бир такрорда жами 50 та уячадан иборат бўлган 5 метр узунлигидаги иккитадан ариққа экилган.

Тадқиқот ўсимликларини гуллаш даврида ўсимлик барглари сув ютиш ва сув ушлаш хусусиятлари, умумий хлорофилл, хлорофилл а, хлорофилл б, каротиноид ва пролин миқдорлари каби физиологик белгилар ўрганилиб, куйидаги усулларда аниқланди:

1) Ғўза нав намуналарининг баргларидаги умумий сув миқдори Н.Н. Третьяков бўйича [Н.Н Третьяков ва бошқалар., 1990];

2) Ғўза нав намуналарининг баргларидаги сув ушлаш хусусияти М.Д. Кушниренко бўйича [М.Д. Кушниренко ва бошқалар., 1970];

3) Ғўза нав ва намуналарининг баргларидаги пигментлар миқдори умум қабул қилинган усул [Н. К. Lichtenthaler ва А. R Wellburn, 1983] билан аниқланди.

4) Ғўза нав ва намуналарининг баргларидаги пролин миқдори бўйича Bates [Bates 1973] билан аниқланди.

Физиологик маълумотларининг бошланғич таҳлиллари Microsoft® Office EXCEL 2016 дастурида бажарилди ва NCSS 2022 дастурларидан фойдаланган ҳолда дисперсион (ANOVA, Two-Sample T-Test) таҳлиллар қилинди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Сув режими турлича бўлган ғўзанинг нав ва нав намуналарида барглари сув ушлаш хусусияти ўрганилганда, сув оптимал таъминланганлик шароитида назорат Наманган-77 нави $34,85 \pm 1,72\%$ ни ташкил этган ҳолда, энг юқори кўрсаткич эса КК-1795 ғўза намунаси $42,82 \pm 1,58\%$ да ва энг паст кўрсаткичлар С-9006, 1000 ва Л-141 ғўза намуналарида (мос равишда $30,13 \pm 1,26\%$; $30,06 \pm 1,68\%$ ва $30,14 \pm 1,22\%$) бўлди. Сув танқислиги шароитида сув ушлаш хусусиятининг энг юқори кўрсаткичи КК-602 ғўза намунасида $24,76 \pm 1,35\%$ да бўлса, КК – 1086 ва L-N1 ғўза намуналарида энг паст кўрсаткичлар (мос равишда $13,65 \pm 0,22$ ва $13,46 \pm 0,69$) аниқланди (1-жадвал). КК-1795 ва L-N1 ғўза намуналари сув оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида Наманган-77 ва бошқа донор нав намуналарига нисбатан кескин камайишидаги фарқ ишончли эканлиги аниқланди. С.М. Набиев тадқиқотларида ғўза навларининг баргларида сув ушлаш хусусияти ўрганилганда, сув танқислигига чидамсиз навларда чидамли навларга нисбатан кўпроқ сув юқотилган қайд этилган.

Сув танқислиги шароитида Catamarca 811 ва L-N1 ғўза намуналарининг баргларидаги сув ютиш хусусияти энг паст кўрсаткичларни (мос равишда $58,56 \pm 2,72\%$ ва $59,25 \pm 1,44\%$) намоён этган бўлса, Наманган-77 ва КК-1796 (мос равишда $71,7 \pm 0,51\%$ ва $70,94 \pm 2,82\%$) ғўза генотипларида эса энг юқори кўрсаткичлар кузатилди. Мазкур белги сув оптимал таъминланганлик шароитида L-N1 ва Catamarca 811 ғўза намуналарида энг паст кўрсаткичларни (мос равишда $65,47 \pm 1,35\%$ ва $65,34 \pm 0,68\%$) кўрсатган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар эса КК-1795 ва 1000 ғўза намуналарида (мос равишда $77,31 \pm 0,71\%$ ва $79,28 \pm 1,84\%$) аниқланди (1-жадвал). Тажрибадан шуни айтиш мумкинки, сув танқислиги шароитида парвариш қилинган Наманган-77, КК-1796, L-45, Zangi-Ota, Saenr pena 85 ва С-2025 ғўза навларида баргларидаги сув ютиш хусусиятининг оптимал муҳитдаги ғўзанинг бошқа нав намуналарига нисбатан кескин камайиши ишончли эканлиги аниқланмади. КК-1795 ғўза намунасида эса ушбу белги кўрсаткичининг кескин камайишидаги фарқланиш ишончли эканлиги аниқланди. Х.Х.Матниёзова тажрибаларида ғўзанинг нав ва нав намуналарида баргларидаги сув ютиш хусусияти сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида кам миқдорда бўлиши, ғўза маҳсулдорлиги ва физиологик кўрсаткичларга салбий таъсир этиши қайд этилган.

Тадқиқот намуналарида пролин миқдори ўрганилганда, сув танқислиги шароитида энг паст кўрсаткичлар Нарісала 19 ва Saenr pena 85 ғўза намуналарининг баргларида (мос равишда 147,66±5,40 мкг/г ва 151,85±1,39 мкг/г) кузатилган бўлса, оптимал муҳитда эса Saenr pena 85 ва КК-602 ғўза намуналарида (мор равишда 104,52±1,32 мкг/г ва 109,35±0,40 мкг/г) кузатилди. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида пролин миқдорининг энг юқори кўрсаткичи 141 ва С-4769 ғўза намуналари баргларида (мор равишда 174,52±5,14 мкг/г ва 170,97±4,21 мкг/г) бўлса, сув танқислигида эса КК-1795 ва 141 ғўза намуналари баргларида (мор равишда 221,05±8,00 мкг/г ва 223,55±1,85 мкг/г) аниқланди (1-жадвал). Тажрибадан шуни айтиш мумкинки, С-9006 ғўза нави баргларида пролин миқдори сув оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида Наманган-77 нави ва бошқа ғўза нав намуналарига нисбатан кескин ошиши ишончли эканлиги аниқланди. Бозоров Т.А. ва бошқалар томонидан ғўза навларида сув танқислигига чидамли метобалитлар ўрганилганда, ғўза баргларида пролин миқдори кўп миқдорда синтезлангани қайд этилган.

Сув билан турлича таъминланганлик шароитида ғўза ўсимлигининг баргларидаги хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл ва каротиноид миқдорлари ўрганилганда, оптимал шароитда ўсган КК-1086 ва Catamarca 811 ғўза намуналарида баргларидаги хлорофилл а миқдорининг энг юқори кўрсаткичи (мос равишда 21,47±0,24 мг/г ва 22,02±0,70 мг/г) қайд қилинган бўлса, энг паст кўрсаткичлар С-9006 ва Л-141 ғўза намуналарида (мос равишда 15,85±0,26 мг/г ва 15,57±0,22 мг/г) аниқланди. Сув танқислиги шароитида энг юқори хлорофилл а миқдори Нарісала 19 ва КК-602 ғўза намуналарида (мос равишда 22,11±0,90 мг/г ва 22,14±0,18 мг/г) кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич эса L-45 (11,33±0,63 мг/г) ғўза намунасида аниқланди. Ғўзанинг L-45, КК – 1086, Catamarca 811, С-9008, Zangi-Ota ва SAD-35-11 нав ва нав намуналарида баргларидаги хлорофилл а миқдорининг оптимал муҳитга нисбатан сув танқислиги шароитида камайишидаги фарқ ишончли эканлиги аниқланди. Шунингдек, С-9006, Saenr pena 85 ва КК-602 ғўза намуналарида баргларидаги хлорофилл а миқдорининг сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида ошишининг фарқланиши ишончли эканлиги қайд этилди.

1-жадвал

Сув билан турлича таъминланганлик шароитида ғўзанинг нав ва нав намуналарида баргларидаги транспирация жадаллиги, сув ушлаш, сув ютиш хусусиятлари ва пролин миқдори.

	Сув ушлаш			Сув ютиш			Пролин		
	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ
Namangan-77	34,85±1,72	19,3±0,60	15,55	74,89±1,13	71,7±0,51	3,19	137,42±2,11	215,16±5,86	-77,74
КК-1796	33,73±1,83	16,24±0,99	17,49	75,19±0,95	70,94±2,82	4,25	163,55±1,19	197,34±4,17	-33,79
КК-1795	42,82±1,58	14,62±0,14	28,2	77,31±0,71	60,79±1,89	16,52	166,45±2,63	221,05±8,00	-54,6
1000	30,06±1,68	20,55±0,97	9,51	79,28±1,84	69±0,27	10,28	112,58±6,19	170,73±3,86	-58,15
С-9006	30,13±1,26	18,99±1,64	11,14	75,32±1,53	65,35±0,86	9,97	135,48±4,74	214,12±6,87	-78,64
КК – 1086	34,89±0,41	13,65±0,22	21,24	71,53±0,64	60,62±0,77	10,91	125,48±0,92	180,81±4,02	-55,33
Catamarca 811	32,48±0,65	16,22±0,30	16,26	65,47±1,35	58,56±2,72	6,91	134,19±2,90	186,94±9,57	-52,75
С-9008	35,98±0,37	15,03±1,16	20,95	70,77±0,82	61,31±1,10	9,46	152,9±2,63	180,16±1,54	-27,26
L-N1	36,18±0,27	13,46±0,69	22,72	65,34±0,68	59,25±1,44	6,09	159,35±2,63	190,08±1,39	-30,73
141	30,14±1,22	14,54±1,19	15,6	69,08±1,04	62,61±2,28	6,47	174,52±5,14	223,55±1,85	-49,03
Naricala 19	31,28±0,95	16,25±0,97	15,03	72,11±1,44	65,97±1,58	6,14	126,77±1,19	147,66±5,40	-20,89
0-30	35,7±0,35	18,92±1,43	16,78	69,55±1,31	59,94±1,12	9,61	130,65±5,93	163,55±4,32	-32,9
С-4769	33,71±0,71	20,85±0,80	12,86	71,75±1,11	64,7±1,74	7,05	170,97±4,21	210,08±0,15	-39,11
L-45	35,28±0,34	21,02±1,23	14,26	72,06±1,05	68,81±0,78	3,25	136,77±2,90	172,34±0,77	-35,57
Zangi-Ota	35,02±0,42	21,12±1,15	13,9	70,56±0,69	69,18±1,31	1,38	150,97±1,58	182,18±1,08	-31,21
Saenr pena 85	37,83±1,24	21,29±1,82	16,54	71,86±0,69	65,7±2,07	6,16	104,52±1,32	151,85±1,39	-47,33
С-2025	38,23±0,27	21,37±1,06	16,86	68,4±1,32	64,06±0,51	4,34	154,84±0,26	172,02±1,08	-17,18
КК-602	38,87±0,44	24,76±1,35	14,11	71,93±1,43	63,57±0,57	8,36	109,35±0,40	176,53±2,32	-67,18
SAD-35-11	30,12±1,18	19,78±1,13	10,34	70,16±1,38	60,42±0,59	9,74	141,94±2,37	157,74±1,85	-15,8
С – 417	37,58±1,47	21,78±1,10	15,8	76,95±0,40	68,47±1,22	8,48	131,61±0,53	178,06±6,18	-46,45

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ўсган КК – 1086 ғўза намунасида баргларидаги хлорофилл б миқдори энг юқори миқдорда 7,26±0,32 мг/г қайд қилинган бўлса, энг паст 4,08±0,22 кўрсаткичлар эса С-141 ғўза намунасида кузатилган. Сув танқислиги шароитида эса Saenr pena 85 ғўза намунасида хлорофилл б энг юқори 7,11±0,28 мг/г

кўрсаткичга тенг бўлса, энг паст кўрсаткич эса С-9008 ва L-45 ғўза намуналарида (мос равишда $3,99 \pm 0,06$ мг/г ва $3,49 \pm 0,15$ мг/г) аниқланди. КК – 1086 ва SAD-35-11 ғўза намуналарида сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида хлорофилл б микдорининг камайишидаги фарқ ишончли бўлса, Нарисала 19 ва Saenr pena 85 ғўза намуналарида эса ушбу белги кўрсаткичининг ошишидаги фарқ ишончли эканлиги аниқланди.

	Хлорофилл а			Хлорофилл б			Умумий хлорофилл		
	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ	Оптимал ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	Фарқ
Нашадгап-77	17,16±0,65	15,93±0,19	1,23	5,44±0,37	4,85±0,24	0,59	22,6±1,00	20,77±0,26	1,83
КК-1796	20,16±0,78	18,54±0,65	1,62	6,63±0,64	4,92±0,35	1,71	26,79±1,41	23,46±0,99	3,33
КК-1795	16,34±0,64	17,7±0,50	-1,36	4,83±0,12	5,32±0,06	-0,49	21,17±0,55	23,02±0,55	-1,85
1000	16,87±0,57	17,98±0,79	-1,11	5,95±0,37	4,93±0,29	1,02	22,83±0,92	22,91±1,08	-0,08
С-9006	15,85±0,26	19,06±0,77	-3,15	6,06±0,05	5,12±0,11	0,94	21,91±0,23	24,12±0,88	-2,21
КК – 1086	21,47±0,24	17,53±0,41	3,94	7,26±0,32	4,6±0,13	2,66	28,73±0,56	22,14±0,53	6,59
Satamarca 811	22,02±0,70	17,78±0,59	4,24	6,18±0,29	4,99±0,28	1,19	28,20±0,98	22,78±0,86	5,42
С-9008	18,20±0,47	14,42±0,42	3,78	5,51±0,47	3,99±0,06	1,52	23,71±0,87	18,41±0,42	5,30
L-N1	16,11±0,30	17,18±0,27	-1,07	4,61±0,32	5,02±0,31	-0,41	20,71±0,58	22,2±0,58	-1,49
141	15,57±0,22	18,10±0,60	-2,53	4,08±0,22	5,72±0,12	-1,64	19,65±0,43	23,82±0,68	-4,17
Нарисала 19	17,83±0,93	22,11±0,90	-4,28	4,92±0,19	7,35±0,26	-2,43	22,75±1,11	29,47±1,29	-6,72
0-30	17,19±0,68	17,87±0,79	-0,68	5,19±0,26	6,99±0,51	-1,80	22,39±0,94	24,85±1,29	-2,46
С-4769	18,92±0,83	16,29±0,50	2,63	5,8±0,14	4,31±0,34	1,49	24,72±0,89	20,60±0,84	4,12
L-45	16,61±0,92	11,33±0,63	5,28	5,03±0,24	3,49±0,15	1,54	21,65±1,16	14,82±0,78	6,83
Zandj-Ota	18,83±0,70	14,81±0,56	4,02	5,89±0,26	4,15±0,23	1,74	24,72±0,96	18,97±0,71	5,75
Saenr pena 85	16,01±0,21	19,8±0,60	-3,79	4,46±0,12	7,11±0,28	-2,65	20,47±0,32	26,91±0,87	-6,44
С-2025	16,52±0,69	19,25±0,53	-2,73	4,89±0,12	6,4±0,30	-1,51	21,41±0,60	25,65±0,82	-4,24
КК-602	18,29±0,67	22,14±0,18	-3,85	5,12±0,27	6,14±0,22	-1,02	23,41±0,94	28,28±0,39	-4,87
SAD-35-11	21,21±0,89	16,87±0,41	4,34	6,33±0,17	4,17±0,40	2,16	27,55±1,06	21,05±0,81	6,50
С-417	18,13±0,23	15,28±0,15	2,85	5,17±0,16	4,95±0,48	0,22	23,31±0,08	20,22±0,57	3,09

Сув билан турлича таъминланганлик шароитида УАК популярияси ота-она генотиплари ўсимликларининг бардугли хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл ва каротининг микдорларини.

2-жадвал

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида КК – 1086 ва Satamarca 811 ғўза намуналарида умумий хлорофилл энг юқори кўрсаткичларни (мос равишда $28,73 \pm 0,56$ мг/г ва $28,2 \pm 0,98$ мг/г) нанмоён этагн бўлса, энг паст кўрсаткич эса $19,65 \pm 0,43$ мг/г га тенг бўлган

ҳолда L-141 ғўза намунасида аниқланди. Сув танқислиги шароитида умумий хлорофилнинг энг паст қиймати $14,82 \pm 0,78$ мг/г L-45 ғўза намунасида қайд қилинса, энг юқори кўрсаткичлар эса Нарісала 19 ва КК-602 ғўза намуналарида (мос равишда $29,47 \pm 1,29$ мг/г ва $28,28 \pm 0,39$ мг/г) аниқланди. Ғўзанинг КК – 1086, Catamarca 811, C-9008, C-4769, L-45, Zangi-Ota, SAD-35-11 ва C – 417 нав ва нав намуналарида барглардаги умумий хлорофилл миқдори сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитидаги камайишининг фарқи ишончли эканлиги аниқланди.

Шунингдек, Нарісала 19 ва Saenr pena 85 ғўза намуналарида барглардаги умумий хлорофилл миқдори сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида ошишидаги фарқланишни ишончли эканлиги аниқланди. Шавқиев ва бошқалар томонидан сув танқислигига чидамсиз навларда хлорофилл ва унинг компонентлари сув билан оптимал таъминганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайиши аниқлаган. Бу ҳолатни ўсимлик маҳсулдорлиги ва битта ўсимликдаги кўсак сонига салбий таъсири қайд этилган.

Ўсимликларда хлоропластнинг асосий компонентларидан бири бўлган каротиноид ўсимликларни куёшнинг турли нурлари таъсиридаги оксидланиш стрессларидан химоя қилишда муҳим ҳисобланади. Тадқиқот намуналарида каротиноид миқдори ўрганилганда, оптимал муҳитдаги 1000, КК – 1086 ва Catamarca 811 ғўза намуналарида энг юқори кўрсаткичга (мос равишда $5,19 \pm 0,11$ мг/г; $5,27 \pm 0,13$ мг/г ва $5,07 \pm 0,17$ мг/г) эга бўлган бўлса, энг паст миқдор $3,6 \pm 0,07$ мг/г бўлиб, L-N1 намунасида қайд қилинди. Каротиноиднинг сув танқислиги шароитида энг паст кўрсаткичи $2,4 \pm 0,16$ мг/г ни L-45 ғўза намунасида қайд қилинса, энг юқори кўрсаткичлари (мос равишда $5,14 \pm 0,15$ мг/г ва $5,03 \pm 0,11$ мг/г) эса Saenr pena 85 ва C-2025 ғўза намуналарида аниқланди. L-45 ва SAD-35-11 ғўза намуналарида барглардаги каротиноид миқдорининг сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида камайишидаги фарқ ишончли эканлиги аниқланди. Шунингдек, ғўзанинг Saenr pena 85 ва C-2025 намуналарида барглардаги каротиноид миқдорининг оптимал муҳитга нисбатан сув танқислиги шароитида ошишидаги фарқланишни ишончли эканлиги аниқланди. Сув танқислигига чидамли ғўза навларида каротиноид миқдори чидамсиз навларга нисбатан сув билан оптимал таъминганлик шароитига қараганда сув танқислиги шароитида кўпроқ бўлиши аниқланган [18].

Тажрибадан шуниси аниқландики, ғўзанинг нав ва нав намуналарида барглардаги пигмент миқдорлари уларнинг келиб чиқиши ёки ўзига хос табиати билан боғлиқ ҳолда турли даражада камайиш ва ошиши кузатилди.

Хулосалар. Сув билан турлича таъминганлик шароитида ғўзанинг нав ва намуналарида барглардаги сув ушлаш, сув ютиш хусусиятлари, хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл, каротиноид ва пролин миқдорлари генотипга боғлиқ ҳолда турли даражада ошиш ва камайиш ҳолатлари аниқланди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида ғўзанинг КК-1796, КК-1795, 1000, C-9006, КК – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 нав ва намуналаридан Наманган 77, Нарісала-19, Zangi-Ota, Saenr pena 85, SAD-35-11 ва C – 417 ғўзанинг нав ва намуналари физиологик белгиларининг кўрсаткичлари бўйича сув танқислигига барқорор эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Shavkiev Jaloliddin, Nabiev Saidgani, Abdulahat, Khamdullaev, v Shukhrat. Economic and physiological traits of pima cotton lines in Uzbekistan and their correlation. UNIVERSUM: ХИМИЯ И БИОЛОГИЯ. 2021; 7 (85(2)): 14-22.
2. Shukhrat Khamdullaev, Saidgani Nabiev, Abdulahad Azimov, Jaloliddin Shavkiev and Utkir Yuldashov. Combining ability of yield and yield components in upland cotton (*G. hirsutum* L.) genotypes under normal and water-deficit conditions. Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology. 2021: 22(35&36):176-186
3. Shavkiev J, Azimov A, Nabiev S, Khamdullaev S, Amanov B, Kholikova M, Matniyazova H, Yuldashov U. Comparative performance and genetic attributes of upland cotton genotypes for yield-related traits under optimal and deficit irrigation conditions. SABRAO J. Breed. Genet. 2021; 53(2): 157-171.
4. Beknazarov B.O. "Plant physiology" Tashkent – Aloqachi, 2009. 424-443

5. Shavkiev J, Nabiev S, Azimov A, Khamdullaev S, Amanov B, Matniyazova H, et al. Correlation coefficients between physiology, biochemistry, common economic traits and yield of cotton cultivars under full and deficit irrigated conditions. J. Crit. Rev. 2020;7(4):131-136.
6. Sunkar R., D. Bartels, H.H. Kirch. Overexpression of a stress-inducible aldehyde dehydrogenase gene from *Arabidopsis thaliana* in transgenic plants improves stress tolerance. Plant J. 2003; 35(4): 452-464.
7. Bohnert, H.J., D.E. Nelson, and R.G. Jensen. Adaptations to environmental stress. Plant Cell. 1995; 7: 1099-1111.
8. Tohir A Bozorov, Rustam M Usmanov, Yang Honglan, Shukhrat A Hamdullaev, Sardorbek Musayev, Jaloliddin Shavkiev, Saidgani Nabiev, Zhang Daoyuan, Alisher A Abdullaev. Effect of water deficiency on relationships between metabolism, physiology, biomass, and yield of upland cotton (*Gossypium hirsutum* L.). J Arid Land. 2018; 10(3): 441–456.
9. Shavkiev J, Nabiev S, Khamdullaev Sh, Usmanov R, Chorshanbiev N. Physiological-biochemical and yield traits parameters of cotton varieties under different water irrigated regimes. Bull. Agrarian Sci. Uzbekistan. 2019;78(4(2):157-162.
10. Manivannan P, Jaleel CA, Sankar B, Kishorekumar A, Somasundaram R, Alagu Lakshmanan GM, Panneerselvam R. Growth, biochemical modifications and proline metabolism in *Helianthus annuus* L. as induced by drought stress. Colloids Surf. B: Biointerf. 2007; 59:141-149
11. Guerfel M, Baccouri O, Boujnah D, Chaibi W, Zarrouk M. Impacts of water stress on gas exchange, water relations, chlorophyll content and leaf structure in the two main Tunisian olive (*Olea europaea* L.) cultivars. Sci. Horticult. 2009; 119: 257-263.
12. Massacci A., Nabiev S.M., Pietrosanti L., Nematov S.K., Chernikova T.N., Thor K and Leipner J., Response of the photosynthetic apparatus of cotton (*Gossypium hirsutum*) to the onset of drought stress under field conditions studied by gas-exchange analysis and chlorophyll fluorescence imaging. Plant Physiol. Biochem. 2008; 46: 189– 195.
13. Shavkiev J, SH Hamdullaev, S Nabiev, R Usmanov. Water sensitivity and tolerance indices upon productivity in upland cotton and other economic valuable traits. Bulletin of Gulistan State University 2019; (2): 71-76.
14. Кушниренко М.Д., Гончарова Э.А., Бондарь Е.М. Методы изучения водного обмена и засухоустойчивости плодовых растений. Кишинев, 1970. – С.79.
15. Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В, Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений. Агропромиздат, 1990. – С. 271
16. Lichtenthaler H. K. and Wellburn, A. R., Determinations of total carotenoids and chlorophylls a and b of leaf extracts in different solvents, Biochem. Soc. Trans. 1983; 11: 591–592.
17. Bates L.S., Waldren R.P. and Teare I.D. Rapid determination of free proline for water-stress studies. Plant Soil. 1973; 39: 205-207.
18. Parida, A. K., Dagaonkar, V. S., Phalak, M. S., Umalkar, G. V., L. P. and Aurangabadkar, L. P. Alterations in Photosynthetic Pigments, Protein and Osmotic Components in Cotton Genotypes Subjected to Shortterm Drought Stress Followed by Recovery. Plant Biotechnol. Rep. 2007; (1): 37–48.

УЎК 581.46

ТОШКЕНТ БОТАНИКА БОҒИ ШАРОИТИДА *WEIGELA FLORIDA* F. *BRISTOL RUBU* (ВЕЙГЕЛА) НИНГ ГУЛЛАШ БИОЛОГИЯСИ

Д.А. Ҳамраева, кичик илмий ходим ЎЗР ФА Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғи, Тошкент

Э.Э. Темиров, PhD, катта илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғи, Тошкент

Аннотация. Мақолада Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган *Weigela florida f. bristol rubi* ўсимлигининг гуллаш биологияси ўрганилганлиги ёритилди. Олиб борилган кузатишлар натижасида ўсимликда гунчалаш даврининг бошланиши, апрель ойининг биринчи ва иккинчи декадасига тўғри келиши, биринчи марта гуллар баҳорда ўтган йилги шохлардаги куртакларда пайдо бўлганлиги, иккинчи марта гуллар ёзнинг охирида шу йилнинг ўзида ҳосил бўлган шохлардаги куртакларда пайдо бўлганлиги аниқланди.

Гуллаш даври иқлим шароитига боғлиқ ҳолда ўсимлик гулларининг сутка давомида энг кўп очилиш вақти апрел ойининг учинчи декадасида соат 10⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача бўлган вақтда кузатилди ва у сутка давомида очиладиган гулларнинг 70% ига тўғри келди. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати 25-32⁰ С, нисбий намлиги эса 25-45% ни ташкил этди.

Калит сўзлар: Тошкент Ботаника боғи, *Weigela florida f. bristol rubi* интродукция, вегетатив, генератив, фенология, вегетация, гетероауксин, гуллаш биологияси, гуллаш динамикаси.

Аннотация: Стаття посвящена изучению биологии цветения *Weigela florida f. bristol rubi*, интродуцированной в Ташкентском ботаническом саду.

В результате наблюдений установлено, что начало периода бутонизации у растения соответствует первой и второй декаде апреля, первое появление цветков весной на почках прошлогодних ветвей, а второй раз цветы появились в конце лета на соцветиях однолетних веток.

В зависимости от климатических условий периода цветения максимальное время раскрытия цветков растений днем наблюдалось в третьей декаде апреля с 10 до 16 часов и соответствовало 70% раскрытия цветков днем. В это время температура воздуха была 25-32⁰ С, а относительная влажность 25-45%.

Ключевые слова: Ташкентский Ботанический сад, *Weigela florida f. bristol rubi* интродукция, вегетативный, генеративный, фенология, вегетация, гетероауксин, биология цветения, динамика цветения.

Abstract. The article is devoted to the study of the biology of flowering *Weigela florida f. bristol rubi*, introduced in the Tashkent Botanical Garden.

As a result of observations, it was established that the beginning of the budding period of the plant corresponds to the first and second ten days of April, the first appearance of flowers in the spring on the buds of last year's branches, and the second time the flowers appeared at the end of summer on the inflorescences of annual branches.

Depending on the climatic conditions of the flowering period, the maximum time of flowers opening during the day was observed in the third decade of April from 10 am to 4 pm and corresponded to 70% of flower opening during the day. At this time, the air temperature was 25-32⁰ C, and the relative humidity was 25-45%.

Key words: Tashkent Botanical garden, *Weigela florida f. bristol rubi* introduction, vegetative, generative, phenology, vegetation, heteroauxin, flowering biology, flowering dynamics.

Ландшафт дизайнида чиройли гулловчи манзарали буталар муҳим роль ўйнайди. Бир йилда икки марта гулловчи *Weigela florida* ўсимлиги **Caprifoliaceae** оиласига тегишли. У ўзининг ғайриоддий номини таниқли кимёгар, ботаник, фармаколог, Грайфсвальд шаҳридаги ботаника боғининг директори бўлган Кристиан Эренфрид фон Вайгел шарафига олган. 19-асрда у европаликлар учун бу ажойиб ўсимликни кашф этган ва уни биринчи бўлиб ўрганган [1].

Weigela нинг табиий яшаш ҳудуди Осиёнинг жанубий – шарқий томони, Ява ороллари ва Узоқ Шарқ мамалакатлари ҳисобланади. Табиатда *Weigela* нинг 3 та тури мавжуд, лекин селекционер олимлар томонидан гулларининг ранги фарқ қиладиган, бўйининг паст баландлиги, паст ҳароратга чидамли бир қанча навлари яратилган [2].

У энгил унумдор тупроқли куёшли жойларда яхши ўсади, лекин сояда ҳам ўсиши мумкин. Ўсимлик намликни яхши кўради. Қуруқ, иссиқ ёзда уни вақти-вақти билан суғориш керак, акс ҳолда ранг ҳосил қилиш жараёни секинлашади ва ўсимлик жозибдорлигини йўқотади. Баҳор фаслида қийғос гуллаган *Weigela* ўзига хос ажойиб манзара касб этади.

Ўсимликларнинг гуллаш босқичига ўтиши мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Экологик омиллардан ҳарорат (яровизация), кеча-кундуз, ёруғлик ва қоронғилик даврларининг алмашиб таъсир этиши (фотопериодизм) ёки эндоген омиллар ўсимликларнинг гуллаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлади [3].

Гуллаш (лог. anthésis) - гулли ўсимликларда гул пайдо бўлишидан то уруғланишгача бўлган даврда содир бўладиган физиологик жараёнлар мажмуаси; ўсимлик вегетатив ўсишдан уруғланиш ва генератив ривожланишга ўтадиган онтогенез босқичи ҳисобланади.

Кузатишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Акад. Ф.Н.Русанов номидаги Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган *Weigela florida f. bristol rubi* ўсимлигида олиб борилди.

Ўсимликда ғунчалаш даврининг бошланиши, апрель ойининг биринчи ва иккинчи декадасига тўғри келди. Биринчи марта гуллар баҳорда ўтган йилги шохлардаги куртакларда

пайдо бўлди. Иккинчи марта гуллар ёзнинг охирида шу йилнинг ўзида ҳосил бўлган шохлардаги куртакларда пайдо бўлди.

Гуллаш даврининг бошланиши апрель ойининг бошларида кузатилиб, бу пайтда ўсимлик баландлиги 85-90 см га етди. Ғунчалаш, гуллаш фазалари об-ҳаво шароитига қараб 31-43-кунни ташкил этди. Ҳар бир ўсимликнинг поясида биринчи тартибли новдалар сони 5-7 та, иккинчи тартибли новдалар 2-4 тадан ҳосил бўлганлиги кузатилди [4].

Йилига икки марта, апрел-май ойларида ва август ойининг ўрталаридан совуқ об-ҳавонинг бошланишига қадар, буталар тўқ қизил рангдаги гуллар билан қопланади. Қўнғироқ шаклидаги гуллар ўлчами 5 см атрофида, 5-6 донадан бўлиб шингилда жойлашган, пастки қисмида бир-бирига боғланган ёки ажратилган 5 та гулбаргга ега. Баъзи навларда гуллаш пайтида ранг оч рангдан ёрқин рангларга ўзгаради. Гул ичида жойлашган чангчилари сариқ рангда [5].

Вейгела ўсимлигида гуллаш фазасининг бошида бир сутка давомида бир туп ўсимликда 54дона гул очилгани кузатилди. Ёппасига (ялпи, массовый) гуллаш фазасида бир сутка давомида бир туп ўсимликда 71 дона гул очилгани кузатилди. Гуллаш фазасининг тугашида эса бир туп ўсимликда 16дона гул очилгани қайд этилди. Ўсимлик гулларининг сутка давомида энг кўп очилиш вақти апрель ойининг учинчи ўн кунлигида соат 10⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача кузатилиб ва у сутка давомида очиладиган гулларнинг 70% ига тўғри келади. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати 25-32⁰С, нисбий намлиги эса 25-45% ни ташкил этди.

Соат 16⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача кам миқдорда гуллар очилди, 18⁰⁰ дан кейин гуллаши тўхтади. Гуллари кечки пайт ёпилди.

Ўсимликларда ёшининг ортиши билан иккинчи ва учинчи тартиб новдалар сонининг кўпайганлиги гуллар сони ҳамда гуллаш давомийлиги узайганлиги қайд этилди.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиши билан очилган гуллар сони кўпайиб борди. Ҳаво ҳароратининг 3-4⁰С га пасайиши ва нисбий намликнинг кўтарилиши очилган гуллар сони камайишига сабаб бўлди.

Вейгела ўсимлиги Ботаника боғи шароитида бир йилда икки марта(апрел-май, август-сентябр) гуллади. Гуллаш вақти об -ҳаво шароити билан боғлиқ. Нисбатан вақтлик гуллаган вақти 15-апрелда, нисбатан кеч гуллаган вақти 22-апрелда. Гуллаш босқичининг энг вақтли тугаган вақти 18- майда, энг кеч тугаган вақти 23-майда. Гуллаш давомийлиги баҳорда ўртача 26-30 кунни, ёзда эса 18-20 кунни (2019-2022 йиллар давомида) ташкил этди.



1-расм

Гуллаш босқичининг давомийлиги ҳам йилнинг об-ҳаво шароити билан бевосита боғлиқ. Салқин ва ёмғирли баҳорда тажриба майдонининг соя тушадиган ва ўсимлик қалинроқ жойлашган қисмида гуллаш давомийлиги узокроқ давом этди. Кузатиш олиб борилган даврнинг биринчи йилида ўсимликда фақат бир марта баҳор фаслида гуллаши

кузатилди, август ва сентябр ойларида гуллаш кузатилмади. Тадқиқот олиб борилган кейинги йилларда ўсимликда икки марта гуллаш кузатилди.

Ўсимлик вегетатив йўл билан яъни қаламчасидан қўйилганда 3-йилдан бошлаб гуллаш бошлади. Генератив шохдан олинган қаламчаларда экилган йилнинг ўзидаёқ ўсимликнинг гуллаши кузатилди (1-расм).

Ўсимликнинг умумий вегетация даври 250-270 кунни ташкил этди.

Ноябрь ойининг иккинчи декадасидан февраль ойининг биринчи декадасига қадар ўсимлик тиним даврида бўлди. Очиқ грунтда қишлаб қолган ўсимликнинг ўсиши келаси йил баҳорда, март ойининг иккинчи ўн кунлиги ва апрель ойининг биринчи декадасида нисбатан жадал ўса бошлади.



Ўсимликнинг ғунчалаши ва гуллаши апрель-май ойларига тўғри келди.

Ғунчалаши 4-14 кун, гуллаши 25-30 кун давом этди. Ўсимликда уруғ ҳосил қилиш кузатилмади.

Ўсимлик новдаларининг ёғочланиши бўйича 20 балл, совуққа чидамлилиги бўйича 10 балл, иссиққа чидамлилиги бўйича 7 балл, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги бўйича 5 балл, ўсимлик шаклининг сақланиши бўйича 10 балл, новдаланиш қобиляти бўйича 5 балл, новданинг ўсиш қобиляти бўйича 5 балл, генератив ривожланиш бўйича 15 балл, ўзидан кўпайиши бўйича 7 балл, умумий 84 баллни ташкил этди, яъни интродукция муфаввақияти истиқболли (76-90) деб топилди.

Ўсимликда касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиш кузатилмади. Ўрганилган ўсимликнинг биоэкологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, морфологик кўрсаткичлари, интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлиги, бу ўсимликни республикамизнинг шаҳарларида етиштириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.botanichka.ru/article/weigela/>
2. Dilovar A. Khamraeva, Nargiza K. Rakhimova*, Eldor E. Temirov. Vegetative Reproduction through Green Cuttings of the Introduced Form *Weigela florida* f. "Bristol ruby" (Caprifoliaceae) in the Conditions of the Tashkent Botanical Garden (Uzbekistan). American Journal of Plant Sciences Jul. 12, 2021 994-1001p
3. Ж.Х. Хўжаев "Ўсимликлар физиологияси" 192-бет Тошкент меҳнат 2004
4. Ҳамраева Д.А Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган манзарали буталар фенологияси. Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси 2022-5/1 112-116 бет
5. Брошар Д. "Всё о деревьях и кустарниках". Москва 2016 202-203стр

**ПАКАНА ОЛМА ДАРАХТЛАРИНИ ЎСИШ, РИВОЖЛАНИШИ ВА
ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА
РЕСУРСТЕЖАМКОР ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИК ОМИЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

Р.Юнусов, доц., Бухоро давлат университети, Бухоро

Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

О.О.Орифов, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада Бухоро вилояти Бухоро тумани МФЙ «Боғи Калон» МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитида вегетатив пайвандтагга уланган пакана олманинг Голдспур нави ва унинг кўчат қалинлигининг ўсиш, ривожланиши ва пакана дарахтларнинг ҳосилдорлигининг кўпайишига зарарли организмларни таъсири ҳамда ресурстежамкор инновацион технологик омилларни қўллаш ўрганилган.

Калит сўзлар: интенсив мевачилик, пакана олма дарахтлари, нав-пайвандтаг комбинациялари, ўсиш, ривожланиши, ҳосил элементлари, ёруғлик, зарарли организмлар, томчилатиб сугориш усуллари, самарадорлик.

Аннотация. В настоящем научном статье изучено влияние сорто-подвойных комбинаций и плотность посадки карликовых деревьев яблони на рост, развитие и плодоношение в почвенно-климатических условиях Бухарского тумана ООО «СиёвушАгро» садоводческого фермерского хозяйства.

Ключевые слова: интенсивное плодоводство, карликовые деревья яблони, сорто-подвойные комбинации, рост, развитие и образование плодовых элементов, освещенность, защита от болезней и вредителей, капельное орошение, рентабельность.

Abstract. In this scientific article, the influence of variety-rootstock combinations and planting density in dwarf apple trees on the growth and development and fruiting in the soil and climatic conditions of the Bukhara fog of SiyovushAgro LLC, a horticultural farm, has been studied.

Keywords: intensive fruit growing, dwarf apple trees, variety-rootstock combinations, growth, development and formation of fruit elements, illumination, protection against diseases and pests, drip irrigation, profitability.

Кириш. Ҳозир республикамыздаги мавжуд интенсив пакана мевали боғларда истиқболли, муттасил мўл ва юқори сифатли ҳосил берадиган олманинг турли хил нав-пайвандтаглар комбинациялари ҳамда кўчат қалинлигини ўрганиш, ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий қилиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Бухоро вилоятида ҳам интенсив уруғли мевали дарахтларни, шу жумладан олма дарахтларини пакана вегетатив пайвандтаг М-9 га уланган Голдспур нави жадаллик билан етиштириб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги №ПҚ-2410 – сонли “Мева сабзавотчиликни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига биноан мева-сабзавот маҳсулотларининг ялпи ҳосилини 2020 йилда 2-3 мартага ошириш кўзда тутилган.

Ушбу илмий мақолани аҳамиятлилиги шундаки, олма дарахтларининг вегетатив пайвандтаглари уланган интенсив пакана олма боғларининг ҳосилдорлиги ва сифатини кескин яхшилашда, рақобатбардош сифатли олма мевалари етиштиришда ресурстежамкор инновацион технологиялари асосида мевали боғларни барпо қилиш ва парваришлаш, зарарли организмлардан ҳимоя қилиш энг асосий масалалардан ҳисобланади[3,4,5,6,7].

Тадқиқот услуги ва шароити. Мазкур иш 2020-2022 йилларда, МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитида ўтказилди. Бухоро вилоятининг иқлими кескин континентал бўлиб, йил давомида ўртача ҳарорат 26-30⁰С бўлади, қиши совук, ўртача ҳавонинг нисбий намлиги 40-60%ни ташкил қилади[1,2].

Тадқиқот объекти – бу пакана олма дарахтини ўрта ва секин ўсувчи М-9 вегетатив пайвандтагга уланган бўлиб, олма боғига 4,0x1,0м; 4,0x1,2м, 4,0x1,4м; 4,0x1,6м; 4,0x1,8м;

4,0x2,0м тартибда дарахтлар жойлаштирилган. Мазкур пайвандтаг Англиядан келтирилган ўрта ва секин ўсувчи пайвандтаг сифатида пакана олма боғларида фойдаланиб келинмоқда.

Тажриба боғида пакана олма дарахтларини шох-шаббаларига ярим сийраклаштирилган усулда шакл берилган. Тажриба олма боғида пакана олма дарахтларининг ўсиш, ривожланиши ва ҳосил бериш даврида ресурстежамкор инновацион технологик омиллардан қўллаб томчилатиб суғориш усулида суғориш ва дарахтларнинг зарарли организмлардан ҳимоялаш ишлари олиб борилди. Кун оралаб олма дарахтлари резинали шланглар орқали суғорилди. Натижадатажриба олма боғида бир гектарга сув сарфи 2-3мартага тежалди. Паст бўйли ўрта ва секин ўсувчи пайвандтагларга уланган Голдспур пакана олма навида ассимиляция ўсиш ва ривожланиш жараёнида ҳосил куртакларни шаклланиш ва ҳосилдорликни оширишда унумли фойдаланилади. Пакана олма дарахтларни қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, азотли ўғитлардан 250кг/га, фосфорли ўғитлар – 180-200кг/га ва калийли ўғитлар эса 45-60кг/га соф ҳолда ерга киритилган.

Тажриба натижалари. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ўрта ва секин ўсувчи пайвандтагларга уланган пакана олма дарахтлари кучли ўсувчи пайвандтагли дарахтлардан айрим биологик хусусиятлар билан фарқланади. Олма боғида ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, паст бўйли пайвандтагларга ўстирилган пакана олма дарахтларида кўпгина углеводлар миқдори мева элементларни ҳосил шаклланиши учун ва кам миқдори эса дарахт ва унинг илдизларнинг ўсиши учун сарфланади.

2020-2022 йиллар давомида пакана олма дарахтларни ўсиш, ривожланиши ва ҳосил элементларини кўпайиш жараёнлари тажриба боғида нормал ҳолатда бўлмоқда. Мазкур боғдорчили фермер хўжалигида пакана олма дарахтларини комплекс зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ишлари МЧЖ “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган тажрибали агроном ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассисларининг катъий назорати ва бевосита иштирокларида ўтказмоқда. Мевали боғни атрофидаги манзарали дарахтлардан сосна, можжевельник ва туя дарахтлари ўтказилган ва талаб даражасида парвариш қилинмоқда.

Тажриба боғида ўрта ва секин ўсувчи пайвандтагларга уланган пакана олма Голдспур навида қуйидаги ўтказилиши зарур бўлган комплекс озикланиш ва илмий асосланган ҳимоя чоралари олиб борилмоқда:

- 2021-2022 йиллар 20 мартда пакана олма дарахтлари баргидан Алфасатил + 1кг, Маэстро – 500г ва Бор минерал элементини 1л миқдорини 1тонна сувда эритиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01апрел-Сульфат аммоний ўғитини 20кг/га томчилатиб суғориш орқали олма дарахтларига берилган;
- 2021-2022 йиллар 15 апрелда ўсимлик баргига Алфасатил 2кг/га, Рух 9%ли -1л, Манганеза 1л, Делтаметрил 1литр миқдорини 1тонна сув билан эритилиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01 май баргидан Маэстро 50гр, Алфасатил 1кг, Мултамек 1кг миқдорини 1тонна сув билан эритилиб пуркалган;
- 2021-2022 йиллар 01 июн ойида ўсимлик баргидан Кальций 2л, Сиперган 2л, Аммиак селитраси 1л пуркаш орқали ўсимликка берилган.

Юқорида кўрсатилган касаллик ва зарарли организмлардан ҳимоялаш ўз вақтида талаб этилган пестицид, фунгицид ва ўғитлардан фойдаланилди.

Тажриба натижалари шундан далолат берадики, пакана Голдспур олма навида 2020 йилда ёритилганлик шох-шабба жойлашган пастки қисми ярусидида 66%, ички қисмида – 56%, юқори қисмида 72% ни ташкил қилди. 2022 йилда пакана олма навининг ўсиш натижасида ёруғлик фоизи дарахтлар бўйича 3-5%га камайгани мушоҳада қилинади. Бу ҳолат олма дарахтларини нормал ўсишига деярли таъсир қилмайди.

Хулоса. Пакана олма дарахтларига тўғри шакл бериш, мақбул нав-пайвандтаг комбинацияси ҳамда кўчат қалинлигини танлаб олиш, комплекс касаллик ва зараркунандалардан самарали ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш, кўёш нурларини дарахт шох-шаббасида барча қисмларига тарқалиши натижасида ҳаво алмашинуви юқори сифатда

ўтади, фитометрик кўрсаткичлар яхшиланади ва пировард натижада пакана олма навини ҳосилдорлиги 2022 йилда 44-110 ц/га ни ташкил қилди.

Шунингдек, шуни таъкидлаш лозимки, пакана олма дарахтларида пайвандтаг, кўчат қалинлиги, озиклантириш, касаллик ва зараркунандалардан тўғри, илмий асосланган ҳолда ҳимоялаш усуллари танлаш, тежамкор томчилатиб суғориш усулини қўллаш, навнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш, юқори агротехнологик омилларни қўллаш кабилар катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Yunusov, R., Ganieva, F. A., Artikova, M. I., & Atayeva, Z. A. (2022). The Dependence Of The Growth, Development And Productivity Of Apple Trees On The Factors Of Care On Low-Saline Soils Of The Bukhara Region. // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 773-781.
2. Ganieva, Feruza. "The Number, Weight and Structure of Shortened Branches Formed During Pruning in Intensive Apple Orchards. // *World Journal of Agriculture and Urbanization* Volume: 01| January 2022 <https://wjau.academicjournal.io/index.php/wjau>
3. Yunusov, Rustam, et al. "Formation and yield of fruit trees in intensive apple orchards. // " (2022).
4. Yunusov, Rustam, and Feruza Amrilloevna Ganieva. "Intensiv olma bog'larida daraxtlarning o'sishi, rivojlanishi va hosildorligining biologik xususiyatlari, ko'chat qalinligi va nav-payvandtag kombinatsiyalariga bog'liqliligi." // *International conferences on learning and teaching*. Vol. 1. No. 15. 2022.
5. Ganieva, Feruza. "Nav-payvandtag kombinatsiyasi va ko'chat qalinligining intensiv olma daraxtlarining o'sish, rivojlanishi va hosildorligiga ta'siri." // *Центр научных публикаций (buxdu. uz)* 6.6 (2021).
6. Amrilloevna, Ganieva Feruza, and Yunusov Rustam. "Studying the different formations of apple trees in intensive orchards." // *European Journal of Agricultural and Rural Education* 2.4 (2021): 55-58.
7. Amrilloevna, Ganiyeva Feruza, and Yunusov Rustam. "The growth, development and yield of apple trees in intensive fruit orchards are hardwood cutting combinations and their dependence on the thickness of seedlings." // *NVEO-natural volatiles & essential oils Journal| NVEO* (2021): 9591-9595.

УЎК 631.53.027

**ДОРИЛАНГАН УРУҒЛИК ЧИГИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН
АРАЛАШТИРГИЧ БАРАБАНИНИ РАЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ТАЖРИБАЛАРНИ МАТЕМАТИК РЕЖАЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ**

**А.Акрамов, лаборатория мудири, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ, Тошкент
Х.Диёров, ўқитувчи, Термиз муҳандислик-технология институти, Термиз**

Аннотация. Мақолада дориланган уруғлик чигитларни олти қиррали аралаштириши барабанини такомиллаштириши мақсадида ўрнатилган қувурли планкаларни параметрларини чигитни дориллаш тўлиқлиги ва чигитнинг механик шикастланганлиги кўрсаткичларига таъсирини тажрибаларни математик режалаштириши усули билан аниқлаш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: аралаштириши, дориллаш тўлиқлиги, шикастланганлик, қувурли планка, омиллар, регрессия тенгламаси, рационал, қиймат.

Аннотация. В статье представлены результаты определения влияния параметров установленных трубчатых пластин на показатели полноты обработки семян и механического повреждения семян методом математического планирования экспериментов с целью улучшения шестистороннего перемешивания барабан обработанных семян.


Ключевые слова: смешение, лекарственная полнота, повреждение, трубчатая планка, факторы, уравнение регрессии, рациональность, величина.

Abstract. The article presents the results of determining the effect of the parameters of the tubular plates installed on the indicators of the completeness of seed treatment and the mechanical damage of the seed with the method of mathematical planning of experiments in order to improve the six-sided mixing drum of treated seeds.

Keywords: mixing, medication completeness, damage, tubular plank, factors, regression equation, rational, value.


Кириш. Ҳозирги кунда ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехларида асосан тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигитлар тайёрланади. Тукли ва механик усулда туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш “УЧТ 97-2022 Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти” бўйича олиб борилиши белгилаб қўйилган бўлиб, тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимининг ўрнатилиш кетма-кетлиги 1-расмда, туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимининг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси 2-расмда келтирилган.

Муҳокама. Ушбу уруғлик чигитлар гоммоз, илдиз чириш ва бошқа зараркунандаларга қарши экишдан аввал дориланади. Ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехларида асосан Юбус (Испания) фирмасида ишлаб чиқарилган дориллаш машиналари ишлатилиб келинмоқда. Бу дориллаш машиналари чигитга дори суспензиясини сепиш камераси ва олти қиррали қориштириш барабанидан иборат бўлиб, туксиз уруғлик чигитларни дориллашда талабларга жавоб беради.



1-расм. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимининг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси

1-қабул қилиши бункери УПС; 2- ЧСА агрегати; 3- МЧТ механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмуасига киради); 4- циклон; 5- тукли чигит саралаш ва тозалаш машинаси; 6- БДОС бункер дозалагич; 7- дорилагич; 8- ифлос ҳавони тозалаш қурилмаси; 9- чигитни ўлчаб қоплаш аппарати; 10- қоп тикиш машинаси; 11- элеваторлар; 12- 5ЛП линтери; 13- йиғувчи винтли конвейер; 14- тақсимловчи винтли конвейер.



1 - УПС қабул қилиши бункери; 2 - ЧСА агрегати; 3 - МЧТ – механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмуасига киради); 4-циклон; 5-калибргагич; 6-триер; 7-туксизлантирилган чигитни йиғиш ва меъёрлаб узатиб бериш бункери БНОС; 8-чигит дориллаш машинаси; 9-чигитни ўлчаб қоплаш аппарати; 10-қоп тикиш машинаси; 11-УЧДМ русумли уруғлик чигит делинтерлаш машинаси; 12-ифлос ҳавони тозалаш қурилмаси; 13- ортиқча чигитни қайтарувчи винтли конвейер.

2-расм. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимининг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси

Лекин тукли уруғлик чигитни дориллаш жараёнида бу машиналарда дориланган тукли чигитлар юзасига дори эритмаси бир текисда тақсимланмаслиги аниқланган. Бунинг асосий сабаби шундаки, тукли чигит кийин сочилувчан уруғлик материал бўлганлиги учун олти қиррали барабанининг силлик листдан иборат ички юзасида дори эритмаси билан қоришиш самараси паст бўлмоқда. Шунинг учун олти қиррали қориштириш барабанининг ички ишчи юзасининг конструкциясини такомиллаштириш бўйича илмий изланиш олиб борилмоқда (1-расм) [1].



3-расм. Дориланган чигитни олти қиррали аралаштириш барабанининг ички ишчи юзасига қувурли планкаларни ўрнатиш жараёни кўриниши

Дориланган уруғлик чигитларни аралаштириш барабани конструкциясига киритилган такомиллаштирилган технологик жараёни рационал параметрларини аниқлаш бўйича тажрибаларни ўтказиш вақтида уруғлик чигитларни дориланиш тўлиқлиги аниқланди, бунинг учун дориланмаган ва дорилангандан кейинги уруғлик чигитларни амалдаги методик услубларга асосан олинган намуналарини лаборатория шароитида таҳлил қилиш йўли билан дориланиш тўлиқлиги ўрганилди [2, 3].

Демак баҳолаш мезонлари сифатида аралаштириш барабанидаги уруғлик чигитларни дориланиш тўлиқлиги $У_1$ ва уруғлик чигитни дориллаш вақтида чигитни механик шикастланганлик кўрсаткичлари $У_2$ ни аниқлаш керак деб қабул қилинди. Бу мезонларга таъсир этувчи асосий омиллар сифатида: аралаштириш барабанининг айланиш тезлиги ω , қувурли планкаларни барабан деворига ўрнатиш бурчаги α ва барабан ичидаги дориланган уруғлик чигитларни аралаштириш вақти t танлаб олинди.

Натижа. Дастлабки тадқиқотлар натижалари ва аналитик таҳлиллар асосида аралаштириш барабанидаги уруғлик чигитларни дориланиш тўлиқлиги $У_1$ ва уруғлик чигитни

дорилаш вақтида чигитни механик шикастланганлик кўрсаткичлари Y_2 га таъсир этувчи омилларнинг қабул қилинган ўзгариш даражалари 1- жадвалда келтирилган.

Тажриба синовларини ўтказишда тўлиқ факторли B_3 режалаштириш усулидан фойдаланилди.

1- Жадвал

Тажрибаларни ўтказиш учун танлаб олинган омилларни ўзгариш чегаралари

№	Омиллар	Ўлчов бирлиги	Омилларнинг белгиланиши		Қадами	Омилларнинг ҳисоблаш оралиғи		
			Натурал	Кодланган		-1	0	+1
1	Барабанинг айланиш тезлиги	айл/дақ.	ω	X_1	3	8	11	14
2	Кувурли планкаларни барабан деворига ўрнатиш бурчаги	градус	α	X_2	30	90	120	150
3	Аралаштириш вақти	сония	t	X_3	58	40	98	156

Тажриба натижаларини, компьютер амалий Planxp-2 иккинчи тартибли дастуридан фойдаланилган ҳолда, аралаштириш барабанидаги уруғлик чигитларни дориланиш тўлиқлиги Y_1 га таъсир этувчи параметрларини етарли даражада тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламани олинди:

$$Y_1 = 96,746 + 0,470 X_1 + 2,060 X_2 + 4,593 X_3 - 4,829 X_1^2 + 1,542 X_1 X_2 + 1,550 X_1 X_3 - 2,579 X_2^2 + 0,617 X_2 X_3 - 7,946 X_3^2 \quad (1)$$

Худди шунингдек, тажриба натижаларини, компьютер амалий Planxp-2 иккинчи тартибли дастуридан фойдаланилган ҳолда, уруғлик чигитни дорилаш вақтида чигитни механик шикастланганлик кўрсаткичлари Y_2 га таъсир этувчи параметрларини етарли даражада тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламани олинди:

$$Y_2 = + 4,262 + 0,177 X_1 + + 0,170 X_3 - 0,273 X_1^2 - 0,240 X_3^2 \quad (2)$$

Чегаравий шарт: $Y_1 \max$ бўлиши шарт.

$Y_2 \leq 4$ бўлиши шарт.

Ҳосил бўлган оптимизация масаласи тасодифий қидирув усули ва замонавий компьютер амалий дастурлари ёрдамида ечилди ва қуйидаги рационал ечимлар олинди:

2-жадвал

Математик моделни оптималлаштириш натижалари

Факторлар	X_1	X_2	X_3
Кодланган	0,73923	0,193802	0,129866
Натураль	8,782	125,814	105,532
Бутунлашгани	9	126	106

Хулоса. Демак, ўтказилган тажрибалар натижаси бўйича такомиллаштирилган олти қиррали аралаштириш барабанининг тажрибаларни математик режалаштириш билан аниқланган мақбул параметрлари - аралаштириш барабанининг айланиш тезлиги 9 айл/дақ, кувурли планкаларни барабан деворига ўрнатиш бурчаги 126° ва барабан ичидаги дориланган уруғлик чигитларни аралаштириш вақти 106 сонияга тенг бўлиши мақсадга мувофиқ экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Х.Диёров, А.Акрамов. Разработка перемешивающего барабана протравливателя посевных семян. Ишлаб чиқаришнинг техник, муҳандислик ва технологик муаммолари инновацион ечимлари, халқаро илмий-техник анжуман.-Жиззах-2021.-881 в
2. Юдин М.И. Планирование эксперимента и обработка его результатов: Монография. – Краснодар: КГАУ, 2004. – 239с.
3. Доспехов, Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Агропромиздат, 1985. – 351 с.

ЎҒИТ КЎЛЛАШДА ТУПРОҚНИ ОҒИТ МЕТАЛЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

С.С.Асатова, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Б.Б.Азимов, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

М.А.Омонов, талаба, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Ш.Д.Рашидов, талаба, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. *Атроф муҳитни техноген чиқиндилар ва кимёвий моддалар билан ифлосланишининг олдини олиши. Тупроқни оғир металллар билан ифлосланиши. Техноген ифлосланган тупроқларни тиклаш тадбирлари. Тупроқ кўплаб миқдордаги газлар, қаттиқ ва суюқ моддаларни ўзида сингдиради, тўплайди ва ўсимликка беради, Оғир металллар протоплазматик заҳарлар ҳисобланади, уларнинг заҳарлилиги нисбий атом массаси ошиши билан ортиб боришини бартараф этиши.*

Калит сўзлар: *Токсин моддалар, техноген, экологик муҳит, минерал ўғитлар, нитрификация, озиқа элементлари нисбати, фосфоридлар, атмосфера, пестицидлар, бактерия, оғир металллар.*

Аннотация. *Предотвращение загрязнения окружающей среды техногенными отходами и химическими веществами. Загрязнение почвы тяжелыми металлами. Мероприятия по восстановлению техногенно загрязненных почв. почва поглощает, накапливает и отдает растениям большое количество газов, твердых и жидких веществ. Тяжелые металлы — протоплазматические яды, токсичность которых возрастает с увеличением относительной атомной массы.*

Ключевые слова: *Токсины, техногенная, экологическая среда, минеральные удобрения, нитрификация, соотношение питательных веществ, фосфор, атмосфера, пестициды, бактерии, тяжелые металлы.*

A

b **Keywords:** *Toxins, man-made, ecological environment, mineral fertilizers, nitrification, ratio of nutrients, phosphorus, atmosphere, pesticides, bacteria, heavy metals.*

t

r *Ҳозирги кунда биосферани ифлосланиш даражаси коинотдаги барча инсонлар олдида йХХI асрда соф экологик муҳит” яратиш вазифасини энг долзарб муаммо бўлиб турганини тушуна бошладилар, антропоген ва техноген ифлосланиш даражаси қиёмига етиб боряпти. Турли жонзодларни касалланиши аста-секин инсонда ҳам жуда кўплаб касалликларни келтириб чиқаради, бу аҳвол республикада ҳам кейинги йилларда кузатилмоқда. Атмосфера ва гидросферада барча ўзгаришлар охир оқибатда тупроққа таъсир кўрсатади, сўнгра денгиз ва океанлар каби сув ҳавзаларини ифлослантиради. Демак, тупроқ кўплаб миқдордаги газлар, қаттиқ ва суюқ моддаларни ўзида сингдиради, тўплайди ва ўсимликка беради, хайвонга, охири шу иккаласи орқали инсон организмига ўтади ёки тупроқ-хайвон-инсон занжирсимон узлуксиз кетма-кетлик орқали заҳарланиш юзага келади.*

XXI асрда инсон яратган “механизмлар” 55000 турдаги кимёвий бирикмалар муҳитга ташланмоқда, уларни кўпчилиги табиий радионуклидларни (Терн номли) Уран-238, Торий-232, фтор бирикмалари ва бошқа заҳарли токсикантлар ҳаёт учун ҳавfli бўлиб қолди. Бу моддаларни ҳавfliги шундаки уларни ярим парчаланиш даври узоқ муддат давом этади: Уран-45.10⁹ йил, Торий-232-1,39.10¹⁰, қолаверса улар суяк тўқималарини кемириш хусусиятига эгадир. Шулар эътиборга олинса, агрокимёвий моддалар билан тупроққа тушаётган заҳарликларнинг кўпайиб кетганини, уларни йўқотиш чора-тадбирлари кам ишлаб чиқилганини кўрамиз. Масалан, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган фосфорли ўғитлар таркибидаги радионуклидлар ва фтор бирикмаларининг ҳажми қанчалиги, уларни тўпланиши, миграцияси ва уларни камайтириш ишлари етарли ҳисобланмаган, ахир улар тирик таналар учун заҳарли ҳисобланади. Аммо минерал ўғитларсиз ўсиб бораётган инсон эҳтиёжини

кондирадиган даражада ҳосил олиб бўлмайди. Шунини инобатга олиб ўғитларни ишлатиш ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш керак ва уларнинг асосийлари куйидагилар:

1. Экинлардан физиологик ирсий потенциал имконияти даражасидан фойдаланишни яхшилаш, ҳосил олиш бўйича жаҳон рекордлари, ҳозир буғдой бўйича гектарига 145 центнерга, маккажўхори бўйича 222 центнерга етди, бу эса шу экинларнинг физиологик имкониятига яқинлашади. Минерал ўғитлар юқори даражада қўлланиладиган мамлакатларда ғалла экинларининг ҳосилдорлиги 40 центнерни ташкил қилади. Нидерландия, АҚШ, Германия, Буюк Британия сингари мамлакатларда ўртача гектарига 300-350 центнер картошка, 500 центнер қанд лавлаги ҳосили олинмоқда.

2. МДХ мамлакатларида ҳосил шаклланишда ўғитлар салмоғи куйидагича: ноқора тупроқ зонада - 60, ўрмон-чўл зонасида - 40, Европа қисмининг шимолий ғарбий чўл зонасида -15, суғориладиган жанубий -шарқий зонада – 10, суғориладиган - 40, суғориладиган деҳқончиликнинг чўл саҳро зонасида - 50, Кавказорти нам субтропикларида – 55 фоизни ташкил қилади.


Яқин келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кимёсаноати иштирокисиз инсониятнинг озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг иложиси йўқ. Мана шунинг учун ҳам Мирзажонов К., Назаров М., Зокирова Ш., Юлдашев Г. [2004. 108-115] б.Тошкент: Фан ва технология, олинган маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалик томонидан Республика қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар истеъмоли 2020 йилда ишлаб чиқариладиган умумий минерал ўғитлар 220,4 млн. тоннани ташкил қилган. Шундан 112 млн. тоннаси азотли минерал ўғитлар 50,0 млн. тоннаси калийли минерал ўғитлар, 61,0 млн. тоннаси фосфорли ўғитлардан иборат.

2016-2030 йилларда минерал ўғитлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

МИНГ ТОННА

№	Минерал ўғит номи	2016й	2020й	2016 йилга нисбатан ўсиш сурати	2030й	2016 йилга нисбатан ўсиш сурати
1	Аммиакли селитра	1668,0	1735,0	104,0	1750,0	104,9
2	Азот-фосфорли ўғит	110,0	130,0	118,2	130,0	118,2
3	Карбамид	570,1	630,0	110,0	630,0	110,0
4	Сульфат аммоний	170,0	170,0	100,0	0,0	-
5	Аммафос	70,0	208,3	297,6	208,3	297,6
6	Супрефос	210,0	213,7	101,8	213,7	101,8
7	Хлорид калий	334,0	555,7	166,4	506,2	151,6
	Янги маҳсулот					
1	Карбамид		472		577,5	
2	НРК	100,0	430,0	430,0	910,0	910,0
3	Сульфат калия				70,0	

2016 ва 2030 йилларда «Ўзкимёсаноат» корхоналарида товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши динамикаси



3. Ўсимлик организмидаги углерод, кислород ва водород манбаи ҳавонинг карбонат ангидридини ва сувдир, азот манбай эса тупроқ таркибидаги минерал азот тузларидир. Ер шарининг ўраб турган атмосферада битмас-туғамас азот захиралари бўлишига

карамай, ўсимликларга азот озикаси етишмайди, чунки ҳаводаги молекуляр азотни дуккали экинларидан бошқаси деярли ўзлаштира олмайди.

Техноген ифлосланган тупроқларни тиклаш тадбирлари

Азот нобудгарчилигини камайтиришда карбамид-формальдегид ўғитлари (КФУ) ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай технология “Ўзкимёлойиха” ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўғитлар инситутининг биргаликдаги иш натижаси сифатида Тожикистондаги Вахш азот-ўғит заводида жорий қилинган эди. Карбамид-формальдегидли ўғитлар оч бўз тупроқлар шароитида ғўзага солинганда ўғит таркибидаги азот тупроқ билан бирикади ва тегишли равишда азотнинг нобудгарчилиги камаяди. Бунда аммонийлаштирувчи микроорганизмлар, шу жумладан бакциллар сонининг кўпайиши аниқланади, сўнгра актиномицетлар, азот тўпловчи микроорганизмлар минерал азотни ўзлаштирувчи бактериялар сонининг кўпайиши қайд қилинган. Бунда тупроқдаги чиринди миқдорининг ортиши кузатилган.

Тупроқлардаги оғир металллар таркибига атмосфера ва унга кимё, оғир ва атом саноати корхоналари мўрилари орқали ташланадиган элементлар сезиларли таъсир кўрсатади. Атмосферадан тупроқ юзасига ёғаётган ёгинлар таркибида кўрғошин, кадмий, маргимуш, симоб, хром, никел, фтор, алюминий ва бошқа элементлар учраши мумкин.

Дж. Вуд (1974) гуруҳлаши бўйича Be, Co, Ni, Cu, Zn, Sn, As, Se, Te, Rb, Ag, Cd, Hg, Pb, Sb, Pt юқори даражадаги токсик оғир металллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Cd, Hg, Pb, Cu, As оғир металллар биринчи навбатда эътиборга олинади, чунки уларни тупроқда тўпланиши тезкор кечади.

Оғир металллар минерал ўғитларнинг табиий кўшимчалари ҳисобланади. Улар айниқса оддий суперфосфат таркибида кўп учрайди: кадмий (50-170 мг/кг), хром (66-234 мг/кг), кўрғошин (7-92 мг/кг), никел (7-32 мг/кг).

Оғир металллар протоплазматик заҳарлар ҳисобланади, уларнинг заҳарлилиги нисбий атом массаси ошиши билан ортиб боради. 1 мг/л гача миқдордаги эритмада тест-организмларга салбий таъсир кўрсатадиган бирикмалар энг юқори фитотоксикликка эга бўлган элементлар ҳисобланади. Бундай элементларга Ag^+ , Hg^{2+} , Ni^{2+} , Pb^{2+} ва CrO_4^{2-} лар киради. Миқдори 1 дан 100 мг/л гача бўлганда салбий таъсир кўрсатадиган элементлар ўртача заҳарли элементлар ҳисобланади. Ушбу гуруҳ таркибига арсенатлар, боратлар, броматлар, хлоратлар, перманганатлар, молибдатлар, антимонатлар, селенатлар, ва шунингдек As, Se, Al, Ba, Cd, Cr, Fe, Mn, Zn ва бошқа ионлари киради. Кучсиз заҳарликка эга элементларга 1800 мг/л дан юқори даражада баъзан салбий таъсир кўрсатадиган кимёвий элементлар: Cl^- , Br^- , I^- , Ca^{2+} , Mg^{2+} , K^+ , Na^+ , Rb^+ , Sr^{2+} , Li^+ , NO_3^- , SO_4^{2-} ва бошқалар киради.

Оғир металлларнинг заҳарлилиги турлича намоён бўлиши мумкин. Кўпчилик металллар, масалан; мис ва симоб заҳарли миқдорларда ферментлар фаоллигини ингибирлайди. Ушбу металллар органик молекулалар билан ҳам хужайра мембранаси орқали ўтиш хусусиятига эга бўлган комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Симоб, кўрғошин, мис, бериллий, кадмий ва кумуш асосан ишқорий фосфатазани, каталазани, оксидазани ва рибонуклеазани ингибирлайди.

Алюминий, барий ва темир сингари оғир металллар PO_4^{2-} , SO_4^{2-} ва бошқа анионлар билан преципитатлар, шунингдек оддий метаболитлар билан хелатлар сингари комплекслар ҳосил қилишга ва уларнинг моддалар алмашинувида иштирок этишига ҳалал беришга қодир, АТФ сингари муҳим метаболитларнинг парчаланишини (деградация) кучайтириши мумкин.

Алоҳида оғир металллар хужайра мембраналари билан, уларнинг ўтувчанлик ва бошқа хусусиятларини ўзгартириб ўзаро таъсир қилади. Масалан; Au, Cd, Cu ва Fe^{2+} баъзан хужайра мембранасини узилишини келтириб чиқаради. Баъзи оғир металллар ўсимликлар учун зарур бўлган металллар билан рақобатлашиб, уларнинг энг муҳим функционал вазифаларини издан чиқаради. Масалан; Li Na билан рақобатлашади, Cs→K ни ўрнини эгаллайди; Ba ва Sr→Ca алмаштиради; Cd→Zn ўрнини эгаллайди.

Металлларнинг фитозаҳарлиги ва ўсимликларнинг уларга чидамлилиги кўпгина шартларга боғлиқ. Тупроқ эритмасидаги металлнинг миқдори муҳим аҳамиятга эга. Баъзи

Ўсимлик турлари алоҳида оғир металлларни сезиларли салбий таъсирсиз ўзида тўплаш хусусиятига эга. Ўсимликнинг бир металлга чидамлилиги аксар ҳолларда бошқаларига тарқалмайди. Организмнинг ушбу хусусияти генетик назорат остида бўлиб, оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда экологик тоза маҳсулот бера олиш хусусиятига эга бўлган янги навларни яратишда фойдаланиш мумкин, деб тахмин қилиш мумкин.

Металлларнинг фитозахарлигига рН, тупроқларнинг катион алмашиниш хусусияти, органик модда миқдори сингари тупроқ омиллари таъсир кўрсатади. Оғир металллар миқдори сезиларли бўлган тупроқларда рН муҳитини 7,0 чегарасида сақлаб қолиш ушбу металлларнинг кўпчилигини фитозахарлигини олдини олади, аммо рН 5,5 ва ундан ҳам паст бўлганда металлларнинг худди шу миқдорлари ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Тупроқларнинг органик моддаси турли металлларни турлича ушлаб қолади. Улардан баъзилари кучли ушлаб қолинса, баъзилари – кучсиз. Қишлоқ хўжалик экинларининг озика элементлари билан таъминланганлиги, ўсиш фазаси, илдизларнинг кириш чуқурлиги, ўсимликларнинг вегетация даврининг узунлиги уларнинг оғир металлларга бўлган толерантлигига таъсир кўрсатади. Ўғитлаш, охаклаш ва бошқалар сингари агротехник тадбирлар металлларнинг заҳарли таъсирини пасайтириши ёки кучайтириши мумкин.

Ўсимликлар ўстиришнинг ёруғлик, ҳарорат ва намлик сингари шароитларининг ўзгариши оғир металлларнинг тупроқ муҳити ва ўсимликлардаги кўчишига, шунингдек ўсимлик ва металллар ўртасидаги ўзаро фаолиятга таъсир кўрсатади.

Никелнинг ўсимликлар учун заҳарлилиги кўпроқ кислотали тупроқларда намоён бўлади, ҳаракатчанлиги эса муҳит реакцияси нейтрал ёки кучсиз ишқорий карбонатли тупроқларда ошади. Заҳарланиш ҳоллари ўсимлик таркибидаги миқдори 50 мг/кг бўлган ҳолларда кузатилган. Бу элемент ўсимликларга жуда яхши ўтади ва унинг ўсимликлардаги миқдори шу ўсимликлар ўсадиган тупроқдаги миқдоридан юқори бўлиши мумкин. Бундай ҳолат муҳит рН нейтрал ёки кучсиз ишқорий (рН 6,0-7,2) бўлган қурғоқ минтақа тупроқлар шароитида тез-тез кузатилади. Бу ҳолда никелнинг ҳаракатчан бирикмаларининг тупроқдаги миқдори умумий никел миқдорининг 50-60% гача етиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш фақат минерал ўғитлардан тўғри ва самарали фойдаланилгандагина ижобий натижа бериш мумкин. Бу соҳада агрокимёгарлар доимо изланишлари, ўғитларнинг янги турларини яратиш, улардан фойдаланишнинг энг мақбул муддатлари ва меъёрларини белгилаш бўйича иш олиб боришлари зарур ва шарт. Акс ҳолда кимё маҳсулотлари ҳосилдорлигининг пасайишига, сифатининг бузилишига, атроф-муҳит, тупроқ ва сув ҳавзаларининг ифлосланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзажонов К., Назаров М., Зокирова Ш., Юлдашев Г. Тошкент: Фан ва технология, 2004. 108-115 б.
2. Черникова О.В. Экологическое обоснование комплексных приемов реабилитации черноземов, загрязненных тяжелыми металлами (на примере рязанской области). Аврореф... дисс. канд. биол. наук, Рязань, 2010. С. 23.
3. Хижняк Т.В. Бактериальная трансформация и иммобилизация тяжелых металлов и радионуклидов. Аврореф... дисс. доктора биол. наук, Москва, 2013. -47 с.

КУЗГИ БУҒДОЙГА КАРБАМИД –АММИАКЛИ СЕЛИТРА (КАС) ЎҒИТИНИ
ҚЎЛЛАШ САМАРАСИ

С.С.Асатова, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
С.Э.Соттиева, магистрант, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
Д.М.Музаффаров, талаба, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент
Ж.М.Юлдашев, талаба, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Қадимги суғориладиган типик серозли тупроқлар шароитида кузги бугдойга карбамид-аммиакли селитра (КАС) самарадорлигини ошириш учун экиш учун 80 кг/га, экиш учун 120 кг/га қўллаш тавсия этилиши аниқланди.

Ўғит ҳосил сифатини кўтариш имконини берадиган самарали ва тез таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Ўғитлардан тайёрланган суспензияни барг орқали озиқлантиришда қўллашнинг мақбул меъёрини ишлаб чиқиш, ҳамда ушбу меъёрларни кузги бугдойни ўсиш ривожланишига, кўчат қалинлигига, дон ҳосили ва сифатига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сузлари: Карбамид–аммиакли селитра (КАС) самараси барг орқали озиқлантириш, кузги бугдой, ҳосилдорлик, дон сифати.

Аннотация. В условиях староорошаемых типичных сероземах почвах выявлено, что для повышения эффективности карбамидно-аммиачной селитры (КАС) на озимой пшенице рекомендуется внесение 80кг/га в кушение и 120кг/га в трубкование.

Удобрение является эффективным и быстродействующим фактором, позволяющим улучшить качество урожая. Важно разработать оптимальную норму применения суспензии удобрений при листовой подкормке, а также изучить влияние этих норм на рост и развитие озимой пшеницы, толщину проростков, урожайность и качество зерна.

Ключевые слова: Влияние карбамидо-аммиачной селитры (КАС) на некорневую подкормку озимой пшеницы, продуктивность, качество зерна.

Abstract. Under the conditions of old-irrigated typical serozem soils, it was found that in order to increase the efficiency of carbamide-ammonium nitrate (КАС) on winter wheat, it is recommended to apply 80 kg/ha for sowing and 120 kg/ha for sprouting.

Fertilizer is an effective and fast-acting factor that improves the quality of the crop. It is important to develop the optimal rate of application of fertilizer suspension for foliar feeding, as well as to study the effect of these rates on the growth and development of winter wheat, seedling thickness, yield and grain quality.

Keywords: Effect of urea-ammonium nitrate (kas) on foliar feeding, winter wheat, productivity, grain quality.

Қириш. Ўғитлардан ушбу КАС ўғитини типик бўз тупроқ шароитида кузги бугдой учун муқобил ўғит меъёрларини аниқлаш ва ўғит қўллаш агротехнологияларни ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масаласидир.

Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш учун типик бўз тупроқ шароитида карбамид-аммиакли селитра (КАС) ўғитининг қўллаш муддатларини тупроқ агрокимёвий хусусиятларига, ўсимликни озика моддалар миқдорини ўзлаштирилишига ва кузги бугдой дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида дала тажрибаси ПСУЕАИТИ (собик ЎзПИТИ) тажриба участкасини типик бўз тупроқ шароитида ўтказилди. Бу тупроқ қадимдан суғорилиб келинган бўлиб, механик таркиби ўрта кумоқли, ер ости сувлари чуқур (18-20 м) жойлашган. Типик бўз тупроқнинг дастлабки агрокимёвий тафсилоти бўйича изланиш йилларига мутаносиб равишда ҳайдов (0-30см) қатламида гумус миқдори 1,205; 1,232; 1,119% ни, ҳайдов остки (30-50см) қатламида гумус 0,900; 0,679; 0,780% ни, тупроқни 0-30 ва 30-50см қатламларида нитратли азот 20,7- 22,1 ва 8,9-14,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 27,2-29,8 мг/кг ва 11,4-11,4-14,5 мг/кг миқдорлари билан кам даражада ва алмашинувчи калий 240-280 ва 210-220 мг/кг миқдорлари билан ўрта даражада таъминланганлиги аниқланди. Дала тажрибасида куйидаги минерал ўғитларни турлари қўлланилди: Аммиакли селитра (N-34%), карбамид-

аммиакли селитра (N-30%), оддий суперфосфат (P₂O₅-14%), калий хлорид (K₂O-56%). Фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрини шудгор олдида, азотли ўғитлар эса тажриба тизимига муофик (1-жадвал) тўпланиш, найчалаш ва бошоқлаш даврининг бошида солинди. Дала тажрибасида кузги буғдойни Крошка нави экилди. Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда олиб борилди ҳамда дала тажрибасининг тизими жадвалда келтирилган. Тадқиқотларда аниқланишича, изланиш йиллари кузги буғдойни ўсиб ривожланиши бўйича бир-бирига яқин маълумотлар олинган. 2020 йилги шароитда кузги буғдойни тупланиш даврида азот ўғити қўлланилмаган (назорат) вариантида ўсимлик баландлиги 17,6 смни, поялар сони 4,0донани ташкил қилган бўлса,бу кўрсаткичлар найчалашда мутаносиб равишда 36,1см ва 4,3 донага тенг бўлди. Кузги буғдойни кейинги ривожланиш даврларида бошоқлаш, сут-мум пишиш, пишиш даврларида мутаносиб равишда ўсимликни баландлиги 57,2; 64,5 ва 71,2 см ни ташкил қилди. Ваҳоланки,кузги буғдойни пишиш даврида баландлиги 2008-72,1см., 2019 йили эса 69,5 смни ташкил қилган ёки деярли тенг бўлган эди.

Тажрибада кузги буғдойни ўсиши ва ривожланиши аввалги азотли ўғитларни турларига, қолаверса уларни қўллаш муддатларига ҳам боғлиқлиги аниқланди. Ҳасанова Р., [2016.Б.3-129.] Фан, Тошкент Буғдойни барги орқали карбомид билан озиклантириш самарадорлиги.

Жадвал

Дала тажрибасининг тизими

Вариант тартиби	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			Экишдан олдин (шудгорда) кг/га			Тўпланиш даврида(қишда қор устидан) кг/га	Тўлиқ тўпланиш даврида, кг/га	Найчалаш даврида, кг/га	Бошоқлаш даврининг бошида, кг/га
	N	P	K	N	P	K	N	N	N	N
1	-	140	100	-	140	100	-	-	-	-
Аммиакли селитра										
2	200	140	100	30	140	100	-	70	100	-
3	200	140	100	-	140	100	100	-	100	-
4	200	140	100	-	140	100	-	80	120	-
5	200	140	100	-	140	100	-	75	75	50
Карбамид-аммиакли селитра (КАС)										
6	200	140	100	30	140	100	-	70	100	-
7	200	140	100	-	140	100	100	-	100	-
8	200	140	100	-	140	100	-	80	120	-
9	200	140	100	-	140	100	-	75	75	50

КАС (карбамид-аммиакли селитра) ўғити 30кг/га меъёрда кузги буғдойни экиш олдида, 70кг/га тўла тупланишда ва 100кг/га найчалаш даврида қўлланилган (6) вариантда кузги буғдойни баландлиги тупланиш ва найчалаш даврларида 18,1 ва 44,1 см.ни, поялар сони эса 4,2 ва 4,4 донани ташкил қилган ҳолда назоратга нисбатан 0,5 ва 8,0смга ҳамда 0,2-0,1 донага юқори бўлганлиги кузатилди. Кузги буғдойни кейинги ривожланиш даврларида баландликлари мутаносиб равишда 74,1; 75,0 ва 77,1 смни ташкил қилиб, назоратдан 16,9; 10,5 ва 5,9 смга юқори бўлди. Лекин бу кўрсаткичлар азот ўғити аммиакли селитра шаклида ва шу муддатларида қўлланилган (2) вариантга нисбатан кузги буғдойни ўсиб ривожланиши унинг асосий даврларида мутаносиб равишда 1,3см (0,2 дона),1,1см (0,4 дона), 2,0; 1,9 ва 1,3 смга камроқ бўлганлиги аниқланди. Бу ҳолат эса азот КАС шаклида (суяқ ҳолатда) ишлатилганда йўқолиши нисбатан кўпроқ бўлишини кўрсатди. КАС ўғити кузги буғдойни тупланиш даври бошида (қор ўстидан) 100 кг/га меъёрда ва найчалашда (100) кг/га қўлланилган вариантда кузги буғдойни ўсиб ривожланиши назоратга нисбатан яхши бўлган ҳолда КАС бошқа муддатларда қўлланилганга нисбатан камроқ кўрсаткичлар олинди.Бу вариантда кузги буғдой баландлиги пишиш даврида 75,1см ни ташкил қилиб, назоратдан 3,9 см баландроқ, лекин КАС ни бошқа қўллаш муддатларига нисбатан эса 2,0; 3,1 ва 2,0 см га камроқдир. Кузги буғдойни ўсиб, ривожланишида нисбатан юқори кўрсаткичлар КАС ўғитини тўла туплашда (80кг/га) ва найчалашда (120кг/га) қўлланилганда олинди ва ривожланиш даврларига мутаносиб равишда баландликлари ва поялар сони 19,8см ва 4,6 дона, 44,2см ва 4,8дона ҳамда 74,5;76,0; 78,2 смни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар назоратдан 2,2см

ва 0,6 дона, 8,1см ва 0,5дона, 17,3; 11,5; 7,0 см.га юқори бўлди. Айтиш керакки, кузги буғдойни пишиш даврида КАС ни мақбул қўллаш муддатларида баландлиги 78,1смни ташкил қилган бўлса, аммиакли селитрани шу муддатларида 79,1 см.га тенг бўлиб ёки 1,0 см.га юқори бўлди холос. КАС ўғитини кечроқ муддатларда: тўла тупланишда (75кг/га), найчалашда (75кг/га) ва бошоқлашда (50кг/га) қўлланилганда ўсимлик баландлиги мақбул вариантникига нисбатан 1,1смга, (пишишда) ва поялар сони 0,2-0,3 донага камайиши кузатилди. Демак, кузги буғдойни мақбул ўсиб, ривожланишига КАС ўғити ижобий таъсир кўрсатиб, дон ва сомон ҳосилидан мўл ҳосил олишга замин яратилди.

Таъкидлаш жоизки, тажрибалар ҳар йили янги далада олиб борилганлигига қарамай вариантлар орасидаги дон ва сомон ҳосили бўйича қонуниятлар сақланиб қолди ва нисбатан юқорироқ кўрсаткичлар 2008-йилни шароитида, пастроғи 2019 йилда олингани бу аввалги иқлим шароитларини қолаверса тупроқ унумдорлигига ҳам боғлиқдир. Азотли ўғитлари қўлланилмаган (назорат) вариантыда изланиш йилларига мутаносиб равишда дон ҳосили 28,7; 25,7; 25,7 ц/гани уч йилда ўртача эса 26,5 ц/га ни, сомон ҳосили эса 39,8; 35,8, 38,5 ва 38,0 ц/гани ташкил этди. Демак, сомон ҳосили барча йиллари ҳам донга нисбатан 10-12 ц/га кўпроқ бўлганлиги кузатилди. КАС ўғити кузги буғдойни экиш олдида (30кг/га), тўла тупланишда (70 кг/га) ва найчалашда (100кг/га) қўлланилган (6) вариантда дон ҳосили мутаносиб равишда 41,8; 31,5; 37, 8ц/га ни ўртача уч йилда 36,9 ц/гани ташкил қилиб, назоратга нисбатан 10,4 ц/га кўшимча ҳосил олинди. Сомон ҳосили бу вариантда ўртача 48,8 ц/гани ташкил қилиб, кўшимчаси 10,8 ц/га га тенг бўлди. Таъкидлаш керакки сомон ҳосили донга нисбатан кўпроқ бўлса ҳам лекин назоратдан кўшимчаси деярли тенг бўлди.

КАС ўғити азоти 100 кг/га меъёрда кузги буғдойни тушлаш даври бошида (қор устидан фермер хўжаликлари мисолида), қолгани эса 100кг/га найчалашда қўлланилганда уч йилда ўртача дон ҳосили 32,5ц/гани, сомон ҳосили эса 44,6 ц/гани ташкил қилди, бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан мутаносиб равишда 6,7 ва 6,9 ц/га юқори, лекин 6-вариантникига нисбатан эса 3,7 ва 3,9 ц/га камроқдир. Тажрибалар нисбатан юқори дон (38,6ц/га) ва сомон (50,7ц/га) ҳосиллари КАС ўғити кузги буғдойни тўла тупланиш даврида (80кг/га) ва найчалашда (120кг/га) қўлланилганда олинди ва кўшимчалари назоратга нисбатан 12,1 ва 11,7 ц/га ни ташкил қилди.

Таъкидлаш керакки бу кўшимчалар аммиакли селитра азоти шу муддатларда қўлланилган (4) вариантга нисбатан 1,5 ва 2,0 ц/га камроқдир холос. Айтиш керакки, кузги буғдойда бу кўшимчалар вариантлар орасидаги хатоликлар ҳисобига бўлиши мумкин. Шунинг учун КАС ва аммиакли селитра азотларини кузги буғдой дон ва сомон ҳосилларига таъсири деярли тенг бўлди деб хулоса қилсак ҳам бўлаверади. Тажрибада КАС ўғитини кечроқ муддатларда (75кг/га тўла тупланишда, 75 кг/га найчалашда ва 50кг/га бошоқлашда) қўллашни ҳам самараси пастроқ бўлиши кузатилди, бунда дон назоратга нисбатан 10,7ц/га, сомон ҳосили эса 10,7 ц/га юқори бўлган ҳолда мақбул (8) вариантга нисбатан 1,4 ва 2,0 ц/га камайганлиги кузатилди.

Демак, типик бўз тупроқлар шароитида КАС ўғити азотини кузги буғдойдаги самарадорлигини ошириш учун 80кг/га меъёрда тўла тупланишда ва 120кг/га найчалашда қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ҳасанова Р. Буғдойни барги орқали карбомид билан озиклантириш самарадорлиги. Фан, Тошкент, 2016.Б.3-129.

2.Тиллабеков Б.Х., Сиддикова Д., Қодирхўжаева Ф.М., Каримов Ш., Фармонов С., Хайитбоев Х. Суспензия меъёрларини барг орқали қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири. Дехқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил олиш..., Тошкент, 2010 й., Б.261-270.

ЎЎЗАНИ ҚЎШ ЭКИНЛАР БИЛАН ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ
О.Б.Имомназаров, Техника фанлари номзоди, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ
Наманган минтақавий маркази, Наманган
Н. Нуриддинов, б.ф.н., Ирригация ва сув муаммолари ИТИ Наманган минтақавий
маркази, Наманган
А.Турсунов, таянч докторант, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Аннотация. Ҳозирги вақтда, дунёда аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш ҳамда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш жаҳон олимлари олдида ечимини қутаётган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада деҳқончиликдан олинган даромадни кўпайтириш мақсадида чекланган ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиб ўзани қўш экинлар билан бирга етиштиришнинг инновацион агротехнологиясини яратиш бўйича фикрлар баён этилган.

Калим сўзлар: ўза, қўш экин, , плёнка остига экиш, томчилатиб сугориш, тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлик, инновацион агротехнология

Аннотация. В настоящее время в результате увеличения населения земного шара резко возрастает спрос на сельскохозяйственную продукцию. Сохранение и повышение плодородия почвы и обеспечение населения продовольствием – одна из важнейших задач, ожидающих решения ученых мира. В целях увеличения доходов от земледелия в данной статье представлены идеи по созданию инновационной агротехнологии выращивания хлопка вместе с сопутствующими культурами, эффективно используя ограниченные земельные и водные ресурсы.

Ключевые слова: хлопчатник, сопутствующая культура, подплёночный сев, капельное орошение, плодородие почвы, урожайность, инновационная агротехнология

Abstract. At present, as a result of the increase in the world's population, the demand for agricultural products is increasing dramatically. Preserving and increasing soil fertility and providing the population with food is one of the most important tasks awaiting the solution of world scientists. In order to increase farming income, this article presents ideas for creating an innovative agricultural technology for growing cotton, along with associated crops, using limited land and water resources efficiently.

Key words: cotton, companion crop, underfilm sowing, drip irrigation, soil fertility, productivity, innovative agricultural technology

Президентимизнинг 2020 йил декабрь ойидаги Олий Мажлисга мурожаатларида “Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил - бу қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни оширишдир”, деб таъкидланган. Бунда ҳар бир гектардан олинган даромад ҳозирги 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш усувор вазифа қилиб белгиланган.

Юқоридаги мақсадга эришиш учун қишлоқ хўжалигига энг илғор агротехнологиялар, сугоришнинг сув тежовчи усуллари, уруғчилик, илм-фан, инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда, жумладан Наманган вилоятида ҳам аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда аҳолини озиқ-овқатга ва саноатнинг хом ашёга бўлган талаби ҳам ошиб боради. Ҳозирги даврда кўп мамлакатларда ўсимлик маҳсулотлари ва озиқ-овқат тақчиллиги сезилмоқда ва иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Деҳқончилик қилинаётган ерларнинг чекланганлиги, сув танқислиги боис экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга мавжуд ерлардан, сугориш сувларидан унумли фойдаланиш ҳамда экинларни етиштиришда инновацион агротехнологияларни қўллаш орқали эришиш мумкин[1,2,3,4].

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мамлакатимиз олимлари томонидан ғўза қатор ораларига дуккакли-дон ва илдиз мевали экинлар экиб, сув эрозияси олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам ошириб бориш, ердан ва суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида, кейинги йилларда чет эл тажрибаларини ўрганиш билан биргаликда, қўш экинларни етиштириш бўйича қатор илмий изланишларни олиб бормоқдалар.

Хитой мамлақати қишлоқ хўжалигида ғўза билан қўш экинларни биргаликда етиштиришнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, жумладан, буғдой, шоли ёки рапс каби экинлар ғўза билан қўшликда экилади. Бу усуллар Хитойнинг жанубий ҳудудларида қўлланилиб, экинлардан юқори даромад олинмоқда. Айрим вилоятларда буғдойдан 30, пахтадан 30-31 ц/га, ғўза рапс билан бирга экилганда ғўзадан 22-23 ц/га пахта хом ашёси, рапсдан 11,2-15,0 ц/га уруғ олишга эришилган. Хиндистонда бир неча йиллардан буён ғўзани ер ёнғоқ ва булғор қалампири билан бирга экиш қўлланилади. Бунда бир қатор ғўзадан кейин 14 қатор ер ёнғоқ ёки булғор қалампири экилади. Таҳлилий ҳисоблашлар иқтисодий самарадорлик экинлар қўшликда экилганда даромад ҳар доим бир хил экин экилгандагига нисбатан юқори бўлишини кўрсатди.

Миср давлат университетининг тажриба даласида ғўзани маккажўхори билан бирга етиштириш усули ўрганилган. Бунда 60 смли эгатларда 2 қатор ғўза, бир қатор маккажўхори парвариш қилиниб, экинлар ҳосилдорлигини кўпайтиришга эришилган. Ғўза бошқа экинлар билан бирга етиштирилганда экинларнинг ҳосилдорлиги қуйидагича бўлган: соя 17,7, вигна 16,5, ер ёнғоқ 15,5, нўхат 23 ц/га. Ғўза ва булғор қалампирининг ҳосилдорлиги мос равишда 13,4 ва 17,4 ц/га ни ташкил қилган. Тажрибалар ғўза қалампир, мош ва нўхат каби қўш экинлар билан юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Америка қўшма шталарида маккажўхори ва соя каби экинлар, тегишли равишда, 6-8 ва 8-16 қатор қилиб, йўл-йўл усулда экилганда тупроқ шамол эрозиясининг камайиши ҳисобига маккажўхори ва соянинг ҳосилдорлиги 20 % га ортган[5].

Таъкидалаш лозимки, юқоридаги тажрибаларнинг аксариятида озуқа экинларини аралаш экишнинг афзаллиги кўрсатилган. Пахтачиликда қўш экинларни экиш тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Бу йўналишдаги илмий-тадқиқотлар мамлакатимизда ҳам етарли эмас[4].

Тадқиқот учун тақлиф этилаётган мавзу янги инновацион ғоя бўлиб, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу технологияларни ўрганишдан мақсад ер ва суғориш сувидан самарали фойдаланиш, ғўзани қўш экинлар билан бирга етиштириб, майдон бирлигидан олинадиган даромадни кўпайтиришдан иборат. Тадқиқотларда барча экинларнинг уруғлари эрта муддатларда плёнка остига экилади. Ўсимликлар сув тежовчи суғориш тизими ёрдамида суғорилади ва озиклантирилади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, илмий тадқиқотлар қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- тажриба майдонларида ўрганиладиган асосий (ғўза) ва қўш экинларнинг (саримсоқпиез, соя, нўхат, кўк нўхат, мош, , қизил ловия) амал давридаги ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовларни олиб бориш;

- экинларнинг тупроқдан озик моддаларни ўзлаштириши ҳамда уларнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари билан тупроққа қайтарилишини аниқлаш;

- тажрибаларда тупроқнинг ва экинларнинг сув режимларини ўрганиш;

- экинлар ҳосилдорлигини аниқлаш, олинган маълумотларни Б.А.Доспехов усулида математик таҳлил қилиш;

- технологиянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

- ишлаб чиқилган технология натижаларини тижоратлаштириш;

- технологияни агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчи объектларда жорий этиш.

Наманган вилоятида тақлиф этилаётган технологияга талаб катта. Сабаби, мавжуд мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерларнинг ҳар бир гектаридан олинадиган даромад

шўрланмаган ерларга нисбатан сезиларли даражада кам. Вилоятда 24178 гектар турли даражада шўрланган майдонлар мавжуд бўлиб, шундан 18500 гектари кам, 4946 гектари ўртача, 732 гектари кучли даражада шўрланган. Бу майдонлар шўр ювишни талаб этади. Шўрланган майдонлар, асосан, Мингбулоқ, Поп ва кучсиз шўрланган ер майдонлари Учқўрғон, Норин, Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи, Чуст, Косонсой туманларида учрайди. Бундан ташқари, Чуст, Поп, Косонсой, Тўрақўрғон, Учқўрғон туманларида механик таркиби енгил бўлган (тошлоқ, шағалли ва қумли) унумдорлиги паст бўлган ерлар мавжуд. Бу ерларнинг умумий майдони 26846 гектарни ташкил қилади.

Шўрланган ва механик таркиби енгил бўлган тупроқларнинг унумдорлиги паст бўлиб, бундай ерларда пахтанинг ҳосилдорлиги 20-25, донли экинлар ҳосилдорлиги 30-35 ц/га дан ошмайди. Шу майдонларда дехқончиликдан олинadиган даромадни кўпайтириш учун, биринчидан, ушбу майдонларда ернинг мелиоратив ҳолатини, тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшиловчи, кўп даромад берувчи экинларни, шунингдек, асосий экинлар билан биргаликда кўш экинларни етиштириш агротехнологияларининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пахтадан бўшаган ерлар ноябрь ойидан бошлаб, келгуси йилнинг апрель ойигача бўш қолади, даромад келтирмайди. Июнь ойигача ғўза ўсимлиги бўйининг пастлиги, барглари сони ва сатҳининг камлиги, бу даврда ўсимликлар томонидан ёруғлик ва иссиқликдан фойдаланиш коэффициентларининг юқори бўлмалиги бу технологияни қўллаб, яхши натижаларга эришиш имконини яратади.

Таклиф этилаётган агротехнология катта аҳамиятга эга. Инновацион технология республика миқёсида турли тупроқ-иқлим шароитларида ўрганилиши, тадқиқотлар натижалари асосида дехқончиликдан олинadиган даромадни кескин кўпайтирувчи инновацион технологиялар ишлаб чиқилиши ва амалиётга қўлланилиши зарур. Бунинг учун бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларининг миқёсини кенгайтириш, олинган натижалар асосида ердан олинadиган даромадни кўпайтириш учун кўш экинларни экиш бўйича илмий асосланган тавсиялар йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим. Ишлаб чиқилган агротехнологияларни қўллаш натижасида фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа ердан фойдаланувчи объектлар иқтисодий наф қўришади.

Аннотация. В статье исследуется европейский опыт социальной защиты населения и сокращения бедности.

Ключевые слова: социальная защита, бедность, «Корпоративный», социальное страхование, доход.

Abstract. The article examines the European experience in social protection of the population and reducing poverty.

Key words: social protection, poverty, "Corporate", social insurance, income.

Aholi farovonligini ta'minlash va kambag'allikni kamaytirishda Finlyandiyada katta tajriba to'plangan. 2019 yil ma'lumotlariga ko'ra mamlakat aholisi 83,1 mln. nafar bo'lib, aholi soni bo'yicha dunyoda 18 – o'rinni egallaydi. Hududining maydoni 357,408,74 km² tashkil qiladi[1]. Yalpi ichki mahsulot hajmi 3,685 trillion dollar bo'lib, aholi jon boshiga taxminan 44550 dollarni tashkil etadi. Aholining hayot darajasi va farovonligi yuqori bo'lgan mamlakat hisoblanadi.

Mamlakatdagi mavjud bo'lgan kambag'allikni qisqartirish va aholi farovonligini oshirishga qaratilgan ijtimoiy himoya modeli "Korporativ", "Kontinental" yoki "Bismark" deb ham ataladi hamda Yevropa mamlakatlari orasida eng samarali model sifatida e'tirof etiladi. Buning sababi nisbatan mukammal bo'lgan ijtimoiy ta'minot tizimini Yevropada birinchi joriy etgan mamlakat — Finlyandiya bo'ldi. Mamlakatda 1890 yillarda Bismark davrida kambag'allarni qisqartirish va ijtimoiy himoya tizimining asosini tashkil qiluvchi "Sanoat ishlarida kasalliklarni sug'urtalash to'g'risida"gi, "Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalardan sug'urta qilish to'g'risida"gi va 1891 yilda "Nogironlik va qarilikni sug'urtalash to'g'risida"gi qonunlar qabul qilingan.

Finlyandiyada aholi kambag'alligini oldini olish va ijtimoiy himoya qilishning zamonaviy yo'nalishlari 1960 yillarda hokimiyatga yangi partiyalar kelishi bilan boshlandi. Ikkinchi jahon urushidan so'ng, ijtimoiy bozor iqtisodiyoti konsepsiyasi ishlab chiqildi. Uning asoschilari L. Erxard va A. Myuller – Armak hisoblanadi. Bu konsepsiyaning muhim jihati shundaki, unda davlatning asosiy e'tibori kambag'allar, nogironlar, yetimlar, ko'p bolali oilalar va pensionerlarni ijtimoiy himoya qilish, insonning xavfsiz mehnat faoliyatini ta'minlash, mehnatni rag'batlantirish hamda aholi farovonligini ta'minlashga qaratilganligidir. Ushbu tadbirlarni amalga oshirish esa "Nemis iqtisodiy mo'jizasi" edi[2].

Bugungi kunda Finlyandiyada kambag'allik muammosi va uni kamaytirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sanaladi. Mamlakatda kambag'allar toifasiga soliqlar va turli ajratmalar ushlab qolingandan so'ng, oyiga o'rtacha ish haqining 60 foizdan kam miqdorda oladigan yoki hayot faoliyati ijtimoiy nafaqalarga bog'liq bo'lgan fuqarolar kiradi. Mamlakat Federal statistika idorasining ma'lumotlariga ko'ra, 2021 yilda o'rtacha ish haqi 3703 yevroni tashkil qiladi. Shunisi e'tiborga molikki, nemislar ish haqiga nisbatan gender taqsimotni qo'llaydilar. Erkaklar 3898 yevro, ayollar esa 3258 yevro bo'lib, mablag'lar bir-biridan farq qiladi. Chunki hisoblashda hududiy omil, faoliyat sohasi va ta'lim hisobga olinadi. Mamlakatda kambag'allik chegarasi bir kishi uchun oyiga 1064 yevro va ikki nafar farzandli oilalarga 2234 yevroni tashkil qiladi. Bugungi kunda Finlyandiyada kambag'allar jami aholining 19,7 foizini yoki 16 mln kishi bo'lib, pandemiya sharoitida bu ko'rsatkich ortib bormoqda[3]. 2013 yilda bu ko'rsatkich 12 mln. nafarni tashkil etgan edi.

Finlyandiya Respublikasi 16 ta mustaqil yerlar (viloyatlar)dan iborat bo'lib, bu hududlarda kambag'allik ko'rsatkichlari bir-biridan farq qiladi. Aholi tarkibida kambag'allarning ko'p qismi Bremenda — 24,6 foizni, Meklenburg — G'arbiy Pomeraniyada 23,6 foizni va Berlinda 21,4 foizni tashkil etadi. Ayniqsa, mamlakatning sharqiy qismida holat qoniqarsiz holatda bo'lib, kambag'al toifa soni ortmoqda. Mamlakatda aholi ijtimoiy himoya qilishda katta tajriba to'plangan. Aholining kambag'al qismini ijtimoiy himoya qilishda, ularni kamaytirishda nodavlat notijorat tashkilotlarining ahamiyati kun sayin ortib bormoqda.

Kambag'allarni ijtimoiy himoya qilishda, ular sonini kamayishida "Hartz-4 yoki ALG II" tizimi alohida o'rin tutadi. Avvalo bu tizim orqali nemis kambag'allariga yordam sifatida: kambag'al oila va ishsizlarni qo'llab-quvvatlash huquqi, nafaqa berish, uy-joy uchun to'lovlarni o'z ichiga oladi. Mamlakatda 4 mln. dan ortiq kishi "Hartz-4"ni qabul qiladi. Ayniqsa, ishsizlar bu tizimdan unumli foydalanadilar. Bu tizim 2000 yillarda shakllangan bo'lib, mamlakatdagi Volkswagen kompaniyasi menejeri Piter Xartz ijtimoiy qonunlarni isloh etishga qaratilgan konsepsiyani ishlab chiqishda rahbarlik qildi. Unda taklif etilgan takliflarning to'rtinchi qismi uzoq vaqt ishsiz holatda nochor bo'lib kambag'allik girdobiga tushganlarga yordamni to'lashga qaratilgan. Bu esa holat xalq orasida "Hartz-4" nomini olgan.

Finlyandiyada ishsiz, mehnatga layoqatli aholi oldin 12 oy ishlagan bo'lsa, dastlab ALG II sug'urta mukofotini 24 kun ichida olishlari mumkin. Natijada ishlab turgan ammo turgan sabablarga ko'ra ishsiz bo'lgan kishilarni kambag'allik holatiga tushib qolish oldi olinadi. ALG II orqali birinchi darajali yordam olish talablari va bu boradagi huquqlari, burchlar bajarilmagan bo'lsa ham bu tizimga murojaat qilishga ruxsat beriladi. Mehnatga layoqatsiz fuqarolar va kambag'allar ham mahalliy Jobcenter-mehnat birjasiga so'rov yuboradilar. So'ngra mehnat birjasiga uchrashuvga keladilar. Suhbat jarayonida aniq vaziyat o'rganiladi. Maktab o'quvchilari va talabalar ishsizlar deb hisoblanmaydi. Mamlakatda kambag'al va ishsizlarni pul shaklida qo'llab-quvvatlash bilan birga quyidagi turdagi yordamlar ham ko'rsatiladi: 1. Naqd pul shaklidagi yordam. 2. Uy-joy ta'minoti yoki uy-joy va isitish uchun to'lovlar. 3. Milliy tibbiy sug'urta to'lovi va xokazo.

Finlyandiyada kambag'allikni kamaytirishga qaratilgan siyosatning muhim yo'nalishi sifatida ishlash imkoniyatining kafolatlanganligi, ya'ni iqtisodiy o'sishni ta'minlash orqali har yili minglab yangi ish o'rinlarini yaratish, kambag'allikni oldini olishga qaratilgan choratadbirlarni ishlab chiqish va amaliyotga tadbir etish, nogironlarni birlashtirish, ularni ijtimoiy va kasbiy yakkalanishini oldini olish, arzon tibbiy yordamni rivojlantirish, oilani qo'llab-quvvatlash, qariyalarni ijtimoiy himoya qilish va ularning pensiyalari miqdorini oshirib borish asosiy o'rin egallaydi. Mamlakatda "O'zaro

yordam tamoyili”ga ko‘ra ijtimoiy yordamni unga muhtoj bo‘lgan har bir kishi, agar uning moliyaviy ahvolini mustaqil ravishda yaxshilash imkoniyati bo‘lmasa olishi mumkin bo‘ladi

Finlyandiya pensiya jamg‘armasi 27 yoshdan oshgan har bir sug‘urtalangan shaxsga har yili bo‘lajak pensiyasining miqdori to‘g‘risida ma’lumot berib boradi. Sug‘urta badali ishchining oylik maoshiga muvofiq to‘lanadi: qancha ko‘p ishlab topgan bo‘lsa, shuncha ko‘p to‘laydi. Ish beruvchi mazkur sug‘urta badallarining o‘tkazilishiga mas’uldir. Badallarning 50 foizi xodim oyligidan, qolgan 50 foizi ish beruvchi tomonidan to‘lanadi. Uning miqdori hisoblangan ish haqining 18,6 foizini tashkil etadi. Ayrim chegaralar ham mavjud bo‘lib, 6 500 yevrodan yuqori oylik oladigan uchun sug‘urta to‘lovlari boshqacha turda hisoblanadi. Ya’ni, ular faqatgina, 6 500 yevroning o‘zi uchun hisoblanadi, oylikning mazkur miqdordan oshiq qismi uchun badal to‘lanmaydi. 2018 yil avgustidan boshlab 2025 yilgacha bo‘lgan davrda erkin yollanib ishlovchilarning ish haqidan pensiya ajratmalari 20 foiz miqdorida saqlab turilishi belgilandi[4].

Ijtimoiy sug‘urtalashning nemischa modeli quyidagi jihatlari bilan ajralib turadi:

- tibbiy yordamning hajmi va sifati badal miqdoriga bog‘liq bo‘lmaganda olinayotgan tibbiy yordamning ijtimoiy adolatliligi;

- oiladagi ishlovchilar qatorida ishlamaydigan a’zolarini ham sug‘urtalash; • majburiy va xususiy sug‘urtalash tizimlari, sug‘urtalash tizimlarida bemorlar huquqlarini aniq taqsimlanishi;

- tibbiy yordam tizimi bo‘yicha sug‘urta qilingan bemorlarning manfaatlarini himoya qilish, xususiy bemorlarga xizmat ko‘rsatishga kvotalarni belgilash;

- bemorning davolash uchun xarajatlarda ishtirok etishi (badalning 50% shaxsiy ish haqi, statsionarda davolanish uchun qo‘shimcha to‘lov, dori-darmon vositalari uchun qo‘shimcha to‘lov);

- kasalxona sektorida davlat va jamoat shifoxonalarning ustunligi[5].

Bundan tashqari Finlyandiya turli ijtimoiy xizmatlar kambag‘allarni kamaytirishda muhim o‘rin tutadi. Ijtimoiy xizmatlar va ijtimoiy pedagogika bir vaqtning o‘zida amalga oshiriladi. Ular orasidagi chegarani aniqlash juda mushkuldir. Chunki, ularning vujudga kelish tarixi uzoq o‘tmishga borib taqaladi va bunda nodavlat tashkilotlarining roli katta bo‘lgan. Agar tarixga nazar tashlaydigan bo‘lsak, Finlyandiya XVIII asrda ilk ko‘ngillilar faoliyati boshlangan. 1788 yilda Gamburg shahrida ko‘ngillilar tomonidan “fuqaroviy hamshiralar” faoliyat yurita boshladi. O‘z navbatida, bu hol Finlyandiya ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish tizimiga asos soladi. Ularning samarali faoliyati ko‘plab ijtimoiy muammolarni hal qilinishiga olib keldi[6].

Bu xizmatning muhimligi shundaki, yolg‘iz yashaydigan nogiron va qariyalar e’tiborsiz qolmaydilar hamda ularni og‘ir holatga tushib qolishlari oldi olinadi. Ularga beminat xizmat ko‘rsatiladi.

Bugungi kunda dunyo bo‘yicha kambag‘al davlatlar reytingida aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot darajasi yiliga 1025 AQSh dollaridan kam bo‘lgan davlatlar kiradi. Bu borada Afrika mamlakatlari 2018 yilda dunyoning eng qashshoq mamlakatlari deb tan olindi (1-jadval).

1-jadval

Dunyodagi kambag‘al davlatlar (2017-2018 yillar)

№	Davlatlar	Aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulot
1.	Markaziy Afrika Respublikasi	656
2.	Kongo Demokratik Respublikasi	784
3.	Burundi	811
4.	Liberiya	882
5.	Nigeriya	1111
6.	Malavi	1139
7.	Mozambik	1228
8.	Gvineya	1271
9.	Eritreya	1321
10.	Madagaskar	1504

Manba: Xalqaro valyuta fondi. Jahon banki ma’lumotlari. Азиева Р.Х. Бедность-эффект нездоровой экономики. //М, Проблемы современной экономики. N 3 (67) 2018

Jadvaldan ko‘rinadiki, kambag‘al darajasini o‘zgarishida aholi daromadlar miqdori asosiy o‘rin tutmoqda. Biroq, G‘arbiy Yevropada kambag‘al deb tavsiflangan kishi Rossiyadagi kambag‘al

kishiga qaraganda yuqori turmush darajasiga ega bo'lishi mumkin. Natijada, rivojlangan davlatlardagi kambag'allarning turmush darajasi past rivojlangan davlatlardagi kambag'allar turmush tarzidan yuqoriroq bo'ladi. Kambag'allik chegarasi kuniga 1,90 dollar etib belgilangan bo'lsa-da, har bir mamlakat o'zining rivojlanish darajasi va imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda, kambag'allik chegarasini belgilaydi. Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida agar insonning daromadlari o'zi istiqomat qilayotgan mamlakatdagi o'rtacha ish haqining 60% idan kamroq qismini tashkil etsa, u kambag'al insonlar sirasiga kiritiladi.

2-jadval

Rivojlangan davlatlarda kambag'allik ko'rsatkichlari (umumiy aholiga nisbatan foizda) 2016 yil

Nomlanishi	Rossiya	Buyuk Britaniya	AQSh	Finlyandiya
Kambag'allik daromadlar bo'yicha	15,7	15,4	13,5	16,7
Kambag'allik	25	15,4	17,3	16,7
Surunkali kambag'allik	10	6	9,3	9,5

Manba: Yevro stat ma'lumotlari. Азиева Р.Х. Бедность-эффект нездоровой экономики. //М, Проблемы современной экономики.. N 3 (67) 2018

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. Bundesländer mit Hauptstädten nach Fläche, Bevölkerung und Bevölkerungsdichte am 31.12.2015, im Juli 2017 wegen korrigierter Fläche revidiert.
2. "Economic miracle" West German / S. I. Nevsky // Great Russian Encyclopedia: [in 35 volumes] / ch. ed. Yu. S. Osipov. - M: Great Russian Encyclopedia, 2004-2017.
3. <https://www.idelreal.org/a/29057514.html>. 4. Andropov V. Models of social protection in the EU countries — MEMO. 2005. No. 11.

UO'K:336.71

TIJORAT BANKLARIDA DEPOZIT OPERATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

B.U. Shermuxamedov, PhD, dots., Toshkent moliya instituti, Toshkent

Annotatsiya. O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida depozit operatsiyalarining nazariy jihatlari yoritib berilgan, shuningdek O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida amaldagi depozit operatsiyalarining amalga oshirilishi holatining tahlili tijorat banklari misolida bajarilgan.

Umuman olganda, depozit operatsiyalari va ularni takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan muammolarning hal etilishiga qaratilgan ilmiy takliflar va amaliy tavsiyalarni ishlab chiqishning zarurligi ushbu maqola mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Kalit so'zlar: depozit, depozit siyosati, muddatli depozitlar, depozit operatsiyalari, passiv operatsiyalar, marketing siyosati, depozit bazasi.

Аннотация. Разъяснены теоретические аспекты депозитных операций в коммерческих банках Республики Узбекистан, а также проведен анализ фактического осуществления депозитных операций в коммерческих банках Республики Узбекистан на примере коммерческих банков.

В целом необходимость разработки научных предложений и практических рекомендаций, направленных на решение проблем, связанных с депозитными операциями и их совершенствованием, определяет актуальность темы данной статьи.

Ключевые слова: депозит, депозитная политика, срочные депозиты, депозитные операции, пассивные операции, маркетинговая политика, депозитная база.

Abstract. At this master dissertation theoretical aspects of deposit operations in commercial banks of the Republic of Uzbekistan were provided, as well as the analysis of current status of deposit operations in commercial banks of the Republic of Uzbekistan. Autor has developed the deposit operations and recommendations and recommendations for their improvement. In general, the necessity of elaborating scientific recommendations and practical recommendations aimed at solving problems related to cash flow operations and their improvement determines the urgency of this article thesis.

Key words: deposit, deposit policy, term deposits, deposit operations, passive operations, marketing policy, deposit base.

Kirish. Tijorat banklari faoliyatining samaradorligi va uzluksizligi birinchi navbatda banklarning resurslari bilan qanchalik yetarli ta'minlanganligiga bog'liq. Tijorat banklari moliyaviy resurslari ma'lum shartlar asosida jalb qilingan va bankning o'z mablag'laridan tashkil topib, bank daromadini shakllantirish maqsadida aktiv operatsiyalarga yo'naltirilgan moliyaviy manba hisoblanadi.

Depozit siyosati tijorat banklarini moliyalashtirishda alohida rol o'ynaydi, iqtisodiyotda mablag'larni jalb qilish shartlarining o'zgarishi muhim o'zgaruvchanlik doimiy amalga oshirish imkoniyatini belgilaydi. Depozitni shakllantirish nuqtai nazaridan uslubiy asoslarni takomillashtirish dolzarbligini belgilaydigan resurslar uni amalga oshirish samaradorligiga ta'sir etuvchi omillar keltiriladi.

O'zbekiston Respublikasi tijorat banklari majburiyatlari tarkibida depozitlarning ulushini 2025 yilgacha 60 foizga yetkazish belgilangan bo'lib, hozirgi kunda u 41 foizni tashkil etmoqda[1].

COVID-19 pandemiyasi davrida banklar o'z depozitlarida katta o'sishni kuzatdilar.

2020 yil 11 martdan 1 aprelgacha Qo'shma Shtatlardagi banklar uchun jami bank depozitlari deyarli 1 trillion dollarga oshdi[2].

Shu sababdan ham, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi"da davlat ulushiga ega tijorat banklarida transformatsiya jarayonlarini yakunlab, 2026-yil yakuniga qadar bank aktivlarida xususiy sektor ulushi 60 foizgacha chiqarish belgilangan [3].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan yozilgan nazariy manbalar hamda amaliyotchilar iqtisodiy tahlillarini o'rganar ekanmiz, shu narsaga amin bo'ldikki,

«bank resurslari» tushunchasiga katta e'tibor berilgan. Xususan, E.Rid, R.Kotter, E.Pill va R.Smitlarning fikricha, bank resurslarini tadqiq etishda banklarning passiv operatsiyalarini chuqur tahlil qilish zarur [4].

Rossiyalik olimlardan O.Lavrushinning fikriga ko'ra, tijorat banklarining resurslari bank ixtiyorida bo'lgan o'z va jalb qilingan resurslari yig'indisi bo'lib, uning aktiv operatsiyalarini amalga oshirishda ishlatiladi[5]. G.S. Panovaga ko'ra "depozitlar - mijozning bankka ma'lum bir talablari borligini tasdiqlovchi hisoblar yoki bitimlar va shartnomalarga asosan mijozlarning banklarga omonat shaklida qo'ygan pul mablag'laridir" [6].

A.Burya depozit siyosati samaradorligini depozit resurslari barqarorligini ifodalovchi koeffitsiyentlar: depozit hisobvaraqlaridagi mablag'lar qoldig'ining o'zgaruvchanligi, ushbu qoldiqlardagi o'zgaruvchanlikning turli turdagi depozitlar bo'yicha proporsionalligi va hisobvaraqlardagi qoldiqlarning barqarorligi orqali baholashni taklif etgan [7].

Depozit siyosati samaradorligini baholashda qo'llanilayotgan uslubiy yondashuvlarni shartli ravishda uch guruhga ajratishimiz mumkin. Bunda M.Rostami tomonidan tijorat banklari faoliyatini baholashning reyting tizimiga asoslangan uslubiyot va ushbu uslubiyot yordamida kredit tashkilotlarining ma'lum bir guruhi yoki faoliyati yo'nalishlarini tahlil etishda buxgalteriya hisobotlari yoki ekspert baholash asosida amalga oshirilishi bayon etilgan[8].

Tadqiqot metodologiyasi. Ilmiy maqolani tayyorlash jarayonida ma'lumotlarni jadvallar asosida qiyosiy tahlil, ma'lumotlarni guruhlash, abstrakt-mantiqiy fikrlash tizimli tahlil asosida statistik guruhlash, induksiya va deduksiya hamda ekspert baholash usullaridan ham unumli foydalanildi.


Tahlil va natijalar. Ayni vaqtda mamlakat bank tizimini rivojlantirish bilan bog'liq bo'lgan va yechimini topmagan bir qator dolzarb muammolar mavjud. Ana shundan dolzarb muammolardan biri bo'lib, tijorat banklarida uzoq muddatli resurslarning yetishmasligi muammosi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyov 2019 yil 25 oktabr kuni bo'lib o'tgan bank tizimini isloh qilish va banklarning investitsiyaviy faolligini oshirishga bag'ishlangan yig'ilishdagi ma'ruzasida e'tirof etganlaridek, banklarga qo'yilgan depozitlarning 70 foizi qisqa muddatli bo'lgani holda, kreditlarning 90 foizi uzoq muddatga berilgan. Chunki, tijorat banklari faoliyatini moliyalashtirishning asosiy manbai bo'lib, ular tomonidan jalb qilingan mablag'lar emas, balki davlat budjetining mablag'lari va Hukumat kafolati asosida jalb qilingan xorijiy kreditlar bo'lib qoldi.

Keyingi yillarda davlat budjetidan tijorat banklariga dasturlarni moliyalashtirish uchun 8,4 trillion so‘m, aylanma mablag‘lar uchun 400 million AQSh dollari, ustav kapitalini oshirish uchun esa 1,7 milliard AQSh dollari ajratildi. Umuman olganda, so‘nggi ikki yil ichida banklar kapitalizatsiyasini oshirish uchun 3,3 milliard AQSh dollari bank tizimiga yo‘naltirildi. Endi banklar resurs jalb etish bo‘yicha “o‘z aravasini o‘zi tortishi” kerak. Shundagina bozor sharoitiga mos, zamonaviy boshqaruv tizimiga ega moliyaviy institutga aylana oladi[9].

Bundan asosiy maqsad ya‘ni, tijorat banklarining depozit bazasi qanchalik ko‘p va mustahkam bo‘lsa banklarning aktiv operatsiyalarni amalga oshirish imkoniyati shunchalik ortadi.

Tijorat banklari tomonidan jalb etilgan depozitlarning umumiy hajmi 2022 yilning 1 yanvar holatiga ko‘ra 156190 mlrd. so‘mni tashkil etib, Bu o‘tgan 2018 yilning shu davriga 86074 mlrd. so‘mga oshganligini bildiradi.

O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari tomonidan jalb etilgan depozitlar dinamikasi quyidagi rasmda keltirilgan.



1-rasm. Tijorat banklari depozitlari dinamikasi, (mlrd. so‘m, yil oxiriga) [10]


1-rasmda 2013-2021 yillarda tijorat banklari depozitlari dinamikasi keltirilgan bo‘lib, rasmdan ko‘rinadiki, 2013 yilda depozitlar hajmi 22822,5 mlrd. so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, bank tizimidagi amalga oshirilgan ijobiy ishlar natijasida aholi va xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning tijorat banklaridagi depozitlari umumiy hajmi 2021 yil yakuniga kelib, 156190 mlrd. so‘mga yetdi.

Maqolamiz Davlat va xususiy banklari depozit siyosatiga bevosita yoki bilvosita ta‘sir etuvchi omillar ta‘sirini baholashga harakat qilamiz.

Hozirda yurtimizda 33 ta tijorat banklari faoliyat yuritmoqda shundan davlat ulushi mavjud tijorat banklari 13 tani tashkel qiladi.

2021 yil yakunlariga ko‘ra kapitalida davlat ulushi bo‘lmagan tijorat banklarining majburiyatlari tarkibida bank depozitlarining 76,1 foizi to‘g‘ri kelgan holda, kapitalida davlat ulushi mavjud tijorat banklarining majburiyatlari tarkibida depozitlarning ulushi 2017 yil 45,8 foizdan 2021 yilda 30,1 foizgacha tushgan. Bundan shunday xulosa qilish mumkinki, mamlakatimizda davlat ulushi yuqori tijorat banklarining majburiyatlari tarkibida depozit mablag‘larining ulushini oshirish kelgusida mazkur banklarning depozit bazasini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Tijorat banklarining depozitlari jalb qilish amaliyoti tahlili natijalari shuni ko‘rsatmoqdaki, yirik tijorat banklari depozitlari hajmi mamlakatimiz jami depozitlarining 50 foizini tashkil qilayotganligi bank tizimi depozit bazasining mustahkamlik darajasiga salbiy ta‘sir ko‘rsatmoqda.



2-rasm. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasida tijorat banklari tomonidan jalb qilingan depozitlar dinamikasi (foizda) [11]

Halqaro bank amaliyotida mamlakatdagi banklarning raqobatbardoshlik darajasini aniqlashda banklar konsentriyalashuv koeffitsientidan keng foydalaniladi. Ushbu koeffitsientga ko'ra, mamlakatda faoliyat yurituvchi 3 ta yirik tijorat bankining bank xizmatlari bozoridagi ulushi aniqlanadi. Bu ko'rsatkichning 35 foizdan past bo'lishi mamlakatdagi bank xizmatlari bozorida raqobat muhiti yaxshi emasligini va bank tizimida monopollashuv mavjudligidan dalolat beradi. Bundan tashqari mamlakatimizda kapital bozori, jumladan, banklararo resurs bozorining yaxshi rivojlanmaganligi, tijorat banklarining ushbu bozordan resurs jalb qilish imkoniyatini ham cheklab qo'yadi. Tijorat banklari depozitlarining mustahkamligi bevosita banklarga jalb qilingan depozitlar muddatiga ham bog'liqdir.

1-Jadval

Davlat ulushi mavjud banklarda depozitlarning kreditlardagi ulushi[12]

Ko'rsatkichlar	2016	2017	2018	2019	2020	2021	O'zgarish darajasi (2021-2016)
Davlat ulushi mavjud banklar depozitlari	24812	40311	47659	65740	82461	104 248	79436
Davlat ulushi mavjud banklar depozitlarining kreditlaridagi ulushi	56,03	40,88	32,03	35,22	33,73	37,2	-18,83

Davlat ulushi mavjud banklar depozitlari o'sishi borasida bunday ijobiy xulosaga kela olmaymiz. Bunga sabab, 2016 yilda bu kabi banklar depozitlari 24812 mlrd.so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilda 104 248 mlrd.so'mni tashkil etgan va umumiy o'sish 79436 tashkil etgan. Bu holat davlat ulushi bor banklar kreditlari tarkibida depozitlarning hissasini tushirib yuborganligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, davlat ulushi mavjud banklar depozitlarining ularning kreditlaridagi ulushi 2016 yilda 56,03 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilga kelib esa 37,2 tashkil etgan hamda shu besh yil davomida bu ko'rsatkich -18,83foiz punktga pasaygan.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, shunday xulosa qilish mumkinki – davlat ulushi mavjud banklar aktiv operatsiyalarini amalga oshirish uchun aholi va yuridik shaxslar depozitlariga katta ehtiyoj sezmaydi. Aksincha, davlat ulushi mavjud bo'lmagan banklar uchun esa depozit bazasi muhim ahamiyat kasb etadi. Bu o'z navbatida, davlat ulushi bo'lmagan banklarda aholining bo'sh turgan pul mablag'larini depozitga jalb qilish uchun sifatli chora-tadbirlar ishlab chiqish uchun asos mavjud. Bank tizimidagi aholi depozitlarining ahamiyatiga nazar tashlasak, mamlakatimizda tijorat banklari uchun aholi depozitlaridan ko'ra boshqa resurslar asosiy manba bo'lib qolmoqda. Yakuniy xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, O'zbekistonda tijorat banklari depozitlari hajmini oshirish va shuningdek, aholi depozitlarini jalb qilish mexanizmini ishlab chiqishi uchun quyidagi amaliy chora-tadbirlarni olib borish maqsadga muvofiq bo'ladi:

- davlat ulushi mavjud tijorat banklarini kompleks transformatsiya qilish jarayonlarini yakunlash orqali moliyaviy xizmatlarning ommabopligi oshirish mumkin;
- moliya bozorlarida teng raqobat sharoitlari shakllantirish;
- kreditlash faqat bozor shartlari asosida amalga oshirish.
- xizmat ko'rsatish modernizatsiyalash maqsadida banklarning infratuzilmalari yangilash;
- kamxarj xizmat ko'rsatish nuqtalari tarmog'ini rivojlantirish;
- aholi va kichik biznes uchun masofaviy xizmatlar keng joriy qilish.
- depozit operatsiyalari bo'yicha xorij tajribasini chuqur o'rganish va ijobiy tomonlarini mamlakatimiz bank tizimida qo'llash.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 maydagi PF-5992-sonli "2020-2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida"gi farmoni.
2. H.Özlem Dursun-deNeef, Alexander Schandlbauer / COVID-19, bank deposits, and lendin <https://doi.org/10.1016/j.jempfin.2022.05.003>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent, 2022.
4. Е.Рид, Р. Котгер, Э.Пилл ва Р.Смит «Коммерческие банки» перевод с англ. М. Космополис 1991г. стр.-16
5. Банковская дело. Под редакции О.И. Лаврушина М.Фин. и статистика. 2009 г. стр.68
6. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка, - М.: 2006 стр. 68
7. Буря А. Методика анализа клиентских средств банка -Москва : Вагриус, 2008 - 154 с.
8. Rostami M. CAMELS' Analysis in Banking Industry. Global Journal of Engineering Science and Research Management, 2015, vol. 2, iss. 11, pp. 10–26. <https://www.researchgate.net/publication/283854804>.
9. Мирзиёев Ш.М.Банклар энди "ўз аравасини ўзи тортиши керак".
10. Markaziy bank va tijorat banklari hisobot ma'lumotlari asosida tuzildi. www.cbu.uz
11. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlari asosida tayyorlandi <https://cbu.uz/oz/statistics>
12. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki hamda Davlat statistika qo'mitasi rasmiy internet saytlari ma'lumotlari asosida muallif tomonidan hisoblandi.

UO'K 33

AHOLINI IJTIMOY HIMOYA QILISHNING MOLIVAVIY MANBALARI VA TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI

Sh.A.Sherjonov, o'qituvchi, "Ma'mun universiteti" NTM, Xiva

Annotatsiya. Mazkur maqolada Aholini ijtimoiy himoya qilishning moliyaviy manbalari va tashkiliy-huquqiy asoslarini mutahkamlashga qaratilgan chora tadbirlar, mavjud muammolar va ularni hal etishga qaratilgan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

К

а Аннотация. В данной статье разработаны мероприятия, направленные на закрепление финансовых ресурсов и организационно-правовых основ социальной защиты населения, существующие проблемы и предложения и разъяснения, направленные на их решение.

т Ключевые слова: Государственный бюджет, доходы населения, уровень доходов населения, недвижимость, сельскохозяйственная продукция, пособие, пенсия, стипендия, бедность.

о Abstract. In this article, measures aimed at consolidating the financial resources and organizational-legal basis of social protection of the population, existing problems and proposals and explanations aimed at their solution have been developed.

l Key words: State budget, population income, population income level, real estate, agricultural products, benefit, pension, scholarship, poverty.

r
: O'zbekistonda davlat ijtimoiy moliyaviy siyosati jamiyatning himoyaga muhtoj qatlamlari, ayniqsa kam ta'minlangan oilalar, yolg'iz keksa-qariyalar, nogironlar, vaqtincha ishsizlar va shunga o'xshash yordamga ehtiyojmand aholi vakillariga ijtimoiy moliyaviy yordam ko'rsatish bilan izohlanadi. Ko'rinib turibdiki, mamlakatdagi ijtimoiy islohotlar asosini tashkil qiluvchi aholining

v
l
a
t

muayyan qatlamlarini ijtimoiy himoya qilishning samarali tizimiga o'tilishi iqtisodiy taraqqiyotning strategik maqsadlariga mos keladi.

Bugungi kunga kelib bu borada mamlakatimizda amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida aholini turmush darajasini yaxshilanishiga, farovonligini oshirishga erishildi. Bu xususida Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev 2022-yil 20-dekabr kuni Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomasida quyidagi ma'lumotlarni ta'kidlab o'tdilar: "Biz bu yil tariximizda ilk bor pensiya va ijtimoiy nafaqalar miqdorini minimal iste'mol xarajatlaridan kam bo'lmagan darajaga olib chiqdik. Misol uchun, 2017 yilda kam ta'minlangan 500 ming oila ijtimoiy yordam olgan bo'lsa, bugunga kelib 2 milliondan ortiq oilalarga ko'mak berilmoqda. Ajratilayotgan mablag'lar esa, 7 barobar ko'paytirilib, yiliga 11 trillion so'mga yetdi.

Biz ish haqi, pensiya va nafaqalar miqdorini, aholi jon boshiga daromadlarni oshirish siyosatini izchil davom ettiramiz.

Bu raqamlarni aytish oson. Ularning har biri ortida mashaqqatli mehnat turibdi. Chunki inson qadri, insonni e'zozlash – e'tiborimizdagi eng asosiy masala".

Aholining ijtimoiy farovonligi mamlakatda olib borilayotgan ijtimoiy siyosatga, uning yo'nalishlari va tanlangan ustuvorliklar ko'lamiga bog'liq bo'ladi. Odatda, ijtimoiy siyosat quyidagi asosiy yo'nalishlarda olib boriladi:

- aholini ijtimoiy himoya qilish;
- ijtimoiy ta'minot;
- davlat ijtimoiy kafolatlarini ta'minlash.

Ijtimoiy himoya - o'ziga bog'liq bo'lmagan ravishda ijtimoiy muhofazaga muhtoj fuqarolarga nisbatan ko'rsatiladigan ijtimoiy yordam shakli bo'lib, kam ta'minlangan aholi qatlamlariga ko'rsatiladigan xizmatlar, nafaqalar va imtiyozlarni ko'zda tutadi. Ijtimoiy himoya tadbirlari yordamida aholining umumjamiyat ishlab chiqarish jarayonida qanday qatnashishidan qat'i nazar, aholining ma'lum tabaqalari turmush darajasini birmuncha (vaqtinchalik yoki doimiy) yaxshilashga erishiladi. Bu maqsadlardagi xarajatlarning aksariyati davlat budjeti mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladi, shuningdek, mulkchilik shaklidan qat'iy nazar, korxonalar, muassasa va tashkilotlarning o'z mablag'lari hisobidan ham amalga oshiriladi. Bugungi kunda quyidagilar ijtimoiy yordam tizimini moliyaviy va moddiy jihatdan qo'shimcha tarzda qo'llab-quvvatlamogda:


- o'z mablag'lari va jamg'armalari hisobidan o'z xodimlariga ijtimoiy qo'llab-quvvatlash maqsadlarida moliyaviy yordam to'layotgan va turli imtiyozlar berayotgan korxonalar;
- jamoat tashkilotlari;
- kasaba uyushmalari, nuroniylar, nogironlar jamiyatlari va boshqalar.

Ijtimoiy ta'minot - fuqarolarning qarilikda, kasallik ro'y berganda, mehnat qobiliyatini vaqtinchalik yoki butunlay yo'qotganda, boquvchisini yo'qotganda, shuningdek, uyda ijtimoiy yordam ko'rsatish davlat tizimidir. Ijtimoiy ta'minotning markazida pensiya ta'minoti yotadi. Mamlakatimizda ijtimoiy ta'minot asosan quyidagi manbalar hisobiga amalga oshiriladi:

- davlat ijtimoiy sug'urtasi hisobidan shakllanadigan Pensiya jamg'armasi;
- davlat ijtimoiy sug'urtasining bir qismini yo'naltirish hisobidan shakllanadigan Bandlikka ko'maklashish jamg'armasi;
- davlat ijtimoiy sug'urtasining bir qismini yo'naltirish hisobidan shakllanadigan Kasaba uyushmalarining mablag'lari;
- davlat budjeti.

Davlat ijtimoiy sug'urtasi fuqarolarning zarur turmush darajasini kafo-latlaydi. U majburiy bo'lib, ish beruvchilar va mehnatkashlarning sug'urta badallari hisobidan Pensiya fondi, Bandlik fondi va Kasaba uyushmalari mablag'larining shakllanishiga asos bo'ladi. Davlat ijtimoiy kafolatlarini ta'minlash deganda fuqarolarning Konstitutsiya bilan kafolatlangan turli ijtimoiy xizmatlardan to'laqonli foydalanish huquqlarini ta'minlash tushuniladi. Bu huquqlar ta'lim olish, tibbiyot xizmatlaridan, fan, madaniyat yutuqlaridan foydalanish, shuningdek, turar joyga ega bo'lish bilan bog'liq fuqarolik huquqlari bo'lib, ularni moddiy va moliyaviy jihatdan ta'minlash esa mamlakatda yaratilgan milliy daromadni qayta taqsimlash asosida ijtimoiy yo'naltirilgan jamg'armalarni shakllantirish, tegishli qo'shimcha moliyaviy manbalarni qidirib topish, bu

maqsadlarga korxonalar va tashkilotlarning ortiqcha pul resurslarini safarbar etish mexanizmlarini ishlab chiqish, ijtimoiy sohalar va ularning moddiy-moliyaviy ta'minotiga xorijiy hamkorlar, xalqaro tashkilotlar va boshqa moliya-kredit institutlarining e'tiborini qaratish orqali amalga oshiriladi.



1.1-rasm. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish tadbirlarini moliyalashtirish manbalari

Yuqorida bayon qilingan fikrlarni umumlashtirgan holda shuni ta'kidlash lozimki, bugungi kunda aholini ijtimoiy himoya qilish tadbirlarini moliyalashtirishning ko'pkanalli tizimi shakllangan bo'lib, ijtimoiy himoyani moliyalashtirishning quyidagi manbalari mavjud (1.1-rasm):

O'zbekiston Respublikasida aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy muhofaza qilishga qaratilgan ijtimoiy siyosatni amalga oshirishning huquqiy asosini barpo etish va bu boradagi qonunlarning ijro etilishini ta'minlash bugungi kundagi muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Fuqarolarning ijtimoiy huquqlari O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi bilan kafolatlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Davlat xizmatlari ko'rsatish milliy tizimini jadal rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida» 2020 yil 31 yanvardagi PF-5930-son farmoniga muvofiq hamda aholini ijtimoiy himoya qilish sohasida davlat xizmatlari ko'rsatish tizimini yanada takomillashtirish maqsadida Vazirlar Mahkamasi qarorida:


- farzand tug'ilganda beriladigan bir martalik nafaqani tayinlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamenti;
- dafn marosimi uchun nafaqa tayinlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamenti;
- pensiya va nafaqa oluvchilar ro'yxatida mavjudligi haqida ma'lumotnoma berish bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamenti;
- pensiya va nafaqa miqdori to'g'risida ma'lumotnoma berish bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamenti tasdiqlandi.

Ijtimoiy siyosatning yana bir dolzarb vazifasi – yosh avlodning har tomonlama sog'lom bo'lib tug'ilishiga qaratish bo'lib, bu orqali ijtimoiy himoya masalalarining to'laqonli echimini topish imkoniyati yaratiladi. Ta'kidlash joizki, nogiron tug'ilgan jamiyat a'zolari, birinchi navbatda, ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi qatlamiga kiritiladi va butun umri davomida birovning qo'lga qarab yashaydi. Demak, jismoniy sog'lom avlod tug'ilishiga erishish va sog'lom avlodni kamol toptirish ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi qatlamini keskin kamaytirib, o'z navbatida himoyaga muhtojlar uchun yetarli mablag'lar ajratish uchun asos yaratadi.

Ijtimoiy ta'minotning ijtimoiy-reabilitatsion funktsiyasi keksa va mehnat qobiliyati bo'lmagan fuqarolarning o'ziga xos spetsifik ehtiyojlarini qondirish bilan bog'liq bo'lib, ularning huquqiy maqomini saqlash va sog'lig'ini muhofaza qilish uchun qulay sharoitlarni yaratishda namoyon bo'ladi. Amalda bu funktsiyaning namoyon bo'lishini fuqarolarning ayrim toifalarini qariyalar uylarida saqlash, boshqa bir toifadagilarni ortopediya-protezlash vositalari bilan ta'minlash, uchinchilariga uyda ijtimoiy yordam ko'rsatishda ko'rish mumkin.

Bizning fikrimizcha, ijtimoiy ta'minot yana bir, juda muhim funktsiya – ijtimoiy himoyalash funksiyasini bajaradi. Jamiyat, o'z fuqarolariga ijtimoiy ta'minotni taqdim etar ekan, birinchi

navbatda o'z oldiga ularni ijtimoiy himoya qilishdek o'ta muhim vazifani qo'yadi, zero qiyin hayotiy holatlarda ularni himoyalash, turli (moddiy, jismoniy, ruhiy, yosh bilan, oilaviy vaziyat bilan bog'liq) muammolarni hal qilishda yordam berish ijtimoiy ta'minotning zarurligi va ahamiyatini belgilab beradi.




1.2-rasm. Ijtimoiy ta'minot xizmatlari va to'lovlarini moliyalashtirish manbalari

Yuqorida ta'kidlanganidek, bugungi kunda mamlakatimizda ijtimoiy ta'minot o'zining shakllari va turlari xilma-xil bo'lishi bilan birga, moliyalashtirish manbalarining ham bir nechta ekanligi bilan xarakterlanadi.

Ijtimoiy ta'minot maqsadlaridagi xizmatlar va to'lovlar uchun moliyaviy resurslar turli ijtimoiy yo'nalishdagi jamg'armalarda mujassamlanadi va davlat boshqaruvining turli idoralari orqali tasarruf etiladi. Ijtimoiy ta'minot xizmatlari va to'lovlari quyidagi manbalardan amalga oshiriladi:

- davlat budjeti;
- budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi;
- bandlikka ko'maklashish davlat jamg'armasi
- O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashining ijtimoiy sug'urta budjeti mablag'lari.



1.3-rasm. O'zbekiston Respublikasida pensiya ta'minoti tizimining turlari

Pensiya ta'minoti tizimining asosiy ko'rsatkichlari – pensiya yoshi, sug'urta badallari miqdori, pensiyalarni indeksatsiya qilish tartibini qayta ko'rish. BMT prognozlariga ko'ra XXI asrning o'rtalarida dunyo aholisi soni 9 mlrd. kishidan ko'p bo'lishi taxmin qilinmoqda. Hamda bir qatorda tug'ilish darajasi o'rtacha ko'rsatkichga qadar pasayib 0,215 promilleni tashkil etishi, kutilayotgan umr davomiyligining o'rtacha ko'rsatkichi, 76 yoshni, rivojlangan mamlakatlarda esa 80 yoshdan oshib ketishi bashorat qilinmoqda. Rivojlangan mamlakatlarda aholi sonida har yiliga o'rtacha 0,2% ga kamayishi XXI asrning o'rtalarida Yevropa aholisini yarmi pensionerlar tashkil etishi mumkinligini ko'rsatadi. Bu esa mehnatga layoqatli aholi uchun bog'liqlik koeffitsiyentining ortib borishiga olib keladi. Masalan, 2040-yilda 1 fransuz ishchisiga 1 nafardan pensioner to'g'ri kelishi mumkin. Ushbu nisbat har 40 yilda o'zgarib borgan, jumladan, 2000-yilda 2 ishchiga 1 pensioner uchun to'g'ri kelgan bo'lsa, 1960-yilda 4 nafar ishchiga 1 nafar pensioner to'g'ri kelgan. Ushbu holat pensiya to'lovlari badalida davlat moliya tizimi uchun ko'plab muammoli vaziyatlarni vujudga keltirdi. Taqsimot bo'yicha asoslangan pensiya tizimi 1 pensioner uchun 3-4 nafar ishlovchi to'g'ri kelgan vaqtdagina samarali hisoblanadi. Sanoat jihatdan taraqqiy etgan mamlakatlarning aksariyatida XX asr boshlarida 65 va undan katta yoshdagi aholiga 4-5 nafardan mehnatga layoqatli aholi to'g'ri kelgan bo'lsa, 2020-2025 yillarga borib bu nisbat Yevropa mamlakatlarida 1/2;5, AQShda esa 1/3;5 ni tashkil etishi kutilmoqda.

“Pensiya jamg‘armasi daromadlarini shakllantirishda uning manbalariga nisbatan o‘rnatiladigan me‘yorlarning o‘zgarishi alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiyotini modernizatsiyalash sharoitida pensiya jamg‘armasi daromadlaridan samarali foydalanish dolzarb masala hisoblanadi”.

“Ma‘lumki, ijtimoiy ta‘minotning markazida pensiya ta‘minoti turadi. Ko‘pchilik davlatlarda pensiya ta‘minotini mablag‘ bilan ta‘minlash maqsadida markazlashgan tartibda maxsus fondlar – Pensiya fondlari tuziladi. Ularning asosiy maqsadi shu mamlakat pensiya qonunchiligi bilan belgilangan pensiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlarni moliyalashtirishdan iborat. Bizning mamlakatimizda ijtimoiy ta‘minot vazifalarini davlat budjeti bilan birga, budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasi bajaradi. Bugungi kunda budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasidan quyidagi pensiyalar va ijtimoiy nafaqalar to‘lanadi, shuningdek, fuqarolarning ijtimoiy ta‘minoti bilan bog‘liq bo‘lgan boshqa xarajatlar amalga oshiriladi:

- ishlayotgan pensionerlarga davlat pensiyalarini to‘lash;
- ishlamaydigan pensionerlarga davlat pensiyalarini to‘lash;
- davlat pensiya ta‘minoti huquqiga ega bo‘lmagan qariyalar va mehnatga qobiliyatsiz fuqarolarga nafaqalar berish;
- dafn marosimlari uchun nafaqalar;
- belgilangan tartibda aniqlanadigan boshqa xarajatlar.”

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 11-apreldagi PQ-3662-sonli qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasining 2018-yil 5-maydagi 04/2-946-son topshirig‘iga asosan, 2018-yil 1-iyundan boshlab davlat pensiya ta‘minotiga oid 4 turdagi xizmatlar sinov tariqasida respublikaning 14 ta tuman (shahar) davlat xizmatlari markazlari orqali amalga oshirilishi yo‘lga qo‘yildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Fuqarolarning pensiya ta‘minoti tizimini samaradorligini oshirish va pensionerlarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashni kuchaytirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonni imzoladi. Bunda asosan qonuniy huquq tizimda o‘zgarishlarni amalga oshirish boshlanishi hisoblanadi. Asosan o‘zgarishlar daromad tizimda izchil tizimli tarzda islohotlar shakllantirish bilan boshlanishini takidlab o‘tishimiz mumkin.

2019-yil 1-yanvardan boshlab barcha ishlovchi pensionerlarga pensiyalar to‘liq miqdorda to‘lanishi ta‘minlanishiga ulardagi tafovutlarni esa qayta hisoblashda ish haqining maksimal miqdorini eng kam oylik ish haqining 8 barobaridan 10 barobarigacha miqdorida tashkillashtirilishi yo‘lga qo‘yildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 12-dekabdagi 5597-son Farmoniga muvofiq, pensiyani hisoblash uchun qabul qilinadigan o‘rtacha ish haqining eng yuqori miqdorini eng kam oylik ish haqining 8 barobaridan 10 barobariga oshirilishi hisobiga 2019-yil 1-yanvardan 519 ming nafardan ortiq fuqarolarning pensiya miqdori qayta hisoblandi.

Bugungi kunda aholini ijtimoiy ta‘minlash ishlari bir nechta davlat ijroiya organlari tomonidan amalga oshiriladi, ularning faoliyatini muvofiqlashtirish va samaradorligini oshirish zarur bo‘ladi. Buning uchun, quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur, deb hisoblaymiz:

- mahalla fuqarolar yig‘inlariga davlat qonunlari asosida mahalliy sharoitdan kelib chiqib huquqiy me‘yorlarni qabul qilishida, shuningdek moliyaviy masalalarda mustaqillik berish;
- berilgan vakolatlarini amalga oshira olish uchun o‘z hududida turlito‘lovlar joriy etish va ularni undirish, mavjud soliqlardan tushadigan mablag‘larning bir qismini mahallalar hisob raqamiga o‘tkazishni joriy etish;
- ijtimoiy ta‘minot idoralari, sog‘liqni saqlash boshqarmasining shahar va tuman bo‘limlari bilan mahalla fuqarolar yig‘ini o‘rtasida shartnomalar tuzish va ular asosida ijtimoiy madadga muhtoj oilalar uchun imtiyozli narxlarda dori-darmonlar olish hamda bu ishga tegishli homiylarni jalb etish;
- mahallada madaniy-maishiy sharoitlarni yaxshilash, mahalla fuqarolari uchun qulay ijtimoiy infratuzilmani yo‘lga qo‘yishda mahalla tadbirkorligidan foydalanish;
- nafaqa to‘lovlari tizimini tartibga solish, manzilli xarakterga ega bo‘lmagan imtiyozlarni kamaytirish hisobiga ko‘proq ehtiyoj sezayotgan oilalarga imtiyozlar hajmini oshirish;
- norasmiy sektorda tadbirkorlik faoliyatidan daromad olayotgan oilalarni chiqarib tashlash yo‘li bilan moddiy yordamga muxtoj oilalarni oilalarga qayta yo‘naltiriladi;

– oilalarni ijtimoiy muhofaza qilish tadbirlarini moliyalashtirish uchun byudjetdan tashqari (xayriya jamg'armalari, homiyalar) mablag'larni jalb qilishni ko'paytirish lozim. Bu kam ta'minlangan oilalarga ijtimoiy to'lovlar hajmi va qamrovini oshirishga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga murojaatnomasi, 20.12.2022
2. "2021-yil byudjet loyihasi bo'yicha Fuqarolar uchun Byudjet". UNDP, 2020
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2018-yil 12-dekabrda «Fuqarolarning pensiya ta'minoti tizimini samaradorligini oshirish va pensionerlarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni kuchaytirishga oid qo'shimsha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PF-5597 // www.lex.uz
4. Sherjanov, S. (2022). O'zbekiston aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasi. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(13), 132-138.
5. Bakberganovich, S. A. (2022). Foreign experience of increasing local budget income. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 436-438.
6. Nurmuxamedova B., Tursunov J. "Ijtimoiy ta'minot" fanidan o'quv uslubiy majmua – Toshkent – 2018, 30-bet
7. Qosimova G. Aholini ijtimoiy himoyalash tizimida ijtimoiy ta'minotning o'rni va ahamiyati. // *Biznes-Expert*. –Toshkent, 2017. -№12. – Б.37-43.
8. Fransiya: pensionayare forma//Elektronniy resurs. «Noviy pensioner»: www.pensioner.ru
9. Шеров, А. Б. (2022). Пути улучшения социальной защиты населения. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 8, 89-92.
10. Sherjan, S., & Zebiniso, A. (2022). Ways for effective use of extrabudgetary funds. *Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali*, 2(10), 143-146.
11. World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat New York, 2015.
12. Javier Olivera. The Journal of the Economics of Ageing. The distribution of pension wealth in Europe.

UDC 657.6

FEATURES OF ACCOUNTING FOR AMORTIZATION OF FIXED ASSETS AND ITS IMPROVEMENT

Z.B.Suyunova, teacher, Tashkent Financial Institute, Tashkent

Аннотация. Ушбу мақолада асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисобга олиш масалалари ёритилган ва маълум бир ташилотда уни такомиллаштириш чоралари кўрилган.

Калим сўзлар: асосий воситалар, амортизация ҳисоблаш усуллари, тўғри чизиқли усул, бажарилган иш ҳажми бўйича ҳисоблаб ёзиш усули, камайиб борувчи қолдиқ усули, кумулятив усул.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы учета износа основных средств и предложены меры по его совершенствованию конкретной организации.

Ключевые слова: основные средства, методы начисления амортизации, прямолинейный метод, метод начисления по объему выполненных работ, метод убывающего остатка, кумулятивный метод.

Abstract. This article highlights the issues of accounting for depreciation of fixed assets and suggests measures to improve it in a specific organization.

Keywords: fixed assets, amortization methods, straight-line method, accrual method based on the volume of work performed, decreasing balance method, cumulative method.

Introduction. In the conditions of modernization of the economy, when the need for new fixed assets is more noticeable at production enterprises, practical measures taken to support and stimulate enterprises exporting products in our country, to strengthen export potential are important.

One of the urgent issues is to ensure the stable operation of such enterprises, to provide them with new technical technologies in order to increase their competitiveness in foreign markets. The assistance provided by the banks of the state plays an important role in achieving the goal regarding the export of products. Last year, these enterprises were given preferential loans with a total amount of 333 billion sums to increase working capital, which allows businesses to prevent production, despite the temporary difficulties that have arisen for the export of their products. [7]

In order to support main sectors of the economy, a number of measures are being taken in Uzbekistan. One of them to drastically reduce production costs and the cost of manufactured and

exported products is the consistent regulation of the depreciation calculation policy on the main means of economic entities-exporters.

Literature review. Amortization of fixed assets, calculation methods and the procedure for determining their value have been considered by many scientists. In particular, I.N.Ismanov presented a method of reserving the amount of depreciation when implementing the principle of proportionality of expenses to income as a proposal[1]. This proposal was first put forward in 1928 by the German scientist B.Pendorf entered. In doing so, " it is not necessary to pay attention to it if, among the implementation of regular or one-standard deductions for the results of the year, an emergency cost deduction is carried out. Because this is how the reserves necessary for the benefit of the enterprise are formed" [2].

N.T.Belukhani noted that the calculation of depreciation on fixed assets is calculated on the basis of uniform norms established separately for each group in relation to the balance sheet value [3].

Prof. N.P.Kondrakov believes that "the norms of depreciation amounts calculated in relation to the initial value of fixed assets are calculated on the basis of uniform norms approved by the state, and the use of fixed assets is included in the cost of products developed by industries" [4].

Summarizing the abovementioned points, it can be clearly examined that the amortization of fixed assets is the write-off of its initial value during the use of an asset in the form of expenses in accordance with the period of its profit.

Research methodology. The study of the features of depreciation accounting of fixed assets and existing scientific research on its improvement, comparative comparison of tariff and price formation, logical thinking, scientific abstraction, data grouping, analysis and synthesis, induction and deduction methods have been widely used.

Research results and analysis. Fixed assets gradually become obsolete during the production process and under the influence of the forces of nature. The self-value is produced, which slowly transfers the substance to the value of the product or the work being performed. They wear out two types of physical and spiritual. Amortization of an object in the process of its use is referred to as physical wear. The production of new objects that provide high labor productivity, perfect in structure, displaces old objects that were previously in use from production until they are physically completely worn out. This is referred to as spiritual wear and tear.[5]

The amount transferred to the product value of fixed assets is a source of their recovery. The value of the worn part of fixed assets transferred to the cost of a product or work performed is called depreciation or amortization deduction. The amount of amortization must cover the costs associated with the restoration of the initial value of the object and capital repairs. Amortization, first of all, ensures simple reproduction, that is, a complete restoration of the initial cost of fixed assets. It will be a source of extended reproduction to some extent. Because, instead of outdated equipment, new ones are purchased that provide high labor productivity.

This, in turn, leads to an increase in labor productivity, a decrease in cost and capital costs in general.

According to international financial reporting standards, when accounting for depreciation of fixed assets, it is required to have the following indicators:

The depreciable value is the value that remains after deducting the residual (liquidation) value from another value reflected in the financial statements instead of the actual costs incurred to purchase the asset or the actual costs incurred.

1.1-расм. Иновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

(Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Иновацион иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, мақсадлари ва механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонида мувофиқ «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш» концепциясида келтирилган. Иновацион иқтисодий ривожлантириш инсон интеллекти ва ижодий салоҳиятини иқтисодий ўсиш ва миллий рақобатбардошликнинг етакчи омилига айлантириш демакдир.

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг стратегик мақсади этиб, миллий иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ва «Иновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳисобланади»[3].

Республикада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инновацион тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Биз, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларининг амалий тажрибасини таҳлил қилиш асосида ҳудудий хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқдик (1.2-расм).

Фикримизча, ушбу механизмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, етакчи ўрин вилоятдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларга берилган. Механизм тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фаол иштирок этишга йўналтирилган, унинг манфаатларини инобатга олади ва ҳудуддаги корхоналар томонидан инновацияларга бўлган талабни

ривожлантиришга қаратилган. Кенг маънода мазкур механизм ташаббуслар ва уни амалга ошириш бўйича тадбирлар – илм-фан ва бизнес ҳамкорлигини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш йўналишларини белгилайди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг асосий мақсади куйидагилардан иборат:

- инновацион фаолият натижалари туфайли ҳудудни янги турдаги хизматлар билан таъминлаш;
- ҳудуднинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий-техникавий фаолият натижалари асосида кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ҳудуднинг хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилиш;
- инновацион соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ҳудуддаги инновацион ва тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш;
- ҳудудда замонавий инновацион инфратузилмани шакллантириш;
- давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш орқали ҳудудий инновацион тизимнинг турли элементларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.



1.2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Республкамиз ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири инновацияларга талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқликнинг мавжудлиги ҳамда тадбиркорлар, олимлар ва аҳолининг инновацион маданиятининг пастлиги, ўз ихтироларидан фойдаланиш ва уларни тарғиб қила

олмаслиги ҳисобланади. Шунга кўра, миллий ва ҳудудий инновацион сиёсатнинг зарур элементи кўйидаги асосий йўналишларда инновацион маданиятни ошириш чоратadbирларига қаратилиши лозим:

- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасалари учун инновацион соҳада ишлаш учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;
- корхоналар ва аҳолига интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- инновацион товар ва хизматларни реализация қилишнинг маркетинг механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- инновацион тадбиркорлар ва аҳолини илғор маҳаллий ва хорижий инновациялар тўғрисида ахборот билан таъминлашни амалга ошириш.
- ҳудудда инновацион инфратузилма элементларини шакллантириш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш тартиби реструктуризация қилиш босқичидадир. Шунга кўра, инновацион лойиҳаларни бошқариш уларни реализация қилиш бўйича қарорларни қабул қилишни методик таъминлашдаги камчилик бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, замонавий хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Бизнингча, замонавий хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш кўйидаги чораларни амалга оширишни назарда тутати:

- замонавий хизмат кўрсатиш тармоқларида корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг муҳим йўналишлари доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишга концентрациялаш;
- соҳада технологик йўл хариталарини яратиш асосида инновацион фаолиятга кичик ва хусусий хизмат кўрсатиш корхоналарини жалб қилиш;
- фан сиғими юқори бўлган хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион фаолият натижаларини харид қилиш ва сотиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятининг молиявий самарадорлигини ошириш усуллари ва воситаларини жорий этиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш доирасида ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш воситаларини қўллаш;
- инновацион фаолиятни амалга оширувчи шахслар ёки корхоналар томонидан аниқланадиган мезонлардан келиб чиқиб, фойдали бўлган инновацион лойиҳаларга ресурсларни йўналтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони. –<https://lex/uz/docs/5073447>
2. Аоки М. Фирма в японской экономике. Информация, стимулирование и заключение сделок в японской экономике [Текст] / М. Аоки: пер. с англ. - СПб., 1995. - С. 314-315.
3. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. [Текст] / И.Т. Балабанов. – СПб.: Питер, 2001. – 304 с.
4. Эрнazarов О.Э. Инновациялар асосида санoат корхоналари самарадорлигини ошириш // Дисс. икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Тошкент: ТДТУ, 2021. 28-29-б.

УЎК: 330.334.73 (75)

САВДО ВА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР СОҲАЛАРИДА ШЕРИКЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.С.Жуманазаров, тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушу мақолада савдо ва товар айирбошлаш ҳамда молиявий хизматлар соҳасида шерикчилик алоқаларининг хусусиялари тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: шерикчилик, савдо, товар айирбошлаш, молиявий хизмат, тижорий триангуляция, тижорий трансферт.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы партнерских связей в сфере торговли, товарообмена и финансовых услуг.

Ключевые слова: партнерства, торговля, товарообмен, финансовые услуги, коммерческая триангуляция, коммерческий трансферт

Abstract. This article discusses the issues of partnerships in the field of trade, commodity and financial service.

Key words: partnerships, trade, commodity exchange, financial services, commercial triangulation, commercial transfer.

Маълумки, исталган бир фаолият каби тадбиркорлик фаолият ва бизнесни амалга оширишда шериклик алоқаларининг, муносабатларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, биз ушбу мақоламизда савдо ва молиявий хизматлар соҳасидаги айрим шерикчилик шаклларини кўриб ўтамиз.

Товар айирбошлаш операцияси деганда, шерикларнинг ўзаро муносабатларида муайян товарларга мулкчилик ҳуқуқи бир томондан иккинчи томонга ўтувчи ҳаракатга асосланади, лекин бунда пул шаклида ҳисоб-китоблар қилинмайди, аксинча ҳисоб-китоблар товар шаклида амалга оширилади. Бу муносабат тадбиркорлар ўртасида ички алоқаларда ва чет еллик шериклар билан ҳам ишлатилади. Товар айирбошлаш операциялари, айниқса ташқи савдода кўп ҳолларда *қарама-қарши* савдо деб юритилади.

Қарама-қарши савдо бу алоҳида битимлар кўринишидаги битимлар мажмуи бўлиб, бунда улар бир-бирига товар етказиш орқали ўзаро балансга еришиш мақсадида келишадилар, яъни бирон – бир товар сотиб олиниб унга жавобан товар юбориш). *Қарама-қарши савдо* кўринишлари бу *бартер битимлари, қарама-қарши етказиб бериш, тижорий триангуляция*.

Бартер деганда товар айирбошлаш битими тушунилади ва бунда у қуйидагиларни кўзда тутлади:

- 1) айнан қайси конкрет товарлар айирбошланади;
- 2) Бир товарни иккинчи товарга айирбошлашдаги муайян нисбатлар (бу товарларнинг баҳолари ҳақидаги келишувлар орқали);
- 3) Бир-бирига товарни етказиб бериш етказиб бериш муддатлари (одатда, дунё амалиётида бир-бирига ўзаро товар етказиб бериш оралиғидаги вақт энг кўпи билан 6 ой ҳисобланади).

Бартер битими – бу бирон – бир муайян товар ҳажмини ёки бир қанча товарлар ҳажмини унга баҳо бўйича эквивалент бўлган бошқа товар ёки товарлар ҳажмига айирбошлаш (пул кўринишидаги ҳисоб-китобларни қўлламадан). Бартер битимининг хусусияти шундаки, томонларнинг бу кўринишдаги битимнинг барча шартлари келишилган шартномани имзолашдир.

Албатта, бартер Ўзбекистонда ҳам 2000 йилларгача кенг қўлланилди, шунингдек бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам вақти – вақти билан амалга оширилади. Масалан, 1980 йиллар охирида “Ксерокс” фирмаси ўзининг баҳоси 800 000 долларга тенг 200 та нусха кўчириш аппаратларини ўзига керак бўлган товар ва хизматларга айирбошлади (вилкали авто юклагичлар, ўз ишчиларига авиачипталар). Шунингдек кўпроқ бартер битимлари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик тадбиркорлар ўртасида ривожланган (масалан, врач билан ҳуқуқшунос ўртасида ўзаро хизматларни айирбошлаш). Бартер битимларининг сонини ва ҳажмини еътиборга олган ҳолда, бугунги кунда, бартер операцияларида воситачи бўлишга ихтисослашган фирмалар ҳам пайдо бўла бошлади.

Қарама-қарши етказиб бериш бартернинг бир кўриниши бўлиб унда томонлар қандай товарни ва қайси шартларда (*баҳоси, ҳажми, вақти ва ҳоказо*) бир томонга етказиб берилиши кераклигини аниқлаган, лекин қайси товар иккинчи томонга етказилиши келишилмаган. Бундай қарор томонлар билан кейин махсус ҳужжат (*баённома*) билан ёки иккинчи шартномани тузиш орқали (*биринчининг давоми*) қайси шартларда ва қандай қарама-қарши


товар етказиш тўғрисида келишилади. Бундай *шартномалар қарама-қарши етказиб бериш битимлари* дейилади.

Масалан: сизда товар бор ва бу товарни оддий шароитларда сотиб билмайсиз. Лекин, сиз биласизки бу товарга муҳтож тадбиркор бор ва у ҳисоб-китобни нақд пулда тўлаб билмайди, лекин кейинроқ сизга керак бўлган товарни етказиб бера олади. Бу товар ё сизнинг шеригингиз томонидан ишлаб чиқарилган, ё сизга юбориш учун сотиб олинган. Агар томонларнинг бири-бирига товар етказиб бериш оралиғи 6 ойдан кўп бўлса, буни қарама-қарши етказиб бериш операциясига кирица бўлади.

Қарама-қарши етказиб беришни турларидан бири қарама-қарши сотиб олиш бўлиб масалан, бирон – бир муайян ускуна олган мамлакат шу олинган ускуна билан боғлиқ бўлмаган товарлар билан ҳисоб-китоб қилади. Бундай шартнома одатда 1 йилдан 5 йилгача тузилиши мумкин.

Оффсет битими бу товар ва хизматлар айирбошлашни назарда тутиши билан бирга капитал, бирон – бир хизмат кўрсатиш ва олинган имтиёзларни қўйиш имкониятини назарда туттади

Тижорий триангуляцияда бартер битимини амалга ошириш учун иккита емас, балки уч ва ундан кўп томонлар қатнашиши мумкин. Масалан, сиз А шерик сифатида Б шерикка товар етказиб беришингиз мумкин, лекин, унда Б шерикда бор бўлган товар сизни қизиқтирмайди. В шерикда сизга керак бўлган товар бор ва у В шерикдаги мавжуд товарга қизиқиши бор. Бунда сиз тижорий триангуляция музокараларни қилишингиз мумкин (*лотин тилидан “триангулум” – учбурчак*). Тижорий триангуляция асосида бартер бўлмаган операция сифатида майдонга чиқади (1-чизма).



1-чизма. Тижорий триангуляция:

1 – товар етказиб бериш, 2 – товар ҳақини тўлаш.

Сиз В шерикга товар етказиб берасиз (Сиз АВВ учбурчакнинг А нуқтасидасиз). Товар учун пулни сизга В шерик беради. Сизда у билан ҳеч қандай ўзаро алоқалар йўқ, лекин унинг В шерик билан алоқалари мавжуд.

Ўз навбатида савдо хизматлари соҳасидаги шерикларнинг ўзаро муносабатларининг куйидаги шакллари фарқланади:

1. *Оддий битим ёки олди-сотди битими* (ёки товарни шу заҳотиёқ топшириш битими, яъни сотувчида савдо пайтида мавжуд товарга битим). Шерикларнинг муносабати бундай битимни тузганда етказиб бериш ёки олди-сотди шартнома асосида расмийлаштирилади (хизматни сотишда хизмат кўрсатиш ёки сервис кўрсатиш шартномаси тузилади). Бундай шартномада сотувчи ва харидор ёки етказиб берувчи ва истеъмолчи қатнашади.

2. *Форвард битими ёки муддатли битим* одатда 6 ойдан 14 ойгача тузиладиган битимдир.

3. *Бирон бир белгиланган муддатда товарни олди-сотди операциялари*, шу жумладан олдиндан олди-сотди қилиш ва шартномада кўрсатилган муддатда етказиб беришни ҳам ўз ичига олади;

4. *Ноу – хау шаклидаги ахборотни бериш битими*, шундай шериклар муносабатики, бунда бири иккинчисига бир ёки бир нечта патентланмаган ишлаб чиқариш сирларини шартномада кўрсатилган шартлар бўйича муайян мукофот евазига беради.

5. *Тўғри ишлаб чиқариш алоқаларни ўрнатиш битими* – бу фирмалар корхоналар, ташкилотлар ўртасида ишлаб чиқариш, илмий – техникавий ва бошқа фаолият соҳаларида бевосита ҳамкорлигига асосланган шериклар муносабати. Битимни расмийлаштириш Хўжалик шартномаси ёки дастлабки баённомаларни тузиш, шартнома кўринишида амалга оширилади.

6. *Спот битими* – товар олди-сотди операцияларининг бир кўриниши бўлиб, дарҳол ҳисоб-китоб қилиш, етказиб беришни назарда тутати. Кўпгина ҳолатлар-да бундай битим биржа савдосида, нақд валютани сотишда қўлланиши мумкин.

7. *Товарни (хизматни) экспорт қилиш бўйича битим* – товарни чет еллик шерикка етказиш бўйича шартнома. Битим шартнома кўринишида амалга оширилади.

8. *Реэкспорт битими* – шундай муносабатлар турики бунда, бир шерик чет елдан товарни кейинчалик бошқа мамлакатга сотиш мақсадида ўз мамлакатида қайта ишлагандан товар сотиб олиш билан боғлиқ операцияси.

9. *Товарни (хизматни) импорт қилиш бўйича битим* – бу шериклар ўртасидаги муносабат бунинг асосида товарни чет елдан олиб кириш ётади (товарни сотиб олувчи нуқта-йи назардан).

Ташқи алоқалар соҳасида қўллаш мумкин бўлган тўловни кечиктириш билан экспорт (импорт) қилиш мумкинлиги – бу товарни кредит асосида етказиб бериш шаклидаги қўлланиладиган битим, ёки (*масалан, валюта тушумларига нисбатан қаттиқ солиқ сиёсати шароитида*) сиз ўзингизни фойдангизга хорижий шеригингиз ҳисоб рақамида валюталарни тўпланишидан манфаатдор бўласиз.

Молиявий хизматлар кўрсатиш ва муносабатлар соҳасида тадбиркорлик шерикчилик алоқаларининг *факторинг* ва *тижорий трансферт* каби фарқланади.

Факторинг – бу тадбиркор ва фактор фирма ўртасидаги ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар тизими. Бунда фактор фирма тадбиркорни дебитор қарзини зиммасига олади (бунда тадбиркор товар олиб ва унинг учун шу захоти пул бера олмаса) ёки тадбиркордан бирон – бир шерикка тўлаш бўйича талабларини сотиб олади (яъни, тадбиркор товарни етказиб беради, сотиб олувчи еса тўловни кечиктиришдан фойдаланади).

Фактор фирма сифатида асосан банклар майдонга чиқади. (Кўпгина банклар ҳозирга келиб банк гуруҳларига айландилар) ўз таркибида факторинг, лизинг, инжиниринг, консалтинг идораларини очиб, улар оддий молиявий хизматларнигина емас, балки мижозларга комплекс хизмат кўрсатадилар.

Факторинг – бу савдо-коммиссион операцияларининг бир тури бўлиб, мижоз ҳисобларини фактор-компания томонидан сотиб олиши орқали мижозни оборот капиталини кредитлаш билан мос келиши.

Факторинг – бу мижозларга универсал молиявий хизмат кўрсатиш ҳисобланади ва бунга бухгалтерия, ахборот, реклама, сотиш, транспорт, суғурта, кредит ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишлар киради. Мижозга фақат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси қолади.


Факторинг операцияларининг тарқалиши – ҳозирги замонавий шароитларда одатда тўлаш муддати 1 – 3 ойгача бўлганлиги билан боғлиқ. Агар банк бундай тўловлар бўйича дарҳол ҳисоб-китоб қилса, яъни *сконто* (дарҳол тўлаш) шартини ишлаца, у ҳолда маблағлар айланиши тезлашади. Бунда фойдасига тўловлар амалга оширилган тадбиркор, одатда баҳодан 3% чегирма беради ва шу 3% еса фактор фирманинг фойдаси ҳисобланади.

Дебиторлик қарзи – бухгалтерия ҳужжатларида кўрсатилган счёт бўйича қарз. Масалан, сиз товарни шеригингизга сотдингиз, у еса тўловни 3 ойдан кейин амалга оширади. Демак, шу 3 ой давомида сизнинг капитал ишламайди ва ҳеч қандай фойда келтирмайди. Лекин, сиз бу пулни 3% чегирма билан фактор фирмдан олишингиз мумкин. У еса ўз навбатида шерикдан сизга тегишли бўлган тўлиқ суммани олади. Ёки аксинча сиз товар сотиб олдингиз, банк

шартномада кўрсатилган баҳони 97% тўлайди (сизда сотиб олиш пайтида бўш капитал йўқ), сиз еса банкка 3 ойдан сўнг 100% шартномада белгиланган қийматни тўлайсиз.

Тижорий трансферт мамлакатлараро муносабатларда қўлланилади ва бунда шериклар бир-биридан миллий валютада келишилган баҳода ва белгиланган миқдорда капитал олди-сотди қиладилар. Бироқ капитални бундай сотиб олиш унинг чегарадан четга чиқишини билдирмайди. Капитал товар сотувчи мамлакатнинг банкига харидор номига очилган ҳисоб рақамига келиб тушади.

Масалан, Сиз келишилган шартлар бўйича Германиялик шеригингиздан капитал сотиб олдингиз. Шундай қилиб, Германия банкида муайян миқдорда сизни ҳисоб рақамда пулингиз бор. Ўз навбатида сиз муайян миқдорга Ўзбекистон банкида германиялик шеригингиз номига ҳисоб очасиз. Енди сиз Германия банкидаги ҳисоб рақамингиздан фойдаланиб ҳар қандай Германия фирмасидан хоҳлаган товарни сотиб олиб биласиз. Ҳисоб-китобни худди шундай операцияларни сизнинг германиялик шеригингиз Ўзбекистонда қила олади. Германиядан товарни сотиб олиб сиз уни Ўзбекистонга сотиш учун олиб келишингиз мумкин. Чизма кўринишида тижорий трансферт қуйидагича кўринишда бўлади: (2-чизма).



2-чизма. Тижорий трансфертни амалга оширилиш тартиби

Чизмага изоҳ: 1 – Ўзбекистонлик шерик ва хорижий шерикнинг тижорий трансферт тўғрисида шартнома тузиши. Шартнома одатда махфий характерга эга. Бундан ташқари, шартнома шартларини бажаришнинг ўзи ноу – хау мезонига киради. Шериклар битим ҳажми тўғрисида (масалан, сўмга 1000 000 доллар ҳажмда сотиш ва харид қилинади) ва олди- сотди баҳоси бўйича келишилади (масалан, томонлар 1 доллар 11 000 сўм ва 1 доллар 0,82 евро деб белгилайдилар);

2 – Хорижий шерик ўзининг банкида ўзбекистонлик шеригининг номига ҳисоб рақами очади ва 1 АҚШ доллари = 0,82 евро нисбатдан келиб чиққан ҳолда, 820 минг евро ни мазкур ҳисоб рақамига ўтказиб, уни ҳимоя қилиш учун блокировка қилади;

2а – Худди шу операцияни ўзбекистонлик шерик амалга оширади, яъни ўз банкида германиялик шерик номига ҳисоб рақами очади ва унга 11 млрд. сўм ўтказиб, у ҳам ҳисоб рақамини ҳимоя қилиш мақсадида уни блокировка қилади, яъни ёпади. Ҳисоб рақамларини ёпиш шерикларни ўзаро бир-бирининг шартларни бажарганлигига ишонч учун ишлатилади;

3а – шериклар ўзаро шартнома бўйича шартларни бажарганлигига ишонч ҳосил қиладилар (*текшириш механизми одатда шартномада кўрсатилади*), мажбуриятларни бажаргандан сўнг шериклар ҳисоб рақамларини қайта очиб қўядилар;

4 – ўзбекистонлик шерик Германияда ўзини қизиқтирган товар сотувчисини топади ва у билан етказиб бериш шартномасини тузади.

5 – ўзбекистонлик шерик товар сотган сотувчи фойдасига тўловни амалга оширади, яъни пул ўтказидади. Пул унинг номига Германия банкида очилган ҳисоб рақам орқали тўланади;

6 – етказиб бериш шартномаси тузилган товар Ўзбекистонлик шерикка етказилади.

7 – ўзбекистонлик шерик олган товарни сотади.

Одатда, товарнинг бир қисми хорижий шерик номига очилган ҳисоб рақам учун кредитни банкка тўлаш учун ишлатилади. Қолган қисми еса тадбиркорнинг ўз ихтиёрича ишлатилади. Худди шундай ҳаракатларни (4 – банддан бошлаб) хорижий шерик Ўзбекистон худудида амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, бу операцияни муваффақиятли яхши ташкил қилса уни “бўш чўнтак” билан ҳам амалга оширса бўлади, яъни ҳеч қандай бошланғич капитал талаб қилинмайди (*агар албатта, банкда хорижий шерик номига кредит олиш имкони бўлса*). Гаров сифатида бу ерда тижорий трансферт шартномасининг ўзи бўлиши мумкин, яъни ўзбекистонлик шерик номига хорижий шерик банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилган валюта маблағлари.

Бу шерикчилик муносабатлари ҳалқаро банклараро алоқаларда ва корреспондентлик ҳисоб рақамларни очишда кенг қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон банки Германия банкида еврода ўз ҳисоб рақамини очади ва ўзида шу Германия банкига тегишли ҳисоб рақамини сўмда очади. Бундай ҳисоб рақамлар иккала банкка ҳам керак, чунки улар Ўзбекистонга тегишли (немис банк мижозлари) ёки Германияга тегишли (Ўзбекистон банки мижозлари) мижозларга хизмат кўрсатиши керак.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам тижорий трансферт ва унинг унсурлари, бу айниқса кредитга ёки молиявий ёрдамга асосланган молиявий муносабатлар шакллари дир. Масалан, Буюк Британия Британия ҳамдўстлиги мамлакатларига молиявий ёрдам берар экан, ажратилган маблағларга фақат Буюк Британия худудида Буюк Британия товарларини сотиб олиш кўзда тутилади. Бундай шароитларда ажратиладиган маблағлар мамлакатдан валюта чиқиб кетишининг олдини олади ва британиялик ишлаб чиқарувчиларни бевосита қўллаб – қувватлайди.

Ҳар бир тадбиркор ҳар қандай битим билан тузишда, ҳамда ҳар қандай иш операциясини режалаштиришда шерикни танлаш ва бу шерик билан қандай муносабат шаклини қўллаш зарурати билан тўкнаш келади (балки аксинча, унга маъқул шаклига қараб шерик излайди). Бирон бир муайян шаклни танлаш, шундай шартлар билан белгиланадики, бунда тадбиркор ўз иш операцияларини рўёбга чиқариши ва мумкин бўлган шерикчилик алоқаларни таққослама таҳлилини амалга ошириш керак бўлади.

Масалан, мева шарбатларини ўзбекистонлик сотувчиси чет элдан шарбатни сотиш учун харид қилади. У шарбатларни 1 қутисини Ўзбекистонда айтайлик 1 долларга сотади. Чет элда у шарбатларни улгуржи савдода 1 қутисини 65 центга сотиб олади. Аммо, агар у олган фойдани 3/2 қисмини давлатга солиқ сифатида берса, бу унга фойдасиз. Агар у чет элда 1 кути шарбатни 99 центга сотиб олиб ва Ўзбекистонда 1 долларга сотса, у солиқни камроқ тўлар эди. Лекин, у ишлаб чиқарувчига 99 цент тўламайди, чунки уни 65 центга сотиб олиш имконияти бор. Аммо, сиз орқали чет элда ташкил қилинган фирмангиз шарбатни 1 қутисини 99 центга чет элдан ўзингиздан олишингиз мумкин. Бу фирма ишлаб чиқарувчидан 1 кути шарбатни 65 центга сотиб олиб, уни бизнинг сотувчига 99 центга сотган бўлади ва ўзига 34 цент фойда сифатида қолдириб, чет элда Ўзбекистон сотувчиси бундай фирмани оффшор компания сифатида очиши мумкин, яъни ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юритиш ҳуқуқисиз солиқ имтиёзига эга бўлган компания.

Демак, республикамизда эркин валют айирбошлаш жараёнлари очилгунга қадар солиқ тизимидаги “имтиёзлар” бўлганлиги учун ўша даврда Ўзбекистон тадбиркорлари ўзига яхши самара берадиган бундай шерикчилик алоқаларини ишлатишга мажбур бўлишган, давлат учун еса бу катта микдордаги қўшимча солиқ тушумларни йўқотилишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, асосий фаолияти фойда олиш бўлсада, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи исталган бир тадбиркорлик субъекти ўзи учун қулай бўлган шерикчилик алоқаларига киришар экан, албатта давлат олдидаги бурч ва мажбуриятларини, ижтимоий масъулиятини унутмаслиги ҳамда тадбиркорлик ахлоқ меъёрларига риоя қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б., Атаев Ж.Э., Саидов Д.Р., Гулманов М.А. Тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: Фан ва технология, 2012. Б.122-128.
2. Салаев С.К., Файзуллаев Н.Б., Тажиев Б.У. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари. Тошкент, Фан ва технология, 2011. Б.43.
3. Салаев С.К., Гулманов М.А., Саидов Д.Р., Атаев Ж.Э., Тажиев Б.У. Тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш асослари. Тошкент, Фан ва технология, 2014. Б.387.

УЎК 330.313

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASIDA САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ****Б.С.Қалмуратов, PhD, доцент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус**

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларини улар самарасини ифодаловчи кўрсаткичлар асосида статистик таҳлилни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш бугунги кунда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим масалалар ўрганилган.

Калим сўзлар: Саноат, инновацион бошқарув, бошқарув самарадорлиги, саноат корхоналарининг фаоллик даражаси, саноат корхоналарининг яшовчанлик коэффициенти.

Аннотация. В статье рассмотрено статистический анализ результатов по развитию промышленного производства в Республике Каракалпакстан на основе показателей, отражающих их эффективность и выявление существующих проблем.

Ключевые слова: Промышленность, инновационный менеджмент, эффективность управления, уровень активности промышленных предприятий, коэффициенты жизнеспособности промышленных предприятий.

Abstract. The article considers a statistical analysis of the results on the development of industrial production in the Republic of Karakalpakstan based on indicators reflecting their effectiveness and identifying existing problems.

Keywords: Industry, innovation management, management efficiency, level of activity of industrial enterprises, coefficients of viability of industrial enterprises.

Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларини улар самарасини ифодаловчи кўрсаткичлар асосида статистик таҳлилни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш бугунги кунда эътибор қаратиш бўлган масал ҳисобланади.


Айнан, ушбу кўрсаткичларни шакллантиришда бошқарувнинг роли ва аҳамиятини турли миқдорий усуллар ёрдамида баҳолаш талаб қилинмоқда. Чунки, саноат маҳсулотлари етиштириш динамикаси ва унинг қиёсий таҳлил натижалари кейинги даврда минтақада саноат ишлаб чиқаришни бироз пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатмоқда[3].

Мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши динамикаси натижаларига кўра 2016-2018 йиллар мобайнида кескин ўсиш таъминлангани ҳолда 2,4 фоиздан 4,6 фоизга қадар ошган, яъни деярли икки боробарга кўпайганлиги кузатилмоқда. Охирги уч йилда ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилгани ҳолда 2021 йилга келиб бу кўрсаткичнинг 3,6 фоизга қадар пасайганлигини кузатиш мумкин.

Аммо, кейинги уч йилда минтақада пасайиш таъминланган бўлишига қарамадан минтақанинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши етарли даражада юқориликка қолмоқда. Бироқ, мазкур пасайиш минтақада саноат ишлаб чиқаришида мавжуд бўлган имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмаётганлигини асослайди ва ушбу йилларда минтақада саноат маҳсулотлари етиштиришдаги ўсиш суръати бошқа худудлардагига нисбатан пастроқ бўлганлигини кўрсатади.

Тараққиётнинг мавжуд босқичида ҳар қандай соҳада самарадорликни таъминлаш ҳамда юқори ўсиш суръатларига эга бўлиш инновацион жараёнларни тезлаштириш билан бевосита

боғлиқ бўлиб, бунда рақамли технологияларни аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо, юқорида келтириб ўтилган иккала ҳолат ҳам бевосита инвестициялар ҳажми билан боғлиқ ҳисобланади. Мамлакатда асосий капиталга киритилган инвестицияларда минтақанинг улуши анча катта бўлишига қарамасдан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзгариши пастлигича қолган. Жумладан, 2007 йилда улушни деярли икки баробарга ошганлигига қарамасдан саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 0,1 фоизгагина ошган, шунга ўхшаш ҳолатни 2014-2015 йиллар мисолида ҳам кўриш мумкин[4].



1-расм. Мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши динамикаси (муаллиф ишланмаси)

Иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун амалга оширилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра коэффициент $-0,3$ ни ташкил қилгани ҳолда тесқари боғлиқлик мавжуд эканлигини асосламоқда. Бу эса иқтисодий жиҳатдан қонуниятларга мос келмайди. Бундан ташқари асосий капиталга киритилган инвестициялар ўз самарасини маълум даврлар мобайнида бериб боришини ҳисобга олган ҳолда иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқлик турли (lag) қадамлар бўйича ҳам моделлаштирилганида улар орасида деярли боғлиқлик мавжуд эмаслиги ўз тасдиғини топди. Шу сабабдан минтқада саноатни ривожланишининг асосий йўналишлари ва хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиб ўтмоқчимиз.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра минтақада саноат таркибий тузилишининг ўзгариши мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши камайишининг асосий сабабларидан бири сифатида кўринмоқда. Мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилган корреляцион таҳлил натижалари юқорида келтирилган хулосани тасдиқлашга хизмат қилмоқда.

1-жадвал

Корреляцион таҳлил натижалари (муаллиф ишланмаси)

	X1	X2	X3	X4	Y
X1	1,00				
X2	0,64	1,00			
X3	-0,85	-0,95	1,00		
X4	0,86	0,91	-0,98	1,00	
Y	0,61	0,99	-0,93	0,87	1,00

Бу ерда: X₁ – жами саноат маҳсулотиди тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши фоизда; X₂ – жами саноат маҳсулотиди ишлаб чиқарадиган саноат улуши фоизда; X₃ – жами саноат маҳсулотиди электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши фоизда; X₄ – жами саноат маҳсулотиди сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши фоизда; Y - Мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши фоизда.

Корреляцион таҳлил натижаларини кўрсатишича мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши ўзгариши билан ишлаб чиқарадиган саноат улуши орасида юқори мусбат боғлиқ мавжуд бўлиб, иккала кўрсаткич пасайишини ўзаро таъсирга эгаллигини асосламоқда. Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишнинг жами саноат маҳсулотларидаги улуши кичик ва аҳамиятсиз бўлишига қарамасдан минтақадаги саноат маҳсулотларини жамига нисбатан улуши билан юқори боғлиқликка эгаллигини кузатиш мумкин.

Бошқарув самарадорлигини баҳолашда қўлланилган барча кўрсаткичларнинг мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон

Республикасини улушига ҳамда ўзаро таъсирларини регрессион таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаб ўтамиз.

$$SH = -9.25 + 0.02 * PRP + 0.11 * ACR + 0.01 * VR \quad (1)$$

Бу ерда. SH - мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши, фоизда; PRP - ҳар бир саноат корхонасига тўғри келадиган маҳсулот миқдори млн. сўмда; ACR – Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналарини фаоллик даражаси фоизда; VR - Қорақалпоғистон Республикасида саноат корхоналарини яшовчанлик коэффициенти даражаси фоизда.

Ишлаб чиқилган модел бўйича олинган натижалар ҳамда моделнинг адекватлигини асослаш учун зарур бўлган мезонларни қуйидаги кўринишда келтириб ўтамиз (4-жадвал).

4-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари (муаллиф ишланмаси)

Dependent variable: SH

	Coefficient	Std. Error	t-ratio	p-value	
const	-9.25301	2.40995	-3.839	0.0121	**
PRP	0.0190282	0.00607036	3.135	0.0258	**
ACR	0.112280	0.0291609	3.850	0.0120	**
VR	0.0124888	0.00534359	2.337	0.0666	*
Mean dependent var	3.402760		S.D. dependent var	1.041986	
Sum squared resid	0.608578		S.E. of regression	0.348878	
R-squared	0.929935		Adjusted R-squared	0.887896	
F(3, 5)	22.12070		P-value(F)	0.002580	
Log-likelihood	-0.648102		Akaike criterion	9.296204	
Schwarz criterion	10.08510		Hannan-Quinn	7.593764	
Rho	-0.346769		Durbin-Watson	2.025087	

Келтириб ўтилган мезонларга кўра ишлаб чиқилган модел адекват бўлиб, ҳар бир коэффицентнинг адекватлигини асословчи Стьюдент мезони натижалари бўйича фақат яшовчанлик коэффициенти таъсирини ифодаловчи параметрнинг Стьюдент мезони натижалари 95 фоиз эмас балки 90 фоиз ишонч оралиғига эга бўлиб, унинг эҳтимоллик даражаси 0,07 га тенг бўлмоқда. Детерминация коэффициенти етарли даражада юқори бўлиб танлаб олинган омиллар натижавий омилдаги ўзгаришларнинг 93 фоизини ифодалашини асосламоқда. Дурбин-Уатсон мезони бўйича аниқланган кўрсаткич ҳам белгиланган меъёрлар даражасида бўлиб, танлаб олинган омилларни битта моделда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Келтириб ўтилган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш керакки минтақада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, хусусан мамлакатда бўйича етиштирилган жами саноат ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикасини улуши оширишда ҳар бир саноат корхонасига тўғри келадиган маҳсулот миқдори, саноат корхоналари фаоллик даражаси ҳамда яшовчанлик коэффициенти каби кўрсаткичлар ижобий таъсирга эга. Асосий муаммолардан бири эса мавжуд саноат корхоналари фаоллик даражасини ошириш ҳисобланди, чунки айнан мазкур кўрсаткичнинг таъсири бошқаларга нисбатан юқори қийматга эга бўлмоқда.

Ҳар бир саноат корхонасига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини бир миллион сўмга ошиши натижавий омилни 0,02 фоизга оширишга хизмат қилади. Бу эса етарли даражада юқори кўрсаткич ҳисобланади, чунки ҳар бир саноат маҳсулотига мос келадиган маҳсулот қиймати учун бир миллион сўм анча кичик миқдорни ташкил қилади. Бошқа томондан ҳар бир саноат маҳсулотига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини кейинги йилларда кескин суръатлардаги пасайиши муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда ва бу маълум даражада фаоллик даражаси ҳамда яшовчанлик коэффициенти билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки, айнан яшовчанлик коэффицентининг ўсиб бориши ва фаоллик даражасининг камайиши бунинг асосий сабаби бўлиши мумкин[5].

Мазкур муаммога ойдинлик киритиш мақсадида қуйида модел натижаларига эътибор қаратиб ўтамиз. Фаоллик даражаси ва яшовчанлик коэффицентининг маълум даврдан кейин ўз таъсирини кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда кадам(lag)лардан фойдаланилди

аниқланишича ушбу кўрсаткичлардаги ҳар қандай ўзгариш бир йил ўтиб ҳар бир саноат корхонасига тўғри келадиган маҳсулот миқдорида ўз аксини топади.

$$PRP_t = -11.15 + 2.58 * ACR_{t-1} - 0.83 * VR_{t-1} \quad (2)$$

Мазкур моделнинг адекватлигини асословчи барча мезонлар 5-жадвалда келтириб ўтилган уларга алоҳида эътибор қаратишни жоиз топмадик, чунки барча мезонлар бўйича модел ва унинг коэффицентлари адекват эканлиги ва мезонлар бўйича аниқланган қийматлар белгиланган меъёр даражасида эканлигини кўриш мумкин.

5-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари (муаллиф ишланмаси)

Model 22: OLS, using observations 2014-2021 (T = 8)

Dependent variable: PRP

HAC standard errors, bandwidth 1 (Bartlett kernel)

	<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>t-ratio</i>	<i>p-value</i>	
const	-111.150	23.5968	-4.710	0.0053	***
ACR_1	2.57903	0.256459	10.06	0.0002	***
VR_1	-0.834443	0.0685548	-12.17	<0.0001	***
Mean dependent var	82.12483		S.D. dependent var	23.48506	
Sum squared resid	526.7397		S.E. of regression	10.26391	
R-squared	0.863569		Adjusted R-squared	0.808996	
F(2, 5)	190.5393		P-value(F)	0.000019	
Log-likelihood	-28.10057		Akaike criterion	62.20114	
Schwarz criterion	62.43946		Hannan-Quinn	60.59373	
rho	-0.073980		Durbin-Watson	2.134507	

Ишлаб чиқилган модел натижаларига кўра минтақада саноат корхоналари бошқарув самарадорлигини оширишга фаоллик даражаси ижобий, яшовчанлик коэффицентини салбий таъсирга эга бўлмоқда. Бироқ, ушбу натижалар бўйича хулоса чиқаришдан олдин юқорида келтирилган таҳлил натижаларига эътибор қаратиб ўтиш лозим. Чунки яшовчанлик коэффицентини салбий таъсирга эга бўлиши, назарий жиҳатдан мос келмайди, лекин тадқиқот объекти ва у ерда саноат корхоналарини бошқарув самарадорлигини асословчи кўрсаткичлар динамикаси ва олдинги таҳлил натижаларига асосланадиган бўлса, модел бўйича олинган натижалар ишончли бўлиб, олдинги хулосаларга мос тушади.

Юқорида келтирилган барча таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин, минтақада саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича етарли шарт шартлар яратилганлигини яшовчанлик коэффицентини ифодалайди. Бошқа томондан эса фаоллик даражасининг пасайиши корхонани ташкил қилнгандан кейинги фаолиятини бошқаришдаги муаммоларни мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, ҳар бир саноат корхонасига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини камайиши эса юқорида келтирилган фикримизни тасдиқлашга хизмат қилмоқда. Натижада, кейинги йилларда жами саноат маҳсулотлари етиштиришда минтақа улушини камайиши кузатилмоқда, бундан ташқари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида ҳам ўзгаришлар вужудга келмоқда.

Фикримизча, минтақа саноат корхоналарида бошқарувчи тўғри йўлга қўйиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш нафақат минтақа саноатини ривожлантиришга балки саноат тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2022 йил 6 июльдаги «2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-165-сон Фармони //lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги «Қорақалпоғистон республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-213-сон Фармони//lex.uz
3. Қалмуратов Б. С. Ўзбекистонда саноат соҳасини инновацион бошқаришни такомиллаштириш стратегияси. Жамият ва бошқарув// Ўзбекистон Республикаси Президенти Хузуридаги давлат бошқаруви академияси. Т-2021. №2(92) 87-90 бетлар
4. Қалмуратов Б. С. Основные направления инновационного развития промышленности в условиях глобализаций экономики// Сервис” илмий-амалий журнали// 2021 йил 3-сон, 20-23 бетлар

5. Исаков М, Рўзиева Д. «Ўзбекистон саноатидаги таркибий ўзгаришлар» Монография. - Т.: ТДИУ, 2019 й., 229 бет

6. Ильясов С. «Қорақалпоғистон Республикаси саноат кўрсаткичлари таҳлили» <https://review.uz/oz/post/2022-yil-i-yarim-yillik-boyicha-qoraqalpogiston-respublikasida-sanoat-korsatkichlari-tahlili>

7. Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари//qrstat.uz

УЎК: 338.3(575.1)

МИНТАҚА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

У.Р.Матякубов, и.ф.д., доц. Урганч Давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятида туризм соҳасида янги хизмат турларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. Жумладан, минтақада экологик, қишлоқ, археологик, зиёрат, тиббий-реакрацион, фольклор-этнографик, гастрономик туризм турларини ривожлантириш имкониятлари очиб берилган;

Калим сўзлар: туризм, сайёҳ, экологик туризм, қишлоқ туризм, зиёрат туризм

Аннотация. В данной статье изучены приоритеты развития новых видов услуг в сфере туризма в Хорезмской области. В частности, в регионе выявлены возможности для развития экологического, сельского, археологического, паломнического, лечебно-рекреационного, фольклорно-этнографического, гастрономического туризма.

Ключевые слова: туризм, турист, экологический туризм, сельский туризм, паломнический туризм

Abstract. In this article, priorities for the development of new types of services in the field of tourism in Khorezm region have been studied. In particular, opportunities for the development of ecological, rural, archaeological, pilgrimage, medical-recreational, folklore-ethnographic, gastronomic tourism have been revealed in the region;

Key words: tourism, tourist, ecological tourism, rural tourism, pilgrimage tourism

Ўзбекистоннинг жозибadorлигини кўрсатувчи асосий омиллар унинг экзотик табиати, бой ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ранг баранглигидир. Мамлакатимизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятлари табиат ёдгорликларига бой бўлган ҳудудлар бўлиб, оммавий туризмни ривожлантириш учун асосий марказлар бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг қуйи Амударё минтақасидаги Хоразм вилояти ҳам улкан туристик имкониятга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланади.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий ғарбида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, шимолий ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубий ва жанубий ғарбдан Туркменистон, жанубий шарқдан Бухоро вилояти билан чегарадош ҳисобланади. Хоразм вилояти мамлакатимизнинг улкан туризм имкониятларига эга бўлган минтақаларидан бири ҳисобланади. Бугуни кунда вилоятда 255дан ортиқ маданий мерос ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улардан 18 таси археология, 132 таси меъморчилик, 67 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадамжойлар ҳисобланади [1]. Бу ноёб туристик ресурслар, асосан, вилоятнинг Хива ва Урганч шаҳарларида жойлашган.

Сўнгги йилларда мамлакатамиз минтақаларида, жумладан, Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли дастурлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги қарорининг 35-мақсадида [2] Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш муҳим вазифа сифатида илгари сурилган. Шунингдек, 2021 йил 14 июндаги 369-сонли “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори вилоятда замонавий туризм инфратузилмаларини ҳамда янги дам олиш масканларини барпо қилиш, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилишни назарда тутган.

Сўнги йилларда Хоразм вилоятида туризм инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга оширилиши натижасида жойлаштириш воситалари, тулоператорлар, туристик синфга мансуб автотранспортлар, гид-таржимонлар сонини ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилояти туризм инфратузилмасининг ривожланиш динамикаси [3]

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони	46	53	69	162	148	152
Тулоператорлар сони	20	22	34	62	58	61
Туристик синфга мансуб автотранспортлар сони	18	21	34	133	293	303
Гид экскурсоводлар сони	66	89	103	138	114	120

Юқоридаги жадвалга мувофиқ, вилоятда фаолият кўрсатаётган меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 2021 йилга келиб, 152 тани ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 3 баробарга ўсган эканлигини кўриш мумкин. Худди шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган тулоператорлик ташкилотлар сони, туристик синфга мансуб автотранспортлар ҳамда гид-экскурсоводлар сониди ҳам 2021 йилга келиб юқори даражада ўсиш кузатилган.

Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимининг йилдан йилга ошаётганлиги муҳим ижобий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Хусусан, пандемиягача бўлган давр, яъни 2019 йилда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими мос равишда 2 225 769 нафарни ва 420 828 нафарни ташкил қилиб, энг кўрсаткич айнан шу йилда қайд қилинган. Пандемия даврида, хусусан, 2020 йилда вилоятга ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими кескин камайганлигини кўриш мумкин. Пандемияга қарши курашиш бўйича қўшимча тадбирларни жорий қилиниши натижасида 2021 йилда вилоятга ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони, мос равишда 1254737 ва 39805 нафарни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

2016-2021 йилларда Хоразм вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг ўзгариш динамикаси [3]

Йиллар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Маҳаллий сайёҳлар, сони	708 229	1 100 000	530 455	2 225 769	337 450	1254737
Хорижий сайёҳлар, сони	46 614	60 600	123 210	420 828	23050	39805
Жами:	754843	1160600	653665	2646597	360500	1294542

Хоразм вилояти мамлакатимизнинг асосий туристик марказлари бўлишига қарамасдан, тақлиф қилинаётган туристик хизмат турлари бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан сезиларли даражада ортда қолган. Хоразмга ташриф буюрувчи туристларнинг вилоятдаги сайёҳат давомийлиги ҳам анча қисқа. Масалан, Самарқанд шаҳрида тунаб қолишлари ўртача 5-7 кунни, Бухоро вилоятида 3-4 кунни, Хоразм вилоятида эса 1,6 кунни ташкил қилади.

Бугунги кунда вилоят хорижий ва маҳаллий сайёҳларга асосан, тарихий-маданий йўналишдаги туризм хизматларини тақлиф қилишга ихтисослашган бўлиб, бошқа турдаги туристик маҳсулотларни шакллантириш масалаларга камроқ эътибор қаратмоқда. Яъни, Хоразм вилоятининг ўзига хос туристик имкониятларидан самарали фойдаланиб, **экологик, қишлоқ, археологик, зиёрат, тиббий-реакрацион, фольклор-этнографик, гастрономик** туризм турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Тадқиқот жараёнида юқорида қайд қилиб ўтилган ҳар бир туризм хизмат турларини ривожлантириш имкониятлари ва устувор йўналишлари таҳлил қилинди:

1. **Хоразм вилоятида экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари.** Вилоятда экотуризмни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида “Хоразм миллий табиат боғи” да экотуризм зонасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 2019 йилда Ҳукуматнинг “Хоразм миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [4]. “Хоразм миллий табиат боғи” Хоразм вилоятининг Урганч, Хонқа, Хива, Янгибозор ва Ҳазорасп туманлари худудларида давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил қилиниб, умумий майдони 21687,5 гектарни ташкил қилади. Бизнинг фикримизча “Хоразм миллий табиат боғи”да қуйидаги йўналишларда экотуризмни

ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

➤ Янгибозор тумани “Чуболончи” қишлоғи “Хоразм миллий табиат боғи”да экотуризм ва ов туризмни ташкил этиш орқали ташриф буюрадиган сайёҳларининг табиат кўйнида дам олишлари, кийикларни томоша қилишлари, балиқ ва ҳар хил турдаги қушларни кузатишлари ҳамда ўзлари овлаган балиқлардан тайёрланган таомарни танавул қилиш имконияти бўлади;

➤ Урганч тумани “Чолиш” аҳоли яшаш манзилгоҳи “Хоразм миллий табиат боғи”нинг Амударё қирғоқларида дам олиш ва сайёҳат масканларини шакллантириш, Сайёҳлар учун миллий услубдаги ўтовлар ва чодирларни тайёрлаш, махсус дам олиш жойларини ташкил қилиш ва кўнгил очар тадбирларни ташкил қилиш мумкин бўлади;

➤ Хива тумани “Чинобод” қишлоғи “Хоразм миллий табиат боғи”да орнитологик экотуризм хизматларини ташкил қилиш, кумда волейбол ўйинларини ташкил қилиш, квадроциклда сайр қилиш хизматларини ташкил қилиш ва турли хил экологик аҳамиятдаги кўнгил очар масканлар фаолиятини йўлга қўйиш мумкин;

➤ Тупроққалъа тумани “Уч ўчоқ” табиий ёдгорлик ҳудуди “Хоразм миллий табиат боғи”да Уч ўчоқ” табиий ёдгорлиги ва ҳудуддаги табиий манзарларни тамоша қилиш, ҳудудда туяда сайр қилиш хизматларини ташкил қилиш, экотуристоар учун сайёҳлик ашёларини ижарага беришни ташкил қилиш ва ҳудудда квадроциклда сайр қилиш хизматларини таклиф қилиш мумкин.

2. Хоразм вилоятида қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятлари.

Вилоятнинг Шовот тумани Бешмерган туризм маҳалласи, Хива тумани Ғовук туризм маҳалласи, Урганч тумани Анжирчи туризм маҳалласи ҳамда Боғот тумани Қалажиқ қалъа туризм маҳаллаларида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу туризм маҳалларида ҳунармандчилик марказлари, сувенир дўконлари, агротуризмга ихтисослашган “Анжирчилик” маркази, миллий кулолчилик маркази, “Хоразм анори” маркази, оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш мумкин. Шунингдек, вилоятнинг Хонқа туманида жойлашган “Қуранбой темирчи” агротуристлик комплекси ва Урганч туманидаги “Икром чавандоз” фермер хўжалигида қишлоқ туризмнинг энг муҳим йўналишларидан бири агротуризмни ривожлантириш учун асос бўлади;

3. Хоразм вилоятида археологик туризмни ривожлантириш имкониятлари.

Қадимий Хоразм бой тарихи ва маданиятини ҳисобга олган ҳолда, ёши 2500-3000 йиллар атрофида бўлган Хоразм вилояти ва қўшни Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган “Аёзқалъа”, “Тупроққалъа”, “Гулдурсунқалъа”, “Қирққизқалъа” ҳамда жойлашган “Сулаймон қалъа” ва “Қалажиқ қалъа” каби қадимий қалъалар минтақасининг асосий туристик объектлари рўйхатига киритилган [5]. Интерфаол хариталар, буклетлар ҳамда навигаторларни ўзи ичига олган технологияларни жорий қилиш орқали Хоразм вилоятида археологик туризм салоҳиятини ошириш имкониятлари кенгайди. Ушбу интерфаол хариталар асосида юқорида қайд қилиб ўтилган тарихий археологик қалъалар учун янги бўлган “CASTLE TOUR” археотуристлик маршрутини ишлаб чиқиш зарур;

4. Хоразм вилоятида зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятлари.

Тадқиқот давомида Хоразм вилоятида зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинди. Хусусан, бугунги кунда минтақада ушбу туризм турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятда зиёрат туризмни ривожлантириш янги туристик маҳсулотларни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Хива шаҳрида жойлашган Паҳловон Махмуд, Сайид Оловуддин зиёратгоҳлари, Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний, Ваянган бобо зиёратгоҳлари, Урганч шаҳридаги Дошқинжанбобо, Охунбобо зиёратгоҳлари, Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор Вали зиёратгоҳлари, зиёрат туристик маршрутларини шакллантириш учун муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Хоразм вилояти зиёрат туризми бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Паҳлавон Махмуд (Хива шаҳри), Шайх Мухтор Вали (Янгиариқ тумани) ва Юсуф Ҳамадоний (Шовот тумани) муқаддас қадамжоларини ўз ичига олган зиёрат туризми кластерларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ [6].

5. Хоразм вилоятида тиббий-реакцион туризмни ривожлантириш имкониятлари. 2021 йил ҳолатига кўра вилоят ҳудудида 5 та санатория-курорт муассасалари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ушбу масканларнинг 2 таси Урганч шаҳрида, Шовот, Хонқа ва Гурлан туманларида 1 тадан санатория мавжуд. Жумладан, “Хонқа” санаторияси ҳаракат таянч аъзолари, неврология, кардиология, гинекология, ички касалликларни даволашга ихтисослашган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари 795 метр ер остидан қазиб олинган бромли, хлорид натрий, иссиқ азот, енгил ишқор мавжуд маъданли сувларининг мавжудлиги ҳисобланади. Шовот туманида жойлашган “Шовот Оби-ҳаёт” санаторияси ҳаракатланиш аъзолари, таянч аъзолари, неврология, физиотерапия хизматларига ихтисослашган бўлиб, Шовот канал бўйида чиройли ландшафтда жойлашуви, маъданли шифобахш ванна ҳамда минерал сувлари ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Урганч шаҳридаги “Урганч” санаторияси асаб касалликлари, ошқозон-ичак, юрак касалликларини даволашга ихтисослашган бўлиб, апитерапич асал ари билан даволаш, 896 метр ер остидан чиқадиган маъданли сувлар билан даволаш хусусиятларига эга. Шунингдек, Гурлан туманидаги “Гурлан” санаториясида терапевтик, троматологик, ҳаракатланиш аъзолари таянч аъзолари, кордиология, неврология, хирургик касалликларни даволашга ихтисослашган бўлиб, муассасанинг ўзига хос хусусиятлари сифатида тузли ғор, кедр бочка-бугхона, циркуляр душ, катта канал бўйида табиат кўйида жойлашувини келтиришимиз мумкин. Урганч шаҳридаги “Грин Гранд Гарден” санаторияси ҳаракатланиш аъзолари таянч аъзолари, кордиология, неврология касалликлари даволашга ихтисослашган бўлиб, кедр бочка-бугхона, ҳижамаси усулида қонни тозалаш, циркуляр душ каби хизматлар муассасанинг ўзига хос жиҳатлари сифатида эътироф қилиш мумкин. Хоразм вилоятида тиббий туризмни ривожлантириш юқорида қайд қилинган санатория-курорт муассасалари муҳим рол ўйнайди. Минтақада тиббий туризмни ривожлантириш асосида маҳаллий реакреантлар сонини кўпайтириш мумкин бўлади;

6. Минтақада туризмни ривожлантиришнинг яна бир йўналишларидан бири фольклор-этнографик туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Хоразм вилоятининг фольклор-этнографик туризмни кўйидаги 3та асосий йўналиш бўйича ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

➤ **халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати:** Хоразм ҳунармандчилик мактаби, Янгиарик, Хонқа, Модир қишлоғи кулолчилик марказлари, Хива сузани маркази, Хива ипак гиламлари тўқиш устахоналари, Хива қўғирчоқ ясаш устахоналари ҳамда Хоразм заргарлик санъатини киритиш мумкин.

➤ **“жонли” этнографик музейлар:** “Аваз Ўтар” уй музейи, Ҳазорасп миниатюра ва наққошлик усто-шоғирд ижодхонаси, “Қозихона” музейи ҳамда “Улли ҳовли” туристик мажмуаларини киритиш мумкин.

➤ **номоддий маданий мерос шакллари:** Хоразм халфачилик санъати (тўй, сайл, аза маросимларида хотин-қизлар даврасида “халфа”лар санъати ижоди кенг тарқалган), Хоразм рақси (“Чағалок”, “Норим-норим”, “Алиқамбар”, “Оразибон”, “Мўри”, “Хўббимбой”, “Ширинновот” ўйинлари, “Қайроқ лазгиси”, “Лойик”), Хоразм халфачилик санъати (тўй, сайл, аза маросимларида хотин-қизлар даврасида “халфа”лар санъати ижоди кенг тарқалган), Хоразм рақси (“Чағалок”, “Норим-норим”, “Алиқамбар”, “Оразибон”, “Мўри”, “Хўббимбой”, “Ширинновот” ўйинлари, “Қайроқ лазгиси”, “Лойик”), Хоразм бахшичилиги ҳамда халқ ўйинлари (халқ миллий ўйинлари ҳисобланган кураш) турли байрам ва оммавий тадбирларда ўтказилиб келинади)ни киритишимиз мумкин;

7. Хоразм вилоятида гастрономик туризмни ривожлантириш имкониятлари. Ўзбек ошхонасининг анъаналари ва маданияти узок тарихга эга. Пазандачилик амалиётида Хоразм вилоятининг ўзига хос урф-одатлари, аҳолининг турмуш шароити ва иқлим хусусиятлари ўз аксини топган. Ҳар бир минтақанинг таом тайёрлашининг ўзига хос усуллари мавжуд. Масалан, Хоразм палови, тухум барак (чучвара), кутр барак (аралаш чучвара), шивит оши (Хоразм лағмони), димлама, самса, қовурилган балиқ ва бошқа таомларни пиширишнинг ўзига хос усули ҳамда таъми билан ажралиб туради. Бугунги кунда вилоят меҳмонхоналарида,

ресторонларида, чойхоналарида ёки хусусий уйларда исталган таомга буюртма бериш имконияти мавжуд. Овқатланиш корхоналарида меню асосан миллий таомлардан иборат. Вилоятда асосан, кўк чой ичилади. Ҳамма жойда алкоғолли ва алкоғилсиз ичимликларининг кенг танлови мавжуд.

Юқорида қайд қилиб ўтилган туризм хизмат турларини ривожлантириш асосида, Хоразм вилоятига ташриф буюрувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, туристларнинг минтақада қолиш муддатларини бир неча кунга узайтириш, соҳада янги ишчи ўринларини яратиш ҳамда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. У.Р.Матякубов. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методлогик йўналишлари. DSc. Диссертация автореферати. - Урганч, 2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги қарори
3. Хоразм вилояти туризм ва мерос бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 14 декабрдаги 1000-сонли қарори.
5. Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПК-2953-сонли қарори.
6. Ш.Ш.Бахтиёрлов. Инновацион ёндашувлар асосида туристик-рекреацион кластерларни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. PhD. Диссертация автореферати. - Урганч, 2022.

УЎК: 332.122:339.72(575.123)

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ АҲАМИЯТИ

К.З.Музаффарова, катта ўқитувчи, ҚарМИИ, Қарши

Аннотация. Ушбу мақолада минтақа иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиши орқали иқтисодиётни янада юксалтириш имкониятлари, минтақада инвестицион муҳитни шакллантириши ва унга таъсир этувчи омиллар, инвестицион жозибадорликни ошириши муҳим эканлиги ёритиб берилган.

Калим сўзлар: инвестиция, инвестиция муҳити, инвестицион жозибадорлик, хорижий инвестиция, акция, облигация, инвестиция фонди, венчур фондлар.

Аннотация. В этой статье объясняется, что важно улучшить экономику за счет привлечения иностранных инвестиций в экономику региона, формирования инвестиционной среды в регионе и влияющих на нее факторов, а также важность повышения инвестиционной привлекательности.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, иностранные инвестиции, акции, облигации, инвестиционные фонды, венчурные фонды.

Abstract. In this article, it is explained that it is important to improve the economy by attracting foreign investments to the economy of the region, the formation of the investment environment in the region and the factors affecting it, and the importance of increasing investment attractiveness.

Key words: investment, investment environment, investment attractiveness, foreign investment, stock, bond, investment funds, venture funds.

Инвестиция муаммоларини тадқиқ қилиш ҳар доим иқтисодиёт соҳаси мутахассислари, таҳлилчилари ва тадқиқотчиларининг эътиборини торттиб келган. Жаҳон капитал бозори инвестицияларни жалб қилишда кескин рақобатга дуч келмоқда, уларнинг етарли ҳажмда ва сифатли даражада жалб этилишини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Инвестицияларни жалб қилиш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда қулай инвестиция муҳитини яратиш энг муҳим шартлардан бири саналади.

Бизнинг иқтисодий стратегиямиз иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган. Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 10 йилда ялпи ички маҳсулотнинг

камида 25 фоизини ташкил этиши учун зарур шароит яратамиз. Инвестиция муҳитини такомиллаштириш тармоқлар ва соҳалар кесимида инвестиция сиёсати самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 2022-2026 йилларда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳаларини аниқлаштириш, иқтисодиётда давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш масалалари диққат-эътиборимизда бўлади.[1]

Акерман Е.Н., Михальчук А.А ва Трифонов А.Ю ларнинг таъкидлашича “... инвестицион муҳит жозибadorлиги, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши капитал ва меҳнат ресурсларининг салоҳияти, ундан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, айнан ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади.”[2]

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестицион муҳитни яратиш, инвестицион жозибadorликни ошириш мамлакатга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни (ХИИК) кўпайтириш имконини беради. ХИИК миллий иқтисодиётда тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади: мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши; миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб келишида; аҳолини бандлигини ва янги иш ўринлари билан таъминлашда; аҳоли даромадларини шаклланишида; ишлаб чиқариш воситаларини техник ва технологик янгиланишида; замонавий бошқарув усуллари ва маданиятини кириб келишида; юридик ва жисмоний шахс солиқ тўловчилар сонини ўсишида; давлат бюджетининг даромадини тўлдиришда; импорт ўрнини босиб, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришда; эркин валютани тежашда; эркин валютани миллий иқтисодиётга тушумини кўпайтиришда; миллий валюта-сўмнинг барқарорлигини ошириш ва бошқалар.

Республикамизда барқарор сиёсий-иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳити яратилиши ва хорижий капитални қабул этиш тизимининг самарали бўлиши чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурий шартидир. Инвестиция муҳити, инвестицион ресурсларни жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағлар даромадлигини таъминлаб беради.

Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва уни Республика минтақаларида тутган ўрни ва минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил этиш ва баҳо беришда минтақанинг инвестицион муҳит кўрсаткичлари ва унинг минтақавий жиҳатлари ўрганиш ва таҳлил этишни талаб этади. Шу муносабат билан вилоятнинг SWOT таҳлилини амалга ошириш орқали ёндашув минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнига минтақанинг инвестицион муҳит кўрсаткичларини таъсирини аниқлаш ва унга баҳо бериши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида Қашқадарё вилоятининг SWOT-таҳлили [3]

<p>Кучли(strength) жиҳатлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - бой табиий саноат конлари мавжудлиги -саноати ривожланганлиги -қазилма бойликлари захиралари мавжудлиги; -табиий ер ресурслар ва яйловлар мавжудлиги, -иссиқ хароратнинг юқорилиги; -юқори ишбилармонлик ва инвестицион фаоллик мавжуд; -меҳнат ресурсларининг кўплиги -қулай географик ва геосиёсий жойлашув ўрни; - юксак маданий ва сайёҳлик салоҳияти. 	<p>Заиф (weakness) жиҳатлар</p> <ul style="list-style-type: none"> - саноати бир томонлама хом-ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги; - туманлар даражаси бўйича ривожланишда кескин фарқларни мавжудлиги; - қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелоратив ҳолати талаб даражасида эмаслиги; -ер ости ёпиқ дренаж тизимлари ишдан чиққан; -хизматлар соҳаси ривожланмаганлиги; - бозор инфратузилмаси туманлар кесимида нотекис жойлашган. - аҳолининг фонд бозорлари ҳақида тўла ахборотга эга эмаслиги.
<p>Имкониятлар (opportunities)</p> <ul style="list-style-type: none"> -иқтисодиётини таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиёт тармоқларини устувор ривожлантириш имконияти; - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 100% қайта ишлашга эришиш; 	<p>Хавфлар (threats)</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қарорлар қабул қилишда минтақа манфаатини ҳисобга олмаслик; - “Ковид 19” пандемияси таъсири билан боғлиқ хавф-хатарлар: - саноат маҳсулотини диверсификация қилинмаганлиги

-ерларни мелоратив ҳолатини яхшилаш; -туристик бизнесни ривожлантириш -йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш; - қазиб чиқарилаётган минерал хом-ашёни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини минтақанинг ўзида тўлиқ мажмуали қайта ишлаш.	-саноатни техник-технологик модернизациялаш жараёнларини суствлиги: -банк ипотека ва микрокредитлаш тизимини ривожланмаганлиги; - озиқ-овқат хавфсизлигини мавжудлиги; - ишсизлик даражаси; - молиявий ресурсларни асосий қисми Қарши шаҳрида марказлашуви.
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

(Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган)

Ушбу таҳлил тадқиқоти жараёнида тўпланган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси маълумотларига асосланади. Амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатадики, вилоятнинг кучли томонлари ва имкониятлари унинг заиф томонлари ва хавфларидан кўра кўпроқ бўлиб, бу унинг салоҳияти юқорилигини кўрсатади. Вазиятнинг бундай реал таҳлили вилоятнинг қайси кучли жиҳатлари ва имкониятлари ёрдамида унинг заиф томонларини бартараф этиб, пайдо бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олиш йўллари аниқлашга ёрдам беради. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра Қашқадарё вилоятида инвестиция муҳитини яхшилаш, ХИИК сонини кўпайтириш ва хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қуйидагиларни тақлиф этамиз:

- ишлаб чиқариш инфратузилмасига оид муаммолар, жумладан инвесторларни инвестицион фаолиятни олиб бориш учун бино ва ер ажратилишидаги муаммолар ҳамда корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги;

- маҳаллий ҳокимият томонидан хорижий инвесторлар фаолиятига аралашувни мавжудлиги, ҳуқуқий тизимни яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик, қонунчилик тизимини, низом ва меъёрларни тез-тез янгилашиб ўзгариб туриши;

- махсус зоналарда жойлаштиришнинг имкони бўлмаган истиқболли хорижий инвестицияли лойиҳалар (қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш)даги инфратузилма яратиш билан боғлиқ харажатлар учун давлат томонидан тўлиқ ёки қисман субсидиялаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

- минтақа тадбиркорларининг халқаро норма ва стандартлар бўйича ҳужжатларни юритишда тажрибасизликлари туфайли, ташқи ва ички инвесторлар билан ишлаш борасида етарлича кўникмаларга эга эмаслиги;

- минтақада бозор инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги – банклар, инвестицион фондлари, венчур фондлар, суғурта ва лизинг компанияларининг хорижий инвесторларга хизмат кўрсатишда халқаро тажрибанинг етишмаслиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйилмаган;

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ва унинг Қашқадарё вилоятида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақада истиқболда био ва нанотехнологиялар, кимё, фармацевтика, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, микроэлектроника, нозик кимё технологиялари, ахборот-коммуникация ва лазер-оптик технологиялар, тикланадиган энергетика ютуқларидан фойдаланиш, янги материаллар ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларини ривожлаанишига олиб келувчи соҳаларда ХИИК ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қашқадарё вилоятида қазилма бойликларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат кластер корхоналарни ташкил этиш учун улкан имкониятлар ва салоҳиятга эга. Мавжуд бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари, меҳнат ва табиий ресурслардан фойдаланиш минтақанинг модернизация қилинган, техник ва технологик қайта жиҳозланган корхоналарида ёки янгидан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ташқи бозорларга товарлар ва хизматларни экспорт қилиш учун юқори қийматли, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини таъминлаш имкониятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. - 134 б.

2. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. Типология регионов как инструмент организации регионального развития // Вестник Томского гос. ун-а. Экономика. № 331.С-126-131
3. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси
4. Қашқадарё вилоятининг статистик ахборотномаси

УЎК 336.221.262

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ САБАБЛИ ЙЎҚОТИЛАЁТГАН СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.С.Рахмонов, ўқитувчи, Тошкент шаҳридаги Халқаро КИМЁ университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон учун яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва потенциал солиқ тушумлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Потенциал солиқ тушумини аниқлашда Солиқ ҳаракати индекси (Tax effort index) асосида баҳоланди. Таҳлиллар яширин иқтисодиёт сабабли ўрта ҳисобда 45 фоиз потенциал солиқ тушумлари йўқотилаётганлиги аниқланди. Шунингдек мақолада яширин иқтисодиётни камайтириш ва солиқ ҳаракати кўрсаткичини ошириш учун тегишли таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ ҳаракати, яширин иқтисодиёт, потенциал солиқ тушуми, солиқ юки.

Аннотация. В данной статье исследуется взаимосвязь между размером теневой экономики и потенциальными налоговыми поступлениями для Узбекистана. При определении потенциального налогового дохода он оценивался на основе индекса налоговых усилий. Анализ показал, что в среднем 45 процентов потенциальных налоговых поступлений теряется из-за теневой экономики. Также в статье даны актуальные предложения по сокращению скрытой экономики и увеличению показателя налоговых действий.

Ключевые слова: налоговые действия, скрытая экономика, потенциальные налоговые поступления, налоговая нагрузка.

Abstract. This article examines the relationship between the size of the underground economy and potential tax revenues for Uzbekistan. In determining the potential tax revenue, it was estimated based on the Tax effort index. Analysis revealed that an average of 45 percent of potential tax revenue is lost due to the shadow economy. The article also gives relevant suggestions for reducing the hidden economy and increasing the tax action indicator.

Key words: tax action, hidden economy, potential tax revenue, tax burden.

Кириш. Дунё мамлакатлари иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири бу яширин иқтисодиёт даражасининг юқорилигидир. Яширин иқтисодиётнинг ҳажми солиқларни тўлашдан бўйин товлаш даражасини баҳолаш ва шу сабабли уни етарли даражада назорат қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асосий омил ҳисобланади [1]. Leandro Medina ва Friedrich Schneider томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 1991-2015 йиллар оралиғида 158та мамлакатларнинг яширин иқтисодиёт даражасининг ўртача миқдори 31.9 фоизни ташкил этган [2]. Ҳозирги кунда барча давлатлар яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш бўйича кенг йўналишли ислохотларни амалга оширишмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам яширин иқтисодиётнинг кўлами жуда катта бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра у ЯИМнинг ўртача 50 физини ташкил этади. Бу ўз навбатида катта бюджет йўқотишларга олиб келмоқда. Шу сабабдан хуфёна иқтисодиётнинг потенциал солиқ тушумларига таъсирини баҳолаш ва яширин иқтисодиётни камайтириш орқали солиқ тушумларини ошириши кенг кўламли ислохотлар ўтказилаётган бир пайтда долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Материал ва методлар. Хуфёна иқтисодиётни потенциал солиқ тушумларига таъсирини баҳолаш учун солиқ ҳаракати индекси (Tax effort index) энг кенг тарқалган ёндашув бўлиб ҳисобланади.

Кўплаб эмпирик ёндашувлар, жумладан Kim [3], Le ва бошқалар [4], каби олимлар ўз изланишларида солиқ ҳаракатини белгилайдиган бир қанча омилларни текширишга қаратишган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар, асосан, регрессия қилиш жараёнининг

иккита кенг тарқалган методологиясига асосланган: 1) потенциал солиқ тушуми усули ва (2) ўртача солиқ нисбати усули. Кўп сонли регрессия қўлланиладиган биринчи усулда, солиқ улуши ҳақиқий солиқ тушумининг солиқ салоҳиятига нисбати сифатида ўлчанади ва ЯИМ орқали баҳоланади. Иккинчи усулда солиқ ҳаракати ЯИМдаги солиқ тушумининг улуши бўйича тахминий ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб Ўзбекистон учун солиқ ҳаракати (салоҳияти) индексини ҳисоблаш учун шахсий истеъмол асосида куйидаги нафлилик (фаровонлик) функциясидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Бунда солиқ тушумларининг потенциал даражасини аниқлаш учун куйидаги тенгламадан фойдаланамиз:

$$(1-t_y)Y=(1+t_p)C \quad (1)$$


$$Y-t_yY=C+t_pC \quad (2)$$

$$Y-C=t_yY+t_pC \quad (3)$$

ёки

$$Y-C=T \quad (4)$$

Солиқ тушумининг потенциал даражаси прогрессив ва регрессив солиқ ставкалари бўлган моделдаги даромад (ЯИМ) ва шахсий истеъмол ўртасидаги фарқга тенг бўлиши кераклиги энди аниқ бўлди.




1-расм: Потенциал ва реал солиқ тушумлари (Солиқ ҳаракати индекси)

Натижалар. Адабиётларга кўра, оптимал солиқ тушумларини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг натижаларига кўра оптимал солиқ тушуми ЯИМ ва хусусий истеъмол ўртасидаги фарқга тенг. Потенциал солиқ тушуми аниқлагандан сўнг, биз солиқ ҳаракатлари индексини, яъни реал солиқ тушумининг потенциал солиқ тушумига нисбатини аниқлашимиз мумкин. Масалан, 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда солиқ юки индекси Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотларига кўра 45 фоизга тенг. Аниқроқ айтганда, Ўзбекистон потенциал солиқ тушумларининг ўртача ҳисобда атиги 45 фоизини ундириш салоҳиятини борлигини кўрсатмоқда.

Бу, асосан, улкан яширин иқтисодиёт ва норасмий меҳнат бозори, шунингдек, норасмий товарлар ва хизматлар бозорининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Мунозаралар. Хусусан, ҳисоб-китоблар 1995-2018 йилларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, унга кўра Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт 1995 йилда ЯИМнинг 18% га тенг бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 52% га етган. Бутун давр оралиғида норасмий секторнинг улуши ўртача 34% ни ташкил этган [5] (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажмининг динамикаси, 1995-2018 йиллар, ЯИМга нисбатан фоизда

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йилда шахсий даромад солиғининг расмий иш билан банд бўлганларга нисбати тахминан 33 фоизни ташкил қилади. Яъни, Ўзбекистон потенсиал жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тушумларининг 2/3 қисмини ёқотмоқда.

Маълумот ўрнида, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи жами солиқ тушумининг улуши борасида қўшилган қиймат солиғидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Қўшилган қиймат солиғи ҳам, ўз навбатида, оптимал (потенциал) даражада эмас. Раҳмонов ва Сафаровнинг тадқиқотларига асосан реал ҚҚС тушумларининг потенциал ҚҚС тушумларига нисбати 49 фоизни ташкил қилади. Бу Ўзбекистон солиқ сиёсатдаги бўшлиқ ва унга риоя қилмаслик натижасида потенциал 51 фоизлик қўшилган қиймат солиғи базасини йўқотилмоқда [6].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, бевосита ва билвосита солиқларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши 2010 ва 2020 йиллар оралиғида ўртача 75 фоизни ташкил этмоқда. Ва бу икки турдаги солиқларнинг потенциал базасининг мос равишда 66 ва 51 фоизи солиққа тортилмаяпти. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон солиқ тушумларини солиқ юқини оширмаган ҳолатда ошириш имкониятига эга.

Бунинг учун солиқ тизимида солиқ базаларининг иложи борича кўпроқ қисмини қамраб олишга қаратилган сиёсий, тизимли ва структурага қаратилган ўзгаришлар амалга оширилиши керак бўлади. Яширин иқтисодиёт кўламини камайтириш ва солиқ ҳаракати кўрсаткичи ошириш учун ҚҚСни ҳисобга олиш ва бюджетга ўтказиш бўйича махсус ҳисоб-рақамларини жорий этиш, юқори солиқ ҚҚС узулишига эга бўлган субъектларга ҚҚС унидиришнинг “тескари тўлов” усулини жорий, Яширин иқтисодиётнинг солиқ комплаенси билан боғлиқ омилларини аниқлаш учун солиқ тафовутини ҳисоблаш модели ва методологияси ишлаб чиқиш, Электрон тўлов тизимида пул айланмалари шаффофлигини таъминлаш мақсадида электрон тўлов тизимларига (Payme, Click ва шу кабилар) соддалаштирилган электрон ҳисоб-фактураларни бириктириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Islambek Niyazmetov, 2018. "Study on Causes of Taxation System's Inefficiency: Evidence from Uzbekistan," International Journal of Management Science and Business Administration, Inovatus Services Ltd., vol. 4(3), pages 60-72, March.
2. Medina, Leandro & Schneider, Friedrich. (2019). Shedding Light on the Shadow Economy: A Global Database and the Interaction with the Official One. SSRN Electronic Journal. 10.2139/ssrn.3502028.
3. Kim S. A more accurate measurement of tax effort. Applied Economics Letters. 2007;14:539-543.
4. Le T., Moreno-Dodson B., & Bayraktar N. Tax Capacity and Tax Effort: Extended Cross-Country Analysis from 1994 to 2009. World Bank Policy Research Working Paper No. 6252, The World Bank, Washington, DC, USA. 2012.
5. Программа развития Организации Объединённых. Наций Теневая экономика в Узбекистане: причины, масштабы и пути сокращения. Аналитический доклад. ПРООН, 2018 (www.undp.org).
6. Rakhmonov. A. & Safarov U. Komplains i administrativnie problemi mexanizma NDS Uzbekistana. Obshestvo i innovasii. 1921;2(7):113-137. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss7/S-pp113-137>

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЕМ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ В РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

М.О.Сагиева, базовый докторант, Каракалпакский государственный Университет, Нукус

Annotatsiya. *Ushbu maqola paxta va to'qimachilik klasterlarini rivojlantirishni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirishga bag'ishlangan. Maqolada klasterni rivojlantirishning nazariy asoslari va konsepsiyalari, shuningdek, Qoraqalpog'iston Respublikasi paxta va to'qimachilik sanoatining tahliliy sharhlari ko'rib chiqiladi. Maqola muallifi paxta-to'qimachilik klasterlarini boshqarish mexanizmi sxemasini taklif qilgan. Tadqiqot ob'ekti Qoraqalpog'iston Respublikasi Ellikqal'i tumanida faoliyat yurituvchi "Bo'ston klaster" MChJning paxta-to'qimachilik klasteridir.*

Kalit so'zlar: *klaster, klasterni boshqarish mexanizmi, klasterni shakllantirish shakllari, klaster tizimining tuzilishi, klaster yadrosi*

Аннотация. *Данная статья посвящена совершенствованию механизмов управления развитием хлопково-текстильных кластеров. В статье рассмотрены теоретические основы и концепции кластерного развития, также приведены аналитические обзоры хлопково-текстильной отрасли Республики Каракалпакстан. Автором статьи предложена схема механизма управления хлопково-текстильными кластерами. Объектом исследования является хлопково-текстильный кластер ООО «Bo'ston cluster», ведущий свою деятельность в Элликкалийском районе Республики Каракалпакстан.*

Ключевые слова: *кластер, механизм управления кластером, формы кластерного формирования, структура кластерной системы, ядро кластера.*

Abstract. *This article is devoted to improving the mechanisms for managing cotton-textile clusters. The article discusses the theoretical foundations and concepts of cluster development, as well as analytical reviews of the cotton and textile industry of the Republic of Karakalpakstan. The author of the article proposed a scheme of the mechanism for managing cotton-textile clusters. The object of the study is the cotton-textile cluster of LLC "Bo'ston cluster", which operates in the Ellikkala district of the Republic of Karakalpakstan.*

Key words: *cluster, cluster management mechanism, forms of cluster formation, structure of cluster system, cluster core.*

Введение. В росте национальной экономики любой страны очень важную роль играет агропромышленный комплекс. И для Узбекистана стержнем данной отрасли можно считать хлопковую промышленность, которая способствует эффективному функционированию и укреплению текстильной отрасли страны.

Узбекистан до недавних времён считался сырьевым поставщиком хлопка для мирового рынка. Но для создания конкурентоспособной рыночной экономики, следует наладить цепочку производственной переработки хлопка-сырца в текстильную продукцию и перейти от экспорта хлопка к экспорту готовой продукции.

С этой целью перед государством стоит задача найти и выбрать прежде всего конкурентоспособную модель развития региональной экономики, которая позволяет максимально использовать имеющийся потенциал страны. Поэтому вопрос формирования агропромышленных кластеров приобретает всё большую значимость. Но к сожалению, на сегодняшний день в нашей республике всё ещё не отработан единый механизм формирования и управления хлопково-текстильными кластерами.

Следовательно, целью данной статьи является исследование зарубежного опыта формирования и управления подобными объединениями и проанализировать отечественную практику построения кластеров в хлопково-текстильной отрасли.

Обзор научной литературы. Для привлечения прямых иностранных инвестиции многие страны выбирают путь кластерного развития экономики, что даёт мультипликативный эффект в повышении уровня экономического роста страны.

Впервые на это уделил своё внимание английский экономист А.Маршалл. Он определил, что при появлении одного основного производства, возникают другие, вспомогательные снабжающие сферы. И благодаря тому, что имеются квалифицированная рабочая сила, свободный доступ к поставщикам и существует взаимосвязь между поставщиками получают синергетический эффект.

Согласно определению Майкла Портера, основателя кластерной модели управления, под кластерами понимаются сконцентрированные по географическому принципу группы взаимосвязанных компаний, специализированных поставщиков товаров и услуг, фирм в соответствующих отраслях, а также связанных с их деятельностью организаций в определённых областях, конкурирующих, но вместе с тем ведущих совместную работу [1].

Наряду с зарубежными учеными, исследования по продвижению кластерного подхода в промышленности Узбекистана проводили такие отечественные учёные как М.А.Рахматов, Н.М.Махмудов, С.М.Касымов, С.С.Гулямов, С.С.Салихов, А.Ш. Бекмурадов, Д.К.Ахмедов, Д.Мирзахалилова, Г.Захидов и многие другие [2].

В трудах доктора экономических наук, профессора М.А.Рахматова под кластером понимается совокупность предприятий, объединённых в единую технологическую цепочку, которая создаёт потребность в углублении интеграции науки, образования и производства, и даёт возможность быстрому внедрению в практику новых технологий [3].

Несмотря на то, что вышеупомянутые исследования имеют огромную практическую и научную значимость, всё же в них вопросы о механизмах управления хлопково-текстильными кластерами мало затронуты, что вызывает необходимость проводить дальнейшие исследования в данной отрасли.

Анализ и результаты.

Для формирования конкурентоспособной инновационной экономики региона многие страны применяют эффективное направление в экономике как кластеризация, которая основывается на взаимовыгодном взаимодействии науки, государства и бизнеса.

Для того, чтобы управлять кластерами должен существовать механизм, который состоит из совокупности институтов, законов, норм, обеспечивающие регулирование и поддержку для функционирования данной системы.

Под механизмом управления кластером следует понимать взаимосвязь субъекта, который осуществляет запуск данного механизма, с объектом взаимодействия, на который направлено действие объекта, с целью получения заданного результата в результате взаимодействия [4].

Для создания механизма управления кластером, по мнению автора, сначала необходимо определить пути их формирования.

По природе происхождения кластеры могут быть сформированы естественным путём или могут появиться в результате определённых мер со стороны государства.

Когда кластер создаётся естественным путём, посредством рыночного механизма, то функцией государства выступает не контролирующая, а регулирующая функция.

А в случае формирования кластера по государственной инициативе, цели, задачи, участники кластера определяются со стороны государства. Здесь основным преимуществом выступает создание государством инфраструктуры, необходимой для дальнейшего функционирования кластера.

Итак, опыт зарубежного кластерного формирования выделяет три основных варианта построения кластера (Рисунок 1.).

Например, все ведущие кластеры Германии организованы по принципу «снизу вверх». Но несмотря на это они получают поддержку со стороны государства в размере от 40 до 100% от общего объёма финансирования. Земельные же кластеры в Германии формируются по принципу «сверху вниз», так как они играют очень важную роль в развитии региона [5].

В Республике Узбекистан первые хлопково-текстильные кластеры ИП ООО «ВСТ cluster» и ИП ООО «Век cluster» также были сформированы по принципу «сверху вниз», в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 19.05.2017 года №ПП-

2978 и от 15.09.2017 года №ПП-3279. Но со временем принимаются множество Указов, Постановлений и Законов для того что бы уменьшить роль государства в аграрном секторе, повысить инвестиционную привлекательность отрасли и внедрить рыночные принципы для обеспечения свободной конкуренции. Следовательно, Узбекистан переходит от принципа «сверху вниз» к принципу «снизу вверх», который осуществляется по инициативе организации и фирм.



Рисунок 1. Варианты построения кластера (составлено автором)

Для дальнейшего анализа механизма кластерного управления, подробно рассмотрим участников и структуру кластера. Анализ изученной литературы показал, что структура кластера состоит из трёх уровней:

1. Первый уровень – ядро кластера. Это базовые предприятия, которые сосредоточены на специализирующихся видах деятельности кластера и производящие финальный продукт для кластера.
2. Второй уровень – сопутствующие предприятия (сателлиты), которые поставляют сырьё, комплектующие изделия, оборудования и другие необходимые продукции, для непрерывного функционирования ядра кластера.
3. Третий уровень – обслуживающие предприятия, которые предоставляют услуги для ядра кластера и сопутствующих компании.

Например, ядром кластера ООО «Во'ston cluster», ведущий свою деятельность в Элликкалийнском районе Республики Каракалпакстан, являются предприятия ООО "Во'ston mega tekstil", ООО "Во'ston optimal tekstil", ООО «Во'ston cluster». Данный кластер имеет следующий производственный потенциал: производственный цикл от посева и выращивание хлопка на своих землях, глубокой переработки и производства хлопкового волокна, прядения хлопчатобумажной пряжи до последующего производства готовой продукции.

Также при формировании кластера важную роль играет наличие и взаимодействие с достаточным количеством предприятиями-сателлитами. Потому что они поставляют необходимую продукцию для непрерывного функционирования производственной цепочки.

Так как основной сырьевой базой для создания хлопково-текстильной продукции является хлопчатник, то для хлопково-текстильных кластеров основными предприятиями-сателлитами являются фермеры и дехкане, которые выращивают и поставляют хлопок. Поэтому в таблице 1 мы привели основные показатели валового сбора хлопка-сырца в Республике Каракалпакстан (см.таблицу 1).

Таблица 1.

Валовой сбор хлопка сырца в Республике Каракалпакстан

№	Регионы	2020 год			2021 год			2022 год		
		Площадь (га)	Сбор хлопка (тонна)	Урожайность (ц/га)	Площадь (га)	Сбор хлопка (тонна)	Урожайность (ц/га)	Площадь (га)	Сбор хлопка (тонна)	Урожайность (ц/га)
1	Турткуль	9 800	24580	25,1	9 330	28 458	30,5	8 500	28 050	33,0
2	Беруний	10 275	25910	25,2	10 030	30 558	30,5	9 200	30 350	33,0
3	Элликкала	10 740	26712	24,9	10 195	31 069	30,5	9 600	31 650	33,0
4	Амударя	15 250	35675	23,4	15 030	45 853	30,5	13 900	45 850	33,0
5	Тахияташ	2 600	6274	24,1	2 480	6 601	26,6	2 700	7 010	26,0

6	Хожейли	5 810	12627	21,7	5 550	13 876	25,0	6 000	15 600	26,0
7	Шуманай	4 970	10809	21,7	4 970	11 834	23,8	5 200	13 000	25,0
8	Қанликул	3 820	8354	21,9	4 320	10 247	23,7	4 600	11 730	25,5
9	Кунград	3 500	7533	21,5	4 090	9 358	22,9	4 500	11 480	25,5
10	Нукус	1 165	2806	24,1	665	1 655	24,9	2 000	5 000	25,0
11	Кегейли	6 330	13731	21,7	4 939	11 315	22,9	6 000	15 000	25,0
12	Чимбай	5 211	11406	21,9	5 751	13 163	22,9	5 991	15 280	25,5
13	Караузьяк	3 910	8564	21,9	4 200	9 978	23,8	4 700	11 750	25,0
14	Тахтакушир	2 910	6351	21,8	3 450	7 902	22,9	3 900	9 750	25,0
По всей Республике		86291	201332	23,3	85000	231867	27,3	86791	251500	29,0

Источник: Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан [7].




Рисунок 2. Механизм управления хлопково-текстильным кластером в региональной экономике (составлено автором на основе изученных материалов)

Анализируя данную таблицу мы можем увидеть, что самые высокие показатели сбора хлопка приходятся на такие районы Каракалпакстана, как Турткуль, Беруний и Элликкала. Несмотря на, что в этих регионах уменьшается посевная площадь хлопчатника, урожайность при это увеличивается с 25 ц/га в 2020 году на 33 ц/га в 2022 году.

Можно сказать, что на повышение урожайности хлопчатника повлияли интенсивные факторы, то есть не увеличение посевных площадей, а применение новейших технологий посева хлопчатника, внесение минеральных удобрений, увеличение уровня механизации сбора хлопка, а также внедрение в данную отрасль модели кластерного управления.

Таким образом, на основе изучения всех вышеперечисленных элементов кластерного управления, на рисунке 2 приведён механизм управления хлопково-текстильным кластером в региональной экономике, который был разработан автором данной статьи.

Организационная структура хлопково-текстильного кластера ООО "Boston Cluster".




Рис.3. Схема организационной структуры хлопково-текстильного кластера ООО «Bo'ston cluster»

В предложенном механизме управления развитием хлопково-текстильными кластерами субъекты управления представлены на разных уровнях. Внешним уровнем управления являются региональные органы государственной власти, которые выполняют регулирующие функции. Например, закрепление полномочий по разработке и реализации политики регионального кластерного развития, создание системы поддержки инновации, разработка предложений по совершенствованию кредитной системы, создание нормативно правовой базы для устойчивого функционирования кластерной системы, создание привлекательной среды для инвесторов и т.д.

Внутренний уровень управления представлен в качестве предприятия, которые организуют кластер. Он контролирует всю цепочку производственного цикла от подготовки земель к выращиванию хлопка-сырца, посева, выращивания, сбора, переработки и глубокой переработки хлопчатника до производства и реализации высококачественной хлопчатобумажной продукции с высокой добавленной стоимостью, соответствующей международным стандартам.

Исходя из этого, автором был сделан анализ управленческой деятельности хлопково-текстильных кластеров Элликалийнского района Республики Каракалпакстан. В частности, были изучены состояние и перспективы развития хлопково-текстильного кластера ООО «Во'ston cluster», который имеет огромный потенциал для обеспечения экономического развития Элликалийнского района.

На сегодняшний день в кластере работают более 823 человек. В 2021 году кластером переработано 25,3 тысяч тонн хлопкового сырья, произведено 7,9 тысячи тонн хлопкового волокна, 2,5 тысяч тонн пряжи и 65 тонн готовой продукции.

В результате исследования всей внутренней структуры, производственных процессов, механизма управления хлопково-текстильного кластера ООО «Во'ston cluster», автором была составлена схема организационной структуры кластера, которая приведена на рисунке 3.

Выводы и обсуждения. Следует отметить, что целью формирования кластеров является объединение предприятия одной отрасли, расположенных в пределах города, района, области, и находящихся с ними в единой технологической цепочке образовательных, научных, инженерных, консалтинговых, стандартизационных, сертификационных и других служб, для создания конкурентоспособной продукции на основе организации инновационного производства. При этом цели и задачи управления необходимо согласовывать между субъектами и объектами управления на различных уровнях.

Таким образом, механизм управления развитием хлопково-текстильных кластеров региона будет эффективно функционировать при гармоничном пересечении интересов региональных органов государственной власти, предприятия-участников кластера и обслуживающих предприятия.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Портер М., Конкуренция. М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. 608 с.
2. Халикова, Р. (2022). Совершенствование методологии оценки эффективности деятельности хлопково-текстильных кластеров в Узбекистане. Экономика и образование, 23(4), 250–255. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/593>
3. Мургазо Рахматов–Кластер: Интеграция, инновация, экономический рост. Народное слово. 03.03.2018 г.
4. Лобова С.В., Понькина Е.В. Теоретические аспекты функционирования межрегиональных кластеров // Экономический анализ: теория и практика. 2012. №17. С.35-44.
5. Рассказова, А. Н. Кластер как основа управления промышленными предприятиями / А. Н. Рассказова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2010. — № 10 (21). — С. 97-103. — URL: <https://moluch.ru/archive/21/2142/>
6. Истомина, Л. А. Кластеры и кластерная политика: генезис, эволюция, инструменты [Текст]. – Минск: Совет по развитию предпринимательства в Республике Беларусь, 2015, – 192 с.
7. Отчёты Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан. <https://www.agro.uz/ru/>

УЎК 330

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” – ЖАМИЯТ БИЛАН ТАБИАТ ЎРТАСИДА МУВОЗАНАТЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

З.М.Таджибаев, доц., Фаргона Давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақола турли мамлакатларда “Яшил иқтисодиёт” лойиҳаларини жорий қилиш зарурлигини асослаш, уни жамиятнинг ҳозирги ҳолатидаги аҳамияти ва Ўзбекистонни ижтимоий ривожланишидаги роли масалаларига бағишланган. Экологик модернизация дастурларини жорий қилиш бўйича қатор мамлакатлар тажрибаси ва уни Ўзбекистонда жорий қилиш истиқболлари келтирилган. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон учун “яшил” ривожланиш зарурлигини асослаш ҳамда халқаро тажриба асосида “яшил” иқтисодиёт лойиҳаларини жорий қилиш истиқболларини баҳолаш.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, экологик модернизация

Аннотация. Статья посвящена обоснованию необходимости внедрения проектов “Зеленой экономики” в различных странах, ее роли в современном состоянии общества и социальном развитии Узбекистана. Представлен опыт ряда стран по внедрению программ экологической модернизации и перспективы ее внедрения в Узбекистане. Целью данной

статъи являється обоснование необходимости "зеленого" развития для Узбекистана и оценка перспектив внедрения проектов "зеленой" экономики на основе международного опыта

Ключевые слова: зеленая экономика, устойчивое развитие, экологическая модернизация

Abstract. The article is devoted to substantiating the need for the implementation of "green economy" projects in various countries, its role in the current state of society and social development of Uzbekistan. The experience of a number of countries on the implementation of environmental modernization programs and prospects for its implementation in Uzbekistan are presented. The purpose of this article is to substantiate the need for "green" development for Uzbekistan and to assess the prospects for the implementation of "green" economy projects based on international experience

Keywords: green economy, sustainable development, environmental modernization

Сўнги ўн йилликларда кенг кўламли ўзгаришлар юз бермоқда, кўпчилик тармоқларда ишлаб чиқариш усулларига бўлган муносабат қайта кўриб чиқилмоқда. Бунинг сабаби, XX аср учун хос бўлган иқтисодий ўсиш аввал турғунлик, сўнг эса пасайиш ва инқироз билан кузатилди. XXI аср кириб келгандан кейин вазият табиий ресурсларга талабни ошиши ва дунёда экологик вазиятни ёмонлашиши билан янада хунук тус олди. Одамлар иқлим ўзгариши, чучук сув захиралари қисқариши ва озиқ-овқат нархининг ошишини хис қилмоқдалар. Янгитдан шаклланган вазият мамлакатлар ҳукумати иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги усуллари излашларини тақазо қилмоқда. "Яшил иқтисодиёт" ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги усули у табиий ресурсларни чекланганлигига асосланган ҳолда экотизимни иқтисодиётга таъсир қилувчи элемент деб билади. Бундай ёндашув кўп йиллар ҳукм сурган ва ишлаб чиқариш ва истеъмолни максимал кўпайтириш ёндашувига қарама – қаршидир. Идеал ҳолатда, яшил иқтисодиёт инсониятни табиат билан мувозанатини таъминлаши керак. Бунда инсон табиатдан қанча олган бўлса унга шунча қайтариши керак. "Яшил иқтисодиёт" табиий ресурслар қисқариб бораётган шароитда табиат билан бирга инсонни ҳамўзгаришини, яъни эволюцияга учрашини фараз қилади. Масалан, одам пахта экиш ва йиғиб олиш билан ер майдонидан у (пахта) ўзига сингдирилган озуқа элементларини олиб чиқиб кетади. Агар ҳосил йиғиштириб олиб кетилмаганда эди, у чириндига айланиб барча моддалар ерга қайтарилган бўларди. Шунинг учунодам пахта томонидан тупроқдан олиб чиқиб кетилган озуқа моддаларини тупроққа қайтариши керак. Анъанавий қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш максимал фойда олиш мақсадларига бўйсундирилган эди. Бундай ёндашув ҳосил билан тупроқдан олиб чиқиб кетилган озуқа элементларини унга (тупроққа) қайтарилмас ёки паст даражада қайтарилиб, олиб чиқиб кетилган элементларни қоплашдан йироқ эди. Шунга кўра, қишлоқ хўжалиги экинлари парваришланадиган ерларнинг табиий унумдорлиги (бонитет балл), улардан олиб чиқиб кетилган элементлар лозим даражада ва сурункали қопланмаслиги сабабли, ерлар чарчаши, қувватсизланиши ва толиқиши ва умуман олганда тупроқ деградациясига учраб эди. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган ерларда тупроқни табиий унумдорлиги мониторинги маълумотларига кўра, 1990 йили ўртача 66 баллни ташкил қилган, бу кўрсаткич орадан 15 -20 йил ўтгач 56 га тушган қолган. Бу кўрсаткич юқорида баён қилинган фикрни тўласича тасдиқлайди. Ердан фойдаланишнинг шундай ёндашуви қабул қилинган эдики, унда ер кўпинча толиқиб, маълум бир муддатдан кейин ўсимлик парваришлаш учун яроқсиз ҳолатга келар эди. "Яшил иқтисодиёт" га мансуб бўлган органик қишлоқ хўжалигида ҳосил йиғиштириб олиб бўлингандан кейин тупроққа табиий ўғит солиниб, унга дам берилади.

Ҳозирги даврда дунёда "яшил иқтисодиёт" атамаси тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда ва уни жорий қилиш бўйича лойиҳаларга диққат билан эътибор берилмоқда. Ушбу атаманинг кўплаб тушунча ва тарифлари мавжуд, уларни яхлит бир-бирликка қўшилганда чарчаб бораётган табиий ресурслардан максимал даражада оқилона фойдаланиш йўли билан одамларни фаровонлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича яхлит дастурни ўзида ифода қилишини кўришимиз мумкин.

“Яшил” иқтисодиётнинг асосини тоза ёки “яшил” технологиялар ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, “яшил” иқтисодиётнинг ривожланиши ўз кўлами билан кўпчилик постиндустриал мамлакатларни қамраб олган экологик инқироз оқибатларини олдини олишга кўмаклашади.

Ушбу мавзунинг долзарблиги иқтисодиётни модернизация қилиш зарурати билан тақазо қилинган бўлиб, пироворд мақсад сифатида аҳоли ва келажак авлодларни фаровонлик даражасини ошириш мақсади билан белгиланади. Олдинга қўйган мақсадга эришиш асосида “Яшил иқтисодиёт” ни ривожлантириш лойиҳалари ётган барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарурий шартлари ётади.

Хорижий мамлакатларда иқтисодиётни «яшиллаштириш»нинг устувор йўналишлари куйидагилардир: энергия ишлаб чиқариш ва сақлаш, энергетик инфратузилма, энергия самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги, рециклинг (қайта ишлаш) ва чиқиндилар, транспорт, сув ва оқава сувлар, материаллар ва қурилиш, ишлаб чиқариш ва саноат. Бироқ, бозор муносабатлари ва институционал тўсиқларни мавжудлиги бундай лойиҳаларни рақобатбардошлигини йўққа чиқариб, қай даражада жозибадор бўлмасин уларни чекланганликка маҳкум қилади. Бу вазиятни башорат қилиш мураккаб, уни миллий ва глобал миқёсда бошқариш ҳам қийин. Шунинг учун яшил иқтисодиётга ўтиш давлат томонидан синчковлик билан эътибор беришни талаб қилади ва у (давлат) “бозор бузилишларини” тартибга солади ва бунга зарурат мавжуд.

“Яшил ўсишни” миллий стратегия сифатида қабул қилган биринчи давлат, Жанубий Корея ҳисобланади. Давлат экологик тоза иқтисодиётни рағбатлантиришда ўрناк кўрсатмоқда. Ушбу стратегия доирасида учта элементга устуворлик берилади: инвестициялар, саноат ва энергетика. Стратегиянинг мақсади – энергоресурслардан фойдаланиш ва энергия ва ресурсларни барча турларини атроф муҳитга таъсирини минималлаштириш ҳамда инвестицияларни табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш чораларини кўриш орқали самарали иқтисодиёт кўламини сақлаб қолишдир. Бу масалада тараққий топган мамлакатлар пешқадамдир. Масалан, Европа Иттифоқи 2050 йилгача бўлган даврга паст углеродли иқтисодиётга ўтиш лойиҳасини қабул қилган. Лойиҳанинг мақсади – секторлар бўйича иссиқхона газлари чиқарилмаларини 2030 ва 2050 йилларга қадар (мос равишда 40–44 ва 79–82%) камайтиришдир. Бундан ташқари, дастур шу вашу каби, масалан, ёқилғи сарфини (йилига 175-320 млрд евро) қисқартиришни кўзда тутуди (5,48). Экологик технологиялар жаҳон бозорида Германия ҳам ўзининг самарали фаолиятини кўрсатмоқда. Дунёда патентлаштирилаётган қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги барча “яшил” технологияларни 20% дан ортиғи ва қайта тикланадиган энергетика соҳасида технологияларни 30% га яқини уни (Германияни) хиссасига тўғри келади.

Германиянинг “яшил” ишчи сектори умумий иқтисодий фаол аҳолининг 4,5% ни ташкил қилган ҳолда доимий ўсиб бормоқда. Жаҳон бозорининг чиқиндиларни саралашни автоматлаштирилган тизимларини катта қисми ҳам уни хиссасига тўғри келади. Экологик маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳажми бўйича Германия бугунги кунда дунёда биринчи ўринда туради (5).

Унинг асосий ва яхши ривожланаётган “яшил” тармоғи - қайта тикланадиган энергиядир.

Шу ўринда айтиш керакки, кейинги пайтда дунёда юзага келган сиёсий вазият “яшил иқтисодиёт”га, хусусан яшил энергетикага бўлган тасаввурни анчагина ўзгартириб юборди. Гап Россия билан Украина ўртасидаги можаро ва тўқнашувлар муносабати билан АҚШ бошлиқ Ғарб давлатлари томонидан қўлланилган санкциялар тўғрисида кетяпти. Бундай шароитда Европанинг ривожланган мамлакатлари, хусусан Германия, ўзлари қўллаган санкциялардан ўзлари анчагина азият чекмоқдалар. Чунки уларда ривожланган яшил энергетика хали бу энергия турига тўла ишониб бўлмаслиги ва бу энергетика узлуксиз ва барқарор ишлаб, керакли вақтда истеъмолчиларни энергия билан таъминлашни кутилганидек удалай олмаслиги аён бўлиб қолди. Ғарб мамлакатлари энергияни альтернатив турларини зўр бериб ривожлантирган ҳолда ушбу манбаага ортиқча ишониб юборганлиги туфайли Россияга

нисбатан санкция қўллашлари натижасида газ ва нефт сингари иқтисодиётни базавий хом ашёсига нархлар кескин ошиб кетди. Ҳозирда Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан Германия энергия балансида газ каттагина салмоққа эга бўлиб деярли 30%ни эгаллайди. Шуниси эътиборга лойикки, газдан нафақат энергия ҳосил қилиш учун, балки саноатни бир қатор тармоқларида -металлургия ва металлни қайта ишлаш, кокс-кимё каби саноати кабиларда ойна, қоғоз ва картон, чорвага ем тайёрлаш ва х.к.ларда хомашё сифатида ҳам фойдаланилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Германияда яшил энергетикани етакчи манбааси айнан шамол энергетикасидир. Статистика гувоҳлик беришича, 2021 йилда қайта тикланадиган энергия манбаалари (ҚТЭМ) мамлакат электроэнергияси ишлаб чиқаришини 1/3 қисмидан кўпроғини таъминлади (8).

Бироқ ушбу тармоқни ривожланиши теп-текис ва ровон тарзда кечаётгани йўқ. Мураккабликлардан бири шундаки, ушбу турдаги манбааларни эксплуатация қилишда келиб чиқиб, ноқулай об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ; бунда ишлаб чиқарилган электроэнергия хажми тўғридан – тўғри қуёш, шамол ва ш.ў.ларга боғлиқ. Айнан шу нарса Германия бошлиқ Европа Иттифоқи мамлакатларига “панд” берди. Чунки ҚТЭМ ишонган ҳолда ЕИ мамлакатлари зудлик билан Россияга нисбатан санкция эълон қилди ва унга мувофиқ газ ва нефт хомашёсини сотиб олишни ҳам қисқартирди.

Ўз навбатида яшил энергетика мўлжалдаги энергияни истеъмолчиларга етказиб бера олмади ва узилишлар бўлди. Бу нарса яшил энергетикага нисбатан маълум даражада ишончсизлик туғдирди. Бу дегани энергия ҳосил қилишни альтернатив манбааларидан қайтиб, энергияни анъанавий манбааларига ўтиш керак дегани эмас. Чунки орқага йўл йўқ ва энергияни анъанавий манбааларидан баралла фойдаланиш атмосфера ҳавосини глобал исишини кучайиши билан атроф-муҳитни ифлосланишини янада орттириб юборади. Юзага келган вазиятда ҚТЭМ ларини техник жиҳатдан такомиллаштириш ва уни самарадорлигини ошириш устида илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муаммонинг ечимини асосий йўлидир. Шунинг учун Россия газини асосий сотиб олувчиларидан бири Германия энергияни альтернатив манбаларига ўтишни тезлаштириш нияти борлигини маълум қилди. Европада келажакни асосан “соф” энергетика билан боғлиқликда қараш устувордир.

Ўз навбатида, Россия ҳам яшил энергетикани истиқболли тури бўлган водород энергетикаси бўйича яқин келажакда жаҳон аренасида пешқадам бўлиши мумкинлиги тўғрисида баёнот бермоқда.

АҚШнинг яшил иқтисодиёт режаси ҳам анчагина юқори бўлган марраларни эгаллашни кўзда тутган, чунки бу мамлакатда 2035 йилга бориб ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 80% и келиб чиқиши “соф” бўлган манбааларга тўғри келиши белгиланган (5,49).

Ўз иқтисодиётининг ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида АҚШда федерал ҳокимиятнинг яшил иқтисодиёт учун бозорнинг тузилмалаштиришни ташкиллаш, қулай инвестицион иқлим, илғор технологияларни олға суриш ва маҳаллий даражада яшил ташаббусни қўллаб – қувватлашда мужассамлашган ҳаракатнинг асосий йўналишларини белгилайди. Лойиҳани муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳукумат ўз эҳтиёжлари учун яшил иқтисодиёт маҳсулотларини харид қилишга интилиши керак ва бунга мажбур. Инқирозга қарши чора-тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағнинг умумий суммасини 20%и қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришга ажратилган. Шундай қилиб, дунё ҳамжамиятининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ бўлган вазияти реал воқелиқдан иборат. Ушбу жараёнга давлатни таъсир қилиш даражасини белгиловчи асосий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин: ҳукумат ташаббусини жамият томонидан қўллаб-қувватлаш, сиёсий ҳокимият ҳамда ресурсларни чекланганлиги ва уларни ифлосланганлик даражаси.

“Яшил иқтисодиёт” ни барпо қилиш масаласи Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир. Чунки мамлакатимиз, бошқа кўпдан-кўп мамлакатлар қатори, “жигарранг иқтисодиёт” яратган муаммолардан, яъни атроф муҳитни ифлосланиши, глобал иқлим исиши, қишлоқ хўжалиги ерларини деградацияси, сувни ифлосланиши ва ш.ў. муаммолар билан тўқнашмоқда. Шу

муносабат билан мамлакатимиз учун ҳам иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш ва унда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий мувозанатли ва барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш катта аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларни амалга оширишда 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодийга ўтиш стратегияси муҳим роль ўйнайди. Чунки бу стратегияда Ўзбекистонда атроф-муҳит ресурсларидан фойдаланиш ва уни ҳолати тўғрисида атрофлича илмий таҳлил амалга оширилиб, унда бу соҳада шаклланган вазият реал баҳоланган ва нима сабабларга кўра Ўзбекистон “яшил” иқтисодийга ўтиши зарурлиги асосланган ва улар қуйидагиларда мужассамлашганлиги қайд қилинган:

- 1) иқтисодийнинг энергия самарадорлигини паст даражаси;
- 2) табиий ресурслардан ноқилона фойдаланиш;
- 3) технологиялар янгиланишининг сустлиги;
- 4) «яшил иқтисодий»ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда

кичик бизнес иштирокининг етарли эмасли (1).

Юқорида келтирилган ва барқарор ривожланишга тўсиқ бўлаётган ноқулай экологик вазият муносабати билан Стратегияда юзага келган ноқуш ҳолатдан чиқиш ва атроф –муҳит ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш учун янгича ёндашув йўналишлари берилди.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодийга ўтишининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

-технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

-давлат инвестициялари ва ҳаражатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

-давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодийга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

-таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодийдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

-Орол бўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

-«яшил» иқтисодий соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш (1).

Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари қаторида ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг солиштирма чиқиндиларини 2010 йил даражасидан 10 фоизга қисқартириш, қайта тикланадиган энергия манбалари улушини электр энергияси ишлаб чиқариш, умумий ҳажмида 25 фоиздан кўпроққа етказиш кўзда тутилган, аҳоли ва иқтисодий тармоқларини 100 фоизгача замонавий, арзон ва ишончли энергия таъминотидан фойдаланишни таъминлаш, энергия самарадорлиги ва экологик тозалик даражаси юқори бўлган мотор ёқилғиси ва транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электрлаштирилган транспортни ривожлантириш, 1 миллион гектаргача бўлган майдонларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинларнинг ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача ошириш кўзда тутилган.

“Стратегияни амалга ошириш иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, яшил энергиядан фойдаланишни таъминлаш, яшил иш ўринларини яратиш ва иқлим барқарорлигини таъминлаш соҳасида менежментни яхшилашга ёрдам беради.

Яшил иқтисодиётга ўтиш бирдек муҳим икки жиҳатга эга: жигарранг иқтисодиётни яшиллаштириш ва яшил ўсиш. Иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғини, жумладан, тоза, самарали ва инновацион технологияларни жорий этиш орқали “яшиллаштириш” мумкин. Яшил ўсишни янги экологик соф тармоқларга сармоя киритиш орқали рағбатлантириш зарур.

Атроф муҳит муаммосини таҳлил қила туриб шуни унутмаслик керакки, табиат ва у билан боғлиқ бўлган муаммо чегара билмайди, яъни улар (муаммолар) трансчегаравийдир. Шунга кўра, жамият билан табиат ўзаро муносабатлари муаммолари қайси бир мамлакатда тадқиқ қилинмасин, уни халқаро жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Биз яшаётган дунёнинг хилма-хиллигини, шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг миллий шароитлари ва ривожланиш устувор йўналишларини ўзига хослигини ҳисобга олсак, яшил иқтисодиётни барча мамлакатлар учун ягона модели ёки йўли мавжуд эмас. Бироқ, барча мамлакатлар яшил иқтисодиётга ўтиши учун йирик иқтисодий миқёсдаги таркибий ва технологик ўзгаришлар ёки ҳеч бўлмаганда энергетика, шаҳар инфратузилмаси, транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалиги каби асосий тармоқларни “яшиллаштириши” талаб қилинади.

Таъкидлаш жоизки, “яшил” иқтисодиётга ўтишда таркибий ўзгаришлар risksи жиддий муаммолардан биридир. Барча ўзгаришлар ва таъсирлар ҳам ижобий бўлавермайди. Дунё яшил иқтисодиётга интилаётган экан экологик тоза товарларга бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида, мос тармоқ ва соҳаларни кенгайтишига, аксинча, экологик зарарли маҳсулотларга бўлган талаб, албатта, камайиб, ушбу тармоқлар маҳсулоти ва хизматларига эҳтиёж камайган ҳолда уларда банд бўлган ҳодимлар ишни ҳамда даромадни ҳам йўқотиши мумкин. Шунга кўра, “яшил” иқтисодиётга ўтиш мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатга, аниқроғи ижтимоий сиёсатга ҳам боғлиқ. Чунки иш ва даромадларни йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш вазиятга мослашишга кўмаклашиб, уларнинг шароитларини энгиллаштиришга хизмат қилади. Шу маънода антропоген таъсир нафақат мамлакат иқтисодий тузилмалари ва сиёсатига боғлиқ, балки у инсон ҳаёт ва фаолияти билан, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий сиёсат билан ҳам боғлиқдир. Бу ҳолат шундан далолат берадики, атроф муҳитга антропоген таъсир муаммосини ижобий ҳал қилиш мамлакатни иқтисодий сиёсати билан ижтимоий сиёсатини ҳамоҳанглигини тақазо қилади.

Яшил тармоқларни қўллаб-қувватлаш паст фоизли кредитлар, тўғридан-тўғри грантлар, экспорт кредитларини молиялаштириш, солиқ имтиёзлари, паст қийматга эга бўлган ер участкаларини субсидиялаш ва шу каби бошқа рағбатлантириш шакллари кўринишидаги инвестиция имтиёзлари орқали амалга оширилади. Кўпинча бундай қўллаб – қувватлаш ички ресурслардан фойдаланиш ёки технологияни тарқатиш, яъни ўз иқтисодиётинингички потенциалини мустаҳкамлашга йўналтирилган барча чоралар орқали амалга оширилади.

Атроф муҳит муаммосини халқаро жиҳати тўғрисида гап кетганда, айтиш керакки, бунда барча мамлакатлар бир хил кўрилади. Мамлакатлар даражаси ва ривожланиш босқичлари тўла ҳисобга олиниши, ривожланаётган мамлакатлар шароитлари ва устуворликлари эътиборга олиниши керак. Масъулиятни умумий принципларига риоя қилиш ва унда табақалаштирилганликни ҳам ҳисобга олиши зарур. Шундай қилиб, турли принциплар, сиёсат ва мақсадли кўрсаткичларни кўриб чиқишда улар (ривожланаётган мамлакатлар) имкониятларига мос келувчи алоҳида тартиб (режим) – имтиёзлар, юмшоқрок талаблар кўйиш, молиялаштириш ва технологияларда кўмак бериш мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг яна бир муаммоси баъзи бир ривожланган мамлакатлар ўзларининг компанияларига экологик хавфсиз технологиялар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини олиб бориш учун йирик субсидиялар тақдим қиладилар. Бу нарса ривожланаётган мамлакатларни ноқулай ахволга қўяди, чунки ривожланган мамлакатлар ўз субъектларига тақдим қиладиган субсидиялар даражасида субсидия бериш учун улар етарли даражада молиявий ресурсларга эга эмаслар. Субсидияларда адолатдан бўлмаган бу номувофиқлик ривожланаётган мамлакатлар ва уларнинг фирмаларини янада ёмон рақобат шароитига қўяди, агар улар экологик тарифларни пасайтиришларига тўғри келса.

Ўзбекистон иқтисодиётини “яшиллаштириш”га кўмаклашадиган асосий хусусияти Европа тажрибасига асосланиш ва Европанинг экологик-иқтисодий бирлашмалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликдир. Чунки уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган даражаси ва барпо қилинган иқтисодий потенциалда “яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг сабаблари куйидагиларда мужассамлашган:

1) Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан ЕИ мамлакатларида, эришилган юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий потенциал, табиийки, мос равишда атроф муҳит ресурсларидан, бошқаларга (ривожланаётган мамлакатларга) қараганда кўпроқ фойдаланиш ҳисобига эришилган. Шунга кўра, ҳозирда юзага келган табиий ресурсларни қувватсизланиши ва табиий шароитларни ёмонлашувида улар кўпроқ “айбдор”;

2) Ҳозиргача инсоният ўз ривожига асосий усул сифатида қўллаб келган тараққиётнинг анъанавий, яъни классик усули, бошқача қилиб айтганда, “жигарранг” иқтисодиётни “архитекторлари” айнан ривожланган мамлакатлардир. Тараққиётда пешқадам мамлакатлар табиатдан фақат олиш ва унга (табиатга) ташлаш йўналишида ривожланиб, кишилиқ жамияти учун мислсиз қулайликлар ва енгилликлар яратган ҳолда унда (табиатда) шаклланган мувозанатга путр етказиб, бузилишлар ва бошқа нохушликларга олиб келди. Шунинг учун келажакда ушбу йўлдан бориш табиат ҳолатида янада катта бузилишлар ва нохушликлар келтириб чиқариши аён бўлиб қолганлиги учун ривожланишни янги, табиатни бузмайдиган усули бўлган “яшил” иқтисодиётга ўтиш тақдир тақазосидир.

3) “Яшил” иқтисодиёт ривожланишнинг табиатни бузмайдиган замонавий усули сифатида анчагина харажат талаб қилади. Бу харажатларни амалга оширишга эса ривожланган мамлакатларни, ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, иқтисодий қудрати имкон яратади. Бунинг эвазига эса улар табиатга путр етказмаган ҳолда иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш имкониятини қўлга киритишлари мумкин.

4) “Яшил” иқтисодиётга ўтиш жамиятни барча қатламларини жипсий ҳаракатда бўлишлари билан боғлиқ. Бунда, албатта, давлат ҳокимияти органлари, биринчи навбатда олий қонунчилик ва ижроия органлари, етакчи роль ўйнаб, шу соҳада сиёсат йўналишини белгилаб беради. Масалани иккинчи, биринчисидан қолишмайдиган жиҳати, яъни “яшил” иқтисодиётга ўтишни бевосита ижро этиш асосан жойларда фаолият кўрсатаётган қуйи қатлам вакиллари билан боғлиқ. Бунда уларни таълим даражаси, тажрибаси, малакаси, фаоллиги жуда катта роль ўйнайди десак муболаға бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан ЕИ мамлакатларида, эса “қуйи”ни “юқори”га мослиги айнан таълим ва уни юксаклиги билан таъминланади. Бу эса ҳар қандай масалани, шу жумладан “яшил” иқтисодиётга ўтишнинг, ҳал қилишни асосларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4477/3867-сон).
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш. Х. Необходимость и приоритетные направления перехода к «Зеленой экономике» в Узбекистане. Тезисы докладов международной конференции. Ташкент, 20 апреля 2021.
3. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Тикланадиган энергия истеъмолнинг таркиби ва ривожланиш истиқболлари: халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар. «Иновацион иқтисодиёт: муаммо, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари» халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й. (1-қисм) Қарши ш.
4. Исаджанов А.А. “Яшил иқтисодиёт”: хусусиятлари ва ривожланиш омиллари. Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 1, 12-17 б.
5. Коданева С.И. От «Коричневой экономики» — к «Зелёной»: Российский и зарубежный опыт // Россия и современный мир. 2020. № 1(106). С. 46–66. Doi: 10.31249/rsm/2020.01.03.
6. Ҳамдамов Ш.Р. Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтишнинг муаммолари ва истиқболлари. Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 1, 29-34 б.
7. Зеленый фактор экономического роста в Узбекистане (проблемы и перспективы) “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali 1/2022, yanvar fevral (№ 00057).
8. <https://www.dw.com/ru/naskolko-vazhen-dlja-germanii-prirodnyj-gaz-statistika-i-novyj-prognoz/a-60037227>

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ш.Ш.Туйчиев, мустақил изланувчи, Тошкент давлат иқтисодий университетининг,
Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш борасидаги илмий қарашларни ва илгор хориж тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини (КБС) солиққа тортиш амалиётининг кичик бизнес субъектлари ривожланишига таъсири ўрганилди. Таҳлил натижалари КБСларни соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги аниқланди. Шу сабабдан КБСларни солиққа тортишда имтиёзли фойда солиғи асосида солиққа тортиш таклиф этилган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, солиққа тортиш, соддалаштирилган тартиб, ягона солиқ тоўлови.

Аннотация. В данной статье анализируются научные взгляды на налогообложение субъектов малого предпринимательства и передовой зарубежный опыт. Также было изучено влияние практики налогообложения субъектов малого предпринимательства (МСБ) на развитие субъектов малого предпринимательства в Узбекистане. По результатам анализа выявлено, что упрощенное налогообложение КБС сдерживает их развитие. По этой причине при налогообложении КБС предлагается налогообложение на основе льготного налога на прибыль.

Ключевые слова: малый бизнес, налогообложение, упрощенный порядок, единый налоговый платеж.

Abstract. This article analyzes scientific views on taxation of small business entities and advanced foreign experience. Also, the impact of the practice of taxation of small business entities (SBE) on the development of small business entities in Uzbekistan was studied. The results of the analysis revealed that the simplified taxation of KBS hinders their development. For this reason, in the taxation of KBS, taxation on the basis of preferential profit tax is proposed.

Key words: small business, taxation, simplified procedure, single tax payment.

Кириш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик фирмаларни қўллаб қувватлашга қаратилган иқтисодий ривожланиш стратегияси муваффақият қозониши даргумон ёки фақат юқори харажат эвазига муваффақият қозонади. Бир неча ўн йиллик давр давомида иқтисодий ўсишни халқаро танилаган компанияларни жалб қилишга қаратилган “мўри ортидан қутиш” (“Smokestack Chasing” кенг тарқалган амалиёт бўлиб, мамлакатлар томонидан бошқа бозорларга саёҳат қилиш ва йирик фирмаларни ўз мамлакатларига кўчиб ўтишса, имтиёзлар, жойлашув ва истеъдодлардан фойда олишларига ишонтириш исобланади.) деб номланувчи кенг тарқалган амалиёт асосида қуриш охир оқибат мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг йўқолишига, инновацион турғунликка ва иқтисодий мўрт бўлишига олиб келиши кузатилди [1].

Қолаверса, тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг инновацион қобилиятининг роли туфайли қўллаб кичик бизнес субъектларига қулай шароит яратиш бир ёки иккита йирик бизнесни ўзига жалб қилишдан кўра кўпроқ иш ўринларини яратиши мумкинлиги уларга нисбатан катта эътибор берилишига олиб келди [2]. Шу сабабдан кичик бизнес субъектлари учун қулай солиққа тортиш муҳитини яратиш долзарб ҳисобланади.

Материал ва методлар. Солиққа тортиш бизнес ҳаётининг асосини ташкил этади. Корхоналарни солиққа тортиш ставкаси ва усуллари иқтисодийда бизнесни бошлаш ва ёпиш мойиллигига таъсир қилади. Гарчи бу таъсирларнинг кўлами бўйича тадқиқотчилар турлича фикрда бўлсада, ҳар қандай бизнесга юқори солиқ солиш тадбиркорлик ва бизнес инвестицияларига салбий таъсир кўрсатади [3]. Бундан ташқари, Джанков ва бошқалар юқори солиқюки каттароқ норасмий сектор, субъектларни ўз маблағлари ҳисобига эмас кўпроқ

қарзлар ҳисобига молиялаштиришга қарам бўлиб қолишига ва айниқса, ишлаб чиқаришга инвестицияларни камайишига олиб келишини аниқлаган [4].

Хусусан, М. Васем [5] Покистонда шерикчилик фаолияти учун солиқларни оширувчи қонуннинг жорий этилиши компаниялар томонидан даромадлар камайтириб ҳисобот беришга, юридик шахс турини ўзгартиришга ёки оддийгина норасмий иқтисодиётга ўтишга қандай тўртки бўлганини аниқлаган. Ушбу истикболда, бизнес субъектларини қарорларини ўзгартиришга нафақат солиқ ставкалари ёки солиқ юки, балки улар қандай тартибда солиққа тортилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда кичик бизнес субъектларини солиққа тортишда икки масала сабабли эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим:

- кичик бизнес субъектлари йирик бизнес субъектларига нисбатан солиқларга таъсирчан бўлади;


- ва улар норасмий иқтисодиётга мойилроқ бўлади.

Ўрганишлар кичик бизнес субъектларини солиққа тортишда ҳар қандай тартибнинг ишлаб чиқилиши авваломбор биринчи навбатда солиққатортишнинг фундаментал принципларига путр етказмаган ҳолда қуйидаги икки муҳим муаммони ечишга қаратилиши зарурлигини кўрсатади:

Биринчидан, адолат ва тенглик принципларини ҳисобга олган ҳолда ва кичик бизнес субъектларини йириклашиш борасидаги қарорларини чеклашга олиб келмайдиган солиққа тортиш тартибини тўғри танлаш зарур.

Иккинчидан, кичик бизнес субъектлари сон жиҳатдан кўп лекин бюджетга солиқ тушуми бўйича кам даромадли эканлигини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортишнинг маржинал фойдасини ошириувчи самарали чегарани (микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш меъзони) тўғри белгилаш зарур [6].

Демак, юқоридаги кичик бизнес субъектларини (КБС) солиққа тортиш режимини лойиҳалашда, авваломбор тўғри солиқни танлаш ва ундан кейин солиққа тортишнинг маржинал фойдасини максималлаштирувчи меъзонларни белгилаш муҳим ҳисобланади. Зеро, фундаментал талабларга мос келмайдиган солиқлар асосида солиққа тортиш режими ва унга ўтиш меъзонларини белгилаш домий ямашни талаб этадиган ва ҳеч қачон бартараф этиб бўлмайдиган тирқишларни юзага келтиради.



1-расм. Содалаштирилган махсус солиқ режимларининг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу истикболда, КБСларини солиққа тортиш бўйича амалиётда асосан 2 хил турлардаги солиқ режимлари мавжуд бўлиб, улар

1) Содалаштирилган махсус солиқ режимлари (СМСР). Бу тартиб тадбиркорлик субъектларига ўзларининг солиқ мажбуриятларини фойдага нисбатан эмас балки бошқа молиявий ёки номолиявий кўрсаткичлар (масалан, айланма, капитал активлар, бандлик, электр энергияси истеъмоли, турар жой майдони) асосида ҳисоблаш имконини беради. Айламадан солиқ, ягона солиқ шулар жумласидандир.

2) Енгиллаштирилган умумий тартиб (Small Business Tax Rates). Бунда КБСлари солиқ мажбуриятларини “кичик бизнес солиқ ставкаси” (КБСС) деб аталадиган корпоратив фойда солиғининг имтиёзли (пасайтирилган) ставкаси асосида ҳисоблаш ва тўлаш имконияти берилди. Ушбу тартиб асосан юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар қўллашга тадбиқ этилади.

Аммо, сўнги йилларда мамлакатларда бизнес амалиёти ва кўникмасининг ривожланиши билан СМСПлари механизмидаги тирқишлар яққол кўринишни бошлади. Адабиётларда ушбу режимнинг куйидаги камчиликлари алоҳида ажратиб кўрсатилади (1-расмга қаранг).

2000 йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам кичик бизнеснинг нафақат иқтисодий ривожланишдаги ўрни балки муҳим бюджет даромад манбаи эканлиги тан олинган ҳолда уларни ривожлантиришга ва расмий иқтисодиётда фаолият юритишини таъминлашга қаратилган солиқ ислохотлари амалга оширилди. Аммо, ўша даврда ҳеч қандай фундаментал иқтисодий ва солиқ тамойилларига асосланмаган ва илмий асосга эга бўлмаган тартибсиз турли хил солиққа тортиш тартиблари жорий этила бошланди. Оқибатда, бугунги кунга қадар пойдевори нотўғри лойихланган солиққа тортиш тартиби доимий ўзгаришларга маҳкум бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида аслида кичик бизнес субъектларини расмий фаолият юритишини рағбатлантиришга қаратилган солиққа тортишнинг “соддалаштирилган” тартиби Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт даражасини ЯИМнинг 50 фоизга тенг улушига қадар кенгайишига олиб келди [7]. Бу ўз навбатида мавжуд солиқ режимининг ва бошқа солиқ омилларининг КБСлар ривожланишига таъсирини ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

Таҳлил 2000-2021-йилларни қамраб олган бўлиб, асосий тобеъ кўрсаткич сифатида кичик кичик тадбиркорлик субъектларнинг ЯИМдаги улушидан фойдаландик. Бу кўрсаткич кичик бизнеснинг умумий ривожланиши ва умуман иқтисодиётдаги аҳамиятини акс эттиради.

Ихтиёрий ўзгарувчилар сифатида айланмадан солиқнинг (2020 йилга қадар ягона солиқ тўлови) ўртача ставкаси, иқтисодиётдаги умумий солиқ юки, солиқ комплаенс харажати, солиқ сиёсати ислохотлари (уичик бизнесни солиққа тортиш тартиби ўзгаришидан олдинги давр 0 ва ислохотдан кейинги давр 1 орқали белгиланди) олинди. Ушбу кўрсаткичлар амалда бўлиб келаётган солиқ сиёсати ва солиққа оид бўлмаган омилларнинг кичик тадбиркорликни ривожланишига таъсир ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Асосий мкатематик модел тенгламамиз куйидаги хусусиятлардан иборат:

$$Y_t = \alpha + \beta X_t + \varepsilon_t$$

бу ерда Y - кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улушини, X ихтиёрий ўзгарувчилар (регрессорлар) тўпламини; t вақт бирлигини; α ва ε_t мос равишда констант миқдор (*intercept*) ва стандарт хатоликни; ва β - қияликни (коэффициент) ифодалайди.

1-жадвал

Регрессия натижалари		
Тобъе ўзгарувчи: $SMEs (\% GDP)_t$	OLS ^(robust)	
	Тенлама (1)	¹ Std.Err
$SMEs (\% ЯИМ)_{t-1}$	-	-
TR_t	-2.842**	(0.430)
TB_t	-3.093***	(0.526)
CSB_t	-0.378	(0.393)
TCC_t	-0.008*	(0.088)
TPR_t (<i>Dummy</i>)	-1.051**	(2.903)
Констант миқдор	146.221***	(11.434)
Кузатувлар сони	22	
R-квадрат (R^2)	0.968	
F-статистикаси	91.18***	

Аҳамиятлилилик даражаси: *** $p < 0.01$ (99%), ** $p < 0.05$ (95%), * $p < 0.1$ (90%)

¹Robust спецификацияси. Ҳетероскедастиклик муаммосини баргараф этиш учун.

Манба: Муаллиф толмонидан STATA дастурида ҳисобланди.

Натижалар. Ихтиёрий ўзгарувчиларнинг индивидуал таъсири таҳлил қиладиган бўлсак, жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кичик бизнесни ($SMEs$) ривожланишига

танланган ўзгарувчиларнинг таъсири бизнесни болаш харажатларидан (CSB) ташқари барча омилларнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди.

Мунозаралар. 1-жадвал тенгламасида ҳетероскедастикликни назорат қилиш учун “robust” спесификацияга эга OLS моделнинг регрессия натижалари келтирилган. Унга асосан кичик бизнес учун айланма солиқ ўртача ставкасининг 1 фоизга оширилиши кичик ва ўрта корхоналарнинг ЯИМдаги улушини 2.842 фоизга камайишига олиб келиши аниқланди. Худди шунингдек, иқтисодийдаги умумий солиқ юқининг 1 фоизга ошиши кичик бизнеснинг ЯИМга кўшадиган ҳиссасини 3.093 фоизга камайириши мумкинлигини кўрсатди.

Кутганимиздек, солиқ сиёсатидаги ислоҳотлар кичик бизнес субъектлари ривожланиши билан салбий корреляцияга эга бўлиб, натижалар статистик жиҳатдан 0.05 (95 фоиз) даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатди. OLS модели натижасига асосан кичик бизнесни солиққа тортишнинг амалдаги тартибининг яна бир йил сақланиб қолиниши, яъни мавжуд солиққа тортиш сиёсати остида кичик бизнеснинг яна бир йил ишлаши уларнинг ЯИМдаги улушини 1.051 фоизга пасайишига олиб келиши мумкинлигини аниқлатади.

Хулоса. Юқоридаги таҳлил маълумотлари кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш меъзони ва тартибини қайта кўриб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади. Бунда хорижий ривожланмаган маълакатларнинг тажрибасидан андоза олган ҳолда бизнес субъектларини кичик, ўрта ва майда бизнес субъектларига классификация қилишнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий шароити ва бизнес юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда, солиққа тортиш мақсадида кичик бизнесни аниқлашнинг фақатгина йиллик товар айланмаси бўйича чегарадан ташқари, қшимча равишда ишчилар сони ва капитал қиймати чегарсини ҳам жорий этиш лозим. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини солиққа тортишда соддалаштирилган тартибдан воз кечиб имтиёзли ставкада фойда солиғига тортиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bossert, W., Weymark, J. A., 2004. Utility in social choice. In: Barber`a, S., Hammond, P. J., Seidl, C. (Eds.), Handbook of Utility Theory. Volume 2: Extensions. Kluwer Academic Publishers, Boston, pp. 1099–1177.
2. Black, Dan & Chandra, Amitabh. (1996). Chasing Smokestacks: An Analysis of Economic Development Incentives. Kentucky Annual Economic Report. 14.
3. Hassett K. and G. Hubbard, 2002, “Tax policy and business investment,” In Auerbach A. and Feldstein M. (eds.), Handbook of Public Economics, Vol. III, 1293-1343, North-Holland, Amsterdam.
4. Djankov S., Ganser T., McLiesh C., Ramalho R. And Shleifer A., 2010, "The effect of corporate taxes on investment and entrepreneurship," American Economic Journal: Macroeconomics, American Economic Association, vol. 2(3), 31-64.
5. Waseem M., 2018, "Taxes, informality and income shifting: Evidence from a recent Pakistani tax reform", Journal of Public Economics, Volume 157, Pages 41-77.
6. Islambek Niyazmetov, 2018. "Study on Causes of Taxation System's Inefficiency: Evidence from Uzbekistan," International Journal of Management Science and Business Administration, Inovatus Services Ltd., vol. 4(3), pages 60-72, March.
7. Программа развития Организации Объединённых. Наций Теневая экономика в Узбекистане: причины, масштабы и пути сокращения. Аналитический доклад. ПРООН, 2018 (www.undp.org).

УЎК 330.322(075.8)

ЎЗБЕКИСТОНДА КАПИТАЛ БОЗОР ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Э.К. Тўйчиев, магистрант, Тошкент давлат иқтисодий университетини, Тошкент

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда капитал бозор фаолияти орқали инвестицияни жалб қилиш механизми ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича сўз юритилган. Капитал бозоридан инвестицияни жалб қилишдаги муаммоларга оид назарий тадқиқотлар, соҳа олимларнинг илмий ишларидаги фикр-мулоҳазалари кенг ёритилган. Тадқиқот натижаларига кўра тадқиқотчининг таклиф ва тавсиялари берилган.

Калим сўзлар. капитал бозор, инвестиция, механизм, инвестиция лойиҳаси, инвестиция муҳити, иқтисодий самарадорлик.

Аннотация. В статье обсуждается механизм привлечения инвестиций через рынок операций в Узбекистане и повышение его эффективности. Теоретическое исследование проблем привлечения инвестиций на рынок капитала широко распространено с их взглядами в исследовательской работе ученых. Согласно результатам исследования, были даны предложения и рекомендации исследователя.

Ключевые слова. Рынок капитала, инвестиции, механизм, инвестиционный проект, инвестиционный климат, экономическая эффективность.

Abstract. The article discusses the mechanism of attracting investment through the operation market in Uzbekistan and increasing its efficiency. The theoretical research on the problems of attracting investment in the capital market is widely covered with their views in the research work of scientists. According to the results of the study, the researcher's suggestions and recommendations were given.

Keywords. Capital market, investment, mechanism, investment project, investment climate, economic efficiency.

Иқтисодий амалиётда “инвестиция” атамаси қонун чиқаришда, илмий адабиётларда ҳар хил турдаги лойиҳаларни тайёрлашда, бизнес-режаларда ва бошқаларда кенг ишлатилади. “Иқтисодий ва молиявий изохли луғат”да “инвестиция” сўзи “капитал”, “капитал қўйилмалар”, “капитал маблағлар” тушунчалари тарзида баён қилинган, яъни инвестицияларни бозор субъектлари фаолияти учун зарур бўлган асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талқин этади (Бернер ва Колли, 1994). “Инвестициялар капитални узок муддатли қўйилмалар тарикасида саноатга, қишлоқ хўжалигига, транспортга ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради”(словарь, 1984). Шарп (2000) ўзининг “Инвестиция” дарслигида “Инвестициялар келгуси қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир”, деб таърифлайди. Олим “Инвестициялаш” атамасини қуйидагича шарҳлайди: “келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир” ва “реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин” деб ҳисоблайди[1:366]. Ўзбекистонда капитал бозор орқали инвестицияни жалб қилиш механизми соҳа олимлари томонидан узок йиллар давомида назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб келинган. Аммо, мазкур механизмни бир маромда ушлаб туришнинг иложи йўқ. У бозор талаби ва эҳтиёжларига қараб ўзгариб бораверади. Инвестицияни жалб қилиш аввало, бозор муҳитини тўғри таҳлил қила олиш билан белгиланади. Тўғридан-тўғри чет эл Ўзбекистон Республикаси инвестиция муҳити ва инвестиция ресурслари ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, корхонанинг хусусий инвестиция ресурслари капитал ва молиявий маблағларнинг етакчи молиялаштириш манбаи экан, демак, уларнинг чекланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозирги вақтда корхона учун бош вазифа – қўшимча равишда ҳамда ўз инвестиция эҳтиёжларини молиялаштириш мақсадларида четдан инвесторларни жалб этиш муаммосининг ечимини топишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Инвестициясини жалб этиш Ўзбекистон саноат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициясининг муҳимлиги нафақат унинг миллий жамғармалар даражасидан юқори бўлган инвестицияларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш имкониятлари билан белгиланади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси кириб келишининг аҳамиятга молик асосларидан яна бири технологик жиҳозларни, бошқарувнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усуларини олиб кириш, жаҳонга машҳур компанияларнинг савдо маркаларидан, ноу-хаулардан фойдаланиш имкониятлари, маҳсулотлар экспортини янада кенгайтириш мақсадида трансмиллий компанияларнинг жаҳон бозорларига чиқиш йўллари эга бўлиш ва бошқа шу кабиларни ҳам санаб ўтиш мумкин[2:30]. Ўзбекистонда капитал бозор орқали инвестицияни жалб қилиш механизмида шу кунга қадар бир қатор камчиликлар мавжуд эди. 2021 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6207-сон фармонида соҳадаги мавжуд камчиликлар дея қўйидагиларни алоҳида эътироф этади. Бугунги кунда капитал бозорини

янада ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва фонд бозори ликвидлигини оширишни рағбатлантириш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар ва камчиликлар мавжуд, жумладан:

капитал бозорини ривожлантириш соҳасида давлатнинг стратегик режалаштириш тизими мавжуд эмас;

фонд бозорида амалга оширилаётган битимларнинг юқори қисми (биржадаги ҳажмларнинг 70 фоизидан ортиғи) давлат иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда;

қимматли қоғозлар бозорининг ликвидлиги паст, давлат қимматли қоғозлари иккиламчи бозорини ривожлантириш зарурияти мавжуд, амалиётга жорий этилган молиявий маҳсулотлар турлари етарли эмас, давлат акция пакетлари “битта акция битта лот” тамойили асосида сотилмайди ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлар бозорида маблағ жалб қилишга бўлган қизиқиши паст;

капитал бозорига узок муддатли молиявий ресурсларга эга йирик институционал инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар сушт олиб борилмоқда;

бозор инфратузилмаси замонавий ахборот-коммуникация тизимлари билан етарли даражада таъминланмаган, шунингдек, ушбу соҳада маҳаллий тизимларнинг имкониятларидан самарасиз фойдаланилмоқда;

минтақавий даражада капитал бозори инфратузилмаси мутлақо ривожланмаган;

капитал бозори соҳасида бозор капиталлашувини ошириш чораларини фаол равишда илгари суриш ва амалга оширишга имкон берадиган юқори малакали мутахассислар етишмайди;

соҳани номутаносиб тартибга солишни назарда тутувчи ҳамда замонавий бозор талабларига ва халқаро стандартларга жавоб бермайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар кўп;

корпоратив муносабатлар замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилмаган[3:1].

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш молия-банк тизими, айниқса капитал бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини оширишни тақозо этади. Шу сабабли, капитални жалб қилиш корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида капитал бозорини ривожлантириш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Ушбу вазифаларни тўлақонли бажариш, капитал бозорини жадал ривожланишини таъминлаш, инвестицияларни жалб қилишнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида, дастлабки босқичи сифатида жаҳон давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сонли фармонида асосан мустақил давлат органи – Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди.

Унинг асосий вазифалари этиб, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш белгиланди. Ушбу фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сонли қарори қабул қилиниб, мамлакатимиздаги қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ягона давлат органи капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Капитал бозорини ривожлантириш агентли ўз олдига мамлакатимиз капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадини кўйди ва ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантиришнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган Стратегиясини лойиҳаси тайёрланган бўлиб, инвестиция фондларининг жозибдорлигини оширишда мамлакатимиздаги 9 та инвестиция фондларини фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этиш талабини бекор қилиш тартибини белгилаш лозимлиги назарда тутилган. Бугунги кунда

мамлакатимиз капитал бозорида 9 та инвестиция фонди ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда[4:13].

Ҳақиқатан, Ўзбекистонда капитал бозор орқали инвестицияларни жалб қилишда юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мазкур механизм самарадорлигини оширишга сабаб бўлади. Бунда инвестиция муҳитининг ўрни ва аҳамияти ғоятда юқори ҳисобланади. Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллар йиғиндиси. Инвестиция муҳити мажмуали, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга.

Инвестиция муҳити инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлилигини таъминлаб беради. “Инвестиция муҳити деганда мамлакат иқтисодиёти ва унинг маълум бир ҳудудига киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади”. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибдорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади[5:297]. Биз капитал бозорга инвестиция муҳитини яхшилаган хориж тажрибасини илмий манбалардан ўрганиб чиққанимизда капитал бозорнинг инвестиция муҳитига қўйидаги омилларнинг таъсири борлигини аниқладик.

“Фудань” (Шанхай, Хитой) ва Айова (АҚШ) университетлари Хитой Халқ Республикасининг ЭИҲларига ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлари амалга ошираётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мотивларини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказишган. Маълумотлар шуни кўрсатадики, барча хорижий мамлакатларда мотивлар ичида биринчи ўринни олган омил юқори ички бозорга, юқори иқтисодий ўсиш суръати ва барқарор ички ижтимоий-сиёсий ҳолатга эга бўлган ХХР каби мамлакат билан халқаро ҳамкорлик қилишнинг умумий истиқболлари эгаллаган. Иккинчи ўринни эса, ривожланган мамлакатлар нуқтаи назаридан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича ассортимент кам, ҳажми эса етарли бўлмаган, аммо миллиард аҳолига эга бўлган мамлакатнинг ички бозори. Учинчи ўринни – малакаси ва маълумот даражаси пастроқ, аммо интизомли ва меҳнатсевар халқи бор, арзон ишчи кучига эга бўлган мамлакатлар эгаллаган. Бундан кейинги ўринда:

- хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлган солиқ имтиёзининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш кучларининг бозорларга яқинлиги;
- бой ҳом ашё салоҳиятига эгаллиги;
- жиноятчиликнинг паст даражаси;
- ЭИҲларга кириш-чиқишдаги қаттиқ интизом;
- капитал қабул қилувчи давлат билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатилгани;
- корпорациянинг умумий стратегиясини давом эттиришнинг имконияти;
- экспорт базаси;
- малакали ходимларнинг мавжудлиги;
- маҳаллий ҳом ашёдан фойдаланиш имконияти;
- мамлакатдаги бошқарувчиларнинг либераллиги;
- арзон ижара ҳақи[6:84].

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “бизнинг иқтисодий стратегиямиз иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган”. “Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 10 йилда ЯИМнинг камида 25 фоизини ташкил этиши учун зарур шароит яратамиз” – деб келтириб ўтиб, истиқболда инвестицион сиёсатнинг устувор йўналиши тўғридан – тўғри инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан бир қаторда, ички инвестициялар

ҳажмини оширишга қаратилиши зарурлигига эътибор қаратганлар. Бунинг муҳим ижобий ижтимоий натижаси ишчи ўринларини яратилиши ва ишсизликнинг пасайиши, аҳоли даромадларининг ошиши ҳамда турмуш даражасининг ортишидир[7:67]. Тадқиқот натижалари курсатганидек, умуммиллий ва минтакавий микёсда меҳнат бозори динамикасини урганиш ва прогнозлаштириш мақсадлари кулами бугун анча кенгайди. Мамлакатнинг модернизацияси катта ва манзилли инвестицияларни талаб қилади. Меҳнат бозори прогнозларининг роли мамлакат инсон капиталини ривожлантириш бўйича инвестициявий ечимларни ахборотлар билан таъминлашдан иборат [8:20].

Иқтисодийни ривожлантириш ва капитал бозори фаолиятини яхшилашда институционал инвесторлар фаолиятини тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади. Капитал бозорини тартибга солиш бўйича хорижий олимлардан И.Атияс ва Ҳ.Эрселлар тадқиқотлар ўтказган бўлиб, уларнинг фикрича, ҳукумат томонидан тартибга солишнинг “икспост” ва “иксанте” шакллари мавжуд. Р.Франсиони, Ж.Фрейз ва А.Ҳекмейстерларнинг таъкидлашларича, молия бозорини, хусусан, унинг таркибий қисми сифатида капитал бозорини тартибга солишнинг асосий мақсади молиявий барқарорликни таъминлашдир.

Фикримизча, капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятини тартибга солишда тартибга солиш механизмларини аниқлаб олиш, шунингдек, капитал бозори инфратузилмасини яхшилаш лозим[9:35]. Инвестицион фаолият қачонки инвестицион жараёнда иштирокчиларини барча муносабатларини бошқариш механизми ва шунга мос инфраструктура(молиявий тизими)ни шарт-шароитлари ташкил этилгандагина бу кутган натижага олиб боради. Умуҳамаиятли корхоналарни фаолияти қандай бўлмасин маълум тартиб ва қоидаларни танлашни тартибга солишни заруратга айлантиради[10:64].

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Хорижий инвесторлар нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун муҳим ва биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади. Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодийга энг янги жаҳон фан-техника ютуқлари, технологиялари кириб келиши учун муҳим йўналиш сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларинининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради[11:28]. Ўзбекистонда капитал бозор фаолияти орқали инвестицияни жалб қилиш механизми ва унинг самарадорлигини ошириш бевосита инвестиция муҳити ва инвесторларга яратилган шарт-шароитларга ҳам боғлиқ бўлади. Бунинг учун капитал бозорда инвестицияни жалб қилиш учун барча ишлар қонуний жиҳатдан тўғри йўлга қўйилган бўлиши шарт. Мазкур механизмнинг самарадорлигини ошириш учун маҳаллий тадбиркорларнинг хорижлик инвесторларни ўз ишларига жалб қилишида амалий ёрдам бериш, истиқболли лойиҳаларни руёбга чиқариш учун зарурий инвестиция муҳити яратилиши керак.

Шу билан бирга капитал бозор фаолияти орқали инвестицияни жалб қилиш механизми ва унинг самарадорлиги иқтисодий барқарорликни ҳам талаб қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хусанов Д. Мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари// жур. Логистика ва иқтисодий №5. – Тошкент. 2021. 396 бет.
2. Ахмедиева А. Мусабеков У. Современное состояние привлечения прямых иностранных инвестиций в промышленность республики узбекистан. //конф. «инновационное развитие промышленных предприятий: теория и практика». АДУ. 2020. 530 ст.
3. 2021 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6207-сон фармони. Манба: www.lex.uz
4. Исмаилов Б. Табрик сўзи. Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришда инвестиция фондларининг жозибдорлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференция илмий мақола ва тезислари тўплами (2020 йил 29 апрел). – Т.: ТДИУ, 2020. – 634 бет.
5. Умрзоқов Х. Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг уқларини ҳимоя қилиш: муаммолар ва ечимлар// конф. Корпоратив ва лойиҳа бошқаруви: жорий ҳолат, муаммолар ва замонавий механизмлари. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2021.– 452 б.

6. Мустафакулов Ш. Инвестицион жозибаторликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. - Тошкент: Маънавият, 2021, 352 б.
7. Ш.Р.Джуманиязов Ш., Сиддиқов А., Эрназаров Ғ., Жумаев Қ., Суннатов М., Умаров Ф. Иқтисодий-статистик таҳлил ва эконометрик моделлаштириш. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси хузуридаги кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти. 2022. – 409 бет.
8. Таиров С. Инсон капиталини шакллантириш ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозорини такомиллаштиришдаги роли. Автореферат. – Тошкент, 2020. Манба: www.ziyounet.uz, - 60 бет.
9. Омонов С. Капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятини тартибга солишнинг хориж тажрибаси.// Иқтисод ва молия. – Тошкент: 2021, №8 (33-38)
10. Каримов Н., ва Хожиматов Р. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш. –Тошкент: ТДИУ, 2011. – 801 бет.
11. Алимарданов И. Солиқ имтиёзларининг инвестиция муҳитини яхшилашдаги роли. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши. Илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. (2016 йил 25 ноябр).-Т.: ТДИУ, 2016. - 684 б. (28-29).

УЎК 338.48

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

О.Н.Хаитов, тадқиқотчи, Самарқанд Давлат Университети, Самарқанд

Аннотация. Туризм салоҳияти юқори бўлган ва туризмни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор вазифаси сифатида белгилайдиган ҳудудлар учун рекреация ва туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Калим сўзлар: инновацион фаолиятни бошқариш, туризм салоҳияти, туризм соҳаси, туристик маҳсулот, рекреация ва туризм соҳаси.

Аннотация. Активизировать инновационную деятельность в сфере рекреации и туризма целесообразно для регионов, обладающих высоким туристским потенциалом и определяющих туризм как главную приоритетную задачу социально-экономического развития.

Ключевые слова: управление инновационной деятельностью, туристский потенциал, сектор туризма, турпродукт, индустрия отдыха и туризма.

Abstract. It is advisable to intensify innovative activity in the field of recreation and tourism for regions with high tourism potential and defining tourism as the main priority for socio-economic development.

Key words: innovation management, tourism potential, tourism industry, tourism product, leisure and tourism industry.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиши, биринчи навбатда, миллий иқтисодиётнинг анъанавий тармоқларига асосланган. БУ борада хизмат кўрсатиш соҳаасида саноат тармоқлари мавжудлиги шубҳасиз, инновацион ривожланишининг юқори даражасидир. Бу бозорни такомиллаштириш ва радикал технологияларни таклиф қилувчи ўз тадқиқот базасига эга саноат тармоқларидир.[1]

Мамлакатимиз ҳудудида инновацион фаолиятнинг ўсиши, биринчи навбатда, инновацияларни диверсификация қилиш, саноат ишлаб чиқаришини модернизация қилишдан хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацияларни жорий этишга эътибор қаратиш билан боғлиқ ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, туризм салоҳияти юқори бўлган ва туризмни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг биринчи устувор вазифаси сифатида белгилайдиган ҳудудлар учун рекреация ва туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, туризм бизнесининг кичик ва ўрта корхоналари ресурсларининг чекланганлиги сабабли, маълум бир ҳудудда инновацион фаолиятнинг ўсиши давлат органлари томонидан бундай фаолиятни бошқариш сифатига бевосита боғлиқ.

Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Ушбу фаолият доирасида биз «туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш»нинг моҳиятини, шунингдек, бундай бошқарувни амалга ошириш усуллари ва воситаларини таҳлил қиламиз.

Маҳаллий илмий адабиётларда «инновацион фаолиятни бошқариш» тушунчасининг моҳияти тўғрисида кам тадқиқотлар олиб борилган. Шу муносабат билан, ушбу тадқиқотимизни «инновацион фаолиятни бошқариш» ва «инновацион менежмент» тушунчаларини «инновацион фаолиятни бошқариш» билан бир қаторда кўриб чиқишни мақсад қилдик.

Бу борада МДХ олимлари инновацион фаолиятни бошқариш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борган ва ўз фикрларини билдириб ўтган. Булар, А.Е.Абрамешина, Т.П.Воронина, О.П.Молчанова, Е.А.Тихонова, Ю.В.Шленов инновацион фаолиятни бошқаришни янги ғояларни амалий амалга оширишда кечикишларга олиб келадиган тўсиқларни енгиб ўтиш, бозорга янги маҳсулотлар ва хизматлар билан тезкор кириш натижасида рақобатбардош устунликка эришиш ва сақлаб қолиш деб изоҳлайди.[2]

А.А.Семенова ва И.Л.Марушчак инновацион менежментни инновацион фаолият ва инновацион жараёнларни бошқариш усуллари, тамойиллари, шакллари, шунингдек ушбу фаолият билан шуғулланадиганлар - ташкилий тузилмалар ва ходимларнинг комбинацияси сифатида изоҳлайдилар.[3]

В.А.Варенникова инновацион фаолиятни бошқаришни қуйидагича белгилайди: ишлаб чиқариш тузилмаларининг инновацион жозибадорлиги ва инновацион барқарорлигини оширишга қаратилган инновацион фаолиятни ўзгартириш динамикасини, инновацион потенциалдан фойдаланиш даражасини ва инновацион инфратузилмани ривожлантиришни оптималлаштиришга қаратилган муайян бошқарув жараёнлари ва усуллари.[4]

Ушбу асар муаллифининг сўзларига кўра, юқоридагилардан ташқари, давлатнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги муҳим ролини таъкидлаш лозим: давлат томонидан тартибга солиш сиёсати мамлакатнинг илмий ва техник салоҳиятини сақлаб қолиш ва сафарбар этишга қаратилган бўлиши керак.

«Инновацион фаолиятни бошқариш» тушунчасини аниқлашга ёндашувларни умумлаштириш натижасида муаллифларнинг аксарияти функционал ва фаолият ёндашувларига риоя қилишлари аниқланди. Биз ушбу тоифани аниқлашга тизимли ёндашувни таклиф этамиз: туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш туризм соҳасида кенг кўламли янгиликларни яратиш, ривожлантириш ва тарқатишни рағбатлантириш учун туризм саноатини бошқариш органлари томонидан қўлланиладиган усул ва воситалар тизимидир.

В.А.Молчанова туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқаришнинг билвосита усули сифатида инновацияларни рағбатлантиришнинг горизонтал сиёсатини ёки ахборот-ташкилий идоралараро фаолиятни кўриб чиқади, унинг моҳияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида стратегик режалаштиришнинг мақсад ва вазибаларини боғлашдир. Туризмда инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг бошқа билвосита усуллари орасида инновацион фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек инновацион сиёсат, инновацион давлат статистикаси ва илмий ёндашувни бирлаштириш киради.[4] Муаллиф тўғридан-тўғри усулларга молиявий ёрдам ва солиқ имтиёзларини киритади.

А.В.Карпенко инновацион фаолиятни бошқариш усуллариининг қуйидаги таснифини беради.[5]

- молиявий (кредитлар ,грантлар, субсидиялар, давлат буюртмалари ва бошқалар);
- фискал (солиқ имтиёзлари ва бошқалар);
- институционал (сертификатлаш, стандартлаштириш, маълумотлар базалари, патентлаш);
- тартибга солиш (меъёрий ва услубий таъминот, инновацион фаолиятни инфратузилма билан таъминлаш).

В.А.Варенникова корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш усуллариини уч гуруҳга ажратади: стратегик бошқарув усуллари, дастурий таъминотни мақсадли бошқариш усуллари ва индикатив бошқарув усуллари.[4]

Шундай қилиб, инновацион фаолиятни бошқариш усуллариини гуруҳлашга ёндашувларни умумлаштириш натижасида қуйидаги ёндашувлар гуруҳлари аниқланди:

- 1) таъсир даражаси бўйича (тўғридан-тўғри, билвосита),
- 2) таъсир объекти бўйича (ресурслар, жараёнлар, билимларни бошқариш),
- 3) таъсир тури бўйича (молиявий, фискал, норматив-ҳуқуқий ва бошқалар).

Бошқарувнинг максимал самарадорлигига эришиш учун ташкилот олдида турган вазифалар асосида усулдан фойдаланиш тавсия этилади ва бир вақтнинг ўзида бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин.

Биз мавжуд ёндашувларни туризм соҳасига нисбатан инновацион фаолиятни бошқариш усулларини гуруҳлашга мослаштиришни таклиф қиламиз. Бунинг учун биз инновацион фаолиятни бошқаришнинг мавжуд усулларини умумлаштирдик ва уларни туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш вазифалари ҳамда бошқарув функциялари бўйича гуруҳладик.

Бу ҳолда менежмент субъекти туризм соҳасини ривожлантиришни тартибга солувчи давлат органлари, шунингдек, минтақадаги тадбиркорлар бирлашмалари ёки туризм кластерининг бошқарув компанияси ҳисобланади.

Туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш вазифалари синергия турларига қараб гуруҳланган:[6]

- ресурслардан самарали фойдаланиш даражасига эришиш, шу жумладан: ишчи кучи, инфратузилма, таълим хизматлари, транспорт хизматлари, табиий ресурслар, тарих ва архитектура ёдгорликлари, алоқа воситалари, ишлаб чиқариш объектлари, илмий ишланмалар (ресурс синергияси);

- кўшма тадбирларни ташкил этиш, инновацион жараённи жадаллаштириш, маркетинг ҳаракатларини бирлаштириш (тизимли синергия) орқали халқаро бозорда туристик маҳсулот ёки ҳудуднинг мавқеини мустаҳкамлаш;

- туризм соҳасидаги корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, шу жумладан транзакцион харажатларни камайтириш, давлат ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш, бизнеснинг янги турларини яратиш (комплекс синергия);

- рақобат ва ҳамкорликда намоён бўладиган туризм соҳаси иштирокчиларининг горизонтал ва вертикал ўзаро таъсирини кучайтириш (рақобат синергияси).

Туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш усулларини бошқарув функциялари бўйича тақсимлаш турли бошқарув субъектларининг функцияларини такрорлашдан қочади. Ҳудудий даражада режалаштириш функцияси барча бошқарув вазифалари учун амалга оширилади ва минтақавий туризм саноатининг қарашлари, вазифалари, узоқ муддатли мақсадлари, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда намоён бўлади – стратегик режалаштириш, йўналишлар бўйича ривожланиш режалари ва дастурлари – тезкор режалаштириш, ушбу ҳужжатларни туризм соҳаси ва тегишли соҳаларнинг мақсадли гуруҳлари билан мувофиқлаштириш. Ташкилотнинг вазифаси бошқарув вазифаларини амалга ошириш доирасида туризм соҳаси иштирокчиларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади; бундай фаолиятнинг йўналишлари ва механизмлари туризмни ривожлантириш стратегиясида белгиланиши керак. Мотивация функцияси инновацион жараён иштирокчиларига маълум хизматларни тақдим этишда намоён бўлади, бу уларнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган қизиқишини оширади. Назорат функцияси инновацион фаолиятни бошқариш субъекти ва маълум бир минтақанинг инновацион фаолияти самарадорлигини кузатиш ва баҳолашни ўз ичига олади.

1-жадвалда муаллифларининг инновацион фаолиятни бошқариш усулларини аниқлашга ёндашувларини умумлаштириш натижасида шакланган рекреация ва туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш усулларининг вазифалари ва функциялари бўйича икки ўлчовли таснифи келтирилган.

Ишлаб чиқилган таснифнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- савдо йўллари диверсификация қилиш, максимал иқтисодий самарадорликка эришиш, харажатларни камайтириш, рақобатбардош устунликларни ошириш, хатарларни минималлаштириш, минтақа имиджини мувофиқлаштириш ва яхшилашда намоён бўладиган

инновацион фаолият иштирокчиларининг ўзаро таъсиридан комплекс синергетик таъсирга эришиш имконияти;

- бошқарув субъектларининг инновацион фаолиятни бошқариш хусусиятларини яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган иштирокчилар фаолиятини ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш усулларига ажратиш натижасида инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган кизиқишини ошириш;

- туризм соҳаси объектлари ва субъектларининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берадиган ҳар бир бошқарув усулини амалга ошириш даражасини баҳолаш орқали инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиш имконияти.

1-жадвал

Туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқариш усулларининг таснифи
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

ФУНКЦИЯ	БОШҚАРИШ ВАЗИФАСИ			
	Ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш	Халқаро бозорда позицияни мустаҳкамлаш	Туризм саноатининг рақобатбардошлигини ошириш	Туриндустрия иштирокчиларининг ўзаро таъсирини кучайтириш
Режалаштириш	Туризм саноатини ривожлантириш стратегияси, режалари ва дастурларини шакллантириш ва инновацион фаолликни ошириш ва уларни мақсадли гуруҳлар билан мувофиқлаштириш			
Ташкилот	Кўшма илмий ишланмаларни ташкил этиш туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш технологияларни узатиш ресурсларни тақсимлашни ташкил этиш	Инновацион жараёни жадаллаштириш халқаро бозорда туристик маҳсулотларни тарғиб қилишни ташкил этиш туризм соҳасида сифат тизимини шакллантириш	Инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишларни ташкил этиш рақобат муҳитини шакллантириш туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил этиш транзаксия харажатларини камайтириш бўйича биргаликда ишлаш	Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларни яратиш кўшма лойиҳаларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш барқарор ташқи алоқаларни ўрнатиш
Мотивация	Кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш ягона ахборот маконини яратиш инновацион тадбирларни молиялаштиришни ташкил этиш	Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш туристик маҳсулот имиджини шакллантириш ва тарғиб қилиш иштирок этишни ташкил этиш ва халқаро кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ахборот сиёсатини амалга ошириш	Инновацион ташаббусларни кўллаб-қувватлаш консалтинг хизматларини кўрсатиш инновацион фаол компаниялар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат органлари билан ўзаро алоқалар ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш	Инновацион алоқа технологияларини жорий этиш мақсадли гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини аниқлаш ва ташкил этиш тармоқ алоқасини ривожлантириш
Назорат	Туризм соҳасини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш стратегияси, режалари ва дастурларининг бажарилишини мониторинг қилиш Туризм саноатининг мақсадли гуруҳларидан қониқиш мониторинги Туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни баҳолаш			

Маҳаллий илмий адабиётларда кўпинча инновацион фаолиятни бошқариш шакллари ва усуллари ўртасида тенглик белгиси қўйилади. Бироқ, биз ушбу тушунчаларни ажратишни таклиф қиламиз. Инновацион фаолиятни бошқариш усули деганда биз бошқарув объекти – туризм соҳаси корхоналари ва тегишли соҳаларга таъсир кўрсатадиган аниқ воситалар ёки воситаларни тушунамиз. Инновацион фаолиятни бошқариш шакли бошқарув таъсирини ташкил этиш усулидир.

Инновацион соҳада хорижий бошқарув тажрибасини умумлаштириш натижасида рекреация ва туризм соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш шакллари тизимлаштириш ишлаб чиқилди (2-жадвал).

Ишлаб чиқилган тизимлаштиришда инновацион фаолиятни бошқариш шакллари икки даражада кўриб чиқилади: микро даражада (ташкilot даражасида инновацион фаолиятни бошқариш усули) ва макро даражада (минтақа даражасида инновацион фаолиятни бошқариш усули). Микро даражада ташкilotнинг қамров даражаси ва ташкilotда инновацион жараёни ташкilot этиш усули каби тизимлаштириш белгилари таъкидланган. Ташкilotнинг қамров даражасига келсак, бизнинг фикримизча, инновацион фаолият туристларга хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида мувозанатли ва уйғун бўлиши керак. Туристлик маҳсулот ёки хизматни тақдим этиш нафақат туризм соҳаси, балки тегишли соҳалар вакиллари иштирок этадиган жараён эканлигига асосланиб, инновацион туристик маҳсулотни кам жойлаштириш хавфини ҳисобга олиш керак. Бошқача қилиб айтганда, инновацион истеъмолчи туристик хизматни олишнинг барча босқичларини-инновацион онлайн брон қилиш тизимидан тортиб, худуднинг экскурсия йўналишларида онлайн навигатор мавжудлигига қадар талаб қилади.

2-жадвал

Туризм соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш шакллари тизимлаштириш

Белгиси	Инновацион фаолиятни бошқариш шакли
Микро даражада	
Ташкilotнинг қамров даражаси бўйича	- изчил - параллел - интеграл
Ташкilotда инновацион жараёни ташкilot этиш усули бўйича	- ички ташкilot - аутсорсинг - шўба (венчур) компаниялар
Макро даражада	
Инновацион жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсири йўли билан	- нотижорат корпорациялар - вақтинчалик илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари - инновацион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун консорсиумлар - франчайзинг
Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсир қилиш усулига қўра	- давлат-хусусий шериклик - туризм инновацион кластерлари
Юқори даражадаги инновацион жараёнларга уланиш даражаси бўйича	- минтақавий - миллий - халқаро - глобал

Ташкilotда инновацион жараёни ташкilot этиш усулига келсак, ушбу усулни танлаш компаниянинг ҳажми ва молиявий имкониятларига боғлиқ. Ҳар бир шакл ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга, улар бир томондан молиявий харажатлар миқдори, иккинчи томондан инновацион фаолиятни бошқариш объекти ва субъектига таъсир қилиш имконияти билан белгиланади.

Макро даражада инновацион фаолиятни бошқариш шакллари учта асосда тизимлаштирилган: инновацион жараён иштирокчиларининг ўзаро муносабати, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро таъсири усули ва юқори даражадаги инновацион жараёнларга уланиш даражаси бўйича.

Хулоса ва таклифлар. Инновацион жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсирининг предмети илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бўлиб, уларнинг амалга оширилишини бозорнинг битта иштирокчиси учун таъминлаш мумкин эмас. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг бундай шакллари хорижий мамлакатларда кенг қўлланилади, ammo мамлақтимизда тадбиркорлик секторининг паст инновацион фаолияти туфайли кенг қўлланилмайди.

Мамлақатимизда туризм соҳасидаги инновацион фаолиятни бошқаришнинг асоси давлат ва хусусий секторнинг ўзаро таъсири бўлиб, у давлат-хусусий шериклик шаклида ҳам, туризм ва дам олиш кластерлари шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Carson, D., Richards, F. & Jacobsen, D. (2005) Harnessing Innovation for Regional Tourism Development, Centre for Regional Tourism Research, Southern Cross University, p. 4.
2. Абрамешин, А.Е., Воронина, Т.П., Молчанова, О.П., Тихонова, Е.А., Шленов, Ю.В. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов / А.Е. Абрамешин, Т.П. Воронина, О.П. Молчанова, Е.А. Тихонова, Ю.В. Шленов // Под редакцией д-ра экон. наук, проф. О.П. Молчановой. М.: Вита-Пресс, 2001. - 272 с.
3. Семенова, А.А. Инновационно-инвестиционный менеджмент: учеб. пособие / А. А. Семенова, И. И. Марущак: под общ. ред. М. И. Лещенко; Федер. агентство по образованию, Моск. гос. индустр. ун-т. -М. : Изд-во МГИУ, 2007. - 249 с.
4. Вареников, В.А. Управление инновационной активностью предприятия с позиции индикативного подхода / В.А. Вареников // Sciences of Europe. - 2017. - № 14-3 (14). - С. 11-14.
5. Молчанова, В.А. Горизонтальное управление как косвенный метод стимулирования инноваций в сфере услуг / В.А. Молчанова // Креативная экономика. - 2014. - № 12 (96). - С. 128-140.
6. Карпенко, А.В. Управление инновационной активностью / А.В. Карпенко // Наука и производство Урала. - 2015. - № 11. - С. 156-159.
7. WEI Shi Hong, TAN Kai Ming. Synergic Effect Analysis on Tourism Cluster // International Conference on Management Science and Engineering. 2007. Available at: <http://www.seiofbluemountain.com/upload/product/201001/>

УЎК 332.1

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА КЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қ.Шакарров, доц., Тошкент ахборот технологиялар университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётининг локомотиви булган ахборот технологиялари соҳасида кластер фаолиятини ривожлантириш истиқболлари ёритилган. Ахборот технологиялар соҳасининг жаҳон ва мамлакат иқтисодиётида аҳамияти, асосий ривожланиш йўналишлар ва хусусиятлар келтирилган ва АТ-кластерни жорий этиш ва ривожлантиришдан кутиладиган асосий мақсадлар ва натижалар баён қилинган.

Калим сўзлар. Ахборот технологиялари, кластер, IT-Park, ахборотлаштириш, рақобат, рақобатбардошлик, интеграция, кластерлаш, инновация, иқтисодиёт, инновацион кластер.

Аннотация. В данной статье описаны перспективы развития кластерной деятельности в сфере информационных технологий, которая является локомотивом экономики страны. Представлены роль информационных технологий в мировой и национальной экономике, основные направления и особенности развития, а также описаны основные цели и результаты, ожидаемые от внедрения и развития ИТ-кластера.

Ключевые слова. Информационные технологии, кластер, ИТ-парк, информатизация, конкуренция, конкурентоспособность, интеграция, кластеризация, инновации, экономика, инновационный кластер.

Abstract. This article describes the prospects for the development of cluster activities in the field of information technology, which is the locomotive of the country's economy. Are described the role of information technologies in the global and national economy, the main directions and features of development are presented, as well as the main goals and results expected from the implementation and development of the IT cluster.

Keywords. Information technology, cluster, IT park, informatization, competition, competitiveness, integration, clustering, innovation, economics, innovation cluster.

Сўнги ўн йилликлар давомида ахборот технологиялари соҳаси жадал, узлуксиз ва кескин ўзгаришлар рўй бераётган соҳа сифатида шаклланиб, жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган сегментларидан бирига айланди. Ҳаётимизга тобора кўпроқ ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) маҳсулотлари кириб келмоқда ва биз ўзимизни уларсиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳар бир давлат ушбу соҳани такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда, чунки АКТ соҳасидаги ютуқ ва муваффақиятлар бутун мамлакат тараққиёти даражасини кўрсатади. Бу соҳа доимий тараққиётга муҳтож, чунки биз олдинга интилмасак, тобора кўпроқ янги, илғор маҳсулотлар яратмасак, барча янгиликлар тез орада одатий ҳолга айланади.

Билим талаб қиладиган, глобал миқёсда рақобатбардош тармоқларнинг ролининг ортиб бориши ва ишлаб чиқариш саноати таркибида уларнинг улушининг ортиб бораётгани бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишида намоён бўлаётган асосий тенденциядир. Бундай ишлаб чиқаришлар илмий тадқиқотларга бўлган талабни шакллантиради ва шунинг учун фан, техника ва технологиянинг янада ривожланишига ҳисса қўшади.

Ахборот-коммуникация фаолияти соҳасидаги инновацион сиёсат бутун иқтисодиётнинг юксалиши билан боғлиқдир. Мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини оширишнинг мумкин бўлган механизмларини баҳолаш учун ахборот-коммуникация фаолиятини таҳлил қилиш зарур. Статистик усуллар баҳолашда муҳим ёрдам беради, улардан фойдаланиш мамлакатда АКТ ривожланишининг ҳал қилувчи омилларини, шунингдек, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради. Илм-фан, инновациялар ривожланишини рағбатлантириш, илғор ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш зарур. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз корхоналарининг молиявий барқарорлиги билан бирга иқтисодиёт самарадорлигини ҳам белгилаб беради.

Сўнгги пайтларда ахборот технологиялари ҳаётимизда муҳим рол ўйнашига шубҳа йўқ. Улар мамлакатнинг рақобатбардошлигини ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди.

Телекоммуникациялар, ахборот технологиялари, рақамли оммавий ахборот воситалари бутун дунёда узлуксиз, тез ва туб ўзгаришларга дучор бўлган соҳадир. Ҳар сонияда барча мамлакатларда, жаҳон технологик инновациялари марказида-тадқиқот марказларида, жаҳон гигантлари корпорациялари деворлари орқасида оригинал ғоя, илғор ечим, янги таклиф, янги харидор учун маркетинг урушлари олиб борилмоқда. Алоқа ва янги технологиялар саноати инсониятнинг кундалик фаолиятининг барча жабҳаларига кириб борар экан, бизнинг шахсий ва меҳнат ҳаётимизга, ижтимоий соҳамизга, иқтисодиётимизга, имиджга ва мамлакатимиз мавқеига таъсир қилиш даражаси жиҳатидан энг муҳим соҳалардан бирига айланди [1].

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши ва иқтисодий фаровонлик ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Юқори тезликдаги алоқа технологиялари ва Интернетга уланишни ривожлантиришга эътиборнинг кучайиши АКТ лойиҳаларини ривожлантириш учун рағбат бўлиб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун қулай муҳит яратади, шунингдек, технологик тараққиётни жадаллаштириш ва алоҳида ҳудудлар ва умуман мамлакат ялпи ички маҳсулот ўсишини оширишга ёрдам беради. Қолаверса, телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш давлатларга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилмоқда.

Ахборот коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш иқтисодиётни модернизация қилишнинг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ҳар қандай давлатнинг узоқ муддатли истиқболда стратегик мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АКТ соҳасидаги ислоҳотлар ва узгаришлар бевосита янги технологиялар ва инновацион хизматлар соҳасидаги тараққиёт, жамиятни ахборотлаштириш ва технологик таълимнинг ўсиши, алоқа сифати ва қулайлигини ошириш, ижтимоий электрон порталларнинг пайдо бўлиши, Интернет пастлиги фонида мултимедиа контентининг кўплаб шакллари пайдо бўлиши, айрим ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти даражасида АКТ хизматлари тарифлари ва нархи меҳнат унумдорлигини оширишга ҳисса қўшиш, янги корхоналар ва иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш, умуман олганда, ижтимоий соҳани яхшилашга ва аҳолининг ҳаёт сифатига қаратилган.

Дунё мамлакатлари тажрибасида илмий тадқиқотлар, АТ технологиялар, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилмоқда. Фақатгина илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали юқори иқтисодий ўсишга эришишимиз мумкин. Ўтган асрда оламшумул кашфиётлар кўп жиҳатдан инсоннинг интеллектуал салоҳиятига асосланиб амалга оширилган бўлса, бугунги даврда илм-фан замонавий АКТ ёрдамида шаклланоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб келаётган давлатимиз барча

соҳаларда юксак ютукларга эришмоқда, бу муваффақиятларга эса ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларининг жўшқин ривожланиши асос бўлмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг АКТ соҳасидаги сиёсати сифат жиҳатидан янги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий босқичда шаклланаётгани ҳамда илмий-техникавий ўзгаришлар шароитида жаҳон инновацион тизимидаги етакчи давлатлар бирига айланиши ва ахборот технологиялари соҳасида давлатимиз рейтингда юқори ўринларни эгаллаш учун барча имкониятларга эга.

Жорий йилнинг 14 апрель куни президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилган энди. Йиғилишда мухтарам Президентимиз «Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириб, Ахборот технологиялари хизматларини 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш бўйича катта-катта мақсадларни кўйдик. Бир нарсани аниқ тушуниш керак: ушбу соҳа ривожланмаса, бошқа бирор бир тармоқ олдинга юрмайди. Асосий вазифамиз-Ўзбекистонни минтақавий IT-марказга айлантириш» дея АКТ соҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталди [2].


Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Буни биргина шу йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларни ўзида жам этган иқтисодий кўрсаткичлар мисолида ҳам кўриш мумкин. АКТ соҳаси бўйича хизматлар ҳажми 2021 йилда 17 трлн. сўмдан ошган. Ўтган йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 3,4 трлн. сўм бўлса, жорий йилнинг шу даврида 4,6 трлн. сўмга етди, яъни фоиз ҳисобида ўсиш 135 фоизни ташкил қилди. 2022 йил якунига қадар бу йўналишда хизматлар ҳажмини 21,2 трлн. сўмга етказиш режалаштирилган. 2019 йилда IT-Парк резидентларида атиги 4000 нафар одам ишлаган бўлса, ҳозир 11,5 мингга мутахассис фаолият юритмоқда [3].

Жаҳон ахборот технологиялари соҳасининг ривожланишини асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда АКТ соҳасини қай даражада ривожланганлигини аниқлаб олиш мумкин булади.

Кўйидаги жадвалда 2015-2022 йилларда АКТ соҳасига харажатлар таҳлили келтирилган.

1-жадвал

2015-2022 йиллар мобайнида АКТ соҳасига харажатлар таҳлили (трлн.АҚШ долл.)



Gartner аналитик компаниясининг тадқиқотлари маълумотларига кўра [4], 2021 йилда жаҳон АКТ бозорининг ҳажми 4,24 триллион долларни ташкил этган ва 9,5 фоизга ўсишни кўрсатган. 2022 йилда - 4,43 триллион доллар ёки ўтган йилга нисбатан 5,5 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда. Умуман олганда, жаҳон АКТ соҳасига харажатлари ҳажми йилдан йилга нисбатан ортиб бормоқда. Бу ўсиш тенденциясига хаттоки, бутун дунёси қамраб олган пандемия жараёни ҳам таъсир курсата олмади. Мажбурий изоляцияга олиб келган COVID-19

пандемияси жараёнларни ташкил қилишнинг рақамли форматига ўтишга олиб келди ва табиий тараққиётни кўп марта тезлаштирди. 2020 йилдаги ноёб ҳолат рақамлаштиришнинг аҳамиятини янада оширди ва фойдаланувчиларни хизматларни олишнинг масофавий форматига қаратди. Одамлар янги яшаш шароитларини, уларнинг кўникма ва одатларини ўзгартирган технология мавжудлигини қабул қилдилар.


Salesforce аналитик компанияси томонидан утказилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, пандемия даврида мижозларнинг 88 фоизи компаниялардан ўзларининг рақамли ташаббусларини кучайтиришларини кутишган бўлишса, 68 фоиз мижозлар COVID-19 рақамли хизматларни жорий этиш имкониятларини оширганини айтишган [5].

Кейинги жадвалда 2019-2022 йиллар мобайнида АКТ соҳасининг асосий йўналишлари кесимида харажатлар ўрганилган. АКТ соҳаси асосий йўналишларига кўйидагилар киритилади: МҚТ учун тизим, Корпоратив ДТ, Техника ва қурилмалар, АТ хизматлари, Телекоммуникация.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, жаҳон АКТ бозоридаги энг катта харажатлар телекоммуникация соҳасига тўғри келади, бу соҳага 2020 йилда 1,39 триллион долларни ташкил этган бўлса, 2021 йил охирига келиб эса 1,44 триллион доллар сарфланган. ИТ-бозори тузилмасида харажатлар бўйича иккинчи ўринни АТ-хизматлари эгаллаган. АТ-хизматларни ривожлантириш учун 2020 йилда қарийб 1 триллион доллар сарфланган бўлса, 2022-йилга келиб эса бу кўрсаткич 1,27 триллион долларгача ўсиши кутилмоқда. Харажатлар бўйича жаҳон АКТ бозорида учинчи ўринни қурилмалар ва жиҳозлар эгаллаган бўлиб, бу соҳага 2022 йилда 696 миллиард доллар сарфланган. Прогноз кўрсаткичларига кўра, 2022 йилда қурилма ва жиҳозлар учун харажатлари 820 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. 2022 йил якунларига бориб, корпоратив дастурий таъминот ҳамда маълумотлар маркази тизимлари мос равишда 700 миллиард ва 207 миллиард доллар бўлиши кутилмоқда.

2-жадвал

2019-2022 йиллар мобайнида АКТ соҳасига харажатлар (млрд. АҚШ дол.)



Шундай қилиб, бизнес дастурлари кўпроқ талабга айланди. Gartner аналитик компаниясини таҳлилчиларининг фикрича, 2021 йилда дунёда бизнес дастурларини жорий қилиш 13,2 фоизга ошиб, қарийб 600 миллиард долларни ташкил этган, алоқа хизматларига харажат 3,5 фоизга ошиб, 1,44 триллион долларга етган, маълумотлар марказлари учун тизимлари харажатлари эса 7,4 фоизга ошиб, 192 миллиард долларга етган [6].


Таҳлилнинг кейинги жадвалида Жаҳон АКТ бозори ва ЯИМ ўсиш динамикаси таҳлили амалга оширилган. Жаҳон АКТ бозори ва ЯИМ ўсиш динамикаси таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) маълумотларига кўра, 2020 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти 3,2 фоизга камайган, жаҳон АТ-саноатидаги пасайиш эса атиги 0,9 фоизни ташкил этган. 2021 йилда эса бу соҳадаги динамика умуман иқтисодиётга қараганда анча яхши бўлди. Ахборот технологиялари бозори ҳажми 2021 йилда 8,6 фоизга ўсиб, 4,2 триллион долларни ташкил этди. 2022 йилда у яна 5,3 фоизга ошиб, 4,4 триллион долларни ташкил этади. ХВЖ глобал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2021 йилда 6 фоизни, 2022 йилда эса 4,9 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда [7].

Жаҳон иқтисодиёти, саноат ва савдо тузилмасида кейинги ўн йилликларда ахборот-коммуникация технологияларининг янги кучли тармоқлараро мажмуаси вужудга келди ва жадал ривожланди. Агар 30 йил олдин у ҳатто жаҳон ва мамлакат статистикасида ҳам ажралиб турмаган бўлса, ҳозирда АКТ жаҳон иқтисодиётининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда АКТ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 7-9 фоизини ташкил қилади [8].

3-жадвал

Жаҳон АКТ бозори ва ЯИМ ўсиш динамикаси, %



АКТ соҳасини жадаллик билан ривожланиб бориши натижасида янги тузилма ва ҳамкорлик эҳтиёж сезилмоқда ва бу жараёнга инновацион кластер жуда мос келади. Инновацион кластерда саноат кластеридан фарқли ўлароқ, ноу-хауни яратиш ва технологик қўллашга, кластер компаниялари доирасида тўпланган билим ва кўникмалардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилган. Инновацион кластернинг хўжалик бирлашмаларининг бошқа шаклларида фарқи шундаки, кластер компаниялари тўлиқ қўшилишга бормайди, балки уларга юридик шахс мақомини сақлаб қолиш ва шу билан бирга бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилиш имконини берувчи кластерни ташкил этувчи ва ундан ташқари ўзаро ҳамкорлик механизмининг яратади.

Айни пайтда ҳудудда кластерлар шаклланаётган ҳудудларнинг мамлакат инновацион ривожланишида етакчига айланиши нуқтаи назари тобора кенг эътироф этилмоқда. Бундай етакчи ҳудудларнинг мавжудлиги миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини белгилайди. Шубҳасиз, кластерлаш жараёни глобаллашув жараёнидан келиб чиқадиган объектив жараён бўлиб, у халқаро рақобатнинг ўсишини, шу жумладан инвестиция ресурслари учун, субъектлар ўртасидаги тармоқ ва норасмий алоқаларнинг ўсишини рағбатлантиради. У бутун дунёда ривожланиб, миллий иқтисодиётларда инновацион жараёнларнинг ривожланишини жадаллаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, илгор ахборот технологиялари даврида инновацион саноатлаштириш даражасини ошириш муаммосини ҳал этиш жуда муҳим. Ахборот иқтисодиёти шароитида ушбу муаммони ҳал қилиш учун минтақавий иқтисодиётда нафақат ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш, балки жамиятни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш даражасини ошириш, корпоратив ривожланишни рағбатлантиришни ўз ичига олган мақсадга мувофиқ ёндашув ҳисобланади. Бу ёндашув бозор иштирокчиларининг манфаатлари, етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар, илмий-тадқиқот институтлари ва

давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш асносида вужудга келади. Янги вазифаларни ҳал этиш ахборот, ижодий ва интеллектуал технологияларни мамлакатнинг кенг қатламларига узатишга йўналтирилган янги АТ-кластерларни шакллантиришга қаратилган минтақавий сиёсатни шакллантиришнинг илмий асосланган концептуал асослар ва периферияларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритаётган АТ-кластерлар глобал нотинчлик даврида бозор эгаллиги учун ноёб имкониятлар яратмоқда. АТ кластерлари ўзига хос инновацион платформага айланиб бормоқда, унда креатив фикрловчи етакчилар ҳамда ғайратли АТ-мутахассислари янги маҳсулот ва хизматларни яратиш ва ривожлантириш учун биргаликда ишлашмоқда.

Ахборот технологиялари соҳасига нисбатан қўлланиладиган кластер сиёсатининг асосий параметрлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- инновацион тадбиркорликни, биринчи навбатда, янги инновацион компанияларнинг пайдо бўлишини қўллаб-қувватлаш воситаларини бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш;
- маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ва минтақавий компанияларнинг жаҳон бозорига чиқишини жадаллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун самарали мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

- саноатни ривожлантириш учун зарур инфратузилма: маълумотлар тармоқлари, бизнес-инкубаторлар, тадбиркорликни ишга тушириш ва бошқа бир қатор вазифаларни яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик ва илмий-таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

- марказлаштирилган кадрлар сиёсатини шакллантириш-таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва мослаштиришда бозор вакилларининг олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги, олий таълим муассасаларини компанияларнинг амалиётчи ўқитувчилари билан ўзаро манфаатли шартларда таъминлаш.

Ахборот технологиялари (АТ) соҳаси - бу иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб, унда ахборот тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш, етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш натижасида қўшимча қиймат ҳосил бўлади.

Жаҳон амалиёти шунини кўрсатадики, сўнгги йигирма йил ичида кластер шаклланиши жараёни анча фаол кечди. Умуман олганда, экспертларнинг фикрича, бугунги кунга қадар кластерлаш етакчи мамлакатлар иқтисодиётининг 50 фоиздан ортигини қамраб олган.

Америка Қўшма Штатларда корхоналарнинг ярмидан кўпи кластерлар доирасида ишлайди ва уларда ишлаб чиқарилган ЯИМ улуши 60% дан ошди. Европа Иттифоқи мамлакатларида 2000 дан ортиқ кластерлар мавжуд бўлиб, улар ишчи кучининг 38 фоизини иш билан таъминлайди [9].

Дания, Финляндия, Норвегия ва Швеция саноати кластерлаш билан тўлиқ қамраб олинган. Шундай қилиб, иқтисодий сиёсати кластерлаштиришга асосланган Финляндия сўнгги йилларда жаҳон рақобатбардошлиги рейтингда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Телекоммуникация бозорида дунё бўйлаб уяли алоқа ускуналари экспортининг 30 фоизини ва мобил телефонларнинг 40 фоизини таъминлайди. Италия саноат кластерлари саноатда банд бўлганлар сонининг 43% ва миллий экспортнинг 30% дан ортигини ташкил қилади.

АТ сегментларидан фойдаланишнинг жаҳон амалиётида иккита модел қабул қилинган: Ҳиндистон ва Исроил. Ҳинд моделининг моҳияти “инсон ресурслари трансфери” – ишчи кучини сотиш ҳамда Исроил модели - "технологиялар трансфери" - дастурий таъминотни ишлаб чиқиш янги интеллектуал мулкни яратишга ва тайёр маҳсулотларни жаҳон бозорларида кўпайтиришга қаратилган [10].

Фикримизча, Ўзбекистон шароитида миллий иқтисодиёт, мавжуд илмий салоҳият ва инсон ресурсларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Исроил модели бўйича маҳаллий АТ-кластерларни ва провард натижада АКТ соҳасини ривожлантириш энг тўғри вариант ҳисобланади.

Шу уринда Ўзбекистонда ташкил этилган IT-Park фаолият натижаларини келтириб ўтсам, 2021 йил якунига кўра, IT-Park резидентлари сони 523 та компанияни ташкил қилди. Шундан, 431 та резидент Тошкент шаҳрида, қолган 92 та резидент вилоятларда рўйхатдан ўтишган. Жумладан, хорижий капитал иштирокида 18 та корхона ташкил этилди. 104 та компания экспортчи бўлиб, улардан 59 таси ишлаб чиқиш соҳасига тўғри келади.

Ушбу резидентлар қуйидаги ҳудудларда ишлайди:

- дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;
- маълумотларни қайта ишлаш;

- бизнес жараёнларини автоматлаштириш;
- АТ-кадрлар тайёрлаш, ҳамда, ахборот технологияларини экспорт қилиш.

2021 йилда резидентлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 2,5 триллион сўмни, хизматлар экспорти ҳажми эса - 46 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, резидентлар экспортининг 83,2% АҚШга, қолган қисми Буюк Британия, Корея, МДХ ва БААга тўғри келади. 2022 йил охиригача экспорт ҳажми 80 миллион долларга етиши кутилмоқда. Бундан ташқари, берилаётган имтиёзлар туфайли IT-Park резидентлари кўшимча иш ўринлари яратиб, мамлакатимизда ИТ-мутахассислар сафини кўпайтирмоқда. 2021 йил якунига кўра, резидент корхоналарда 9850 киши иш билан таъминланган [11].

Жорий йилнинг 14 апрель куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни минтақавий IT марказига айлантириш вазифасини қўйди [12]. Бунинг учун:

- АТ экспортини йил якунига қадар камида 100 миллион долларга етказиш;
- ички АТ хизматлари ҳажмини йилига камида 50 фоизга ўсишини таъминлаш;
- жорий йилда қолган 6 та ҳудудда ҳам IT-паркларни тўлиқ ишга тушириш ва малакали кадрлар таъминлаш, қолганларида камида 20 тадан компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш ва 5 минг нафар ёшларни юқори даромадли иш билан таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.
- АКТ вазирлигига икки ой муддатда Ахборот технологиялари университетини таянч илм-фан ва таълим кластерига айлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Кучли рақобат муҳитида муваффақиятли фаолият юритаётган компанияларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этувчи раҳбарлари ҳамда амалиётчиларнинг таълим жараёнига жалб этилиши ҳамда жаҳон АТ-таълим марказлари профессор-ўқитувчиларининг жалб этилиши таълимни янгилашнинг асосий муваффақият омилidir. Бундай ҳамкорлик механизми “иш берувчи – таълим тизими – потенциал ходим” схемасида ишлаб чиқилиши керак. Бу механизм билимларнинг “парчаланиши”ни бартараф этади ва интернет ресурсларини шакллантириш орқали бўлажак мутахассисга билим ва технологияларнинг тез ўзгаришига ва ахборотнинг саводхонлигини оширишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, АТ-кластер ўз салоҳияти ва тузилмаси бўйича асосий вазифаси бу рақобатбардош бозорларни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновационликни оширишни ҳал қилишга ёрдам берадиган чора-тадбирлар мажмуасининг ташаббускори ва дирижёрига айланиши, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, ҳудудларда ташаббусни рағбатлантириш ҳамда давлат, бизнес ва илмий ҳамжамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришдан иборат булади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мазур И.А. Развитие государственной инновационной политики: Автореф. дисс. канд. экон. наук, 08.00.05. – М., 2012. – 25 с.
2. 2022 йилнинг 14 апрель куни Ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. www.president.uz
3. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги www.mtc.uz веб-сайти маълумотларидан фойдаланилди.
4. Муаллиф томонидан Gartner аналитик компанияси <https://www.gartner.com/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
5. Муаллиф томонидан Salesforce аналитик компанияси <https://help.salesforce.com/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
6. Муаллиф томонидан Gartner аналитик компанияси <https://www.gartner.com/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
7. Муаллиф томонидан Халқаро валюта жамғармаси <https://www.imf.org/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
8. Муаллиф томонидан Халқаро валюта жамғармаси <https://www.imf.org/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
9. Муаллиф томонидан Gartner аналитик компанияси <https://www.gartner.com/> веб сайти маълумотларидан фойдаланилди.
10. Напольских Д. Л. Инновационный кластер как институт территориального развития: монография / Д. Л. Напольских. – М.: Перо, 2013. – 149 с.
1. Муаллиф томонидан www.It-Park.uz. Сайти маълумотларидан фойдаланилди.
2. 2022 йилнинг 14 апрель куни Ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда соҳада 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. www.president.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№1/1 (97)
2023 й., январь**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳих:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.01.2023
Босишга рухсат этилди: 12.01.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 14,4 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru
(+998) 97-458-28-18

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-1/2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.
Абдуллаев Рашид Бабажонович, тиб.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,
т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,
проф.
Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.
Рўзбоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотилов Гойишназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,
б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1/2 (97), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 131 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ТАРИХ ФАНЛАРИ

Abdusalomov M. Qarshi shahar masjidlari tarixiga doir qarashlar	5
Boboxonov Q.Sh. O'рта Osiyo eneolit davri paleogeografiyasi hususiyatlari, etnik jarayonlar hududiy chegaralari va kartografiyasiga doir ba'zi bir chizg'ilar	8
Bo'riyev O.Q., Hamroqulova D.Sh. Qomusimizda inson huquq va erkinliklarining kafolatlari	11
Ergasheva G.Q., Muftillayeva U.T. Yangi O'zbekistonda xotin-qizlar sportini rivojlantirish istiqbollari	14
Nishonova X.X. Germaniya va Yevropa Ittifoqi o'rtasida munosabatlarning o'rnatilishi tarixidan	16
Saidov F. Turkistondagi qochoqlarning toifalari xususida	19
To'rayeva M.X. O'zbekiston janubiy hududlarida xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish jarayonlari	22
Абдуманнотова А. Туризмнинг “Саёхатнома”лардаги талқини ва таҳлили	25
Амонтурдиев Ш.С. Ўрта Осиё илк кўчманчиларида рухонийлар табақаси шаклланиши ва диний иншоотларга оид айрим мулоҳазалар	28
Бўриев О., Жалилов И. Ўзбек болалар миллий ўйинларининг этнографик тавсифи	31
Достов А.Г. Календарь Древнего Хорезма	37
Исматуллаева Н.Р. Мил.ав. II – мил. II асрларда Марказий Осиё ва Хитой ўртасида темирчилик маҳсулотлари савдоси	39
Кичкилов Ш.Х. Сурхон воҳаси аҳолисининг кўнғирот таркибидаги қорақалпоқ уруғлари борасида айрим мулоҳазалар	42
Раджапов Э. Хоразм Халқ Совет Республикасида миллий қўшин тузилиши	45
Рахимова Г.С. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги йиллар Ўзбекистонда саноат корхоналарининг қурилиши	51
Рахматуллаев А.Ю. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги археологик тадқиқотлар ривожи	55
Сагындиқов Б.А. Условия подготовки национальных кадров в народном образовании Каракалпакстана (1920-1938 гг.)	57
Тожиёв А.С. Хоразм вилоятида туризм соҳасининг равнақи	61
Тўхтаева Р. Ўзбекистонда молия ишидаги муаммо ва камчиликлар	64
Худайбергенов Х.С. Мустақиллик йилларида Хоразм зангори кулолчилик анъаналарининг қайта тикланиши ва унинг ҳудудий хусусиятлари	68
Шарипов Ш.З. Бухоро вилоятида миллий-маданий марказлар фаолияти	70
Шихов О.О., Маткаримова М.Н. Ислохотлар давридаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимининг фаолияти	73
Ғанжаров С.Х. Зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида Хивада “Тўрт шаввоз” ҳамда “Саййид Муҳаммад Моҳирўй” мажмуаларининг қайта тикланиши	74
Ғанжаров С. Яхё Ғуломовнинг Хоразм тарихига оид асарлари	78
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Abdunazarova Z.I. Modern requirements for specialists of a second foreign language	80
Ganieva U.F. Technique for observing instructive exercises in separate learning of a outside language	83
Islomova M. Raqamli texnologiyalar yordamida chet tilini o'qitishning afzalliklari	86
Jabborova S.A., Uralova O.P. Teaching reading comprehension of English with authentic materials to uzbek learners	90
Khusainova L.Yu. Development of new methodological principles for the training of specialists	92
Kuziev S.I. At English classes using approaches and methods of on teaching special terminology in medical universities	95
Ruzmetova M.R. ESP teaching: goals and importance	98
Uralova O.P., Xudoyberdiyeva D.Q. Ingliz tilini o'qitishda ta'lim texnologiyalarining ahamiyati	101

Xudoyberdiyeva R.B., Qodirova M.T. Boshlang'ich sinflarda ingliz tili darslarida gapirishga o'rgatish metodikasi	104
Yoldosheva I.Sh., Kadirova M.T. The problem of developing speaking skill of teenagers on the materials	107
Yuladsheva T.A. Tanqidiy fikrlashni rivojlantirishning tarkibiy qismlari	110
Zuparova S.S. O'quvchilarni rag'batlantirishni oshirishda valdorf va davlat umumta'lim maktablarining tamoyillari	113
Абдуллаева Д.Б. Использование интерактивных методов обучения на уроках русского языка и литературы	115
Каюмов В.М. Интерактивные методы при организации кружковой занятий по русскому языку в национальной школе	118
Султанова Д.С. Формирование техники чтения студентов языкового факультета	121
Турдиева Д.М. «Модель методической системы изучения повести А.С.Пушкина «Дубровский» в национальной школе	124
Якубова Х.Б. Задачи и структура арт-центров для женщин и девушек в странах СНГ	127

ТАРИХ ФАҲЛЛАРИ

UO'K 93/94

QARSHI SHAHAR MASJIDLARI TARIXIGA DOIR QARASHLAR*M.Abdusalomov, magistrant, Qarshi davlat universiteti, Qarshi*

Аннотация. Ushbu maqolada masjidlarning turlari va ularning xususiyatlari, shuningdek, Qarshi shahrida mavjud masjidlarning tarixi hamda qurilish va bezalishidagi o'ziga xos usullar haqida so'zlanadi.

Kalit so'zlar: shaharsozlik, yidgoh, namoz, arxeolog, xovuz, moybo'yoq, daxma, islamiy, samarqandlik, bezakdor.

Аннотация. В данной статье рассказывается о типах мечетей и их характеристиках, а также об истории существующих мечетей в Каршинском комментарии, а также об уникальных способах строительства и отделки.

Ключевые слова: градостроительство, йидга, намаз, археолог, хавуз, мойбойок, дахма, исламский, самаркандский, декоратор.

Abstract. This article talks about the types of mosques and their characteristics, as well as the history of existing mosques in the Qarshi commentary, as well as the unique methods of construction and decoration.

Key words: urban development, yidgah, namaz, archeologist, khavuz, moyboyok, dakhma, Islamic, Samarkand, decorator.

Islom dini O'rta Osiyo mintaqasiga kirib kelishi VII asrning o'rtalariga to'g'ri keladi. Qadimiy voha Qashqadaryo o'zining uch ming yillik tarixida qizg'in jarayonlarni boshdan kechirdi. Bu jarayonlar uning tarixida o'chmas iz qoldirdi. Istilo etilgan hududlarda o'ziga xos me'moriy inshootlar – masjidlar bino etishni boshladilar. Islom olamida masjidlarning o'rni nihoyatda kattadir. Madina shahridagi Qubo masjididan ilk islom olami masjidleri tarixi boshlanadi.

Masjid - asosan kundalik besh vaqt namoz o'qish uchun mo'ljallangan joy sifatida bunyod etilgan. Shu bilan birga o'rta asrlarda mazkur muassasalardan jamoat uchun e'lonlar yoki hukmdor farmonlarini eshittirish uchun ham foydalanilgan. Ro'za oylarida masjidlarda Qur'on tilovat qilish amalga oshirilgan. Masjidlar dastlab shaharlarda, keyinchalik qishloq va mahallalarda bunyod etilgan. Masjid murabba yoki to'g'ri to'rtburchak tarhli, markaziy qismida xonaqohi bo'lgan, hovli atrofi ravoqli ayvonlardan iborat bo'lgan.

X-XI asrlarda masjid me'morchiligida ganch o'ymakorligi, g'ishtni bezakli qilib terish san'ati taraqqiy etdi. Keyingi davrlarda masjidlar shahardagi eng ko'zga ko'ringan yirik me'moriy jamoat binolari qatoridan o'rin oldi.

Naxshab (Nasaf, Qarshi) zaminida masjidlar o'ziga xos tarix va o'ringa egadir. Tarixchi Samoniy o'z asarida Nasafda savdo-sotiq, hunarmandchilik jadal taraqqiy etganini, shahar keng maydonga yirik bozorlarga ega bo'lganligini xotirlaydi. Shuni anglash mumkinki, X-XII asrlarda Nasafning markaziy va janubiy tumanlari gavjum bo'lgan. Ayni shu davr O'rta Osiyo mintaqasida hukmronlik qilgan Somoniylar va Qoraxoniylar davriga to'g'ri kelib, islom dinining kuchaygan nuqtasini ko'rsatadi. Mazkur davrda mintaqaning markaziy va janubiy qismida dastlabki jome masjidi qad ko'tardi[2]. Masjid 834-yilda sufiy shayx Abdurahmon Muazza tomonidan janubiy rabotda, Gubdin darvozasi oldida, Zuxxoq ko'chasida bunyod etilgan. XII asrda bu bino eski jome masjidi sifatida tilga olinadi va Samoniy shahristonning janubiy darvozasi oldida yangi jome masjidi qurilganini aytadi. Shahriston devoridan 130 metr janubda arxeologlar uning qoldiqlarini – pishiq g'ishtdan qurilgan, bezak izlari bor monumental binoni topganlar. Ehtimolki, bu paytda eski jome masjidi ham ishlagandir, lekin jomelik mavqeini yo'qotgan va XII asrda o'z bunyodkori Muazza nomi bilan atalgan. Manbalarda yana Nasaf shahrida yana bir qancha masjidlar bo'lganligi ham e'tirof etiladi. Ular orasida Bayon ko'chasidagi buyuk muhaddis Imom Buxoriy yashagan va ibodat qilgan masjiddir. Bu masjid haqida Yoqut Xamaviy ham ma'lumot beradi, ammo uning bu

ma'lumotlari as-Samoniyning bergan ma'lumotlaridan ko'p emas.[3] Nasafning shimoliy-g'arbiy qismida, An-Najjoriya (Buxoro) darvozasi yonida shaharning hayit masjidi – nomozgohi joylashgan.

Movorounnahrda masjidlarining uchta an'anaviy turi bo'lgan:

- 1) har kuni besh mahal namoz o'qiladigan, mahalliy aholiga mo'ljallangan mahalla masjidlari;
- 2) juma kunlari umumshahar ibodatlariga mo'ljallangan jome masjidlari;
- 3) hayit masjidlari – nomozgoh (yidgoh, musalla). Hayit masjidlari shahar va uning atrofidagi masjidlar erkakalar uchun yiliga ikki marotaba – Fitra va Qurbon hayitida namoz o'qishga mo'ljallangan.

Bugungi masjidlar qurilish usullari, zamonaviy arxitekturasi bilan o'zgacha ko'rinish kashf etmoqda. Sababki, masjidlar dastlabki qurilgan qadimdashlaridan qulaylik tamonlari bilan ajralib turibdi.

Mahalla masjidlari an'anaviy ravishda ko'p sonli bo'lib, deyarli har bir mavzening markazida bunyod etilgan, har kuni besh marotabalik namozlarga mo'ljallangan. Jamoatchilik markazining asosiy inshooti bo'lgan mavze va qishloq masjidlari yonida ko'pincha hovli bo'lib, unda hammom, taxoratxona, ba'zan g'uslxona, maktab, bir nechta xujra, tobutxona, xovuz bo'lgan. Mahalla masjidlarida gumbazli ustunli yoki ustunsiz yassi tomli zal bo'lgan. Ular ikki tomondan yoki ko'pincha uch tomondan yog'och ustunli ayvon bilan o'ralgan.

Qarshi shahrida saqlanib qolgan mahalla inshootlari orasida eng salobatlisi Chaqar masjididir. Chaqar masjidi to'g'ri to'rtburchakli, olti ustunli, ichkarilab boruvchi kompozitsiyaga ega zali bo'lib, u uch tomondan ayvon bilan o'ralgan. Zaldan ayvonlarga chiqiladigan to'rtadan eshik, old tomondan ikkita eshik mavjud bo'lib, g'arb tomonda mehrob joylashgan. Zalda antiqa detallar, o'ymakor ustunlar, eshiklar, zanjirsimon ganj naqsh bilan bezalgan mehrob bo'lgan. Bino pishiq g'ishtdan barpo etilgan, uning sathi, ayvonlar bilan qo'shib hisoblaganda 22 metrga 22 metr, zalning sathi 11,5 metrga 15,7 metrni tashkil etadi.

Taxminan, XIX asrlarda qurilgan Qarshi shahridagi Maholot masjidi to'rt ustunli zalga, uch tomonli ayvonga hamda qo'shsinch shaklida qurilgan devorlarga ega inshootdir. Masjidning yog'och to'sinlari tomining markaziy qismi xovuzak shaklida biroz ko'tarilgan bo'lib, ko'k, qizil, yashil rangli moybo'yoqlar bilan bezatilgan. Ayvonlar bilan qo'shib hisoblaganda, binoning hajmi 22,5 metrga 14 metrni, zalning esa – 10 metrga 10 metrni tashkil etgan. Polning g'ishti archa shaklida ishlangan. Binoning o'zi esa g'isht platforma – supa ustiga qurilgan. Shuningdek, XIX asrda kurilgan masjidlardan yana biri Buzrukobod masjidi hisoblanadi. Devorlari qo'shsinch usulida qurilgan bo'lib, binoning markazida xovuz va darvozaxona bunyod etilgan. Majmua hududi 17,5 metrga 22,5 metrni, zali 7,5 metrga 9,3 metrni tashkil etadi. Gumbazli mahalla masjidlaridan yana biri bu Xoja Ahror masjididir. Bu masjidning gumbazli zaliga ikki tomondan yog'och ustunli, tomi ustunlarga o'rnatilgan ayvon kelib qo'shilgan. Masjidning pishiq g'ishtdan yasalgan kvadrat shaklidagi zalining gumbazi burchakda ravoqsimon bagallarga o'rnatilgan. Hozirgacha saqlanib qolgan eshik va yog'och panjara hamda ayvon ustunlarining naqshlari XIX – XX asrlarga oid. Taxmin qilinishicha, bu inshootning o'zi ancha oldin qurilgan. Ayvonlarni qo'shib hisoblaganda uning umumiy hajmi 12,6 metrga 12,8 metrni tashkil etadi.

Qarshidagi Qurg'oncha diniy yodgorlik majmuasi ham mahalliy masjidlar turiga oid. Bu yodgorlik daxma yonida joylashgan bo'lib, majmua XVIII asrda bunyod etilgan, bundan 200 yil ilgari asos solingan. Hozir ham mavjud bo'lgan Qurg'oncha masjidi XX asr boshida bunyod etilgan. Masjid- xonaqo mahalla masjidlari turiga kiradi, uning to'rtburchak zali 11,4 metrga 11,4 metr bo'lib, shimoliy-sharqiy tomondan ustunli ayvon bilan o'ralgan. Bino devorlari qo'shsinch usulida qurilgan. Sokoli va panjarasi yevropacha shakldagi to'g'ri to'rtburchak g'ishtlardan ishlangan. Zal va ayvon shiftlari islmiy naqsh bilan ziynatlangan.

Ikkinchi o'ziga xos bo'lgan juma masjidlari asosan musulmonlarning muborak kuni Juma kunlari jamoat shaklida o'qish uchun to'planuvchi yirik hajmli masjidlardir. Bunday masjidlar musulmonlarning jamlanib imom boshchiligidagi Juma namozini ado etishlari uchun xizmat qilgan. Bu kun musulmonlar uchun dam olish kuni bo'lib xizmat qilgan va barcha peshin namozi vaqtida ibodatni amalga oshirganlar.

Jome masjidi — shahar markazidagi yoki nisbatan katta hududdagi asosiy va eng katta bosh masjid. Jamoa uchun zarur turli xabarlar e'lon qilinadigan, haftalik juma, xayit namozlari jamoa bo'lib o'qiladigan maxsus bino. Shahar tashqarisida musallo, namozgox. Juma masjid, guzar (mahalla) masjidlariga nisbatan uning tuzilishi salobatli. O'rta Osiyoda Juma masjidining umumiy tarxi murabba yoki to'g'ri to'rtburchakli xonaqox bo'lib, bir (old yoki yon) tomoni, ikki (jan. va sharqiy yoki shim. va sharqiy) yoki uch tomoni ayvon bilan o'ralgan. Xonaqoh tomi gumbazli yoki to'sinli. Ayvon va xonaqox kattaligi to'sinlar soni va qatori bilann belgilangan, ba'zan xonaqoh 1, 2, 4 gumbazli, ayvonlar atrofi qator ustunli, burchakda azon aytishga mo'ljallangan mezana va hovli o'rtasida hovuz bo'lgan. Buxoroda birinchi Juma masjidi 713-yil Qutayba ibn Muslim tomonidan ishga tushirilgan.

Qarshida O'rta Osiyodagi hozirgi kunlargacha yetib kelgan sanoqli namozgoh masjidlaridan bittasi – XVI asrlarda bunyod etilgan Ko'kgumbaz masjidi saqlanib qolgan. Namozgoh masjidlari bu paytga kelib markazida baland arkli va g'arbiy qismida mehrobli shaklda qurilgan. Majmua oldida odatda maydon bo'lib, u hayit namozlari paytida shahar va uning atrofida yashovchi erkaklar sig'ishiga mo'ljallangan. Ular asosan shahar tashqarisida qurilgan, chunki atrofi bo'sh maydon bo'lishi kerak edi. Qarshi shahridagi namozgoh masjidi ham shunday shaklda qurilgan.

Bu inshoot XVI asrda shaharning bir chetida qurilgan bo'lib vaqt o'tib shahar kengaygani sayin shahar markazida qoldi. Ushbu masjid bu turdagi Movoronnahrga xos inshootlarining eng yirigi va mahobatlisi bo'lgan. Qadimshunos B. D. Kochnev ta'kidlashicha, Ko'kgumbaz masjidi shahar qo'rg'onining g'arbiy burchagida taxminan 700 gaz beriroqda, undan janubi g'arbiy tarafda barpo etilgan[4]. Uning to'g'ri to'rtburchak tarxining (38, 25 ga 14,6 metr) g'arbiy tomonida ravoqli mehrobi bor qismi oldinga turtib chiqqan. Asosiy xonaqoh 8 metrga 8 metr[5]. Bino qurilishida uning butsimon o'rta qismi va baland gumbazi hamda peshtoqi ajralib turgan. Unga ikki tomondan pasayib boruvchi ikki qanot kelib qo'shilgan. Ularning har biri to'rt gumbazli markazida bitta ustunli galeriya bo'lib, ikkita toqi markaziy zalga, shuningdek bosh va yon fasadga qarab ochilgan. Pastak devorlar (0,7 ga 1,1 metr) loyli qorishma bilan maydaroq g'ishtdan terilgan. Devorlar va guldor katta ustunlar pishiq g'ishtdan terilgan. Markaziy zal ikki qatlamli gumbaz bilan qoplangan. Gumbazlarning ichkisi – ravoqqa, tashqi bezakdor ko'kgumbaz – baland, baraban – poygumbazga o'rnatilgan. Uning Ko'kgumbaz deb atalishi shundan kelib chiqqan. Barabani islmiy naqshlar bilan bezatilgan, ularni uzoqdan ham o'qish mumkin. Baland va yirik harflar “Abadiyat Oллоhga tegishli” degan arabcha hikmatni beradi. Uning davomidan mayda harflar bilan “Oллоhga shon-sharaflar” degan yana bir arabcha ibora qaytariladi. Asosiy bezak bosh ravoqqa yozilgan bo'lib, bunda o'sha davrga xos bo'lgan uzluksiz tasvirdan foydalanilgan. Sirlangan naqshlarda oq, xavorang, ko'k va feruzarang ishlatilgan. Bu yerda sirlangan peshtoqda “Bino Abdullaxon II oliy hukmiga ko'ra xijriy 999-yilda (milodiy 1590-1591-yillarda) qurilgan” degan yozuv bor. Masjid binosi 1957, 1971, 1975 yillarda qisman va 1982-yilda to'liq ta'mirlangan. Oxirgi ta'mir paytida samarqandlik ustalar tomonidan masjid binosining katta gumbazi qaytadan barpo etildi.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov tabiri bilan aytganda: “din va diniy e'tiqod butunlay rad etiladigan hayot qanday g'ayriinsoniy ko'rinishga ega ekanini biz kechagi tariximiz misolida yaxshi bilamiz. Bunday mafkuraning xatarli tomoni shundaki, u necha asrlar davomida din negizida shakllangan, xalq hayotining ajralmas qismiga aylanib ketgan qadriyatlar – bu yozma yoki og'zaki, moddiy yoki ma'naviy meros bo'ladimi, axloq yoki an'analar bo'ladimi, milliy dunyoqarash yoki turmush tarzi bo'ladimi - bularning barchasini rad etadi. Natijada odamzot o'zining ichki dunyosi, his-tuyg'u va qarashlari, tayanib-suyanib turadigan poydevoridan mahrum bo'lib Oxir-oqibatda bunday odam ota-onasini ham, o'z millati, xalqi va Vatanini ham tanimaydigan ayanchli holatga tushib qoladi.”[6]

Xulosa o'rnida ta'kidlash mumkinki, masjidlar xalqimiz o'tmish tarixida o'ziga xos muhim ahamiyatga ega bo'lgan me'moriy inshootlardan biridir. Masjidlar nafaqat ibodat uchun, balki hamjihatlik va do'stlik, o'zaro yaqinlik maskanlari ham hisoblanadi. Arablar istilosidan keyingi davrlarda Qarshi shahar hududida ham bir nechta masjidlar bunyod etilgan bo'lib, ular o'ziga xos qurilish uslubiga egadir. Mazkur me'moriy inshootlarning ba'zilar bugungi kunda ham xalqimizga xizmat ko'rsatib kelmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси . – Т.: Давлат илмий нашриёти, 10-том, 627-бет
2. Э. Птвеладзе, Р. Сулаймонов, Й. Буряков ва бошқалар. “Қарши 2700”. – Т.: Маънавият , 2006.
3. Қ. Насриддинов, О. Хўжаёров. “Қарши шаҳрининг меъморий ёдгорликлари”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
4. П. Равшанов. “Қарши тарихи”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
5. Л. Й. Маниковская. “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1979.
6. И. А. Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч”. – Т.: «Маънавият», 2008, 58-бет

УО'К 551.8

O'RTA OSIYO ENEOLIT DAVRI PALEOGEOGRAFIYASI HUSUSIYATLARI, ETNIK JARAYONLAR HUDUDIIY CHEGARALARI VA KARTAGRAFIYASIGA DOIR BA'ZI BIR CHIZG'ILAR

Q.Sh. Boboxonov, mustaqil izlanuvchi, Urganch Davlat Universiteti, Urganch

Annotatsiya. Maqolada O'rta Osiyo eneolit davri paleogeografiyasi hususiyatlari sharoitida etnik munosabatlarni, hududiy chegaralari va kartografiyasi masalalari qarab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Vinogradov A.V, G'ulomov Ya.K, Islomov U.I, Asqarov A, Mellard D.J, Lloyd S, Masson V.M, Xlopin I.N, Bijanov E.B, Litsisina G.I, Kabirov J, Sagdullayev A.S, Berdiyev O.K, Isoqov A, O'rta Osiyo, Eneolit, Xadjilar, Chatal-buyuk, Jarmo, Jaytun, Geokso'r, Sarazm.

Аннотация. В статье рассмотрены проблемы условиях палеогеографических особенности, этнические отношения границы территории энеолитического периода Средней Азии.

Ключевые слова: Виноградов А.В., Гуломов Я.Г., Исламов У.И., Аскарлов А., Меллард Д.Дж., Ллойд С., Массон В.М., Хлопин И.Н., Бижанов Е.Б., Лицисина Г.И., Кабилов Дж., Сагдуллаев А.С., Бердиев О.К., Исаков А., Средняя Азия, Энеолит, Хаджилар, Чатал-Буюк, Жермо, Джейтун, Геоксюр, Саразм.

Abstract. The article deals with the problems of conditions of paleogeographic features, ethnic relations of the borders of the territory of the Eneolithic period of Central Asia.

Key words: Vinogradov A.V, Ghulomov Ya.K, Islamov U.I, Askarov A, Mellard D.J, Lloyd S, Masson V.M, Khlopin I.N, Bijanov E.B, Litsisina G.I, Kabirov J, Sagdullayev A.S, Berdiyev O.K, Isakov A, Central Asia, Eneolithic, Khadjilar, Chatal-buyuk, Jarmo, Jaytun, Geoxor, Sarazm.

Kirish qismida O'rta Osiyo eneolit davri tarixiy-madaniy hududlarda joylashgan aholining jamiyatning barcha sohalarini rivojlantirishda olib borgan hayotiy tajribasi adabiyotlarda mavjud bo'lgan tarixiy ma'lumotlar asosida yoritish maqsad qilib olingan.

Tadqiqot metodlari. Ilmiy usul va tamoyillari quyidagilardan iborat: ilmiy xolislik, tarixiy tahlil, mantiqiy xulosa, xronologik izchillik, qiyoslash, umumlashtirishda yordamchi fanlar etnografiya, arxeologiya, geologiya, geografiya va antropologiya fanlarining ma'lumotlardan foydalanish uslublari.

Natija. O'rta Osiyo tarixiy-madaniy viloyatlarda mavjud bo'lgan geologiya, geografiya, antropologiya va arxeologiya fanlari yutuqlari natijasida eneolit davri paleogeografiyasi, etnogenetik jarayonlar, ularning joylashish hududiy chegaralari kartografiyada tasvir qilish kabi natijalar amalga oshirilgan.

Muloxazalarda O'rta Osiyo eneolit davri jamiyatini kechgan ijtimoiy, ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlar rivojlanishini o'rganishda real manbalardan foydalanilgan holda ilmiy yangiliklarni yangi zamon ruhiga mos holda yoritish kabi mulohazalar o'rin olgan.

Xulosada esa, O'rta Osiyo eneolit davri tarixiga oid adabiyotlarda qayd qilingan ma'lumotlarni nazariy-qiyosiy tahlil qilish asosida mazkur jamiyatning paleogeografikholati, etnogenetik jarayonlar, ularning hududiy joylashish kartografiyada tasvir qilish masalalari qayd qilinadi.

Eneolit (Mis-tosh davri - IV ming yillik ikkinchi yarmi - III ming yillik birinchi yarmi) davri jamiyatining ijtimoiy-iqtisodiy va etnomadaniy munosabatlarida kechgan jarayonlar neolit davri jamiyati urug' jamoalari a'zolarining amaliy tajribalari asosida rivojlangan. Ma'lumki O'rta Osiyo

mintaqasi geologik hudud jihatdan yaxlit, ammo geomorfologik xususiyatlari bilan, iqlim sharoiti va tabiiy-iqtisodiy manbalar va ekologik xususiyatlari jihatidan bir-biridan tubdan farqlangan holda shakllangan. Masalan: Birinchisi-Tog'li hududlari. Etnik jarayonlarini olib borgan aholi ovchilik va termachilik maxsulotlari bilan kundalik taomnomasini belgilab olganlar. Ikkinchisi-Geografik hududi kenglikni namoyon qilgan hududlarda daryo irmoqlari faoliyati natijasida vujudga kelgan ko'llar va mavjud bo'lgan botiqlarning suv havzalari sohili etaklarida ovchilik, termachilik va baliqchilik sohalari rivoj topishiga keng imkoniyatni hosil qilgan. Darhaqiqat ovchilik sohasi xususiyati ikki ko'rinishga ega ekanligini inobatga olish joiz, ya'ni suv havzasi organik dunyosi hamda quruqlik mahsulotlari (turli tuman qushlar va yovvoyi hayvonlar). Mezolit davri jamiyatini iqtisodiyotini asosi bo'lgan o'zlashtiruvchi xo'jaliklar inson evolyutsiyasi va old tarix fanida ishlab chiqarish shakllari bo'lgan – uy chorvachiligi va dehqonchilikka o'tish, eng muhim bosqichlardan biri bo'lib, uning natijalari navbatdagi neolit davri jamiyati barcha sohalari manzarasini yorqin namoyon qilgan. O'rta Osiyo aholisining ishlab chiqarish xo'jaligini rivojlanishida yuz bergan tub o'zgarishlar ibtidoiy jamoa tuzumining tosh davri yakuniy bosqichi neolit davri madaniy ixtirolari bilan bog'liq (mil.avv VI-IV ming yilliklar). Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, mil. avv VIII-VII ming yilliklarda Kichik Osiyo janubi-sharqiy hududida (Chatal-buyuk, Xadjilar), Old Osiyo (Iyerixon) va Iroq hududlarida (Jarmo) manzilgohlar uy-xonalaridan ziroatchilikda ishlatilgan yorg'uchoq va tosh o'roqlar qoldiqlari va qo'lga kiritilgan mahsulotlarga mo'ljallangan maxsus o'ra-chuqurchalar qoldiqlari o'rganilgan [1].

Mil. avv VI-V ming yilliklarda O'rta Osiyo mintaqasining Kopetdog' oldi etagida Jaytun, Cho'pontepa, Chag'olli, Chaqmoqtepa kabi manzilgohlarda qazishma ishlari natijasida paxsa-guvalakdan qurilgan uy-xonalarida istiqomat qilgan aholi "Qayr" dehqonchiligida ishlatilgan mehnat qurollari topilgan [2]. Quyi Amudaryo havzasi, Ustyurt platosi, Zarafshon daryosi quyi qismi atroflari, Qizilqum va Farg'ona vodiysi markaziy qismida istiqomat qilgan aholi neolit davri kasbi kori o'zlashtiruvchi xo'jalik sifatida mezolit davri aholisi an'analarini davom ettirganlar [3]. Demak, ikki xo'jalik yo'nalishlari asosida eneolit davri jamiyati notekis rivojlanishi davom etgan. O'rta Osiyo mintaqasida suniy sug'orish asosida ziroatchilikka o'tish Tajan daryosi havzasidagi Geoksur vohasida joylashgan aholi turar-joylarida olib borgan arxeologik izlanishlar natijalariga ko'ra eneolit davriga mansub moddiy manbalarni olishga muyassar bo'lgan [4]. Masson V.M. Janubiy Turkmanistondagi Qoraqum sahrosi barxonlari oralig'ida mavjud bo'lgan taqirlarni o'z 32 ta manzilgohlar aholisi o'z manfaatlariga hizmat qildirgan davrida Kapetdog'dan oqib tushgan mitti daryolardan uzunligi 2-3 km sug'orish inshootlarini chiqarib ulardan foydalanib neolit davriga qaraganda yuqori hosil olganlar [5]. Albatta, bunday hisob-kitob qilish nisbiydir. Tadqiqotchi xulosasi ba'zi bir mulohazalarga olib kelishi bor gap. Nazarimizcha Kapetdog', Pomir va Tyan-shan tog'lari kabi suvga to'yinishi maqomiga ega emas. Shu jihatini nazarga olsak ko'p sonli manzilgohlarning ko'psonligi, o'z navbatida aholini joylashishi 10-20 km uzunlikda bo'lsa ham mis ashyosi yumshoq xususiyatga ega bo'lganligi sababli, undan ishlangan mehnat qurollar uzoq muddat maboynida taqir yerlarga ishlov berishi cheklanganligini inobatga olish zarur. G.N. Lisitsina, V.M. Massonning eneolit davri aholisining sun'iy sug'orish kanallari orqali dehqonchiligi to'g'risidagi xulosasiga e'tibor, agar Jaytun manzili atroflarida 7,5-15 gektar maydonda "Qayr" dehqonchilik olib borilgan bo'lsa, Geokso'r vohasi aholisi mis-tosh davrida esa 50-75 gektarli yerga arpa va bug'doy ekinlari parvarish qilib, taomnomasida kundalik mahsulotlar geografiyasi xilma-xilligini ta'minlaganlar [6].

Geografik adabiyotlar ma'lumotlaridan ma'lumki, Kopetdog' etaklari, Murg'ob va Tajan daryolari havzasi sohiliga ulangan keng hudud Qoraqum uyumlari, barxonlari tabiiy-iqlim sharoitni belgilab bergan sharoitda dehqonchilik va uy-chorvachiligi sohasida unumli foydalanish orqali aholi mo'ljallagan hosilni olish imkoniyati cheklangan degan xulosaga kelish mumkin. Tadqiqotchilar qayd qilishicha, Janubiy Turkmaniston eneolit davri aholisining neolit davri urug' jamoalari xo'jalik soxasidagi natijalarini ijodiy rivojlantirib, Geokso'r vohasidagi aholi jamiyatini rivojlantirish maqsadida amalga oshirgan innovatsiyalarni taklif qilganlar:

- Ziroatchi-chorvachilik asosida o'troq hayot va sun'iy sug'orish dehqonchiligi hamda uy-chorvachiligi;

- Katta hududlarning jadal o'zlashtirilishi va hududiy joylashish zichligini o'sib borishi;

- Metallurgiyaning paydo bo'lishi va rivojlanishi munosabati bilan ishlab chiqarish kuchlarining rivoj topishi;

- Hunarmandchilik (mis qurollari, oshxonaga mo'ljallangan idish-tovoqlar, don mahsulotlariga mo'ljallangan xumlar va binokorlik bilimi sohasida ixtirolar) ya'ni uy xonalari qurilishi hamda mudofaa inshootlarida paxsa to'g'ri burchakli xom g'ishtlardan foydalanish me'moriy uslub metodlariga asos solinishi [7]. Tadqiqotchilarning Kopetdog' etaklarida yuz bergan o'zgarishlar to'g'risidagi xulosalarining 1,3,4 bandlariga qo'shilish mumkin, ammo ziroatkorlarning migratsion jarayoni Kopetdog' oldi etaklari va Tajan daryosi atroflarini eneolit ilk bosqichi davrida qamrab olgan.

Eneolit davri so'ngi bosqichiga kelganda Geokso'r vohasida aholi yangi avlodlari ota-bobolari vatanini abadiy tashlab Kopetdog' etaklariga kelganlar hamda Zarafshon vodiysi shimoli-g'arbida Sarazm [8] qishlog'iga kelib, hayotiy va amaliy tajribalari bo'lgan loy binokorligi va hunarmandchilik yo'nalishlarini davom ettirganliklari to'g'risida A. Asqarov fikriga qo'shilish mumkin [9].

Demak, o'troq aholining Tajan daryosi havzasi va shimoliy-g'arbiy qismini birlashtirgan aloqa yo'liga asos solishib, qon-qarindoshlik munosabatlari o'rnatilgan. Tadqiqotchilar asarlarida qayd qilingan ma'lumotlarni nazariy-qiyosiy tahlil asosida Janubiy Turkmaniston va Zarafshon vodiysi shimoli-g'arbiy hududlari aholisi tomonidan jamiyat iqtisodiyotini rivojlantirishdagi ixtirolari asosida bo'lgan yangiliklarni quyidagicha izoxlash maqsadga muvofiq:

- Tarixiy jarayon tadrijiy tarzda davom etdi, ishlab chiqarish kuchlarining hududlarda joylashishi davom etdi;

- Aholi tomonidan yangi hududlar o'zlashtirildi (shimoli-g'arbiy Zarafshon vodiysi, Sarazm madaniyati);

- Jamiyat iqtisodiyotini rivojlanishida tosh qurollar bilan birga mis mehnat qurollari qo'llanildi;

- Xajmi kichik sug'orish tarmoqlari asosida dehqonchilik bilimi paydo bo'ldi. Aholi mustaqil o'troq hayotga o'tganligi aniqlandi;

- Me'morchilik, qurilish bilimlari turar-joylarda o'z ma'nosini topdi;

- Turar-joylar qurilishida paxsa guvalakdan to'g'ri burchakli g'isht ishlatilishi bilimi vujudga keldi;

- Turar-joylar mudofa devorlari bilan o'rab olinib ularning devori aylana shaklda burjlarga ega bo'lganligi bois ular o'rtasida aniq himoya maydoni hosil bo'lgan;

- Mehnat qurollari bilan birga harbiy mazmunga ega bo'lgan misdan qilingan qurollar ishlab chiqarilishi yo'lga qo'yilgan (kamon o'qlari, loydan yasalgan yadrolar);

- Qo'shni qabilalar bilan iqtisodiy va madaniy-etnik munosabatlar olib borilgan;

- O'rta Osiyo me'morchilik maktabining ildiziga asos solindi;

O'rta Osiyoning Kaspiyorti, Quyi Amudaryo, Ustyurt platosi, Sariqamishbo'yi, Uzboy, Zarafshon quyi xavzasi, Qizilqum, Vaxsh daryolari atroflari va Farg'ona vodiysida eneolit davrida so'ngi neolit so'ngi neolit urug' jamoalari uyushmalari donishmand "ona" rahbarligida allaqachon ko'nikkan geografik hudud doirasida kasbi-korlarini davom ettirganlar. Tabiiy manbalar seroblighi, mehnat qurollari zaxirasi mavjudligi sababli qo'shni hududlar sari migratsion siyosatni olib borish zaruriyatini hosil qilmagan [10]. Yuqorida qayd qilingan ma'lumotlar quyidagi yakuniy xulosani qayd qilish mumkin.

- O'rta Osiyo mintaqasida eneolit davri aholisi jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jixatdan jadal rivojlanishida neolit davri urug' jamoalarining natijalari asos bo'lgan;

- Jamiyatning ijtimoiy – iqtisodiy va madaniy – etnik rivojlanishining neolit davri jamiyatining notekis rivojlanish ahamiyati saqlanib qolgan bo'lib, geografik muhit, tabiiy iqlim va hududiy ehtiyojlar bilan bog'liq bo'lgan;

- O'rta Osiyoning geografik kenglik hududida aholining joylashishi natijasida vujudga kelgan xo'jalik – madaniy massivlarining rivojlanishi o'ziga xos hususiyatlari bilan ajralib turadi. Shunday geografik kenglik hususiyati issiq hudud Janubiy Turkmaniston hamda Markaziy va Shimoliy hududlarda eneolit davrida umrguzaronlik qilgan aholi tabiiy manbalar va ekologik qulay shart-

sharoitlardan qanday foydalanish usullari, turmush tarzi va moddiy-ma'naviy madaniyati jixatidan bir-biridan ajralib turishini kuzatish qiyin emas;

- Eneolit davrida Kopetdog' etaklariga Tajan daryosi havzasi atroflarida taqir hududlarda sun'iy sug'orish asosida ziroatchilikni olib borgan urug' jamoalari suv tanqisligini nazarga olib Kapetdog' etaklariga qaytadan ko'chib kelib etnik munosabatlarni olib borib, binokorlik bilimlarida yangi ixtirolarni amalga oshirib turar joylarda aks ettirganlar. Huddi shunday bilim Murg'ob daryosi havzasida istiqomat qilgan aholi vakillari hamda Sarazm qishlog'i aholisi tomonidan yanada rivojlantirilgan;

- Miloddan avvalgi IV ming yillik oxiri – III ming yillik o'rtalaridan boshlab, O'rta Osiyoda ikki qutbda faoliyat olib brogan madaniy xo'jalik markazlari rivojlanishida noteks holati saqlanib qolgan;

- Kopetdog' etaklari va Murg'ob daryosi havzasi tevarak-atroflari suv manbasi qulashligi bois, etnik munosabatlar davom etgan. Turar-joylar qurilishida binokorlik bilimini yangi ixtirolari o'z aksini topishi kuzatiladi. Ammo ikkinchi qutbni tashkil qilgan hududlarda yashagan aholi Kopetdog' va Murg'ob daryosi havzasi atroflarida aholi loy binokorligi sohasidagi bilimdan ancha uzoqda ekanligini qayd qilib, uni alohida tadqiq etishni taqoz etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Мелларт Дж. Древнейшее цивилизации Ближнего Востока/Пер. с англ. Е.В.Антоновой-М.: “Наука”, 1982, -С. 20-21. Ллойд С. Археология Месопотамии// Пер с англ. Я.В.Василькова-М.: “Наука”, 1984. –С. 26-39
2. Массон В.М. Джейтун и Кара-депе. Предварительные сообщения о работах 1955 г. // СА, 1957, №1 –С. 144-146
3. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // -М.: “Наука”, 1981, -С. 160-168. Гулямов Я.Г, Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в Низовьях Зарафшана –Ташкент, “Фан”, 1966, -С.20-35. Бижанов У.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта / Археология Привралья –Ташкент, 1982 Вып 1 –С. 14-37
4. Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита –М-Л.: “Наука”, 1964, -С.13-54
5. Массон В.М. Энеолит Средней Азии // Археология СССР-М.: “Наука”, 1982, -С. 10-11
6. Лисицына Г.Н. Становление и развитие орошаемого земледелия в Южной Туркмении -М.: “Наука”, 1978,- С. 8-9
7. Кабиров Ж., Сагдуллаев А.С. Ўрта Осиё археологияси. –Ташкент: 1990, -Б. 104-109. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. -Ташкент: “Университет”, 2004, -Б. 23-26. Таджикотчилар фикри турли нашрларда ўз аксини топган, қаранг. Литвинский Б.А. Намозгоҳдепе / ПО данным раскопки 1949-1950 г.г. // СЭ, 1954 №4. Лисицына Г.Н, Массон В.М, Сарияниди В.М, Хлопин И.Н. Итоги археологического и палеогеографического изучения геоксюрского оазиса // СА, 1965, №1. Бердиев О.К. Новые раскопки на поселениях Песседжикдепе и Чакмаклидепе // Каракумские древности – Ашхобад. Вып.11, 1968. Эшов Б.Ж, Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи 1-жилд (Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача). – Т., 2014. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Т., 2019.
8. Исаков А.И. Саразм. Новый земельный памятники Средней Азии // СА –М, 1986. №1 –С.152-167
9. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Ташкент: “Университет”, 2007, -Б. 99-100
10. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья -М.: “Наука”, 1981. ДЖуракулов М.Ж, Холматов Н.У Мезолит и неолит среднего Зеравшана. -Ташкент.: “Фан”, 1991. Виноградова Н.М, Ранов В.А, Филимонова Т.Г Памятники кангуртута в Юга Западном Таджикистане / Эпоха неолита и бронзового века . -М.: “Наука”, 2008. Қдырғиязов М.Ш, Ягодин В.Н, Мамбетуллаев М.М, Сагдуллаев А.С, Қдырғиязов А.Ш. История цивилизации Хорезма. -Нукус: “Қароқолпоғистон”, 2017 –С. 47-48

UO'K 342.7

QOMUSIMIZDA INSON HUQUQ VA ERKINLIKLARINING KAFOLATLARI

O.Q.Bo'riyev, mustaqil izlanuvchi, O'zR FA “Davlat va huquq” instituti, Toshkent

D.Sh.Hamroqulova, talaba, Termiz Davlat Universiteti, Termiz

Annotatsiya. Mamlakatning hayotida yuz bergan o'zgarishlarni mulohaza qilar ekanmiz istiqlolning hayotbaxsh zaminida yurtimizda inson qadrini ulug'lanishini, ayniqsa, biz yoshlarga keng imkoniyatlar yaratilayotganligini, inson huquq va erkinliklarini ta'minlashga karatilganligining guvohi bo'lamiz. Sohibqiron Amir Temur bobomizning “qayerda qonun hukmronlik qilsa, o'sha yerda erkinlik bo'ladi”, degan o'gitida katta hikmat bor. Bu hikmat hozirgi vaqtda ham o'ziga xos ma'no kasb etishi yoritilgan.

Kalit soʻzlar: “Adolat”, “Insoniylik”, “Tenglik tamoyillari”, xalqparvar davlat, “Inson qadri uchun”.

Аннотация. Когда мы размышляем о переменах, произошедших в жизни страны, мы видим, что на благодатной почве независимости в нашей стране прославляется ценность человека, особенно мы создаем широкие возможности для молодежи, и мы направлена на обеспечение прав и свобод человека. Есть великая мудрость в высказывании нашего деда Амира Темура: «Где закон, там и свобода». Эта мудрость имеет свое значение и сейчас.

Ключевые слова: «общество, где человеческое достоинство является приоритетом, человеколюбивое государство, «За человеческое достоинство».

Abstract. When we reflect on the changes that have occurred in the life of the country, we witness that in the fertile ground of independence, the value of human being is glorified in our country, especially we are creating wide opportunities for young people, and we are focused on ensuring human rights and freedoms. There is great wisdom in the saying of our grandfather Amir Temur, "Where there is rule of law, there is freedom." This wisdom has its own meaning even now.

Keywords: Key words: "a society where human dignity is a priority, a people-loving state, "For human dignity".

Mustaqillik yillari jarayonining tezkorligi, voqea va hodisalarning shiddatli rivojlanishiga, inson takdiriga bulgan munosabatlarning oʻzgarishiga olib keldi. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2022 yilni “Inson qadrini ulugʻlash va faol mahalla yili “deb nomlanishining oʻzidoq inson huquq va qadrining naqadar yuksak darajada ulugʻlanishini koʻrsatib turibdi. Mamlakatning hayotida yuz bergan oʻzgarishlarni mulohaza qilar ekanmiz istiqloqlning hayotbaxsh zaminida yurtimizda inson qadrini ulugʻlanishini, ayniqsa, biz yoshlarga keng imkoniyatlar yaratilayotganligini, inson huquq va erkinliklarini taʼminlashga karatilganligining guvohi boʻlamiz. Sohibqiron Amir Temur bobomizning “qayerda qonun hukmronlik qilsa, oʻsha yerda erkinlik boʻladi”, degan oʻgitida katta hikmat bor. Bu hikmat hozirgi vaqtda ham oʻziga xos maʼno kasb etmoqda. Prezidentimiz aytganidek, “adolat va haqiqat gʻoyasi ijtimoiy hayotimizning barcha jabhalarini qamrab olmogʻi lozim. Adolat va haqiqat gʻoyasi qonunchilik faoliyatimizning bosh yoʻnalishi boʻlmogʻi shart “Albatta, adolatli va erkin jamiyat qurish uchun qonunga tayanamiz va qonun ustivorligiga erishishimiz lozim. Chunki, har qanday davlatning qudratli va mustahkam boʻlishi, xalqning tinch va farovon hayoti, huquq va erkinliklarining qadr - qimmatini qonunlarning ustuvorligiga bogʻliqdir. Avvlambor odamlarning huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirishda insonlarga oʻzlarining huquq va erkinliklarini, burchlarini, oʻzlari yashab turgan joyda oʻrnatilgan qonunlarga, asosan, ularning shaxsiy va fuqarolik huquq va erkinlik hamda burchlari kafolatlab qoʻyilgan asosiy qonun Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va uning normalari tanishtirilishi kerak.

Shu oʻrinda Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi jamiyat tayanchi va yurtimiz taraqqiyotining huquqiy kafolati, davlatimiz mustaqilligining yorqin ramzi, inson huquq va erkinliklarining va qadr – qimmatining koʻp millatli xalqimiz xohish – irodasining qonuniy ifodasi hisoblanadi. Buni Bosh Qomusimizning birinchi moddasidan to oxirgi moddasigacha inson huquq va erkinliklari va qonuniy manfaatlarini taʼminlash, vatan ravnaqi hamda jamiyat taraqqiyotiga xizmat qilib kelayotgan umumbashariy gʻoyalar singdirilganligidan ham koʻrish mumkin. Asosiy qonunimizda buyuk neʼmatlr orasida eng ulugʻi “inson uchun”, degan gʻoya ilgari surilib, bunda inson qadrini ulugʻlash, uning erkin kamol topishi uchun zarur shart – sharoitlar yaratish oʻz aksini topgan. Boshqacha qilib aytganda, “fuqaro – jamiyat – davlat” oʻrtasidagi izchil hamkorlikning huquqiy yechimi asoslab berilgan. Bizning mustaqil davlatimizda insonlarning huquq va erkinliklari kafolati doimiy harakatdagi mexanizmga oʻxshashligi koʻrsatib berilgan. Konstitutsiyamizning 19 – moddasida “hech kim sudning qarorisiz fuqarolarning huquq va erkinliklaridan mahrum qilishga yoki ularni cheklab qoʻyishga haqli emas” ligi belgilab qoʻyilganki, bu qoida huquqbuzar kim boʻlishidan qaʼtiy nazar javobgarlikka tortilishi mumkinligini bildiradi. Oʻzbekiston Prezidenti inson huquq va erkinliklarining kafolatlari haqida, “ Inson huquqlari insoniyat paydo boʻlganidan beri turli darajalarda koʻpgina olimlar, faylasuflarning bahs – munozaralariga sabab boʻlib kelmoqda. Uning

huquqiy manbalari juda – juda qadim – qadim zamonlarga borib taqaladi. Hozirgi bizning zamonimizda inson huquqlariga oid qonunchilik 3 bosqichga bo'lib o'rganiladi. Asosiy qonunimiz xalqimiz uzoq yillar orzu qilgan milliymustaqilligimiz va rivojlanish yo'limiz, inson huquq va erkinliklari kafolatlarini belgilab beradi”, degan edi. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, inson huquq va erkinliklari juda qadim zamonlarga borib taqaladi hamda bizning davrimizga kelib, u 3 bosqichga bo'lib o'rganiladi.

Birinchi bosqich 1789 yilda qabul qilingan Inson huquqlari Frantsuz Deklaratsiyasidan boshlanib, to 1- jahon urushigacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Inson huquqlari qonunchiligi birinchi bosqichda shaxs erkinligi, fuqarolar tengligi, shaxs daxlsizligi, xususiy mulk hamda saylov huquqlariga oid masalalar asosiy o'rinni oladi.

Ikkinchi bosqichda XX asrning birinchi yarmini o'z ichiga olib, unda insonning dam olish, mehnat qilish huquqlari, ijtimoiy yordam olish huquqi uning asosiy mavzusi bo'lgan.

Bilamizki, Konstitutsiyamizning normalaridan ko'pchilik xabardor. Shuni inobatga olib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida mustahkamlangan inson huquq va erkinliklarining kafolatlarini Xalqaro boshqa hujjatlarga qiyoslash orqali ochib berishga harakat qilamiz. Barchaga ma'lumki, Inson huquqlariga oid BMTning 70ga yaqin, Yevropa Kengashi Bosh Assambleyasining 160 dan ziyod, YUNESKOning 70 dan ortiq, Yevropa Xavfsizlik va Hamkorlik tashkiloti tomonidan 30 dan ortiq Xalqaro Konvensiyalar, Deklaratsiyalar, Paktlar qabul qilingan. Ma'lumotlarda e'tirof etilishicha, hozirgi paytda Inson huquqlari bo'yicha 400 ga yaqin Xalqaro hujjatlar mavjud. Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi 1948 yil 10 dekabrda qabul qilingan bo'lib, unga asosan bizning Bosh Qomusimiz O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining o'zagi qabul qilingan. Bizning Qomusimiz Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi negizida qabul qilingan ekan, Deklaratsiyaning muqaddimasida “Insoniyat oilasining hamma a'zolariga xos qadr - qimmat va ularning teng, ajralmas huquqlarini tan olish erkinlik, adolat va yalpi tinchlik asosi ekanligini e'tiborga olib; - Inson huquqlarini mensimaslik va uni poymol qilishlar sodir etilishiga olib kelganligini e'tiborga olib;

- Inson oxirgi chora sifatida inson huquqlari qonun kuchi bilan himoya etilishi zarurligini e'tiborga olib;

- Xalqlar o'rtasidagi do'stona munosabatlarni rivojlantirishga ko'maklashish zarurligini e'tiborga olib;

- Birlashgan Millatlar xalqlari insonning asosiy huquqlariga, insonning qadr-qimmatiga, erkak va ayolning teng huquqligiga, ijtimoiy taraqqiyot va turmush sharoitlarini yaxshilashga ko'maklashishga ahd qilganligini e'tiborga olib;

- BMT bilan hamkorlikda inson huquq va erkinliklarini yalpi hurmat qilish va unga rioya qilishga ko'maklashish majburiyatlarini olganliklarini e'tiborga olib;

- Inson huquq va erkinliklarining xarakterini yalpi tushunib, ularni to'liq ado etilishi uchun ega bo'lishligini e'tiborga olib;

Bosh Assambleya Inson huquqlari Deklaratsiyasini barcha xalqlar va barcha davlatlar bajarishga intilishi lozim bo'lgan vazifa sifatida e'lon qilar ekan, bundan maqsad shuki, har bir inson, har bir jamiyatning tashkiloti doimo ushbu Deklaratsiyani nazarga tutgan holda ma'rifat va ta'lim yo'li bilan insonning huquq va erkinliklarini hurmat qilinishiga ko'maklashishi, milliy va Xalqaro tadbirlar orqali ham uning bajarilishini ta'minlashga va samarali tan olinishiga intilishlari zarur deb hisoblanadi. Jami 30 moddadan iborat bo'lgan Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasining moddalarini o'qir ekanmiz ular O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasidagi normalar bilan o'xshashligiga guvoh bo'lamiz. Masalan: Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasining uchinchi moddasida” Har bir inson yashash, erkin bo'lish va shaxsiy daxlsizlik huquqlariga egadir”. Endi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 24- moddasida “Yashash huquqi har bir insonning uzviy huquqidir. Inson hayotiga suiqasd qilish eng og'ir jinoyatdir”. Deklaratsiyaning 5 - moddasida “Hech kim qiynoqqa yoki qadr - qimmatni xo'rllovchi muomila va jazoga duchor etilmasligi kerak”. Bizning Qomusimizning 26- moddasi 2- yarmida “Hech kim qiynoqqa solinishi zo'ravonlikka shavqatsiz yoki inson qadr - qimmatini kamsituvchi boshqa tarzda tayziqqa duchor etilishi mumkin emas”. Bunday misollarni o'nlab keltirishi mumkin. Bundan ko'rinib turibdiki, mamlakatimiz

Konstitutsiyasi fuqarolarning huquq va erkinliklari borasida Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasining asosiy g'oyasi va qoidalarini o'zida aks ettirgan. Inson asli hur va ozod yaratilgan. O'z manfaati yo'lida inson huquq va erkinliklarini oyoqosti qilib, paymol qilishga hech kim haqli emas. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 2- bobi 13- moddasida "O'zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi. Unga ko'ra inson huquq va erkinligi, sha'ni, qadr- qimmat, uning hayoti va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi. Inson huquq va erkinliklari yana bir marotaba aytamizki, Konstitutsiya va Qonunlar bilan himoya qilinadi. Demak, demokratik davlat deganda, inson huquqlari va erkinliklari ta'minlanishi tushuniladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. M.Mirakulov – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Amadagi qonun hujjatlari monitoringi instituti bo'lim boshlig'i, yuridik fanlar doktori, dotsent - constution. uz / uz/ pages /.
2. Mo'minov Abdulhay, Tillaboev Mirzatillo "Inson huquqlari" darsligi - ikkinchi nashr, Toshkent - "Adolat" – 2013 yil.
3. Saidov Akmal – yuridik fanlar doktori, akademik. "Inson huquqlari " . Darslik . 5- 15 – betlar. Kirish so'zi. Toshkent – "Adolat" nashriyoti – 2013 yil.
4. U.Qurbonova - "Siz qonunni bilasizmi". 04.07.2018 yil №2143-sonli ro'znoma. 3- bet.
5. F.Eshonkulov "Huquqiy ong yuksalsa, jamiyatga yo'l ochiladi " "Adolat" ro'znomasi 2020 yil 18-sondagi maqolasi. 2- bet.
6. Abdukamol rahmonov – O'zbekiston "Adolat" SDP Siyosiy Kengashi raisi o'rinbosari – Inson huquqlari bola huquqlarini ta'minlashdan boshlanadi". "Adolat" ro'znomasi maqolasi. 2020 yil 18- sonida, 1-bet.
7. Nazarov Farhod- Bosh prokuratura boshqarma katta prokurori- "Huquq va burch ma'sulligi bolalikdan boshlanadi"- huquq. /uz/ - 05.06.2020 yil. 5 – soni.
8. Sh.M.Mirziyoev. "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tiziminit takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 19.01.2019 yildagi PF-5618-sonli farmoni.
9. Prezidentning 30.06.2020 yildagi "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini tubdan isloh qilish va yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6017-sonli farmoni.
10. A.Kazakov "Yoshlar xayotida huquqiy ma'rifatning o'rni" – 14.09.2020 yil № 2125-sonli Adolat ro'znomasi.

UO'K 93/94

YANGI O'ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

G.Q.Ergasheva, o'qituvchi, Navoiy davlat pedagogika instituti, Navoiy
U.T.Muftillayeva, o'qituvchi, Navoiy davlat pedagogika instituti, Navoiy

Annotatsiya. Ushbu maqolada Yangi O'zbekistonda ayollar sportini rivojlantirish masalalari, tarixiy natijalarning bugungi kun bilan farqi, kelajak rejalar muhokama etiladi.

Kalit so'zlar: yangilanish konsepsiyasi, islohotlar, taraqqiyot va modernizatsiya yo'li, sportning huquqiy asoslari, uzluksiz tizim, ommaviy sport harakati, xotin-qizlar sporti, sport inshootlari .

Аннотация. В этой статье обсуждаются вопросы развития женского спорта в новом Узбекистане, различия исторических результатов с сегодняшними, планы на будущее.

Ключевые слова: концепция обновления, реформы, путь прогресса и модернизации, правовые основы спорта, непрерывная система, массовое спортивное движение, женский спорт, спортивные сооружения.

Abstract. This article discusses the issues of the development of women's sports in New Uzbekistan, the difference of historical results with today, plans for the future.

Keywords: concept of renewal, reform, path of development and modernization, legal foundations of sports, continuous system, mass sports movement, women's sports, sports facilities

Kirish. Mamlakatimizda istiqbol yillarida xotin-qizlar sportini rivojlan- tirish, opa- singillarimizni sportga jalb etish borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Ayni kunda mazkur yo'nalishda respublikamizda olib borilayotgan ishlar, erishilayotgan natijalar salmoqli ekanligini alohidae'tirof etish lozim.

“Aniqsa, qizlarimizning salomatligini asrash, ularning zamonaviy bilim va kasb-hunarlar egasi bo‘lib voyaga yetishi, jamiyatda o‘z munosib o‘rnini topishi uchun biz barchamiz – ota-onalar, jamoatchilik, mutasaddi rahbarlar javobgarlik va mas’uliyatimizni yanada kuchaytirishimiz zarur.

Nega deganda, qiz bola – bo‘lg‘usi oila bekasi, kelajagimiz egasidir. Bugun biz ularga qanday ta’lim-tarbiya bersak, ertaga ular yangi avlodimizga shunday tarbiya beradi”.

Adabiyotlar sharhi. O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida»gi Qonuni mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sport sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlarini belgilab berdi: jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash; har kimning jismoniy tarbiya va sport bilan erkin shug‘ullanishga bo‘lgan huquqini ta’minlash; jismoniy tarbiya va sport sohasidagi davlat hamda jamoat boshqaruvini uyg‘unlashtirish; fuqarolarning jismoniy tarbiya va sport sohasidagi huquqlarining davlat kafolatlarini belgilash; jismoniy tarbiya va sport sohasida kamsitishga hamda zo‘ravonlikka yo‘l qo‘ymaslik; fuqarolarni jismoniy tarbiyalashning uzluksizligi va davomiyligini ta’minlash; xalqaro hamkorlikni amalga oshirish shular jumlasidandir.

Tadqiqot metodologiyasi va empirik tahlil. 1991–2022 yillar davomida O‘zbekistonda jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishini to‘rtta asosiy yo‘nalishlarda kuzatish mumkin: ommaviy sport, bolalar sporti, xotin-qizlar sporti, yuqori natijalar sporti.

Xotin-qizlar sportini rivojlantirish, xalqaro maydonda kuchli raqobat qila oladigan yuqori malakali sportchilarni tarbiyalash, turli sport turlarida munosib zaxira tayyorlash va ilmiy-amaliy salohiyatga ega yetuk mutaxassis kadrlarni yetishtirish mamlakatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylandi. O‘tgan davr ichida sportchi qizlarimiz erishgan yutuqlarni tahlil qilib, O‘zbekistonda xotin-qizlar sportining rivojlanish istiqbolini belgilab olish imkoniyati tug‘ildi.

Nufuzli xalqaro institutlarning e’tirof etishicha, O‘zbekiston dunyoning 125 davlati orasida xotin-qizlar uchun qulay sharoitlar yaratish va onalikinimuhofaza qilish borasida yetakchi o‘rinlardan birini egallab turibdi. Jahon reytingida mamlakatimiz yosh avlod salomatligiga eng ko‘p g‘amxo‘rlik ko‘rsatayotgan o‘n davlat safidan joy oldi. Aholi genofondini yaxshilash borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida ayollarning o‘rtacha umri 66 yoshdan 73,5 yoshga uzaydi. Onalar va go‘daklar o‘limi 3 barobar kamaydi.

Yurtimizda ayollarga xos sport turlarini rivojlantirish, sport bilan shug‘ullanishni aholining kundalik turmush tarziga aylantirish va shu orqali ayollar salomatligini asrash, ayolda o‘z sog‘ligiga bo‘lgan mas’uliyatni kuchaytirish, sog‘lom avlod tug‘ilishini ta’minlash masalasi ustuvor vazifalardan biriga aylandi. O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya institutida “Xotin-qizlar sportini rivojlantirish yo‘nalishi” tashkil etilib, yuqori malakali ayol trenerlar va jismoniy tarbiya o‘qituvchilarini tayyorlash ishlari yo‘lga qo‘yilgan. Bugungi kunda umumta’lim maktablarida 25169 nafar jismoniy tarbiya o‘qituvchilari, shundan 6763 nafari ayol, bolalar va o‘smirlar sport maktablarida esa jami 9983 nafar murabbiylar, shundan 2536 nafari ayol murabbiylar faoliyat ko‘rsatmokda. 1999 yilda ayol murabbiylar soni 2845 nafarni tashkil etgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2012-2018 yillar davomida 15426 nafarni tashkil etdi.

O‘tkazilgan tadqiqot natijalariga ko‘ra, sport bilan shug‘ullanuvchi 6 yoshdan 15 yoshgacha bo‘lgan o‘quvchi qizlar soni 2 257 151 nafarni, foizda jami 46,9 foiz, qishloq joylarda 44,7 foizni tashkil etdi. 2015 yilda bolalar sporti ob’ektlaridagi murabbiy-o‘qituvchilarning umumiy soni 10 612 nafarni, jumladan, ayollar 2 809 nafar (26,5 foiz), shundan oliy ma’lumotli murabbiy-o‘qituvchilar 5045 nafar (47,5 foiz), xususan, ayollar 1327 nafarni (47,2 foizni) tashkil etdi.

Bugungi kunda O‘zbekistonda 2 millionga yaqin bolalar, shu jumladan, 842 ming qizlar 30 dan ortiq sport turi bilan muntazam shug‘ullanmokda. Bu raqam 2003 yilga nisbatan 1,4 barobar ko‘pdir. Maktab o‘quvchilarini jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlariga jalb etish 20,4 foizdan 40,5 foizga, jumladan qizlar o‘rtasida 16,4 foizdan 32,5 foizga o‘sdi. Umumta’lim maktablaridagi sport to‘garaklari soni 65432 ta bo‘lib, ularda jami 1637933 nafar o‘quvchilar, shu jumladan, 706878 nafari qizlar sport bilan muntazam shug‘ullanmokda. Sunggi o‘n yilda qishloq joylarda bolalarning sport bilan muntazam shug‘ullanishi 14,5 foizdan 39 foizga o‘sdi. 1990 yilda 448 ming 800 nafar o‘quvchilarning 7,4 foizi sport bilan shug‘ullangan bo‘lsa, 2021 yilda 2 million 219 ming nafar, ya’ni 34,8 foiz o‘quvchilarga sport bilan muntazam shug‘ullanishga sharoitlar yaratildi.

Xulosa va munozara. Hozirda Yangi O'zbekistonda xotin-qizlarni sportga jalb qilishda gimnastika mashg'ulotlarini olib borish va tashkil etishning uslubiy tomonlarini yaratish hamda mashg'ulotlarning gigienik talablarini ishlab chiqish qilinayotgan ishimizning dolzarb muammosiga aylangan.

Xulosa qilib aytganda, istiqloq sharofati, yaratib berilayotgan keng imkoniyatlar tufayli xotin-qizlar sporti kundan-kunga yuksalib bormokda. Bu, eng avvalo, kelajak avlodni yaratuvchi opa-singillarimiz sog'ligini mustahkamlashga, ular o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirishga xizmat qilmokda, qolaversa, sport sohasida ham qizlarimiz jahon sport maydonlarida yuqori marralarni zabt etib, o'zbek ayollarining, qizlarining nimalarga qodir ekanliklarini namoyish etib, yurtimiz shuhratini oshirayotganligi barchamizni cheksiz quvontiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. "Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz". – Toshkent: O'zbekiston, 2018. – B. 413.
2. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 2018. – B. 350.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 24 oktabrdagi "O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzish to'g'risida"gi PF-3154-sonli Farmoni. // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2012 y., 10-11-son, 197-modda.
4. Axmatov M.S. Uzluksiz ta'lim tizimida ommaviy sport-sog'lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish. / Monografiya. – T.: 2015. – B. 142, 278.

UO'K 902

GERMANIYA VA YEVROPA ITTIFOQI O'RTASIDA MUNOSABATLARNING O'RNATILISHI TARIXIDAN

X.X. Nishonova, magistrant, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada Germaniyaning Yevropa Ittifoqiga qo'shilishi jarayonlari va ittifoqda tutgan o'rni adabiyotlar yordamida tarixiy tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Germaniya, Yevropa Ittifoqi, fuqarolik jamiyati, NATO, O'zbekiston, do'stlik, hamkorlik, demokratiya, savdo-sotiq, ikki tomonlama hamkorlik, jamiyat.

Аннотация. В этой статье был проведен исторический анализ процессов присоединения Германии к Европейскому Союзу и ее роли в союзе с использованием литературы.

Ключевые слова: Германия, Европейский союз, гражданское общество, НАТО, Узбекистан, дружба, сотрудничество, демократия, торговля, двустороннее сотрудничество, общество.

Abstract. This article provides a historical analysis of the processes of Germany's accession to the European Union and its role in the union with the help of literature.

Keywords: Germany, European Union, civil society, NATO, Uzbekistan, friendship, cooperation, democracy, trade, bilateral cooperation, society.

Bugungi kunda rivojlangan Yevropa davlati Germaniya birlashgan davlatchiligi qayta tiklanganidan boshlab, u demokratik huquqiy davlat va umuminsoniy, e'tirof etilgan ideallar hamda qadriyatlarga asoslangan fuqarolar jamiyati qurish yo'liga tushib oldi. Germaniya mintaqadagi yirik mamlakatlardan biri hisoblanib, tabiiy va insoniy resurslarga boy Yevropada alohida jo'g'rofiy-siyosiy o'rin egallaydi. Ulkan tabiiy, mineral-xomashyo va intellektual salohiyatga ega bo'lgan Germaniya bugunning o'zidayoq Yevropa Ittifoqiga a'zo bo'lgan ko'pgina mamlakatlarning iqtisodiyot va savdo sohasidagi muhim sheriklaridan hisoblanadi.

1970-yillarda Yevropa hamjamiyatlari valyuta zahiralari birlashtirish bo'yicha milliardlab pul mablag'lari va tajribali qarzarlar to'g'risida qarorlar qabul qildilar[1].

Germaniya Federativ Respublikasi bugungi kunda umumevropa jarayonlarining faol ishtirokchisi bo'lib qolgan. Biz Yevropada Xavfsizlik va Hamkorlik tashkiloti Xelsinki g'oyalarini mustahkamlash uchun mintaqaviy markaz sifatida aynan Germaniyani tanlaganligiga e'tibor qaratishimiz lozim. Germaniyaning NATO "Tinchlik yo'lidagi sheriklik" dasturidagi ishtiroki ham

tobora kengayib bormoqda[2]. Hozirgi zamonda Yevropa iqtisodiy va siyosiy ahamiyati tobora o'sib borayotgani Germaniyaning savdo-iqtisodiy, siyosiy va madaniy aloqalarining yorqin istiqboligagina emas, GFR bilan Yevropa Ittifoqi o'rtasidagi strategik sheriklik munosabatlari o'rnatilganligiga ham borib taqaladi.

Germaniya Federativ Respublikasi o'z xalqining munosib hayotini ta'minlaydigan erkin bozor iqtisodiyotiga ega demokratik ochiq davlatni shakllantirish va oyoqqa turg'azish uchun Yevropa Ittifoqi va Yevropa mamlakatlari ko'rsatayotgan yordam hamda madadni yuksak baholaydi va minnatdorlik bilan qabul qiladi, degan edi tashqi ishlar vaziri Gvido Vestervelli o'zining Yevropa Ittifoqi mamlakatlaridan kelgan a'zolar bilan o'tkazilgan majlisdagi nutqida. "Bugungi kunda xususiy sektor va tadbirkorlikni mustaxkamlash, kichik va o'rta biznesni rivojlantirish, biz uchun yangi bo'lgan mulkdorlar sinfini oyoqqa turg'izish, zamonaviy me'yor va standartlarni hayotimizga tatbiq etish borasida bizga ko'rsatilayotgan yordam nihoyatda muhimdir"... Bu borada Yevropa Ittifoqidan TESIS dasturi bo'yicha olinayotgan yordamlar ham nihoyatda mislsizdir.

Hamkorlikning maqsadi bitta – Yevropa va Germaniya hududida barqarorlik va xavfsizlikni mustahkamlash, inson huquqlari va erkini kafolatlash, aholining munosib hayot kechirishi uchun zarur sharoit yaratishdan iboratdir.

2004-yilning boshida Yevropa Ittifoqi kengashi tashqi ishlar vazirlari darajasida Germaniya bilan boshqa davlatlarning sheriklik va hamkorlik to'g'risida bitim tuzish bo'yicha muzokaralar olib borishga qaror qilgan edi. Mart oyida Bryusselda bu muzokaralarning birinchi bosqichi muvaffaqiyat bilan o'tdi. Yevropa ittifoqi komissiyasining raisi Xans van den Brukning Germaniyaga samarali tashrifi ham yuz berdi.

21-iyun kuni Florensiyada, Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlar davlat va hukumat boshliqlari majlisida Germaniya Federativ Respublikasi va boshqa a'zolar bilan yangi mustaqillikni va o'ziga xos taraqqiyot bosqichiga erishgan mamlakatlar bilan Yevropa Ittifoqi o'rtasida sheriklik va hamkorlik to'g'risidagi bitim imzolandi. Marosimning o'ziga kelsak ilgari bunday bitimni imzolagan yangi mustaqil davlatlar orasida faqat Rossiyagina ana shunday sharafiga muyassar bo'lgan edi. Bu bitim o'zaro munosabatlarning mustaxkam tashkiliy poydevorini qo'yibgina qolmay ularni butunlay yangi darajaga ko'taradi ham. Bu bitim Germaniya Federativ Respublikasi ega bo'lgan salohiyatdan boshqa davlatlar uchun yanada to'laroq foydalanish imkonini beradi.

Shuni alohida qayd etish kerakki, sheriklik va hamkorlik to'g'risidagi mazkur bitim keng savdo-iqtisodiy xamkorlik bilan bir qatorda zarur bo'lgan taqdirda oliy darajada siyosiy maslaxatlar o'tkazishni ham nazarda tutadi.

Imzolangan bitim tomonlarning faol sheriklik asosini tashkil etishga bo'lgan intilishidan dalolat bo'libgina qolmaydi. U Germaniyada demokratik jamiyat muvaffaqiyat bilan qurilayotganini, nemis xalqi inson hukuklarini hurmat kilish, fuqaro erkinligi va xuquqiy davlat singari umumiy qadriyatlarga sodiq ekanini ham yaqqol ko'rsatib turibdi. Nazarimizda bu hujjat qachondir aytilgan o'zaro hamkorlik asoslari faqatgina manfaatlar doirasida quriladi, unda insonparvarlik tuyg'ularidan asar ham bo'lmaydi deganga o'xshash gaplarni ham chipakka chiqaradi. Sharqiy va G'arbiy Germaniya birlashuvidan keyin o'tgan yillarda amalga oshirilgan barcha ishlar Yevropa mamlakatlarining kundan-kun mustahkamlanib borayotgan o'zaro munosabatlarini ko'rsatib turibdi.

2007-yil mart oyida Germaniya tashabbusi bilan Yevropa Ittifoqiga a'zo davlatlarning hamkorlik va rivojlanish masalalari bo'yicha vazirlarining norasmiy yig'ilishi bo'lib o'tdi. Uchrashuvda muhokama qilingan asosiy muammo Yevropa Ittifoqining Afrika, Karib dengizi va Tinch okena davlatlari bilan o'zaro aloqasi, xususan hamkorlikning energiya komponenti edi[3].

Germaniya Federativ Respublikasining Yevropa tuzilmalariga yaqinlashuvida bu buyuk davlat bilan ikki tomonlama munosabatlarning chuqurlashuvining ham hissasi bor. Germaniyaning O'zbekistonga Yevropa Ittifoqi va boshqa xalqaro tashkilotlar bilan muvafaqiyatli hamkorlik qilishida ko'rsatayotgan rag'bat qo'llab-quvatlashi o'zaro munosabatlarimizning yanada mustahkamlanishiga ko'maklashadi.

Turkiya Respublikasi Prezidenti S.Demirilning Germaniyaga rasmiy tashrifi ushbu buyuk derjavaning jahon hamjamiyati bilan aloqalarini mustahkamlash borasidagi faoliyati nuqtai nazaridan qaralishi lozim. Shuni mamnuniyat bilan qayd etish kerakki, Berlinda imzolangan do'stlik va

hamkorlik haqidagi shartnoma bu ikki davlat munosabatlarining izchil va barqaror ravishda rivojlanayotganini aks ettiradi. Keyingi uch oy mobaynida Yaponiya, Indoneziya, Avstraliya, Polsha delegatsiyalari Germaniya Federativ Respublikasiga rasmiy va amaliy tashrif buyurdi. Do'stlik, yakdillik va xamkorlikning tobora rivojlanib borayotgani Berlindagi uchrashuvlarning o'ziga xos xususiyati bo'ldi.

Bir qator endigina mustaqillikka erishgan mamlakatlar 1996-yildayoq Yevropa Ittifoqi bilan bir qancha muhim xalqaro va hukumatlararo bitimlarni imzoladi. Ular orasida Yevropa Ittifoqiga azo davlatlar, xususan, Germaniya bilan Afrika va Osiyo mamlakatlari o'rtasida hamkorlik to'g'risidagi oraliq bitimi ham bor. Bu hujjat iyun oyida Florensiyada imzolangan mustaqillikni qo'lga kiritgan mamlakatlar bilan Yevropa Ittifoqi o'rtasida sheriklik va hamkorlik haqidagi bitimning mantiqiy davomi bo'lib, siyosiy, savdo-iqtisodiy va gumanitar qo'shma loyihalarni bugungi kunning o'zidayoq amalga oshirish imkonini beradi.

Yevropa Ittifoqi komissiyasi raisi janob J.Santer bilan Markaziy Osiyo davlatlari xamda Yevropa tuzilmalarining narkotik moddalar tarqatilishiga qarshi birgalikdagi harakatlari va bu maqsadlarda TESIS dasturi doirasidagi loyihalardan foydalanish zarurligi xususida erishilgan bitimlarning ahamiyatini alohida takidlashni istardim. Shu munosabat bilan hamkor mamlakatlar Yevropa Ittifoqining narkotik moddalarni tayyorlash hamda o'z mamlakatlari orqali olib o'tilishining oldini olishda Osiyo va Afrika qit'asidagi mamlakatlarga yordam berish haqida shu yil 14-dekabr kuni Dublinda qabul qilingan qarorini yuksak baholash mumkin [4].

1996-yilda eng avvalo iqtisodiy rivojlangan mamlakatlar bilan ikki tomonlama asosdagi o'zaro munosabatlar sezilarli darajada kengaydi hamda mustahkamlandi. 1998-2009-yillarda Germaniya Yevropaning xavfsizlik va mudofaa loyihalarini amalga oshirish bo'yicha faol harakatlarni amalga oshirdi. Maastrixt shartnomasi imzolandi, unda Yevropa Ittifoqi vakolatiga umumiy tashqi va xavfsizlik siyosati to'g'risidagi qoidalar kiritildi[5].

2008-yilning 1-may kuni Germaniya, butun Yevropa qolaversa, jahon siyosati uchun burilish pallasi bo'ldi. Turli millat va elatlardan iborat 453 million aholini birlashtirgan hamda yer sharida eng ulkan iqtisodiy potensialga ega bo'lgan Yevropa Ittifoqi misli ko'rilmagan darajada "yangi toifadagi umumiylik" asosida faoliyat yurita boshladi. Ushbu yangi siyosiy uyushma xususida turfa xil fikrlar mavjud. Jumladan, ba'zi birovlar uning murakkab muammolari haqida ko'proq gapirishmoqda. Zero, insoniyat shunday yaratilganki, u asosan muammolarni ko'radi, ularga e'tibor beradi va shu tufayli o'ralashib, shubhalarga borib, hatto bugun xal qilinishi lozim bo'lgan boshqa asosiy masalalardan yiroqlashayotganligini ham sezmay qoladi. Shunday ekan, u erdagi muammolarning ob'ektivligini inobatga olgan holda, ushbu mintaqalarda Germaniya tomonidan qo'lga kiritilgan qo'yidagi asosiy yutuqlarga aloxida e'tibor berishimiz lozim bo'ladi:

Birinchidan, hatto eng kuchli davlatlardan hisoblangan Angliya yoki Fransiyaning xolisona aytadigan bo'lsak, dunyo siyosatida tobora oshib borayotgan ta'siri xususan, Yevroittifoq tufayli sodir bo'lmoqda.

Ikkinchidan, a'zo mamlakatlarning barchasi jamiyat barqarorligi va taraqqiyoti bilan bog'liq muammolarini aynan Yevroittifoq doirasida tez va samarali hal etish imkonini qo'lga kiritishdi. Va nihoyat, uchinchidan, har bir a'zo davlat o'z milliy manfaatlarini amalga oshirish yoki ta'minlash yo'lida yana bir katta imkoniyatga, ya'ni umumevropa resursiga ega.

Germaniya Federativ Respublikasining Yevropa bilan yagona xavfsizlik muhitigagina daxldorligini e'tiborga oladigan bo'lsak, muammoning diqqatga sazovar ayrim jihatlariga ahamiyat berish foydadan holi bo'lmaydi. Lekin mintaq va Germaniya milliy manfaatlarini ta'minlash nuqtai nazaridan taraqqiyotning beqiyos yangi bir bosqichiga ko'tarilayotgan Yevropa integratsiyasining zamirida yotgan "ko'zdan yiroq" bir jihatga, ya'ni umumyevropa siyosiy madaniyatiga alohida e'tibor qaratmoqchimiz. Zero, siyosiy ko'nikmalar va stereotiplar u yoki bu siyosiy milliy, mintaqaviy uyushmaning dunyoga yuz tutishiga ko'maklashgani holda uning noyob bir oganizm sifatida silkinishlarsiz faoliyat ko'rsatishini ta'minlash qobiliyatiga ham ega[6].

To'g'ri, bugungi kunda Yevroittifoqning hozirgi holatiga xos umumiy siyosiy madaniyatning o'rni haqida mutaxassislarning turli xil fikr bildirayotganligi hech kimga sir emas. Ayrimlar Yevropani yagona siyosiy yaxlitlikka olib kelgan omillar orasida umumiy mentalitet va tarixdan

ko'ra, mavjud tahdidlarni bartaraf etish borasidagi manfaatlar aloxida o'rinni egallaydi, degan fikrni o'rta tashlamoqda. Zotan, Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "Davlatlarni ham, tizimlarni ham bir qolipga solib bo'lmaydi". Lekin siyosiy ko'nikmalardagi o'xshashlik u yoki bu mintaqadagi xavfsizligi uchun birdan-bir omil bo'lmasada, uning ahamiyatini inkor etish mumkin emas. Umuman olganda, Yevroittifoq hozirda biron-bir jiddiy muammoni boshidan kechirayotgani yo'q. Bu esa aksariyat mintaqa davlatlarining muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatayotganligidan, uning cheksiz kengayishi mumkin emasligiga qaramay, boshqalarning a'zolikka intilayotganligidan va tashkilotning xalqaro xavfsizlikning mustahkam forposti darajasiga ko'tarilganligidan dalolat bermoqda, lekin bu yuksalish shunchaki muammosiz kechmoqda, degani emas, albatta. Taomilga ko'ra, har qanday siyosiy hamjamiyat siyosiy kommunikatsiya jarayonida bo'lgan ko'plab individlar va sotsial guruhlarni qamrab oladi va ushbu jarayon davomida ular faqat o'ziga xos va mos, tabiatan interaktiv siyosiy madaniyatni yaratishadi. Shuningdek, fuqarolar siyosiy qarorlarning qabul qilinishida faol ishtirok etadimi yoki yo'qmi undan qat'iy nazar, hokimiyat organlari tomonidan qabul qilingan huquqiy me'yorlarga qo'shilish va ularni bajarish hamda umumiy strategik maqsadlarga erishish yo'lida hokimiyat bilan hamkorlik qilishligi lozim bo'ladi, deb ta'kidlaydi siyosiy fanlar doktori Marina Strejneva.

Yevropa Ittifoqining buguni va istiqboli ko'p jihatdan har bir a'zo davlat fuqarolari tomonidan unga berilayotgan bahoga va qolaversa odamlar tasavvurida uning qanday qiyofada gavdalanishiga bog'liq. Shu tufayli ham Yevropa Ittifoqi bir-biridan o'zaro farq qiluvchi, yagona lekin yagona maqsad yo'lida birlashgan millatlar tasavvurida mavjud ideallar bilan uyg'unlashishga majburdir. Shu bilan bir qatorda, Yevroittifoqqa a'zo bo'lgan har bir davlatning xavfsizligi va istiqboli boshqa omillardan tashqari, xususan "NATO-AQSH-EI" triadasining mintaqada qanday qabul qilinishiga, ayniqsa uning legitimlik darajasiga ham aloqador. Zero, har bir mintaqada ertami yo kechmi siyosiy xavfsizlikning yagona tizimini shakllantirishga bo'lgan zarurat kuchaymoqda. Bunday holatning mintaqadosh davlatlar oliy siyosiy rahbariyati darajasida anglayotganligi diqqatga sazovordir. Demak, nafaqat Germaniya Federativ Respublikasi, balki Osiyoning buguni va kelajagi, hamkorlikka asoslanib, mintaqaviy barqarorlikni ta'minlash yo'lida katta tajribaga ega bo'lgan Yevropani chuqur idrok etish darajasiga ham bog'liqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Journal of european integration 2021, VOL. 43, NO. 2, 209–226 <https://doi.org/10.1080/07036337.2021.187769>
2. Monde Diplomatique" 1992, elegendnyy sbornik
3. Попова Оксана Петровна "Германия и политика Европейского союза в сфере СМР" Россия, 119991, г. Москва, Ленинские горы, д. 1.
4. Pleshakov K.V. geopolitika v svete globalnykh peremen.-Mejdunarodnaya jizn, 1994, № 10.
5. Семке Юлия Валентиновна. Роль Германии в становлении Европейских Структур безопасности и обороны европейского союза. –М., 2010.
6. Carlo Santoro "Progetto di ricerca multifunzionale 1994 - 1995 - I nuovi poli geopolitici", Milano.

UO'K 94

TURKISTONDAGI QOCHOQLARNING TOIFALARI XUSUSIDA

(XIX asr oxiri XX asr boshlari)

F.Saidov, o'qituvchi, Qarshi davlat universiteti, Qarshi

Annotatsiya. Ushbu maqolada XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda qochoq bo'lganlarning milliy-etnik tarkibi va qochoqlik sabablari birlamchi manbalar orqali tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Qochoq, turk, fors, arman, boshpana, dehqonchilik, bog'dorchilik, asir, amir, qo'shbegi.

Abstract. This article analyzes the national-ethnic composition of refugees in Turkestan in the late 19th-early 20th century and the reasons for fleeing through primary sources.

Keywords: Fugitive, Turk, Persian, Armenian, asylum, farming, gardening, captive, emir, koshbegi.

Аннотация. В данной статье анализируется национально-этнический состав беженцев в Туркестане в конце 19-начале 20 века и причины бегства по первоисточникам.

Ключевые слова: Беглец, турок, перс, армянин, убежище, земледелие, садоводство, пленник, эмир, кошбеги.

Kirish. Insoniyat tarixida aholining o‘z yashash joylarini o‘zgartirishi, ko‘chishi bilan bog‘liq jarayonlar barcha davlarda yuz berib turgan. Migratsiya aholini o‘zining doimiy yashash joyidan ko‘chishi bo‘lib, migratsiyaning ixtiyoriy, ixtiyoriy-majburiy, rejali majburiy kuchish kabi shakllari mavjud. Bugungi kunda mehnat migratsiyasi mavsumiy migratsiya, vaqtinchalik migratsiya kabilar ham namoyon bo‘lib turmoqda. “Qochoq” atamasi “migratsiya” tushunchasidan farq qilib, insonlarning hayoti, oilasi, mol-mulkiga kabilarga real xavf tug‘ilgan bir paytda, hukumat va ma‘muriy organlar tomonidan tazyiqqa uchrab o‘lim bilan yuzma-yuz kelish holati kelib chiqsa, qochoq va qochoqlar guruhi vujudga keladi. O‘zga hududlarda uy qamog‘i, maxsus rejim, qat‘iy nazorat ostida saqlanganlarning oxiri yo‘l sifatida qochish chorasini qo‘llashi ham “qochoq” atamasining lug‘aviy mohiyatini to‘ldiradi. Rossiya imperiyasining Turkistonni mustamlaka qilgan yillarda qochoqlar muammosi ham jamiyat hayotidagi doimiy jarayonlardan biriga aylandi.

Tahlil va natijalar. Turkistondan qochish va boshqa mamlakatlardan Turkistonga qochib kelish bilan bog‘liq boy manbaviy dalillar saqlangan Qochoqlar soni choq ko‘payib, goh kammayib tursada, ushbu jarayon butunlay to‘htab qolmagan. Qochoqlar orasida yuqori tabaqa vakillaridan oddiy dehqon, ishchi va hunarmandlar bo‘lgan.

Qochoqlar orasida hech qanday rasmiy xujjatga ega bo‘lmaganlar, fuqaroligi ma‘lum emaslar, millatini sir tutganlar, oilali va oilasizlar, fuqaroligi bo‘lgan va bo‘lmaganlar yosh o‘rta yosh, keksalar, xarbiylar sobiq asirlar amaldor, o‘qituvchi, ziyoli lar bor edi. Turkistonga XIX asr oxirida Kavkazortida yuz bergan musulmon-arman to‘qnashuvlari tufayli ko‘p sonli arman qochoqlarining oqimi kuzatilgan. Manbalar da keltirilishicha ushbu qochoq armanlar mintaqada oshxona, savdo do‘koni, vino-pivo bilan savdo qiluvchi do‘konlar va mehmonhonalar ochdi. Ular orasida sarmoyadorlar ham bo‘lib, qochoq fors, yahudiylar bilan anchagina sarbast bo‘lishgandi. Qochoqlar asosan savdogar ekanligi Kapiy ortidagi Ashxobod shahrida 99 yirik savdogardan 40 nafari arman millatiga mansub edi. Shuningdek, Turkistondan 1894 yilda musulmon-arman janjalidan so‘ng 3 ming sonli armanlar qochib keldi. Ular 1894-1897 yillarda Turkiston general gubernatorligining Kaspiyorti viloyatida joylashishdi. Kaspiyorti viloyatida ishchi kuchiga muhtoj bo‘lib, aholi soni ozchilikni tashkil etardi.

Mahalliy aholidan tashqari 1897 yilda ushbu viloyatda 11 ming sonli ruslar, 4803 ta arman millati vakillari istiqomat qilardi. aholining 21 foizini forslar, 13,3 foizini armanlar tashkil etgan.

Bundan tashqari 24 ming nafar turkman Rossiya va Eron hududlari bo‘ylab ko‘chib yurib, ular orasida qochoqlar 15-20 foizini tashkil etgan. Bu turkmanlar turli yumushlar bilan mashg‘ul bo‘lib, salmoqli qismi ham Rossiyaga ham Turkiyaga soliq to‘lagan Kaspiyortida bo‘sh yerlar mavjud bo‘lib, hukumat ularda paxtachilik va dehqonchilikning boshqa tarmoqlarini rivojlantirish. Choralirini ko‘rgan. Shu sababli Afg‘oniston, Eron, Xitoydan ko‘chib kelganlar va qochoqlarga ham dehqonchilik qilish uchun yer berilgan. Ular 1899 yilda Ashxobod shahridan 4 km uzoqlikda tashkil etilgan “tajriba dalasi”, kerki tajriba maydonidan yer olishgan. Tajriba dalalarida sobiq qochoq dehqonlar faoliyati nazorat qilingan tajriba dalalarining yillik budjet mablag‘i 4800- 5000 rublni tashkil etib, unda 6 nafar o‘qituvchi 42 nafar rus va turkman o‘quvchilari bo‘lgan. Qochoq turkmanlarining bolalari ham maktabda tahsil olib, meva sabzovot yetishtirish, gulchilik va ipak qurti boqish ilmidan saboq olishgan.

Arxiv manbalarida Turkiya va Kavkazdan qochib kelganiga 5-10 yil va undan ko‘p bo‘lgan ayrim “Sabiqli qochoqlar” viloyat harbiy gubernatorlariga rus fuqaroligiga qabul qilishni so‘rab qilgan iltimosnomalari saqlangan. 1908 yil 29 oktabrda qochoq armanlardan biri Tigran Kuyunyan Farg‘ona viloyati harbiy gubernatoriga yozgan arizasida 5 yildan buyon Qo‘qon shahrida istiqomat qilayotganligi hukumat o‘z oldiga qo‘ygan majburiyatini bajarganligi shu sababli rus fuqaroligiga qabul qilishni so‘ragan. Turk millati vakili Yusufjon Husenov esa o‘z iltimosnomasida (1908 yil 27 noyabrda yozilgan) Skobelev (Yangi Marg‘ilonda 18 yildan buyon yashab kelayotganligi, rus fuqaroligiga qabul qilishlarini so‘ragan)

Birinchi jahon urushi yillarida Turkiston general-gubernatorligiga G'arbiy davlatlardan qochoqlar oqimi kuchaygan, chet el fuqarolarining soni 1914 yilga qadar 1500-2000 kishidan oshmasdi. Birgina kaspiy orti viloyatiga 1915 yil iyul oyiga qadar 70 mingdan

Ortiq qochoqlar oqimi yuz bergan. Jumladan ular orasida rumin, madyar, nemis, avsrst kabilar bo'lib, birgina polshadan 8-10 nafar polyak-yahudiylar qochib kelgan, hatto, boltiq bo'yidan 1500-2000 nafar aholi ham kuchirib keltirilgan.

Qochoqlarning yirik to'liqini Turkistonda ijtimoiy muammolarni keskinlashtirib yuborgan. 1916 yil aprel oyida Turkistonga o'z boshimchalik bilan ko'chib yohud qochib kelgan aholini Rossiya ichki rayonlaridan Samara va Saratovga rezvakuatsiya qilganlar.

Mazkur rezvakuatsiya dan keyin Turkistonda 7-8 ming Yevropa millati vakillari hisoblangan qochoqlar, 3500-4500 polyak, yahudiy, 600 nafar latish, litov, 200 ta estonlar qolgandi. Shunday ham imperiya hukumati muammolar girdobida qolib, asir, qochoq, internirlar.

Kelishi turar joy va oziq-ovqat muammosini kuchaytirdi. Hokimiyat esa ushbu majburiyatni mahalliy aholi zimmasiga yukladi. 1915-1916 yillarda bir qism qochoqlar o'zlarining asl joylari Rossiya ichki rayonlari va Ukrainaga rezvakuatsiya qilganidan so'ng 1917 yilda vaziyat bir oz yumshagan.

Qochoqlar orasida Turkistonda saqlangan birinchi jahon urushi asirlari ham anchagina edi. Tadqiqotlarda keltirilishicha, 1914-1915 yillarda musulmon vakillari bo'lgani uchun atayin turk asirlari Turkistonga jo'natilmagan. 1915-1916 yillarda Turkiston harbiy lagerlarida turk tutqunlari atigi 15-25 kishi atrofida bo'lgan. Turk asirlari Ural va Sibir tutqunlar lageridan Turkistonga qochib kelgan, ularni mahalliy aholi yashirib o'z himoyasiga olgan 1914- 1915 yillarda Turkistonga harbiy asirlar bilan birga harbiy xizmat yoshidagi 300 nafar nemis va polyak ham kelgan.

Turkistondagi qochoqlar muammosi haqida fikr yuritarlar ekan, mintaqaga surgun qilingan Avstriya –Vengriya, Germaniyadan asir olinganlarning qo'shini Afg'oniston va Eronga qochishga harakat qilganliklari, ular o'z maqsad lariga erishish yo'lida Turkistondagi afg'on va fors fuqarolari yordamidan foydalanganliklari bilan bog'liq ma'lumotlar keltiriladi. Manbalardan birida afg'on fuqarolaridan biri SHerafg'on Hayotxonov Ashxoboddagi tekin bozorida xusuviy savdo do'koni va choyxonasi bo'lgan U rossiya iimperiyasi hukumati ishonchiga kirgan bilan birga asirlarni Afg'onistonga yashirin qochishlariga amaliy yordam bergan.

Biroq Chorjo'y, Qarshi harbiy garnizonlarida saqlangan Birinchi jahon urushi asirlaridan nemis, avstriya, rumin, madyar(venger)lardan 800 tadan 600 tagacha saqlangan. Ular Rossiya imperiyasi hukumati tartiblariga bo'yso'nmaslikda, Afg'oniston va Eronga qochib ketishida ayblangan. Xorijga qochish uchun uringan asirlardan 10 tadan ikkitasi maqsadiga erishardi. Ular afg'on armiyasiga o'tib harbiy maslahatchi, ma'miri ustasi, harbiy vrach va sanitar kasblarida ishlashgan [7]. Arxiv hujjatlarida 1916 yil Chorjo'y harbiy garnizonidan Afg'onistonga qochgan 20 nafarkishidan 14 tasi o'z joyiga ushlab kelib qaytarilgani, 6 tasi qidirilayotgani qayd etilgan [8]. Qochoq harbiylar Buxoro amiriligiga tegishli hududlarga qochib...

O'tib, amir Sayid Olimxon va Qo'shbegi (hukumat boshlig'i)ga o'z yurtlariga yuborish uchun ruxsatnoma so'raganlar, iltimosnomalar bilan murojaat qilganlar. 1916 yil boshlarida Amir Qo'shbegisi xatlaridan birida : "2 nafar sobiq asir, (avstriys millatiga mansub) amirlikka qarashli Nurota begligiga qochib o'tganligi ko'rsatilgan. Qochoqlar Nurota begi Abdurayim To'qsaba panohida 4 oy bo'lib, jarohatlarini davolashgan. Nurotada turgan asirlar o'z yurtlariga yetib olishda Abdurayim Tuqsabadan yordam so'rashgan, bek esa ularni Buxoroga amir huzuriga yuborgan [9]". deb xabar qilinadi. Amir qo'shbegisi arxiv fondlaridan birida 20 nafar nemis, avriys, rumin, polyak, venger amirlik hududiga qochib o'tib yashirib yurganligi qayd etilgan. Ularning o'z vatanlari ga qaytarish uchun ruxsat so'rab yozgan umumiy ostiga imzo qo'yilgan.arizalari mavjud [9]".

Xulosa. XX asr boshlarida Sharqiy Buxoroda (hozirgi Tojikiston va Surxandaryo viloyati) aholining Afg'onistonga ko'chish va qochishi kuchaygan . Ushbu jarayonning keskin tus olishiga sabab hosilsizlik va ocharchilik, ayniqsa yetishtiladigan dehqonchilik mahsulotlarini chigirtka bosishi bo'lgan. 1900-1902 yillardagi hosilsizlik va chigirtka bosishi natijasida Saroyda qishloqlar bo'shab qolgan uyjoylar vayron, ekinzorlar tashlandiq bo'lib qolgan. Aholisi siyraklashib qolganligi oqibatida mahalliy bek xazina uchun 15 ming rubl miqdorida soliq to'lagan bo'lsa, 1900

yil 15 barobar kam ya'ni 1200rubl to'play olgan xolos. Afg'oniston hukumati qochoqlarni o'z bo'sh yerlarida saqlab qolish uchun har bir xonadonga 100 rupiy rus pulida 48 rubl) yordam puli bergan [9].

Kullas, XIX asr oxiri –XX asr boshlarida Turkistonda qochoqlarning turli oqimlari yuzaga kelgandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ўзбекистон Миллий Архиви, U -461 –фонд, 1-рўйхат 2889 йиғма жилд, 16,18-варақлар.
2. ЎМА, U-19-фонд, 1-рўйхат, 28849 йиғма жилд, 53- варақ.
3. ЎМА, U-19-фонд, 1-рўйхат, 28849 йиғма жилд, 47-варақ.
4. ЎМА, U-461-фонд, 1-рўйхат, 1687 йиғма жилд,8-варақ, 8-варақ орқаси 1657 йиғма жилд, 4-варақ, 4-варақнинг орқаси.
5. ЎМА, U-3-фонд, 1-рўйхат 296-йиғма жилд,328-варақ.
6. ЎМА, U-46-1-фонд, 1-рўйхат, 1442-йиғма жилд, 45-варақ.
7. ЎМА, U-126-фонд, 1-рўйхат 1447 йиғма жилд, 41 варақ.
8. ЎМА, U-126-фонд, 1-рўйхат, 1449-йиғма жилд, 50,51,53-варақлар.
9. Лочафеть Д.Н. Неграницах Средей Азии. Путевы очерки 3-книгах, Русского –Афганская граница. Книга //, С-Петербург-1909,

UO'K 94(575.1)

O'ZBEKISTON JANUBIY HUDUDLARIDA XOTIN-QIZLARNING IJTIMOIIY FAOLLIGINI OSHIRISH JARAYONLARI

(XX asrning 20-30 yillari misolida)

M.X.To'rayeva, t.f.n., dots., Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi

Annotatsiya. *Mazkur maqolada XX asr 20-30 yillarida sovet hokimiyatining O'zbekistonning janubiy hududlarida xotin-qizlar ijtimoiy faolligini oshirish maqsadida amalga oshirgan ishlari yoritib berildi. Mazkur masalani amalga oshirish jarayonida xotin-qizlar uchun tashkil etilgan madaniy-ma'rifiy muassasalar, ularning turlari va amalga oshirgan ishlari ko'rsatib berildi.*

Kalit so'zlar: *madaniy-oqartuv muassasasi, ko'chma o'tovlar, qizil choyxonalar, qizil burchaklar, xotin-kizlar klublari, "Hujum" harakati, "sotsialistik musobaqa", qiroatxona, volost, uyezd, partiya qo'mitasi, kolxoz, sovxoz.*

Аннотация. *В данной статье освещена работа, проделанная советской властью в 20-30-е годы XX века в целях повышения общественной активности женщин в южных районах Узбекистана. В ходе реализации данного вопроса были указаны культурно-образовательные учреждения для женщин, их виды и проделанная работа.*

Ключевые слова: *культурно-просветительное учреждение, передвижные юрты, красные чайные, красные уголки, женские клубы, движение "Худжум", "социалистическое соревнование", читальня, волость, уезд, партийный комитет, колхоз, совхоз.*

Abstract. *This article highlights the work done by the Soviet government in the 20-30s of the XX century in order to increase the social activity of women in the southern regions of Uzbekistan. During the implementation of this issue, the cultural and educational institutions established for women, their types, and their work were shown.*

Key words: *cultural and educational institution, mobile yurts, red tea rooms, red corners, women's clubs, the Khujum movement, socialist competition, reading room, volost, county, party committee, collective farm, state farm.*

Xotin-qizlar masalasi jahonning barcha davlatlarida eng jiddiy ijtimoiy-siyosiy masalalardan biri hisoblanadi. Sovet hukumati va kommunistik partiya XX asr boshlarida ushbu ijtimoiy-siyosiy masalani siyosiy va iqtisodiy manfaatlardan kelib chiqib keskin hal qilish yo'lidan bordi.

XX asrning 20-yillari o'rtalariga kelib O'zbekistonda sovet tuzumi, uning mafkurasiga xizmat qilishi mo'ljallangan madaniy-ma'rifiy muassasalar tizimi yaratildi. O'zbek xalqi ijtimoiy va madaniy hayotiga yangilik sifatida kirib kelgan madaniy-ma'rifiy muassasalar oldiga kishilarni muayyan g'oya, mafkura asosida jipslashtirish, davlat siyosatini aholi orasida targ'ibot-tashviqot qilish kabi vazifalar yuklandi.

Sovet hokimiyati tomonidan xotin-qizlar masalasiga alohida e'tibor qaratildi. O'zbekiston kommunistik partiyasining 1925 yil 12 fevralda bo'lib o'tgan yig'ilishida "Xotin-qizlar o'rtasidagi ishlar to'g'risida"gi qaror qabul qilindi.[1] Mazkur qarorda xotin-qizlar uchun alohida madaniy-ma'rifiy muassasa tashkil etish masalasi ko'rib chiqildi. Mahalliy sharoitlarga qarab xotin-qizlar uchun madaniy-ma'rifiy muassasalar: ya'ni ko'chma o'tovlar, qizil choyxonalar, qizil burchaklar, xotin-qizlar klublari tashkil etildi. Xotin-qizlarni jamoatchilik ishlariga jalb qilishda klublar asosiy vazifani bajardi. Shunday xotin-qizlar klublaridan birinchisi 1924 yilda Toshkent shahrida ochildi.[2] Keyingi yillarda bunday muassasalar O'zbekistonning boshqa shaharlarida ham tashkil qilindi.

1925 yilda Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahrida birinchi xotin-qizlar klubi ochildi va unga Muqaddam Zokirova boshchilik qildi.[3] 1926 yilda Qashqadaryoda xotin-qizlar klublari soni 3 ta bo'lib, ular Qarshi, Shahrisabz, G'uzor tumanlarida faoliyat ko'rsatdi. Dastlabki yillarda mahalliy xotin-qizlarni klublarga jalb qilish qiyinchiliklar bilan amalga oshirildi. Qarshi shahridagi Krupskaya nomli xotin-qizlar klubi xalq ta'limi bo'limi ixtiyorida bo'lib, klub a'zolari 250 nafarni tashkil etdi. Ulardan faqat 56 nafari mahalliy millat xotin-qizlari edi. 1927 yilga kelib Surxondaryo viloyatining Termiz, Denov, Sariosiyo va SHERobod tumanlarida xotin-qizlar klublari faoliyati yo'lga qo'yildi.[4] Ro'zixol Elmurodova, Fotima Aliyeva, Tursunoy Rizaqulova, Zulfiya Ziyoyeva, Qurbonoy Hakimovalar xotin-qizlar klublariga boshchilik qildilar. Klublarning asosiy a'zolari shaharlik ayollar bo'lib, ular partiya, komsomol va xotin-qizlar tashkilotlarining a'zolari edi. Xotin-qizlar klublarida olib borilgan ishlarining asosiy shakli ayollarni faollashtirishga qaratildi. O'zbek ayollarini klublarga jalb qilish maqsadida bolalar uchun maslaxatxonalar, savodsizlikni tugatish maktablari, huquqiy masalalar yuzasidan maslahat beradigan kabinetlar tashkil qilindi.[5] Faol xotin-qizlar uyma-uy yurib, ayollar o'rtasida targ'ibot-tashviqot ishlarini olib bordi. Ular xotin-qizlarhi klublarga jalb etish ishlarini amalga oshirdilar.

Madaniy-oqartuv ishlari tizimida "Hujum" harakati muhim o'rin tutdi. Sovet hukumati xotin-qizlarni jamiyatning ijtimoiy, siyosiy hayotida erkaklar bilan teng asosda faol ishtirok etishni istaydigan shaxslar qilib tarbiyalashni asosiy vazifa sifatida kun tartibiga kuydi. Mazkur harakatni amalga oshirishda xotin-qizlar klublari keng qamrovli ishlarni amalga oshirdi.

1927 yil 5 iyulda VKP(b) Markaziy Komiteti "O'rta Osiyo xotin-qizlarini ozod qilish to'g'risida" qaror qabul qildi. Qaror asosida sobiq O'zbekiston kommunistik partiyasi xotin-qizlarning o'tmishdagi yashash tarzlariga, paranjiga qarshi "hujum fronti"ni keng tus oldirib, xotin-qizlarni artellarga, zavod va fabrikalarga jalb etish ishlarini avj oldirdi. "Hujum" deb atalgan bu tadbir shu qadar shiddatli tus oldirildiki, hatto xotin-qizlar yuzini ochish bo'yicha O'zbekiston va Turkmaniston Respublikalari o'rtasida "sotsialistik musobaqa" ham tashkil qilindi va uning ayanchli oqibatlaridan respublika janubidan ham o'nlab va yuzlab misollar keltirish mumkin. Sovet hokimiyatining shoshma-shosharlik bilan amalga oshirgan siyosati tufayli O'zbekistonning janubiy viloyatlarida Jamila Jumayeva, Anzura Jo'rayeva, Rohatibi Tursunova, Zaynabxon Hamroyeva, Mengnora Bo'tayeva[6] kabi o'nlab xotin-qizlarning fojeali halok bo'lishiga sabab bo'ldi. Mazkur yillarda xotin-qizlar burchaklari faoliyati xam kengaytirib borildi. Ularda kutubxona, qiroatxonalar tashkil etilib, kitoblar, gazeta va jurnallarni muntazam ravishda ovoz chiqarib o'qishlar yo'lga qo'yildi. O'zbekiston janubiy viloyatlaridagi qizil burchaklarning barchasi xotin-qizlarga mo'ljallangandi.

1927-1928 yillarda Qashqadaryo viloyatida xotin-qizlar uchun tashkil etilgan qizil burchaklar soni 4 ta bo'lsa, 1929-30 yillarda ularning soni 11 taga yetdi. Ulardan 8 tasi qishloqlarda faoliyat ko'rsatdi. 1927-28 yillarda Surxondaryo viloyatida 6 ta xotin-qizlar uchun qizil burchaklar faoliyat ko'rsatgan bo'lsa, 1929-30 yillarda ularning soni 15 tani tashkil etdi.[7] Qizil burchaklar xotin-qizlar o'rtasida ommaviy-siyosiy ishlarni tashkil etishning asosiy shakllardan biri bo'ldi. Keyingi yillarda ham madaniy-ma'rifiy muassasalarning mazkur turiga alohida e'tibor qaratildi va ularning son jihatidan oshib bordi. 1937 yilda viloyatning deyarli barcha tumanlarida qizil burchaklar tashkil etildi va ularning soni 107 taga yetdi.

Xotin-qizlarning faolligini oshirish, ularning mehnatidan unumli foydalanish maqsadida turli xil tadbirlar ishlab chiqilib, amalga oshirildi. Klublar, qizil choyxonalar, xotin-qizlar burchaklarida har xil turdagi to'garaklar faoliyati yo'lga qo'yildi.[8] To'garaklarda bichish-tikish, ko'rpa

qavish, paxta tozalash, gilam to'qish, do'ppido'zlik artellari ochildi. G'uzor tumanida tashkil etilgan 6 ta artelda 136 ta xotin-qiz ish bilan ta'minlandi. Shahrisabz uyezdining Kitob volostida 569 ta xonadon do'ppido'zlik bilan, Behbudiy uyezdining Qamashi volostida esa 65 ta, Kitob volostidagi 126 ta xonadon gilam to'qish bilan shug'ullandi. Qashqadaryo viloyatida xotin-qizlar uchun tikuvchilik va pillachilik bilan shug'ullanuvchi artellar faoliyat ko'rsatdi. Kitob volostidagi pillachilik arteliga jalb qilingan ayollar 17 tani tashkil etdi.[9] Viloyatning Qarshi shahrida "Uchqun", "Ittifoq", "Mavjud" artellarida tikuvchilik, shirinlik mahsulotlarini tayyorlash bilan 148 ta xotin-qiz shug'ullandi. Surxondaryo viloyatida xotin-qizlarni ijtimoiy mehnatga jalb qilish borasida ko'plab tadbirlar ishlab chiqildi. Jumladan, 1927 yil fevral oyida "Mehnatkash xotin-qizlar turmushini yaxshilash" komissiyasi tuzildi. Komissiya tashabbusi bilan xotin-qizlarga moddiy yordam uyushtirildi, ularni ish bilan ta'minlash ishlari olib borildi. Buning uchun Termiz, SHerobod shaharlarida bichish-tikish artellari tashkil etildi. Sobiq sovet davlati tomonidan xotin-qizlarni "sotsialistik qurilishga jalb etish" maqsadida qilingan harakatlar natijasida ular juda og'ir mehnatlarni qilishga ham majbur etildi. Termiz shahrida ko'plab xotin-qizlar paxta tozalash zavodiga ishga kirib, mehnat qildilar.

1927-1928 yillarda Navshahar, "Ozod Buxoro", "Kuybishev" Angor zonalarini o'zlashtirishda Sherobod, Boysun va Jarqo'rg'onlik xotin-qizlar qatnashdilar.[10] Dalalarda mehnat qilayotgan xotin-qizlar sonini ko'paytirish maqsadida hukumat tomonidan tadbirlar ishlab chiqildi. Xotin-qizlar uchun turli xildagi kurslar tashkil etildi.

1929 yilda Surxondaryo viloyatidagi kolxoz va sovxozlarda ishlayotgan xotin-qizlar 47% tashkil etdi. Ma'muriy-buyruqbozlik tizimi yillarida xotin-qizlar mehnatidan yanada kengroq foydalanish maqsadida eng og'ir jismoniy ishlarda ham ayollar kuchidan foydalanildi.

1931 yilda traktorhilik, kombaynchilik kurslari ochilib, ularda o'qish uchun xotin-qizlar jalb qilindi. Shu yili G'uzor tumanida ochilgan MTS (mashina-traktor stansiyasi) ixtiyorida ochilgan 6 oylik mexanizatorlar tayyorlash kursini Bo'ri Hasanova, Tunuq G'afforova, Yangiloy Rahmonovalar tugatib, tumandagi "Maorif" kolxozida kombayn haydadilar. 1936 yilda Qashqadaryo viloyatida ana shunday xotin-qizlardan 93 tasi traktorhilik kurslarini tugatdi.[11] 1937 yilda faqat G'uzor, Yakkabog', Beshkent tumanlarida 86 ayol traktorhilik kursini, 5 ta xotin-qiz kombaynchilik kursini, 4 tasi esa mexanik-brigadirlik kurslarini tamomladi. Kurslarni tugatgan ayollar dala ishlariga jalb qilindi. 1937 yilda Qashqadaryo viloyati Koson tumani dalalarida 19 ta traktorchi ayol mehnat qildi. Sovet davlatining olib borgan siyosati oqibatida, 1939 yilga kelib erkaklar bajaradigan ishlarning 50 foizi ayollar zimmasiga tushdi.

Xullas, Sovet hokimiyatining xotin-qizlarni ijtimoiy mehnatga jalb qilish borasida amalga oshirgan ishlari o'z samarasini berdi. Albatta bu jarayonda madaniy-ma'rifiy muassasalarining hissasi katta bo'ldi. Ko'rinadiki, mazkur muassasalarning XX asrning 20-30 yillaridagi faoliyati siyosiy ishlar olib boruvchi muassasaga aylantirildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ўз МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 2604-иш, 11-варак.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т., 2000. Б.227.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви Қашқадарё филиали. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 334-иш, 39-варак.
4. Сурхондарё ВДА. 95-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 1-3 варақлар.
5. Қашқадарё хақиқати. 1967 йил, 13 февраль.
6. Ҳалияров Х. и др. Сурхандарьинская область. -Т., 1974. С.81.
7. Ўлжаева М. Улар матонат кўрсатишган эди // Янги ҳаёт, 1981. 7 март.
8. Сурхондарё ВДА. 95-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 33-варақ.
9. Қашқадарё ВДА. 83-жамғарма, 55-иш, 1-рўйхат, 144-145 -варақлар.
10. Сурхондарё ВДА. 95-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 93-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви Қашқадарё филиали. 34-жамғарма. 1-рўйхат. 39-иш, 15-варак.

ТУРИЗМНИНГ “САЁХАТНОМА” ЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ ВА ТАҲЛИЛИ
А.Абдуманнотова, тадқиқотчи, Самарқанд Давлат Университети, Самарқанд

Аннотация. Ушбу мақола саёхат таассуротлари ва тафсилотларининг тасвирига бағишланган. Атоқли форс-тожик шоири Носир Хисравнинг “Сафарнома”, миллий уйғониш даври адабиётининг вакилларилан бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг “Саёхатнома”, ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Покистон таассуротлари” асарларининг таҳлили ва бугунги кунда мазкур асарларни педагогик жиҳатдан ўрганишининг аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: туризм, таассурот, “Сафарнома”, “Саёхатнома”, “Покистон таассуротлари”, талқин, таҳлил, педагогик, ўрганиш, аҳамияти.

Аннотация. Эта статья посвящена описанию впечатлений и подробностей поездки. Интерпретация “Сафарнома” известного персидско-таджикского поэта Насира Хисрава, “Путешествия” одного из представителей национальной ренессансной литературы Мухаммада Аминходжи Муқими и писателя Мусы Ташмухаммада сына Ойбека “Впечатления от Пакистана” и значение педагогического изучения этих произведений сегодня.

Ключевые слова: туризм, впечатление, “Сафарнома”, “Путешествия”, “Впечатления от Пакистана”, интерпретация, анализ, исследование.

Abstract. This article is dedicated to describing the impressions and details of the trip. Interpretation of “Safarnoma” by the famous Persian-Tajik poet Nasir Khisrav, “Journey” by one of the representatives of the national Renaissance literature Muhammad Aminkhoji Mukimi and the writer Musa Tashmuhammad son of Oybek “Impressions of Pakistan” and the significance of the pedagogical study of these works Today.

Key words: tourism, impression, “Safarnoma”, “Travel”, “Impressions of Pakistan”, interpretation, analysis, research.

Туризм – мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг соҳа тараққиётини олдиндан кўра билиши, туризмни халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бирига айлантириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари, кўрсатмалари, фикр-мулоҳазалари белгилаб берган йўлнинг тўғрилигини, ҳаётийлигини кўрсатди. [1]

Кейинги йилларда ички ва ташқи туризм сезиларли даражада ривожланди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Ўзбекистон бўйлаб саёхат қилинг” дастури доирасида сайёҳлар сони йилдан-йилга ошмоқда. [2]

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳрида ўтказилган ШХТ давлат раҳбарларининг саммитида “2023 йилни ШХТ давлатларида туризмни ривожлантириш йили” деб номлашни таклифи натижасида 2023 йил “Туризм йили” деб эълон қилинди. Ҳиндистоннинг Варанси шаҳри 2022-2023 йилларда ШХТнинг туризм ва маданий пойтахти деб эълон қилинди.

Туризм давлатларнинг нафақат иқтисодий қудратини оширишга, балки халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжихатлик, инсонпарварлик, миллий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ўзаро ишонч, иззат-ҳурмат, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдек масъулиятли вазибаларни бажаришга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз бу борадаги ишларни амалга оширишда дунё ҳамжамиятида олдинги ўринларда бораётганлиги ҳар биримизни қувонтиради.

Соғлом туризм – теран томирлардан сув ичади. Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Ўзбекистонда туризм узок йиллик тарихга эга. Ота-боболаримиз азалдан дунё кезган, юрт кезган. Уларни борган жойларининг тарихи, иқлими, табиати, дарёлари, тоғлари, ўша ердаги халқларнинг урф-одати, турмуш тарзи, маданияти ва санъати, фарзандларни тарбиялаш усуллари қизиқтирган. Саёхатлардан ҳам тижорат, ҳам зиёрат мақсадлари кўзланган.

Муҳими, саёҳатга чиққан, юрт кезган сайёҳлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар томонидан турли жанрларда қоғозга туширилиб, кейинги авлодларга етказиб берилган. Аниқроғи, саёҳатнома бадиий адабиётда алоҳида жанр сифатида шаклланган. Вақт ўтиши билан саёҳат тааассуротларига бағишланган асарлар пайдо бўлди. Адабиёт тарихида саёҳатномаларга бағишланган асарлар пайдо бўлди. Бу асарлар насрий ва шеърый йўлларда ёзилган. Саёҳатномаларда жой ва воқеаларнинг тафсилотлари муайян изчилликда ёритилган.

Ана шундай асарлардан бири атоқли форс-тожик шоири Носир Хусравнинг (1004-1088) “Сафарнома” асари алоҳида ажралиб туради. Шоир ушбу китобида ғарбий ўлкаларга қилган ва етти йил (1045-1052) давом этган саёҳат хотираларини тасвирлаган, яъни ўзи саёҳат қилган Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ каби давлатлардаги Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Яман, Басра, Исфохон ва бошқа бир қаторшаҳар ва вилоятларнинг ўша даврдаги манзараларини ўзига хос ранг-баранг бўёқларда тасвирлайди. Мулоқот қилган одамлар, турли халқларнинг урф-одатлари ва турмуш тарзи ҳақида маълумот беради. Қарийб минг йил илгари муаллиф томонидан яратилган ушбу асар Ғулом Карим томонидан форсийдан ўзбек тилига таржима қилинган. [3]

Носир Хисрав сафар давомида ўз даврининг машҳур кишилари – шоирлар, олимлар, ҳокимлар билан учрашади. У айниқса, зиёратгоҳ жойлар, табаррук қадамжолар ҳақида маълумотлар берган. “Сафарнома” кўп жиҳатлари билан ўзбек насрининг мумтоз намуналаридан бўлган “Бобурнома”ни эслатади. “Сафарнома” асари инглиз, француз, рус, урду, араб, турк, олмон тилларига таржима қилинган.

Носир Хисрав “Миср шаҳри таърифи” ҳақида тўхталиб: “Шаҳар баландликда жойлашган. Шарқ томонидаги тоғ унча баланд эмас. Тошлоқ тепалик деса бўлади. Шаҳар чеккасидаги тепаликка Тулун масжиди қурилган. Деворлари ниҳоятда мустаҳкам. Омад ва Миёфорикин деворларини айтмаса, мен олдин бундан ҳам яхшироқ деворни кўрмаганман. Уни Миср ҳокими бўлган Аббосийлар амири Тулун қурдирган экан. ... Тошқин хавфи бўлганлигидан Миср шаҳрини баландлик устига бино қилишган. ... Миср шаҳрига назар ташланса тоғ деб ўйлаш мумкин, етти қаватли, ҳатто ўн қаватли уйлар бор. Ишончли одамдан эшитдимки, бир киши етти қаватли уйнинг томида боғ кўкартириб, бу ерга бузоқ олиб чиқибди ва боқиб катта қилибди. Шундан сўнг у қудуқдан сув чиқарадиган чигир ўрнатиб, уни айлантириш учун буқани кўшибди. Томга турли хил мевали дарахтлар ўтказибди. Ҳаммаси мева берибди. У одам турли гуллар ва ўсимликлар экибди.”

Бир эътиборли савдогардан шунини эшитдимки, Мисрда майдони ўттиз аршга ўттиз арш бўлган ижарага бериладиган уйлар бўлиб, ҳар бирига уч юз эллик нафар одам сиғаркан. Айрим кўчалар ва бозорларда доимо қандиллар ёқиглик туради, чунки у ерларга ҳеч ёруғлик тушмайди, одамлар йўлни кўрсин деб шундай қилишган.[3]

Мисрда сополдан коса, қадах, табоқ ва бошқа турли хил буюмларни шу қадар нафис ва шаффоф қилиб ясашадик, уларга бир томондан қўл текизсанг бу томондан кўринади. ... Бир эътиборли базоздан бир ўрам арқоннинг Мисрда уч ярим мағриби динор туришини эшитдим. Бу миқдор уч ярим Нишопур динорига тўғри келади. Мен Нишопурда “энг яхши арқонни Нишопурда қанчага харид қилишади?” – деб сўраганимда “энг зўр арқоннинг бир ўрамига беш дирхам беришади”, - деб айтишди. [3]

Муаллифнинг таъкидлашича, “Миср аҳолисининг тинч ва осойишталиги шу даражада эдики, базоз, сарроф ва заргарлар дўконларини эшигини ёпмай, фақат парда осиб қўйишар, бирон кимса молларига кўз олайтирмас эди. ...”. [3]

Бир сўз билан айтганда муаллиф томонидан амалга оширилган саёҳат давомида юқорида тилга олинган Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ каби давлатлардаги Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Яман, Басра, Исфохон ва бошқа бир қатор шаҳар ва вилоятларнинг ўша даврдаги манзараларини, аҳолисининг урф-одатлари, касб-корлари, ўзаро муносабатлари тўғрисида қимматли маълумотларни берган.

“Сафарнома”ни ўрганиш ва таҳлил қилиш талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакаларни ошишига, касбий компетенцияларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Уларда мустақил фикрлашни кенгайтиради, билимларини бойитади, тарихий тафаккурларини

ривожлантиради. Шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, толерантлик фазилатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Миллий уйғониш даври адабиётининг забардаст вакилларида бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимийдир (1850-1903). Муқимий адабиётимизда саёҳатнома жанрини шаклланишига салмоқли ҳисса қўшган шоирлардан биридир. У дўстларининг таклифи билан Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга чиқиб, кўрган-кечирганларини қоғозга муҳрлаган. Шоирнинг бизгача Қўқондан Шоҳимардонга, Қўқондан Фарғонага, Қўқондан Исфарага қилган саёҳатлари тасвирини ёритиб берган. Саёҳатномалар шоирнинг ўша даврдан, замондан, турмушдан шикоятлари билан бошланиб, унинг саёҳатга чиқиш сабаблари баёни билан давом этади. Аниқроғи у турмуш муаммоларидан чарчаган, бироз бўлсада ҳориган кўнгилга таскин беришни ният қилган. Муқимий кўрган кечирганларини содда ва равон тилда баён қилган. Жумладан:

“Дўрманча”га кетдим ўтиб,
Ёқамни ҳар соат тутиб.
Ётдим ул оқшом ғам ютиб,
Дашти қароқчизор экан.[4]

Шоир кўнгли ранжиган жой ва одамларни аччиқ тил билан танқид қилади.

Фарғонанинг сўлим табиатини, гўзал боғларини, ариқ ва сойларидан оқиб турган зилол сувларини кўриб завқланади ва бу манзараларни ранг-баранг бўёқларда тасвирлайди:

*Аммо назарда “Рошидон”,
Фирдавс боғидин нишон,
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гул-у гулзор экан. [4]*

Шоирнинг “Қўқондан Шоҳимардонгача”, “Қўқондан Фарғонагача” саёҳатномалари тўғрисида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Тадқиқотчи Қўлдош Пардаев “Муқимий “Саёҳатнома”си матни тархидан”, - деб номланган мақоласида “Муқимий миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида “Саёҳатнома” жанрини бошлаб берган. Ўша давр зиддиятлари, чор ҳукуматининг халқ бошига солган кулфатлари, золим ва адолатсиз ҳоким гуруҳлар аёвсиз танқид қилинди. Хароб ва вайрон қишлоқлар тасвирланади”.

Қ.Пардаев “Саёҳатнома”ни ўрганган тадқиқотчи ва олимлар тўғрисида батафсил маълумотлар беради. Матнлардаги аслият билан амалда фойдаланилаётган нашрлар ўртасидаги фарқлар борлигини, шу боис, шоир “Саёҳатнома”си матнини матншунослик нуқтаи-назаридан тадқиқ қилиш, қайтадан нашр этиш долзарблигига эътиборни қаратган. [7]

Муқимий “Саёҳатнома”сининг асл ҳолида ўрганиш талаба-ёшларда нафақат билим, кўникма ва малакаларни, балки уларда она-юртга садоқат туйғусини ҳам ривожлантиради. Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини тарбиялайди.

Демак, “Саёҳатнома” – ўзида саёҳат хотиралари ва улар билан боғлиқ тафсилотларни акс эттирган насрий ва шеърый асарлардир.

Муқимийдан кейин шу услубда Завқий, Фурқат, Тажаллий ва бошқа ижодкорлар ҳам “Саёҳатнома”лар яратишди. Барча “Саёҳатнома”ларнинг кириш қисмида саёҳатга чиқиш эҳтиёжи, сабаблари ёритилган бўлса, асосий қисмида йўл хотиралари батафсил баён қилинади, учинчи қисмида саёҳатлардан чиқарилган тегишли хулосалар ўз аксини топган.

Ушбу саёҳатномаларни тизимли равишда ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ички ва ташқи туризм ривожланаётган бугунги кунда ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бир сўз билан айтганда талаба-ёшларда она-юртга садоқат, бетакрор табиатимизга меҳр-муҳаббат, тарихдан хулосалар чиқариш, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик каби сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқимизнинг севимли фарзанди, забардаст адиб Ойбек домланинг ижодида ҳам саёҳатнома муҳим ўрин олган. Ёзувчининг “Покистон таассуротлари” асари фикримизнинг исботидир. Асарда Покистонга қилинган сафар таассуротлари, ўша даврдаги Покистон халқининг ижтимоий турмуш тарзини, аччиқ қисматини ёритиб берган. Жумладан: “Лоҳурда

хаёт зерикарли. Ўйин-кулгу йўқ, халқ куйламайди, сайил-томоша қилмайди. Йиғлоқи, мунгли музиканинг узук-юлуқ парчаларини аҳён-аҳёнда эшитиб қолади киши. Лоҳурда театр ҳам йўқ. Шекспир мамлакати бу ерда икки юз йилдан бери ҳукм суради-ю, лекин халққа театр ҳақида ибтидоий тушунча ҳам бера олмайди. Яна бунинг устига инглиз жаноблар бу мамлакатда халқнинг бир замонлар жуда юксак даражага эришган санъаткорларини ҳам ҳалок қилишибди. Бу санъатнинг ажойиб намуналарини, талантли халқ усталари ўтмишда яратган ва ниҳоят даражада гўзал нафис минниатюраларини шаҳарнинг кичик музейида кўрдик. Бизни музейдан чиққач, ёндош бинога – бадий санъатлар мактабига таклиф этдилар. Бу мактабда ўргатиладиган санъат бизни ғоят ҳайрон қолдирди. Болалар, йигитлар дарсхоналарда, мастерскойларда инглиз журналларидаги бемаъни безак, ҳар хил расмларни кўчириш билан овора эдилар. Улуғ санъаткорлар бу бахтсиз ёшларга санъат деб нимани тақдим этишмоқдалар”, - деб таъкидлайди. [5]

Ойбек домла сафар давомида кўрган-билганларини ҳақиқий акс эттиради. Юкорида келтирилган сатрларни ўқиган киши Покистоннинг инглиз мустамлакачилари зулмидан азоб чекканлиги, инсон руҳиятига таъсир кўрсатувчи мусиқа ва санъатнинг поймол этилганлиги, ибратхона бўлган театр ҳақида лоҳурликларнинг тушунчалари тор ва паст эканлигини таъкидлаш билан бирга, бадий санъатлар мактабига кирганда бу ерда ўргатиладиган санъат сайёҳларни сезиларли даражада лол қолдирганлигини ҳайратланиб ёзади.

Ушбу сатрлар куй-кўшиқ, санъат, маданият азалдан халқларни бирлаштиргани, уларни яқинлаштирганига ишонч ҳосил қиласан.

Албатта, Покистон бугунги кунда ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган мустақил давлат сифатида ривожланмоқда. Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйгани, азалдан бошланган дўстлик, биродарлик алоқалари янги мазмун билан бойитилмоқда.

Ойбекнинг “Покистон таассуротлари”ни ўқиб-ўрганиш тарихдан сабоқлар чиқаришга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик кўприklarини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Саёҳатнома”ларни ўрганиш талаба-ёшларнинг билимларини ошишига, дунёқарашининг кенгайишига, уларда ватанпарварликни тарбиялашга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришга, ўлкамизнинг бетакрор табиатини, бой тарихини ўрганишга, уни келажак авлодларга ўз ҳолича етказиб беришга, миллий ва қардош халқларнинг санъатидан баҳраманд бўлишга, миллий ва умумий кадрятларга содиқлик каби баркамол авлодга дахлдор бўлган ижобий фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2019 йил 14 август
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022-йил 28-январдаги 60-сонли Фармони
3. Носир Хисрав. Сафарнома. Таржима. Ғ.Карим. – Т.: Шарқ, 2003, 112 б
4. Аҳмедов С. ва бошқалар. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактаблари 5-синф учун дарслик. 4 нашр. Т.: 2020, 270 б
5. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 12-жилд. 96-97 бетлар
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-жилд, 416-417 б
7. Пардаев Қ. Муқимий “Саёҳатнома”си матни тарихидан.

УЎК 93/94

ЎРТА ОСИЁ ИЛК КЎЧМАНЧИЛАРИДА РУХОНИЙЛАР ТАБАҚАСИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДИНИЙ ИНШОАТЛАРГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР *Ш.С.Амонтурдиев, мустақил изланувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

Аннотация. Мақолада муаллиф Ўрта Осиё илк кўчманчи халқларида рухонийлар табақаси ва уларнинг пайдо бўлиш омиллари, диний эътиқод ва маросимлар, улар бажариладиган жойлар ҳамда шу йўналишда олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар ҳақида сўз юритган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё кўчманчи халқлари, Саклар, Массagetлар, рухонийлар қатлами, кўчманчи қабилаларнинг диний эътиқод иншоотлари ва улар топилган ҳудудлар, қурилган даври, аёл кохин, кўчманчи қабилаларга оид археологик тадқиқотлар.

Аннотация. В статье автор рассказал о сословии жрецов и факторах их возникновения, религиозных верованиях и обрядах, местах их совершения, а также о теоретических и практических исследованиях, проведенных в этом направлении у ранних кочевых народов, средней Азии.

Ключевые слова: кочевые народы Средней Азии, саки, массагеты, жреческий слой, культовые постройки кочевых племен и места их обнаружения, период строительства, женские кохины, археологические исследования кочевых племен.

Abstract. In the article, the author talked about the class of priests and the factors of their emergence, religious beliefs and rituals, the places where they are performed, as well as the theoretical and practical studies conducted in this direction in the early nomadic peoples of Central Asia.

Key words: Nomadic peoples of Central Asia, Sakas, Massagets, priestly stratum, religious buildings of nomadic tribes and the areas where they were found, period of construction, female kokhin, archaeological research on nomadic tribes

Кириш. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё илк кўчманчиларига оид кўплаб маълумотлар бериши билан бирга диний маросимларни ким томонидан амалга оширилганига аниқ ва батафсил тарзда тўхталиб ўтиш ҳолатлари деярли учрамайди. Диний ва дунёвий ҳокимиятнинг бир кишининг қўлида тўпланиши давлатчилик тараққиётидан маълум. Кўчманчиларда ҳам буни нормал ҳолат деб қарашимиз мумкин ва илк даврлар учун мос келади. Хукмдор ёки чекланган сондаги диний маросимларни ўтказувчи кишилар билан кенг майдондаги қабилалар ҳаётида диний эътиқод ва у билан боғлиқ кундалик ишларини амалга ошириш имконсиз, бу эҳтиёжни ортиши натижасида рухонийлар табақаси шаклланиш заруриятини тақозо этади. Масалан, “Авесто”да зардуштийлар диний маросимларни бажарувчи рухонийларнинг бир нечта номлари келтирилган. Уларнинг бажарадиган ишига қараб жамиятдаги даражаси бир – бирдан фарқ қилиши айтилади [1]. Бу ҳолат бошқа динларда ҳам борлиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, чорвадор дашт қабилаларида диний маросимлар қандай, қачон, қаерда ва ким томонидан амалга оширилганлиги каби саволлар бахсли ҳисобланади. Ўрта Осиё илк кўчманчиларида юқоридаги каби рухонийларнинг ном ва вазифаларига оид тадқиқотлар бу муаммога ечим бўлиб хизмат қилади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиё илк кўчманчилари ижтимоий табақалари ҳақида гап кетганда юнон-рим муаллифларининг берган маълумотларига бирламчи манба сифатида таянилади. Минтақанинг турли ҳудудларида XIX - аср охири ва асосан бутун XX – аср мобайнида олиб борилган комплекс тадқиқотлар Ўрта Осиё кўчманчилардаги синфий тараққиёт хусусида аксар ҳолларда, айрим олимларнинг: “кўчманчи жамоаларда кўпроқ иккита қатлам кузатилади. Булар катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва улар хизматида бўлган камбағал жамоалардир”[2], ёки “уларни синфий қоқоқлиги, ибтидоий тарзда яшаши” каби фикрларини тўла инкор этди.

Ўрта Осиё қадимги аҳолиси оилавий муносабатлари ва ижтимоий табақаланиш масалалари «Авесто»да, антик давр тарихчилари, жумладан Геродот асарларида ўз аксини топган [3]. Массaget, Сак ёки Даи қабилалари қолдирган моддий маданиятни ўрганиш ва шу асосда Ўрта Осиё кўчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилиги борасида археолог олим Б.А. Литвинский изланишлари мавжуд. У Помир Сак қабилаларининг келиб чиқиши, ижтимоий табақалари тўғрисида маълумотлар тўплаган [4]. Г.Е.Марков кўчманчилар жамиятига оид қатор муҳим белгиларни қайд этиб, чорва озчилик қўлида тўпланган, мулкый табақаланиш натижасида турли табақалар ва уларнинг ўзаро муносабатлари натижасида қабилалар иттифоқи вужудга келганлигини таъкидлайди [5].

Ўрта Осиё илк кўчманчиларига оид йирик археологик изланишлар қаторига С.П.Толстов, А. Н. Бернштам, С.С. Черников, К. А. Акишев, М.К.Қодирбоев,

И.К.Хўжамбердиев, А.М.Мандельштам, Б.И.Вайнберг, М.А.Итина, Е.Е.Кузмина, Х.Юсупов, В.М.Массон [6] ва бошқа олимларнинг ишларни киритишимиз мумкин. Бу изланишлар шу вақтгача мавжуд бўшлиқларни тўлдириб келмоқда. Энг янги топилмаларга асосланган олимлар томонидан 1990-2000 йиллардан бошлаб кўчманчилар ҳақида айтилаётган фикрлар мазмуни тубдан ўзгариб, уларни алоҳида цивилизация соҳиблари сифати тўла тан олиш тенденцияси кучайди ва соҳага оид кўплаб йирик тадқиқотлар давом этиб келмоқда.

Тадқиқот натижалари: Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар орқали кўчманчилар диний эътиқодига оид далиллар топиб ўрганилган. Жумладан, Или дарёси водийси ҳудудида милоддан аввалги V - асрга таълуқли Бешатр кўрғон мажмуаси Еттисув сакларининг диний маркази ва сиғиниш жойи эканлиги аниқланди [7]. Бундан ташқари Ўзбўйнинг ўрта оқими жанубий-ғарбий қисми ва жанубий-шарқдан Қоракум чўлига туташ ҳудуддаги тепаликдан Дордул қабристони (Ичанлитопа мажмуаси)[8] ва Катта Болхан тоғларида топилган Гараултопа манзилгоҳлари [9] минтақа қадимги дашт чорвадор қабилаларига тегишли эканлиги ҳамда иккаласида ҳам оловга сиғиниш бинолари ва диний эътиқод белгилари топилган.

Нафақат эркак кишилар, балки аёлларнинг ҳам диний маросимларни олиб борганлигини биз Олма Ота шаҳри яқинидаги милоддан аввалги II - аср ва милодий I - асрларга таълуқли Қарғали қабристонидан аёл шаман-коҳина дафн этилган қабрнинг топилишида [10] кўришимиз мумкин. Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида кўчманчиларга тегишли турли кўринишдаги очиқ тош алтарлар ҳам учрайди. Қурбонлик, диний маросимлар у ва унинг атрофида ўтказилган. Бундан ташқари археологлар ибодатхоналар учрамайдиган жойлардан топилган сак қозонларини диний маросимларни бажаришда асосий анжом сифатида ҳам қарашади. Юқорида келтирилганлардан бирортаси учрамаган ҳолатда бизнингча мазор кўрғонлар ҳам диний маросимлар ўтказиладиган жой вазифасини бажарган. Кўчманчилар яшаган жойларда айнан мазор кўрғонлар алоҳида устувор ёндашилган муносабат билан бунёд этилгани ва энг кўп учрайдиган объект эканлигини сабаб қилиб олишимиз мумкин. Мазор кўрғонлар, унинг атрофи ва яқин жойлар маросимларни ўтказиш маркази сифатида фойдаланилган.

Хулосалар: Тадқиқотчилар хулосаларидан келиб чиқиб, Ўрта Осиё кўчманчиларида эътиқод билан боғлиқ иншоотларнинг қурилиши кўпроқ темир даври ўрталарига яқин ва иккинчи ярмидан бошлаб содир бўлганлиги кўринади. Унгача эътиқод билан боғлиқ иншоотларни бевосита кўп учрамаслиги (хар ҳолда ҳозирча) рухонийлар табақасини мавжуд бўлмаганлигини аниқламайди. Буни зардуштийликнинг илк давридаги ҳолат билан солиштиришимиз ҳам мумкин. Зардуштийликнинг дастлабки даврларида ибодатхоналар бўлмаганлиги ва маросимлар очиқ осмон остида ёки уй шароитида ўтказилгани маълум. Айни шу ҳолат чорвадор дашт қабилалари учун эътиқод билан боғлиқ қулай шароит бўлиб, бизнингча улар учун кўчманчи яшаш турмуш тарзи йирик диний иншоотларга эҳтиёж сезмасликлари учун асосий омил ҳисобланган ва бу кўчманчиларда темир даврининг биринчи ярмидаги ҳолатга мос келади. Бевосита “Авесто” вужудга келган минтақа ва унга туташ ерларда яшаган ушбу кўчманчи қабилаларда рухонийлар табақаси ва уларнинг турли номлар билан аталиши кўшни ўтроқ халқлар даражасида бўлмасада, улардан кескин фарқ қилмаган шаклда ривожланган деб фикрлашга асос беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авесто. Ясна, XI, 6. ; Вандидот, V- Фаргард, VIII, 57.
2. Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов.IV-III вв.до н.э. по археологическим данным ; Ф.Энгельс и проблемы истории древних общества.-Киев, 1984. С. 215-234.
3. Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов . Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. Т.Д. Ноябрь. 1975-Л,-с – 84.
4. Литвинский Б.А. Древние кочевники “Крыша мира”. –М .,1972.
5. Марков Г.Е. Кочевники Азии. Структура хозяйства и общественной организации. М. “Наука” ,1971.С.304.
6. Толстов С.П. Приаральские скифы и Хорезм. К истории заселения и освоения древней дельты Сырдарьи// Советская этнография, 1961, №4.
7. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М.,Наука, 1962. ;

8. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. Изд. МГУ, 1948.;
9. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.,Л., 1948.;
10. Бернштам А.Н. “Основные этапы истории культуры Семиречья и Тянь-Шаня,-СА,1949,ХІ;
11. Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина». Сост. под рук.
12. А. Н. Бернштам. М -Л., 1950 МИА.;
13. Черников С.С. Роль андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана, -КСИЭ, 1957, т. XXVI. ;
14. Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы, М.-Л., 1960 МИА, № 88.;
15. Акишев К. А., Кушаев Г.А . Древняя культура саков и усуней долины реки Или ,Алма-Ата , 1963.;
16. Кадырбаев М.К. Некоторые итоги и перспективы изучения археологии раннежелезного века Казахстана, -сб. «Новое в археологии Казахстана», Алма-Ата,1968.;
17. Кожамбердиев И.К. Кочевники в VI в . до .н.э–середине VI в.н.э ./История Киргизкий ССР.Фрунзе Т.1.1984.;
18. Мандельштам А.М. Погребения срубного типа в Южной Туркмении. КСИА, 108, М.,1966.;
- Мандельштам А.М. Новые погребения срубного типа в Южной Туркмении. КСИА, 112, М., 1967.;
19. Мандельштам А.М. К характеристике памятников ранних кочевников Закаспия// КСИА. Вып. 147. 1976.;
- 20 Акишев К.А., Семиречье и Южный Казахстан // История Казахский ССР. Алма-Ата. Т. 1. 1977, С-268.
21. Юсупов Х., Древности Узбоя. Ашхабат. 1986.
22. Вайнберг Б.И., Юсупов Х., Новые памятники в западной Туркмении // АО 1983г., 1985.
23. Кузьмина Е. Е., Сарияниди В. И. Два головных убор из погребений Тиллятепе и их семантика // КСИА. Вып. 170. 1982. С-22; Акишев К.А., Древнее золото Казахстана. 1983.

УЎК: 930.8:39+572(048)

ЎЗБЕК БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ТАВСИФИ

(Қашқадарё воҳаси мисолида)

О. Бўриев, профессор, Қарши давлат университети, Қарши

И. Жалилов, тадқиқотчи, Қарши давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек болалар миллий ўйинларининг этнографик хусусиятлари Қашқадарё воҳаси аҳолиси мисолида тарих-этнография маълумотлари асосида ёритилган

Калим сўзлар: ўзбеклар, болалар миллий ўйинлари Қашқадарё воҳаси этнографик хусусиятлари, ақлий ва жисмоний тарбия воситаси, локал, мавсумий ўйинлар, беллашув

Аннотация. В данной статье на основе историка этнографических материалов освещается этнографические особенности детских национальных игры населения Кашкадарьинского оазиса.

Ключевые слова: узбекские детские национальные игры, этнографические особенности Кашкадарьинского оазиса, средства умственного и физического воспитания, локальные, сезонные игры, состязания

Abstract. In this article, the ethnographic features of Uzbek children's national games are elucidated as based on the historical-ethnographic data on the example of the inhabitants of Kashkadarya oasis.

Key words: Ethnographic features of Kashkadarya oasis Uzbek national children's games, means of mental and physical training, local, seasonal games, competition

Маълумки, инсон ўз ҳаётида ўйин, ўқиш, меҳнат, дам олиш каби машғулотлар билан банд бўлади. Одам ҳаётининг дастлабки даврларида ўйин асосий фаолият ҳисобланиб, кейин эса у ўқиш билан барабар давом этади, сўнгра эса ўйин сонлари камайиб, унинг ўрнини ўқиш ва меҳнат эгаллайди. Инсоният тарихининг дастлабки даврларида ўйинлар ҳаётда муҳим ўрин тутиб, улар ёрдамида одамзод ўсган, улғайган, чиниққан, жисмоний бақувват бўлган, ақлан, руҳан ривожланган, маънавий камол топиб, етук бўлиб шаклланган.

Инсонни – тарбиялаш ва ҳордиқ чиқариш воситаларидан бири ҳисобланган ўйин жамият тарихи мобайнида диний маросим, спорт, ҳарбий ва бошқа машқлар, шунингдек, санъат, айниқса унинг ижро шакллари билан уйғунлашган.

Ўзбек миллий ўйинларининг этнографик жиҳатлари рус тадқиқотчилари А.К.Боровков, Е.М.Пешчерева, академиклар К.Шониёзов, А.Асқаров, элшунослар -Қ.Кубаков, О.Бўриев, Б.Исоқов, Г.Мардонова, И.Жалилов, С.Йўлдошев, шунингдек файласуф У.Қорабоев, педагог Т.Усмонхўжаевлар каби муаллифлар томонидан ўрганилган. [1]

Турон заминиди, жумладан Қашқадарё воҳасида яшовчи аҳолининг ҳаётида муҳим ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг илдизлари энг қадимги замонларга бориб тақалишини қадимшунос ва элшунос олимлар илмий тарзда асослаб беришган.

Маълумки, миллий ўйинлар халқ ҳаётида муҳим ўрин тутиб, кишиларнинг, айниқса ёшларнинг ақлу заковатли бўлиб камол топишда ҳамда жисмонан кучли, чаққон топқир ва жасур бўлиб вояга етишишида муҳим восита ҳисобланади. Инсоният тарихий тараққиётнинг даврида ҳар бир этнос (халқ)нинг ўзига хос турфа ўйинлари шаклланиган. Ўзбек халқи ҳам жуда кўплаб ранг-баранг ва қизиқарли ўйинларнинг ижодкори ҳисобланади.

Халқимиз ўртасидаги миллий ўйинлар ташкил этилиши жиҳатидан доимий ва мавсумий, шаҳар ва қишлоқларга, болалар ва катталарга, жинсларга (ўғил, қиз, эркак, аёл), кундуз ва кечасига хос хусусиятларга эгадир. Ўйинлар, айниқса байрамлар, тўй ва сайиллар арафасида энг авжига чиқиб, тантаналарга янада файз бахш этган.

Ўзбек халқи миллий ўйинларнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган:

1. табиий-мавсумий ўйинлар (“Ёмғир ёғалоқ”; “Оқ теракми – кўк терак”, “Улоқ” ва бошқалар); **2. ҳудудий ва жойларга мос ўйинлар** (масалан, уйда-бошқотирма ва сўз ўйинлари; ҳовлида – “Тош ўйинлари”, “Арқон ўйинлари”; боғда – ёнғоқ, данак ўйинлари, “Қувлашмачоқ” ва бошқалар); **3. турли ёш ва жинсларга хос ўйинлар** (йигитлар орасида “Подачи”, “Чавандоз”, “Қулоқ чўзма” ва бошқалар, қизлар орасида “Дурра”, “Чори-чанбар”, “Ғоз-ғоз” ва бошқалар). Катта ёшдаги эркакларнинг кураш, улоқ (кўпқари), чавгон каби спорт ўйинлари бўлса, аёлларнинг кўпроқ сўз, рақс, кўшиқли ўйинларни ўйнаш одатлари бўлган; **4. машғулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ ўйинлар**, Одатда, Наврўз байрами кунлари ўйналган (масалан, чорвачиликда “Ов ўйин”, камондан отиш, “Кийик ови”; деҳқончиликда “Машоба”, “Хирмон-хирмон” ва бошқалар; хунармандчиликда “Сартарош”, “Ковушим”, “Каштачи” ва бошқалар); **5) воқебанд ўйинлар** (“Подшо вазир”, “Уруш ўйин”, “Эчки чўпон”, “Бўри ва кўйлар” ва бошқалар); **6) турли воситали ўйинлар**. Бу ўйинлар моддий воситалар (кўғирчоқ, ўйинчоқ, тош, таёқ, тўп, ёнғоқ кабилар) ёрдамида бажариладиган ва маънавий, бадий-ифодали воситалар (сўз, кўшиқ, рақс, театр) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар; **7) ҳайвонлар иштирокида ўтадиган ўйинлар**. Бу ўйинлар энг қадимий ҳисобланади (“Улоқ”, “От пойга”, “Чавгон”, “Хўроз уриштириш”, “Кўчқор уриштириш”, “Бедана уриштириш”, “Ит уриштириш” ва бошқа)

Ўзбекистонда болаларнинг “Улоқ”, “Бойчечак”, “Офтоб чикди оламга”, “Читтигул”, “Лайлак келди – ёз бўлди”, “Қурбақа”, “Қалдирғоч”, “Зув-зув борагон”, “Бу боғчада олича”, “Чамандагул”, “Оқ шоли кўк шоли”, “Ҳақкалакам”, “Чорий чамбар” каби кўшиқлар аниқ ва жисмоний жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ўзбек болаларининг кўплаб анъанавий ўйини чек ташлаш ёки саналар (“Бир, икки..... ўн олти”, “Чори чамбар” ва б.), шунингдек “Ўрта қўл топиш”, “Гулдур-гуп”, бошқалар ёрдамида юбошлайди. Ўғил ва қиз болалар ўртасида “Тўп”, “Тўрт тош”, “Читти гул”, каби ўйинлар кенг тарқалган бўлиб кўшиқлари ҳам мавжуд. Кўшиқларда устига ҳамоҳанг бўлиб, ҳаракат ва овоз ҳам уйғун ҳолдадир. “Оқ теракми кўк терак”, “Чуввара қайнайди”, “Тепдим, сандиқ очилди”, “Думсиз тулки”, “Қуёним қуёним не ўлди?” каби ўйин ва уларнинг кўшиқлари республиканинг турли ҳудудларида турлича номда учрасада, мазмуни, асосан бир хил. Бу ўйинлар ва кўшиқлар болаларнинг ўзаро муомала маданиятининг ошиши, киришимлилиқ, дилкашлиқ каби эзгу фазилатларини шаклланиши шунингдек ҳам жисмоний ва маънавий жиҳатдан равнақ топишига яқиндан ёрдам беради.

Демакки, ўзбек халқ ўйинлари, ёш авлодни ақлан, руҳан ва жисмонан баркамол бўлиб етишишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек миллий ўйинларидан болалар ўйинлари – ёшларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш воситаларидан бири ҳисобланиб, уларнинг ҳар томонлама камол топишига

ижобий таъсир кўрситади. Ўйин вақтида сезги, идрок, тафаккур, хаёл, хотира, диққат, ирода, ҳиссиёт ва бошқа рухий жараёнлар иштирок этади. Болалар ўйинларининг уч асосий хусусияти мавжуд.

Биринчидан, бола ўйин фаолиятини эркин, ўз хоҳиши билан бажаради: **иккинчидан**, мазкур фаолиятнинг ижодий ва фаоллигидир: **учинчидан**, ўйин ҳаракатларининг жўшқинлиги: бола ўйинга қизиқиб кетади, завқланади, унда ўртоқлик ҳисси кучаяди ва ҳоказо. Болалар ўйинлари мазмунига қараб ўйинчоқли, воқеабанд (сюжетли), ҳаракатли ва дидактик ўйинларга бўлинади: 1) **ўйинчоқли ўйинлар**, асосан мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўйинларидир (содда ўйинчоқлар, масалан, шиқилдоқ, кубиклар ўйнаш; кум билан ўйнаш); 2) **воқеабанд ўйинларда** болалар катталар ҳаётига тақлид қилишади. Бу ўйинлар боланинг ташқи муҳитидаги воқеликни акс эттиради (масалан, “бола боқиш”, “овқат пишириш”, “боғча-боғча” ўйнаш ва башқлар). Болалар улғайган сари уларнинг воқеабанд ўйинлари ҳам мураккаблаша боради; 3) **ҳаракатли ўйинларни** болалар якка-якка ёки биргаликда бажарадилар (масалан, копток ўйнаш, тез югуриш ва бошқалар). Бу ўйинлар мактаб ёшидаги болаларга, айниқса фойдалидир: болалар соғлигини мустаҳкамлайди, уларни иродали қилиб тарбиялашга ёрдам беради. Болаларнинг спорт ўйинлари ҳам ҳаракатли ўйинлардандир; 4) **дидактик ўйинларни** тарбиячилар ўйлаб топиб, бу ўйинлар боғчаларнинг катта гуруҳларида тарбияланадиган ва бошланғич синфларда ўқийдиган болаларга мўлжалланади (масалан, табиий-илмий мавзуларга, чет тили сўзларини эслаб қолишга оид, лото ўйнаш ва ҳоказолар). Бу ўйинлар болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, зеҳн каби хусусиятларни ривожлантиришга хизмат қилиб, уларни соғлом ва бақувват бўлиб ўсишида муҳим ўринни эгаллайди. [2]

Ёш авлод тарбиясида катта роль ўйнаган ўйинлар, жумладан, болалар ўйинлари тўғрисидаги кўплаб ишларда ўзбекларнинг “оқ теракми – кўк терак”, “яшинмачоқ”, “бештош”, “қўғирчоқ ўйини”, “кўз боғлаш”, “қалъа олиш”, “.....”, ўйини, “ёнғоқ”, “данак”, “ҳавзак”, “чиллак (аккол)”, “меҳмон-меҳмон”, “телпакбози”, “арғамчоқ”, “қадама таёқ”, “суяк отти”, “ха тела”, “полиз ўйини”, “тўп ўйини”, “пақ-пақ” – “лой қутти” ва бошқа қатор ўйинлар тасвирланиб, айрим фикр-мулоҳазалар юритилган. “Игры народов СССР” тўпламининг биринчи нашрида ўзбек болаларининг бир неча ўйинлари собиқ Иттифокдаги бошқа халқларнинг болалар ўйинлари билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. [3]

Кўрсатилган ўйинларнинг кўпчилигига ўхшаш ўйинлар Қашқадарё воҳаси ўзбекларида ҳам мавжуд бўлиб, болалар ўйинларидаги баъзи бир фарқ қилувчи томонлари ва қайд қилинмаган ўйинлар хусусида фикр юритилди.

Воҳа аҳолиси ҳаётидаги ўтмиш давр ўйинлари болалар маънавий дунёқарашининг шаклланиши ва жисмоний чиниқиши воситаси бўлган. Асосий ўйинлар ҳаракатли бўлиб, 6-7 ёшгача ўғил ва қизчалар бирга, кейин эса алоҳида-алоҳида жойларда, қизчалар, асосан уйда, ўғиллар ҳовли ва далаларда ўйнаганлар.

Барча қишлоқларда “**ўйинчоқ ўйини**” болаларнинг энг сеvimли машғулоти бўлиб, улар учун ясалган аравача, от, туя, ит, турли паррандалар, идиш-товоклар, меҳнат қуролларининг материали, асосан ёғоч ва лойдан бўлган. Лойдан ясалганлари хумдонда пиширилиб, ранг билан безалган. Хуштакли ўйинчоқлар ҳам дунё халқларида қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, милоддан аввалги II асрга оид сопол каптарча Юнонистондан топилган. [4]

Қишлоқларда қўғирчоқ ўйини кенг тарқалган бўлиб, бу сўзни талқин қилган Е.М.Пешчерева ёзади: “Бу сўз қадимги суғд тилидан қолган бўлиб, ҳозирги вақтда унинг шеваларидан бўлган ягноб тилида ҳам учратамиз, маъноси эса “туққан аёл” ва шунингдек “бузоқли сигир”дан иборатдир” [5]

Кўп ҳолларда қўғирчоқлар ёғоч-чўпдан қўлда эски латта-лутгалардан рўмол, қўйлак кийғизиб ясалган. Бу ўйинни, асосан қизчалар 7-8 ёшгача ўйнаган. Ўйинчоқлар болаларнинг ҳали илк ёшлариданоқ хўжалик ва оила ҳаёти билан, келгусида ўзи бажариши мумкин бўлган турли касб-кор билан таништириб борган. Қўғирчоқ ўйинлари ҳар бир аҳоли масканининг оила ва ижтимоий турмушини, хўжалиги ва моддий маданиятининг маълум томонларини анча аниқ акс эттирган.

“Авалакум” ўйини катта ёшдаги киши томонидан ташкил қилинган. 4-5 ёшгача бўлган болалардан бир нечтаси даврага ўтказилиб, оёқлари бир жойга тўпланган ва ўйин айтими айтилиб, ҳамма болалар завқланиб, чаққонлик билан оёқларини олишлари лозим бўлган. Кейинда қолганнинг оёғи енгил чимчилаб олиниб, бир оёғингни олдинга торт дейилиши билан ўйин тугаган.

Кейингиси яна бошидан бошланган. Ўйин ёш болаларда сезгирлик, чаққонликни тарбиялаб бориш билан уларга маънавий завқ ҳам бағишлаган. Ўйиннинг номи айтимдаги биринчи сўздан олинган. Бунда “эчки ва бўри” эртагининг таъсири муҳим роль ўйнаган. Эчки болалари ул,буллуларнинг “Авалакум, Аулалакум” тарзида ритмик ўйноқлик билан манзур тушган ва уларни тўлқинлантирган Тошкентда бу ўйин “чору – чамбар” номи билан машҳур бўлган.

Чиллак (аккол) ўйини ўтмишда қишлоқ ўғил болалари ўртасида кенг тарқалган. Бу ўйиннинг зувуллатиш ва уриб учиритишдан иборат икки варианты мавжуд бўлган. Биринчи вариантнинг баёни воҳа қарлуқлари мисолида К.Шониёзов томонидан келтирилган. [6] Бошқа этнографик гуруҳлардаги ўйин тартиби ҳам ундан деярли фарқ қилмаган. Иккинчи варианты – уриб учиритишда фақат икки киши иштирок қилган. Биринчиси – қоровул, иккинчиси – отувчи бўлган. Қоровул таёғи билан аккол чуқурчасини қўриқлаган, отувчи эса 4-5 метр масофадан таёқчани узунасига қилиб чуқурчага отган. Тушса гол ҳисобланиб, вазифалар алмашган. Қоровул уни чуқурчага туширмай уриб учирса, олиб келиб яна отиши лозим бўлган ва ҳ.к. Ўйиннинг бу варианты Касби тумани қишлоқларида “туғадиган аккол ўйини” номи билан юритилган. Чиллак ўйини туркий халқларнинг қадимий ўйинларидан бўлиб, X-XI асрларда ўйналганлиги, унинг “тебук”, “тулди” номлари билан аталганлиги “Девону луғатит турк”да кайд қилинган. [7]

Ўйиннинг чиллак деган номини ҳар иккала халқ, ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам қўллаганлар. Бироқ, унинг аккол деган атамасини эса Бухоро воҳасида асосан тожиклар ва қисман улар билан ёнма-ён яшаган ўтроқ ўзбеклар қўллаганлар. М.С.Андреев тахминича, “аккол” сўзи “айкал” (ҳайкал) дан келиб чиққан бўлиб, эски маъноси “образ”, “ҳайкал”, “қимир этмайдиган (статуя)”, “худонинг тасвири” демакдир. [8] Бу фарзани ҳақиқатга яқин деб ҳисобласак, ўйин ва унинг аккол деган номи исломгача бўлган даврларга бориб тақалади. Чунки мусулмончилик даврида нафақат худоларнинг, балки оддий кишиларнинг ҳам расмини чизиш ёки ҳайкалинини ясаш ман қилинган.

Ўзбек болаларида **ошиқ ўйини**, тожикларда эса бужилбози дейилган ўйиннинг турли вариантлари бўлиб, ўйин тарзи жиҳатидан улар бир-бирига ўхшаш бўлган. Воҳада ўйин давомида ошиқларидан ажралган ўйинчилар сирри бўлди дейилиб, яна ўйинни давом эттирмакчи бўлса, ютганлардан ошиқ сотиб олиб ёки қарзга олиб ўйинни давом эттириши мумкин бўлган, акс ҳолда, ўйиндан чиққан ҳисобланган. Ўтмишда ошиқ ўйинларининг болалар ўртасида “чин” ва “ҳазил” шакллари бўлиб, биринчи ҳолда ютилган ошиқлар ютганники бўлган, кейингисида эса эгасига қайтарилган.

Ёнғоқ ўйини номи билан юритилган, ўйинда кўп ҳолда икки бола 2-4 ва ҳоказо тенг миқдорда ёнғоқ тўплаб, қуръа ёрдамида бирови тоқ, бошқаси жуфт сонга эга бўлган. Қоидага кўра, ўйинни жуфт сони бошлаган. Текис жойда деаметри 15-20 см чуқурча қазилиб, 3-4 м масофадан унга қараб тўпланган ёнғоқ отилган.

Чуқурчага тушган ёнғоқлар сони жуфт бўлса ютган, тоқ бўлса ютказган ҳисобланиб, рақибга ёнғоқни жуфт қилиб берган. Назаримизда бу ўйин ҳам анча қадимий бўлиб, Маҳмуд Қошғарий девонида ёнғоқ ўйинидаги чуқурчанинг номи “атич” деб тилга олинади. [9] Ёнғоқ ўйинлари Қоратегин ва Дарвоз худудларида ҳам ўйналган бўлса-да, улар Қашқадарё воҳаси ўзбек ва тожикларининг ўйинларидан фарқ қилади.

Қулоқ чўзма ўйини қишлоқда катта тўй-марака бўлганда, болалар диққатини жалб қилиш ва уларга ўйин-томоша сифатида катталар томонидан уюштирилган. Бунинг учун майиз, ғўлин (туршак), ширинлик ёки танга қўйиб боғланган 8-10 та кичик – кичик тугунча тайёрланган. Кўча ёки тўйхонадан чеккароқ майдонда болаларни тўплаб, битта тугунча ташлангач, ўлжани қўлга киритиш учун қаттиқ талашини ва тортишини бошланган. Шунинг

учун ҳам ўйиннинг номини “қулоқ чўзма” деб аталган. Тугунчани чаққон ва эпчил бола эгаллагач, иккинчиси ташланган ва ҳоказо.

Оёқ боғлаш – пойбандак ўйинида 8-10 тагача ўғил болалар иштирок қилган. Ўйин куз ва қиш фаслларида уйда, баҳор ва ёзда ҳовлида, текис жойда айлана чизиб, унинг ичида ўйналган. Қуйидаги чеклашмачоқ воситасида оёғи боғланадиган бола аниқланган: ўйинбоши ҳаммининг диққатини жалб қилгач, бир бошдан учадиган қушларнинг номини тилга олиб, сўнгида – “пир этди” деганда болалар бараварига қўл кўтаришлари керак. Орада учмайдиган ҳайвонлардан бирининг номи тилга олиниб, “пир этди” деганда қўл кўтарган боланинг ўнг ёки чап қўли ўша томондаги оёғига боғланган. Қолган ўйин иштирокчилари айланадан чиқмасдан қочишлари, у эса қувиши лозим бўлиб, ушланган бола билан вазифалари алмашган.

Бозор – бозор ўйини 4-6 яшар болалар иштирокида, иссиқ кунларда тупроқли жойларда ўйналган. Бобо ёки оталари билан бозорга бориб, савдо тартибини, сотувчилар ҳатти-ҳаракатини кўрган болалар ўйин пайтида уни такрорлаганлар. Тупроқдан турли хил моллар расталари тузилиб, “ҳолва”, “қанд”, “атторлик моллари”, “ҳино” учун дарахт пудраси тўпланган. Харидор келганда нархи устида тортишувлар бўлган.

Каттароқ ёшдаги болаларнинг “яшинмачоқ” ёки “бекинмачоқ” ўйини ҳамма қишлоқларда кенг тарқалган бўлиб, узоқроққа бориб яшириниш варианты “йиттим – кеттим” деб номланган. Ўзбек болаларида қувлашмачоқ – тожикларда гирам-гирам, гир айланиш – рў-рў, меҳмон-меҳмон айнан шундай, бештош – деб номланса – да, аслида ўтказилиш тартиби бир хилда бўлган.

Шундай қилиб, ўғил болаларнинг ўйинлари турли-туман бўлиб, ҳаракатли ўйинлар авваломбор кучлилик, чаққонлик, дадиллик ва идроклиликни тарбиялашга қаратилган.

Қизалоқларнинг ўйинлари ҳам уларнинг камолотида катта роль ўйнаган. “Ҳоқишма”, “оқ теракми-кўк терак”, “қувлашмачоқ”, “мушук-сичқон” каби ҳаракатли ўйинлар гарчи қисқа болалик даврида бўлсада, жисмоний чиниқиш омили бўлган.

Ўғил ва қизчалар маънавий озукани дастлабки ўйинлардан бошлаб катталар ҳомийлигида ола бошлаганлар. Бола бармоқчаларининг саналиши асосида ўйналадиган “ҳавзак-ҳавзак” ўйини унинг ҳаётида янги бир онгли жараён бошланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Палахмон, ўқ-ёй ва бошқа отиш қуроллари билан овчилик машқ қилинган, ёзда эса боғ ва мевали дарахтлар кўриқланган. Ўйинлар ёрдамида болаларда қурол билан муомала қилишдек ҳаракатларга хос ҳиссиётлар ва малакалар ҳам ҳосил бўла борган. Буларнинг кўпчилиги ҳақиқий ҳаётий юмушларнинг ҳазил-мутойибадаги ифодасидир, халос.

Болаларнинг ўйин фаолиятлари давомида икки муҳим омил ўзаро уйғунлашади: бир томондан, болалар амалий фаолиятга қўшилиб бориб, жисмонан чиниқиб, мустақил ҳаракат қилишга кўникиб боришади: иккинчи томондан, бу фаолиятдан маънавий ва эстетик қониқиш ҳосил қилиб, ўзларини ўраб турган атроф-муҳитни янада чуқурроқ билиб олишади, натижада буларнинг барчаси, шубҳасиз инсон шахсини тарбиялашга янада кўмаклашган.

Демакки, ўзбек халқининг миллий ўйинлари, жумладан болалар ўйинлари инсон маънавиятини шакллантириш, бойитиш, жисмоний камолатга эришиш, миллий-маънавий анъаналарни сақлаб қолиш йўлида ёшлар тарбиявий ишларни олиб боришда соғлом жисмонан фаолликни кенг тарғиб қилишда муҳим восита ҳисобланади. Зеро, миллий ўйинлар халқимиз кўрки, ғурури ва ифтихоридир.

Жумладан болалар ўйинларида, асосан маҳаллий аҳоли касб-ҳунар ва машғулотларни ёрқин ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам ўйинларда уй рўзғор буюмлари, идиш-товоқлар, ишлаб чиқариш асбоблари-аравача, белкурак, ўроқ, кетмон, болға кабилар яққол намён бўлган.

Ёз фаслида от миниш ва улоқ (кўпкари) чопиш баҳор ва кузда ошиқ, копток ўйини, варрак учириш, арғумчоқ (ҳалгинчак), қишда эса яхмалак ва қор ўйинлари кабилар ўсмирларнинг энг севимли ўйинлари ҳисобланган. Ўғил болалар ўртасида тўп, чиллак ўйинлари кенг тарқалган. Қадимги қуроллар-камон, юмалоқ палахмон, пуфак отиш ҳам сақланган. Қизалоқлар эса қўғирчоқ, бешик ўйинлари, тикиш, тўқиш, пазандачилик каби уй-рўзғор маиший юмушлари билан боғлиқ ўйинларга қизиқишган.

Этнографик тадқиқотлар даврида Қашқадарё воҳаси қишлоқларида болаларнинг қуйидаги миллий ўйинлари мавжуд бўлганлиги аниқланди: “Меҳмон-меҳмон”, “Она-ота”, “Дўппи ўйини”, “Чиллак”, “Яшинмачоқ (бекинмачоқ)”, “Тош отш”, “Урди қочди”, “Оқ суяк”, “Чурим кесди”, “Аккол”, “Буқирма таёк”, “Қадама таёк (урма таёк)”, “Қурма таёк”, “Ошик”, “Ишти”, “Чавгон”, “Лаббай тош”, “Хуркач”, “Лапар тош”, “Дондарак”, “Қулоқ чўзма”, “Читти гул”, “Жуппа тоқ”, “Жалт этди”, “Пошшо вазир”, “Чуркес”, “Уч тош”, “Тўрт тош”, “Беш тош”, “Қумалоқ”, “Ким ўзар”, “Кўз боғлар”, “Қувлашмачоқ”, “Тош отар”, “Топган топалоқ”, “Оқ теракми-кўк терак”, “Оқ тош-кўк тош”, “Ланка”, “Кўчмак”, “Такаловлов”, “Ич тортув”, “Хоммапиш”, “Лойшувоқ” ва ҳоказолар. [10] Бу ўйинлар ёшларни соғлом, жасур, эпчил, чаккон, мард ва чидамли бўлиб ўсишида муҳим роль ўйнаган, албатта. Мазкур ўйинларда ёшларга жамоатчилик руҳи ва туйғуси сингдирилган.

Шунингдек, эркаларнинг ҳўкиз, бедана, чилвир, тана, ит, туя уриштирилари ҳам мавжуд бўлган. [11]

Даврлар ўтган сайин халқимизнинг кўпгина миллий ўйинлари унутилаёзди. Айниқса шўро салтанати даврида халқчил ўйинлар эътибордан четда қолиб, менталитетимизга хос бўлмаган ўйинлар зўрлаб тикиштирилган эди.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли миллий ўйинларни тиклаш ва турмушга жорий этиш учун кўплаб имкониятлар яратилди. Шунингдек воҳа қишлоқ ва шаҳарларидаги маҳаллаларда болаларнинг миллий ва замонавий ўйинларини уйғун ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурдаги устувор вазифаларни руёбга чиқариш жараёнида маҳаллалар ҳудудларидаги болалар майдончалари тикланмоқда ва таъмирланмоқда. 16 ёшгача бўлган болалар спорт машғулотларига бепул қатнашишмоқда. Маҳалла болалари ўртасида “Футболимиз келажакимиз”, “Маҳалла пахлавонлари”, “Менинг маҳаллам” каби мусобақалар уюштирилмоқда. “Маҳалла” жамғармаси ғолибларни махсус совринлар билан тақдирламоқди. Шунингдек “Спорт ривожланган энг намунали маҳалла” кўрик танлови ҳам ўтказилмоқда.

Хуллас баркамол инсон тарбиясининг муҳим воситаси – болалар миллий ўйинларини маҳаллаларда тиклаш ва такомиллаштириш, анъанавий, замонавий ўйинларни уйғунлаштириш ва ривожлантириш ҳозирги истиқлол даврининг энг муҳим талабларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боровков А.К Игры узбекских детей - Сб. научного кружка при Востфаке САГУ. Вып. 1. –Ташкент, 1928. –С. 31-51; Шу муаллиф. Аист и связанные с ним приметы и поверья у местного населения Сб. научного кружка при Востфаке САГУ. Вып. 1. –Ташкент, 1928. С.3 Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана – Бюллетен. САГУ, Вып. II. Т; 1925.С.22-94; Шу муаллиф Игрушки и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924-1935 гг.). - Музей антропологии и этнографии, т. XVII. – М.-Л., 1957. – С.86-93; Шаниязов К. Узбеки -карлуки. (Историко-этнографической очерк наук)– Т.: Наука, 1964; шу муаллиф К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). – Ташкент, Фан, 1974-344 с ; Шу муаллиф К. Традиционные игры и развлечения узбеков, отражающие быт скотоводов (XIX- начале XX в) Всесоюзн. сессия посвящ. итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1976-77 гг. Тез.докл. - Ереван, 1978- 238.с; Шу муаллиф Традиционные народные праздники, их возрождения и обновление в современном содержании быту узбекского народа. – “Общественные науки Узбекистане”, 1985, №2. С.26-31; Шу муаллиф Ҳамиша навқирон чавгон. – “Фан ва турмуш”, 1987 йил 4-сон, Б.27-29; Аскарлов А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши- Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қ.Т.2005.Б.3-13.; Кубаков К. Детские игры и увеселения узбеков (по материалам Самаркандской и Джизакской областей) - Вопросы археологии, древней истории и этнографии. – Самарканд, СамГУ, 1981. – С. 34; Исоқов Б.Б. Болалар ўйинларининг этнографик хусусиятлари. – Ўзбекистон этнографиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2007. Б. 24; Мардонова Г. Ори кўшиқ бўлган юрт. Этнографик бади 2- нашри. – Т.: “Nihol”, 2010. – 92 б; Бўриев О., Жалилов И. Анъавий ўйинлар - ўзбек миллати кўрки, гурури ва ифтихори. - Глобаллашув жараёнида ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. Қарши, ҚДУ, 2018 Б.121-125; Йўлдошев С. Узлуксиз таълим-тарбия жараёнида халқ ўйинларининг тарихий, илмий педагогик асослари. Монография – Фарғона, 2021-. 226 б.; Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002.-240 б; Усмонхўжаев Т.С., Хўжаева Ф. Минг бир ўйин. – Тошкент: Ибн Сино, 1990. – 279 б;

2. ЎзМЭ, 2-ж.-Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. Б.130

3. Игры народов СССР- Сб. мат. М-Л., 1933-563с. ; Игры народов СССР. – М.Л.: Физкультура и спорт, 1985.- 272 с.
4. Герцек, Народные игры. Прага, 1957.С.8
5. Пешерева Е.М. Игрушки детские игры у таджиков и узбеков. с. 83.
6. Шаниязов. К.Ш. Узбеки – карлуки с.-.
7. Махмуд Қошғарий , Девону лугатит турк –Т.: Фан, 1967
8. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып.1-Душанбе, 1953
9. Махмуд Қошғарий, Кўрсатилган асар. Б. 27
10. Жабборов Э. Ўзбек халқ ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида) Номз. дисс.. автореферати. - Т., 1998.-26 б.
11. Дала ёзувлари. Қашқадарё воҳаси туманлари, 2021 йил

УДК 903

КАЛЕНДАРЬ ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМА

А.Г. Достов, доцент, Каршинский государственный университет, Карши

Annotatsiya. Maqolada qadimiy Xorazm taqvimi o'rganilib, uning mohiyati, kelib chiqish tarixi va ma'nosi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Xorazm quyosh taqvimi, "Avesto", Abu Rayhon Beruniy, "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar", musulmon xronologiyasi.

Аннотация. В статье изучается календарь древнего Хорезма и раскрывается его суть, история возникновения и значение.

Ключевые слова: Хорезмский солнечный календарь, «Авеста», Абу Райхан Бируни, «Памятники минувших поколений», мусульманское летоисчисление.

Abstract. The article studies the calendar of ancient Khorezm and reveals its essence, history and significance.

Keywords: Khorezm solar calendar, "Avesta", Abu Rayhan Biruni, "Monuments of past generations", Muslim chronology.

Более 200 календарей знает история человечества. Многие из них до сих пор являются предметом изучения, по ним исследователи делают выводы об их исторических корнях и структуре. Один из них следующий: календари некоторых народов имеют в своей основе календари других народов. Но это наблюдение будет неправильным распространить на все народы без учета конкретных исторических условий. Нации и народы, живущие на земле, имели свой образ жизни, когда их разделяли океаны и континенты, и они какое-то время не имели непосредственных взаимных контактов друг с другом. Они жили в соответствии со своими природными условиями, обычаями и религиозными убеждениями. После открытия Великого шелкового пути, после Великих географических открытий ни один народ или нация не жили самостоятельно, в отдалении от других народов и наций. В противном случае не было бы мирового прогресса.

Изучая историю других календарей, мало что знали о древнем хорезмском календаре. Хорезм является колыбелью древней науки, и, взяв во внимание, что священная книга зороастризма «Авеста» появилась на этой земле, можно сделать следующий вывод, – о необходимости знания точного время проведения религиозных церемоний. Данный важный фактор послужил одной из основ инициирования древнего хорезмского календаря [1,1576].

2003 год был объявлен ЮНЕСКО годом 3000-летия зороастрийской культуры. Это еще одно свидетельство непреходящего значения зороастризма, родиной которого является Хорезм.

Многие азиатские и ираноязычные страны претендовали в прошлом на роль родины пророка Зороастра. Как полагает известная английская исследовательница Мэри Бойс в своем труде «Зороастрийцы. Верования и обычаи»: «исходя из содержания и языка сложенных Зороастром гимнов, теперь установлено, что в действительности пророк Зороастр жил в азиатских степях, к востоку от Волги».

Как утверждает известный российский историк Иван Абаев, говоря о времени и месте рождения пророка Заратустры: «Место – среднеазиатская Скифия и Хорезм. Время – VII-VI века до н.э. Среда – полукочевые скифские (сакские, массагетские) племена...» [2].

Абу Райхан Бируни написал книгу «Памятники минувших поколений» («Аль-Асар аль-Бакия»), в которой были представлены гражданская хронология и календарные системы греков, римлян, персов, согдийцев, хорезмийцев, коптов, евреев, доисламских арабов и мусульман [3,63].

«Аль-Асар аль-Бакия» представляет, по определению И. Ю. Крачковского, «свод технической или гражданской хронологии, дающий описание всех эр и праздников известных Бируни народов и религий».

В связи с этим в вопросе изучения хорезмского календаря мы обратимся к произведению Абу Райхана Бируни «Аль-Асар аль-Бакия».

В свете новейших археологических исследований весьма интересно упоминание Бируни о начале летосчисления в Хорезме. Он устанавливает две древнейшие хорезмийские эры — «эру начала заселения страны», относимую «за 980 лет до Александра» (т. е. до селевкидской эры), — 1292 г. до н. э. и «эру прихода в Хорезм Сиявуша, сына Кейкауса, и воцарения там Кейхусрау и его потомков» 33 — на 92 года позже первой эры, т. е. 1200 г. до н. э. [4, 33].

На начальном периоде хорезмийской государственности неделя не использовалась. Считалось, что имеют определенное значение только дни недели. Дни в рамках недели, наряду с тем, что имели конкретные наименования, также носили другие наименования. Например, хорезмийцы имели отдельное наименование для каждого дня месяца. Надо также отметить, что одиннадцать дней в месяце носили одинаковое наименование, как в Хорезме, так и в Согде.

Хорезмийцы использовали стоянки Луны в знаках зодиака. Они делали из этого соответствующие астрономические суждения. Они запоминали наизусть такого рода информацию. Они поделили движение Луны на 12 знаков и назвали каждый знак зодиака отдельно на своем родном языке. Бируни говорит: «Хорезмийцы знали знаки зодиака лучше арабов» [4,59].

Хорезмийцы и согдийцы использовали одну методику для прибавления лишних дней в году для определения начала года. Они считали, что каждые 115 солнечных лет состоят из 365 дней, а на 116-й год прибавляли 1 месяц и 1 день. Началом Нового года в Хорезме был определен день весеннего равноденствия. Как писал Бируни: «Я упомянул в предшествующем о том, что каждый народ пользуется особой системой летоисчисления. В соответствии с различием этих систем различаются и начала месяцев, а также и количество дней в каждом из них, и обуславливающие это причины».

Хорезмийцы делили год на двенадцать месяцев, каждый месяц состоял из тридцати дней. Хорезмийцы использовали следующие наименования месяцев: 1. Римжд. 2. Азмин. 3. Ардушт. 4. Ахшриврий. 5. Исфандормажий. 6. Хрвдоз. 7. Хмдоз. 8. Дзв. 9. Арв. 10. Ёнохн. 11. Ахир. 12. Мох. 13. Жизи. 14. Гвшт. 15. Дзв. 16. Фиг. 17. Асрвф. 18. Ршн. 19. Рвжн. 20. Аригн. 21. Ром. 22. Воз. 23. Дзу. 24. Диний. 25. Аржвхий. 26. Аштоз. 27. Асмон. 28. Рос. 29. Мрсбнд. 30. Авнрг.

В хорезмийском календаре, как уже упоминалось выше, не было отдельных наименований дней недели. Такого рода практика пришла позже, с появлением ислама в регионе. Каждый день месяца, как уже упоминалось выше, носил свое отдельное наименование и был посвящен богам из зороастрийского пантеона, упоминаемым в «Авесте». Данное важное положение подчеркивается нашими учеными [1,1576].

Великий ученый Бируни подчеркивает следующее: «Я обнаружил, что, давая названия первому из добавочных дней, которые прибавляются к последнему дню Испендермаджи, хорезмийцы начинают с (названия) первого дня месяца и идут дальше подряд, так что название пятого дня будет Испендермаджи. Затем они снова начинают с Р-и-м-д-ж, а это первый месяц месяца Наусарджи».

Захватчики из различных стран стремились стереть без следа историю народов Центральной Азии, разграбить ее богатства, уничтожить ее материальные и культурные памятники, а затем установить свое господство. В ходе такого рода исторических катаклизмов, наряду с книгами, исчезали и календари.

Абу Райхан Бируни утверждает: «Затем, после того, как Кутейба ибн Муслим погубил хорезмийских писцов, убил священнослужителей и сжёг их книги и свитки, хорезмийцы остались неграмотными и полагались в том, что им было нужно, на память. Когда время продлилось, они забыли то, о чём было разногласие и запомнили (лишь то), о чём (все) были согласны» [5].

С завоеванием арабами Средней Азии широко распространился мусульманский календарь со счетом лет по лунным месяцам. Применялся он главным образом духовенством и чиновниками в переписке и канцелярской работе. Более широко распространение получил другой мусульманский счет по Солнцу, в котором месяцы носили названия знаков зодиака: Овен, Телец, Близнецы, Рак, Лев, Дева, Весы, Скорпион, Стрелец, Козерог, Водолей, Рыбы. Зодиакальный счет времени употреблялся, например, в Хорезме до 1920 года [6,64].

Названия месяцев, которые были сохранены в памяти и доведены до нас, они являются продуктом истории, прошлого, мудрости наших предков.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85090735804&origin=resultslist> Abdivali Dostov, Mukhammadjon Ganiev, Calendars of ancient Khorezm and ancient Sogd. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 5, (2020),
2. https://lib.uni-dubna.ru/search/files/rel_abaev/rel_abaev.pdf
3. Цибульский В.В. Календари и хронология стран мира. - М.: 1982.
4. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения, I. Ташкент - 1957
5. https://platon.net/load/knigi_po_filosofii/istorija_filosofii_arabskaja/biruni_abu_rejtkhan_izbrannye_proizvedeniya_t_i_pamjatniki_minuvshikh_pokolenij/59-1-0-958
6. Е.И. Каменцева. Хронология. М., 2003

УЎТ: 903-03

МИЛ.АВ. II – МИЛ. II АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ТЕМИРЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ

*Н.Р.Исмамуллаева, PhD, доц. в.б., Тошкент давлат шарқшунослик университети,
Тошкент*

Аннотация. Мазкур мақолада қадимги хитой манбалари ва археологик қазими топилмалари натижасида мил.ав. II – мил. II асрларда Марказий Осиё ва Хитой ўртасида темирчилик хунарманчилиги маҳсулотлари савдосининг кенг ривожланганлиги исботланган. Темирчилик маҳсулотлари таснифий гуруҳларга ажратилиб, тадқиқ этилган даврга оид топилмалар бўйича маълумотлар келтирилган. Мил.ав. II – мил. II асрларда Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқда, асосан, қурол-яроғ, бронза буюмлар, танга сингари темирчилик маҳсулотларининг кенг савдодо бўлганлиги кузатилади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо алоқалари, хунармандчилик, темирчилик, бронзага ишлов бериш, танга зарб қилиш.

Аннотация. В данной статье на основании древнекитайских источников и находок археологических раскопок было доказано, что во II в. до н.э. - II в. н.э. торговля кузнечными изделиями между Центральной Азией и Китаем была широко развита. Изделия из железа разделены на классификационные группы, приведены сведения о находках, относящихся к исследуемому периоду. II в. до н.э. - II в. н.э. наблюдается, что во взаимной торговле между Центральной Азией и Китаем широко продавались в основном, изделия из металла, такие как, оружия, изделия из бронзы и монеты.

Ключевые слова: торговые отношения между Центральной Азией и Китаем, ремесла, кузнечное дело, обработка бронзы, чеканка.

Abstract. In this article, based on ancient Chinese sources and finds from archaeological excavations, it was proved that in the 2nd century BC - 2nd century AD. The trade-in blacksmith

products between Central Asia and China was widely developed. Iron products are divided into classification groups, and information about the finds relating to the period under study is given. In the mutual trade between Central Asia and China in the 2nd century BC - 2nd century AD, mainly metal products, such as weapons, bronze products, and coins, were widely sold.

Keywords: *trade relations between Central Asia and China, crafts, blacksmithing, bronze processing, chasing.*

Кириш. Маълумки, қадимда кулдорлик жамияти даврида қадимги давлатлар иқтисодиётида натурал хўжалик шакли мавжуд бўлган. Кейинчалик пул вужудга келиши билан товар хўжалиги ҳам натурал хўжалик билан бир қаторда аста ривожланиб борган. Марказий Осиё ва Қадимги Хитой ўртасидаги халқаро иқтисодий алоқалар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳеч иккиланмасдан бундай алоқаларни халқаро деб атай оламиз. Чунки Чжанг Чян икки ҳудуд ўртасида дипломатик алоқаларининг ўрнатилишига тамалтош қўйиш билан бирга, суёт бўлсада қадимдан мавжуд бўлган савдо алоқаларининг ҳам ривожланишига улкан ҳисса қўшади. Қадимги тарихий манбалар ҳамда археологик қазилма ишлари натижасида мазкур ҳудудлар ўртасидаги халқаро иқтисодий алоқаларда, авваламбор товар айрибошлаш шаклини учратамиз.

Товар айрибошлаш шакли элчилар ёрдамида ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро совғалар алмашиниш натижасида юзага келади. Р. Мирзаев Буюк ипак йўлида товар айрибошлаш яна “дипломатик савдо-сотик” деб ҳам ном олган [1] лигини таъкидлайди. Бора-бора дипломатик шакл билан ниқобланган ўзаро расмий совғалар алмашиниш ўрнини оддий хусусий савдо-сотик эгаллайди [2, б.178].

XX асрда Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудида археологик қазилма ишлари жадал тус олди. Ўтказилган мазкур археологик тадқиқотлар нафақат қадимий ёзма манбалардаги маълумотларни тасдиқлади, балки ёзилмаган кўпгина тарихий ҳодисотлар ҳақида гувоҳлик берди.

Натижалар ва муҳокама. Марказий Осиё ва Хитой ўртасида мил.ав. II – мил. II асрларда халқаро товар структураси ҳолатини кўриш учун дипломатик муносабатлар натижасида айрибошланган ҳамда ўзаро савдо-сотик молларини темирчилик ҳунармандчилиги ишлаб чиқариш фаолиятининг қуйидаги таснифий соҳаларига бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Темирчилик ва металлга ишлов бериш

1) Темирга ишлов бериш

Мил.ав. 2 асрга келиб Қадимги Хитойда хусусий темирчилик устахоналари сони ортади, мил.ав. 100 йилда эса ҳукумат кўпгина провинцияларда металл қуйиш устахоналарини ташкил қилиб, металлга ишлов бериш соҳасини монополлаштиради ва ўз назорати остига олади. 48 нафар металл қуйиш давлат устахоналарида пишиқ ғиштдан ишланган, ёқилғиси тошқўмир бўлмиш катта домна печларида металлни эритиб қишлоқ хўжалиги асбоб-анжомлари, маиший буюмлар, қурол-яроғ, арава эҳтиёт қисмлари ҳамда бошқа ихтисослаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланган [3, б. 129-130].

Тарихий манбаларга кўра Марказий Осиёга Қадимги Хитойдан темир турли кўринишлар, яъни хом ашё ва тайёр маҳсулот шаклида импорт қилинганлиги маълумдир.

“Форс империяси тарихи” асарида келтирилишича, Парфияга Хан сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитойдан юқори сифатли темир келтирилган. Асарда, Хитойдан келтирилган бундай темир Марвда улгуржи сотилган, шу сабабли ҳам “Марв темири” деб номланган [4, б. 293] деган фараз кўрсатилади. Лекин Марвда хитой темирдан ясалган қуролларнинг қирраси мислсиз ўткирлиги сабаб Рим тарихчиси Плутарх (тахминан 46-127 йиллар) Парфия қуролини “Марв қуроли” деб номлайди [5, б. 35]. Бу маълумотдан кўриниб турибдики, “Марв темири” эмас, балки “Марв қуроли” номланишининг мавжуд бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Археологик қазилма ишлари натижаларига мурожаат қилсак, Синжян-Уйғур мухтор ўлкасида жойлашган Налэкэ ва Миран ҳудудларида кўп миқдорда темир буюмлари қолдиқлари топилган [6, б. 28].

2) Бронзага ишлов бериш

Марказий Осиё худудидида амалга оширилган археологик қазилма ишлари натижасида Хитойдан импорт қилинган Хан сулоласига оид кўплаб бронза буюмларини учратамиз.

Олим Э.Ртвеладзе келтирган маълумотга кўра, Термиздан ғарб томон 30 км узоқликда жойлашган Кампиртепа шаҳарчаси қўрғонидан II аср 1-ярмига оид қатламида кичик идишнинг буралган аждаҳо шаклидаги бронза ушлагич топилган. Бундай ушлагичлар одатда хитой идишларига безалган [7, б. 132].

Ванг Бингхуанинг Буюк ипак йўлидаги археологик қазилма ишларига бағишланган асарида келтирилишича, Синжян-Уйғур мухтор ўлкасидаги Ния, Лоп, Крурона [6, б. 26-28] манзилларида Хан даврига оид бронза кўзгулари топилган. Ўзбекистонда эса кўзгуларнинг энг дастлабки чжаоминг типи (м.а. I аср) Пскент қадимги гўристонидан ва Вревский станциясидан топилган. Байжу типидидаги кўзгулар (м.а. I аср- мил. I аср) Фарходқурилишда ва Фарғонадаги Қайрағоч қадимги гўристонидида топилган. Исфара, Қорабулок, Туратош (Ғарбий Фарғона)даги қадимги қабристонидида ҳамда Кетмонтепа ва Кенкола водийларида топилган хитой кўзгулари милодий II асрга тегишли [7, б. 131].

Кушон империясининг шимолий худудларида жойлашган қадимги Косон шаҳри ҳозирги Косонсой шаҳрининг шимол томонидаги Муғхона ёдгорлигида ҳам мил.ав II-I асрларга мансуб жез кўзгу топилган [8]лиги маълум.

1979 йили Афғонистоннинг шимолидаги Сибарқанддан шимоли-шарқ томон 5 километр узоқликда жойлашган Тиллатепа харобасидан қадимги Бактрия даврига тегишли тилла санъат буюмлари кўмилган зодагонлар қабритони топилган. Харобада кетма-кетликда олти тиллага тўла қабр жойлашган [9, б. 267, 273, 274-275]. 2, 3, 6 рақамли қабрлар бир даврга мансуб. Чунки бу учта қабрдан ҳам Ғарбий Хан сулоласи императори Хан Сюанди (м.а. 73-49 йй) дан Хан Пингди (мил. 1-5 йй) ҳукмронлик даври оралиғида Хуангхэ дарёси ҳавзасида кенг тарқалган кўзгу қазиб олинган. Қабрлардан яна бир неча бронза идишлар қазиб олинган. Уларнинг шакли Хан сулоласи давридаги бронза идишлари билан ўхшаш [9, б. 274-275] лиги таъкидланади.

Лин Мэйцуннинг таъкидлашича, Чжаоминг бронза кўзгулар шак-шубҳасиз Ипак йўли орқали Бактрияга олиб келинган [9]. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, археолог Л.М. Сверчковнинг “Синжян археологияси” қисқача обзорида мил.ав. тахминан 2000-1500 йилларда Туркменистоннинг ғарби, Ўзбекистон жануби ва Афғонистон шимоли узра кенг тарқалган Бактрия-Марғиёна археологик мажмуаси, яъни бронза даври Амударё маданиятида маргимуш асосида бронза ишлаб чиқарилган [10]. Мазкур маълумотга кўра, Марказий Осиё худудидида бронзага ишлов бериш ҳунари мавжуд экан, мил.ав. 2 асрга келиб ҳам ундан турли буюмлар яшаш, шунингдек кўзгу яшаш ҳунарининг мавжуд бўлганлиги аниқ. Шундай экан, Марказий Осиёда археологик қазилма ишларида топилган мил.ав. 2-асрларга оид бронза буюмларининг барини Хитойдан кириб келган дейиш нотўғри. Буни фақат буюмнинг хитой буюмига ўхшашлик даражаси, бронзанинг моддавий таркибига асосан исбот қилиш мумкин.

3) Олтин ва қумуш сингари қимматбаҳо металлларга ишлов бериш

А.Хўжаевнинг “Шижи”, ва “Ханшу”дан таржималарига мувофиқ, Фарғона мамлакатидида Хан давлатидан келтирилган олтин-қумушларни пул сифатида кўришмай, улардан идиш-товок ясаган эканлар [11, б. 55, 74].

2. Танга зарб қилиш

Хан сулоласи давридан то Жанубий Шимолий сулолалар даврига қадар, Хитойдаги у-жу тангаси катта миқдорда Ғарбий ўлкаларга кириб келади. Масалан, Хўтан подшолигида хитой-санскрит икки тилдаги ёзувли, чавандоз сурати туширилган тангалар (Хўтан тангаси) қуйилгани [12, б. 286] “Хитой халқлари тарихи” асарида қайд этилади.

Э.Ртвеладзе Ўрта Осиёнинг шарқий қисми худудларида у-жу тангалари кўп учрашини кўрсатади. 1988 йили Фарғонада 32 қабрдан 42 та у-жу тангалари топилган. Шимолий Фарғонада Муғхона қазилма ишларида 2 та, Поп шаҳри яқинидаги Мунчоктепа қабристонидан 2 та, Панжикентдан 4 та, Шимолий Тожикистон Фарход дарвозалари яқинидаги Мунчоктепа 1 ва 2 дан 13 та, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Қанқа

шахридан битта у-жу тангалари топилган [7, б. 128]. Фарбий Хан даври у-жу тангаси яна Миран [6, б. 23], Крурона манзилидан [13, б. 88] ҳам топилган.

Марказий Осиё ҳудудига савдо-сотик натижасида Қадимги Хитойнинг у-жу тангаларидан ташқари, яна Фарбий Хан сулоласи ҳокимиятини тўнтарган ва ўзини император деб эълон қилган Ванг Манг ҳукмронлиги даври (9-23 йй)га мансуб тангалар ҳам етиб келган.

Жумладан, Фарғонадаги Хангаз 1 да битта, Панжикентта битта ва Самарқанддаги Афросиёб шаҳар харобаларида яна битта Ванг Манг даврига тегишли хоқоан тангалари топилган [7, б. 129].

Бишкек шаҳри темир йўл станцияси яқинида император Ванг Манг даврига хос пичоқ шаклидаги тангалар топилган [7, б. 130].

Крурона манзилидан катта миқдорда Ванг Манг даври тангалари ва диққатга сазовори, бир дона милодий 1-2 асрларда ҳукмронлик қилган Кушон империяси танга пули топилган [13, б. 88].

3. Қуролсозлик

М.а. 2 асрда Даванликлар Хитойнинг темир қуйиш техникасини ўрганиб олади. Сўнгра Парфияга кириб боради. Хитой темири Парфияга кириб келгач, Марв шаҳрида қурол-аслаҳа болғаланади. Қуролнинг қирраси, мислсиз ўткирлиги сабаб Рим тарихчиси Плутарх Парфия қуролини “Марв қуроли” деб номлайди [5, б. 35].

Синжян-Уйғур мухтор ўлкасида археологик қазилма ишларида Лопда ўқ-ёй [6, б. 28], Налэкэ (那勒克) манзилидан дельтасимон камон учлиги [6, б. 26] топилган.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё ва Хитой ўртасида мил.ав. II – мил. II асрларда халқаро товар структураси ҳолатини кўриш учун дипломатик муносабатлар натижасида айрибошланган ҳамда ўзаро савдо-сотик моллари орасида темирчилик хунармадчилиги ишлаб чиқариш фаолияти маҳсулотлари кенг ўрин эгаллаган. Археологик қазилма ишларида мазкур ҳудудларда қазиб олинган топилмалар бу даврда икки ҳудуд ўртасида дипломатик ва савдо-сотик алоқаларининг кенг ривожланганлигига яққол исботдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзаев Р. Генезис и эволюция Великого шелкового пути. "Обозреватель-Observer". 2005. №7. http://observer.materik.ru/observer/N7_2005/7_16.HTM
2. Баринаева Е.Б. Этнокультурные контакты Китая с народами Центральной Азии в древности и средневековье. – М.: ИЭА РАН, 2013.
3. Погребенные царства Китая / Пер. с англ. А. Чекмарева. – М.: ТЕРРА – Книжный клуб, 1998.
4. Абду Хусайн Залинкубо. Поси дигуо ши./ Чжанг Хонгнян и. – Шанхай: Фудан дасюэ чубанши, 2011.
5. Ся Сиюруй, Сун Юйчин. Чжонггуо дуйвай маойи ши (ди йи сэ) – Бэйжинг: Дуйвай жингжи маойи дасюэ чубаншэ, 2001.
6. Ванг Бингхуа. Сичоу чжилу каогу янжию. – Улумучи: Синжян ренмин чубанши, 1993.
7. Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь: Энциклопедический справочник: Древность и ранее средневековье. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1990.
8. Вилоятимизнинг археологик қазилмалари. www.pamtmuzeu.uz
9. Лин Мэйцун. Сиюй венминг: каогу, минзу, юйян хэ зонгжяо синлун. – Пекин: Донгфанг чубанши, 1995.
10. Сверчков Л. М. Археология синьцзяна (краткий обзор). БЭИП «Суюн»; Том.3, Декабрь 2016, №11 [1,2]
11. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2013.
12. Чжонггуо минзу ши. – Жилин: Жилин чубаншэ, 2010.
13. Ли Мингвэй. Сичоу жилу маойи ши. – Ланчжоу: Гансу ренмин чубанши, 1997.

УЎК 94(5)

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ҚЎНҒИРОТ ТАРКИБИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ УРУҒЛАРИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ш.Х.Кичкилов, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги, Термиз

Аннотация. Мақолада Кўхитанг тоғ қишлоқларидан бири Хомкон аҳолиси ўзбек халқининг энг катта уруғларидан бири қўнғирот таркибидаги бешта катта шохнинг бири

бўлган қўштамғалининг қорақалпоқ деб номланган гуруҳига мансублиги борасида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: Сурхон воҳаси, Кўҳитанг тоғ қишлоқлари, Канбешбулоқ кўли, туз кон, хомконликлар, булоқлар, уруғ, шажара.

Аннотация. В статье рассматривается тот факт, что жители Хомкона, одного из горных селений Кохитанга, принадлежат к группе каракалпоков, которая является одной из пяти основных ветвей узбекского народа, одного из крупнейших родов узбекского народа.

Ключевые слова: Сурханский оазис, горные селения Кохитанг, озеро Канбешбулок, соляная шахта, хомконцы, родники, род, генеалогическое древо.

Abstract. The article discusses the fact that the inhabitants of Khomkon, one of the mountain villages of Kohitang, belong to the Karakalpoq group, which is one of the five major branches of the Uzbek people, one of the largest clans of the Uzbek people.

Key words: Surkhan oasis, Kohitang mountain villages, Kanbeshbulok lake, salt mine, Khomkon people, springs, seed, family tree.

Кириш. Ўзбек уруғлари ва уларнинг келиб чиқиш тарихи олимлар саъй-ҳаракатлари билан биз учун унча маълум бўлмаган саҳифалари ёритила бошланди. Аслида уларни билиш халқ кадрятлари билан мустаҳкам боғлиқ, уларнинг тараққиёт йўлини ўрганиш миллат тарихини янада ойдинлаштиришга хизмат қилади. Чунки, уларнинг тараққиёти халқ, миллат, она-юрт тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Кўнғирот уруғи ўзбек халқининг энг катта уруғларидан бири бўлиб, бешта катта шохга: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Айинни, Тортувлига бўлиниб, жами 66 ота кўнғирот уруғини ташкил этади[1]. Шу 5 та катта шохнинг бири бўлган Қўштамғалининг 16 майда шохобчаларидан бири Қорақалпоқдир[7]. Шунингдек, Қўштамғалининг Қорақалпоқ тармоғи 4 та майда даҳага, яъни уруғ тармоқларига бўлиниб кетади. Улар қуйидагилар: Норбека (Олтинбош), Обизбачча (Аннакул), Вой-Вой (Қодиркул), Жабборкул (Тўшбойи) [1].

Таҳлил ва натижалар. Қўштамғалилар Шерободдарёнинг ўрта оқими (Калламозор қишлоғи), Киршак дарёси ҳавзаси ва Хомконда, Кичик ва Катта Ўрадарё ҳавзаларида, шунингдек, Шеробод воҳаси ва Кўҳитангнинг шимолий қисмидаги Шўроб, Чакчак довони яқинидаги Мавлиш ва ҳозирги Олтинсой тумани ҳудудларида ўрнашганлар [7]. Кўҳитанг тоғ катта қишлоқларидан бири Хомконда мана шу Қўштамғалининг Қорақалпоқ, Кўчаҳўр, Қўлдовли ва Устабачча уруғлари истиқомат қилади. Хомкон аҳолиси асосан қорақалпоқ уруғига мансуб бўлиб, Сурхон воҳасига хос камсукум ва камтарлиги, меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган содда ва беғараз тўпорилиги сезилиб туради [5]. Хомконлик қорақалпоқларнинг бош аждодлари Сир сувининг ёқасида жойлашган “Орқа юрт” деб номланган жойда яшаган қорақалпоқ бийларидан Гудрайбий ва унинг ўғли Эсанбий авлодлари ҳисобланади.

Қизирик тумани “Гуллобод” маҳалласида яшовчи Абдунавит бобо Шоймардановнинг маълумотларига кўра, Бухоро амири Абдуллахоннинг ўғли Абдулаҳатхон тахтдан ағдарилгандан сўнг, ҳокимият, тахт-тож учун талашишлар ниҳоятда авжига чиққан даврларда манғит амирларидан амир Муҳаммад Райимхон тахтни эгаллайди. Бу даврда Самарқанд, Тошкент ҳудудларида кўчманчи бийлар ҳукмронликни ўз қўлларига олишган ва марказий ҳокимият ниҳоятда заифлашиб, талон-тарож авжига чиққан эди. Ана шу даврларда Ғузор тўрасига навқар бўлиб хизмат қилган Қиличбек укаси Пўлатбек билан Тўра томонидан суюрғал қилиб берилган Пачкамар сув омбори остида қолиб кетган ва Ғузор дарёсининг кун ботиш тарафида жойлашган “Қорақалпоқ ариғини” қаздириб, сув чиқариб дехқончилик билан шуғулланишади. Ариқ тамғаси ҳозиргача сақланиб қолган.

Дарёда сув тошқинларининг тез-тез бўлиб туриши, сел келиши, ариқни тозалаш, сув чиқариш ишлари ниҳоятда машаққатли меҳнат ва катта куч, маблағ талаб қилганидан узоқ вақт ўтмай ободсиз жойга айланиб қолади ва улар чорвачилик билан кун кечира бошлайди. Шунингдек, катта савдо қарвон йўли шу жойдан ўтганлиги сабабли талончилар, ўғри ва

каллакесарлар уларга тинчлик бермайди. Оқибатда улар яшаётган жойларини ташлаб Кўкмиёрга, Лайлимконга ва кейинчалик Хўжайпок қирларини, Оқдахна, Тўлаш, Белисиник адирлари орасини маскан қилишади ва шу ерларда чорвачилик билан шуғулланишади.

Қиличбекнинг тўрт ўғли бўлиб, катта ўғли Қурбонкул ботир (уни Олтинбош деб аташган) ва унинг укалари Аннакул, Қодиркул Жабборқуллар бўлган. Қиличбекнинг укаси Пўлатбекдан авлод қолган-қолмагани ноаниқ (баъзилар бир ўғил қолган дейишади).

Қурбонкул ботирнинг “Олтинбош” деб аталишини Қизирик тумани Хомкон қишлоғида яшовчи тарихчи Анваров Ҳамрохон куйидагича изоҳлайди: Қорақалпоқлар чавандоз ва жасур бўлишиб, уларнинг аждодлари ҳам жангчи бўлганлигидан доим чегараларни ва ҳукуматни асраш учун улардан отлиқ аскарлар тузишган. Ғузур тўраси ерлари ҳам нотинч жойлардан ҳисобланган. Шунда 4 ака-укани мамлакат худудидида бўлаётган нотинчликларни бостиришга жалб қилади. Қурбонкул ботир ва унинг укалари мамлакатда тинчлик ўрнатишда катта ҳисса қўшганлиги учун Қурбонкул ботир бошига олтиндан тиллақош кийдиради. Шунинг учун “Олтинбош” деб аташган. Ака-укаларга “Темир дарвоза”, яъни Чак-чак довони, Каттапой, Киршаксой ва Хомкон ерларини суюрғол қилиб беради [3].

Ака-укалар Қурбонкул ботир, Қодиркул ва Жабборқуллар Хомконда қолиб яшаганлар ва улар орасидан Жабборқулнинг авлоди бисёр кўп бўлиб, ундан уч уруғ: “кўса”, “саккиз”, “тўшбойи” уруғлари пайдо бўлган.

Хомконлик қорақалпоқларнинг келиб қолиши тўғрисида Қизирик туманининг Охунбобоев жамоа хўжалигида истиқомат қилиб 90 ёшдан ошиб вафот этган Қудрат бобо шундай ҳикоя қилади: Хомконга кўчиб келган 4 ака-уканинг кичиги Жабборқул жатоқ бўлган [3]. Унинг “жатоқ” лақабини олишига сабаб, у чордона куриб ўтирмай ёнбошлаб олар экан.

Ака-укалардан фақат Жабборқул жатоқ уйланмаган эди. Унинг уйланишини кексалар куйидагича ҳикоя қилишади. Хомкон ва Киршакка келган ака-укалар, чорвачилик билан шуғулланишган ҳисобсиз яйловлар, сурув-сурув қўй-қўзилар, туя ва биялар етмагандай, баъзан йўлтўсарлик ҳам қилиб туришган. Кунларнинг бирида ака-укалар Ғузурдан Шерободга узатилиб келаётган келинни тортиб олишиб, ёнидагиларни ўлдириб юборишади, фақат келиннинг отини етаклаб келаётган 11 ёшли укаси омон қолади. Ака-укалар келинни бир-биридан талашишади. Шунда Олтинбошнинг хотини ақллилик қилиб, келинчакни кечаси уйланмаган қайниси Жабборқулнинг қўйнига киритиб қўяди ва эрталаб ўзи дод-вой солиб шовқин кўтаради. Воқеадан хабардор бўлган акалари жанжаллашишни тўхтатиб, ўтган ишга саловот деб, тинчиб қолишади. Жабборқул мана шу тариқа уйланади. Келинчак асли “кенагас” уруғидан бўлиб, укаси у-бу нарса тикиб, устачилик қилиб юрар эди. Шу сабаб, у “устабачча” деган ном олади. Йигит балоғатга етгандан кейин уни Хомкондан уйлантиришади. Хомконлик “устабачча” уруғи мана шу тариқа келиб чиқади[5].

Жабборқул кенагаслик келинчакдан Хўжакелди деган ўғил кўради. Хўжакелдининг эса иккита - Бегмат ва Шукур деган ўғиллари бўлади. Булар вояга етгандан кейин Шукурга Киршакнинг юқори қисмини жой қилиб беради. Бегматнинг соқоллари сийрак ва оз бўлганлиги сабабли уни Бегмат “кўса” дейишар эди.

Бегматнинг учта - Одил, Алимқул ва Иброҳим деган ўғиллари бўлади. Бегмат кўсанинг ўртанча ўғли Алимқул аразчи бўлган, у доим аразлаб тепаликнинг тўшига чиқиб ётганлиги учун уни “тўшбойи”, яъни “тўшда ўтирган бой” дейишган.

Шундай қилиб, Орқа юртдан кўчиб келган 4 ака-укалардан Хомконлик қорақалпоқларнинг 6 уруғи тарқалади, [4] булар:

1. “Норбека (Олтинбош)”
2. “Вой-вой (Қодирқул)”
3. “Обизбачча (Аннакул)”
4. “Кўса (Жабборқул)” (Кўсадан “Тўшбойи” ва “Саккиз” уруғлари)
5. “Устабачча”
6. “Олдой”, “Сарой”.

Энди, Хомконлик “Кўчаҳўр” уруғининг келиб чиқиши ҳақида икки оғиз сўз. Этнографик дала тадқиқотларининг маълумотлари бўйича Деновда Хомконлик қорақалпоқ уруғидан

бўлган бек ўтган. У Деновдан уйланади. Бек кейинчалик бедарак йўқолиб ундан Абдурахмон исмли ўғил қолади. У балоғат ёшига етгандан кейин онасидан отасининг ким эканини сўрайди. Онаси: “Ўғлим сенинг отангнинг уруғлари Хомкон деган жойда, Денов бозорига борсанг топасан”, дейди. “Уларни қандай топаман?” деган саволига, онаси, салласини катта қилиб бир томонга қийшайтириб ўраган боболардан сўрасанг айтади, дейди. Шундан сўнг бола бозорга бориб, ота уруғларини топади ва онасининг руҳсати билан Хомконга кетади. Болани олиб келган бой сўраганларга “мен болани кўчадан топиб олдим” деб қўярди [5].

Иккинчи бир ривоятда бойнинг келинлари боланинг исмини айтмай, (чунки олдинги пайтларда шундай урф бўлган) бола гўжа ошини севиб истеъмол қилганлиги учун “гўжаҳўр” деб лақаб қўйишади. Ана шу тариқа Абдурахмонбой “кўчаҳўр” номини олади. Бой вояга етган Абдурахмонни уйлантиради. Абдурахмон 4 ўғил кўради ва булардан “Оқмон”, “Қушбеги”, “Зармас” ва “Бековул” уруғлари вужудга келади [6].

Кўчаҳўр уруғи тўғрисида, халқ орасида яна шундай гап ҳам бор: “Бир замонларда, хонлик томонидан қўйиб кетилган ноибларга Деновда жузлар ғалаён кўтаради. Мана шу воқеани “жуз қайтган” йиллар, дейдилар. Хонлик жуз халқини бостириш учун лашкар юборади. Булар ичида қўнғирот беклари ҳам бўлади. Деновда халқни бостириб, “яна бу ҳолат такрорланса, тупроқ қўрғонингни элақдан ўтказаман, 7 ёшдан 70 ёшгача қатлиом қиламан” деб, қўнғирот бекларидан бирини ноиб қилиб қўяди. Йиллар ўтиб, бекнинг аёли вафот этади. Деновнинг Оқлўпон деган қишлоғидан бекка бир жувон олиб берадилар. У ўғил кўради. Ана шу ўғил Абдурахмонбой бўлади, дейдилар.

Хулоса ва таклифлар. Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Хомкон қишлоғи этнографиясини кенгроқ ёритиш мақсадида тарихий-этнографик адабиётлар, шажара маълумотлари, шахсий кузатув, шунингдек, қишлоқда яшовчи қариялар, тарих фанига қизиқувчи кишилар, қишлоқ раҳбарлари ҳамда кўриқхона ходимлари билан суҳбатлашган ҳолда тадқиқ этиш муҳим вазифа бўлиб, ҳар бир қабиланинг, уруғнинг, бўғиннинг ўзига хос ибрат бўладиган урф-одати, маданияти, турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб олиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бердикулов Қ. Қўнғиротлар. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти. 1999. – Б.10-15-20.
2. Дала ёзувлари. Қизирик тумани, Хомкон маҳалласи, 2021 йил.
3. Дала ёзувлари. Қизирик тумани. Охунбобоев ж/х. 1986 й.
4. Дала ёзувлари. Шерабод тумани. Хомкон қишлоғи. 2006 й.
5. Кичкилов Ҳ. Хомконлик қорақалпоқларнинг кўчиши. // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз. 2010. – Б. 39-43.
6. Кичкилов Ҳ. Хомконлик қорақалпоқларнинг кўчиши... – Б. 39-43. Дала ёзувлари, Қизирик тумани, Хомкон маҳалласи, 2020 й.
7. Умаров И. Ўрта Осиёда Туркий халқларнинг этногенезиси (Қўнғиротлар). 1-китоб. Қарши. “Насаф” нашриёти. - Б.33-34.
8. Турсунов С. Сурхондарё этнографияси (Ўқув қўлланма). Тошкент. “Тafakkur”, 2020. – Б. 25-27.
9. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1976. – Б. 390.

УЎК 94 (575.1) “1917-1924”:355.233(043.4)

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ

Э.Раджапов, PhD, ЎЗР Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тошкент

Аннотация. Мақолада Хоразм Халқ Совет Республикасида миллий қўшин ташкил этилиши ва бу борада ХХСР ҳукумати томонидан амалга оширилган ишлар, ХХСР миллий қўшининг ташкилий тузилмаси маҳаллий ва Россия Давлат Ҳарбий архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳарбий кенгаши, қуроли кучлар, Қизил армия, ҳарбий мактаб, Туркистон fronti, сафарбарлик, Жунаидхон, отлиқ эскадрон, отлиқ полк, Миришаропов, большевиклар, қизил аскар.

Аннотация. В статье анализируется организация национальной армии в Хорезмской Народной Советской Республике и действия, предпринятые правительством СССР в связи с

этим, организационно-штатная структура национальной армии СССР на основе документов местного и Российского государственного военного архива.

Ключевые слова: военный совет, вооруженные силы, Красная Армия, военное училище, Туркестанский фронт, мобилизация, Джунаидхан, кавалерийский эскадрон, кавалерийский полк, Миршаропов, большевики, красноармеец.

Abstract. The article analyzes the organization of the national army in the Khorezm People's Soviet Republic and the actions taken by the government of the USSR in this regard, the organizational structure of the national army of the USSR based on local and Russian State Military Archive documents.

Keywords: Military council, armed forces, Red Army, military school, Turkestan front, mobilization, Junaidkhan, cavalry squadron, cavalry regiment, Mirsharopov, Bolsheviks, red soldier.

Кириш. 1920 йил 27-30 апрелда Хивада халқ вакилларининг I Бутунхоразм курултойи бўлиб ўтиб, унда Хива хонлиги бекор этилган деб эълон қилинди ва Хоразм Халқ Совет республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Курултойда шунингдек, Хоразм Халқ Совет Республикасининг Муваққат Конституцияси ҳам қабул қилинди [1].

Ўрганилганлик даражаси. ХХСРнинг бу Муваққат Конституциясида бир қатор масалалар қатори ҳарбий соҳа ҳам курултой иштирокчиларининг эътиборидан четда қолмади. 37 моддадан иборат ХХСР Конституциясининг 13-моддаси “Хоразм жумҳуриятининг муҳофазаси” деб номланиб, бу моддада “Халқ кўлинда ҳокимиятни таъмин учун аксилҳаракатчи хон ва хонзодаларга ҳокимиятни бермаслик учун ҳамда Хоразм шўролар жумҳуриятини хориждан келган душманлардан ҳимоя қилмоқ учун лозим бўлгон миқдорда халқ яроғ чақираладур, яъни қизил аскар вужудга келтираладур.

Шунинг билан баробар инқилобга қарши кетувчилар, сайлов ва сайланувга ҳуқуқи бўлмаган одамлар тамомила қуролсизланадурлар. Ҳукумат намояндаларининг ва муассасаларининг ижозатиндан бошқа яроқ кўтариб юрмоқ ман қилинадур” [2], – дея таъкидланди.

Курултойда Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигидаги ХХСР Халқ Нозирлар Кенгаши сайланди. Нозирлик таркибида бир неча соҳа нозирликлари қатори ҳарбий масалаларни ҳал этиш учун Инқилобий Ҳарбий Кенгаши (РВС) ва ҳарбий ишлар нозирлиги ҳам бўлган. Инқилобий Ҳарбий Кенгаш (РВС) ҳарбий муассасалар, ташкилотлар ва бошқармаларни назорат қилиш, ХХСР қуролли кучларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда республика мудофаасига доир масалаларни ишлаб чиқиш учун ташкил этилган [3]. Шунингдек, барча қуролли кучлар, ҳарбий ташкилот ва бошқармалар, муассасалар ХХСР Инқилобий Ҳарбий Кенгашининг ихтиёрида бўлган.

Таҳлил ва натижалар. Инқилобий Ҳарбий Кенгаш ХХСР МИҚ ва Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий Кенгашига бўйсунган. Давлат аҳамиятига эга бўлган барча масалалар Инқилобий Ҳарбий Кенгаш ва Хоразм МИҚга кўриб чиқиш учун киритилган. Улар томонидан тасдиқлангач эса қонун кучига кирган [4].

ХХСР Инқилобий Ҳарбий Кенгаши ваколати доирасига қуйидаги вазифалар кирган:

1. Ҳарбий қисмларга амалий кўрсатмалар бериш;
2. Қонун лойиҳалари, йўриқномалар, қоидалар, низомлар, ҳарбий бошқармалар ҳамда ташкилотларнинг штатларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш;
3. Жойларда ҳарбий бошқармалар ташкил этиш ва ҳарбий мутахассисларни ҳарбий қисмлар бўйича тақсимлаш;
4. Умумий ҳарбий таълим лойиҳасини ишлаб чиқиш;
5. ХХСРдаги барча ҳарбий қисмлар, ҳарбий бошқармалар ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш;
6. ХХСР қизил армиясига ҳарбий сафарбарлик режаларини тасдиқлаш ҳамда республика қуролли кучларини ташкил этиш жараёнини назорат қилиш [5];

ХХСР МИҚнинг қарорига биноан 1921 йил 6 майдан Инқилобий Ҳарбий Кенгаш ҳарбий ишлар нозири (раис), ХХСР ҳарбий кўшини қўмондони (раис ўринбосари), ҳарбий комиссар,

сиёсий бошқарма бошлиғи, ХХСР қўшини таъминот бўлими бошлиғидан ташкил топган 5 кишилик доимий таркиби тасдиқланди. ХХСР Инқилобий Ҳарбий Кенгаши маъмурий, тезкор (оператив) ва сиёсий бўлимларни ўз ичига олган [6].

ХХСР ҳарбий ишлар нозирлигига эса ХХСР қизил армияси ҳамда таъминот ва ҳарбий сафарбарлик (мобилизация) бўлими бўйсунган.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Қизил армия қўмондонлиги 1920 йилда ҳар икки республика (БХСР ва ХХСР)нинг ҳарбий ишлар нозирлигига дастлабки вақтда татар миллатига мансуб ҳарбий кишилар тайинланган. ХХСРнинг дастлабки уч ҳарбий ишлар нозири татар миллатига мансуб кишилар бўлиб, биринчи ҳарбий ишлар нозири татар миллатига мансуб Ризо Шокиров [7] эди. Аммо Р.Шокиров бу лавозимда қисқа муддат (1920-1921) [8] фаолият юритди холос. Кейинроқ ХХСР ҳарбий ишлар нозири вазифасини Шайхутдин Ҳасанов (миллати татар, 1921 йил март – май), Ҳасан Муҳаммаджонов [9] (миллати татар, 1921 йил май – август), Миркомил Миршаропов (1921 йил август – ноябрь), ва Жабберган Қўчқоров (1921-1922) [10], Михаил Волошин (1922-1923), И.В.Годецкий (1923-1924), Николай Шайдаков (1924 йил январь – ноябрь)лар бажарди [11].

ХХСР ҳарбий ишлар нозирининг 2 нафар ёрдамчиси бўлиб, уларнинг бири ҳарбий қисмлар қўмондони ҳисобланса, иккинчиси маъмурий-хўжалик ишлари бошқармасининг бошлиғи ҳисобланган. ХХСР ҳарбий ишлар нозирининг бир ёрдамчиси венгер миллатига мансуб Иштван Варга бўлган. Ҳарбий нозир ёрдамчилари Инқилобий Ҳарбий Кенгаш (РВС) тарафидан тайинланган. Ҳарбий ишлар нозири вақти-вақти билан ХХСРдаги ҳарбий-сиёсий ҳолатни муҳокама этиш юзасидан ҳарбий қисмлар раҳбарларини чақириб мажлислар ўтказиб турган. ХХСР ҳарбий нозирлиги ўз фаолиятини I Бутунхоразм қурултойидан бир оз олдин 1920 йилнинг 10 апрелидан бошлаган [12].

ХХСРда Инқилобий Ҳарбий кенгаш ва ҳарбий ишлар нозирлиги асосий ҳарбий муассасалар ҳисобланиб, уларнинг тузилиши қуйидагича бўлган:

1 – ХХСР Инқилобий Ҳарбий кенгаши а) ҳарбий назоратчи (инспектор); б) тезкор штаб; в) махсус бўлим; г) ташкилий ахборот бўлими; д) хўжалик бўлими.

2 – ХХСР ҳарбий ишлар нозирлиги а) маъмурий сафарбарлик бўлими; б) сафарбарлик бўлими; в) хўжалик бўлими; г) артиллерия бўлими; д) топография бўлими; е) ветеринария бўлими; ж); қўшин жойлашуви ва таъминоти билан шуғулланувчи бўлим; з) Хива шаҳри комендатлик бошқармаси; и) туркман округи [13].

Хива янги ҳукуматининг дастлабки чора тадбирлари орасида ХХСР миллий қўшинини яратиш масаласи муҳим ўрин эгаллади. Бу масала илк бор 1920 йилнинг март ойида РСФСРнинг Хивадаги янги вакили Г.И.Бройдо иштирокида Хива инқилобий қўмитаси мажлисида муҳокама қилинди. Мажлисида бўлажак миллий қўшин миллатидан қатъий назар мамлакат меҳнатқашларини бирлаштириб, бу билан Хиванинг турли миллатлари ўртасидаги низоларга барҳам берилиши кераклиги тўғрисидаги фикр айтилган эди. 1920 йилнинг 12 апрелида Муваққат инқилобий ҳукумат бундан сал олдин тузилган Инқилобий Ҳарбий кенгашга мавжуд ҳарбийларнинг ўрнига янги жангчилар кадрини шакллантиришни буюрган эди” [14].

Республика миллий армиясини шакллантиришда Хоразм тараққийпарварларининг етакчиларидан бири Полвонниёз Ҳожи Юсуповнинг меҳнати катта бўлди. У Тошкентдан бир неча ҳарбий асирларни Хивага олиб келиб, ҳарбий мактаб ташкил этди. Ҳарбий мактабнинг раҳбарлари бошқирд миллатига мансуб Ускудрли Ридвонбек (у бир муддат ХХСР ҳарбий ишлар нозири ёрдамчиси бўлган) ва Ҳасанбек эдилар. Бу ҳарбий мактабда 100 нафарга яқин ўзбеклар ўқиган. Аммо кейинчалик турк офицерлари РСФСРнинг Москвадаги вакили Сафонов томонидан четлаштирилиб, ҳарбий мактаб ёпиб ташланди [15].

П.Юсупов шунингдек, ХХСР армиясини ўз даврининг замонавий қуроя-яроғ ҳамда малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Бройдо орқали РСФСР ҳарбий комиссариатидан ХХСР қуrolли кучлари учун 20 минг дона милтик, уч миллион патрон, 10 дона тезотар тўп, 3 минг дона бомба, 3 минг дона зобитлар қиличи, 20 та пулемёт, 50 нафар мусулмон офицер ва тўпчиларни сўраб мурожаат этади [16].

Шу даврга оид Туркистон fronti штаби хабарларидан бирида “Ҳозирги пайтда Хоразм Муваққат инқилобий кўмитаси ўз армиясини тузиш билан машғул. Кўмита ихтиёрида Жунаидхонга қарши курашда қатнашган умумий сони 8 мингга тенг ёвмутлар ҳарбий отликлари бор. Фақат ўзбеклардан иборат иккита пиёда ва битта отлик полкини шакллантиришга киришилди” [17], – деган маълумот келтирилган.

Қизил армия кўмагида инқилобни амалга ошириб, хонни тахтдан ағдариб ҳокимиятни эгаллаган ёш хиваликлар билан маҳаллий аҳоли ўртасида жиддий муаммо юзага келди. Бу муаммога қизил армиянинг маҳаллий аҳоли вакилларига нисбатан тийиқсиз ёмон хулқ-атворлари ва ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлди. Муаммо ХХСР ҳукумати томонидан қизил армиячилар ва уларнинг оила аъзоларига ер бериш йўли билан ҳал этилган. ХХСР Муваққат инқилобий Кўмитасининг мажлисларидан бирида ер ишлари бўйича нозирликка қизил армия аскарлари учун биринчи навбатда ер ажратиш вазифаси юкланган. Бундан ташқари қизил армия аскарларининг оила аъзолари учун эса фақат Хўжайли ҳудудидан деҳқончилик билан шуғулланишлари учун 10 та арава, барча зарур асбоб-ускуналари билан 5 жуфт хўкиз, 5 та туя ҳамда керакли миқдорда уруғ билан таъминлаш масаласи ҳам муҳокама этилган [18].

ХХСР Конституцияси мамлакатда янги халқ демократик тузилиши асосларини белгилаб, республикани ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишни барча фуқароларнинг муқаддас бурчи деб эълон қилди. Республика мудофааси тўғрисидаги бўлимда “Халқ ҳокимиятини таъминлаш, ХХСРни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун Қизил армияни шакллантириш учун керакли миқдорда халқ вакиллари чақирилади” [19], – деган банд кўрсатилган эди.

ХХСР миллий кўшинини ташкил этиш масаласи халқ вакилларининг II Бутунхоразм курултойида ҳам муҳокама этилди. ХХСР Муваққат инқилобий кўмитаси раисининг маърузасида ХХСРдаги сиёсий вазият, ХХСР миллий кўшининг ташкил этиш ва таълим бериш учун нималар зарурлиги каби масалалар муҳокама этилиб, ХХСР миллий кўшинини ташкил этиш зарурати сифатида “ҳар бир мустақил давлат ўз чегараларини турли ҳужумлардан ўзи ҳимоя қилиши зарур” [20], – деган сабаб кўрсатиб ўтилди. Курултой томонидан 2 та отлик полки ва 1 пиёда полкидан иборат 5000 кишилик ХХСР Қизил армиясини ташкил этишга қарор қилинди. Аммо ХХСР Қизил армиясини ташкил этишни аҳолини янгидан рўйхатга олмасдан туриб, шунингдек, ўзбек тилини биладиган махсус мутахассисларсиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳам курултой назаридан четда қолмади. Шу мақсадда округ ҳарбий комиссариатлари ташкил этишга, ҳарбий қисмлар ва бошқармалар тузишга, уларни ўзбек тили ва ҳарбий ишни биладиган малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминлашга, ўзбек тилидаги ҳарбий адабиётлар чоп этишга қарор қилинди [21].

ХХСР Қизил армиясини зарур ҳарбий адабиётлар, жиҳозлар ва мутахассислар билан таъминлаш масаласи Туркистон fronti томонидан амалга оширилган ҳамда республикага ҳарбий соҳада ёрдам кўрсатилган.

ХХСР МИҚ томонидан 1921 йил сентябрда республика (ХХСР)нинг барча эркак аҳолисини ҳарбий хизматга сафарбар этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди [22]. Аммо бу ҳарбий сафарбарлик кутилган натижани бермаган. ХХСР ҳарбий ишлар нозири Волошиннинг ХХСР курулли кучлари тўғрисида Туркистон фронтига йўллаган ҳисоботида “Хива хони ағдарилгандан сўнг, 1921 йилда Хивада кўнгиллилардан иборат ХХСР 1 - отлик эскадрони, пиёда батальон ташкил қилинди. Отлик эскадрон 3 эскадронли таркибдаги отлик полкка айлантилди, Хивада қоровуллик хизматини ўташ учун эса қоровул ротаси шакллантирилди. 1921 йилда ХХСР армиясига сафарбарлик эълон қилинди, аммо у халққа (оммага) нисбатан нотўғри муносабатда бўлинганлиги оқибатида кутилган натижани бермади [23]. 1922 йилда ХХСРда такрорий сафарбарлик ўтказилди ва бу галги чақирув муваффақиятли якунланди. 21 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар республика курулли кучлари сафига сафарбар этилди. ХХСР Қизил армия қисмларида кўнгиллилар сони 23 фоизни ташкил этган. Казарма шароитининг яхши эмаслиги дезертирликка сабаб бўлмоқда. Хоразм республикаси МИҚ Кўнғирот, Кўхна Урганч, Порсу, Хўжайли, Иляли ва Хивада ҳарбий казармалар куриш ҳақида қарор чиқарди. Республика армияси сафидаги аскарлар асосан уйда тайёрланган, сифатли бўлмаган кийимлар билан таъминланганлар. МИҚнинг Хоразм Қизил

армия қисмлари учун махсус ҳарбий формаларни Туркистон АССР ёки Бухоро республикаларида тайёрлатиш лойиҳаси ҳам бор. ХХСР армияси кичик кўмондонлик таркиби учун зарур ҳарбий кадрлар Туркистон frontiдаги мусулмонлардан юборилган бўлса, катта кўмондонлик таркиби учун эса асосан европаликлардан ташкил топган, фақатгина бир алоҳида батальон командири Фарғона вилоятидан ўзбек. Ҳарбий командалар рус тилида берилади, ўзбек тилида ҳеч қандай устав ёки ўқув қуроллари йўқ. Хоразм Коммунистик партияси 15 хоразмлик қизил аскар учун сиёсий мактаб ташкил этди. Ушбу мактабни тугатгач улар ҳарбий қисмларда сиёсий раҳбар бўлишади. ХХСР қизил армиясининг миллий таркиби ўзбек, қирғиз, туркман ва қорақалпоқлардан ташкил топган бўлиб, улар орасида миллий душманлик ва шунга ўхшаш воқеалар умуман йўқ” [24], – дея ахборотни келтиради.

ХХСР ҳукумати ўз миллий қўшинини ташкил этишда РСФСРнинг кўмагига таянди. Ўз навбатида РСФСР ва Турккомиссия ҳам Хоразмда ўз манфаатлари, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ХХСР ҳукуматидан ўз ёрдамни аямади. 1920 йил ёзида Турккомиссия ХХСР вакилларининг ёрдам борасидаги илтимосларини тинглаб, Хоразм Қизил армияси эҳтиёжи учун 12 та қурол-аслаҳа, 1200 та винтовка, 200 минг патрон, 2 та аэроплан, 300 та шашка ажратиш, шунингдек маҳаллий тилни биладиган 20 нафар ҳарбий инструктор, 10 нафар педагогни жўнатиш, ХХСР армияси учун ҳарбий инструктор тайёрлаш мақсадида Тошкент ҳарбий мактабига 100 нафар хоразмлик курсантларни юборишга қарор қилди [25].

Москвада 1920 йилнинг 13 сентябрида РСФСР ва ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартномаси, шунингдек, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битимлар имзоланди. Ушбу шартноманинг 17-моддаси 3-бандида РСФСР ва ХХСР ўз мустақиллигини сақламоқ учун бир-бирларига аскар билан ёрдам қилиши белгилаб қўйилди [26]. Бу битимлар, бир томондан, Хоразмда давлат тўнтариш натижасида ўрнатилган янги тузумни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, ХХСРнинг РСФСРга бутунлай қарамлигини қонунийлаштирди. Шартноманинг 18-моддасига қўшимча равишда тузилган битимга кўра, РСФСР ва ХХСР душман давлатларга қарши бир-бирига ҳарбий ёрдам бериш мажбуриятини олган бўлсалар, ХХСР қизил қўшинини ташкил этиш ва унга зарур бўлган қурол-яроғ етказиб бериш, республика армияси учун керак бўлган ҳарбий ўқитувчи мутахассисларни юбориш, қўшин учун керак бўлган қурол-яроғ, мутахассислар тайёрлаш учун махсус ташкилот тузишни РСФСР ўз зиммасига олди. Битимнинг 6-бандига кўра, РСФСР ва ХХСР биргаликда бирор давлатга қарши урушадиган бўлса, иттифоқчилар қўшинига ягона умумий кўмондонлик қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланди [27].

РСФСР қўшини Хива гуруҳи сиёсий бўлими маҳаллий қизил армиячилар орасида саводсизликни бартараф этиш ва умумтаълим даражасини оширишда бир қатор амалий ёрдам кўрсатди. 1920 йил ёзида бўлим томонидан ХХСР ҳарбий қисмларида 7 та ликбез (саводсизликни тугатиш тўғарақлари) ва маҳаллий миллат вакиллари тилида 9 та умумтаълим мактабларини ташкил этди. Бу мактабларда юзлаб қизил армиячилар таълим олишди.

РСФСР ҳамда Туркфронт томонидан Хоразмда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий соҳада берилган ёрдам, маҳаллий аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини берди. 1920 йилнинг кузига келиб, ХХСР Қизил армияси жангчиларининг умумий сони 4 мингдан ошган эди [28].

ХХСР Қизил армияси ҳамда ўзбек ҳарбий кадрларининг энг кўзга кўринган вакилларида бири Миркомил Миршароповнинг Хоразмдаги фаолияти айнан шу давр билан боғлиқ. М.Миршаропов ХХСР ҳарбий ишлар нозири ва инқилобий кенгаш раиси лавозимида фаолият юритган даврда (1921 йил 15 август – 27 ноябрь) ҳарбий соҳада муайян ишларни амалга оширди. М.Миршаропов томонидан ХХСРда отлик эскадрон ташкил этилди, кейинчалик бу эскадрон отлик бригадасига айлантирилди [29].

М.Миршаропов нозир бўлмасдан олдин Хоразм Республикаси отлик аскарлар полкининг командири вазифасида ишлади. У 1921 йил 21 апрелда РСФСР ХКС раиси В.И.Ленинга ёзган хатида ХХСРдаги қизил аскарларнинг маҳаллий халққа нисбатан жиноятларини очиб ташлаб, Россиянинг ХХСРдаги консули Сафонов ва унинг вакиллари республиканинг ҳарбий ишлар

нозири Ризо Шокиров билан тил бириктириб, тинч аҳолини қирғин қилиши натижасида Хоразм халқини “босмачилар”га айлантирганликларини ёзади. М.Миршароповнинг айтишича, Сафонов ва унинг шериклари қонунга қарши, суд ва терговсиз, адолатсиз равишда тўсатдан ХХСР нозирлари Қўшмамедхон ва Шомурод Бахшини ўлдиришган эди [30].

М.Миршаропов ҳарбий ишлар нозири бўлгач, Хоразмда миллий қўшин ташкил қилиш билан бир қаторда Хоразмнинг моддий ва маданий меросини совет ҳокимияти томонидан талон-тарож этилишига қарши чиқди. 1921 йил 15 октябрда у Хоразм худудидан халқнинг маданий меросига тааллуқли бойликларни олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш тўғрисидаги 63-сонли буйруқни чиқарди. Буйруқда урушда қўлга киритилган ўлжалар айрим кишиларнинг мулки бўлмаслиги, Хоразмдан четга чиқиб кетмаслиги, Туркистон fronti 2-ўқчи бригадаси штаби ҳамда унинг таъминот шўъбаси томонидан 1920 йил ва 1921 йилнинг бошларида олиб кетилган нарсаларни ўз ўрнига қайтариши белгиланди [31]. Шунингдек, М.Миршаропов ХХСР ҳукуматидан Хоразм халқининг ҳарбий ҳаётини кўрсатадиган қурол-яроқлар ва Хоразмнинг сипоҳгарчилик даврини кўрсатадиган олмос, олтин, кумуш каби қимматли асори-атиқаларни эҳтиёт қилишни сўради [32].

М.Миршаропов Жунаидхон билан сулҳ тузиб, 1921 йил 15 ноябрда “Бирлик” шартномасини имзолаган комиссия таркибида бўлганлиги учун коммунистлар тарафидан бошқа нозирлар қаторида “сотқинлик”да айбланиб, лавозимидан олиб ташланди ва Хоразмдан чиқариб юборилди [33]. М.Миршаропов ва ХХСР нозирларининг бундай ҳаракатлари РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили И.М.Бикка ёқмаган. Хуллас, И.Бикнинг талаби билан М.Миршароповдан ташқари ХХСР МИК раиси Ота Махзумохун Муҳаммадраҳимов, ХХСР Нозирлар Кенгаши раиси Менглихўжа Ибниязминов ва бошқа нозирлар 1921 йил 27 ноябрда Хоразм халқининг душмани деб эълон қилинган ҳамда улар ўз масъул лавозимларидан олиниб, қамоққа ташланган. Кейинчалик фақат айрим нозирларгина қамоқдан омон чиққан [34].

Орадан кўп ўтмай Хоразм Компартиясининг I съездида (1921 йил 4-11 декабрда) республика қуролли кучлари тўғрисидаги масала қайта муҳокама қилиниб, уни битта отлик полк ва ўқчи батальон билан чеклаш мумкин, деб ҳисоблашган. Бу амалда ўзининг миллий армиясига эга бўлишдан бош тортиш эди. Қуролли кучларни шу даражадаги кам сонли кўшин билан чеклаб қўйиш аслида давлат мустақиллигининг мана шу муҳим рамзи тугатилганлигини билдирар эди [35].

М.Миршаропов кейинроқ М.В.Фрунзе кўрсатмаси билан Жунаидхонга қарши кавалерия эскадронини тузди, эскадрон кейинчалик кавалерия бригадасига айлантирилди. Миркомил Миршаропов Хоразм аҳолисининг ишончини ва муҳаббатини қозона олди. М.Миршаропов бригадаси билан бўлган жангларда Жунаидхоннинг бир неча юзлаб кўрбоши гуруҳлари бартараф этилди.

1920 йил 17 ноябрда Ҳамза Мусаев бошчилигида ХХСР Қизил армияси ичида сиёсий бошқарма (ПУРХИВ) ташкил қилинди. Бу бошқарма ХХСР қизил аскарларининг сиёсий саводхонлиги бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширди [36].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент, Шарк. 2000. – С.306.
2. Хоразм Шўролар Жумҳуриятининг Қонуни асоси. Хива. 1920. – Б.9.
3. ЎзР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 11-варақ
4. ЎзР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 11-варақ
5. ЎзР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 111-варақ.
6. ЎзР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 111-варақ.
7. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч. 1993. – Б.15.
8. *Ризо Шокиров* – 1920 йил 30 апрелдан ХХСР ҳарбий ишлар нозири, июль ойидан РСФСРнинг ХХСРдаги мухтор вакили бўлган. Аммо Р.Шокиров ҳарбий нозирлиги даврида қатор жиддий хатоликларга йўл қўйганлиги сабабли, Турккомиссия тарафидан чақириб олиниб, иши судга берилди. *Бу ҳақида батафсил қаранг:* Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч. 1993. – Б.22-23.
9. Ҳасан Муҳаммаджонов ҳарбий вазир сифатида 1921 йилда ҳибсга олинган Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936)нинг озод этилишига қаттиқ қаршилик кўрсатган. *Бу ҳақида батафсил:* Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хивалиқлар тарихи (хотиралар). – Урганч, Хоразм. 1999. – Б.364.

10. Полвонниёз Ҳожи Юсупов хотиралари (арабчадан Болта Давлетов, Бахтиёр Отажонов таъдил қилган)да *Жабборберган ёки Собирберган Қўчқоров* тарзида ҳам келирилган.
11. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент, Ўзбекистон. 2015. – Б. 161., Ражабов Қ. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий қўшиннинг аҳволи // Тарих тафаккури. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами (III китоб). – Бухоро. 2011. – Б.17.; Скоркин К. Красная Армия Туркестана. 1917-1924 // <http://www.centrasia.ru/cnt2.php?>
12. ЎЗР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 214-варақ.
13. ЎЗР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 160-варақнинг олди ва орқаси.
14. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.2. – С.502-503.
15. Закий Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ юлдузи.1993 йил. 7-8-сон. – Б. 172.
16. Юсупов Полвонниёз Ҳожи хотиралари (арабчадан Болта Давлетов, Бахтиёр Отажонов таъдил қилган). Нашрга тайёрловчи Умид Бекмуҳаммад // <http://kh-davron.uz/kutubxona/tarix/polvonniyozhoji-yusupov-yosh-xivaliklar-harakati-quvonchlar-iztiroblar-fojialar>
17. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.2., – С.503-505.
18. ЎЗР МДА, Р-71-фонд, 1-рўйхат, 164-иш, 53-варақ.
19. Худойбердиев О. Боевая дружба, рожденная октябрем. – Москва, Наука. 1984. – С.66.
20. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2013. – С.268.
21. Доклад Военного назирата ХНСР инспектору пехоты Туркфронта об очередных задачах военного управления в ХНСР. 14 июля 1921 // История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924). – С.110-112.
22. Доклад Военного назирата ХНСР инспектору пехоты Туркфронта об очередных задачах военного управления в ХНСР. 14 июля 1921 // История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924). – С.110-112.
23. РГВА, 110-фонд, 1-рўйхат, 231-иш. 66-варақ.
24. РГВА, 110-фонд, 1-рўйхат, 231-иш. 66 а -варақ.
25. Мухаммадбердыев К. Коммунистическая партия в борьбе за победу народной советской революции в Хорезме. Ашхабад. 1959. – С. 175-176.
26. Полвонниёз Ҳожи Юсупов хотиралари (арабчадан Болта Давлетов, Бахтиёр Отажонов таъдил қилган). Нашрга тайёрловчи Умид Бекмуҳаммад // <http://kh-davron.uz/kutubxona/tarix/polvonniyozhoji-yusupov-yosh-xivaliklar-harakati-quvonchlar-iztiroblar-fojialar>
27. Полвонниёз Ҳожи Юсупов хотиралари (арабчадан Болта Давлетов, Бахтиёр Отажонов таъдил қилган). Нашрга тайёрловчи Умид Бекмуҳаммад // <http://kh-davron.uz/kutubxona/tarix/polvonniyozhoji-yusupov-yosh-xivaliklar-harakati-quvonchlar-iztiroblar-fojialar>
28. 50 лет Хорезмской Народной Республики. – Ташкент, 1972. – С. 142.
29. РГВА (Россия Давлат Ҳарбий архиви), 40814-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 88-варақ.
30. Кошанов Б.А., Сейтназаров М.С. Революция? Вторжения? События в Хивинском ханстве (1919-1920 гг.). – Нукус, Билим. 1997. – С.32., Ражабов Қ. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий қўшиннинг аҳволи // Тарих тафаккури. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами (III китоб). – Бухоро. 2011. – Б.16.
31. Маткаримов М. Хоразм Республикиси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч. 1993. – Б.37.
32. ЎЗР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 50-варақ.
33. Маткаримов М. Хоразм Республикиси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч. 1993. – Б.41.
34. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. – Ташкент, Шарқ. 2000. – С.619.
35. Ражабов Қ. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий қўшиннинг аҳволи // Тарих тафаккури. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами (III китоб). – Бухоро. 2011. – Б.18.
36. Маткаримов М. Хоразм Республикиси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч. 1993. – Б.23.

УЎК 93/94

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРИШИДАН Кейинги йиллар Ўзбекистонда саноат корхоналарининг қурилиши

Г.С.Рахимова, PhD, Қўқон давлат педагогика институти, Қўқон

Аннотация. Мақолада Иккинчи жаҳон уриши йиллари Ўзбекистонга саноат корхоналарининг кўчириб келтирилиши, кимё, қурилиш, нефть, газ саноат турлари кенгайиши натижасида қишлоқ хўжалиги саноати мажмуаси шакллантирилиши, табиий

ыазилмаларининг қазиб олинши натижасида атроф-муҳитнинг иқлим ўзгаришларига олиб келиш сабаблари тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

Калим сўзлар: саноат, корхона, нефть, металлга ишлов бериш, кўмир, газ, қурилиш, атроф-муҳит, саломатлик, иқлим ўзгариши.

Аннотация. В статье рассмотрены причины изменения климата в окружающей среде в результате годы Второй мировой войны, передислокация промышленных предприятий в Узбекистан, расширение химической, строительной, нефтяной, газовой промышленности, формирование агропромышленного комплекса. сложные, а добыча природных ресурсов объясняется на основе исторических источников.

Ключевые слова: промышленность, предприятие, нефть, металлообработка, уголь, газ, строительство, окружающая среда, здоровье, изменение климата.

Abstract. The article discusses the causes of climate change in the environment as a result of the years of the Second World War, the relocation of industrial enterprises to Uzbekistan, the expansion of the chemical, construction, oil, gas industries, the formation of the agro-industrial complex. complex, and the extraction of natural resources is explained on the basis of historical sources.

Key words: industry, enterprise, oil, metalworking, coal, gas, construction, environment, health, climate change.

Кириш. Бугунги кунда эътибор талаб этиб келинаётган муаммолардан бири экологик муаммолардир. Экологик муаммоларни юзага нима сабаблар бўлганлиги ва қачон бу муаммолар авж олганлигини ўрганиш барча соҳа вакилларининг вазифасидир. Тарихчилар олдига ҳам даврлар мобайнида юзага келган экологик муаммоларнинг сабабларидан бири бўлган саноатлаштириш тизимини ўрганиш долзарб масаладир.

1940 йиллардан Ўзбекистонда пахта тозалаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё каби кўплаб тармоқларни ривожлантирувчи саноат корхоналари фаолият кўрсатиб келди. Иккинчи жаҳон уриши йилларида фронт учун ишлаган саноат корхоналари билан бир қаторда машина, механизм, ускуналар ва истеъмол буюмлари ҳам ишлаб чиқарилди. 1940 йилларда кимё-7,6 фоиз, электроэнергия-24,3 фоиз, текстиль-28,3 фоиз, қурилиш моллари-31 фоиз, пахта тозалаш-10 фоиз, озиқ-овқат-14 фоиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди[1].1943 йилда ҳам кимё, металлга ишлов бериш, ёқилғи, электр энергияси, машинасозлик, қурулиш моллари, текстиль, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноат корхоналари ишлади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда саноат корхоналарининг қурилиши, ишлаб чиқариши, жойлашувдаги фарқлар ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд[2]. Саноат мажмуалари учун лойиҳаларга асосланмаган беш йиллик режаларни бажариш буйруқлари берилди, мажбуриятлар қўйилди. АҚШ иқтисодчиси Я Мюррей “иккинчи беш йиллик даврдаги Ўзбекистон тарақиёти пахтачилик саноатини ривожлантиришга мўлжалланган”- деб таъкидлади[3]. Дарҳақиқат, саноатлаштириш натижасида кўплаб қишлоқ хўжалигидаги минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саноат корхоналарини қувватлантириш борасида, электр станциялар, оғир саноат корхоналари барпо этилган.

Ш. Асқаровнинг таъкидлашича, “оғир кимё саноат корхонаси (Чоржўй, Олмалик, Чирчиқ, Жиззах, Тошкент, Навоий, Самарқанд) худудларида жойланган бўлиб, Бутун Иттифоқ бўйича 30 дан ортиқ оғир кимё саноати фаолият юритган бўлса, шундан 22 та оғир саноат мажмуалари Ўзбекистонда жойлашди[4]”-деб таҳлил қилади.

Ўзбекистон халқ хўжалиги пахтачилик билан боғланган ҳолда ривожланди. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва тайёрлов таъминот савдо тармоқлари билан уйғунлашув натижасида қишлоқ хўжалиги саноати мажмуаси шакллантирилди. Бу мажмуага қишлоқ хўжалигининг ўзидан ташқари ишлаб чиқарадиган соҳалар, иккинчи томондан қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш саноат соҳалари киритилди.Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида оғир саноат тармоқлари фаолияти ҳам давом эттирилди. Бинобарин, пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришни юқори даражада

кенгайтириш ҳам вазифаси асосий масала бўлиб қолди[5]. Умуман, 1946 йилга келиб халқ хўжалиги соҳасига хизмат қилувчи корхоналар кенгайиб бора бошлади.

Уришдан кейинги йилларда халқ хўжалигининг қурилишининг ўзига хос хусусияти узок муддатли режалаштиришни беш йиллик режа билан бирга қўшиб олиб бориш боришдан иборат бўлди. У халқ хўжалигининг 15 йилга мўлжалланган асосий йўналиши, масалан, саноат ишлаб чиқаришни уч бараварга оширишни, озиқ – овқат ва хом ашё ресурсларининг мўлқўллигини таъминлашни назарада тутган эди. Бу ноилмий лойиҳада яна илгаригидек Ўзбекистонга СССР пахта мустақиллигининг гаранти сифатида асосий ўрни ажратилди[6].

Аввало, республика халқ хўжалигининг пахтачилик билан боғланган бошқа тармоқлари пахтачилик манфаатларига боғлиқ қилиб қўйилди ва у “пахта учун кураш”нинг таркибий қисмига айланди. Бундай шароитда пахтачилик ва ирригация қурилиши учун машиналар, шу жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялқалари, кўрак териш машиналари, эксковаторлар, бульдозерлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводларини қайта қуриш ва янги заводларни яратиш юзасидан катта ишларни авж олдириб юбориш кўзда тутилди.

Собиқ Иттифоқнинг саноатлаштириш сиёсатидаги асосий қурилишлар республиканинг марказий шаҳарларига жойлаштиришдан бошланди. Биргина Тошкент шаҳрида кўплаб саноат корхоналари қишлоқ хўжалиги пахта хом-ашёсини тайёрлаб берувчи саноат корхоналари мажмуаларига айлантирилди. Бошқа вилоятларда ҳам кўплаб саноат корхоналари пахта етиштиришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятини ўзида 1946-1950 йиллари саноат корхоналари 300 турдаги халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарди. Қолган вилоятларда ҳам халқ хўжалиги маҳсулотларини ўсиш даражаси юқори даражага етади. Тошкент вилоятида 465 фоиздан 810 фоизга, Фарғона вилоятида 159 фоиздан 227 фоизга, Бухоро вилоятида 177 фоиздан 209 фоизга, Сурхондарё вилоятида 154 фоиздан 309 фоизга, Хоразм вилоятида 158 фоиздан 204 фоизга, Қорақалпоғистон АССРда 176 фоиздан 243 фоизга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган[7]. Бироқ, саноат корхоналари аҳоли зич жойлашган шаҳарларда қурилди.

Уришдан кейинги йилларда Ўзбекистонда 150 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилган бўлса, улар орасида Бекобод металлургия, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари ва бошқа корхоналар бор эди. Янги нефтни қайта ишлаш корхоналари қурилди. Олмалик мис эритиш комбинатининг қурилиши бошлаб юборилди. Ўзбекистонда қурилишнинг муҳим объектлари – Фарход, Оққовоқ, 2 – Бўзсув гидроэлектр станциялари ва хоказолар бўлди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, металлга ишлов бериш ва кимё саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилди[8].

1960 йилларга келиб қурилишнинг муҳим объектлари қаторига газ, нефть, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва кимё саноат корхоналари кирди. Биргина Тошкент шаҳрида жойлашган саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми 1953 йилга нисбатан 10 бараварга ортди. Газ қазиб олиш 1950-1960 йиллардан Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ривожланди. Ўзбекистонда газ қазиб олиш 1940 йилда 0.5 млн.метр кубга тенг бўлган бўлса, 1965 йили 16474 млн.метр кубга тенг бўлди.[9] Газ саноати 15 йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми юз баравардан ортиқ бўлди. Бу эса, Ўзбекистонни табиий газни четга чиқариш имкониятларини яратилишига олиб келди. Ўзбекистон Урал магистрал қувурлари орқали собиқ Иттифоқ, Европа давлатларини табиий газ билан таъминлаб келди. 1950-1960 йиллар Ўзбекистонда қазиб олинган ёқилғи ва ёнилғининг саноат захиралари Ангрэн, Шарғун ва Бойсун конларида жойлашган бўлиб, қазиб олинаётган кўмирнинг деярли 96.5 фоизи кўнғир кўмир ва қолгани тошкўмирдан иборат бўлди.

Республикадаги саноат корхоналарида минерал ўғит ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Ўзбекистонда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш (минг тонна ҳисобида) 1940 йил-1,6, 1950 йил-521,9, 1955 йил-634, 1960 йил- 1120, 1963 йил-1419 минг тонна кимё саноат корхоналар томонидан ишлаб чиқарилди[10]. Бу эса ўз навбатида пахта ҳосилига катта ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқхосилдорлигини оширсада, кейинчалик экологияга, тупроқ таркибига битмас – туганмас зара келтира бошлади.

Мамлакатни кимёвий маҳсулотлар ва кимё минерал ўғитлар билан Чирчиқ электро механика комбинати, Фарғона, Навоий, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари таъминлади. Биргина Қўқон суперфосфат заводиди аммоний суперфосфат, сульфат кислотасига мослаштирилган цехлар қурилиб, ишлаб чиқариш кенгайтирилди. 1963 йилда Фарғона шаҳрида кимёвий азот ўғитлари ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилиб, Ўзбекистонни аммиак, селитра, дефолиантлар, сульфат кислотаси ва турли кимёвий ўғит билан таъминлаб келган.[11]

Кимё саноатида – Чирчиқэлектр-кимё комбинати, Тошкент лак бўёқ заводи, Қўқон суперфосфат заводи, Самарқанд суперфосфат заводи, Андижон вилоятидаги Ленинск кислород заводи, Тошкент кимё-фармацевтика заводи, Фарғона гидролиз заводи, Андижон гидролиз заводи, Янги йўл гидролиз заводи, Резина азбест саноатига – Тошкент викелний заводи, шунингдек, қурилиши бошланган Фарғона азотли ўғитлар заводи, 1957 йилдан таъмирлашда бўлган Қувасой кимё комбинати, лойиҳалаштириш ишлари тугалланган Фарғона ацетат заводлари ҳам киритилди[12]. 1950 йилда қурилган саноат корхоналарига нисбатан 1970 йилда қурилиб ишга туширилган саноат корхоналарининг ўсиб боришидаги фарқ енгил саноатда- 3.2 баробар, оғир саноатда – 19.9 баробарга ошди[13].

XX асрнинг 1970 йиллар бошларида партиянинг сиёсий ҳукмронлигини, унинг бошланғич ташкилотларининг барча жамоат ва хўжалик ташкилотларининг фаолияти устидан каттиқ назорат ўрнатиш ва таъсирини янада кучайтириш мақсадида маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошланғич партия ташкилотларининг доираси кенгайтирилди[14]. Лекин бу назоратлар куруқ расмиятчиликдан иборат бўлди. Ўлканинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қалбаки ҳисоботлар топширилди. Саноат корхоналарининг белгиланган беш йиллик режалари амалда нуқсонларга ва инқирозларга юз тутиб борди. Ҳисоботларда корхоналарнинг техник ҳолатлари мукамал этиб таъкидланди.

Хулоса. Афсуски, қабул қилинган қарорлар саноат корхоналарида эскирган чиқиндини тозалаш қурилмаларни таъмирлашга хизмат қилмади. Саноат корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш тизимлари техник ускуналари катта маблағ сарфланишини талаб қилди. Техник ускуналар учун ажратилган маблағлар эса, кўпроқ буюртмачига маҳсулотни ўз вақтида етказиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришда дастгоҳларни янгилашга сарфланди. Илмий-техник кашфиётлар саноат корхоналари ривожини учун тавсия этилмади, аксинча, белгиланган стандартлардан орқада қолган техникалар билан ишлаб келинаверди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Советский Узбекистан за 40 лет. Стат., сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 54.
2. Аскарлов Ш. М. Из опыта решения социально-экономических проблем на предприятиях химической промышленности в 80-е годы. Историко-партийный аспект проблемы (на материалах республик Средней Азии). Автореф. ...дисс.кандистор.наук. –Москва. 1991. –С. 18.; Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, перспективы (1971-90 гг) Автореф. ...дисс.докт.истор.наук. –Ташкент: 1993. 52.с.; Обломуратов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки и проблемы. Автореф. ...дисс.докт.истор.наук. –Ташкент: 1994. 53. с.; Халиев Г. Социально-экономические проблемы развития рабочих хлопколюбьяной промышленности Узбекистана (70-е первая половина 80-х гг.). Автореф., докт.истор. наук. –Ташкент: 1995.
3. Искандаров И. Ўзбекистон саноат структурасидаги прогрессив силжишлар. –Тошкент: Фан. 1974. –Б. 27.
4. Аскарлов Ш.М. Из опыта решения социально-экономических проблем на предприятиях химической промышленности в 80-е годы. Историко-партийный аспект проблемы (на материалах республик Средней Азии). Автореф. ...дисс.кандистор.наук. –Москва: 1991. –С. 20.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент. Шарқ, 2000. -502 бет.
6. Советский Узбекистан за 40 лет. Стат., сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 46.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент. Шарқ, 2000. -502 бет.
8. Ўзбекская ССР. –Ташкент: 1981. –С. 178.
9. Ўзбекская ССР. –Ташкент: 1981. –С. 183.
10. Советский Узбекистан за 40 лет. Стат., сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 60.
11. Ўз МА. Р-2433-фонд, 3-рўйхат, 997-йиғма жилд, 5-варақ.
12. ЎзМА, Р-2598-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғмажилд, 2-3-варақлар.

13. Нишанов Н. Эффективность развития легкой промышленности в Узбекистане. –Тошкент: Узбекистан, 1973. –С. 14.

14. Абдуллаев Р, Рахимов М, Ражабов Қ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). II китоб. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б. 111.

УЎК 902

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР РИВОЖИ

А.Ю.Рахматуллаев, тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика университети, Жиззах

Аннотация. Мазкур мақолада Туркистон ўлкасида археологик тадқиқотлар ва археология фани ривожининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда дастлабки археология тадқиқотларининг ўлка қадим тарихини ўрганишидаги аҳамияти ёритилади.

Калим сўзлар: Туркистон, археология, ҳаваскор археологлар тўғараги, экспедиция, коллекция, ижтимоий ҳаёт, тарих, манба.

Аннотация. В данной статье описаны специфические аспекты археологических исследований и развития науки археологии в Туркестане, а также значение предварительных археологических исследований в изучении древней истории страны.

Ключевые слова: Туркестан, археология, кружок археологов-любителей, экспедиция, коллекция, общественная жизнь, история, источник.

Abstract. This article describes the specific aspects of archaeological research and the development of the science of archeology in Turkestan, as well as the importance of preliminary archeological research in the study of the ancient history of the country.

Keywords: Turkestan, archeology, circle of amateur archaeologists, expedition, collection, social life, history, source.

Жаҳон тарихшунослигида археологиянинг фан сифатида шаклланиши ҳамда унинг инсоният цивилизацияси ўчоқларини ўрганишидаги аҳамияти доимо диққат эътиборда бўлиб келган. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда турли мамлакатларда археологик тадқиқотларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Зеро, инсоният цивилизациянинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этувчи ва илмий жиҳатдан тасдиқлаб берувчи археология ижтимоий-гуманитар фан соҳасининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ўрганилаётган даврда Туркистонда илм-фан ривожланиши тўхтаб қолган эмас. Шунинг учун ҳам бу даврда яратилган кўпгина илмий асарлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. 1867 йилда метеорология станцияси ташкил этилиши билан ўлканинг иқлими, табиий шарт-шароитлари ўрганила бошланган бўлса, 1871 йилда Ўрта Осиё олимлар жамияти тузилиши ўлканинг илмий жиҳатдан ўрганилишини кенг миқёсда олиб борилишига йўл очди. Шу жумладан, ўлканинг бой тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳудудни археологик тадқиқотлар асосида ўрганилишини бошлаб беради. Археологлар дастлаб «география жамияти» таркибида иш бошлаган бўлсалар, 1895 йилда Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги ташкил этилиши[1] билан мустақил фаолият олиб бора бошладилар. Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги томонидан олиб борилган тадқиқотлар илк илмий аҳамиятга эга бўлиб археология фанининг ривожланишида муносиб ҳисса сифатида қўшилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор қўшинлари томонидан босиб олинган, бу ерга рус олимлари келиб, кўплаб тадқиқот ишларини олиб бордилар. Авваламбор, бу иш чор ҳукумати фойдасига бўлсада, аммо, бажарилган илмий ишларнинг аҳамияти ҳам айтарли эди. Шундай мураккаб ва оғир шароитда ҳам тарихчилар, шарқшунослар, археологлар ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён этишга ҳаракат қилганлар ва асарлар яратганлар. Аммо, мустахлак сиёсатмандлари халқ оммасининг миллий онгини ўстиришга ёрдамлашишни асло маъқул кўрмасда, фан учун хизмат қилувчилар ҳам бор эди. Уларнинг фаолиятлари ҳам мавжуд шароитга нисбатан қийин кечган, албатта. Сабаби, чор ҳукумати амалдорлари омма ўртасида тарихий билимларни тарғибот қилиш, улар диққатини қадимги замон ёдгорликларини ўрганишга тортиш каби ишлардан чўчир эдилар. Бинобарин, Ўрта Осиёнинг

янги-янги хуудларида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши, уларнинг умумроссия иқтисодий тараққиёт йўлига қўшиб юборилиши туфайли турмушнинг ўзи илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақоза қиларди. Ўрганилган манба ва адабиётларни таҳлил қилган ҳолда Ўрта Осиёнинг XX асрнинг бошларига қадар археологик жиҳатдан ўрганилишини шартли уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич — Ўрта Осиёнинг Россияга босиб олинишигача бўлган давр. Бу даврда ўлка ҳақидаги тарихий манбалар тўпланди, айрим хонликларнинг тарихи ёзилди. Л.И.Ричковнинг XVII асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли «Оренбург тарихи», «Оренбург топографияси» асари шулар жумласидандир. XIX асрнинг 20- йилларига келиб, О.И.Сенковский Бухоро хонлиги тарихи буйича дастлабки манба бўлган П.С.Савелевнинг «Муқимхон тарихи»ни қайта ишлади ва таржима қилди. П.С.Савелев, В.В.Григорев, А.Миддендорф, П.И.Лерх, В.В.Вельяминов-Зернов, И.Березин кабилар Ўрта Осиёнинг ўтмиш тарихини ўрганишда анчагина ишларни амалга оширган эдилар[2].

1819 йили капитан Н.Н.Муравьев бошчилигида Ўрта Осиёга дастлабки археологик разведка экспедицияси уюштирилди. Экспедиция Туркменистон ва Хива туманларига жўнатилган эди. У ҳарбий характердаги экспедиция бўлса-да, бирмунча қимматли кузатувлар олиб борди, кўпгина ёдгорликларни рўйхатга олди, турли турмуш буюмларини тўплади.

Туркистонни археологик жиҳатдан ўрганишнинг иккинчи босқичи унинг Россия томонидан босиб олинишидан бошланди. Бу даврда рус маданиятининг ижобий таъсири, олимларнинг ҳамкорлиги Ўрта Осиё тарихини археологик жиҳатдан ўрганишда прогрессив рол ўйнади. Бу П.И.Лерх, В.В.Григорьев, Н.И.Веселовский, В.А.Жуковский, В.В.Бартольд кабиларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Рус олимлари Ўрта Осиёга келгач, қадимий ёдгорликларга эътибор бера бошладилар, маҳаллий ўлкашунос ва ҳаваскорларни ўз атрофларига бирлаштирдилар, уларга йўл йўриқлар кўрсатдилар. Шулардан бири ўзбек шарқшуноси Акрам Аскарлов бўлиб, у ёдгорликларни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганишда ташаббус кўрсатди.

Ибтидоий давр тарихи ҳақида ҳам маълумотлар тўплана бошланди. Масалан, 1870 йилда Тошкентдаги эски қалъа яқинида тош болта топилган. Самарқанддаги Афросиёб харобаси орқали ўтказилган йўл қурилиши вақтида тоғ инженери Д.Л.Иванов чакмоқтош нуклеуси (тош ўзаги)ни топади, кейинчалик Н.И.Веселовский тош қирғиччасини топган эди.

Туркистон ҳаваскор археологлари тўғарагининг (ТХАТ) таъсис этилиши Ўрта Осиёни археологик жиҳатдан ўрганишнинг 1917 йилга қадар учинчи босқичи ҳисобланади. 1895 йили Тошкентда кўпгина прогрессив рус олимларининг ва маҳаллий ўлкашуносламинг ташаббуси билан Туркистон ҳаваскор археологлариининг тўғараги таъсис этилди ва у 1917 йилга қадар фаолият кўрсатди. Бу тўғаракка турли касб эгалари аъзо бўлган эди. Тўғарак аъзолари жамоатчилик асосида кўпгина ишларни бажардилар. Айниқса, ибтидоий давр ҳақида тўпланган маълумотлар эътиборга лойиқдир. 1896 йилда Тошкентда ТХАТ музейи ташкил қилиниб, унда турли давр археологиясига доир материаллар йиғилган эди.

Фаол рус олимларининг фаолияти Ўрта Осиёни археологик жиҳатдан ўрганиш, ибтидоий давр тарихи ҳақида маълумотлар тўплаш ишига ижобий таъсир кўрсатди. Турли мутахассисликдаги олим ва ҳаваскор ўлкашунослар томонидан ибтидоий давр ҳақида анча-мунча маълумотлар тўплашга эришилди. Шундай қилиб, Туркистоннинг қадимий тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш аста-секин орта борди. Бу борада ТХАТ аъзоларининг бажарган ишлари диққатга сазовор бўлди. Жумладан, 1893 йили Н.П.Остроумов Келес дарёсининг ўнг қирғоғидаги Қоратепа макони (поселение)ни қазиш пайтида чакмоқтошдан ясалган камон ўқини топган эди. 1902 йилда И.П.Пославский эса П.Г.Хлудов томонидан рўйхатга олинган Соймалитош қоя тошлари устига солинган ибтидоий давр санъат намуналарини қайта ўрганиш дастурини илгари сурган эди.

Турли мутахассисликдаги олим ва ҳаваскор ўлкашунослар томонидан бу вақтда ибтидоий давр ҳақида анча мунча манбалар тўплашга эришилди. Шулардан, А.И.Павловнинг кузатишлари қизиқарлидир. У 1901 йили ҳозирги Бўзсув ариғи ва Тошкент яқинидаги Қорақамиш атрофларидан Пелеолит даври одамларининг қурол-аслоҳаларини йиғиб олган ва

кейинчалик уларни Москвадаги геологик қидирув институтига тақдим қилган. Сўнги йилларда бажарилган археологик текширув ишлари бу жойларда ибтидоий жамоалар яшаганлигини кўрсатди. 1892 йилда геолог Шмидт Қирғизистоннинг Иссиққўл атрофидан, Қайсара станцияси яқинидан бир неча чакмоқтош буюмлари топиб Петурбургдаги Давлат Эрмитажига топширган[3].

Шундай қилиб, ибтидоий давр тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш секин-аста орта борди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, XX асрнинг 20 йилларига қадар олимлар ва ўлкашунос ҳаваскорларнинг фаолиятлари билан Ўрта Осиё ўлкасини ўрганишга доир анчагина манбалар тўпланди. Дастлабки, маҳаллий археолог ҳаваскорлар вужудга келганлиги аниқланди. Бу даврдаги археологик изланишлардаги материалларнинг орасида узук-юлуқ ва тасодифий топилган материаллар анчагина бўлиб, кенг илмий асосда умумлаштирилмаган бўлсада, аҳамиятли эди. Демак, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистонда археология фани қуруқ ерда эмас, балки унинг кўҳна илдизлари мавжуддир. Ўрта Осиё, шунингдек Ўзбекистонда археология фанининг илмий шаклланиши, ташкил топиши асримиз бошларида ва ундан кейинги йилларда самарали ва фидокорона иш олиб бориш натижасида яратилди ва янада чуқурлаштирилди. Бошқа фанлар сингари археология фанининг янги тараққиёт даври 1991 йил мустақилликка эришилгандан сўнг бошланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мелентьев Д.В. Научно-популярные кружки и общества в колониальном и советском Туркестане: имперская интеллектуальная элита на мусульманский окраине // ЦЕНТРАЛЬНАЯ ЕВРАЗИЯ * 2 (2) 2018. – С.24.
2. Жўрақулов М. Ўрта Осиё палеолити. Самарқанд, 1983. 6-б.
3. Набиев А. Тарихий Ўлкашунослик. Т.: «Ўқитувчи», 1996. 32-бет

УДК 930.85.(575.172)

УСЛОВИЯ ПОДГОТОВКИ НАЦИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ В НАРОДНОМ ОБРАЗОВАНИИ КАРАКАЛПАКСТАНА (1920-1938 гг.)

Б.А.Сагындиқов, докторант, Нукусский государственный педагогический институт, Нукус

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистонда (1920-1938 й.) халқ таълим тизимининг шаклланишидаги ўша даврдаги давлат бошқарувининг тоталитар режими большевиклар партияси сиёсатида оид аҳолининг ижтимоий шароити, саводсизликни бартараф этиши ва миллий кадрларнинг тайёрланишидаги муаммолар таҳлил этилган

Калим сўзлар. Инқилоб, зиёли, большевик, мактаб, мадраса, конференция, Тўртқўл, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Тошкент, Самарқанд, Ленинград.

Аннотация. В статье проанализировано социальное положение народа, связанное с политикой большевистской партии тоталитарного режима государственного управления, проблемы ликвидации безграмотности и условия подготовки национальных кадров в формировании народного образования в Каракалпакстане (1920-1938 гг.).

Ключевые слова. Революция, интеллигенция, большевик, школа, медресе, конференция, Турткуль, Чимбай, Ходжейли, Кунград, Ташкент, Самарканд, Ленинград.

Abstract. The article analyzes the social situation of the people associated with the policy of the Bolshevik Party of the totalitarian regime of state administration, the problem of eliminating illiteracy in the formation of public education in Karakalpakstan (1920-1938).

Keywords. Revolution, intelligentsia, school, madrasah, conference, Turtkul Chimbay, Khodzheyli, Kungrad, Tashkent, Samarkand, Leningrad.

Введение. В Каракалпакстане число дореволюционной интеллигенции было незначительным, а также ее важнейшие для народного хозяйства категория как инженеры, техники, врачи, агрономы из числа местных национальностей, как уже было отмечено, отсутствовали. В большинстве населенных пунктов Каракалпакстана трудно было найти грамотного человека. Согласно данным переписи 1897 года, в Узбекистане грамотность населения составляла 3 %, тогда как в Амударьинском отделе лишь 1,6 %.

После установления советской власти одной из первоочередных задач нового государства явилась борьба с неграмотностью, которая имела, идеологический и политический характер.

Политика ликвидации неграмотности проходила в противоречивых условиях. В то время, когда правящая партия большевиков привлекает старые кадры для подготовки новой рабоче-крестьянской интеллигенции, возникла проблема взаимоотношения советской власти и буржуазной интеллигенции, а также с представителями мусульманского духовенства как составной части национальной интеллигенции Средне азиатского общества.

При организации первых новых школ возникли проблемы, связанные с влиянием мусульманского духовенства из старой школы, женским неравенством, острой нехваткой школьных зданий, инвентаря, наглядных пособий, учебников на каракалпакском языке и грамотных учителей. В связи с нехваткой государственных и местных финансов школы были распределены по местным управленческим учреждениям на подшефство.

Однако большой проблемой было найти учителей для открываемых новых школ. Основная подготовка учителей проводилась двумя путями: во-первых, путем организации краткосрочных курсов, на которые мобилизовали всех способных к педагогической работе людей, во-вторых, путем отправки местных работников в педагогические учебные заведения, находившиеся в республиканских городах.

Степень изученности. Большую роль в ликвидации безграмотности сыграл декрет Совнаркома от 23 января 1919 года «О ликвидации безграмотности среди населения РСФСР». Выполняя его, Амударьинский отдел народного образования приступил к созданию сети пунктов ликбеза. В июне 1919 года в Турткуле открылись первые курсы обучения грамоте, где обучалось 420 человек [1].

Например, в июне 1919 года в Турткуле были открыты курсы по ликвидации безграмотности для взрослых, охватившие 40 человек. Также были открыты курсы для учителей из 24 человек [2]. В Хиве были организованы трехмесячные курсы, в них прошли подготовку, к примеру, Ислам Бабажанов, Карабай Ерманов, Рахим Мажитов, Узакбай Нурманов.

В 1920 году 21 сентября согласно выступлению Председателя Амударьинской Областной особой Комиссии по ликвидации безграмотности можно сделать определенные выводы: в области организована 21 школа по ликвидации безграмотности, в которой учатся 602 учащихся. 30 человек закончили полуторамесячные курсы по подготовке учителей для школ грамотности [3].

Первые краткосрочные курсы были открыты в 1920-1921 гг. в Кунграде. На эти курсы были привлечены выпускники 4-х классов бывших новометодных школ и некоторые представители из среды местной грамотной молодежи. Окончив курсы, около 30 человек вышли способными учителями [4].

I Амударьинская областная партийная конференция, состоявшаяся 20-30 июня 1921 года, особо отметила потребность в подготовке кадров для партии и советских аппаратов из местных национальностей. С этой целью были отправлены слушатели в Коммунистический университет трудящихся Востока, партийно-советские школы в Ташкенте и Самарканде из представителей местных народностей Амударьинской области.

В 1925 году в учебные заведения разных городов СССР из Каракалпакстана были направлены 40 человек. В том числе 21 человек были направлены в рабочие факультеты в Москве, Ленинграде, Оренбурге [5]. Таким образом, впервые в истории каракалпакская молодежь была направлена на учебу в высшие учебные заведения.

11 мая 1925 года было принято постановление Каракалпакского Обкома об открытии учебных заведений в области по подготовке кадров национальной интеллигенции. В постановлении было указано на необходимость начала в селах подготовки квалифицированных школьных работников, для этого в городах Чимбай, Кунград, Ходжейли необходимо открыть педагогическое училище и педагогический техникум и привлечь молодежь к учебе в них.

Анализ и результат. Первые учителя и сотрудники отдела народного образования Кунградского района С.Мажитов, С.Агайдаров, К.Ерманов, У.Нуржанов, из Амударьинского отдела Х.Мазитов, Н.Кожуров, Ю.Ахмедов, Х.Салимов и др. внесли огромный вклад в деятельность народного образования в качестве представителей первой интеллигенции.

Обучение на родном языке было связано с большими трудностями, не было учебников на родном языке, поэтому использовались учебники, написанные на татарском, казахском, узбекском и туркменском языках, кроме этого существовала проблема перевода на каракалпакский язык терминов, отсутствие квалифицированных авторов и опыт в составлении учебников на родном языке и наконец, отсутствовала полиграфическая база.

В ликвидации безграмотности каракалпакского народа требовалось создание учебника на каракалпакском языке. При помощи узбекских, казахских ученых С.Мажитов составил первые учебники на каракалпакском языке под названиями «Элипбе» (Азбука), «Оқыу китабы» (Книга для чтения), «Егеделер саўаты» (Грамота для взрослых) [6].

Молодежь из Каракалпакской Автономной области была направлена на учебу в Хиву в педагогический техникум и на курсы повышения квалификации учителей: из Ходжейли Умар Булешов, из Кунграда – Коптлеу Нурмухамедов, Нагмет Кузенбаев, Ямутбай Исметуллаев, Зулфухар Ершеев, Темир Жуманиязов. В конце 1930 годов Ходжейлийское педучилище стало одним из крупных образовательных центров Каракалпакстана [7].

В 1925 году в городе Турткуле были открыты педагогический техникум, сельскохозяйственный техникум и советско-партийная школа. В советско-партийной школе учились 75 человек, в педтехникуме – 120, в сельскохозяйственном техникуме – 120.

В 1932 году в городе Турткуле открылся учебный педагогический комбинат, который за три года подготовил и выпустил 105 учителей, 105 специалистов закончили различные курсы сферы народного образования.

С начала 1932-1933 учебного года организованы курсы на 400 человек. В Чимбае открыты курсы на 120 человек, в Шурахане – на 93 человека, в Шаббазе – на 55 человек [8]. В эти годы в стенах училища обучались будущие известные государственные и общественные деятели, такие, как академик С.Камалов, П.Халмуратов, К.Мирзенов, Х.Даулетмуратов и другие.

Таким образом, в народном образовании Каракалпакстана количество подготовленных национальных кадров к 1932 году достигло 675 человек. Количество школ достигло 561, а учащихся 26559 [9].

Тем не менее, в начальном периоде сталинских репрессий 30 годов привело к многочисленным потерям в формировании интеллигенции из числа местных национальных кадров. При НКВД союзных и автономных республик была создана группа «Тройка», они обвиняли невинных национальных кадров из ряда сотрудников образования, литературы, искусств и партийных руководителей привлеченные к службе в интересах народа по статьям 58, 63, 64, 67 УК РСФСР в том, что они якобы являются членами контрреволюционной националистической организации против государства, пытали и приговаривали к расстрелу или ссылке.

В конце 20-30 годов XX века из Каракалпакстана понесли наказание более 12000 человек. Из них 6000 объявим «врагами народа», членами «контрреволюционно-националистической» организации, а также «японо-германскими шпионами» [16].

Дискуссия. С 1924 года русские ученые внесли огромную лепту в подготовку национальных кадров в Каракалпакстане. В 1924-1934 годах И.П.Герасимов, Е.Н.Иванов на территории Каракалпакстана вели геоморфологические исследования, в 1926-1929 годах вела работу этнографическая экспедиция в составе Н.А.Баскакова, А.Давлета [10].

В 1930 году по изучению каракалпакского языка организована этнографическая лингвистическая экспедиция под руководством тюрколога С.Е.Малова, в ее состав вошли Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинский, А.Давлет и из местных специалистов К.Айымбетов, Б.Ергалиев, Т.С.Сайфиев, К.Убайдуллаев, писатель М.Дарибаев [11].

До 1930-х годов в Каракалпакстане научно-исследовательские работы были организованы в достаточной степени. В 1931 году на основе принятого постановления в Каракалпакской Автономной области был открыт Комплексный научно-исследовательский институт [12]. Только в 1933 году местные национальные кадры К.Айымбетов, Т.Бекимбетов, К.Убайдуллаев и Ж.Урумбаев были приняты на работу.

В целях подведения итогов собранных материалов по изучению производственных сил Каракалпакстана и принятия мер 18-25 марта 1930 года в городе Ленинграде состоялась первая конференция, в которой приняли участие Председатель Центрального Исполнительного комитета Каракалпакской АССР К.Нурмухамедов, директор КК НИИ Н.А.Гнеденко, научные сотрудники С.Е.Малов, Н.А.Баскаков и из числа молодых ученых К.Убайдуллаев, Т.Бекимбетов [13].

Из числа научных работников выросло местные молодые ученые как К.Айымбетов, Б.Ергалиев, М.Дарибаев, Айтешов, Т.Бекимбетов, К.Убайдуллаев и Ж.Урумбаев, что свидетельствовало о достижениях в деле подготовки местных кадров и развития науки в автономной республике.

По данным, приведенным на внеочередном третьем съезде Советов Каракалпакской АССР, состоявшемся в мае 1937 года, в республике общая грамотность на тот момент составляла 48 % [14], а в 1939 году поднялась до 60 % [15].

Таким образом, в сфере образования и науки Каракалпакстана из числа национальных кадров, вышедших из местного народа, Я.Досумов, К.Нурмухамедов, Т.Бекимбетов, Н.Даукараев, И.Т.Сагитов, К.Айымбетов, К.Убайдуллаев, Ж.Урумбаев, А.Кыдырбаев стали кандидатами и докторами филологических, педагогических и исторических наук.

Заключения. Таким образом, в 20-30 годах XX века по проблемам и достижениям в подготовке национальных кадров в сфере народного образования и науки Каракалпакстана мы можем привести следующие выводы:

- после установления советской власти в связи с политикой коммунистической партии большевиков в подготовке национальных кадров в сфере народного образования и науки в Каракалпакстане был велик вклад представителей соседних братских народов Средней Азии и русской интеллигенции;

- запрещение в качестве пережитков прошлого культурного наследия наших предков, религиозных ценностей каракалпакского народа в быту в связи с политикой партии большевиков оказало отрицательное воздействие на духовный мир каракалпакского народа, возникли определенные трудности в принятии русской культуры, указанной в качестве нового уклада жизни;

- проводившаяся со стороны НКВД и организованные группой «Тройка» репрессии, направленные против интеллигенции, окончившей партийные школы, беззаветно служившие в сфере народного образования и науки привели к невосполнимой утрате в обеспечении Каракалпакстана национальными кадрами;

- деятельность таких видных представителей национальной интеллигенции, как Н.Давкараев, Ж.Урумбаев, С.Мажитов, Я.Досумов, К.Нурмухамедов, К.Убайдуллаев, А.Кыдырбаев, И.Т.Сагитов в развитии сферы образования и науки, будут примером для подрастающего поколения Каракалпакстана.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Очерки истории Каракалпакской АССР. т. II. Ташкент: «Фан» 1964 с. 185.
2. Шалекенов У.Х. Совет Қарақалпақстаны мәдениетінің тарихы бойынша очерклер. Нөкіс: Қарақалпақстан, 1960. 51 б.
3. Очерки истории Каракалпакской АССР. т. II. Ташкент: «Фан» 1964 с. 188.
4. ЦГА УзССР ф. 17. оп. 1. л. 3. л. 122.
5. ЦГА РК ф. Р-551, опись 1, дело 258, лист 114-115.
6. Газета «Совет Қарақалпақстаны», 1967. 21-декабрь.
7. Есбергенов Х. Ардақлы азамат Көптілеу Нурмухамедовтың өмирі хәм хызметі. Нөкіс: Қарақалпақстан, 2009. 6 б.
8. ЦГА РК ф. Р-551, опись 1, дело 2261, лист 12.
9. ЦГА РК ф. Р-551, опись 1, дело 2261, лист 22.

10. Шалекенов У.Х. Очерки по истории культуры Советской Каракалпакии (1917-1940 гг.). Нукус: Каракалпақстан, 1960. с. 105.
11. Очерки истории Каракалпақской АССР. т.П. Ташкент: «Фан» 1964. с. 200.
12. Қосымбетов И. Қарақалпақстан совет интеллигенциясының тарихынан. Нөкіс: Қарақалпақстан, 1970. 140 б.
13. ЦГАРК ф. Р-551, опись 1, дело 1568, лист 4.
14. Газета «Советская Каракалпакия», 1937 г., 23 марта.
15. Очерки истории Каракалпақской АССР. т.П. Ташкент: «Фан», 1964. с. 191.
16. Бабашев Ш. Қарақалпақстан Республикасы тарихындағы сиясий қурбанлар. Нөкіс: «Қарақалпақстан», 2003 ж. 12 б.

УЎК 338.482.224(5)+796.5(5)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РАВНАҚИ*А.С.Тоғжиев, ўқитувчи, Урганч Давлат Университети, Урганч*

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши ёритилган.

Калим сўзлар: Тарихий обидалар, Халқаро ташкилот, Буюк ипак йўли, Ичан – қалъа, Дишан – қалъа.

Аннотация. В этой статье освещено развитие сферы туризма Хорезме в годы независимости.

Ключевые слова: Исторические памятники, международная организация, великий шёлковый путь, внутренний город, внешний город.

Abstract. The development of tourism sphere in Khorezm region during independence years is described in this article.

Key words: Historical monuments, international organization, the silk road, inner castle, outer castle.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритиши ва жаҳон ҳамжамиятига йўл очилиши билан унинг бой ўтмиши, тарихий обидалари ва археологик манзилгоҳларига қизиқувчилар учун мамлакат эшиклари кенг очилди ҳамда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, унинг истиқболлини таъминлаш мақсадида 1992 йилда Ўзбекистон Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва унинг минтақавий бўлимлари ташкил қилинди. Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада кенгроқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Кейинчалик бу соҳа фаолияти ва тараққиётига янада чуқур ёндашилиб, 1999 йил 20 августда “Туризм тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Хоразм вилояти туризм имкониятлари жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ўзига хос ўринга эга. Вилоятда туризмнинг кўплаб турлари, хусусан тарихий, архитектура ва археологик обидалар, табиий рекреция масканлари, диний қадамжолар ҳамда ўзига хос маданий-этнографик анъаналари вилоят туризм хазинаси ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмни ҳам ўрни катта бўлиб ундан даромад олиш, маҳаллий аҳолини талабларини қондириб уларга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, ишсиз аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Агар бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатидан кўзланган асосий мақсадни оддий сўзлар билан ифода этадиган бўлсак, у аввало халқимиз қалбидаги ана шундай эзгу орзу-ниятларни амалга оширишга қаратилгандир[1, b. 69].

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2017 йил 7 февралда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи йўналишининг бешинчи банди “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутоносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” деб номланган ва унда ижтимоий-қтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хом-ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш белгилаб берилган[2, b. 64].

Маълумки, Хоразм воҳаси бетакрор табиати, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган ноёб маданий ва тарихий обидалари, инфратузилма тармоқлари билан Ўзбекистоннинг юксак сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган ҳудудларидан ҳисобланади.

Шу сабабли, вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади[3, b. 255].

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди[6, b. 99].

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигидаги таълим, фан ва маданият билан шуғullanувчи халқо ташкилот – ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустақамланиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди[7, b. 533].

1995 йил августда ЮНЕСКО бош директори Ф. Майорнинг Ўзбекистонга ташрифи, 1996 йилда Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ЮНЕСКО қароргоҳига расмий ташрифи ва бу ташкилот ижроия кенгашининг 149-сессиясида нутқ сўзлаши алоқаларнинг янада мустақамланишига хизмат қилди[8, b. 570].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 8-9 октябр кунлари Францияга қилган расмий ташрифи Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари 8-октябр куни Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

Учрашув сўнгида Шавкат Мирзиёев ва Одри Азуле Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастурини имзолади[9, b. 433].

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк Ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар давомида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадай масканни яратган ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун ғурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизни зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади[10, b. 461] деган эди биринчи Президент Ислон Каримов 1997 йил 20 октябрда Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида сўзлаган нутқида туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида қуйидаги фикрларни келтириб ўтдилар. “Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни жадаллаштириш

зарур. Охирги уч йилда Кенгашга аъзо давлатлардан юртимизга келган сайёҳлар сони салкам икки баробарга ўсгани бизни жуда қувонтиради.

Биз Ташкилотнинг ўтган йили ишлаб чиқилган “Замонавий Ипак йўли” сайёҳлик дастурида фаол иштирок этишга тайёرمиз. 2020 йилда кўхна Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга албатта катта ҳисса қўшади”[4, b. 261].

“Ўзбектуризм” миллий компаниясининг 2000 йил 22 июндаги буйруғига биноан, унинг Хоразм ҳудудий бўлинмаси тузилди ва у Урганч шаҳар ҳокимининг 2001 йил 27 июлдаги қарори билан рўйхатга олиниб, ўз фаолиятини бошлади. Унинг таркибига юртда машҳур бўлган туристик ташкилотлар: “Хоразм туризм” АЖ, “Жайхун” туристик мажмуаси, “Хива” туризм экскурсиялар компанияси, Хивадаги “Хоразм” меҳмонхонаси, “Уз Олмон Ҳотелз” кўшма корхонаси ва ўнга яқин хусусий туристик ташкилотлар кирар эди.

Бугунги кунда Урганч шаҳрида “Хоразм Палас” МЧЖ, “Наврўз”, “Файз”, “ШЕР ОТЕЛ”, “ЭЛШОД ХОТЕЛ” меҳмонхоналари, Хива шаҳрида “ХОТЕЛ АСИА КХИВА” МЧЖ, “Хива маликаси” ва “Боғча ҳовуз” кўшма корхоналари, “Орқончи” ва “Собир Арқончи” меҳмонхоналари ва бошқа бир қанча хусусий меҳмонхоналар бор[11, b. 105].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2018 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” номли маърузасида “Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим.

Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда.

Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур.

Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортдан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим”[5, b. 38]деб таъкидлаган.

Биринчи Президент Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Хива - бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча – қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота – боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва кудратидан далолатдир”[12, b. 517]деган эди.

Хива шаҳри хонликнинг пойтахти ҳисобланган. Шаҳар икки қисмдан – Ичан – қалъа ва Дишан – қалъадан иборат бўлган. Ичан – қалъада хон қароргоҳи ва ҳарам, 17 масжид, 22 та мадраса, карвонсарой ва бозор жойлашган бўлиб, улар асосан XIX асрда барпо этилган. 1842 йилда Дишан – қалъа қурилиб, девор билан ўраб олинди. Дишан – қалада ҳунармандлар, савдогарлар, мардикорлар, қисман деҳқонлар ҳам истиқомат қилган[13, b. 189].

Вилоятда мавжуд 239 та маданий мерос объектларидан макбул даражада фойдаланилаётгани йўқ. Вилоятга ҳозирда туристларнинг асосий қисми “Ичан - қалъа” давлат музей – кўрқхонасига ташриф буюриши давом этмоқда. Лекин Хоразмга келган сайёҳлар “Ичан - қалъа” давлат музей – кўрқхонасидан ташқари, яъни унинг атрофидаги тарихий объектларга ташриф буюриши жуда суст кечмоқда. Бунга асосий сабаб қилиб биз инфратузилмани кўрсатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар, қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва дастурлар замирида вилоятда туризм соҳаси сезиларли даражада ўсди. Шаҳарлар қиёфаси ўзгарди, тарихий обидалар тўлиқ қайта таъмирланди,

худуднинг транспорт тизими яхшиланди. Шунингдек, соҳадаги мавжуд камчиликларга қарамасдан сайёҳлар оқими сезиларли ўсиб, хизмат кўрсатиш соҳалари кундан-кунга жадал ривожланмоқда. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайиб, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиниб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2017-йил 9-декабр, Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.Б. 69.
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2017. – Б. 64.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. 2016-йил 11-ноябр Шовот тумани, Хоразм вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги “Оққан дарё асло тўхтамас” номли нутқи. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 255.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2020. – Б. 261.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – Б. 38.
6. Абдурахим Эркаев. Ўзбекистон йўли. Тошкент. “Маънавият”, 2011. – Б. 99.
7. Мирзохид Рахимов, Акбар Замонов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: “Фан” нашриёти давлат корхонаси. 2019. – Б. 533.
8. Қўлдош Эргашев, Ҳожиакбар Ҳамидов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи”, 2015. – Б. 570.
9. Рустамбек Шамсутдинов, Хусанбой Мўминов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: “Фан” нашриёти давлат корхонаси. 2020-йил. – Б. 433.
10. Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-том. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа консерни, 2000. – Б. 461.
11. Баҳодир Бобожанов, Қахрамон Мадраҳимов. “Асрга тенг йиллар” 2-китоб, Тошкент: “ЯНГИ НАШР”, 2011. Б.105.
12. Назрулла Жўраев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи”, 2013. – Б. 517.
13. Қ. Усманов, М.Содиқов, С.Бурханова. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: “ИҚТИСОД - МОЛИЯ”, 2016. – Б. 189.

УЎК 94.375

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ ИШИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР (XX асрнинг 50-йиллари мисолида)

Р.Тўхтаева, PhD, Қариши Давлат Университети, Қариши

Аннотация. *Мазкур мақолада XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистонда молия ишидаги муаммо ва камчиликлар, молия кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, Марказ томонидан юборилган кадрларнинг соҳа фаолиятига бир томонлама ёндошганлиги, маҳаллий кадрлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги, бу эса соҳа фаолиятида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарганлиги тарихий адабиётлар ва архив материаллари асосида ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, Совет давлати, Ўзбекистон, молия, молия органлари, иқтисод, моддий тақчиллик, инқироз, ижтимоий ҳаёт, кадр.*

Аннотация. *В данной статье в 50-х годах XX века рассмотрены проблемы и недостатки финансовой работы в Узбекистане, проводимая работа в области подготовки и повышения квалификации финансовых кадров, односторонний подход кадров направляемых центра к полевой деятельности, отсутствие достаточных условий для местных кадров, что вызывало много проблем в полевой деятельности, что вызывало проблемы, объясняется на основе исторической литературы и архивных материалов.*

Ключевые слова: *Вторая мировая война, советское государство, Узбекистан, финансы, финансовые учреждения, экономика, материальный дефицит, кризис, общественная жизнь, кадры.*

Abstract. *In this article, in the 50s of the 20th century, the problems and shortcomings of financial work in Uzbekistan, the ongoing work in the field of training and advanced training of*

financial personnel, the one-sided approach of personnel sent by the center to field activities, the lack of sufficient conditions for local personnel, which caused many problems in the field, which caused problems, is explained on the basis of historical literature and archival materials.

Key words: World War II, Soviet state, Uzbekistan, finances, financial institutions, economy, material shortage, crisis, social life, personnel.

Иккинчи жаҳон уруши тарихдаги энг катта фожеали воқеалардан бири бўлди. Уруш туфайли кўпгина давлатлар катта йўқотишлар қилди ва миллионлаб кишилар қирилиб кетди. Уруш инсониятга катта маънавий зарар етказиш билан бирга иқтисодий инкирозларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлди. Чунки содир бўлган ҳар қандай уруш муайян давлатдан катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этади. Ўзбекистон собиқ Иттифок таркибидаги иттифокдош республикалардан бири сифатида урушнинг иштирокчиси бўлди. Бу эса, республика сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар қилиниб, барча соҳалар фаолиятини уруш манфаатлари томон йўналтирилишини тақоза қилди. Бу эса барча соҳаларда кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Урушдан кейинги оғир йилларда моддий танқислик ниҳоятда кучайган бир шароитда қаттиқ марказлашган бошқарув тизими юқоридан раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари энг самарали иқтисодий омиллардан кенг фойдаланиш имконини бермай келди. Молиявий танқислик кучли бўлсада, хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ижара принциплари каби бошқа шакллар ҳаракатга келтирилмади.

Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрлар масаласига ҳам боғлиқ бўлди. Республика молия бўлимларини махсус маълумотли кадрлар билан таъминлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш, кадрлар қўнимсизлигини бартараф этиш ва уларнинг малака оширишини тўғри ташкил этиш иши муҳим аҳамиятга эга эди.

Тошкент шаҳар туманлари молия бўлимида 1952 йил 1 январь ҳолати бўйича 68 та олий маълумотли, 62 та ўрта маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатди. Улардан В.И. Гросс, Г.И.Липина, М.Нурматов, Т.Муродхўжаев, Х.С.Ғуломова, М.Парпиева, М.Камоловалар, З. Алиевалар ўз соҳасининг устаси сифатида танилган эди [1].

Молия ходимлари соҳа бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаганликлари, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашганликлари ва бошқа сабаблар туфайли ишдан четлаштириш ҳолатлари тез-тез учраб турди. Масалан, 1956 йил давомида Фарғона вилояти молия ходимларидан 18 нафар киши шу тариқа ишдан четлаштирилди. Вилоят молия бўлими ревизори Х.Йўлдошев, Тошлоқ туман ҳисобчиси М.Охунов, Қувасой тумани молия бўлими бош инспектори В.И.Маншев шулар жумласидандир. Бундан ташқари жорий йилда молия бўлимининг раҳбар ходимларидан 7 киши яъни 3 та тумани молия бўлими мудирлари Зуфаров (Сух), Саримсоқов (Қўқон), Алиев (Водил)лар вазифасидан пастга туширилди. Шунингдек, 1957 йил вилоятда 10 нафар солиқ инспектори тартибсизлиги, ижро интизомини бажармаслиги ва солиқ қонунчилиги бўйича етарли билимга эга эмасликлари туфайли ишдан бўшатилган [2].

Тошкент шаҳрининг 6 та тумани молия ходимларининг 1956 йил давомидаги фаолияти ўрганилганда, кўпгина камчиликлар аниқланди. Асосан ходимлар тартиб-интизоми талабга мувофиқ келмади. Айниқса, Тошкент шаҳрининг Фрунзе, Октябрь туманларида бу борада аҳвол қониқарсиз ҳолатда бўлди [3].

Республика вилоятлари туманлари молия бўлимларида молия соҳасида махсус маълумотга эга кадрлар етишмади. Масалан, 1958 йили Бухоро вилоятининг 15 та туманидан фақат 5 тасида 2 тадан, Андижон вилояти 18 туманидан фақат 7 тасида 2 тадан мутахассис фаолият кўрсатди [4].

1958 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон молия органларида 2006 нафар ходим фаолият кўрсатиб, шундан 1303 таси ёки 63,6% и олий ва ўрта махсус маълумотли эди. Қолаверса, молия органларида махсус маълумотли инспекторлар етишмади. Масалан, вилоятлардаги молия инспекторларининг 37 % и соҳа бўйича маълумотга эга эмас эди. 137 та туман молия бўлими мудирларидан 103 таси ёки 60 % и махсус маълумотсиз эди [5].

1956-1957 йиллар давомида Фарғона вилояти молия бўлимларидан 77 нафар ходим соҳа бўйича маълумотга эга бўлмаганлиги туфайли ишдан озод этилиб, 95 нафар киши яна шу хатолик билан, яъни молия бўйича мутахассисликка эга бўлмаган шаротда ишга қабул қилинган. Бу даврда вилоят молия бўлимлари раҳбарларининг 50% и ўз вазифасини уддалай олмаганликлари туфайли ишдан олинган [6].

Вилоят туман молия бўлимлари фаолияти ўрганилганда жиддий камчиликлар аниқланди. Туман бюджетлари бажарилмаган, солиқ қарздорлиги ўсиб борган, касса операциялари ташкил этилмади. Оқибатда йиғилиши лозим бўлган солиқлар миқдори ноаниқлигича қолиб кетди.

Бу каби ҳолатларнинг барчаси молия бўлимлари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, 1956 йил Фарғона вилоятидаги 21 та туман молия бўлимларидан 10 таси бюджет режасини бажармаган бўлса, 1957 йил вилоятдаги 15 та туман молия бўлимларида шу ҳолат аниқланади.

1956-1957 йилларда биргина Фарғона вилояти молия бўлими солиқ инспекторлари устидан нотўғри солиқ йиғиш бўйича 7368 та шикоят аризаси келиб тушади [7].

Кадрларни қобиляти, маълумотига қараб жойлаштиришда ҳам хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, 1956 йили Наманган вилояти молия бўлимига иқтисодчи лавозимига Шедрин тайинланади. У ўрта маълумотли бўлиб, шунга қадар вино заводи таъминоти бошлиғи лавозимида ишлаб келган. Шедрин янги иш жойида фақат 8 ой ишлаб, ўз вазифасини бажара олмаганлиги туфайли ишдан бўшатирилган [8]. 1957 йили Қашқадарё вилояти молия бўлими иқтисодчиси лавозимига оддий машиниска тайинланиб, олти ой ўтар-ўтмас вазифасини уддалай олмаганлиги туфайли ўз жойига қайтарилган.

Марказдан юборилган кадрларни жойига қўйишда ҳам тўғри йўл тутилмади. Масалан, 1957 йил Бухоро вилояти молия органларига 20 нафар ёш мутахассис юборилиб, шундан 8 нафари қабул қилинмай бошқа ташкилотларга ўтказиб юборилади. Бундай ҳолатлар Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам аниқланади. Жорий йилда молия техникумини тамомлаган Аширов Қашқадарё вилояти молия бўлимига иш сўраб мурожат қилади. Аммо бўш иш ўринлари бўлган шароитда унга рад жавоби берилади. У бир неча маротаба республика молия министрилигига мурожат қилгандан сўнггина ишга жойлаштирилади [9]. Бу каби ҳолатлар тез – тез такрорланиб турди.

Республика молия ходимлари орасида кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада бўлди. 1955 йили Тошкент шаҳар молия бўлимидан 12 та ходим, 1956 йили 10 та ходим [10], умуман, 1956-1957 йилларда республика молия органларидан 736 нафар мутахассис бошқа жойга ўтиб кетди [11].

1960 йил республика молия бўлимларига 227 нафар мутахассис ишчи келган бўлса, 246 нафар ходим ишдан кетди. Молия ходимлари қўнимсизлиги юқори даражада бўлди [12].

Молия бўлимлари ходимлари малакасини ошириш курслари мазмуни асосан сиёсий мавзуларни ўқитишга қаратилди. Масалан 1957 йил республика молия соҳаси кадрлари малака ошириш курсларида қуйидагича йўналишларда ўқитилган: 1. Газета материаллари асосида ҳафталик сиёсий ахборот. 2. КПСС тарихи ва сиёсий иқтисодни ўрганиш тўғарақлари. 3. Сиёсий халқаро ва иқтисодий мавзулардаги маърузалар. 4. Семинарлар. 5. Мустақил ўрганиш [13].

1957 йил давомида Тошкент вилояти молия ходимлари ўртасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. 25 марта халқаро мавзудаги сиёсий ахборот.
2. 8 марта сиёсий мавзудаги маърузалар. Шунингдек, Сиёсий иқтисодни ўрганиш тўғарагига 21 киши аъзо бўлиб, уларнинг машғулоти узлуксиз ўтказиб турилган. Кун сиёсий воқеалари семинар машғулоти ҳам бўлиб турди [14].

1950-йили маориф ишлари 97.4 миллион сўм, ёки 6.5 фоиз, соғлиқни сақлаш ишларида – 37 миллион сўм ёки 6.2 фоиз ўзлаштирилмай қолди. Масалан, умумий таълим мактабларининг эҳтиёжлари учун чиқарилган маблағлардан 27.8 миллион сўм ўзлаштирмади. Бундан ташқари, жорий йилда қишлоқ ва ишчи ёшларнинг кечки мактабларига тайинлаган

маблағлардан 4.3 миллион сўм, мактаб интернатларига – 1,9 миллион сўм, болалар боғчаларига – 4 миллион сўм болалар ўртасида мактабдан ташқари ишларни олиб боришга – 2,3 миллион сўм ва кадрлаш тайёрлашга – 9.8 миллион сўм сарфланмай қолиб кетди. Маориф тизимидаги бу каби молиявий чалкашликларнинг келиб чиқишга қатор омиллар сабаб бўлди. Аввало, давлат бюджетининг харажатлар режасининг бажарилиши юзасидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги, қолаверса, маориф министрлиги томонидан ажратилган маблағларни талаб қилиб олиш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаганлиги сабаб бўлди. Бу ҳолатлар маданий-оқартув муассасалари ишида ҳам кўринди. Масалан, ушбу соҳага бюджетдан кутубхоналар учун чиқарилган маблағдан – 3 миллион сўм, клубларга чиқарилган маблағдан – 2.3 миллион сўм сарф қилмай қолдирди [15]. Маданий-оқартув муассасаларини кўпайтириш режасидаги 23 кутубхона, 3 шаҳар клуби ва 16 кироатхона очилмаган ва капитал ремонтга ажратилган маблағни ҳам анчагина қисми ўзлаштирилмай қолди.

1960 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Молия министрлигининг қуйидаги буйруқлари эълон қилинди: 1960 йил 27 январда 9-сонли “Ўзбекистон ССР нинг 1960 йил давлат Бюджетини бажарилишини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон ССР Молия Министрлиги бошқармаси ва бўлимларининг вазифалари тўғрисида”, жорий йилнинг 16 майидаги 31-сонли “Самарқанд ва Бухоро вилоятлари Молия органларида кадрлар билан ишлаш ҳолатини текшириш натижалари тўғрисида”ги, 20 майдаги “Самарқанд вилояти молия бўлими назорат ревизия ишларидаги жиддий камчиликлар”, 22 июндаги “Республика молия органларида меҳнат дафтарчаларини рўйхатга олиш, бериш, тўлдириш ва сақлаш ишининг ҳолати тўғрисида”ги, 18 августдаги “Ўз ССР госстрах органларини кадрлари билан ишлашни яхшилашнинг келгуси чора-тадбирлари тўғрисида”ги кабилар.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Республика молия соҳаси иши бир оз яхшиланди. Ўз ССР нинг 1960 йил давлат бюджетининг даромад қисми режаси тўла бажарилди. Жорий йилда 11343450 минг рубль тўпланди. Режа бўйича бу 11257856 минг рубль эди [16]. Шунингдек, жорий йилда давлат бюджетининг харажат қисми ҳам бажарилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, молия ходимларини малакасини ошириш масаласида асосий эътибор молия иқтисослигига эмас, сиёсий мавзуларга қаратилди. Бу ҳақида Совет архив ҳужжатларида қуйидагилар қайд этилади: меҳнаткашларнинг иқтисодий дунёқарашини кенгайтириш, уларда иқтисодий ёндашиш бўйича билим ва кўникмаларни сингдириш бўйича жуда кам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кадрлар малакаси юқори эмаслиги натижасида бир қатор молия органларида хўжалик ишлари паст даражада бўлганини 1956, 1957 ва 1958 йилларда маҳаллий молия органлари фаолиятини текшириш натижалари ҳам кўрсатиб турибди [17].

Хуллас, таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда молия кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар талаб даражасида бўлмаганлигини кўрсатган. Марказ томонидан юборилган кадрлар эса соҳа фаолиятига бир томонлама ёндошган. Маҳаллий кадрлар учун етарли шарт-шароитларнинг мавжуд эмаслиги кўплаб муаммоларни келтириб чиқарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-йиғма жилд, 2-4-варақлар.
2. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-йиғма жилд, 113-варақ.
3. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-йиғма жилд, 3-варақ.
4. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 34-варақ.
5. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 32-33-варақлар.
6. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 42-43-варақлар.
7. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 44-варақ.
8. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 41-варақ.
9. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 33-36-варақлар.
10. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1704-йиғма жилд, 2-4-варақлар.
1. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 34-варақ.
2. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1965-йиғма жилд, 20-варақ.
3. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 36-варақ.
4. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 37-варақ.
5. ЎзР МДА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1289-йиғма жилд, 51-варақ.

6. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1965-йиғма жилд, 11-варақ.

7. ЎзМА, 93-фонд, 15-рўйхат, 1767-йиғма жилд, 35-40-варақлар.

УЎК:391:92:738(575:171)(0433)

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ЗАНГОРИ КУЛОЛЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ҳ.С.Худайбергенов, PhD, ТТА Урганч филиали, Урганч

Аннотация. *Мустақиллик йилларида қадимий Хоразм хунармандчилигининг асосий тармоғи ҳисобланган кулолчиликнинг қайта тикланиши ва ривожланиши давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, қадимий Хоразм зангори кулолчилигининг Каттабоғ, Мадир ҳамда Кўҳна-Урганч марказлари ишлаб чиқарган маҳсулотларида ва Республикаимизнинг бошқа кулолчилик марказларидан ўзининг ҳудудий хусусиятлари ҳамда локаллик жиҳатдан ажралиб туриши билан характерланади.*

Калит сўзлар: *Хунармандчилик, мустақиллик, марказ, меъморий обида, мерос, кошин, нақш, архитектура, кўргазма, санъат.*

Аннотация. *В годы независимости восстановление и развитие гончарного дела, считающегося основной отраслью древнехорезмских ремесел, имеет особое значение в связи с тем, что наше государство уделяло ему особое внимание. Это, в свою очередь, характеризуется изделиями Каттабогского, Мадирского и Кохна-Урганчского центров древнехорезмского голубого гончарства, а также его региональными особенностями и локальными отличиями от других гончарных центров нашей Республики.*

Ключевые слова: *Мастерство, независимость, центр, архитектура, культура, наследие, плитка, узор, архитектура, выставка, искусство.*

Abstract. *During the years of independence, the restoration and development of pottery, which is considered the main branch of ancient Khorezm crafts, is of particular importance due to the fact that our state paid special attention to it. This, in turn, is characterized by the products of the Kattabog, Madir and Kokhn-Urganch centers of ancient Khorezm blue pottery, as well as its regional features and local differences from other pottery centers of our Republic.*

Key Words: *Craftsmanship, independence, center, architecture, culture, heritage, tile, pattern, architecture, exhibition, art.*

Бизга маълумки, XX аср бошларида Хоразм воҳасида Кўҳна Урганч, Хива, Мадир ва Каттабоғ каби кулолчилик марказлари фаолият кўрсатган.[1] Воҳа кулолчилигида ушбу марказларнинг пайдо бўлиши ўрта асрларда Кўҳна Урганч зангори кулолчилигининг ривожланганлиги билан боғлиқ.

Айниқса, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, Марказий Осиё халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланди ва бир нечта марказлар пайдо бўлди. Булар қаторига юқорида санаб ўтилган Мадир, Каттабоғ ва Кўҳна Урганч зангори кулолчилик мактабларини киритишимиз мумкин. Мазкур мактаблар XIX-XX асрлар давомида кулолчиликнинг энг ривожланган асосий ўчоқларидан ҳисобланди. Бу мактабларни ташкил этилишида ўз даврнинг машҳур кулолларидан уста Бобожон, Болта Матризаев, Мадрахим Мадаминов, Ваис Жабборов, С.Абдуллаев, Я.Абдурахмон ва Болта Ваисовларни хизматлари бекиёс. Хусусан, 1892 йилда туғилган Болта Ваисов таниқли хунарманд ва сиркор нақш берувчи кулол сифатида Хоразм кулолчилик мактаби ривожланишида ўзига хос ўрнига эга усталардан бири бўлган. Унинг отаси эса, машҳур кулоллардан Ваис кулол ва бобоси Исмоил кулол ҳисобланиб, улардан қадимий кулолчилик сирларини ўрганган.

Шу ўринда эслаб ўтиш керакки, 1908-1910 йилларда Хивада қад кўтарган Ислом Хўжа минорасини мадирлик машҳур кулоллар зангори кошиндан безагани манбаларда айтиб ўтилади.[2] Бироқ, совет даврида меъморий обидалар ҳамда ёдгорлик биноларга кошиндан

безак беришга эътибор берилмади, сабаби бундай безаклар, руслар томонидан архитектурада ортиқча безак сифатида қораланган.[3] Лекин илк маротаба Мадирлик кулол Рейимбарди Матчонов 1983 йили архитектор-наққош Давлатназир Муҳамедов билан ҳамкорликда Урганч шаҳар Темир-йўл бекати касалхонаси вестибюлини безашда тажриба сифатида ганчкорлик каторида зангори кошинкорликдан фойдаланиб, буни қайта тиклайди.[4] Таг замини зангори рангга бўялган ойсимон ганчкорлик нақшлари, кошинкорликдаги композициялар хона деворида ритмик қайтарилган зангори кошинларга ишланган “турғунч” нақши, ганчкорликдаги “ой”, “ҳошия” нақшлари бир-бирига боғланиб, хонага ўзига хос жило берган. Бу биргина тажриба учун қилинган зангори кошинкорлик санъати намунаси ҳозирги замон меъморлик беаги сифатида фойдаланиш мумкинлигига замин яратди. Ҳозирги кунда бу ноёб санъат намуналари Хоразмда кўплаб объектлар интерьерида безак сифатида қўлланиб келинмоқда. Демак, бундан кўринадики, кўп йиллик тажрибага эга кулол ўз шогирдлари билан кошинкорликни қайта тиклаш ва уни ҳозирги замон архитектурасида безак сифатида қўллаш учун кўп йиллар меҳнат қилди. Бу эса маълум бир даврда кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилишининг сусайганлигини ва кошинпазликнинг равнақ топганлиги кўрсатади. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган кенг ислохотлар ҳам кўп миқдордаги бинокорлик-қурилиш ишларининг кучайиши, миллий маданий меросга бўлган эътибор туфайли тарихий обида ҳамда меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.[5]

Бугунги кунда “Мадир кулолчилик мактаби”ни янада ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган усталардан бири кулол Одил Матчоновдир. Унинг ижоди ўзига хос жиҳатлари ҳам мустақиллик йилларида янада тараққий этди. У ўз услуби ва йўналишига эга усталардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Одил Матчонов томонидан яратилган кулолчилик буюмлари дастлаб, 1991 йилда Дубай шаҳрида, 1992 йилда Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган амалий санъат кўргазмаларида намойиш қилинган. Унинг яратган асарлари кўпчилик томонидан яхши баҳоланган.

О. Матжоновнинг кулолчилик соҳасида эришган ютуқлари ҳам анчагина бўлиб, у Республикамизнинг бир қатор кўргазмаларида қатнашиб келади. Жумладан, уста 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус” Республика босқичи ғолиби, мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, “Шу азиз Ватан, барчамизники” дипломи билан тақдирланган. Шунингдек, “Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлар, мусаввирлар, хунарманд уюшмаси аъзоси сифатида жамоат ишларида фаоллиги” учун махсус дипломи билан тақдирланган. Бундан ташқари, “Тасвирий санъат ҳафталиги” юксак маҳорати учун дипломи билан тақдирланган, 2007 йилда “Ўзбекистон Бадий Академияси” дипломи, “Ўзбекистон амалий санъат халқ хунармандчилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” дипломи, “Ўзбекистон халқ хунармандлари” ҳамда шу йили “Мустақиллик нафасида камол топган хунарманд” кўргазма қатнашчиси, 2014 йилда эса, “Эътироф” миллий мукофот совринини берилишига сабаб, йилнинг энг мохир хунарманди йўналиши ғолиби, 2001 йилда Жанубий Кореяда Ёшлар фестивалида Ўзбекистон хунармандлар вакили бўлиб қатнашган, 2011 йилда АҚШда Ўзбекистон ва АҚШ ёшлари ўртасида бўлиб ўтган тажриба алмашинувда муносиб иштирок этиб,[6] Мадир мактабини дунёга танилишга хизмат қилган. Шунингдек, уста кошинкорликни ҳам отасидан қунт билан ўрганиб, Республикамиздаги бир қатор ёдгорликларни безатиш жараёнида ўз маҳоратини кўрсатиб келмоқда.

Истиклол қўлга киритилган сўнг, Хоразмда Мадир ва Каттабўғ кулолчилик мактаблари ривожланди ва ҳудудий жиҳатлари ҳамда буюм ишлаб чиқаришда ўзига хос хусусиятларига эга бўлди. Мазкур кулолчилик марказлари ўзаро ҳамкорликда бир хил рангдаги зангори кулолчилик буюмлар ишлаб чиқариш билан боғлансалар-да, лекин идишларнинг кўриниши, шакли ҳамда рангининг бир-биридан ажралиб туриши билан ҳудудий хусусият касб этади. Кулолчилик буюмларидаги турли шаклдаги чизилган элементлар ва улардаги ранглар ҳамда белгиларга қараб, қайси мактабнинг иши эканлигини ажратиш мумкин.[7] Масалан, Мадир зангори кулолчилик мактабининг ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг ўзига хос томони

шундаки, бу марказда асосан, қадимий усулларда ўсимликсимон нақш элементлари чизилган бадий буюмлар ишлаб чиқарилади. Нақшлар асосан, Хива кулолларининг қадимий кошинкорлик нақшларига деярли ўхшаб кетади. Бу буюмларга ишланган нақшларнинг безак бериш сатҳига ҳам жуда мос тушади. Демак, нақш безакларидаги умумийлик ҳам ўзига хос боғланган. Каттабоғ кулолчилик мактабида эса бугунги кунда кўпроқ геометрик ва рамзий нақшлар берилган буюмларни тайёрланаётганлигини кўришимиз ва учратишимиз мумкин.[8]

Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби кулолчиликда ҳам ўзига хос туб ўзгаришлар рўй берди. Дастлабки йилларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан миллий хунармандчилик соҳасини эркин, демократик шароитларда ривожлантиришга эътибор қаратилди.[9] Кулол-усталарнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилинишига киришилди. Ҳозирда ҳам муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва таклифлари билан Хоразмда йирик “Каттабоғ кулолчилик маркази” ташкил қилиниб, унинг қадимий услабда янги биноси қурилиб, ишга туширилди. Бу эса ўз навбатида, йўқолиб кетаётган кулолчиликнинг қадимий анъаналарини қайта тиклаш ва бу орқали қадимий Хоразм зангори кулолчилигини ва ишлаб чиқарилаётган сопол идишларини бутун дунёга танитишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Бобоҷонов Д, М. Абдуллаев. Хоразм амалий санъати усталари. – Хива.: Хоразм Маъмун академияси, 2010. – Б.10-12.
- 2.Абдуллаев М. С. Хоразм амалий безак-санъатининг ривожланиш тарихи (XVI-XX аср бошлари). Санъат.фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. – Тошкент, 2018. – 185 б.
- 3.Дала маълумоти. Озод Султоновнинг хунармандчилик уй-музеи. Урганч шаҳри. 2020 й.
4. Урганч Темир-йўл шифохонаси дала архив ёзувлари. Урганч шаҳар. 2020 йил
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. // www.lex.uz
6. Республика “Хунарманд” уюшмаси жорий архиви. 2016 йил.
- 7.Хоразм ҳақиқати // 1985. 2 май – №85.
- 8.Дала ёзувлари. Янгиариқ Каттабоғ мактаби. 2020 й
- 9.Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг фармони. “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” // халқ сўзи. 1997, 1 апрел.

УЎК 93/94

БУХОРО ВИЛОЯТИДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИ Ш.З.Шарипов, ўқитувчи, Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро вилоятидаги миллий-маданий марказларнинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида фикр юритилади. Шунингдек миллий-маданий марказларда ўтказилган тадбирлар ва уларнинг мазмун-моҳияти тарихий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий-маданий марказ, миллатлараро тотувлик, “Дўстлик уйи”, ҳамкорлик.

Аннотация. В данной статье рассматривается организация и деятельность национальных культурных центров в Бухарской области. Также исторически проанализированы мероприятия, проводимые в национально-культурных центрах, и их содержание.

Ключевые слова: национально-культурный центр, межнациональное согласие, «Дом дружбы», сотрудничество.

Abstract. This article discusses the organization and activities of national cultural centers in the Bukhara region. The events held in the national cultural centers and their content are also historically analyzed.

Key words: national cultural center, interethnic harmony, "House of Friendship", cooperation

Кўхна Бухоро қадим шарқ цивилизацияси бешиқларидан бири сифатида асрлар давомида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маскани бўлиб келган. Бугунги кунда ушбу

анъаналар муносиб давом этирилмоқда. Ҳозир 40 дан ортик миллат вакиллари худуд ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий тараққиёти йўлида муносиб хизмат қилишяпти. Вилоятда 11 та миллий-маданий марказ фаолият юритмоқда. Вилоятда кўп йиллар давомида миллий-маданий марказлар ўз иш офисларига эга бўлмай, фаолиятини ривожлантириш учун ходимлар штат бирликлари ҳам мавжуд эмас эди. Шуни инобатга олган ҳолда ҳамда уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил июнь ойида Бухоро вилоят марказида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва Дўстлик уйи фойдаланишга топирилди. Вилоятнинг барча миллий-маданий марказлари ушбу Дўстлик уйида ўз муқим иш жойларига эга бўлишди. Мазкур бинода миллий-маданий марказларнинг фаолият юритишлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, фан тўғарақларини ташкил этишлари учун муносиб шароитлар яратилди.

Бухоро вилояти яҳудий миллий-маданий маркази томонидан иврит тилини бепул ўрганиш курслари, шунингдек, яҳудий ёзувчиларининг рус ва иврит тилидаги асарлари жамланган кутубхона ташкил этилган. Марказда иврит тилини ўрганиш бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар жамланган. Шу билан бирга марказда катта ёшлилар учун инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам ташкил этилган. Бухоро яҳудийлари “Шалом” миллий-маданий марказида ҳам миллий мақом санъатини ривожлантириш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўтказилаётган турли тадбирларда ушбу диаспора вакиллари томонидан ўзбек миллий мақомлари куйланади.

Ҳар йили “Ўзбекистонлик корейсларининг анъаналари ва урф-одатлари” номли Республика анжуман-семинари ўтказилади. Унинг натижасида тематик рисоалар чоп этилмоқда. Ёшлар маркази томонидан “Ватандошлар тармоғи” форуми, корейс анъаналари бўйича семинарлар ташкил қилинмоқда, халқ сайиллари ва хайрия тадбирларини ўтказишда ёрдам кўрсатилмоқда. “Коре”, “Котбонари”, “Самдиен”, “Сядал” ва бошқа кўплаб жамоаларнинг концертлари катта саҳналарда ўтказилмоқда [1, 14-15].

Бухоро вилоятида яшаётган немис миллатига мансуб кишилар кўпчиликни ташкил этмайди, бироқ уларнинг аксарияти совет тузуми давридаги “руслаштириш” сиёсатининг натижасида ўз она тилини унута бошлашган. Марказ шу жиҳатдан немис тилини вилоятдаги немис диаспораси билан бирга ўрганишни ҳоҳлаган бошқа кишиларга ҳам ўқитиш ишларини йўлга қўйган. Ушбу тадбирларни амалга оширишда немис миллий-маданий маркази Гёте институти, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, DAAD ташкилоти кабилар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бухоро вилояти Озарбайжон миллий-маданий марказида «Озарбайжон гўзаллари» номли рақс гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унда йигит ва қиз раққосалар гуруҳи барча тадбирларда фаол иштирок этади. Тадбирларни нафақат марказда, балки сайёр тадбирлар ҳам ташкил қилади. Вилоят тадбирларига, шаҳар фестиваллари ва байрамларига борадилар, у ерда марказ аъзолари «Озарбайжон гўзаллари» гуруҳи вакиллари иштирок этади. Уларнинг ҳаммаси озарий тилини билади, фарзандлари ҳам озарий тилини билиши учун ҳаракат қилади.

Рус маданият маркази томонидан “Нуронийлар уйида”, “Меҳрибонлик уйида”, бемор болалар мактаб-интернатида, “Чақалоқлар уйида” хайрия тадбирларини ўтказди. Концертлар ва томошалар билан бирга кийим-кечак, поябзал, шунингдек, қандолат маҳсулотлари улашилади. Ўтган давр мобайнида турли хил экспонатлар, жумладан рус миллий либослари харид қилинди. 2020 йил охирида Рус маданият маркази вилоят ҳокимлиги томонидан эълон қилинган грант соҳибига айланди. Ҳозирги кунда Бухоро вилояти Рус маданият маркази ўзи томонидан ишлаб чиқилган “Болалар боғчаси - мактаблар - университет - ўқитувчиларни тайёрлаш вилоят маркази” дастур ижроси бўйича ишлар олиб бормоқда. 2012-2021 йиллар давомида рус маданияти, рус халқининг урф-одатларини тарғиб қилиш, рус тилини миллатлараро мулоқот тили сифатида сақлаб қолиш бўйича кўп ишларни амалга оширилди. Рус классик адабиётини оммалаштириш бўйича адабий кечалар, мутолаа танловлари, юбилей кечалар ва учрашувлар ташкил қилиш каби ишлар олиб борилмоқда.

Туркман миллий-маданий маркази Бухоро вилоят бўлимида “Хушдепди” болалар ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Бухоро вилоятида туркман тилида 200 мингдан ортик

кишилар сўзлашади. Республика ва Бухоро вилояти миқёсидаги ўтказилаётган ҳар бир тадбирларда (Республикамизнинг Мустақиллик кунига бағишланган тадбирларда, Конституция кунига бағишланган тадбирларда, Янги йил, Ватан ҳимоячилари, халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз умумхалқ байрами, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Шу билан бирга атоқли Ўзбек ва Туркман шоирларининг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиб ўтказишмоқда.

Марказ фаолиятини ташкил қилишдан асосий мақсад, бугунги кундаги авлодга ота-боболаримиздан мерос қолган урф-одатлар ҳақида маълумотларни етказиш ва тарғиб қилишдан иборатдир. Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани 2-умумий ўрта таълим мактабида 2021 йилда бизларни миллий марказимизда ёзувчи – шоир, қозоқ халқининг биринчи педагоги Ибирай Алтинсариннинг 180 йиллиги, Устоз – улуғ ном, Абай Қунонбоевнинг 176 йиллиги, Муқағали Мақатаевнинг «Аққушлар ухлаганда» поэмасига бағишланган кўпгина тадбирлар ташкил қилинди.

Марказ мана шу ансамблларни қўллаб-қувватлаб, кўплаб концертлар ташкил қилиб, қозоқ маданиятини тарғиб қилади. Бухоро вилоятидаги миллий-маданий марказлар давлат дастурлари асосида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларда ҳам иштирок этмоқдалар. Хусусан, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида ўтказиладиган маданият ва дўстлик фестивалининг 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурининг 238 моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурининг 2 бандига мувофиқ ташкил этилди.

Бухоро давлат университетида ташкил этилган “Ўзбекистон – бағрикенг диёр” мавзуидаги фотокўргазмасига вилоятда фаолият кўрсатаётган 11 та миллий-маданий марказларнинг ҳаёти, турли миллат ва элат вакиллариининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини ўзида ифода этган 120 дан ортиқ расмлар намойиш этилди. Давра суҳбатида Республика Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими раҳбари Ш.Исмамовнинг “Жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш – Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг бош шартларидан бири”, Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Т.Очиловнинг “Бухоро вилоятида миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни таъминлашда давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини институтларининг ўзаро ҳамкорлиги” мавзусидаги маърузалари тингланди. Фестиваль вилоят босқичи тадбирлар дастурига мувофиқ, республика вазирликлари ва идораларининг вакиллари, вилоят ҳокимлигининг раҳбарлари иштирокида Пешкў ва Қоровулбозор туманларида бўлиб, турли миллат ва элат вакиллари билан мулоқотда бўлдилар. Бундай мулоқотлар ҳақиқий байрам руҳида ўтиб, Пешкў ва Қоровулбозор туманида истоқомат қилаётган қозоқ, туркман, тожик, рус, татар ва боқа миллат ва элатларнинг бетақрор анъаналари, урф-одатлари, амалий санъат ва миллий овқатлар кўргазмаси ташкил этилди[2].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро вилоятида миллий-маданий марказлар томонидан ташкил этилган тадбирлар ҳудуд ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга масалалардан биридир. Чунки, юқорида қайд этилганидек, вилоят кўп миллатли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Демак, халқлар ва миллатлар ўртасидаги тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик бирламчи масалалардан ҳисобланади. Бухоро вилоятидаги миллий-маданий марказлар республика миқёсида ўтказиладиган турли тадбирлар, хусусан, “Янги йил байрами”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Наврўз” [3, 169], “Мустақиллик байрами”, “Устоз ва мураббийлар куни”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни”, “Рамазон Ҳайити” ва “Қурбон Ҳайити” кабиларни нишонлашда фаол иштирок этади. Шунинг билан бирга ўз миллий тадбирлари ҳамда ўзларининг тарихий ватани ҳисобланган мамлакатларда нишонладиган турли маросим ва байрамларни ҳам вилоятда ўз диаспоралари иштирокида кенг нишонлашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Базарова М., Абдуллоева Г., Кузиев Н. Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар, – Тошкент: 2022. – Б. 14-15.

2.“Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остидаги маданият ва дўстлик фестивали// <https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/zbekiston-umumij-ujimiz>

3.Бухоро вилоят давлат архиви. Фонд-1459,** рўйхат-1, йиғма жилд-158, 168-169-варақлар.

**ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТИ**

*О.О.Шихов, т.ф.н, доцент, Урганч Давлат Университети, Урганч
М.Н.Маткаримова, магистрант, Урганч Давлат Университети, Урганч*

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган Ислохотлар давридаги Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар органлари тизимининг фаолияти келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: Ислохот, "Янги Ўзбекистон", "Учинчи Ренессанс", Халқаро ҳамкорлик, Хавфсиз ҳудуд, Хавфсиз маҳалла.

Аннотация. Отмечается деятельность системы органов внутренних дел Республики Узбекистан в период реформ, проводимых в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Реформа, «Новый Узбекистан», «Третий Ренессанс», Международное сотрудничество, Безопасная зона, Безопасное соседство.

Abstract. The activity of the system of Internal Affairs Bodies of the Republic of Uzbekistan during the Reforms implemented in the Republic of Uzbekistan is mentioned.

Key words: Reform, "New Uzbekistan", "Third Renaissance", International Cooperation, Safe Zone, Safe Neighborhood.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида ўтган қисқа давр ичида, ватанимиз ўзининг ички сиёсати ҳамда изчил ислохотлари билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб, халқаро майдондаги обрў – эътибори ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Ана шу боисдан ҳам бугун жаҳон миқёсида Ўзбекистон республикаси тўғрисида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда ваэ ьтироф этилмоқда.

Табиийки, бу эътирофлар Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қўйган кадамимиз, эришаётган ютуқларимизнинг дунёвий миқёсдаги тасдиғидир.

Ана шундай эътирофлар ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари юқори босқичга қўтарилган бир жараёнда, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган ислохотлар жадаллик билан давом этдирилмоқда. Натижада дунё ҳамжамияти кўз ўнгида “Янги Ўзбекистон” ўз тараққиётининг янги босқичига қўтарилиб, ватанимизда янги бир уйғониш – “Учинчи Ренессанс” даврига пойдевор қўйилди.

Жамиятимизда кечаётган ана шу ислохотлар жараёнида табиийки осойишталик ва тинчлик борасида катта саъйи-ҳаракат қилаётган Ички ишлар органларининг ўзига хос катта ўрни бор. Бу борада Ички ишлар фаолиятини бугунги давр талаби ва халқ хоҳиш-иродасини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш, қайта ислох қилиш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Табиийки бу ишлар жамиятимизда кечаётган янгиланишлар билан боғлиқ ҳолда, ҳамнафасликда яна давом этдирилмоқда. Айниқса бу борада “Қонун ва адолат – устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар” деган муҳим тамойилларни таъминлаш, ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган халқчил тузилмага, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бу борада, маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

Натижада ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Шу боисдан “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Бу борадаги жараёнда ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори ажратилиб, Республика бўйича уларнинг сони 10 минг 130 нафарга, Хоразм вилоятида эса 533 нафарга етказилиб, ўртача 3,5 минг аҳолига хизмат қилиниши таъминланди.

Ўтган 2021 йилда Республика бўйича тизимга 1100 нафар инспектор-психолог лавозимлари ажратилган бўлса, жорий йилда яна 900 нафар инспектор-психолог лавозимлари ажратилиб, Республика бўйича улар сони 2 минг нафарга етказилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилояти ички ишлар органларига 114 нафар инспектор-психолог лавозимлари жорий этилди.

Бундан ташқари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига 50 нафардан зиёд йўл патруль хизмати инспектори ва 30 нафардан зиёд бошқа хизматларга янги лавозимлар жорий этилди.

Энгмуҳими, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қарши тубдан ўзгариб, кундалик хизмат фаолияти давомида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш биринчи навбатдаги энгасосий вазифасига айланди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хоразм вилоятидаги жами 519 та маҳаллаларнинг 394 тасида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Негаки амалга оширилаётган ислохотлар замирида ички ишлар органларини аҳолига ва ҳар бир оиллага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантиришдек масъул вазифа турибди.

Ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар билан бир қаторда, фидойи ходимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан 2022 йилнинг 7 февраль куни “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий-ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзолангани соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш имкониятини яратди.

Албатта, бу имкониятлар Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари-Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари” учун яратилмоқда. Табиийки, Президент ва республика ҳукуматининг бундай имконият ва ғамхўрликлари Ички ишлар органлари ходимлари зиммасига янада катта масъулият ва бурчни юклайди. Зеро, ислохотлар давридаги республика ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси, халқ манфаати йўлида халқ билан бирга, халқ ичида юриб ўз муқаддас вазифаларини сидқидилдан бажаришларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуғофир Сатторов, “Эл-юрт осойишталиги генераллари”, Тошкент, “Нисо-полиграф” нашриёти, 2021 йил.
2. “Осойишталик йўлида бир аср (Хоразм ички ишлар органлари тарихи.)”, “Азмир нашр принт”, нашриёти, 2022 йил.

УЎК 93/94

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ХИВАДА “ТЎРТ ШАВВОЗ” ҲАМДА “САЙИД МУҲАММАД МОҲИРҲЎЙ” МАЖМУАЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

С.Ҳ.Фанжаров, талаба, Тошкент Давлат Педагогика Университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Хива шаҳридаги иккита зиёратгоҳ “Тўрт шаввоз” ҳамда “Сайид Муҳаммад Моҳирўй” мажмуалари тарихи ва ҳозирги кунда бу мажмуаларни қайта таъмирланиши йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди

Калит сўзлар: Хива, Тўрт Шоввоз, мажмуа, зиёратгоҳ, обида, Сайид Муҳаммад Моҳирўй

Аннотация. В данной статье приведены сведения об истории комплексов двух святынь «Турт Шавваз» и «Сайид Мухаммад Мохирои» в городе Хиве, а также о работах, проводимых в настоящее время по восстановлению этих комплексов.

Ключевые слова: Хива, Турт Шавваз, комплекс, святыня, памятник, Сайид Мухаммад Мохирои

Abstract. This article provides information about the history of the complexes of the two sanctuaries "Tort Shavvaz" and "Sayyid Muhammad Mohiroi" in the city of Khiva, as well as about the work currently being carried out to restore these complexes.

Key words: Khiva, Tort Shavvaz, complex, shrine, monument, Sayyid Muhammad Mohiroi

Хива - Марказий Осиёдаги энг қадимги қалъалардан бири бўлиб, жаҳон цивилизациясига ўзининг катта ҳиссасини қўшган шаҳардир. Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган меъморий обидалари бу шаҳарда яшаган аҳолининг турмуши, маданияти ва санъати қай даражада ривожланган эканлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қарорлари асосида республиканинг барча ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиздаги бошқа вилоятлар сингари Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларида зиёратгоҳларни обод қилиш, зиёратчилар учун зарур шароитларни яратиш бериш, шунингдек янги зиёрат йўналишларини ташки қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса Хива шаҳрида Ичон Қалъа ва Дишон Қалъа ҳудудларидаги зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш ва уларни обод қилиш ишлари йўлга қўйилмоқда. Хива шаҳри марказида ва бошқа йирик аҳоли пунктларида зиёратгоҳларга олиб келувчи йўналишни кўрсатувчи йўл кўрсаткич ва ахборот белгилари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда[1,1-илова,12-банд].

Хива шаҳрида Ичон Қалъадан ташқари Дешон Қалъада ҳам зиёратга ташриф буюрувчилар учун туризм салоҳияти юқори бўлган маданий мерос объектларидан бири бу “Тўрт Шоввоз” ҳамда “Сайид Мухаммад Мохирўй” мажмуаларидир[2,1-илова]. Республикамизда жами 321 та туризми йўналишларида фойдаланиладиган маданий мерос объектларининг 2021-2025 йилларда устувор равишда ташриф буюрувчи зиёратчилар учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда реставрация қилиш тўғрисидаги қарор иловасининг бандларига бу иккала зиёратгоҳ ҳам киритилган [3,2-илова, 278-291-бандлари]. “Тўрт Шоввоз” мажмуаси эски шаҳарнинг шимоли-шарқий томонида Мевастон маҳалласида жойлашган. Ҳозирги вақтда учта мадраса, масжид, минора, гумбазли таҳоратхона, ҳовуз, сардоба, йиқилиб кетган мадраса ва қорихоналар қолдиғидан иборат бўлган бу жой қадимда гуллаб-яшнаган марказлардан бири бўлган. 1922 йилдаги шаҳарнинг харитасида бу мажмуада 7 та мадраса (Тўрт шоҳбоз яъни Исфандиёрхон I, Худойберган карвонбоши, Мухаммад Раҳимхон II, Раҳматуллоҳ бой, Мирзо тожик, Фазочи ва Гадои Ниёз ясовулбоши мадрасалари) ва ўғил болалар учун мактаб ҳам бўлганлиги кўрсатилган. Мажмуанинг номи “Тўрт шоввоз”, “Тўрт шаббоз” шаклида адабиёт ва ҳужжатларда учраса, хиваликлар томонидан “Дўр шавуз буво” шаклида талаффуз ҳам қилинади. Нақл қилинишича, аввалига бу жойнинг номи Исфандиёрхоннинг жангда ҳалок бўлган учта севимли саркардаси номига қўйилиб, “Уч шоввоз” бўлган. Исфандиёрхон уларни жангдаги жасорати учун “Шоввозларим” (шаҳбоз-бургут) деб яхши кўриб ардоқлар экан. Шунинг учун вафотидан кейин ўзини ҳам шулар ёнига дафн қилишларини васият қилган экан. Унинг васияти бажарилгандан кейин бу жой “Тўрт шоввоз” номини олган экан.

Аллоҳёр ибн Худойберди шундай ёзади:- “Жон Мухаммад Азизлар дунёдин рихлат қилгонларида Исфандиёрхон Марвда эрканлар. Марвдин келиб пирларининг вафот этганини эшитиб, зиёда ғамгин бўлиб турурлар. Аркка кириб ўтирганидан кейин биродарларини чакириб, пири вафоти олдидан нима деганини сўради. Улар пирнинг айтган яхши насиҳатларини хонга айтиб бердилар. Хон хушҳол бўлиб, уларни бажаришга киришди”[4. Б.260]. Юқоридагилардан маълум бўлишича, Исфандиёрхон Нақшбандия тариқати

намояндаларига мурид бўлган ва уларни жуда ҳурмат этган, ўзи ҳам бу йўлда камолотга етган. Жанговор шаввозлари эмас, руҳий тарбиячиларига мақбаралар қурдирган ва улар ёнига ўзи ҳам “тўртинчи” бўлиб кирган.

Исфандиёрхон даврида Мевастонда улуғ авлиёлар учун мақбаралар бунёд қилиниб, бу жой мусулмонларнинг муқаддас даргоҳига айлантирилган. Оллоқулихон даврига келиб Тўрт шоввоз мажмуасида янги мадраса ва қорихоналар қурилган. 1843 йилда эса катта айвонли



масжид қурилиб, Муҳаммад Раҳимхон II замонида мажмуа тўлиқ шаклланиб улгурган. Бу вақтда учта янги мадраса қурилиши ниҳоясига етказилади.

Масжид деворига ўрнатилган мрамар тахтадаги ёзувлардан маълум бўлишича, 1874 йилда масжид Худойберган қарвонбошининг маблағи ҳисобига қайта тикланган.

Саййид Муҳаммад Моҳирўй мажмуаси 1884 йил Хива шаҳри Дешон Қалъа

худудида қурилган бўлиб, Хива шаҳрининг шимолий қисмида Сайид Аловуддин Хўжа эшон номли (шу бугунги кунларимизгача Чодирли эшон деб номланган) кўхна қабристон яқинида жойлашган. Мажмуада Қўнғиротлар сулоласи вакилларининг бир талай қабрлари, шу қабрларга атаб қурилган маҳсура, мақбара, мадраса ва масжидлар бугунги кунимизгача ўз улуғворлигини йўқотмай шаҳримизга кўрк бағишлаб турибди. Ушбу улуғ масканда Хива хонларидан Элгузархон (1804-1806 йй) ва унинг яқинлари, Муҳаммад Аминхон (1845-1855 йй) ва иниси Мусо тўра, Сайид Муҳаммадхон (1855-1864 йй), Муҳаммад Раҳимхон соний (1864-1910йй) ва невараси Темурғози тўра ибн Исфандиёрхон, ҳамда хон оиласига мансуб ўттиздан зиёд иноклар, тўралар, сайидлар ва Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг тоғаси Иброҳимхўжа (1889 йилда вафот қилган) ва унинг ўғли вазир Исломуҳўжа (1872- 1913 йй) яқинлари билан, шоир ва тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний (1840- 1926 йй) ўз қариндошлари билан абадиёт уйқусида барҳаёт ётишибди[5].



Ушбу мажмуа тарихини ўрганиш учун аввал Саййидлар тарихини, уларнинг кимлигини билиш зарур. Чунки, шундан кейин “моҳ”, “рўйи жаҳон” сўзларини тушуниш мумкин бўлади. Саййид сўзи арабчада жаноб, бошлиқ, етакчи маъносини англатиб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодларининг фахрий унвонидир. Мусулмон дунёсида шариф, хўжа, тўра сўзлари саййид атамасининг синоними сифатида ишлатилади. Айрим ҳолларда Муҳаммад

алайҳиссаломнинг қизлари Фотима, куёви Ҳазрати Алидан бўлган неваралари Ҳасан авлоди шариф, Ҳусайин авлоди саййид унвонлари билан алоҳида ажратилади[6].

Лақаби Саййид ота бўлган Саййид Аҳмад Хоразмга келган. Унинг ўғли Саййид Муҳаммаднинг қабри Амударёнинг шимолидаги Тўрткўл туманига қарашли бўлган ерда жойлашган бўлиб, унинг хонақоҳ ва миноралари дарё бўйида бўлгани учун 1887 йилнинг баҳоридаги Амударёнинг тошқини сабабли дарёга оқиб кетиш хавфи пайдо бўлган. Саййидлар авлодидан бўлган Хива хони Муҳаммад Раҳимхон бу воқеадан воқиф бўлиб, унинг хоқини (суякларини) Хивага келтиришни буюрган. “Риёз ал зокирин”да ёзилишича, Саййид Муҳаммаднинг чиройи мисли Юсуф пайғамбардек бўлган ва у йигитлик чоғида вафот этган экан. Ўзининг хусни бениҳоя чиройли бўлгани учун “Моҳирўйи Жаҳон” (жаҳондаги ой юзли, ер юзининг чиройлиси) лақабига мушарраф бўлган. Хоразмда дафн қилинган авлиёлар тазкирасини ёзган Маҳзун шундай ёзади, “Унинг хоқи Саййид Иброҳим хўжанинг саъи била хижрий сана 1304 да келтирилди (Хижрий 1304 – эрамизнинг 1886-1887 йилларига тўғри келади). Уч йилдан кейин ўзи ҳам вафот қилиб, Саййид Моҳирўйнинг устида ўзининг саъи билан бино бўлган улуғ гумбазнинг кунчиқар тарафидин дохил бўлатурғон (кириладиган) эшигининг тарафи шимолида кўйулунди, ўзларининг васияти билан. Оларнинг аҳволидин огоҳ бўлмоқ истаган киши макбараларининг устиндаги ёзилғон лавҳни ўқуб кўриб билсунлар”. Ўлчамлари 66x99 см. бўлган бу лавҳ бугунги кунда Хива “Ичон-Қалъа” музей-кўриқхонасининг Амалий санъат бўлимида сақланмоқда.

Саййид Муҳаммад Моҳирўй мажмуасида иккита мадраса, масжид, қорихона ва макбаралар сақланиб қолган. Мадрасалар Саййид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон II томонидан қурилган. Мажмуага кириш олдидан ўнг томонда Саййид Ислом хўжанинг макбараси жойлашган[7].

Саййид Муҳаммад Моҳирўйнинг қабри мадраса тўридаги кичик гумбазли макбарада жойлашган, унинг олдидаги зиёратхонадан катта гумбазли хонақоҳга кирилади. Бу ерда Саййид Муҳаммадхон (1821-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1845-1910) ва унинг невараси Темурғози тўра қабрлари жойлашган. Бу мажмуадаги Моҳирўйнинг оёқ учида кейинги хонларнинг ётиши ва уларнинг атрофида бошқа амалдорларнинг дафн қилиниши хонларнинг улуғ зот ёнида бунёд қилган иккинчи гўрхонаси айнан Паҳлавон Маҳмуд макбарасини эслатади.

Хулоса қилиб айтганда буюк Хоразмнинг ўзига ҳос маданияти, тарихи ва этнографияси бугунги кунларда ҳам ўзининг қадимий ва замонавий анъаналарини бутунлигича сақлаб қолиб, ижодий ва амалий жиҳатдан янгилана бориб, ҳозирги ҳаётимизни ҳам ҳар томонлама бойитиб, жаҳонга илҳомбахш ва ёрқин ҳамда бетакрор саҳифаларни тақдим этмоқда. Ушбу мажмуалар ўз даврининг маҳобатли иншоатларидан бири бўлиб, ҳозирги кунимизда ушбу азиз масканлар таъмирланиб, келажакда маҳаллий ва чет эллик сайёҳларнинг қадам ранжида қиладиган масканига айлантирилмоқда.

Шунингдек тарихий, диний-қадамжолар ва маданий мерос обидаларига бўлган қизиқиш ва катта эътибор ҳозирги замон туризм индустриясини катта бир қисмига айланиб бормоқда, улар зиёратчи ва сайёҳларни бир манзилдан иккинчи манзилга ёки бошқа минтақаларга ва шаҳарларга ташриф буюришига илҳомбахш таъсир кўрсатиб, уларнинг сонини ортиб боришига омил бўлмоқда. Бундай шароитда барқарор тараққиёт концепцияси принципларини зиёрат туризмига интеграциялаш ҳозирги глобаллашув ва диний таҳдидлар даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "ПФ-6165-сон 09.02.2021. Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" <https://lex.uz/tu/docs/5283956?ONDATE=10.02.2021%2000.1-илова,12-банд>.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорига 1-Илова. 100-сон 24.02.2021. Ички ва зиёрат туризмининг ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" <https://lex.uz/docs/5315060>.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорига 2-илова. 278-банд
4. Аллоҳёр ибн Худойберди. Риёз ал зокирин. Кўлёзма 534 б.
5. Мирзаев Ж. Термиз саййидлари. //Мулоқот. 1997. № 6. 46 б.
6. Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Тошкент 2010. 483 с.
7. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана.-М.: 1963. Соч. Т.2. ч.1.–284с.

ЯХЁ ҒУЛОМОВНИНГ ХОРАЗМ ТАРИХИГА ОИД АСАРЛАРИ

С.Ганжаров, талаба, Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада академик Яхё Ғуломовнинг “Хива ва ундаги меъморий ёдгорлар”, “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарларининг яратилиши, уларнинг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти ва фан оламида тутган ўрни ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Хоразм, В.Вяткин, меъморий ёдгорликлар, суғорилиш, тарих, археология, фан, академик.

Аннотация. В данной статье рассказывается о создании произведений академика Яхьи Гуломова «Хива и ее архитектурные памятники», «История орошения Хорезма», их значении в изучении истории Хорезма и их месте в мировой науке.

Ключевые слова: Хорезм, В. Вяткин, памятники архитектуры, ирригация, история, археология, наука, академик.

Abstract. This article describes the creation of academician Yahya Ghulomov's works "Khiva and its Architectural Monuments", "The History of Irrigation of Khorezm", their importance in studying the history of Khorezm and their place in the world of science.

Key words: Khorezm, V. Vyatkin, architectural monuments, irrigation, history, archeology, science, academic.

XX асрда Хоразм тарихини тадқиқ қилган олимлар орасида А.Якубовский, С.П.Толстов, Я.Ғуломов, М.Матниёзов, А.Сотлиқовлар яратган асарларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар ичида Яхё Ғуломовнинг монографиялари худудга ҳос муаммоларни таҳлил қилгани билан ажралиб туради.

“Яхё Ғуломов асли Тошкентлик бўлиб, 1908 йилнинг 1 май куни Шайхонтохур даҳасидаги Оқмачит маҳалласида туғилган. Бўлажак археологнинг отаси Ғуломхон қадим Шошдаги доврқ таратган Хўжа Аҳроқ мадрасасида мударрислик қилган, онаси Сорахон эса маҳалладаги мактабда қизларга сабоқ берарди. Ана шундай илмга ихлос қўйган оилада вояга етган Яхё болалигидан зеҳли бўлиб ўсди. Дастлаб ота-онасидан сабоқ олган бўлса, кейин “Намуна” номли мактаб-интернатда Лутфиллақори, Хатибзода, Исмоил муаллим, Ҳайдар Носирӣ, Акбар домла, Юсуф ва Эсон афанди каби шу даврдаги энг мўътабар ўқитувчилардан таълим олди. Бу масканда у Ойбек, Буюк Каримов, Фотиҳ Орифов, Абдулла Бобохонов, Исо Раззоқов, Ёқуб Алиев, Абдулла Раҳимов, Саидазим Усмонов каби келажакдаги ўзбек халқининг етуқ зиёлилари бўлиб етишган илму фан намоёндалари билан бир гуруҳда таълим тарбия олди “(1).

Айни пайтда Яхё ижодга бўлган иштиёқи сабаб “Булутлар”, “Турфа фолбин”, “Гидам жаллоби” сингари ҳажвияларини мактабнинг деворий газетасида чоп этдирди.

Ўсмирликнинг завқли онларини шундай хушнудлик билан ўтказган Яхё Ғуломов, 1927-30 йилларда Самарқанддаги ўзбек давлат педагогика академияси ижтимоий ва иқтисодий бўлимида таҳсил олади. Бу даргоҳда у Пўлат Солиев, Абдурауф Фитрат, Василий Вяткиндек ўз даврининг илғор зиёлиларидан сабоқ олди, Мусо Саиджонов билан ҳамкорлик қилиб, уларга ихлос қўйди.

Айниқса, Абдурауф Фитратдек ўз даврининг комусий олими, шоир, драматургнинг бўлажак Яхё Ғуломовга ўтказган таъсири, маслаҳату-насихатлари, ўз бошидан кечирганлари тўғрисидаги дардли ҳикоялари эса, Яхё акада шарқ зиёлисидек ибратли ШАХСни кўз ўнгида мужассамлаштирганди.

Ана шу маърифатпарварлар таъсирида Яхё Ғуломов тарих илмига ихлос қўйди ва профессор В.Вяткинга шогирд тутиниб, археологик тадқиқотлар олиб борди. Яхё Ғуломовнинг бевосита ўзи бошчилигидаги археологик тадқиқотлари Хоразм билан боғлиқ бўлди. Натижада ана шу археологик тадқиқотлари Хоразм тарихига оид ғоятда кенг қамровли асарларининг юзага келишига сабаб бўлди.

“Яхё Гуломов археологияда маълум бир тажриба, кўникма орттиргач, ана шундай жонкуяр Турди Мирғиёсов ҳамда касбдоши Рашид Набиевлар билан 1936 йилда Хоразмда ўзининг мустақил тадқиқотларини бошлаб юборди. 1937 йилдан бошлаб, улар сафига археолог А.И.Тереножкин ҳамда архитектор Б.Засипкинлар қўшилди”(2).

Яхё Гуломов Хоразмга келгач Хива шаҳридаги Ичан –қалъа меъморий обидалари, уларнинг қайси ҳукмдор ва амалдорлар даврида барпо этилиши бўйича “Хива ва ундаги меъморий ёдгорликлар” мавзусида изланишлар олиб борди. Абулғозихоннинг “Шажарайи турк”, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавсул иқбол” асарларини, наққош уста ва тарихчи Абдулла Болтаевнинг тажрибаларини ўрганди. Шунингдек, Хивалик моҳир усталар, хунармандлар, наққошлардан меъморий обидаларнинг барпо этилиш жараёни бўйича маълумотларни ёзиб олиб, уларни тарихий манбаларга таққослаб чиқди. Натижада 1936-1941 йиллардаги изланишларига илмий яқун ясаб 1941 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилди. Илмий иши асосидаги “Хива ва ундаги меъморий ёдгорликлар” монографиясини ҳам шу йили нашр этдирди.

2-жаҳон уруш даврида Тошкентда илмий-педагогик фаолият кўрсатган Яхё Гуломов, 1945 йил 9 майдаги ғалабадан сўнг яна Хоразмга келиб илмий тадқиқотларини давом этдиради. Яхё Гуломовнинг бу даврдаги илмий фаолияти “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” мавзусида эди. Яъни Амударёнинг Орол денгизигача куйилиши, Хоразм воҳасида дарёнинг ҳар иккала соҳилида барпо этилган қалъалар, каналларнинг қазилиши, сув билан боғлиқ афсона, ривоятлар, мироблар фаолияти бўйича тарихий асарлардаги маълумотларни тадқиқ қилди. Натижада Қуйи Амударё бўйларида олиб борган илмий тадқиқот ишларини умумлаштирган ҳолда, 1950 йили Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ана шу илмий иши асосида 1957 йилда русча, 1959 йилда бўлса ўзбекча “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” монографияси юзага келди.

Ушбу фундаментал, илмий академик асар Яхё Гуломовнинг тарихшуносликда ғоят теран тадқиқотчи эканлигини кўрсатди. Чунончи, сунъий суғоришга асосланган қуйи Амударё халқлари ҳаётида суғориш тизимининг ҳаётда тутган ўрни, асрлар мобайнида у билан боғлиқ бўлиб ўтган воқеа ҳодисалар монографияда ҳаққоний ёритилгани сабаб, асар кенг шуҳрат қозонди. Дунёга машҳур Эрмитаж музейи директори, академик Б.Б.Пиотровский таъкидлаганидек, “Яхё Гуломовнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси ҳисобланган суғориш соҳасидаги тадқиқотлари ҳақиқатан ҳам буюқдир”.

“Яхё Гуломов ушбу асарни ёзиш жараёнида Хоразмда ўзи ва С.Толстов бошчилигидаги археологик экспедиция натижаларига таянибгина қолмасдан, илгариги даврда суғорилиш тарихига, сув хўжалиги тизимига доир яратилган асарларниям кунт билан ўрганди. Айнан хонликнинг бош мироби бўлиб ишлаган Мунис, Огаҳийлар, хонлар сулоласига мансуб Баёний, “Туркистоннинг суғорилиш тарихи” ва ўлка тарихига оид яна юзлаб асарлар ёзган В.В.Бартольд, Хоразмда бўлиб бебаҳо манбалар тўплаган В.Каульбарс, А.Кун сингари олимлар асарларига эътибор берди”(3).

Бундан ташқари, “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” мавзусидаги докторлик иши ва монографиясини ёзиш жараёнида араб, форс тилидаги қўлёзма асарлар, рус тилидаги китоблардан 267 тасини ўқиб ўрганди, ўз асарида ана шу манбалардан иқтибос келтириб ўтди. Улардаги воқеликлар жараёнини бир-бирига таққослаб чиқди, шулардан келиб чиқиб мавзуга ёндошган ҳолда соҳага доир бетакрор асар яратди.

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Яхё Гуломов (1908-1977) нинг Хоразм тарихига оид ҳар иккала асари кенг қамровли, фундаментал илмий тадқиқот бўлиб, ушбу асарларсиз Хоразм тарихини, унда кечган жараёнларни тасаввур қилиш қийин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Мухаммаджонов, “Яхё Гуломовни хотирлаб”, Тошкент- “Шарқ”, 2008 йил, 23 бет.
2. У.Бекмуҳаммад, “Хоразмга ошуфта кўнгиллар”, Тошкент-“Янги аср авлоди”нашриёти, 2012 йил, 154 бет.
3. У.Бекмуҳаммад, “Яхё Гуломов”, Урганч-“Қувончбек Машхура” МЧЖ нашриёти, 2017 йил, 14 бет.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

UDC 378

MODERN REQUIREMENTS FOR SPECIALISTS OF A SECOND FOREIGN LANGUAGE*Z.I.Abdunazarova, teacher, Samarkand state institute of foreign languages, Samarkand*

Annotatsiya. Ushbu maqolada ikkinchi chet tili mutaxassislariga qo'yiladigan zamonaviy talablar, darslarni o'qitish, o'qituvchining kasbiy, shaxsiy va xilma-xil qobiliyatlari, hamkorlik muammolarini hal qilish, shuningdek, o'qitish jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalangan holda darslarni yanada samarali o'tkazish haqida so'z boradi. Bundan tashqari, filologiya va pedagogika sohasida o'z hissasini qo'shgan taniqli pedagoglardan bir nechta tushunchalari berilgan.

Kalit so'zlar: shaxsiy, muloqot, o'zaro hamkorlik, hamkorlik, kasbiy pedagogik faoliyat, kasbiy rivojlanish, o'qituvchi-fuqaro, o'z-o'zini takomillashtirish.

Аннотация. В данной статье рассматриваются современные требования к специалистам по второму иностранному языку, более эффективному проведению уроков с учетом различных аспектов преподавания, профессиональных, личностных и разнообразных возможностей учителя, решению проблемы сотрудничества, а также использованию информационных технологий в процессе обучения. Кроме того, приводится несколько концепций выдающихся педагогов, внесших свой вклад в сферу филологии и педагогики.

Ключевые слова: личность, коммуникация, взаимодействие, сотрудничество, профессиональная педагогическая деятельность, профессиональное развитие, учитель-гражданин, самосовершенствование.

Abstract. this article deals with the modern requirements for specialists of a second foreign language, conducting lessons more efficiently with the assisting of miscellaneous aspects in terms of teaching, teacher's professional, personal and diverse capabilities, resolving the problem of cooperation as well as utilizing information technology in teaching process. In addition, several notions are given from the prominent pedagogues who contributed in the sphere of philology and pedagogy.

Keywords: personal, communicative, interaction, collaboration, professional pedagogical activity, professional development, teacher-citizen, self-improvement.

Introduction. The issue of teaching a foreign language in higher educational establishment is now topical. Historically, it has been assumed that the success of educational activity is dependent on comprehending of pedagogy, its topic, and possession of its technique. Psychologists have demonstrated in recent decades that an educator's capacity to foster an atmosphere of mutual understanding and trust in the classroom encourages interactions, growth, and creative communication.

Pedagogues operate mostly on intuition, relying on their pedagogical gift. Even the most gifted individuals can feel useless and condemn themselves at times. Relationships with youngsters or adults are not always joyful. Many psychologists attribute this to the authoritarianism that exists in our culture and, as a result, in University. Attempts to forsake "team" education and training results in anarchy and disaster. Such a paradox heightens the sense of alienation and worry. As a result, adults and children are unable to communicate in a common language.

The characteristics of a mentor's professional-subject, personal (individual psychological), and communicative (interactive) attributes define his professional activity.

The following functions are characteristic of the professional activity of an instructor of any subject:

- developing;
- educating;
- communicative;
- gnostic;

- structurally-planning;
- organizational.

At the same time, the topic instructor has a distinct professional specialty. As a result, a foreign language teacher must have a high degree of understanding of a foreign language, as well as linguistic and socio-cultural information, teaching methods, and new advancements in this sector. In terms of foreign language teaching methodology, a student as a future educator should not only be taught how to teach phonetics, vocabulary, grammar, and different types of speech activity in a foreign language, but also form a system of methodological concepts, categories, and demonstrate their interrelationship and interdependence. Furthermore, it is becoming increasingly important to focus on the development of each student's specific skills, on the education of clever, thinking persons who are predisposed to self-education.

Professional pedagogical activity takes place in particularly structured educational institutions such as preschool institutions, schools, vocational schools, secondary specialized and higher educational institutions, institutions of supplementary education, advanced training, and retraining.

Pedagogical skill and educational skill are the fundamental qualities of a teacher's pedagogical activity and markers of his professional advancement.

Pedagogical proficiency is defined as a teacher's level of professionalism that includes a thorough knowledge of his/her academic subject, a good command of psychological and pedagogical theory, and a system of educational skills and abilities, as well as fairly developed professional and personal properties and qualities, all of which allow for adequately qualified training and education of students. [1]

Pedagogical expertise is the foundation of a teacher's professionalism, and it is impossible to function in a school without it. The next level of professional development is pedagogical skills.

Pedagogical mastery, as a qualitative characteristic of the teacher's educational activity, is nothing more than the teacher's educational and educational skill brought to a high level of perfection, which is manifested in the special refinement of methods and techniques of applying psychological and pedagogical theory in practice, ensuring high efficiency of the educational process. [1]

It is stated that teacher is more than just a teacher; he or she is also an actor, artist, sculptor, and so on. For him, every lecture is a performance in which he is the main character, the director, and the director. His ability, knowledge, talents, and, of course, imagination influence how the session goes, how pupils absorb the content, and how they arrive at the following lesson.

Pedagogical creativity is defined by the incorporation of specific methodological alterations into educational activity, as well as the rationalization of teaching and rearing approaches and procedures without disrupting the pedagogical process.

A mentor is not only a career in which the essence is to convey information, but also a lofty purpose of establishing a personality and confirming a person in a person. In this sense, the purpose of pedagogical education may be defined as the continual general and professional growth of a new type of teacher, who is distinguished by the following characteristics:

- high civic responsibility and social activity;
- love for children, the need and ability to give them your heart;
- Complex (lexical and grammatical) translations

When structural and conceptual elements of the source language can be translated into the target language the translator uses direct procedures. There are three main direct techniques: Borrowing, Calque, Literal translation [4;2].

Borrowing: this is the easiest and most straightforward technique in translation. It is the way of not translating at all, all the translator has to do is just conserving the word or an expression unchanged from the source language into the target one. It should not be transferred, but instead ought to be used directly in order to give the passage the basic sense when no equal word exists in the target language. For example, the word “*kurash*” is recently recognized as international word as there is no equivalent in any other language which makes this word borrowing for other language.

Calque: as explained above it is a particular type of borrowing in which an expression is borrowed from the source text by translating every word or part of a word separately. Sometimes calques work, but sometimes they do not. But calque can be very tricky as it may lead to the translators false friend (direct and incorrect translation), for example: *do'ppi* – *doppi* (*not skullcap*), *beshik* – *beshyk* (*not cradle*), *chopon* – *chapan* (*not robe*)

Literal translation: Unlike borrowing, literal translation is the procedure of translating each word separately, without looking at how the words are used in a phrase or a sentence [5]. It was claimed by J.P.Vinay and J.Parbalet that literal translation can only be used between two languages with extremely close culture terms, it may only be accepted when the translated texts retains the same syntax, the same meaning and the function as the original text, for example: *Quelle heure est-il?* – *What time is it?* But if the same question was literally translated it would sound like “*Какое это время?*” and would have the right meaning asked in the basic question because the literal translation may lead to mistranslating of idioms and proverbs that is why it is better to learn the type of the sentence and look for the equivalents. For example, the Uzbek proverb “*Sabrning tagi sariq oltin*” may literally be mistranslated as “*the base of patience is yellow gold*” which does not give any sense of comprehension, but in the case of selecting an equivalent, it would sound like “*Rome wasn't built in a day*” or “*Everything comes to him who waits*” which would be more natural. If the idiom “*Put your feet in your mouth*”, which means “*to say something without thinking*”, was literally translated into Russian, we would end up with “*Положить свою ногу в рот*” or another idiom “*Feel under*

the weather”, which has the meaning “to feel slightly ill”, would be like “Быть под погодой” in the case of the literal translation, which would not only be wrong, but definitely extraordinary. Proverbs and idiom have to be applied to the particular technique explained below.

According to the work of J.P.Vinay and J.Parbalet, which dates back to 1958, translation consists of another four categories excluding the ones we have already clarified.

Modulation is about changing the form of the text or the phrase by involving a semantic change.

Example: *Men esimni taniganimdan beri sizga qarashaman, ro'zg'or ishini butkul qo'linga olsamu sizni yetti qavat ko'rpachaga o'tqazib qo'ysam deyman*

(A.Qahhor, Dahshat) – I've been helping with the household since I knew my name, and now I would like to **show my respect and gratitude** by doing all the housework by myself and taking care of you. (A.Kahhor, Horror)

Equivalence or reformulation is a technique which uses completely different expressions and words to give the same meaning, this technique is the one that should be used for idiom and proverb procedures rather than literal technique.

Example: *O'zi shoir ekan. Ishqilib, maqtab yozsin-da, deb soyasiga ko'rpacha yozgudek yelib-yugurib xizmat qildim.* (S. Anorboev, Oqsoy) – He is a poet. Well, I am **blarneying** him so that he would praise us on his poems. (S.Anorboev, Aksay)

From all said above, we can conclude that all the techniques are important according to their functions within a text, a sentence or even a word. They ought to be used in the right place so that the translator can achieve the expected result from the procedure.

As Snape and Spencer pointed out, examining the way knowledge is produced within different discourses and the performances, linguistic styles and rhetorical devices used in particular accounts[8;302-320]. In order to highlight linguapragmatic peculiarities of ‘linguaculturemes’, we decided to analyse them in different discourse.

The first example that is going to be analyzed is “chimildyk” in different discourse:

Uzbek: *Oftoboyimni yupatish uchun o'tkan-ketkandan va boshda yig'lab erga tekkan qizlarning **chimildiqda** yigit bilan apoq-chapoq bo'lishib ketkanlaridan hikoya qildi.* (A.Qodiriy “O'tkan kunlar”)

English: *He tried to calm down Oftoboyim speaking about how how the girls, who had cried severely, at first, but got on well with the young man in **chimildyk**.* (Days goneby, A.Kadiriy)

Uzbek: *Men bunday yig'loq qizlarning ko'pini ko'rdim, shunday qizlarning uyalmay - suyalmay **chimildiqda** hatto yigitdan ham ortdirib harakat qilganlarini ham ko'rdim.* (A.Qodiriy “O'tkan kunlar”)

English: *I've seen a lot of crying girls like that and I've even faced those who try to outdo the guy in **chimildyk**.* (Days goneby, A.Kadiriy)

Uzbek: *Kelin-kuyov ostona hatlab **chimildiqqa** kirar ekan, bunda yangalarning o'rni katta. Ikki yoshga ular bosh-qosh bo'lishi xalqimizning azaliy urf-odatlaridan.* (“Sug'diyona” gazetasidan)

English: *As the bride and groom step on the threshold and enter **chimildyk**, the role of the yangs is great. It is one of the ancient traditions of our people that they are two years old.* (Newspaper Sogdiana)

As the word ‘chimildyk’ is the concept peculiar to Uzbek language, there is no equivalent in English. Furthermore, as can be seen from the examples taken from different types of sources, its basic meaning relates to the decorated with white, floral patterns drawn to the corner of the house on the first night of the wedding so that the bride and groom can sit and spend the night alone.

The next word for analysis is “beshyk” in different discourse

Uzbek: ***Beshikdagi** Uchqun uydagi harakatni sezib, ovozlarni eshitib, hadeganda uxlay bermadi.* (H. G'ulom, Mash'al)

English: *Uchkun in **beshyk** felt the movement in the house, heard voices, and could not sleep.* (H.Gulam, Flambeau)

Uzbek: *Muborakning otasi qishda duradgorlik qilar, eshik, **beshik**, sumak, sandal, zarang tovoq yasardi.* S. Nurov “Maysalarni ayoz urmaydi”

English: *Mubarak's father was a carpenter in the winter, making doors, beshyks, sumacs, sandals, and zarang dishes. (S.Nurov, Verdures are not frozen)*

Uzbek: *Beshikkerti bo'lgandan buyon, har yil rasm-rusmlarini qilishib, yaqin vaqtlarda to'yligini ham berib qo'yibdi. (Hamza, Boy ila xizmatchi)*

English: *After having beshikkerti, every year they hold all necessary ceremonies along with "to'ylik" (Hamza, The rich and a servant)*

Uzbek: *Baxt beshigin quchoqlab, bizni ulg'aytirdingiz.. (G'. G'ulom, Asarlar)*

English: *Holding happiness in you, upbrought us kindly. (G.Gulam, Selected works)*

Uzbek: *Nyurnberg yamyashil o'tloqlar million-millionlab qo'zi, toychoqlarning beshigi bo'lur. (G'. G'ulom, Asarlar)*

English: *Nuremberg is the land of green meadows and millions of lambs and foals. (G.Gulam, Selected works)*

As far as all examples are highlighted above, the linguacultureme 'beshyk' plays an important role in Uzbek culture. It determines not only the item which baby is laid but also there are more than 10 ceremonies that take place traditionally. If the last two examples are analyzed pragmatically, its basic meaning will disappear in translation. In the former one, 'beshyk' – 'baxt beshigi' had a meaning of the basis of something so it had been translated into English as "happiness in", also in the latter example, it's meaning expresses the cornerstone of a certain phenomenon as 'toychoqlarning beshigi' was translated as "the land of lambs. However, this culture-related concept depicts that 'beshyk' is the place where all things are commenced and all occasions are start getting hold of.

To sum up, this article involves basic analysis of the culture-related concepts. In particular, different types of approaches of translation which could be utilized in translation of lingua-cultural concepts are provided above. With the help of those methods of translation, we made analysis of linguaculturemes which are unique for the Uzbek language. However, there had been some obstacles when such words are combined within idioms or other collocations. In other words, such words have been interpreted into English in order to keep its fundamental meaning. While providing interpretations of Uzbek realias, we tried to give its evolution, how it appeared, and its current role in today's culture. Furthermore, in order to elucidate linguapragmatic features of those culture-related concepts, we provided several examples in different discourse. By giving such examples, it became clear that such words can mean totally different in different discourse. In other words, the expressions analyzed under lingua-pragmatics have a unique value in being used as they are in social interaction: changing them in any way different from the norm would imply either changing the social values expressed by them as in the examples.

REFERENCES:

1. <https://culturesconnection.com/20quotes-about-translation>
2. <https://culturesconnection.com/7-translation-tecniques>
3. Zoya Proshina "Theory of translation" chapter 5, p35.
4. Translation techniques second year level at University of Abou Bakr Belkaid, department of English, Unit 1, lecture 2 p2
5. Cambridge English Dictionary, <https://dictionary.cambridge.com>
6. Musaqulov A. O'zbek xalq lirikasi. – Toshkent: Fan, 1995, B.97
7. Влахов С. И., Флорин С. П. Непереваемое в переводе, - М., Международные отношения, 1980, С.333
8. Лобачева Н. П. Различные обрядовые комплексы в свадебном торжестве народов Средней Азии и Казахстана // До мусульманская версия и обряды в Средней Азии. –М.: Наука, 1975, 302-320 стр.

UO'K 801.41

SO'ZLASHUV VA BADIY NUTQDA INTONATSIYANING ROLI

A.A.Haydarov, prof., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro
D.Mansurova, magistr, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Ma'lumki, fonostilistika tilshunslkning keyingi taraqqiyotida fonetika va stilistika fanlari orasida paydo bo'lgan yangi yo'nalishdir. Fonostilistikada nutq tovushlarining uslubiy xususiyatlari, shuningdek, supersegment fonetik vositalar: intonatsiya, pauza va urg'uning konnotativ ma'no ifodalashi o'rganiladi. Intonatsiya nutqning sintaktik ma'nolari va emotsional –

ekspressiv bo'yoqlarini ifoda qilish uchun xizmat qiluvchi ritmik – melodik tomoni, ovoznining baland – pastligini ifodalovchi supersegment elementidir. Ushbu maqolada intonatsiyaning konnotativ ma'no ifodalash darajasi haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: *Fonostilistika, intonatsiya, pauza, urg'u, ritmik – melodik, nutq tempi, nutq tembri, logik urg'u, emfatik urg'u, emotsional – ekspressivlik.*

Аннотация. *Известно, что фоностилистика – это новое направление, возникшее между науками фонетикой и стилистикой в дальнейшем развитии языкознания. Стилистические особенности звуков речи в фоностилистике. Также изучаются надсегментные фонетические средства: интонация, пауза, ударение, которые выражают коннотативное значение.*

Интонация — надсегментный элемент, служащий для выражения синтаксических значений и эмоционально-экспрессивной окраски речи, рифмо-мелодической стороны, высокого-низкого голоса. В статье рассматривается уровень коннотативно-смысловой экспрессии интонации.

Ключевые слова: *фоностилистика, интонация, пауза, ударение, ритмико-мелодический, темп речи, тембр речи, логический акцент, эморатический акцент, эмоционально-экспрессивность.*

Abstract. *It is known that phonostylistics is a new direction that emerged between the sciences of phonetics and stylistics in the further development of linguistics. Stylistic features of speech sounds in phonostylistics. Also, supersegmental phonetic means: intonation, pause, and stress, which express connotative meaning, are studied. Intonation is a supersegmental element that serves to express the syntactic meanings and emotional-expressive colors of speech, the rhythmic-melodic side, and the high-low voice. This article discusses the level of connotative meaning expression of intonation.*

Key words: *phonostylistics, intonation, pause, stress, rhythmic-melodic, tempo of speech, timbre of speech, logical accent, emfatic accent, emotional - expressiveness.*

Tavsifiy fonetikada nutq tovushlari, ularning hosil bo'lishi, tiplari, bo'g'in, intonatsiya, pauza kabi fonetik hodisalar va ularga xos xususiyatlar haqida fikr yuritiladi. Nutqiy aloqa jarayonida qayd qilingan hodisalar yaxlit bir sistemaga birlashib, nutqiy akti yuzaga keltiradi. Shuning uchun ham bunday hodisalar talqini va tadqiqida ularni alohida –alohida o'rganish bilan birga, biri ikkinchisini taqozo etuvchi hodisalar, boshqacha aytganda, biri ikkinchisiz yashay olmaydigan birliklar ekanligini nazarda tutish kerak [1,24 – 28].

Intonatsiya supersegment fonetik vositalardan biri bo'lib, unga “nutqning sintaktik ma'nolarini va ekspressiv – emotsional bo'yoqlarni ifodalash uchun xizmat qiluvchi ritmik – melodik tomoni, ovoznining baland – pastligi,ohangi” deb ta'rif berilgan [5,45].

Tilshunoslikda intonatsiyaning ikkinchi nomi intonema, u bilan shug'ullanuvchi sohaning nomi esa intologiya ekanligi ham qayd etilgan [2,23].

Yevropa va us tilshunosligida intonatsiya masalalari: Antonova D.N, Artyomov Z.A, Barishnikova K, Brizgunova E.A, Zlatouyetova L.V, Kanxter L.A, Machnova P.A, Muxanov N.A, Peshkovskiy M, Svetazarova N.D, Torouyev G.P, Trubetskoy V.A kabi tilshunoslarning ilmiy ishlarida yoritilgan. O'zbek tilshunosligida esa intonatsiya haqidagi mulohazalarni A. G'ulomov, A. Abduazizov, A. Abdullayev, B. Yo'ldoshev, H. Yo'ldosheva, S. Karimov, J. Mamatov, A. Mahmudov, E. Qilichev, G. Yaxshiyeva, B. O'rinboyev, R. Qo'ng'urov, A. Haydarov, I. Hojialiye, M. Mirtojdiyev kabi tilshunoslar asarlarida uchratish mumkin. Yuqorida nomlari tilga olingan olimlarning fikricha, intonatsiya gapning mantiq urg'usi, emfatik urg'u hamda pauza kabi omillarning har biri o'zicha mustaqil vazifa bajara olmasligi, ularning yig'indisi bir butun hamda nutqning talaffuz qilingan qismi intonatsiyasi bo'lishidir. Intonatsiya bahsida gap tezligi, gap ohangi, gapdagi pauzalar haqida mulohaza yuritish lozim bo'ladi. Intonatsiya nutq uslublarining barchasida uchraydi. Ilmiy uslubdan tashqari qolgan barcha nutq uslublarida intonatsiyaning konnotativ ma'no ifodalash darajasi kuchlidir. Og'zaki nutqda intonatsiya yozma nutqda tinish belgilari vositasida amalga oshiriladi. Intonatsiya gapda turli xil vazifalarni bajaradi. Jumladan, u gap tipini,

komponentlari orasidagi bog'lanishni, modallikni, emotsional bo'yog'ini hamda gapda ifodalangan sanash, qarama – qarshi qo'yish, chog'ishtirish kabi qo'shimcha ma'nolarni ifodalaydi.

“Ilmiy ma'nalarda” – deb yozadi tilshunos olim S. Karimov, takt intonatsiyasi degan tusuncha mavjud. Matn tarkibidagi gaplar muayyan taktlarga bo'linar ekan, gapning ushbu qismlari alohida intonatsiya bilan talaffuz etilishi zarur bo'ladi, takti poetik matnlarini o'qilishidagi maromlilik desak, deb ushbu to'rtlikni keltiradi [3, 23].

Daryolardan/ talab qilma suv,

Daraxtlardan/ so'rama soya.

Unut bo'lgan/ bundayin tuyg'u;

Badar ketgan/ bundayin g'oya. (A. Oripov)

Emotsional – ekspressivlikni ifodalashda intonatsiya alohida xarakterga ega, u har qanday gapning asosiy va xarakterli belgisidir. Emotsionallik gap tezligiga qarab ham belgilanadi. Shu sababdan darak gapga nisbatan so'roq gaplar ohangi davomli talaffuz etiladi.

Masalan: Why should it worry you?

What's the good of doing that?

How about phoning them?

Ajratilgan gap bo'laklari, undalma, kirish so'zlar, og'zaki nutqda ohang bilan ajratiladi, yozma nutqda esa tegishli tinish belgilari bilan ajratib yoziladi.

Masalan: **Really!** Well you must get him.

Ushbu misoldagi **Really** kirish so'zi yozuvda undov bilan ajratilgan bo'lsa, og'zaki nutqda intonatsiya bilan talaffuz qilinadi.

- **Perhaps**, it will rain!

Misoldagi **perhaps** kirish so'zi yozuvda vergul bilan ajratilgan, og'zaki nutqda esa intonatsiya bilan talaffuz etiladi. Intonatsiyaning emotsionallik jihati asosan uslubiy ma'no ifodalaydi. Intonatsiya so'zlovchining nutqiga ma'lum uslubiy bo'yoq berishda muhim fonostilistik vosita bo'lib xizmat qiladi. Uslubiy ma'no ifodalandimi, unda albatta konnotativ (qo'shimcha) ma'no ifodalashi tabiiydir. Bunday konnotativ ma'nolar e'tiborsizlik, sovuqqonlik, befarqlik, qat'iyatlilik, do'q – po'pisa qilish, yalinish, iltimos kabilardir. So'roq gaplarda esa past – pasayuvchi (low – low) ohang asosan jiddiylik, ma'suliyatlilik, javobgarlik, vaziyatni to'g'ri baholash kabi konnotativ ma'nolarni ifodalaydi [4, 69-72].

Quyidagi misollar tahliliga e'tibor qaratamiz.

a) Holatni ifodalashda:

Pete plays football very well. – Petya futbolni juda yaxshi o'ynaydi.

Ushbu gap talaffuzi jarayonida ovoz pastga tushadi hamda qoniqish, zavqlanish, xursandlik kabi konnotativ ma'nolar ifodalanadi.

b) Buyruqni ifodalashda:

Go out! – Tashqariga chiq!

Buyruq ohangida talaffuz qilinga ushbu gapda buyruq, do'q urish, qat'iyatlilik kabi “qo'shimcha” ma'nolar yuzaga chiqadi.

c) Umumiy so'roq gaplarda:

Do you mind my opening the window? – Derazani ochishga qarshi emasizmi?

Ushbu gapda so'roq mazmuni bilan bir qatorda “iltimos”, “yalinish”, “iltifot qilish” kabi “qo'shimcha” ma'nolar ifodalanganligini ko'rish mumkin.

d) His – hayajon gaplarda: What a fine day! – Qanday ajoyib kun!

Ushbu gapda diqqatni tortish, xursandlik, zavqlanish, taajjub kabi konnotativ ma'nolar ifodalangan. Yuqoridagi gaplarning tahlili shuni ko'rsatadiki, intonatsiyaning o'zgarishi bilan so'zlovchining turli xil xissiyotlari ifodalanadi, ya'ni jumlar bir – birdan ajratiladi va so'zlovchi o'zi aytgan fikriga bo'lgan pragmatic munosabatini ko'rsatadi. Intonatsiya nafaqat so'zlashuv, badiiy nutq uslublarida, balki poeziyada ham muhim rol o'ynaydi. She'r turoqlarining talaffuzida intonatsiyaning ahamiyati katta bo'lib, she'riy asarlar qofiyaga asoslangan bo'lib, intonatsiyasiz o'qishga she'r mazmunsiz va to'mtoq bo'ladi. Nazmiy asarlarning ta'sirchanligini oshirishda shoirlar takror stilistik figurasidan unumli foydalanadilar, takrorga asoslangan she'rni intonatsiya

bilan o'qish yoki aytilish muhim fonostilistik vazifani bajaradi. Quyidagi she'riy misralar so'z takroriga asoslangan:

It was many and many a year ago,
In a kingdom by the sea.
That a maiden there lived whom you may know.
By the name of Amable Lee.
And this maiden [she lived with no other thought]
Than to live and be loved by me (A. Poe)
Quyidagi she'rda esa bir xil tovushlarning takrori aks etgan.
Sim –sim yomg'ir sirli soz misol.
Pichirlaydi asta tabiat.
Saxiyliги ortganday qat – qat.
Go'yo deydi ol, ol, olib qol (Mirtemir “ Yoz – yomg'iri”)

Yuqorida keltirilgan har ikkala tildagi she'riy parchalarni intonatsiya bilan o'qish kitobxon xotirasida uzoq saqlanadi, hamda uni zavqlantiradi.

Xulosa. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki og'zaki nutqni intonatsiyasiz shakllantirib bo'lmaydi. Qaysi bir fonetik xodisa stilistik vazifani bajarayotgan bo'lmasin, uni intonatsiyasiz tasavvur etish qiyin. Intonatsiya so'zlovchining nutqiga ma'lum uslubiy bo'yoq berishida muhim fonostilistik vosita xisoblanadi. Intonatsiya orqali konnotativ ma'no ifodalanishi boshqa til birliklariga qaraganda kuchliroq bo'ladi. Intonatsiya va uning komponentlari: Pauza va urg'ularning nutqda bir vaqtda qo'llanishi kuchli konnotativ ma'noni ifodalaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abduazizov A.A. Fonostilistik vositalarning o'rganilishiga doir.// O'zbek tili va adabiyoti – T.1985. N 2. – B. 24 – 28.
2. Jamolxonov. X. O'zbek tilining nazariy fonetikasi. – T: “Fan”, 2009 – B.170.
3. Karimov S.A. O'zbek tilining fonetik stilistikasi. Samarqand . 2016. – B.23.
4. Haydarov A.A. Intonatsiyaning uslubiy xususiyatlari. BuxDu Ilmiy Axbaroti. 2006. N1. – B. 69 – 72.
5. Xojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati. – T: 1985. – B.45
6. Nazarova Navbahor Ahrorovna. (2022). Semantic properties of anthroponyms. Indonesian Journal of Innovation Studies, 18.

UDC 81`373.237

ANTROPONIMLARNI TAHLILIIY O'RGANISH

A.A.Haydarov, prof., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro
R.Mo'minova, magistr, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotasiya. Ushbu maqolada antroponimlarni tilshunoslikda tahliliiy o'rganilishi, muhim o'rin egallashi va bir necha olimlar tomonidan izlanishlar olib borilganligi masalasi tadqiq etilgan. Ijtimoiy hayotda antroponimlarning o'rni, ahamiyati ilmiy nuqtai nazar bilan izohlangan.

Kalit so'zlar: antroponim, onomastika, shaxs, familiya, tadqiqot, ilmiy

Аннотация. В данной статье рассматриваются антропонимы, их аналитическое изучение, их важная роль в языкознании, а также исследования, проведенные рядом ученых. С научной точки зрения изучена роль и значение антропонимов в общественной жизни.

Ключевые слова: антропоним, ономастика, лицо, фамилия, исследование, научный

Abstract. This article examines anthroponyms, their analytical study and important role in linguistics, and the research conducted by several scholars. The role and importance of anthroponyms in social life has been studied from a scientific point of view.

Keywords: anthroponym, onomastics, person, surname, research, scientific

Kirish: Tilshunoslikda kishi nomlarini o'rganish, biror-bir ismning paydo bo'lishi, tanlanishi va ism qo'yilishi masalalari ko'p vaqtdan buyon tilshunoslar, etnograflar va nomshunoslar diqqatini jalb etib kelayotgan sohadir. Ismlarning yuzaga kelishi nafaqat ma'naviy, balki moddiy va amaliy tadbirlar hisoblanadi. Antroponimlar xalqning milliy-madaniyati, urf-odatlarini, etnik kelib chiqishi, udumlari bilan bevosita bog'liq. Ismlar shaxsning sog'lig'iga, kelgusi taqdiriga, kelgusidagi hayotini

belgilashda asosiy rol o'ynaydi. Tilshunoslikda antroponimlar inson va uning qarashlari bilan uzviy bog'liq bo'lganligi bois, tadqiq va tahlil qilish, semantik xususiyatlarini o'rganish, qiyosiy tahlil qilish mavzuning dolzarbligini belgilaydi.

Muhokama: Ma'lumki, *antroponim* (yunoncha: *antropos* - *antropos* + *onoma-atoqli ot*) – kishi atoqli oti (ism, familiya, laqab, taxallus, patronim va boshqalar). Ma'lum bir tilda mavjud bo'lgan barcha kishi atoqli otlari majmui, fondi *antroponimiya* deb ataladi. esa onomastika (nomshunoslik)ning Kishi atoqli otlari (antroponimlar)ning paydo bo'lishi, rivoji va vazifaviy xususiyatlarini o'rganuvchi bo'lim antroponimika yoki ismshunoslikdir. Odamlar ismi, ularning tarqalganligi, kelib chiqishi, jamiyatda amalda qo'llanishini va bundan tashqari antroponimik tizimlar tuzilishi hamda rivojlanishini o'rganadi. Atoqli ot turlari, taxallus, laqab, shaxsni atashlikning turli usullari ham Antroponimlar tadqiqot manbaidir. Masalan, Bahouddin Naqshband islom olamining eng mashhur avliyolaridan biri, naqshbandiya tariqatining asoschisi. Muhammad binni Muhammad Bahouddin an-Naqshband ... Bahouddin yoki Xoja Bahouddin, Balogardon, Xo'jai Buzruk, Shohi Naqshband deb atashardi, Bahouddin shaxsning xos ismi, Naqshband – kasb darajasini anglatadi, Balogardon – zamondoshlari, xalq tomonidan berilgan sifat (balolarni qaytarguvchi degan ma'noni bildiradi), Muhammad – otasining ismi (familiya hisoblanadi).

Dunyodagi turli xalqlarda turlicha antroponimik tizim mavjud bo'lgan. Mac, Qad. Rimda har bir erkak xos ismi oldidan keladigan nomga – avloddan av-lodga o'tadigan urug' nomiga ega bo'lgan, bu urug'ning shajarasini tavsiflagan. Hozirgi Ispaniya va Portugaliyada bir kishi bir necha xos (katolik cherkovi ro'yxatidan olinadigan) ismga, otasi va onasining familiyasiga ega bo'lishi mumkin. Islan-diyada har bir kishi, bir necha xos ismga 566(cheklangan ro'yxatdan olingan) va familiya o'rnida otasining ismidan hosil bo'lgan nomga ega bo'ladi. Xitoy, Koreya, Vetnamda kishi nomi bir bo'g'inli fa-miliyadan (turli davrda ular 100 dan 400 gacha bo'lgan) va xos (odatda ikkita bir bo'g'inli morfemadan tashkil topgan) ismga ega bo'ladi, xos ismlar miqdori cheklanmaydi. A. tizimida kipokoristi-ka (erkalatib, kichrayti-rib atash – mas, Laziz(jon), Dilobar(xon), Homid(cha), Ahmad(cha) va hokazo) aloxida o'rin tutadi. Antroponimlar ma'lumotlari tilshunoslikning boshqa sohalariga uchun, jamiyatshunoslik-da, xalqlar tarixini o'rganishda muhim ahamiyatga ega.

Antroponimlarni o'rganish tilshunoslikda alohida soha bo'lib, uning rivojlanishi, ularni tahlil qilish, lug'atlarda qiyosiy chog'ishtirma tahlili R.R.Hartman, D.P.Stupin, O.M.Karpova ishlarida mavjud. Tilshunoslikning keyingi taraqqiyotida ingliz antroponimlarning lug'atlarda berilishi, ularning sistemasi masalalari S.I.Garagulya, O.A.Leonovich, K.B.Zayseva, shuningdek, leksikografiyaning turli muammolari V.G.Gan, B.YU.Goredeskiy, X.Kasares, B.B. Morkovkin onomastik leksikografiya B.E.Stoltman ishlarida to'liq bayon etilgan. Rus tilshunosligida leksikografiya masalalari V.V. Vinogradov, V.G.Gan, N.A.Gradneva, V.D.Devkin, P.N.Denisov, Yu.N.Karaulov, O.M.Karpova, X.Kasares, L.D.Lebedeva, B.B.Morkovkin, L.P.Stupin, L.B.Sherba kabi yetuk olimlarning ilmiy ishlarida keng yoritib berilgan. Shuningdek, antroponimlarning leksikografik tadqiqi onomastik yo'nalishda tilshunoslar B.I.Bolotov, D.Bondaletov, M.B.Gorbanevskiy, L.I.Yermolovich, N.P.Komenikov, Dj.Mil, N.B.Podolvenaya ilmiy ishlar yaratishgan.

Antroponimlarni lingvokulturologik aspektda o'rganilishini esa A.Vejbiskaya, E.M.Vershagin, B.Gumbolt, B.G.Kostomarov, B.B.Krasnix, V.A.Maslova, E.Sepir, Yu.S.Stepanov tahliliy o'rganishgan. O'zbek antroponimikasining asoschisi, hech shubhasiz, E.A.Begmatov sanaladi. U 1962-1965 yillar davomida o'zbek antroponimiyasi bo'yicha juda boy material to'pladi va antroponimlarning lingvistik, ekstralingvistik xususiyatlari, ismlar, laqablar, taxalluslar, familiyalar, ota ismlarning leksikasi, strukturasi, grammatik xususiyatlari bo'yicha qator salmoqli maqolalar e'lon qildi. O'zbek tilshunosligida nomshunoslik, ya'ni antroponimlar tadqiqida tilshunos Ernest Begmatovning darhaqiqat, xizmatlari beqiyosdir. I.Xudoynazarov, N.Husanovlar ham o'zbek antroponimlarni bo'yicha turli aspektlarda izlanishlar olib borishgan.

Ko'rinadiki, ingliz va o'zbek tillarida antroponimlarning chog'ishtirma tadqiqi yetarlicha o'rganilmagan. Shu sababli, tilshunoslikda bir qator bajarilishi lozim bo'lgan majburiyat va mas'uliyatlar quyidagilar:

-antroponimlarning o'rganib, ilmiy izlanishlarni obdon tahlil qilib fikr bayon etish;

- antroponimlarga oid manbaalar yaratish;
- antroponimlarga oid lug'atlarni tuzish ;
- antroponimik leksikografiyani biror bir asarlardagi qahramonlar nomi orqali yaratish;
- qiyosiy solishtirish orqali har ikkala tilda antroponimlarning statistik tahlilini olib borish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Khamidovna, N. N. (2022). The importance of denotation and connotation. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 119-120
2. Anvar Haydarov. (2020). Methodological features of graphic tools. *Middle European Scientific Bulletin*, 5.
3. Nazarova N.A. (2022). Semantic properties of anthroponyms. *Indonesian Journal of Innovation Studies*, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.626>
4. Ahrorovna, N. N., & Shaxribonu, A. (2022). Chet tilini o'qitishda zamonaviy metodlardan foydalanishning ahamiyati. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 116–118.
5. Nazarova, N. (2022). Обучение молодых учащихся через интерактивные игры. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 7(7).
6. Nazarova, N., & Yoqubovna, S. M. (2022). Lingvistikada lacuna muammosi. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 113-115.
7. Nazarova Navbahor Ahrorovna, & Akhmedova Marjona. (2022). Effective Language Learning. *Eurasian Research Bulletin*, 4, 104–107.
8. Ahrorovna, N. N. (2022). Study of anthroponyms and their places in the lexical system. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 90-96.
9. Nazarova, N. (2022). Antroponimlarning o'rganilishi. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 110-112.
10. Ahrorovna, N. N. ., & Marjona, M. . (2021). Essential Memory Improving Techniques in Teaching and Learning Process. "ONLINE - CONFERENCES" PLATFORM, 62–68.
11. Ahrorovna, N. N., & Shaxribonu, A. (2022). Chet tilini o'qitishda zamonaviy metodlardan foydalanishning ahamiyati. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 116–118.

UO'K 81'22: 81-112.2: 81-115: 81'371

KONNOTATIV MA'NONING NUTQ BIRLIKLARIDA IFODALANISHI

A.A.Haydarov, prof., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

N.Ro'ziyeva, magistr, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. *Tilshunoslikda konnotativ ma'noni qiyosiy planda o'rganish denotativ va konnotativ ma'nolarni chegaralash, bu ma'nolarning nutqda reallashishida til vositalarining o'rni, qiymatini belgilash kabi qator masalalar hozirgi davrda ilmiy ishlarning obykti bo'lib qoldi. Konnotativ ma'no, uning ingerent va adgerent ko'rinishlarining nutqiy jarayonda ro'yobga chiqishi turlicha xarakter va xususiyatga ega.*

Kalit so'zlar: *denotativ, konnotativ, nominativ, ingerent, adgerent, ma'no ottenkasi, differentatsiyalash, kontekstual ma'no, paradigmatic qator, dominant, stilistik bo'yoq.*

Аннотация. *Сопоставительное изучение коннотативного значения в языкознании, разграничение денотативного и коннотативного значений, определение места и значения языковых средств в реализации этих значений в речи стали предметом научной работы в современный период. Реализация коннотативного значения, присущих ему и присоединенных форм в речевом процессе носит различный характер и особенности.*

Ключевые слова: *денотативный, коннотативный, номинативный, присущий, адепт, смысловой оттенок, дифференциация, контекстуальное значение, парадигматический ряд, доминанта, стилистический цвет.*

Abstract. *Comparative study of connotative meaning in linguistics, delimitation of denotative and connotative meanings, determining the place and value of language tools in the realization of these meanings in speech has become the object of scientific work in the current period. The realization of connotative meaning, its inherent and adherent forms in the speech process has different character and characteristics.*

Key words: *denotative, connotative, nominative, inherent, adherent, meaning shade, differentiation, contextual meaning, paradigmatic series, dominant, stylistic color.*

Til mohiyatan, ichki qurilishi jihatdan nominativ va ekspressiv funksiyalarni bajara oladigan vosita ekanligi tilning ichki dualizmi-uning, bir tomondan, obyektiv borliqni aks ettiruvchi tafakkurning formasi, ikkinchi tomondan, har bir elementning mohiyati shu elementning boshqa elementlar bilan bo'lgan ichki munosabatlaridan kelib chiqadigan mustaqil sistema ekanligi bilan chambarchas bog'liqdir.[1, 90-91] Agar tilning nominativ funksiyasi uning tafakkurning formasi, tushunchalarni qolipga soluvchi vosita ekanligi bilan bog'liq bo'lsa, uning ekspressiv funksiyasi tilning mustaqil sistema ekanligi, elementlarning mohiyati ularning ichki munosabatlaridagina ochilishi mumkinligi bilan bog'liq.

Darhaqiqat, barcha tilshunoslar so'zda ikki xil ma'no: atamalik, nomlash (denotativ) va qo'shimcha emotsional-ekspressiv ma'no mavjudligini qayd etadilar.[4,46] So'zning qo'shimcha ma'nosi tilshunoslikda turli nomlar bilan, chunonchi, stilistik bo'yoq[6,45] ekspressiv ma'no ottenkasi[8,34], qo'shimcha ma'no (созначение) kabi terminlar bilan nomlanadi. Biz so'zning bunday ikki xil ma'no va funksiyasiga nisbatan denotatsiya va konnotatsiya terminlarini qo'llaymiz.

So'z konnotativ ma'nolarining turlari, ularning so'zni til va nutq elementi sifatida olingan holatlarida so'z semantikasiga munosabati kabi qator masalalar tilshunoslikda haligacha uzil-kesil yechilmagan. Bir qator tilshunoslar so'zning konnotativ ma'nosi so'z semantikasi komponentiga kirmaydi, u faqat nutqiy hodisa desalar, boshqa tilshunoslar konnotativ ma'no so'z semantik strukturasi bevosita tarkibiy qismlaridan biri deb qaraydilar.[2,4] Bu chalkash masala sistem tilshunosligining fundamental tushunchalardan biri bo'lmish til va nutqni farqlash, so'zning semantik strukturasi izchillik bilan o'rganish jarayonida to'g'ri hal etilishi mumkin. Rus tilshunoslik fanining keyingi yutuqlaridan ijodiy foydalangan holda o'zbek tilshunosligida ham til va nutqni farqlash, differentatsiyalash leksik-semantik va grammatik tadqiqot jarayonida izchillik bilan amalga oshirilmoqda. Bu borada S.N.Ivanov, SH.U.Rahmatullayev, O'.G'.Ne'matov, I.Qo'chqorboyev, M.Mirtojiev va boshqalarning ilmiy ishlarini sanab o'tish kifoya.

So'zning semantik strukturasi o'rganishda ko'pgina tadqiqotchilar ikki xil konnotatsiyani: ingerent konnotatsiya – so'z kontekstdan tashqari olingan holatda unga xos bo'lgan konnotativ ma'no va adgerent konnotatsiya – so'zda ma'lum kontekstda hosil bo'ladigan konnotativ ma'noni[9,523] qayd qiladilar. Shuning uchun biz ichki ma'no so'z til elementi sifatida o'z paradigmatic qatorida olinganda unga xos bo'lgan konnotativ ma'no va nutqiy (kontekstual) – so'zda ma'lum bir kontekstda hosil bo'ladigan konnotativ ma'noni izchillik bilan farqlab boramiz. Bu ikki xil konnotatsiyani farqlamasdan turib na so'zning semantik strukturasi o'rganish va na konnotativ ma'noni so'zning semantik strukturasi kirish-kirmasligi masalasini hal qilish mumkin.

Ichki konnotativ ma'no so'z semantikasining tarkibiy qismi bo'la olishi va bo'la olmasligini aniqlash uchun quyidagi misollarni chog'ishtirib ko'ramiz:

Yuz-turq bet -chehra aft-jamol bashara-oraz

O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'atida bu so'zlarning semantikasi quyidagicha talqin qilingan: *bet* so'zi qo'llanishi bilan *yuz* so'ziga juda yaqin bo'lib, *yuz* so'ziga nisbatan salbiy ottenkasiga ega. *Aft* so'zi *bet* so'ziga nisbatan salbiy ottenkaga ega. *Bashara* so'zida salbiy ottenkaga *aft* so'zidagiga nisbatan ham kuchli. *Chehra* ijobiy ottenkaga ega. *Jamol* so'zida ijobiy ottenka *chehra* so'zidagiga nisbatan ham kuchli bo'lib, bu so'z asosan poetik uslubga xos. *Jamol* so'zi "husn", "chiroy" ma'nosida ham qo'llanadi. *Oraz* – eskirgan, kitobiy so'z bo'lib hisoblanadi.[10,234]

O'zaro paradigmatic munosabatlarda bo'lgan bu so'zlarning denotativ ma'nosi bitta – odam boshining old tomondan tashqi ko'rinishi. Ammo yuqorida ko'rganimizdek, bu so'zlarning semantik strukturasi har xil. Agar konnotativ ma'no – so'z semantikasi strukturasi kirmaydi, degan taxminga asoslansak, yuqorida sanalgan sakkizta so'z obyektiv borliqda mavjud bo'lgan sakkizta so'z obyektiv borliqda mavjud bo'lgan sakkizta alohida obyektiv ifodalashi va sakkiz xil denotativ ma'noga ega bo'lishi kerak edi. Haqiqatda esa ahvol bunday emas.[11,59]

So'zlovchi bir shaxsga nisbatan, jumladan, uning yuziga nisbatan turli xil munosabat: *yuz* (neytral), *chehra*, *jamol* (ko'tarinki), *aft*, *bashara*, *turq* (salbiy) ifodalanishi mumkin. Ikkinchidan, *yuz* so'zidagi neytral munosabatdan tashqari *jamol*, *chehra* so'zlaridagi ko'tarinki ijobiy munosabat so'zlovchi tomonidan "go'zallik" ottenkasi bilan baholansa, *aft*, *bashara*, *turq* so'zlarida so'zlovchiga nisbatan "xunuk ko'rinish" bilan baholanadi. Ya'ni denotativ ma'no ustiga

qo'shiladigan qo'shimcha ma'nolar kontekstdan, nutqdan tashqarida so'zlarning o'zaro paradigmatic munosabatlaridan anglashilib, o'zbek tilida so'zlovchilar uchun umumiy va majburiydir. Chunki emotsional-ekspressiv bo'yoq o'sha so'z ma'nosi tarkibining bir elementi sifatida mavjud bo'ladi. Bundan tashqari, *chehra, jamol* va *aft, bashara, turq* o'zbek og'zaki nutqida alohida intonatsiyaga egadir. Jumladan, "bashara" so'zini "chehra" so'zidagi kabi ko'tarinki intonatsiya bilan talaffuz etish tinglovchilarning hayratlanishiga emas, ularning qattiq kulgusi yoki anglashilmovchiligiga sabab bo'ladi.

Ingliz tilida *beautiful* sifati va uning sinonimlari tahliliga e'tibor qaratsa, unda *beautiful* "chiroyli", "ko'rkam" ya'ni dominant so'z hisoblanadi. Ushbu so'zning sinonimlari *attractive, pretty* – *beautiful*ga nisbatan yuqori, ko'tarinki, ya'ni, stilistik bo'yoqqa ega bo'lib, ijobiy ma'no o'ttenkasini ifodalaydi. Shuningdek, *heavenly* "ko'kka ko'tarilgan", "dimog'dor (kalondimog')" sinonimi salbiy ma'no bo'yog'ini ifodalaydi.

Terrible, dreadful, horrible, horrid kabi sinonimik qator tahlil qilinganda, *terrible* neytral so'z, ya'ni dominant, uning sinonimlarida *terrible*ga nisbatan kuchli salbiy bo'yoq ifodalanadi. *Terrible* so'ziga nisbatan *horrid* yanada salbiy bo'yoqli, ya'ni qabih, jirkanch kabi qo'shimcha ma'nolarni ifodalaydi. Shuningdek, leksik jihatdan esa ayrim so'zlar sinonimiyasida kuchaytirish, sevinch kabi qo'shimcha ma'nolar hosil qilinadi. Demak, bu so'zlardagi nafaqat qo'shimcha ma'no, balki ma'lum intonatsion xoslik tilning qonun-qoidalari bilan belgilab berilgan bo'ladi, bular til elementlari bo'lib, tilning ekspressiv funksiyasining so'zdagi in'ikosidir. Bu xildagi qo'shimcha (konnotativ) ma'nolar kontekst bilan bog'liq bo'lganligi, til tomonidan belgilab berilganligi sababli ular so'z semantik strukturasi tarkibiy qismlaridan sanaladi, ya'ni til elementi bo'lib, so'zning semantikasiga kiradi.

Adherent (nutqiy, kontekstual) konnotativ ma'no ham o'ziga xos xususiyatlarga ega. Jumladan, *temir* so'zi o'z paradigmatic qatorida kimyoviy element, metall qorishmasi sifatida neytral konnotativ ma'noga ega. Ammo quyidagi kontekstda *temir* so'zi metall ma'nosida emas, balki mustahkam irodali, o'z fikridan qaytmaydigan shaxs: *temir odam*, xuddi shuningdek, *oltin qo'llar, po'lat iroda, arslon yurak, quyon yurak* kabi birikmalarda birinchi komponentlarning ma'nosini aniq, konkret tasvirlash mumkin emas. Bu so'zlarda juda katta ekspressivlik (konnotativ ma'no) *temir, oltin, arslon, quyon* so'zlarining o'zida paradigmatic ma'nosida mavjud emas, bu ma'nolar faqat mazkur kontekstdagina ro'yobga chiqadi. Ushbu misollardan ko'rinib turibdiki, adherent (nutqiy, kontekstual) konnotativ ma'no so'zning ko'chma ma'noda ishlatilishi bilan uzviy bog'liqdir.

Demak, til o'zining kommunikativ funksiyasini nominative va ekspressiv funksiyalarining dialektik birligida amalga oshiradi. Ilmiy adabiyotda tilning ekspressiv funksiyasi ikkinchi planga ko'chirilsa, badiiy adabiyotda tilning ekspressiv funksiyasi hal qiluvchi rol o'ynaydi. So'zda esa tilning ham nominativ, ham ekspressiv funksiyasi bilan bog'liq bo'lgan tomonlar – denotativ va konnotativ ma'nolar bor. So'zning denotativ va konnotativ ma'nolarga ega ekanligi – so'z badiiy tasvirning asosiy vositalaridan biri ekanligini belgilab beradi. Agar so'zning konnotativ ma'nosi so'zning semantik strukturasi kirsam, bu so'z, albatta, ma'lum bir sinonimik qatordan o'rin oladi. Yozuvchining badiiy mahorati bu sinonimlarning o'z va ko'chma ma'nolaridan to'g'ri va mumkin qadar ularning ta'sirchanligini oshirgan holda foydalana olish san'atiga bog'liq bo'ladi. Lekin so'zning badiiy nutqning muhim vositalaridan biriga aylantiruvchi xususiyat uning nutqiy konnotativ ma'noga ega bo'la olishidadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Иванов С.И. Курс турецкой грамматике. Часть 16 Л., 1975, с. 90-91:
2. Нигматов Х.Г. Морфология языка восточнотюрских памятников XI-XII веков. АДД, Баку, 1978, с. 4.
3. Шмелов Д. Проблемы семантического анализа лексики. АДД, М., 1968, с. 22-24.
4. Кодухов В.И. Введение и языкознание. М., 1979, с. 195:
5. Пинхасов Я. Хозирги узбек адабий тили. Тошкент, 1969, 46-бет.
6. Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. М., 1974 с. 45:
7. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Хозирги узбек адабий тили. Тошкент, 1965, 130-бет.
8. Михайлов М.М. Стилистика русской речи. Чебоксары, 1968, с. 34.
9. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1996, с. 523.
10. Ноjiyev А. O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati. Toshkent, 1974, 234-bet.
11. Филиппов А.В. К проблеме лексической коннотации. ВЯ, 1978, №1, с. 59.

12. Nazarova Navbahor Ahrorovna. (2022). SEMANTIC PROPERTIES OF ANTHROPONYMS. Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.626>

UO'K 81-13

MODALLIKNING IFODA VOSITALARI

*A.A.Haydarov, prof., f.f.n., Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro
Sh.Sattorova, magistrant, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro*

Annotatsiya. Ushbu maqolada modallik kategoriyasining rivojlanishi hamda qadimgi va hozirgi ingliz tilidagi modal vositalari orasidagi farqlar haqida fikrlar bayon etilgan. Modallikning ifoda ma'nolari foizlarda statistik yoritilganligi zamonaviy ingliz tili foydalanuvchilari uchun foydali bo'ladi.

Kalit so'zlar: modallik, morfologik usul, sintaktik usul, mantiqiy modallik, infinitiv, leksik usul.

Аннотация. В данной статье обсуждается развитие категории модальности и различия между староанглийскими и новоанглийскими модальными глаголами. Для современных пользователей английского языка полезно, чтобы экспрессивные значения модальности статистически покрывались в процентах.

Ключевые слова: модальность, морфологический метод, синтаксический метод, логическая модальность, инфинитив, лексический метод.

Abstract. This article discusses the development of the modality category and the differences between Old and Modern English modals. It is useful for modern English language users that the expressive meanings of modality are statistically covered in percentages.

Key words: modality, morphological method, syntactic method, logical modality, infinitive, lexical method.

Modallik (lot. *modus* – chora, usul) – til, fikrlash va mantiqning asosiy tushunchalaridan biri bo'lib, so'zlashuvchining nuqtai-nazaridan mazmunning voqelikka munosabati (aloqasi)ni ifodalaydi [1]. Modallik tushunchasi turli tillarda turli xil shakllarda mavjud bo'ladi. Ushbu holat ko'p yillar davomida unga bo'lgan qiziqishni belgilab berdi va uning ko'pgina jihatlarini o'rganish uchun turtki bo'ldi. Modallik tushunchasining kengligi va ko'p qirraligi uning hayotimizda naqadar ko'p tomonlama ifodalanishi bilan bog'liq. Insonlar o'z haqarakatlarini rejalashtirganda, taxmin qilganda va uni ma'lum qilganda, buyruq berishda, iltimos qilganda yoki maslahat berganda, istaklarini ifodalaganda, ta'na qilgan vaqtda aynan modallik tushunchasiga aloqador bo'lgan harakatni amalga oshirishadi. U turli harakat, hodisa va faktlarning voqelikka nisbatan aloqasini aks ettiradi: "Harakat yoki hodisalar voqelikda ro'y berishi mumkin; ehtimol bo'lishi mumkin; kimdir harakatni amalga oshirishga majbur qilishi yoki istashi (intilishi) mumkin yoxud harakat boshqa shaxs tomonidan amalga oshirilishini uyushtirishi mumkin (iltimos, buyruq, majburlash, ishontirish, ko'maklashish, to'sqinlik qilmaslik)".

Agar S.A.Kuznetsov tahriri ostidagi rus tilining umumiy lug'atida berilgan "modallik" so'zining izohiga murojaat qilsak, ushbu atamaning mantiqiy va lingvistik ta'riflari bir-biriga juda yaqin, biroq bitta yaqqol farq bilan izohlangan. Mantiqdagi modallik – bu "so'zlayotgan shaxsning ibora mazmuniga munosabatini ifodalovchi tushuncha"; tilshunoslikda modallik – bu "fe'l mayllari shakllari, ohang, kirish so'zlari va shu kabilar orqali so'zlayotgan shaxsning ibora mazmuniga nisbatan munosabatini ifodalovchi grammatik tushuncha" [2]. Modallik tushunchasining maqsadi ham tilshunoslar, ham mantiqshunoslar uchun bir xil, ammo tilshunoslar uchun modal ma'nolarni ifodalovchi til vositalari tarkibi muhimroq hisoblanadi. Mantiqshunoslikdagi modallikning asosiy turlari va tildagi modal tushunchalar turli vaqtlarda turlicha nomlarga ega bo'lgan, ammo har doim atrof voqelikning o'xshash vaziyatlarini aks ettirgan, haqiqiy voqelik, aks ettirilayotgan faktning ishonchliligi va haqiqiylik darajasini qayd etgan. Shu o'rinda, tadqiqotchi P.Portner "modal mantiqning asosiy mohiyatini tushunish modallikni o'rganayotgan tilshunoslar uchun bebaho xislat, chunki modal iboralarning semantikasi haqidagi birinchi nazariy aniq tasavvurlardan ayrimlari modal mantiq doirasida ishlab chiqilgan. An'anaviy modal mantiq til modaligining semantik nazariyasi

bo'lib hisoblanmaydi, biroq modal mantiqning asosiy g'oyalari lingvistik tahlil maqsadlari uchun moslashtirish mumkin. Modallikning yangi semantik nazariyalarini ko'rib chiqishda modal mantiq baholashning muhim etaloni (namunasi) bo'lib xizmat qiladi" degan ta'kidi adolatlidir [3].

Modallik masalalarini ishlab chiqishning navbatdagi bosqichi bu V.V. Vinogradov tomonidan olib borilgan tadqiqotlar bo'lib, u avvalgi tilshunoslardan farqli o'laroq, modallik kategoriyasining o'ziga xos xususiyatlarini ochib berishga va uni ifodalashning ba'zi vositalarini ajratib ko'rsatishga harakat qiladi. V.V. Vinogradov o'z asarlarida modallik kategoriyasini jumlashunoslik bilan yaqindan bog'laydi. Jumlada nafaqat biron bir voqea haqidagi xabar, balki "nutq mazmunining reallik aloqasi" ham mavjud. "Har bir jumla muhim konstruktiv xususiyat sifatida modal ma'noni o'z ichiga oladi". "Gap sintaksisining asosiy savollari" maqolasida V.V. Vinogradov buni boshqa shaklda belgilaydi. Uning ta'kidlashicha, jumla quyidagi ikkita xususiyat bilan tavsiflanadi: xabarning intonatsiyasi va bashoratlilik, ya'ni ifodalangan mazmunning voqelik bilan bog'liqligi. Haqiqiy xabar munosabatlarini ifodalovchi vaqt, modalliklar va shaxslar toifalari umumiy "bashoratlilik" tushunchasi ostida olib boriladi. U shunday deydi: "Agar bashoratlilik nutqning voqelikka umumiy munosabatini yoki nutqning voqelik bilan munosabatini ifodalasa, modallik kategoriyasi gapning bu umumiy funksiyasini so'zlovchi tomonidan voqelikka munosabatning o'ziga xos sifatlarini bildirgan holda ajratadi va farqlaydi" [4]. Gapda modallik savolini ishlab chiqishda Galkina-Fedoruk E.M. katta hissa qo'shgan. U hissiy ma'noni ifodalovchi so'zlarni modal so'zlarga mansub so'zlardan ajratishga zo'r e'tibor beradi. A. Haydarov o'zining "Ingliz tilida modallik ma'nosining ifodalanishi" maqolasida modallik kategoriyalarini quyidagicha tasniflaydi [5].

Morfologik usul. Mayl fe'l ifodalagan ish-harakatga reallik nuqtai -nazardan munosabatda bo'lishini ifodalovchi grammatik kategoriyadir. Shu o'rinda mayl kategoriyasi ham o'z tarixiga egadir. Mayl kategoriyasi tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, qadimgi ingliz tilida boshqa qadimgi german tillaridek uchta mayl mavjud. Buyruq maylidan real ish-harakatni ko'rsatish uchun foydalangan. Shu sababli gapga buyruq maylidan fe'llar faol asoslar bilan ifodalangan. Qolgan ikkala mayl ham o'z subyektiv shakllariga ega, ya'ni buyruq mayli ikkinchi shaxsga nisbatan buyruq, iltimos ma'nolarini ifodalaydi. Bu esa quyidagi misolda o'z aksini topgan: go to the heard and bring me the two best kids. Ba'zan esa buyruq mayli istak-hoxish ma'nolari bo'lib ifodalanishi mumkin: be so happy, friend of men.

Leksik - grammatik usul. Leksik - grammatik usul modal fe'llarning barcha turlarini fe'lning infinitiv shakli bilan kelishini o'rganishni o'z ichiga oladi. Bizga ma'lumki hozirgi ingliz tilida quyidagi kabi modal fe'l turlari mavjud: **can, may, must, need, dare, wish, should, would, desire, to try, to be to** kabilarni aytib o'tishimiz mumkin va bu modal fe'llar o'zlari mustaqil holda ishlatilmaydi. Ular asosiy fe'lning infinitive bilan ishlatiladi va asosiy fe'l ifodalagan ish - harakatning bajarilish imkoniyatini, qobiliyatini, ehtimolligini, zarurligini, mumkinligini bildiradi. Modal fe'llardan so'zlashuv jarayonida foydalaniladi May modal fe'li kuchli ehtimollikni 97 % va 3% ruxsatni ifodalab keladi. Modallar qat'iy ruxsatni esa can 58%, may 16%, could 13% va might 13%, will 17%, ishlatiladi. Uch eng muhim takrorlanadigan modallar would 28 %, could 17% va will 17% hisoblabadi. Quyidagi kabi modal fe'llar o'z navbatida o'z ekvivalentlariga ham ega.

Leksik usul. Ingliz tili grammatikasidan bizga ma'lumki modallik kategoriyasining ifodalanishida leksik usul ham mavjud. Bu usul esa modal so'zlar orqali ifodalanadi. Ingliz tilida esa quyidagi kabi modal so'zlar mavjud: **certainly, of course, surely, by all means, sure, perhaps, may be, to be sure, naturally, really, probably, fortunately, happily, luckily, indeed** kabilar. Modal so'zlar deb fikrning voqelikka munosabatini aniq tasdiq va taxmin yo'li bilan bildirib, kirish so'z vazifasida keluvchi so'zlarga nisbatan aytiladi. Quyidagi yangi modal so'zlar paydo bo'ldi: **presumably, allegedly, avowedly** kabilarni ko'rsatish mumkin. Ular zamonaviy ingliz tilida umumiste'molda qo'llaniladi.

Sintaktik usul. Ingliz tilidagi modal qurilmalar sintaktik usul doirasiga kiradi. Modal qurilmalar ham ish harakat bajarilish zaruriyatini, ehtimolligini va shartligini ifodalaydi. To have to, to had rather, to had better, to be to kabi qurilmalar mavjud,

To be + infinitive modal qurilma hisoblanadi, Uning ba'zi ma'nolari esa quyidagi modal fe'llariga va modal qurilmalarga juda yaqin va ba'zan ular to be infinitive o'rnida ishlatilishi ham

mumkin, Ular quyidagilar: Must, shall, should, ought to, to have + infinitive. Bu modal qurilma ikkita zamon ya'ni hozirgi noaniq zamon va o'tgan noaniq zamonda ishlatilishi mumkin.

Dear Jim, I am to be shot at sunrise tomorrow,

They were to go to Spain for the honeymoon.

Shunday qilib, tilshunoslar til ifodasining ham ma'nosi, ham shaklini e'tiborga olgan holda, mantiqshunoslarga qaraganda modallikning turlarini aniqroq farqlashadi, mantiqshunoslar esa yirik modal tushunchalar va ularning mantiqiy sintagmatikasi invariantlari ma'nosini chuqur tekshirgan holda tasavvur qilishadi. Modallik tushunchalarini o'rganishda mantiqiy-lingvistik yondashuv modallik tushunchasini o'rganishda eng asosiy va mushkul bo'lgan vazifa – turli xil modal ma'nolarning tasniflarini tizimlashtirish (umumlashtirish) ga yordam beradi. Shu tarzda, modallikning lingvistik va mantiqiy tushunchalarini umumlashtirish imkoniyati paydo bo'ldi, ammo bitta farq mavjud bo'lib, tilshunoslar uchun modal ma'nolarni ifodalovchi til vositalarining tarkibi muhim hisoblanadi. Bunday yondashuvda mantiqiy va til modalligi bir birini to'ldiradi va boyitadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati.-T.:”O'qituvchi”,1985.-144B
2. Кузнецов С.А. Большой толковый словарь русского языка.-Санкт-Петербург.Норинт.2000.-1500С
3. Porter P. Modality.Oxford.Oxford University Press.2009.-288P
4. Виноградов В.В. Русский язык:грамматическое учение о слове.-М.:Русский язык.2001.-720 С
5. Haydarov A. Ingliz tilida modallik ma'nosining ifodalanishi.Ilmii maqolalar to'plami.Buxoro.2005.-B.93-95
6. Nazarova N.A. (2022). Semantic properties of anthroponyms. Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.626> <https://ijins.umsida.ac.id/index.php/ijins/article/view/626>
7. Khamidovna, N. N. (2022). The denotation and connotation of a word. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4),382-388. <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/1242>
8. A.Haydarov. (2020). Methodological features of graphic tools. Middle European Scientific Bulletin, 5. <https://doi.org/10.47494/mesb.2020.5.73>
9. Sattorova Shahlo Shavkat qizi. (2022). Modallik ma'nolarining lingvistik asoslari. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes
10. Sattorova Shahlo Shavkat qizi. (2022). Importance of Modality in Learning Process. Spanish Journal of Innovation and Integrity. Volume: 07, 2022

UO'K 802.0

O'ZBEK MILLIY LATIFALARI MATNINING LEKSIK-STILISTIK XUSUSIYATLARI

M.M.Husaynova, o'qituvchi, TATU Farg'ona filiali, Farg'ona

Annotatsiya. *Ushbu maqolada o'zbek milliy latifalarining paydo bo'lishi tarixi, latifalarning bosh qahramoni bo'lmish, afandi obrazining o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z boradi. Bundan tashqari o'zbek milliy latifalari matnida uchraydigan leksik qatlamga oid misollar tahlil qilinadi.*

Kalit so'zlar: latifa, anekdot, kalambur, dialektizm, leksema, umumxalq so'zlari pressupozitsiya, tag ma'no.

Аннотация. *В данной статье рассказывается об истории возникновения узбекских национальных анекдотов, главным героем анекдотов, характеристике характера Эфенди. Кроме того, анализируются примеры лексического пласта, встречающиеся в тексте узбекских народных анекдотов.*

Ключевые слова: анекдот, анекдот, каламбур, диалектизм, лексема, крылатые слова, пресуппозиция, значение.

Abstract. *This article talks about the history of the emergence of Uzbek national anecdotes, the main character of the anecdotes, the characteristics of the character of Effendi. In addition, examples of the lexical layer found in the text of Uzbek national anecdotes are analyzed.*

Keywords: anecdote, anecdote, pun, dialectism, lexeme, popular words, presupposition, meaning.

Kirish. Xalq latifalari hajviy mazmundagi matn turlaridan biri bo'lganligi tufayli ko'p vaqtlardan buyon tadqiqotchilar diqqatini o'ziga jalb etib kelmoqda. Latifalarning lingvostilistik xususiyatlarini bugungi kun nuqtayi nazardan tadqiq etish o'zbek tilshunosligi fani oldiga qo'yilayotgan muhim vazifalardan biri sifatida milliy tilimizning o'ziga xos lingvostilistik

xususiyatlarini chuqur idrok qilishga imkon yaratadi. Shu nuqtayi nazardan olib qaralganda, millatimizning ulkan va bebaho boyligi bo'lgan ona tilimizga xos turli lisoniy hodisalar, shu jumladan, hajman kichik bo'lsa-da, mazmunan ancha teran bo'lib, jamiyat hayotining barcha qirralarining keng qamrab oladigan o'zbek latifalarini lingvostilistik tadqiqot obyekti sifatida maxsus o'rganish, ularning nutq jarayonidagi ifoda imkoniyatlarini yoshlar ongiga chuqurroq singdirib borish, jahon xalqlarini o'zbek tilidagi hajviy-yumoristik mazmunli matnlarning lingvostilistik xususiyatlari bilan tanishtirish bugungi kunning o'ta dolzarb vazifalaridan biri sanaladi.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Xalq latifalari hajviy mazmundagi matn turlaridan biri bo'lganligi tufayli ko'p vaqtlardan buyon tadqiqotchilar diqqatini o'ziga jalb etib kelmoqda. Latifalar barcha xalqlarga xos badiiy janr turlaridan biri bo'lib, ularning matni jahon tilshunosligida muayyan lingvistik hodisa sifatida ilmiy-nazariy jihatdan nisbatan ancha keng tadqiq etilgan.[1] Biroq latifalar matni o'zbek tilshunosligida haligacha chuqur o'rganilmagan bo'lib, hajviy matnlarning o'rganilishiga doir Sh.Abdurahmonov, H.Do'smatov, Y.Madaliyev kabi tadqiqotchilar ishlarining ahamiyatini ham alohida ta'kidlab o'tish o'rinlidir.[2] Yevropa ilmida yetarlicha o'rganilgan bir nechta so'z o'yinlari (*igra slov, kalambur*) [3], anekdotlar[4] o'zbek tilshunosligida shu kunga qadar maxsus o'rganilmaganligi, jumladan, latifalarning lingvostilistik jihatlarini yoritishga bag'ishlangan ishlar mavjud emasligi, latifalarning ifoda imkoniyatlari, nutqda so'z o'yinlarining usul va vositalari alohida tadqiqot sifatida tekshirilmaganligi bu borada jiddiy tadqiqotlar olib borish lozim ekanligini taqozo etadi.

Natijalar va muhokama. Latifa (arab-mutoyiba, hazil) — xalq hajviyoti janrlaridan, tanqidiy mazmundagi qisqa yumoristik hikoya. Qadimdan O'rta Osiyo xalqlari orasida keng tarqalgan. Latifalar qahramoni jonli va ta'sirchan so'zlaydigan, hazil mutoyibaga boy, haqiqat va adolatni himoya qiluvchi hozirjavob shaxs. Latifa syujetini qochiriq, kesatik, piching to'la hajviy epizod va holatlar tashkil etadi. Sarguzasht harakteridagi syujet sodda va lo'nda ifoda etiladi. Latifaning ilk namunalari Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig", Sa'diyning "Guliston" asarlarida uchraydi. Latifa janri XI asrdan so'ng keng shakllandi va rivoj topdi.

Latifa qahramoni o'zbeklarda Afandi, tojiklarda Mushfiqiy, turkmanlarda Mirali nomi bilan yuritiladi. O'zbek xalq latifalarini dastlab Sharif Rizo to'plab, nashr ettirgan (1941). Ad.: O'zbek xalq latifalari, T., 1971[5] Latifa janri to'g'risida turli manbalarda turlicha ma'lumotlar beriladi. Shu manbaalar asosida latifa janrini o'rganish tobora mukammal tus olib bormoqda.

Har qanday tilda bo'lgani kabi o'zbek tilining lug'aviy tarkibi ishlatilish darajasiga ko'ra iste'mol doirasi chegaralangan va umumiste'mol qatlamga oid lug'aviy birliklardan tashkil topgan.

O'zbek latifalari matnida ishlatilgan iste'mol doirasi chegaralanmagan leksemalarning aksariyati umumturkiy va o'zbekcha so'zlardir. Ammo, shu bilan birgalikda, ular orasida o'zlashmalari ham ko'p. Masalan:

Bir kuni bir qiz yigitiga:

– *Meni oq otda olib ketasizmi, qora otdami? – desa,*

Yigit:

– *Menga farqi yo'q! Xotinimni ko'ndirsang, qo'limda ham ko'tarib olib ketaman, – dermish.*

Bu latifa matnida ishlatilgan farq (arabcha) so'zidan tashqari barcha leksemalar umumturkiy va o'zbekcha qatlamga oiddir.

Ma'lumki, ishlatilish doirasi chegaralanmagan so'zlar o'z va o'zlashgan qatlamga oid ham bo'lishi mumkin. Boshqa tillardan o'zlashgan ko'plab so'zlar ma'lum davrlar o'tishi bilan shu til egalarining barchasi uchun tushunarli va faol qo'llanuvchi leksemalarga aylanib ketadi. Boshqa tillar kabi o'zbek tili ham ichki va tashqi imkoniyatlar hisobiga boyib boradi. Latifalar matnida turli tillaridan o'zlashgan va bugun tilimizda ma'nosi hammaga tushunarli bo'lib faol qo'llanayotgan ko'plab olinma so'zlarni uchratish mumkin. Ular turli so'z turkumlariga mansub bo'lib, davrlar o'tishi bilan tilimizning lug'aviy boyligidan o'rin egallagan so'zlardir. Masalan "Vaj" sarlavhali quyidagi latifada ishlatilgan:

Afandidan bir kuni qo'shnisi g'alvir so'rabdi. Afandi unga:

– *Bajonidil bergan bo'lar edim-u, ammo uch kun bo'ldi ichiga suv quyib qo'yganman, – debdi.*

– *G'alvirda ham suv turadimi? – hayron bo'libdi qo'shnisi.*

– *Bermaslikka boshqa vaj topib ber bo'lmasa, – deb javob beribdi Afandi.*

Bu latifa matnida ishlatilgan umumiste'mol qatlamga oid "g'alvir" – ot turkumiga, "bajonidil" – ravish turkumiga oid lug'aviy birliklar tojikcha; "vaj" – ot turkumiga oid so'z arabcha bo'lib, bugungi kunda ular tilimizning eng faol qo'llanuvchi so'zlariga aylanib ketgan. "Yegasini hurmat qilgan itiga suyak tashlaydi" sarlavhali latifa matnida uchraydigan ayrim so'zlar yuqoridagilarga nisbatan ancha keyinroq o'zlashgan bo'lsa-da, ularning ham ma'nolari bugungi kunda hammaga tushunarli bo'lib, umumiste'moldagi lug'aviy birliklarga aylanib ketgan:

Afandi choyxonada o'tirar edi, uning direktori radiodan gapirib qoldi. Gap tugashi bilan uni astoydil tinglab o'tirgan Afandi chapak chalib yubordi.

– Xushomadgo'ylik ham evi bilan-da, Mulla Nasriddin! – dedi birov. – Koshki, mikrofon oldida turgan boshlig'ingiz sizning qarsagingizni eshitsa!..

– Ajoyib odam ekansiz, - dedi Afandi. Direktorim eshitmagani bilan choyxonada o'tirganlardan birortasi unga borib aytmaydi deb bo'ladimi?!.

Latifa matnidagi direktor, radio, mikrofon kabi so'zlar tilimizga kirib kelganiga bir asrga yaqin vaqt o'tgan bo'lsa-da, ular ham bugun umumiste'moldagi lug'aviy birliklar qatoridan o'rin olgan.

Xulosa. Yuqoridagi misollardan kelib chiqib, xulosa qilishimiz mumkinki, latifalar matnning ma'lum qismlari ahamiyatini kuchaytirish, ma'nodorligini oshirish, matnga ifodaviylik kasb etish uchun xizmat qiladi. Komiklikni yuzaga keltirishda qo'llaniladigan so'z o'yini turli sathdagi til birliklari (fonetik, leksik, sintaktik, so'z yasalishi va h.k.) yordamida tinglovchi yoki o'quvchini matnning ma'lum qismiga diqqatini jalb qilishga qaratiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Воробьева М.Б. Анекдот как феномен повседневной культуры советского общества (на материале анекдотов 1960–1980 гг): Автореф. дисс. ...канд. культ. наук. –Екатеринбург, 2008. Вороничев О.Е. Каламбур как феномен русской экспрессивной речи: Автореф. док. филол. наук: 10.02.01. / Вороничев Олег Евгеньевич. – Москва: Московский педагогический государственный университет. 2014. –723 с.

2. Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий нутқида кулгу кўзгатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. –23 б. Рустамов И.Т. Латифаларнинг прагматик хусусиятлари. УзМУ хабарлари.Н 1/1 2017.

3. Дўсматов.Х Аския матнининг лингвостилистикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация. Фарғона - 2018

4. Я. Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович туркий халклар оғзаки ижодида латифа жанри: типологияси, мотивлари, таснифи (ўзбек ва қозоқ латифалари мисолида) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Тошкент – 2021

5. Коновалова, О.Ю. (2001). Лингвостилистические особенности игры слов в современном английском языке: Автореф. дисс. сахар Филол. наука (стр. 22). Москва: Изд-во МГУ.

6. Болдарева, Е.Ф. (2002). Языковая игра как форма виргинского смайлика: Автореф. дисс. сахар Филол. наука (стр. 18). Волгоград: ВГПУ.

7. O'zME Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.

8. <https://latifa.uz/>

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ф ҳарфи. www.ziyouz.com.kutubxonasi. – 17-б

10. Афанди латифалари WEBSPEKTR интернет иловаси.

11. <https://latifa.uz/>

UDC 800(082)

THE CONCEPT OF VALUE IN LINGUISTIC CULTURE AND ITS BRIEF ANALYSIS WITHIN THE CONCEPTS OF "HOSPITALITY AND SOLIDARITY"

H.Ishqobilova, teacher, Uzbekistan State University of World Languages, Tashkent

Annotatsiya. Maqolada lingvokulturologiya sohasida madaniyatni o'rganish, ularning namoyon bo'lish shakllari hususida so'z yuritiladi. Qadriyat tushunchasi, va uning ayrim hususiyatlari, moddiy va ma'naviy qarashlar, mehmondo'stlik hamda mulozamat kabi o'zbeklarga hos bo'lgan hususiyatlar tahlili ham maqolada qisqacha berib o'tilgan va maqolalar, asarlar doirasida sharxlangan.

Kalit so'zlar: hamjihatlik, qadriyatlar kategoriyasi, aksiologiya, hurmat, mulozamat, milliy – ma'naviy qadriyatlar.

Аннотация. В статье речь идет об изучении культуры в сфере лингвокультурологии и формах их проявления. Анализ понятия ценности и некоторых его особенностей,

материальных и духовных взглядов, гостеприимства и вежливости, характерных для узбеков, также кратко представлен в статье и прокомментирован в рамках статей и работ.

Ключевые слова: солидарность, категория ценностей, аксиология, уважение, вежливость, национально-духовные ценности.

Abstract. The article deals with the study of culture in the field of linguo-cultural studies and the forms of their manifestation. The analysis of the concept of value and some of its features, material and spiritual views, hospitality and politeness characteristic of Uzbeks is also briefly presented in the article and commented within the framework of articles and works.

Keywords: solidarity, category of values, axiology, respect, politeness, national-spiritual values.

Introduction. The concept of the category of values is an expression of certain material and spiritual phenomena, as well as some of their characteristics. Society uses these events for its practical needs. In philosophy, the concepts expressing the attitude of a person to the world from socio-political, economic, moral, and aesthetic aspects have been interpreted in various ways. At first glance, value forms seem chaotic, but in fact there is a legal, necessary harmony between them.

Their forms of manifestation are also dialectically related. The expression of values, which is used by many people in everyday life, is used in relation to things, events, objects, objects, etc., when they acquire the necessary importance for people. He states that the word Qadr indicates the presence of Eastern philosophical content in some phrases and words in the Uzbek language and acquires a different meaning.

From a general point of view, in the research, an objective and critical attitude was expressed to spirituality, especially national spirituality, including philosophical works on cultural values, literary treatises, and special articles based on the new requirements and principles required by the independent conditions of today's scientific point of view. Each value does not become a product of certain conditions and time; it develops over centuries.

Materials and analysis. The content of values is related to the achievements of the society in the process of production of material goods. In a broad sense, it is the world of culture, it is an assessment that determines the value of a person's spiritual life and activity, it belongs to the sphere of a person's moral consciousness, moral aspirations, and is expressed as a criterion of a person's spiritual wealth. Because the most family value is a person. Human existence, his life, living is the highest issue. Things, nature, the whole existence, material and spiritual culture are important only when a person is life. Its importance is appreciated only on the basis of human existence. For the field of linguistics and cultural studies, the study of culture is more important than development, because development is material, and culture is symbolic. . Myths, traditions, rituals are characteristic of culture, they are expressed in language units in the form of people's life and rituals. Therefore, their language units are included in the object of linguo-cultural studies. If we take a broader view, the object of research is understood as a set of processes and phenomena in interaction in some spheres of existence, and the subject of research is understood as a part of the object that has its own characteristics, process and criteria. For example, the common object for all social sciences is a person, and their subject is a specific aspect and activity of a person. The formation and development of national values is related to each nation's unique history, language, culture, moral and spiritual activities, living conditions, lifestyle, and production methods. He expresses each aspect of national values with words that can be understood correctly only through a deep study of the unique features of long historical development.

National values are important in understanding the identity of nations. In the same way, we can take the concepts of hospitality and politeness as examples of Uzbek national values.

Discussions. Hospitality is more characteristic of nations where the principle of collectivity prevails in the mind and mentality of hospitality. In countries where individualism prevails, hospitality is of secondary or tertiary importance. Because individualism is the opposite of collectivism and at the same time hospitality, it is a doctrine and view that puts individual qualities in the first place, and its qualities related to the external environment in the second place. The essence

of hospitality is related to glorifying a person and showing him respect. That is why Eastern philosophy and literature pay special attention to hospitality. One of the hadiths says, "Those who do not welcome guests into their homes are undesirable people." Treating the guest with special respect is manifested in the manners of waiting for the guest, paying great attention to their pictures. In this, rules and regulations have been developed on how the host should behave, from welcoming the guest to observing him. It is emphasized in many proverbs, proverbs and works of art that it is very important to welcome and observe the guest with an open face in hospitality".

As can be seen from the given definition, hospitality is one of the important factors that make a person human and reveal his spiritual world. In the Uzbek language, this concept is clearly expressed with the help of proverbs. For example:

The guest comes through the door,
Rizki comes from the hole.
Blessed is the house where the guest comes.
Come down when the guest comes,
Agree to give pilaf.
When a guest comes,
He will find everything you need.
When the guest comes, the food is cooked,
If there is no meat, it is cooked.
Table for guests.
Serve the guest with soup,
Leave both hands free.
Even if the guest sits for a short time, you will eat a lot.
The guest does not ask for food.
Don't tell the guest's dog.
Decoration of guest house.

They call the guest's name original,
After three days they say sasir.
Feet on the moon
Stick to the day.
Osh dear with a guest.
He who does not like conversation builds a mill,
The guest beat the child he did not love.
An uninvited guest
Worse than a yellow dog.
Even if your hotel is small
May your mercy be wide.

The dog does not cover what comes through the door.

literature and the works of each author. In the novel "Gone Days" by Abdulla Qadiri, who laid the foundation for Uzbek novelists, the characters talk about this very thing. The work reveals the respect and attention of the people living in the village life towards the guests. The fact that they wait in line for hospitality, one stays and the other invites the guest to their home shows the honor of the guest as well as how friendly and open-minded the village people are. Here is the sentence: "When will you be our guest now, brother?" With these words of gratitude, Otobek woke up from his dream:

"We will be there whenever God wants."

One of the national values that has gained value and respect in our country is to be polite and show kindness to each other. This value is manifested in different aspects in our country. For example, in our simple daily life, the fact that young people give way to the elderly and help them by carrying their luggage is a clear proof of our opinion. This great value of ours is defined as follows in various dictionaries, including explanatory dictionary: "MULOZAMAT-to be together, not to be separated; to follow together; persistence) a compliment shown to win someone's heart; Izoz-Ikram, takalluf.

Treat the guest. To show respect. -(Khatamova) invited the guests to her office with the politeness and sweetness typical of women. A. Qahhor, Kartina. [Tolqinjon] Using his skills, he began to win the girl's heart with compliments and courtesies. F. Musajonov, Khuri. They didn't even care for the sake of a rational soul. M. Khairullayev, Kon'gil". In addition, the Mulozimmat form of this word is also given in the same dictionary. "Noticing that Arslan was unaware of such communications, he held his breath. Mirmukhsin, Hidden Power. "Sip this, sister," said the old man, sitting down. Mehrinisa was more embarrassed than this courtesy. R. Fayzi, His Holiness is human."

The dictionary contains the adjective form of the word, which is formed by adding the word-formative suffix -li to the stem. That is, he knows how to be courteous; politeness, sertakalluf. In fact, he seemed to be a very polite and cheerful young man. N. Aminov, It's a mistake. This national value was glorified during the time of our great grandfather Alisher Navoi, and we can witness that this word is used in several meanings in several of his works. In the dictionary of Navoi's works, the word mulozamat is defined as follows: "Being together; courtesy, service, servant". The purpose of giving such a definition to that word is that in ancient times, the word "reservant" was used to refer to the servants of the palace.

Conclusion. Thus, these terms are glorified by the Uzbek people as moral national values. The lexical units representing the studied national values have several semantic meanings in the Uzbek language, and they include a number of negative and positive concepts within their semantic framework. The included positive concepts appear in the language as a lexical unit expressing national values.

REFERENCES:

1. Annotated phraseological dictionary of the Uzbek language, 1978, p 191
2. Annotated dictionary of the Uzbek language, 2006, p. 372.
3. Dictionary of Navoi's works, 1972, p. 411.
4. Vorobev V.V O statuse lingvokulturologii // Mejdunarodniy Kongress MAPRYaL. For more information, see Vorobev V.V.
5. Linguistic culture. Theory and method. RUDN, 1997.
6. Text of lectures on Linguistics, Rashidov Ibrahim Ormonovich, Namangan 2021, Namangan State University

UO'K 811.133.1'367.332

HNP₂ KOMPONENTI O'RNIDA KELGAN IKKI VALENTLI ELEMENTLAR IFODALAGAN SINTAKSEMALAR

O.I. Ismoilova, o'qituvchi, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Urganch filiali, Urganch

Annotatsiya. Mazkur maqolada gap qurilmasida uyushiq kesim o'rnida kelgan ikki valentli komponentlarni differensial sintaktik-semantik belgilarini aniqlash hamda yadro predikativ va subordinativ aloqalar asosida qanday sintaksemalar bilan bog'lanish imkoniyatlari tahlil qilinadi. Uyushiq kesim o'rnida kelgan komponentlar ingliz adabiyotidan olingan misollar yordamida yoritib beriladi.

Kalit so'zlar: *Differensial sintaktik-semantik belgi, predikativ₂, yadro predikativ, koordinativ aloqa, protsessuallik, substansial lokativ*

Аннотация. В статье анализируются возможности определения дифференциальных синтаксико-семантических признаков двухвалентных компонентов на месте союзного причастия в составе предложения, а также возможности соединения их с синтаксисами, основанными на основных предикативно-подчинительных отношениях. Компоненты, заменяющие причастие, поясняются на примерах из англоязычной литературы.

Ключевые слова: *Дифференциальный синтаксико-семантический признак, предикатив₂, стержневой предикатив, сочинительное отношение, процессуальный, субстантивный локатив*

Abstract. *This article analyzes the possibilities of determining the differential syntactic-semantic signs of the two-valent components in the place of the conjunctive participle in the sentence and the possibilities of connecting them with syntaxes based on the core predicative and subordinate*

relations. The components that replace the participle are explained using examples from English literature.

Key words: *Differential syntactic-semantic sign, predicative2, core predicative, coordinative relation, procedural, substantive locative*

Dunyo tilshunoslarining fikrlariga nazar soladigan bo'lsak, kesim sintaktikasiga turlicha yondashganlarini guvohi bo'lamiz. Ayrim olimlar kesimni semantik anglash faqat uning semiotic talqinida namoyon bo'lishini ta'kidlasalar boshqa birlari esa gapdagi birliklarning semantikasi struktur ierexiya orqali aniqlashi mumkinligini ko'rsatadi [1].

Kesim o'rnida kelgan uyushiq birikmalar gapda turlicha differensial sintaktik-semantik belgilarni ifodalashi mumkinligini quyidagi misollar yordamida ko'rishimiz mumkin:

1. Their eyes met and contented for a moment.
2. A son either idolizes his father or hates him.
3. I rolled onto the bed and curled up in a ball.

Ushbu gaplarda *met* va *contented* (1), *either idolizes or hates* (2), *rolled and curled* (3), komponentlari uyushiq yadro predikativ2 (HNP₂) o'rnida kelib, yadro predikativ1 (NP₁) komponentlari *eyes*, *a son*, *I* bilan yadro predikativ aloqa asosida bog'lanib, gapning asosiy qurilmasini tashkil qiladi. HNP₂ komponentlari o'rnida kelgan sintaktik birliklar o'zaro koordinativ aloqa yordamida bog'langanligi sababli yadro predikativ aloqa asosida gapda ishtirok etganligi sababli ikki valentli komponentlar hisoblanadi. Mazkur gaplarda uyushiq yadro predikativ2 komponentlar kategorial belgilardan protsessuallikni ifodalaydi, nokategorial belgilardan esa aksionallikni anglatib, yadro predikativ aloqa asosida substansial agentiv sintaksema bilan bog'lanadi.

Birinchi gapda *met* va *contented* – protsessual aksional sintaksema subordinativ aloqalar asosida substansial temporal (SbTm) sintaksema bilan bog'lanadi. Ikkinchi gapda esa substansial obyekt (SbOb) sintaksema bilan bog'langan. Uchinchi gapda substansial lokativ adessiv (SbLcAd) sintaksema bilan bog'lanadi. Shunday qilib, gapda HNP₂ komponenti ifodalagan protsessual aksional sintaksema yadro predikativ aloqa asosida faqat substansial agentiv sintaksema bilan bog'lanadi, subordinativ aloqa bazasida turlicha sintaksema bilan bog'lanishi mumkin. HNP₂ o'rnida kelgan ikki valentli komponentlar protsessual aksional sintaksema bilan birgalikda kvalifikativ stativ (QlfSt) sintaksemani ham ifodalashi mumkin.

4. I was very happy and wanted to swim.

Gapda birinchi HNP₂ birikmasi *was...happy* – kvalifikativ stativ sintaksemani ifodalasa, ikkinchi HNP₂ birikmasi *wanted* – protsessual aksional sintaksemani ifodalaydi, ya'ni koordinativ aloqa asosida kvalifikativ stativ sintaksema bilan bog'langan, yadro predikativ aloqa yordamida stativlik yuklatilgan substansial agentiv (SbStAg) sintaksema bilan bog'lanadi.

Gap qurilmasida HNP₂ o'rnida kelgan teng huquqli komponentligini hamda *was happy* – kvalifikativ stativ sintaksemani ifodalashi va *wanted* komponenti protsessual aksional sintaksemani bildirishi quyidagi eksperiment metodi usullari yordamida izohlash mumkin:

(4) *I was ...happy and wanted swim* → *I was ...happy* → *I...wanted to swim*. *I was happy* → *I was in the state of happiness*; *I wanted to swim* → *to swim was wanted by me*.

Mazkur gapda protsessual aksional sintaksema (*wanted*) subordinativ aloqa asosida protsessual aksional obyekt (PrAcOb) sintaksema bilan bog'lanadi. HNP₂ o'rnida kelgan ikki valentli birikmalar protsessual aksional derikativ (PrAcDr) sintaksemalarni ifodalashi mumkin. Ushbu sintaksema ingliz tilida *to be* fe'lining shaxsli shakli va mustaqil fe'ning o'tgan zamon sifatdash shakli yordamida, ya'ni fe'ning majhul nisbati orqali ifodalanadi. Protsessual aksional derikativ sintaksema gapda ikki valentli HNP₂ o'rnida kelganda, asosan o'timli fe'llar yordamida berilib, ish-harakati obyektga yo'naltirilgan bo'ladi. Mazkur sintaksemani aniqlashda an'anaviy grammatikadagi "sub'yekt" va "obyekt" tushunchalariga aniqlik kiritishimiz joiz. Chunki, an'anaviy grammatikalarda ular mehanik tarzda aralastirilib, ularning morfologik muhiti ham bir-biri bilan chalkashtirib yuborilgan [2]. Rus tili akademik grammatikasida subyekt asosan bosh kelishikda kelib, qolgan komponentlar bilan qarama-qarshi qo'yiladi, ya'ni obyekt, hol va aniqlovchilar bosh kelishikdan boshqa kelishiklar

yordamida beriladi, deb ta'kidlab o'tilgan [3]. Ammo albatta, gapda obyektning boshqacha qilib aytganda, o'timli fe'ldan anglashilayotgan harakat o'tadigan predmetni ifodalovchi obyektli sintaksemaning bo'lishi shartligini ta'kidlash lozim [4].

Bu yerda shuni qayd etishimiz joizki, "harakat subyekti" zamirida agentiv sintaksema tushunilmoqda. Protsessual aksional derikativ sintaksema fe'lining majhul nisbatda ifodalanib, ularni eksperiment metodi yordamida aniqlik nisbatga aylantirish mumkin [5].

5. I was hunched up with my forehead and pressed onto the grass.

Ushbu gapda HNP₂ komponenti o'rnida kelgan was hunched va pressed sintaktik birliklar protsessual aksional derikativ sintaksemani ifodalab, yadro predikativ aloqa asosida substansial obyekt sintaksema bilan bog'lansa, was hunched ifodalagan protsessual aksional derikativ sintaksema subordinativ aloqa asosida substansial komitativ (SbCmt) sintaksema bilan bog'langan, pressed ifodalagan protsessual aksional derikativ (PrAcDr) sintaksema esa substansial lokativ adessiv (SbLcAd) sintaksema bilan bog'langan. Mazkur gapda NP₁ o'rnida kelgan I komponentining substansial obyekt sintaksemani ifodalashini transformatsiya depassivizatsiya yordamida ifodalash mumkin.

(5) I was hunched up with my forehead and pressed onto the grass → they hunched me up with my forehead and pressed onto the grass.

HNP₂ o'rnida kelgan ikki valentli komponentlar protsessual aksional modal (PrAcMd) sintaksemalarni ham ifodalashi mumkin:

6. He either could do or should say

Ikki valentli HNP₂ komponentlari could do va should say – protsessual aksional modal sintaksemani ifodalab, yadro predikativ aloqa asosida substansial agentiv sintaksema bilan bog'lanadi.

Ikki valentli sintaktik birliklar uyushiq yadro predikativ₂ o'rnida kelganda kategorial belgilardan protsessual bazasida stativlikni ifodalaydi. HNP₂ o'rnida kelgan stativ sintaksemaning ifodalanishi shunday leksik semantik guruh fe'llari bilan beriladiki, ular gapdagi subyektning holatini ifodalaydi [6].

7. She was emerged, tired and exasperated.

Gap qurilmasida HNP₂ o'rnida kelgan ikki valentli komponentlar was emerged, tired and exasperated sintaktik birliklar protsessual stativ sintaksemalarni ifodalaydi, natijada NP₁, ya'ni yadro predikativ₁ komponenti o'rnida ishtirok etgan element She – holat yuklatilgan substansial sintaksema hisoblanadi.

Natijada yadro predikativ aloqa asosida ikki valentli uyushiq yadro predikativ₂ (HNP₂) birikmalari ifodalagan protsessual aksional stativ sintaksemalar holat yuklatilgan substansial sintaksema bilan bog'lanadi. Undan tashqari HNP₂ birikmasi o'rnida kelganda ikki xil sintaksemani ifodalashi mumkin, ya'ni ulardan biri protsessual aksional negativ derikativ sintaksemani ifodalasa, ikkinchisi esa protsessual aksional negativ stativ sintaksemani ifodalaydi. Bu sintaksemalarning ifodalanishi NP₂ o'rnida kelgan substansial sintaksemaga ham obyekt sintaksema namoyon bo'lsa ham, stativlik yuklatilgan sintaksema hosil bo'ladi. Bunday hodisani quyidagi misolda ko'ramiz:

She was neither prepared nor surprised.

Gapda HNP₂ komponenti was neither prepared sintaktik birlik protsessual aksional negativ derikativ sintaksemani ifodalashi, NP₁ o'rnidagi she komponentining obyekt sintaksemani ifodalashidan darak beradi. Chunki gapning she was neither prepared kesimi transformatsiya depassivizatsiyaga tushishi bilan isbotlanadi:

She was neither prepared → I didn't prepared for her. Gaping she was... nor surprised qismi protsessual aksional stativ sintaksemani ifodalashi quyidagi in the state of birikmasini qo'shimcha qilish transformatsiyaga tushish orqali aniqlanadi:

She was...nor surprised → she was not surprised → she was not in the state of surprising. Natijada, yadro predikativ aloqa asosida, aniqlangan sintaksemalar stativlik yoki holat yuklatilgan substansial obyekt sintaksema (SbObSt) bilan bog'lanadi.

Ayrim misollar asoslanadigan bo'lsak, HNP₂ komponenti o'rnida kelgan ikki valentli sintaktik birliklar substansiallik bazasida identifikatsiyalantiruvchi sintaksemani ham ifodalashi mumkin. Shu

o'rinda ta'kidlash joizki, substansiallik kategorial sintaktik semantik belgilardan biri bo'lib, u predmetni yoki substansiyani ifodalash bilan bog'liq tushunchadir.

Ushbu kategorial belgi boshqa kategorial belgilarga, protsessuallik va kvalifikativlikka qarama-qarshi qo'yiladi. Substansiallikning ulardan farqi shundaki, protsessuallik aksionallik (harakat) yoki stativlik (holat)ni, kvalifikativlik kvalitatiflik (sifat), kvantitativlik (son), stativlik kabi nokategorial belgilarni ifodalasa, substansiallik esa identifikatsiyalashgan, identifikatsiyalantiruvchi hamda agentivlik kabi sintaksemani ifodalaydi.

Umuman, E.B.Aristovanning fikricha substansial gap qurilmasida NP₁ (ega), NP₂ (kesim), yadro bo'lmagan predikativ1 $\tilde{N}P_1$, yadro bo'lmagan predikativ2 $\tilde{N}P_2$, yadro ikki karra predikativ1 (NP₁P₁), yadro bo'lmagan tobe komponentlar (ND) o'rinda kelishi mumkin [7]. Ayniqsa gapda $\tilde{N}P_2$ komponenti o'rinda kelganda substansial identifikatsiyalantiruvchi sintaksemani ifodalashi mumkin.

She was a liar, and an imposter.

Gap qurilmasida was a liar, an imposter sintaktik birliklar HNP₂ o'rinda kelib, substansial identifikatsiyalovchi sintaksemani (SbId₂) ifodalaydi. NP₁ o'rinda kelgan komponent she - substansial identifikatsiyalashgan yoki identifikatsiyalanuvchi sintaksemani ifodalab, ular o'zaro yadro predikativ aloqa yordamida bog'lanadi.

Gapdagi HNP₂ sintaktik unsurlarni sintaksemalarga ajratib tahlil qilishda yana bir kategorial belgilardan biri kvalifikativlik ham muhim o'rin egallaydi. Bu belgi asosan predmet yoki shaxsning sifatini, sonini yoki holatini ifodalashi mumkin. Kategorial belgilardan kvalifikativlik protsessuallik va substansiallik belgilaridan farqli o'laroq, sintaktik unurning u yoki bu belgisini yoki xususiyatini anglatishi bilan farqlanadi. Har uchala kategorial belgilarning ifodalanishi turlichadir, ya'ni har xil so'z turkumlari bilan ifodalanishi mumkin. Shuning uchun ham substansiallikni so'z turkumlaridan ot bilan aralashtirmaslik kerak, chunki substansiallik ot, olmosh, sifat, son hatto ravish orqali ham ifodalanishi mumkin. Protessuallik esa J.Maruzo ta'kidlaganidek, harakat yoki holatni anglatadi [8]. Hamda fe'ning shaxsli va shaxssiz shakllari, ayrim hollarda boshqa so'z turkumlari yordamida ham ifodalanadi. Xullas, kvalifikativlik ham turlicha so'z turkumlari bilan ifodalanishi mumkin hamda nokategorial belgilari bilan substansiallik hamda protsessuallikdan farq qiladi.

1. The grass was wet and cold.

2. Dubbs was short, slight, sallow and neat.

Misollardagi was wet and cold, was short, slight, sallow and neat sintaktik birliklari (HNP₂) uyushiq yadro predikativ2 o'rinda kelib yadro predikativ1 (NP₁) o'rinda kelgan The Grass, Dubbs unsurlarining sifatini ko'rsatadi. Kvalitatif sintaksemaning leksik bazasi, asosan rangni, hajmni, predmetning yoki shaxsning xususiyatini hamda uning subyektiv bahosini ifodalovchi sifatlardan iboratdir. Kvalitatif sintaksemaning boshqalardan farqi shundaki, ularni almashtirish transformatsiyasi natijasida kvalitatif-komparativ sintakseмага aylantirish mumkin [9].

Demak, berilgan mazkur gaplardagi HNP₂ o'rinda kelgan birliklar almashtirish transformatsiyasiga tushadi:

The grass was wet and cold → The grass was wetter and colder;

Dubbs was short, slight, sallow and neat → Dubbs was shorter, slighter, sallower and neater.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ikki valentli sintaktik birliklar gap qurilmasida HNP₂ o'rinda kelganda kategorial differensial sintaktik-semantik belgilardan substansiallik, protsessuallik hamda kvalifikativlik sintaksemani ifodalaydi.

Protessuallikga asoslanib aksionallik, aksional derikativ, aksional modal, aksional negativ, sintaksemalarni ifodalaydi.

Kvalifikativlik bazasida stativlik sintaksemani ifodalasa, substansiallik asosida esa identifikatsiyalantiruvchi sintaksemani ifodalaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Терещенко Н.М. Синтаксис самодейских языков/ Простое предложение. Ленинград, Ленинградское отделение. 1973. 14-28-с.
2. Кацнелсон С.Д. Содержание слова, значения и обозначения. Москва-Ленинград: Наука, 1965, 81.
3. G'ulomov A, Asqarova M. Hozirgi O'zbek adabiy tili. Sintaksis. Toshkent: O'qituvchi, 1987. 10-b.
4. Терещенко Н.М. Синтаксис самодейских языков/ Простое предложение. Ленинград, Ленинградское отделение. 1973. 14-28-с.

5. Плоткин В.Я. Грамматические системы в английском языке. Кишинев: Щтиинца, 1975. 104-с.
6. Протогенова Р.В. Справочник по грамматике русского языка. Ташкент: Ўқитувчи, 1977. 74-с
7. Аристова Е.Б. Субстантивные варианты агентивной синтаксемы//В кн: Лингвистические исследования. Синтаксический анализ разносистемных языков. Москва: АН России, 1979. 13-с.
8. Марузо Ш. Словарь лингвистических терминов. –Москва: Лит.на иностр. языке, 1960. 136-с.
9. Джуманиязов И. Об однородных зависимых компонентах в предложениях современного английского языка// Лингвистические исследования. 1981. 79-81-с.

UO'K 82-1

MUMTOZ SHE'RIYATNING NAZM TUZILISHIGA BIR NAZAR

N.G.Jurayeva, dots., Milliy rassomlik va dizayn instituti, Toshkent

Annotatsiya. *Ma'lumki, sharq mumtoz poetikasi keng qamrovli tushuncha bo'lib u arab, fors va turk tilidagi manbalar bilan cheklanmay hind, xitoy, yapon, koreys kabi o'nlab xalqlar adabiy-nazariy tafakkuri tajribalarini ham o'z ichiga oladi. Shayx Ahmad Toroziydan tortib to Fitratga qadar ming yillikda yaratilgan g'oyat boy ilmiy-adabiy manbalarda mumtoz poetika tabiatini, ham zamonaviy poetika nazariyasi tajribalarini nazarda tutgan holda ulardagi badiiy so'z tabiati, shakl va ma'no birligi, she'r tuzilishi va aruz ilmi, badiiy san'atlar, qofiya ilmi kabi masalar tadqiq etilgan va tizimga solingan.*

Kalit so'zlar: *xitoba, va'z, tafsir, manqaba, maqomot, munozara, masal, aruz, qofiya, she'riy san'atlar, muammo ilmi, du bayti, bayti-tarona, hazaj bahri axram, axrab.*

Аннотация. *Известно, что восточная классическая поэтика представляет собой всеобъемлющее понятие, оно не ограничивается источниками на арабском, персидском и тюркском языках, а также включает в себя опыт литературно-теоретического мышления десятков народов, таких как индийцы, китайцы, японцы, и корейцы. От шейха Ахмада Торози до Фитрата богатые научные и литературные источники, созданные в тысячелетии, показывают природу классической поэтики, с учетом опыта современной теории поэтики были исследованы и систематизированы такие вопросы, как природа художественного искусства и слова, единство формы и смысла, строение поэзии и науки о рифме.*

Ключевые слова: *проповедь (хитоба), проповедь (ваз), толкование (тафсир), источник (макомот), авторитет (макомот), обсуждение (мунозара), притча (масал), аруз, рифма (кофия), поэтическое искусство, проблематика, ду байти, байти-тарона, хазадж бахри ахрам, ахраб.*

Abstract. *It is known that oriental classical poetics is a comprehensive concept, it is not limited to sources in Arabic, Persian and Turkish languages, but also includes experiences of literary and theoretical thinking of dozens of peoples, such as Indians, Chinese, Japanese, and Koreans. From Sheikh Ahmad Torozhi to Fitrat, the rich scientific and literary sources created in the millennium, referring to the nature of classical poetics and the experiences of modern poetics theory, the nature of the artistic word, the unity of form and meaning, the structure of poetry and the science of dreams, artistic arts, such matters as the science of rhyme were researched and systematized.*

Key words: *sermon (xitoba), sermon (va'z), interpretation (tafsir), source (maqomot), authority (maqomot), discussion (munozara), parable(masal), aruz, rhyme (qofiya), poetic art, problem science, du bayti, bayti-tarona, hazaj bahri akhram, akhrab.*

Mumtoz adabiyotshunoslikning nodir namunasi sanalgan Shayx Ahmad Taroziyning «Fununu-l-balog'a» asarida «nasr va nazm» istilohlarini yozma adabiyotning ifoda yo'llari ma'nosida farqlab, ularga adabiy nav'lar unvoni berilgan. Nasr adabiy nav' (tur) sifatida talqin etilar ekan, tabiiyki, unga mansub janrlar ham mavjud bo'ladi. Shu jihatdan mumtoz adabiyotdagi nasriy janrlar xususida fikr yuritganda, xitoba, va'z, tafsir, manqaba, maqomot, munozara, masal, adaba kabi nasriy janrlar shu davr allomalari tomonidan keltirilganini, manbalarda qayd etilganini ko'rish mumkin. Mumtoz she'r tuzilishi, esa har bir millatning o'ziga xos tili, tafakkuri, shuuri, sajiyasi bilan bog'liqdir. Qadimgi turk she'rining tuzilishi haqida gapirganda, ko'proq olimlar to'rtlik shaklidagi xalq qo'shiqlarini va sillabik (hijo) vaznda yaratilgan nazm parchalarini keltiradilar. Turk olimi Rashid Rahmati Arat

ko'hna turk she'ri namunalarini keltirish bilan birga ularning ritmik asosi hijo asnosida qurilganini qayd etgan. Qadimgi o'zbek she'riyati arab she'r tizimiga kirgandan keyin uning mavzu jihatlari ham o'zgardi. U endi sillabik tizimdan sillabo-tonik va metrik she'r tizimiga o'ta boshladi. Arablarda vazn tushunchasi johiliyya davrida ham mavjud bo'lgan, hatto bahr deb atalgan vazn turlari mavjudligi manbalarda qayd etilgan. Biroq arab xalq she'ri va johiliyya davri shoirlari ijod namunalarini ham, saodat asri va xulafosi roshidinlar davri nazm namunalarini ham izchil ilmiy tizimga solgan. Arab adabiyotshunoslari she'rni "kalomi mavzunu muqaffa" (vazn va qofiyali gap) tushuntirganlari holda she'r nasrdan vazn va qofiyasi bilan farq qilinishini nazarda tutganlar. Ayni shu ta'rifdan kelib chiqib, she'riy janrlar masalasiga munosabat bildirilgan, ya'ni janrni hosil qiluvchi omillar sifatida ham vazn va qofiya yuzaga chiqqan. Shuning uchun ham arab va uning ta'siridagi fors adabiyotshunosligi adabiy tur va janrlar masalasiga alohida ilm turi sifatida yondoshmagan. She'rdagi janriy o'zgarishlar asosida vazn yotgani uchun aruz vaznidagi she'r shakllari ilmi aruz tarkibida, qofiya ta'sirida vujudga kelishi mumkin bo'lgai janriy o'zgarishlar ilmi qofiya tarkibida o'rganilgan. Bu nisbatga bo'lgan asosli munosabatni Qudaba ibn Ja'farning «Naqdush-she'r» asarida kuzatamiz. Muallif she'r tanqidi bilan bog'liq barcha jihatlar haqida gapirganda, vazn, qofiya, badiiy san'atlar, nutq go'zalliklari barobarida she'riy shakllar masalasiga ham to'xtalgan. Undan keyingi arab olimlari al-Johiz nomi bilan mashhur bo'lgan, basralik asl ismi Abu Usmon Amr ibn Bahr (780-869) hamda andalusiyalik Ibn Xaldun asarlarida ham she'riy shakllar mana shu tartibda o'rganilganligini mumtoz she'riyat poetikasi tadqiqiga ko'p va xo'p mehnatlari singan ustoz-professor H.Boltaboyev bir qancha manbalarda ko'rsatib o'tganlar. Biroq turk adabiyotshunosligining mumtoz namunasi sanalgan Shayx Ahmad Taroziyning asarida adabiy tur va janrlar masalasiga aruz, qofiya, san'atlar va muammo ilmidan avval to'xtanilgani holda o'ziniig Sharq mumtoz poetikasi nazariyasiga doir asarini she'riy shakllar tasnifi bilan boshlagan. «Fununu-l-balog'a»da "Aqsomush-she'r" (She'r taqsimi) rukni ostida quyidagi 10 ta she'r turi tasnif qilingan: qasida, g'azal, qit'a, ruboiy, masnaviy, tarji', musammat, mustazod, mutavval va fard. Olim ushbu tasnif bilan cheklanmasdan har bir she'riy janrning mohiyati, o'zgarishi, tamsillari va boshqa jihatlarini jiddiy tahlildan o'tkazgan Ibn Qutayba 850-870 yillar o'rtasida yozilgan «She'riyat va shoirlar kitobi» asarida ma'no va uning so'z orqali ifodalanishiga qarab baytlarni to'rt guruhga ajratadi: Birinchi guruh - yaxshi ma'no va yaxshi lafzdan tashkil topgan baytlar. Ikkinchi guruh - yaxshi lafz va yomon ma'nodan tashkil topgan baytlar. Alisher Navoiy ham adabiy turlar masalasiga ifoda shakllari nuqtai nazaridan qaragan va buni adabiy nav'lar deb atagani holda she'riy janrlarni sinf istilohi bilan bergan. She'riy shakllarning janr xususiyatlari Navoiy talqinlarida ularning aruziy xususiyatlari bilan bog'lab tushuntirilgan. Uzbek adabiyotshunosligida mumtoz lirika janrlari bo'yicha jiddiy mashg'ul bo'lgan olim R.Orzibekov tadqiqotlarida lirik janrlar tasnifini uch yo'nalishda amalga oshirgan:

- 1) mazmun jihatidan lirikaning janrlari;
- 2) shakl jihatidan;
- 3) misralar soni va band tuzilishiga ko'ra.

Dastlabki jihatga hasbi hol, marsiya, chiston, qasida, muammo, vaf, yor-yor, bag'ishlov, debocha, nazira, faxriya va vasiyat she'rlari kiritilgani holda shakl jihatidan lirikaning janrlari sifatida mustazod, muvashshax, mushoara, shiru shakar, qit'a, g'azal, tuyuq, ruboiy, masnaviy, fard, tarkibband va tarjiband keltiriladi. Nihoyat, misralar soni va band tuzilishiga ko'ra esa musammatlar va ularning shakllari nazarda tutiladi. Olim ushbu tasnifni dastlabki tadqiqotlarida amalga oshirgan bo'lsa ham so'nggi monografiyasida ham yana mana shu tasnif asosida ish ko'radi. Ma'lumki, mumtoz poetikada bandshunoslik alohida ilm sifatida qaralmagan. Ular, ko'pincha, qofiya ilmi tarkibida bayon qilingan. Shunday ekan, she'riy janrlarni mohiyatan keskin farq qilmaydigan bunday jihatlar bo'yicha qayta tasnif qilish o'rniga ularga asos bo'lgan aruziy va qofiya omillarini o'rganish maqsadga yaqinroq natija berishi mumkin. Bu jihatdan shs'riy janrlar haqida maxsus risolalar bitilmagan bo'lsa-da, turk ilmi rivoji uchun Alisher Navoiy va Fuzuliyning qarashlari e'tiborli. Ulug' shoirlarning ayrim mumtoz janrlar haqidagi qarashlarini berish barobarida she'riy janrlar nafaqat allomalar tomonidan, balki bevosita badiiy ijod bilan shug'ullangan shoirlar tomonidan ham mumtoz she'riyatning jihatlarini o'rinli qayd etilgan. Shayx Ahmad Taroziyning «Fununu-l-balog'a» asarida

“Qita uldurkim, avvalgi misra’inda qofiya bo’lmas. Va aqalli ikki bayt bo’lur. Va buning ham aksari muqarrar ermas. Har necha kim qofiya tobsalar ayturlar. Taroziy aytur:

***Gul yuzungni ko’rgali, ey rashki hur,
Dambadam ko’z yoshi qondin dam urar.
La’lingga nisbat etar o’zin aqiq,
Ul yamanni ko’rki, qondin dam urar.***

Taroziy ruboiy haqida ”Al-nav’i robe’u fil-bayoni-ruboiy to’rt misra’ bo’lur, avvalg’i va ikkinchi va to’rtinchi misra’ida qofiya keltirurlar. Uchinchi misra’i ixtiyordur. Agar qofiya keltursalar ruboiyi musarra’ derlar” mazmunida sharh berganlar:

***Husnungiz sha’nina jon parvonadur,
Zulfingizg’a aqlu dil devonadur.
Chunki jodu ko’zlaring mastonadur
Ul sababdin manzilim g’amxonadir.***

Agar uchinchi misra’da qofiya kelturmasalar ruboiyi hissiy o’qurlar:

***Ey, malohat mulkida sohibqiron,
Ko’zlaringdur fitnai oxir zamon.
Gar pari ermassen, ey gul, yuzi hur,
Ne uchun ko’zdin ucharsen har zamon.***

Ruboiyning bir nav’i taqi bo’lur. Oni mujannas derlar. Aningtek bo’lurkim, ruboiyning qofiyasinda tajnis rioyat qilurlar:

***To ko’ngulda ishq o’ti tobandadur,
G’am maishat panjasin tobandadur.
Kiprik o’qin qismat etib otsangiz,
Hech kishiga tegmas ul to bandadur.***

Turkiy she’riyatning haqiqiy “sheri” Alisher Navoiy o’zining “Mezon-ul-avzon” asarida ruboiy haqida fikr yuritarkan “Ruboiy vaznikim, ani «du baytiy” va «tarona” ham derlar, hazaj bahrining «axram” va «axrab”idin istixroj qilibdurlar va ul vaznedur asru xush oyanda va nazmedur bag’oyat raboyanda. She’r avzonidin ushbu vazndurkim, nazm ustodlari anga hadde muayyan qilibdurlar va g’oyat latofatidin iki baytg’a ixtisor qilubdurlar va ul yigirma to’rt nav’ kelibtur va majmu’i iki qismg’a muxtasardur. Biri ulki, avvalg’i juzvi «maf’ulun” bo’lg’ayki, hazaj bir juzvini «xarm” qilibdurlar va ani «axram” derlar. Va bu o’n iki nav’ kelur. Yana biri ulki, avvalg’i juzvi «maf’ulu” bo’lg’ayki, hazajni «xarm qilibdurlar va ani «axrab” derlar. Bu ham o’n iki nav’ kelur:

***Yo rab, ne ofatdur ul husnu jamol
Kim yo’qtur yer ila jahon ichra misol.
Ming qatla shukrin desam oz erur,
Gar bo’lsa bir zamon manga komi visol.***

Yoki

***Ey sandin o’lub bag’rim ham ko’ksim dog’,
Ko’nglum o’tu ul o’tqa to’kub ashkim yog’.
Tan o’lsa g’aming ichra joningg’a fido,
Jon kuysa muhabbatingda sen bo’lg’il sog’.***

Shu o’rinda XX asr boshlarida Ovro’pa tipidagi adabiyot nazariyalarini shakllantirish borasida Sharq poetika maktabiga qayta-qayta murojaat qilib, undagi omil va jozib sifatlarni o’rgangan olim Fitratning she’riy janrlar sharhiga bag’ishlangan qarashlari e’tiborga loyiqdir. Zero, «Adabiyot qoidalari” mumtoz poetika bilan zamonaviy adabiyot nazariyasini tutashtiruvchi o’ziga xos ko’prik vazifasini o’tagani uchun ham bunday benazir vositaga tayangan. Shu bilan birga Abdurauf Fitrat «Fors shoiri Umar Xayyom” asarida nafaqat ulug’ riyoziyot olimini dunyoga shoir sifatida tanitgan ruboiy janri haqida, balki saljuqlilar saroy adabiyotida urf bo’lgan qator she’riy janrlar haqida ham ma’lumot bergan. Tabiiyki, barcha ilmlar kabi adabiyot ilmi ham doimo taraqqiyotda, har bir yangi yozilgan genial va original asar uning janriy jihatlarni yangilashi mumkin. Shunday ekan, yuqorida tavsiya etilgan qarashlar mumtoz she’riyat namunalarini o’rganishda shu kun kitobxonlariga dasturulamal bo’lgani holda adabiy tur va janrlar borasidagi mumtoz adabiyotdagi qarashlar

keltirilayotgan manbalardagi qarashlar faqat shulardangina iborat emas. Abdurauf Fitratning “Adabiyot qoidalari” asarida “...so‘zlar, gaplar belgili bir ohangga boylanmasdan, belgili bir o‘lchov bilan o‘lchanmasdan tarqalib, sochilib tuzilgan esa ul asar sochim yo‘sunida tuzilgan bo‘ladir”:

*Yurakda umidlar amallar
Tuzumsiz qarog‘ni bosarkan
Nega men chaqmoqdek yugurmay?!
Eskigan, churugan tamallar,
Yo‘qlikka egri yo‘l bosarkan
Nega men undan yuz o‘gurmay?!
(Botu qalamiga mansub)*

Tizimning har bir kesigi bir misra’ bo‘lub, har iki misra’i bir bayt ataladir. Botuning yuqoridag‘i tizim she’ri olti misra’ yoki uch baytdir. Ruboyi to‘rt misra’ligina bo‘lub, 1-, 2-, 4-misra’i qofiyadosh, 3-misra’i qofiyasiz bo‘lg‘an tizmalarga ruboyi deyiladir. Ruboyi forsi(y)ga maxsus bir tizim shaklidir. Bizga forslardan kelgandir. Buning maxsus vazni bordir. Arab-fors aruzini chig‘atoychada yozg‘an Navoyi ruboiy uchun “hazaj” bahridan yigirma to‘rt vazn borligini so‘ylaydir. Biroq bu yigirma to‘rt vazn bir-biriga shuncha yaqindirkim, Navoyining o‘zi ham, misollarini ko‘rsatganda aralastirib yuboradir”,-degan ta’kidni qoldirganlar. Turk adabiyotida ruboyining yana ikkinchi bir shakli bordir. Bunga tuyuq deyiladir. Tuyuq qofiya e’tibori bilan fors ruboyisi kabidir. Vazni boshqa, A.Navoiy tuyuqni ramal bahridan deb ko‘rsatadir. Ham shu vaznda shu misolni ko‘rsatadir:

*Yo rab, ul shahdu shakar yo labmudur,
Yo magar shahdu shakar yolabmudur,
Jonima payvasta novak otg‘ali,
G‘amza o‘qin qoshig‘a yolabmudur.*

Fors she’rida eng muhim o‘rin tutadigan shakllardan biri ruboyi shaklidir. Yuqorida deganimiz kabi fors shoirlari qasida bilan g‘azal shakllarini arablardan olganlar. Lekin, masnaviy bilan ruboiy shakllarini eski milliy adabiyotlardan olib tahmil qildilar. Sharqshunos olimlar orasida fors adabiyotida ruboyi shaklining eng burung‘i turk she’rlarining ta’siri bilan maydong‘a kelganligi haqida ba’zi fikrlar bor. Adabiyot qoidachilarining aytg‘anlarig‘a ko‘ra, ruboyining eng kuchli, eng chiroyli misra’i 4-misrada bo‘ladi. Ruboyining maqsadi ham shul 4-misrada ifoda qilinadi. Bu hol turklarning xalq she’rlarida ham ko‘ruladir. Hatto, bizning xalq she’rlarimiz orasida 1-, 2-, 3-misra’larning tamom munosibatsiz kabi ko‘rulib, asl maqsad 4-misralarda ifoda qiling‘an to‘rgliklar bor. Mana buni nazarg‘a olg‘anda, ruboyi manshaini burung‘i turk adabiyotidan axtarg‘anlarga haq berish kerak bo‘ladi. Shunday esa bu fikrlarning hanuz katiy suratda shuni xolislik yuzasidan qayd etish lozimki, fors aruzi faqat XX asrgacha taraqqiyotda bo‘lib, undan keyingi davrlarda uning o‘rganilishi to‘xtab qolmagan. Mumtoz fors aruzi ilmi XX asrda sobiq ittifoq hududida fors-tojik aruzshunosligi shaklida davom etdi va bu fanning taraqqiyotiga B. Sirus, M. Sharifov, N. Mirzaxo‘jayev kabi tojik olimlari, Sh. Shomuhamedov, A. Rustamov, G. To‘ychiyeva singari o‘zbek olimlari o‘z ulushlarini qo‘shdilar. Arab aruzi bag‘rida o‘ziga xos fors aruzi vujudga kelgani kabi turkiy aruz ham arab-fors aruzi bilan o‘zaro munosabatda yashadi va qariyb ming yil davomida mumtoz she’riyatga ziynat bag‘ishlab keldi. Turk aruzshunosligi rivojida Shayx Ahmad ibn Xudoydod Taroziy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Zokirjon Furqat, Abdurauf Fitrat kabi millat fidoyilari ter to‘kdilar. Natijada “Fununu-l-balog‘a”, “Mezonu-l-avzon”, “Muxtasar”, «Aruz haqida» kabi fundamental tadqiqotlar yuzaga keldi.

Xulosa. Mumtoz she’r tuzilishi amaliyot ijodkorlarini ba’zan mumtoz she’riyat janrlariga qayta-qayta murojaat etishga da’vat etib turadi. Binobarin, g‘azal, masnaviy, tuyuk yoki ruboiy, muammo yoki fard janrlarida qalam surmoqchi bo‘lgan shoirlar, albatta, yana mumtoz bayt shakliga, uning poetik talablariga qat’iy rioya qilishlari tabiiy. Chunki, mumtoz she’riyat ajdodlarimiz badiiy tafakkuri mahsuli sifatida hamisha bugungi she’riyat ehtiyojiga xizmat qilishga tayyor poetik hodisadir. Undan qanday va qay darajada foydalanish esa ijodkor xohishi, badiiy mayli hamda mahoratiga bog‘liqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Shayx Ahmad Ibn Xudoydod Taroziy. Funun ul-balog‘a. // O‘zbek tili va adabiyoti. - 2002. - № 2 - B.77-90.

2. To'ychiev U. «Mezon ul-avzon»da keltirilgan ruboiy vaznlaridagi xatolar haqida. // O'zbek tili va adabiyoti. - 1991. - №1. - B.18-27.
3. Fil'shtinskiy I.M. Arabskaya literatura v Srednie veka. -M.: Nauka, 1977. - 290 s.
4. Furqat Zokirjon Xolmuhammad o'g'li. Asarlar majmuasi. Ikki jildlik. 1-jild. - T., 1991. - 392 b.
5. Xudoyberdiyev A. O'zbek poeziyasida murabba' she'r shakllari va janrlari: Filol. fanlari nomz. ... dis. avtoref. - Samarkand, 1994. - 24 b.
6. Shayxzoda M. G'azal mulkinging sultoni. // M. Shayxzoda. Asarlar. 4- tom. -T.: 1972. - 312 b
6. H. Boltaboey. "Sharq mumtoz poetikasi" o'quv qo'llanma". "O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. T.: 2008.

UDC 821. 112. 5+82. 091

THE LITERARY TRANSLATION OF THE PASSAGE FROM A. MUKHTAR'S NOVEL "PLATAN"

M.F. Khakimova, teacher, Termez State Pedagogical Institute, Termez

Annotatsiya. Maqolada "Chinor" romanidan parchaning adabiy tarjimasi o'rin olgan. Muallif parchani tarjima qilishda o'zining buyuk iste'dodini ko'rsatadi.

Kalit so'zlar: tarjima, o'ychan yuz, adabiy, chinor

Аннотация. В статье рассматривается художественный перевод отрывка из романа «Платан». Автор проявляет свой большой талант в переводе отрывка.

Ключевые слова: перевод, задумчивое лицо, литературовед, клен.

Abstract. The article deals with the literary translation of the passage from the novel of "Platan". The author shows her great talent to translate the passage.

Key words: translation, thoughtful face, literary, Platan.

Tulagan liked secretary's kind, thoughtful face and his natural fatherly love. Afterwards he became audacious and with the help of questions he told about himself. He was elected to the secretary of the Party Committee last year. His job was not good, and according to his opinion he could not cope with it. Collective farm's family is large, the works are in mess and expected to its solution. The most essential thing is people's spirit. Tulagan is very busy now, he is post – graduate student of the financial institute and his family is young, his daughter has been ill for three months. He is not managing of the work dependent on this very causes too.

Orif aka made no comment about this and even didn't advice, didn't comfort. But made a deep thought about all events.

At noon, they sit in Party Committee till the evening. They called out the heads of the department and old communists. Orif aka liked Tulagan very much. Even he could not manage with the farm he knew the people better, he was familiar with each family, with their problems and he mixed up his own business with the works of farm. The next day the whole day they worked in book – keeper's office. Here Tulagan became a vivid discovery to Orif aka, Tulagan knew farm's financial possibilities better than accountant general. His intellect was fast and tend to be analyzed quickly, Tulagan knew old and new documents, numbers by heart. Orif aka noticed one more thing here accountant and financist looked at him like a capable student who knew his dissertation by heart.

When Tulagan analyzed short comings they said: oh, we wasted our time o.k. let it be like this and they laughed at him. But according to Orif aka's opinion farm's six year's problem, the reduction of yield and income, the worker's hard mood are connected with the mess in inner accounting, understanding this case he tried to keep Tulagan close to him.

In a fourth day a warm wind stopped. But breathing was still hard, the air of the house was damp and dusty, the dust as if coming from furniture and clothes.

After breakfast Orif aka with Tulagan went out to the street. In open veranda of the third house the family under umbrella was having breakfast. The old man's face seemed to be familiar among the squealing children. "A man from Shivilgon" said Orif aka to himself. He knew people of Shivilgon from the shape of the face, from the smile and face.

- Good morning, dear guest help yourself, said the old man. Like an old man, he was not much older than Orif aka, but he had moustache and had special cap on his forehead, because of this one

can, call him like and old man. The veranda was cramped Orif aka sat to the staircase and took the piala (cup).

- You are sitting in a cramped place?

- Oh, cause of this crazy warm wind children became damp for three days, said the old man, -

Now, help yourself.

- Are you getting from the mountain?

- You are right, quest, we are from Shivilgon. The old man took the new loaf of the bread, and cut it carefully, - Now, Tulagan boy you can also sit.

- I'm wondered about one thing, began talking Orif aka blowing the tea, the majority of the people in a farm are migrated from the ex Kuyki region. You are the people who lived in a fresh air the mountain, yielding sweet fruits and leaving all these green houses, gropes and springs, how can you stand on this?

The old man looked at Tulagan.

- This man is a new secretary of the Region Committee. Daddy Mansur, you can speak openly to this man, said Tulagan with usual frankness.

- Yes, what is in our soul is visible to you, it is not easy. But the authority does the things with an intellect, now we are here for five years.

- We know about this, from farm's there is a great financial income to the government and to the people. But the government cannot take into consideration each person's wishes. Let's take, you, won't you miss for Shivilgon?

- We miss it. But the children get accustomed to this. But we, old people sorry for those green villages. There were enough number of people who escaped.

- Escaping is not courageous. But those people also have some energy in their soul and they couldn't agree with this situation.

- I think, you are blaming us?

- I'm not blaming you, I'm wondering. You are the farmers. Why you cannot plant a tree and save the veranda from warm wind? Daddy Mansur sat silent for a long time, cleaned the piala, gathered the slices of bread in dastarhan, his rough, strong and old fingers were trembling.

- Seven of my ancestors were a gardeners. Don't have easy leaving the job of father and living here is like to separate a nail from the skin. You said garden, young tree. And I tried to plant a peach tree in front of the window taking the water from the tube. People laughed at me, here is, it is considered to be a mark of laziness. In spite of this, any way we are farmers, we wish we had a small land, if it were like this we can overcome this warm wind. The wind doesn't approach the garden. But the very essential thing is that, the trees don't feed them, pointing to the children leaving the dastarhan.

- But in Shivilgan trees fed them, here doesn't feed. Here is we get salary from the cotton. We should work.

- What about living? We have to live too, - said Orif aka slowly himself. After that he thanked for the tea and for the conversation, stand on his place. They understood each other.

These days Orif aka met tens of farm's people. Tulagan walking together with him, thought that this man lost his mind of these discussions. But Orif aka trying to find out something tend the questions to one direction.

A short repair man from the fence of RTS (Repairing centre) without asking who he is began threatening:

- Who makes me if I don't want to do it? Nonsense! Myself, with own desire I'm working here. Most time they don't pay me anything, I know that the farm is poor, but I work still. Why? Think about it?

Or can't I earn any where else? – The young man thro owing the oily duster which he wiped his hand came closely. – We are from the Commission, make a report, please. Last time I told many things to the reporter, but he reported to the newspaper the wrong information. You also write down! But tell me one thing; today – desert, wind, work; tomorrow – desert, wind, work; the day after tomorrow – desert, wind, work... What is it, is it living? What will happen next, tell me?...

Instead of Orif aka a young man who is smoking a cigarette and wearing skull – cap answered with a smile:

- What it would be, again this kind of work repeats one more time?

It was Tulagan's every day hearing talks. But Orif aka thought about these talks' hours and made notes to his notebook.

-Who is the next? "Smoothie" -asked he.

"Smoothie" –is a man whose name is Ubaydullahon, now is a director of the club. The main work is the string the disk, -said Tulagan.

In the six day from the region the director himself arrived.

-Ziyom Ziyokhonovich, -said Tulagan seeing him from the window. He went out to meet him.

Orif aka also approached near the window. The house of the director was on the other side of the street, after stopping "Volga" that Ubaydullahon, his children and five or six men come and taking boxes from the language came the house.

Among the gifts brought from the city there were one or two bottles of cream and rolls of bread.

Ziyohonov was ex –secretary of the region committee. Orif aka save him in the last summit before his retiring and was heard some talks about him; they say he himself lives in his house in the town, and comes to the district for three or four days to fulfill his director's duty. And the case was still like this....

After half an hour Ziyohonov came the living room, greeted and apologized. He was younger than Orif aka, but there were wrinkles on his face, eyes were deeply sinned, brows were yellow and the head seemed to be a glittering lid of the tin.

- We are here for a week, - said Orif aka with a smile, but there is no cream, nor rolled bread. It seemed that you stopped doing farming, I think.

- And we are wandering on doing farming from the office to the office, - said Ziyohonov without understanding the hint.

- From one have to ask equipments, from another chemical drug... Tulagan! Bring us some tea! Orif aka gazed to the director with the surprise, and opening the door called Tulagan.

- We'll have tea afterwards, we need you here.

Tulagan came and sat down.

- Ziyohonov, - said Orif aka, - now you were the number of the Party, but one time you seemed never been a member of this. Secretary of Party Committee seemed to be young, but if we combine yours and mine knowledge, we can not compare it to his knowledge.

Ziyohonov's mood broken down and the wrinkles on his face seemed to be increasing.

-You are secretary of the region committee and you will teach us, I'm listening to you, -said putting hands on the table.

- You still did not understand why you were dismissed from your position, Ziyohonov.

-How can not I understand? Kindness! Make a open –heart ness. In a right place I could not be a strict. The period was powerful and severe. - Ziyohonov stopped, pressing his hands.

Orif aka tried to know what kind of person is he, that's why he stared to his face. Ziyohonov continued: - I was punished as a rule, I'm guilty. He is building generous building of the future and we are building it forever. We can not spare one or two million money, five or six hundred people. Left he dream, stand on hunger but don't have merry. We are building for the centuries for the new generation.

-Can the new generation understand this "strictness" –said Orif aka, -why to deceive yourself Ziyohonov, you are not dismissed your position for this. Wise worsas, strictness was much than expected, you lack of humanity kindness.

-Now you have come, make humanity yourself.

-The matter is that, coming here you are using the very old methods. The living condition of the people in a farm....

- We are under the service of the government comrade Ochilov.

- You are under the service of the people. The government cannot be agree unless the people, workers agree for this.

REFERENCES:

1. Aznaurova E.S. "Translation Theory and Practice" Tashkent 1989, p 244
2. Blokh. M.Y. "A Course in theoretical English grammar" M.1983., p.382
3. Buranov J.B. Hoshimov U.H Muminov O.M. " Normative course of English Grammar" Ukituvchi 1989., p.290
4. Murodova M.I. Badiiy adabiyotda „satira“ atamasining kelib chiqishi. Filologiya masalalari OAK jurnali E-ISSN: 2181 – 1237 DOI: 10.36078 2021/1-son.

UO’K 801:001.8

KONSEPSIYA MAYDON QURILISHI HAQIDA

G.K.Kutlimuratova, mustaqil tadqiqotchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada konsepsiya maydon qurilishi, xususan, sistemali tashkil etish prinsiplaridan biri semantik maydon prinsipi haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, funksional-semantik maydon xususiyatlari ham tasniflangan.

Kalit so‘zlar: konsepsiya, leksema, maydon nazariyasi, periferiya, semantik maydon, kognitiv maydon.

Аннотация. В данной статье рассматривается один из принципов построения концепт-поля, в частности, принцип семантического поля. Также классифицируются функционально-смысловые признаки поля.

Ключевые слова: концепция, лексема, теория поля, периферия, смысловое поле, когнитивное поле.

Abstract. In this article, one of the principles of the construction of the concept field, in particular, the principle of the semantic field, is discussed. Functional-semantic field features are also classified.

Key words: concept, lexeme, field theory, periphery, semantic field, cognitive field.

Hozirgi vaqtda olimlar til birliklarini sistema sifatida o‘rganishni tilshunoslikning asosiy vazifalaridan biri sifatida e’tirof qilishmoqda. Sistemali tashkil etish prinsiplaridan biri semantik maydon prinsipidir. Ushbu atama ilk marta G.I.Ipsen tomonidan fanga kiritilgan, keyinchalik J.Trier (dastlab "konseptual semantik maydon" atamasini taklif qilgan), shuningdek, boshqa tadqiqotchilar tomonidan qabul qilingan bo‘lib, u til fanining deyarli barcha sohalarida nihoyatda keng tarqalgan. Xorijiy olimlar (Y.Trir, Vaysgerber va b.) bu sohaga kiruvchi leksemalarning umumiy ma’nolari mavjudligini "semantik soha"ni farqlashning asosiy mezoni sifatida ilgari suradilar [9].

Rus tilshunosligida esa maydon nazariyasi F.P.Filin [1967]; V.G.Admoni [1964]; E.V.Guliga, E.I.Shendels [1967]; A.B.Bondarko [1967, 1972, 1984]; L.M.Vasilev [1971]; Y.N.Karaulov (1972); Y.D.Apresyan (1974); G.S.Schur [1974]; D.N.Shmelev [1977]; I.A.Sternin [1985, 1989, 1999]; Z.D.Popova [1984, 1989, 2002]; O.M.Voevudskaya [2001] va boshqalar tomonidan ishlab chiqilgan.

F.P.Filin og‘zaki semantik maydonlarni "leksik-semantik guruhlar" atamasi bilan nomlagan. Olim ularga "tilning tarixiy taraqqiyot yo‘lidan kelib chiqqan holda o‘ziga xos hodisa" bo‘lgan "bir xil, qiyosiy ma’noga ega bo‘lgan leksik assotsiatsiyalar" deb ta’riflagan [8]. U har qanday semantik munosabatlarning umumiyliги bilan bog‘langan sinonimlar, antonimlar va boshqa so‘z guruhlarini o‘z ichiga olgan.

F.P.Filin leksik-semantik guruhlardan so‘z hosilalarini ("uya"), so‘z birikmalarini, grammatik sinflarni, polisemantik so‘zlarning ma’no komplekslarini va mavzuiy guruhlarini ajratdi.

Y.N.Karaulov leksik-semantik sohani ma’no jihatdan bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan bir tilning so‘zlari guruhi deb belgilaydi [6].

Y.D.Apresyaning ta’kidlashicha, semantik maydon kamida bitta umumiy semantik komponentga ega bo‘lgan ma’nolar yig‘indisidan hosil bo‘ladi. Semantik maydonlar bir-biri bilan kesishadi. Har qanday semantik maydondan, ozmi-ko‘pmi uzun bo‘g‘inlar zanjiri orqali istalgan boshqa sohaga kirish mumkin, shunda "semantik makon shu ma’noda uzluksiz bo‘lib chiqadi".

I.A.Sternin maydon tushunchasining xususiyatlarini ko‘rsatib berdi, ular orasida quyidagilar alohida ajralib turadi:

- 1) maydon – sistema munosabatlari bilan o‘zaro bog‘langan elementlarning inventarizatsiyasi;

2) sohani tashkil etuvchi elementlar semantik umumiylikka ega bo'lib, tilda yagona vazifani bajaradi; g'

3) maydon bir jinsli va geterogen elementlarni birlashtiradi;

4) maydon komponentlardan – mikromaydonlardan hosil bo'ladi, ularning soni kamida ikkita bo'lishi kerak;

5) maydonning vertikal va gorizontol tashkil etilishi: vertikal tashkil etish – mikromaydonlar tuzilishi; gorizontol – mikromaydonlar munosabati;

6) maydon tarkibida yadro va periferik tarkibiy qismlar ajralib turadi; yadro dominant atrofida birlashadi;

7) yadroviy tarkibiy qismlar maydon funksiyalarini bajarish uchun eng muhim hisoblanadi, tizimli ravishda qo'llaniladi, maydon funksiyasini eng aniq bajaradi, boshqa tarkibiy qismlarga nisbatan eng ko'p uchraydi va ushbu soha uchun majburiydir;

8) yadro va periferiya o'rtasida maydon tomonidan bajariladigan funksiyalarni taqsimlash amalga oshiriladi: funksiyalarning bir qismi yadroga, bir qismi periferiyaga to'g'ri keladi;

9) yadro va periferiya orasidagi chegara xiralashgan, loyqa;

10) maydon tarkibiy qismlari bir maydonning yadrosiga va boshqa maydon yoki maydonlarning periferiyasiga tegishli bo'lishi mumkin;

1) turli sohalar bir-biriga qisman mos keladi, doimiy o'tish zonalarini hosil qiladi, bu til sistemasining maydon tashkil etish qonunidir [7].

So'nggi paytlarda maydonlarni darajalararo hodisa sifatida ko'rib chiqish an'anasi kuzatiladi. Til vositalarining ma'lum bir to'plamini biror sohaga nisbat berishning asosi bo'lib, u turli darajalarga mansub hodisalarda uchrashi sababli ham grammatik, ham leksik xususiyatga ega bo'lishi mumkin bo'lgan umumiy semantik xususiyatning mavjudligi hisoblanadi [3,4,5].

A.B.Bondarko funksional-semantik sohani ma'lum bir tilning ko'p darajali vositalari tizimi (morfologik, sintaktik, hosilaviy, leksik, shuningdek, birlashtirilgan – leksik-sintaktik va boshqalar), ularning funksiyalarining umumiyliigi va o'zaro ta'siri asosida birlashtirilgan deb hisoblaydi.

Funksional-semantik maydon tushunchasi ko'p darajali, strukturaviy geterogen til vositalari tizimini modellashtirish bilan bog'liq. Funksional-semantik maydon model sifatida makonning shartli g'oyasi bilan bog'liq bo'lib, unda maydonning markaziy va periferik tarkibiy qismlarining konfiguratsiyasi ko'rsatilgan, boshqa maydonlar bilan kesishish zonolari ajratilgan [3]. Shunday qilib, funksional-semantik maydon quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanadi:

1) elementlar uchun umumiy invariant semantik funksiyalarning mavjudligi;

2) nafaqat bir jinsli, balki geterogen elementlarning ham o'zaro ta'siri;

3) quyidagi xususiyatlar hal qiluvchi rol o'ynaydigan tuzilmaning mavjudligi:

a) "markaz (yadro) – periferiya" bo'limi; b) berilgan guruhlashning tarkibiy qismlari va turli guruhlar o'rtasidagi bosqichma-bosqich o'tishlar, qisman kesishmalar, "umumiy segmentlar".

Maydonlarning kesishishi til hodisalari belgilarining ko'pligiga asoslanadi, ulardan biriga ko'ra, bu hodisa bir sohaga, ikkinchisiga ko'ra – berilgan bilan kesishgan "qo'shni" maydonga tegishli, shuning uchun umuman hodisalar ko'rib chiqilayotgan bir necha sohalarida ishtirok etishi mumkin [2].

Nutq qismlarini markaz va periferiyaga ega bo'lgan va boshqa sohalar bilan kesishgan maydonlar sifatida talqin qilish V.G.Admoni konsepsiyasida keltirilgan [1].

Fizik hodisalarga ega bo'lgan "klassik" maydon qurilishidan sezilarli farq, grammatik birliklarning maydon tuzilishi periferiyaning turli sohalarining notekis to'yinganligi, ma'lum bir birlikning ma'lum xususiyatlari bilan yadrodan ko'proq yoki kamroq chiqariladi. Grammatik birliklar maydon qurilishining o'ziga xos, ammo juda muhim holati – bu turli birliklar maydonlarining qisman mos kelishi, ya'ni ikkita sohada umumiy segmentning mavjudligidir.

E.V.Guliga va E.I.Shendels soha ichidagi til vositalari o'rtasidagi bog'lanishlar qolipiga ishora qiladilar: "Umumiy ma'nolarni ifodalash va nomlash uchun mo'ljallangan grammatik va leksik darajadagi turli vositalar o'zaro tasodifiy munosabatlar orqali emas, balki muayyan qoliplarni o'rnatish imkonini beruvchi munosabatlar orqali bog'lanadi. O'zaro ta'sir qiluvchi vositalarning

yig'indisi sistemani – grammatik-leksik maydonni tashkil qiladi [5], unda quyidagi xususiyatlar ajralib turadi:

- 1) tizimli munosabatlar bilan o'zaro bog'langan turli darajadagi vositalar to'plamining mavjudligi. Maydonga kirib, vositalar sohaning tarkibiy qismlariga aylanadi;
- 2) u yoki bu darajada uning tarkibiy qismlariga xos bo'lgan umumiy ma'noning mavjudligi;
- 3) maydonning umumiy qiymati bitta emas, u kamida ikkita qiymatga bo'linadi, ular qarama-qarshi yoki qutbli bo'lishi mumkin. Ushbu qiymatlarning har biri mikromaydon hosil qiladi;
- 4) maydon bir jinsli bo'lmagan va qoida tariqasida murakkab qurilishga ega bo'lib, u mikromaydonlarning gorizont va vertikal qismlari sifatida ifodalanishi mumkin. Mikromaydonlar gorizont tarzda joylashtirilgan, bir vaqtning o'zida makromaydonning tarkibiy qismlari bo'lgan mikromaydonlarning tarkibiy qismlari vertikal ravishda joylashtirilgan;
- 5) ko'pchilik sohalarda dominant ajralib turadi, uning atrofida maydonning o'zagi shakllanadi;
- 6) yadrodan uzoqda joylashgan tarkibiy qismlar maydonning chetida joylashgan;
- 7) tarkibiy qismlarning noaniqligi ularga bir sohaning dominant va boshqasining periferiyasi bo'lish imkoniyatini beradi;
- 8) tarkibiy qismlarning noaniqligi bir soha ichidagi mikromaydonlarni, shuningdek, turli mikromaydonlarni o'zaro bog'lash uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi [5].

Tilning butun tuzilishida ajralib turadigan sohalar birlamchi (asosiy), tarkibiy jihatdan zaruriy va ikkilamchiga bo'linadi. Subyekt-kontseptual tipdagi leksik guruhlar birlamchi sohalarga, ikkinchi darajalilarga esa emotsional, so'zlashuv va boshqa lug'at sohalari kiradi. Ikkilamchi maydonlar birlamchi maydonlarni kesib, bir qator asosiy maydonlarning elementlarini birlashtiradi; ikkilamchi maydonlar "qo'shimcha" turdagi maydonlardir.

Maydon modeli tilni elementlarning doimiy qayta tuzilishi va ular o'rtasidagi munosabatlar mavjud bo'lgan quyi tizimlar sistemasi sifatida ifodalaydi. Maydon qurilishi jarayonida til hodisalari bilan ekstralingvistik voqelik o'rtasidagi dialektik bog'lanishlar namoyon bo'ladi, lingvistik ong xususiyatlari ochib beriladi, milliy – o'ziga xos xususiyatlar oshkor qilinadi.

Demak, tilshunoslik va semantikadagi "maydon" atamasi har doim kompozitsiyada yopiq bo'lmagan, yadro va periferiyaga ega bo'lgan murakkab, fazoviy birlik g'oyasi bilan bog'liq.

Aytish mumkinki, kontseptual xususiyatlar semalar sifatida namoyon bo'ladi va sememalar bilan mos kelishi mumkin, til va nutq tizimida tushunchaning barcha mavjud bo'lgan ko'rinishlari o'rganilayotgan kontseptning maydon strukturasi qurish imkonini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Адмони В.Г. Полевая природа частей речи (на материале числительных) // Вопросы теории частей речи. – Л., 1968. – С.99.
2. Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, 1971. – С.114.
3. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л., 1984. – С.21.
4. Воеводская О.М. Лексико-грамматическое поле концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж, 2001. – С.111-113.
5. Гулыга Е.В, Шендельс Е.И. К вопросу о языковых макро- и микрополях // Уровни языка и их взаимодействие: Тезисы научной конференции. – М, 1967. – С.9-10.
6. Караулов Ю.Н. Структура лексико-семантического поля // Филологические науки, 1972. – № 1. – С.57.
7. Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. – Воронеж, 1985. – С. 38-39.
8. Филлин Ф.П. О лексико-семантических группах слов // Языковедски исследование в чест на академик С. Младенов. София, 1967. – С.537-538.
9. Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. – М., 1974. – С.20-29.

UO'K 81'3

INGLIZ TILIDAGI AOTMI TERMINLARINING GENETIK XUSUSIYATLARI

B.Makhammadov, O'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i o'rinbosari, Navoiy davlat pedagogika instituti, Navoiy

Annotatsiya. So'zlarning genetik xususiyati bu so'zlarning kelib chiqishi ya'ni etimologiyasi tushuniladi. Etimologiya haqiqat va logiya— so'z; so'zning haqiqiy ma'nosi) — 1) so'z va morfemalarning kelib chiqishini o'rganuvchi tilshunoslik bo'limi; 2) so'zning kelib chiqishini

aniqlashga qaratilgan tadqiqot usullari majmui; 3) soʻzning kelib chiqishi. 19-asr tilshunosligida "Etimologiya" termini "grammatika" maʼnosida ham qoʻllangan.[1;1]

Kalit soʻzlar: google chrome, yandex taxi, telegram, payme, etimologiya, kirim-chiqim, genetik xususiyatlar

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы происхождения и этимологии генетических особенностей мобильных приложений операционной системы Android на английском языке. Генетические особенности терминов означают, что этимология слова может высвободить основное значение корней. Этимология слова является одним из разделов языкознания, который может иллюстрировать происхождение корней и морфем, кроме того, термин «этимология» произошел от термина «грамматика» в XIX веке. В данной статье дается генезис некоторых английских слов, связанных с мобильными приложениями.

Ключевые слова: google chrome, yandex taxi, telegram, payme, этимология, expenditure, генетика терминов

Abstract. This article deals with the origin and etymology of genetic features of Android operating system mobil applications in the English language. Genetic features of terms mean that the etymology of the word can release main meaning of the roots. Etymology of the word is one of the sections of the linguistics which can illustrate the origin of roots and morphemes, besides that the term "Etymology" came from the term "Grammar" in XIX century. In this article it is given the genesis of some English words related to the mobile applications.

Key words: google chrome, yandex taxi, telegram, payme, etymology, expenditure, genetics

Kirish. Bugungi kunda barcha tillar oʻsib bormoqda hamda lugʻat boyligi koʻpaymoqda. Shu qatorda ingliz tilini misol qilib olsak, garchi foydalanilayotgan koʻp soʻzlar anchadan beri tilimizning maʼlum bir qismiga aylanib qolgan boʻlishiga qaramasdan, yangi soʻzlar bu tilga doimiy qoʻshilib kelmoqda. Ingliz tiliga taʼsir qiluvchi omillar quyidagilardir:

Oʻzga tillardan oʻzlashgan soʻzlar. Ingliz tili koʻp holatlarda odatda Anglo-sakson yoki Lotin tillaridan oʻzlashgan hisoblanadi. Boshqa tillardan ham soʻzlar olingandir.

Texnologiya va mahsulotlar nomlari orqali qoʻshilgan soʻzlar – Mazkur til odatda hozirgi urfdagi, qiziqishdagi hamda innovatsiyadagi hodisalarga oʻzining taʼsiri koʻrsatmoqda. Aynan aksariyat dasturlar, kompyuter texnologiyalarining yoʻriqnomalari ingliz tilidan kirib kelmoqda. Masalan, google chrome mobil ilovasida foydalanilgan terminlardan oladigan boʻlsak, tap, app, account, sync kabi atamalar aynan tilga oʻzlashmoqda. Tilning rivojlanishi uchun bundan tashqari mahsulotlarning nomlarining oʻsishi muhim ahamiyatga ega. Xususan, mobil ilovalar orasidan, **Telegram, Yandex, Payme** kabi soʻzlar ham hozirgi kunda doimiy ishlatiladigan atamalar qatoriga qoʻshilmoqda.

Mashhur shaxslarning nomlari orqali til boyishi. Odatda biror shaxs maʼlum bir narsani ixtiro qilsa yoki yaratsa va bu narsa keng ommalashsa, shu inson nomini abadiylashtirish uchun aynan shu inson nomi keltirilgan atamalar yaratilishi mumkin. Jumladan, **mesmerize** – maftun qilmoq maʼnosini beradi, Avstraliyalik doktor va gipnozchi F.A Mesmer nomidan olingan. **Sideburns** – inson yuzidagi yon tomonlar tushuniladi. Mazkur soʻz Amerikadagi yosh general E.Burnside nomidan kelib chiqqan.

Harflar qisqartmalaridan yasalgan nomlar orqali til boyishi. Baʼzi soʻzlarning qiziqarli tarixi mavjud. Soʻzlarning kelib chiqishini oʻrganish ularni yodlashning eng yaxshi usuli hisoblanadi. Ismlardagi bosh harflar ham oʻrnida aytilsa, guruh hosil qiladi. Masalan, kompyuter dasturlardan birida hujjatlarni arxivlab, ixchamlashtiradigan koʻrinishga olib keladigan dasturning fayl kengaytmasi **ZIP** deyiladi. Bundan tashqari, barchamiz uchun maʼlum boʻlgan **TV** qisqarmasi ham ommalashgan yoki mobil ilovalarning atamalari tahlili jarayonida **QR(quick response)** qisqartmasiga ham duch kelasiz. Bunday soʻzlar koʻplab uchraydi, **VIP, FAQ** va boshqalar.

Yuqoridagi maʼlumotlarni koʻrib turganingizdek, soʻzlarning genetikasini oʻrganish juda qiziqarli va foydali soha hisoblanadi. Taʼkidlanganidek, ingliz tili soʻzlarining aksariyati Lotin va Grek tillaridan yoki boʻlmasa old va orqa qoʻshimchalar qoʻshilishi natijasida shakllangan. Ushbu faslda aynan ingliz tilidagi mobil ilova terminlarining genetik tahlili bilan yoritiladi. Mazkur faslning

asosiy maqsadi mobil ilovalardagi terminlarning turli tillardan olingan soʻzlarini aniqlash va Ingliz tilida ifodalinish etimologiyasini tasvirlab beradi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Dr.Arun. K.Beheraning maqolasida taʼkidlashicha, Ingliz tilining 30 foiz soʻzi mahalliy hisoblanadi. Bu soʻzlar kamligiga qaramasdan keng hajmdagi leksik va sintaktik tuzilishlarga ega. Baʼzida mahalliy va olingan soʻzlarni ajratib olish qiyin. Maʼlumki, agar tillar uzoq vaqt bir biri bilan uygʻunlashgan boʻlsa, tilning boyishiga taʼsir qiladi. Baʼzi soʻzlar dastlab vaqtincha foydalanish uchun olinadi, lekin keyinchalik soʻzlar moslashgan keyin doimiy foydalanilishga oʻtadi, aynan shu jarayon olingan soʻzlar hisoblanadi. Finkensted, Volf, Neuhaus, Herget tomonidan olib borilgan tadqiqotlarga koʻra, zamonaviy ingliz tilining turli tillardan kirib kelgan soʻzlari mavjud. Ularni foizlarga hisoblaganda, Lotin tili (ilmiy, tibbiy, huquqiy soʻzlarni hisobga olganda), Fransuz, Nemis. Grek va boshqa tillar 29%, 29%, 26%, 6% va 10% ni tashkil etar ekan. Skitga koʻra, ingliz tili 178 ta Anglo sakson lahjasiga tegishli oʻzak soʻzlardan va 280 tasi esa boshqalardan iborat va koʻp soʻzlar Lotin va Grek tilidan olingani taʼkidlangan. [2;18]

Genrining aytishicha, 12 ta Lotin va 2 ta Grek tilidagi oʻzak soʻzlar va 20 ta koʻp qoʻllaniladigan old qoʻshimchalar taxminan 100.000 mingta soʻzga asos boʻladi. [4 ; 4]

Ingliz tiliga boshqa tillardan kelib chiqqan soʻzlar orasida quyidagilar mavjud: Ad hoc, Bona fide, Calendar, Pro-forma, Verbatim (Lotin tilidan); Artist, Bureau, Chef, Diplomat, Justice, Gallop, Precis, Restaurant (Fransuz tilidan); Cookies (nemis tilidan), Bangle, Bungalow, Curry, Jungle, Loot, Pyjamas, Shampoo, Yoga (Hind tilidan), Democracy, Eureka, Plethora (Grek tilidan); Gestalt (Nemis tilidan); Guitar (ispan tilidan); Lemon (forsiy tilidan); Mafia, Opera, Piano, Pizza, Studio, Solo, Traffic, Umbrella, Volcano (italyan tilidan); Paper (arab tilidan); Robot (chex tilidan); sputnik, troika (rus tilidan); Tsunami (yapon tilidan); Yoghurt (turk tilidan), Zero (arab tilidan); [4;20]

Tadqiqot metodologiyasi (Research methodology). Ingliz tilidagi aksariyat soʻzlar olingan bilan bir qatorda, ilmiy ishda terminlari tahlil qilinayotgan atamalar ham mobil ilovalardagi soʻzlar ham olingan boʻlishi mumkin. Bu holatni aniqlash uchun Google chrome kabi axborot izlovchi dasturlarga yuzlanganda soʻzlarning genetikasini aniqlab beruvchi onlayn mobil va veb-saytlar (etymonline.com) mavjudligini aniqladi.

Shunga koʻra, yuqoridagi nomi keltirilgan veb-sayt orqali soʻzlarning genetikasi oʻrganilganda quyidagilar aniqlandi. Birinchi telegram mobil ilovasidagi atamalar oʻrganilganda,

Telegram - ushbu atamadagi tel qoʻshimchasi, soʻz hosil qiluvchi element sifatida olingan boʻlib, xuddi television soʻziga oʻxshab, Grek tilidan olingan olingan boʻlib, uzoq masofa maʼnosini beradi, genetik jihatdan grek tilidagi “teleos” soʻzidan olingan hisoblanadi. **Gram qoʻshimchasi** esa ot yasovchi qoʻshimcha hisoblanib, Grek tilidagi gramma yaʼni harf, yozma harf anglatuvchi soʻzdan olingan boʻlib, ikkalasi qoʻshilganda telegram soʻzi yasalgan. Ushbu atama 1850 yillar aniqrogʻi Albaniyadagi “Tunggi jurnal”, 6-aprel, 1852-yildagi sonida dastlab foydalanilgan. [5]

Google Chrome – ikki komponentli atama boʻlib, **google** – atamasiga taʼrif beriladigan boʻlsa, ushbu atama 1999-yildan boshlab foydalanildi. Google.com domeni 1997 yilda roʻyxatdan oʻtgan boʻlib, mashhur kompaniya ham aynan shu nomdan olingan. Kompaniyaning maʼlumot berishicha, bu google nomi googol atamasi bilan chalkashlik hosil qilgan, maqsadi millionlab maʼlumotlarni bitta toʻrga jamlaydigan qidiruv tizimini yaratish boʻlgan Lari Peyj va Sergey Blinlarning gʻoyalari katta taʼsir koʻrsatgan. Merriam-webster ingliz izohli lugʻatida Googol – uzun son sifatida tushuniladi yaʼni 10100 tarzida. **Chrome** - atamasi Fransuz tilidan olingan boʻlib, ushbu nom Fourkroy va Haviy tomonidan yangi element sifatida olib kirilgan, lekin dastlab ushbu atama Grek tilidan boshqacha atalgan khroma yoki chromium tarzida. Keyinchalik metal tarzida Fransuz kimyogari 1798-yilda Luiz Nikolas Vakvilini xrom chrome tarzida nom beradi. Google Chrome mobil ilovasining belgisi ham xrom elementiga oʻxshab ishlab chiqilgan.

Yandex.taxi – yandex atamasi ham google chrome ga oʻxshab, Rossiya davlati dasturchilari tomonidan ishlab chiqilgan qidiruv tizimi hisoblanadi. Bu tizim tarmoqlangan boʻlib, tur xil maʼlumotlarni izlashda yordam beradi, xususan, koʻrib turganingizdek, taksi haydovchilarini ham. Yandex atamasi birinchi kelib chiqishi, Akradiy Voloz va Borovskiylarga borib taqaladi. Ular Arkadiya deb nomlangan kichik kompaniyada qidiruv texnologiyalari ustida ishlashardi. 1993-yilda

ularning bu tizimi rivojlangandan keyin nomni o'zgartirishga kelishib olishadi. Ingliz tilidagi "search" va "index" (ikkala so'z ham qidirmoq ma'nosini beradi) atamaları ular uchun muqobil shakl hisoblanadi va ikkalasi orasidan "index" atamasi tanlanadi. "Yet Another Indexer" so'zining qisqartmasi "Yandex"ni o'ylab topishadi. Shundan so'ng, Voloz dastur logotipidagi so'zning birinchi ikkita inglizcha harflarini Ruscha harflar bilan YA("Ya" – ingliz tilida Men – I ma'nosini anglatadi) ga o'zgartiradi, shu bilan ushbu atama ikki tilliga aylanadi. **Yandex** kompaniya sifatida 2000-yilda faoliyatini boshlaydi.

Taxi – atamasi taximeter cab so'zining qisqartmasi bo'lib, 1907-yilning mart oyida Londonda foydalanilgan.

Payme – mobil ilovasi 2013-yilda o'zbek dasturchilari tomonidan yaratilgan bo'lib, barcha turdagi to'lov va o'tkazmalar uchun foydalaniladigan xizmat turi hisoblanadi. Pay – atamasi 1200-yilda eski Fransuz tili paier so'zidan olingan. Me- olmosh sanalib, eski Ingliz tilidan olingan. Ingliz tilida I - kishilik olmoshining, to'ldiruvchi vazifasini bajaruvchi, so'zi hisoblanadi.

Yuqorida barcha mobil ilovalar nomlarida qo'llanilgan atamalarini etimologik tahlil qilindi. Mobil ilovalardagi qolgan terminlarni ham tahlil qiladigan bo'lsak, telegram mobil ilovasidagi terminlar quyidagilar:

start (fe'l) – eski ingliz tilidagi "steortian" so'zidan olingan,

group (ot) – 1690 yillarda Fransuz tilidagi "groupe" so'zidan olingan.

Contact (ot) - Lotin tilidagi contactus so'zidan olingan. 1620-yillarda

Code (ot) – 1300-yilda eski Fransuz tilidan code so'zidan olingan

Bots (ot) – 2000 yillarda kirib kelgan, **robot** so'zining qisqa shakli. Ushbu atamaning kelib chiqish aniq emas.

Calls (ot) - ot so'z turkumida turli ma'nolari bo'lgani uchun ushbu so'zning o'zagi gal - eski hind yevropa tillaridan olingan. Aynan call telefon orqali aloqa ma'nosida 1878 yildan boshlab foydalanilgan.

People (ot) - xalq ma'nosida ushbu so'z Lotin tilining populus so'zidan olingan. Odamlar ma'nosida esa 1300-yillardan Anglo-Fransuz tillar aralashmasidan kelib chiqqan, ya'ni peple, people.

Friend (ot) – eski ingliz tilining freond so'zidan kelib chiqqan. Eski ingliz tilida feond va freond so'zlari bir biriga qarama qarshi bo'lib kelgan. Aniqroq aytadigan bo'lsak, friend so'zining antonimi zamonaviy ingliz tilida enemy so'zi hisoblanadi.

Invite (fe'l) – ushbu so'z Lotin tilining invitare so'zidan olingan

Voice (ot) – eski fransuz tilibubg voiz so'zidan kelib chiqqan, shu ma'nodan Lotin tilining vocern so'zi ham ushbu so'zning asosi bo'ladi.

View (ot) – 15 asr boshlarida fransuz tilining vewe so'zidan olingan.

File (ot) – aslida ushbu so'z fransuz tilining file so'zidan kelib chiqqan bo'lib, 1954-yildan boshlab kompyuter maqsadlaridan foydalanila boshlagan.

Store (ot) – Ingliz tilining amerika lahjasida ushbu so'z 1721 – yilda tovarlar saqlanadigan joy ma'nosida ishlatilgan. Ushbu atama kompyuter yoki telefon xotirasida bundan tashqari mobil ilovalardagi ma'lumotlarni saqlash ma'nosining kirib kelishi, dastlabki zamonaviy kompyuter dasturlarining yaratilishi bilan bog'liq ya'ni 1975 yilda Mikrosoft kompyuterlar uchun windows dasturi.

Username (ot) – user va name so'zlar qo'shilmasidan hosil bo'lgan, user so'zi kompyuterlar dasturlari foydalanuvchisi ma'nosida 1967 yildan boshlab ishlatilgan. Name so'zi eski ingliz tilining nama, noma so'zlaridan olingan. Ushbu so'zning asl o'zagi no-men bo'lgan.

Profile (ot) – file so'ziga, old qo'shimcha pro qo'shilishi natijasida, o'zlashgan so'z bo'lib, ushbu so'z 1650 yillardan boshlab foydalanilgan, lekin ayni hozirgi zamonaviy ingliz tilidagi ma'noni anglatmagan. Bugungi kundagi ma'noni berishi 1734-yildan boshlangan.

Country (ot) – ushbu atama 13 asr o'rtalaridan boshlab foydalanilgan, ayni ma'nosi esa eski fransuz tilining cuntrye, cuntrede so'zlaridan olingan, chunki shu davrlardan boshlab Fransiya davlat bo'lib shakllanishni boshlagan. Ushbu so'z aslida 16 asrlargacha odatda qishloq hududlariga nisbatan ishlatilgan.

Location – 1590 yillardan boshlab hozirgi ma'noda foydalanilgan, lekin Lotin tilining locationem so'zi ham ayni ma'noni anglatgan.

Chat (ot) – ushbu atama 1520 yildan boshlab foydalanilgan, eski ingliz tilidan yuzaga kelgan, ya'ni oldingi holatda bema'ni suhbatlashish ma'nosini bergan, hozirgi zamonaviy ingliz tilida onlayn tarzida, muloqot qilinadigan mobil ilovalar ko'p. Shular orasidan, telegram ham xuddi shunday muloqotlarni yaratishga xizmat qiladi. Bugungi kundagi ma'nodagi holatda foydalanish 1994 yildan boshlangan.

Message – atama 1300 yillardan boshlab foydalanilgan, eski fransuz tilidan olingan bo'lib, ushbu tilda ham yozilishi biri xil bo'lgan. Ilgari xabarlar kabutarlar yoki elchilar orqali yuborilgan bo'lsa, bugungi kunda nomalar mobil qurilmalarimizdagi maxsus xabarlar jo'natish uchun mo'ljallangan mobil ilovalar orqali yuborilmoqda.

Forward – ushbu atama eski ingliz tilidagi forewearde so'zidan olingan bo'lib, dastlab sifat so'z turkumidagi ma'noni bergan, bunday holat 1520-yillardan boshlangan. Keyingi bosqichda yuborilgan xatlarni boshqasi orqali jo'natvorish ma'nosida esa 1757-yildan boshlab foydalanilgan. Ilgari haqiqiy xatlar yuborilgan bo'lsa, hozirga kelib, ushbu xatlar e-mail orqali yuborilmoqda.

Tahlil natijasida ko'rilgan atamalarning barchasi, telegram mobil ilovasi terminlarining genetik xususiyatlari edi, keyingi terminlari tahlil qilinadigan mobil ilova bu **google chrome** hisoblanadi:

Home (ot) – eski ingliz tilining “ham” so'zidan olingan bo'lib, 1765 –yildan boshlab ushbu atama fe'l ma'nosida ishlatila boshlagan.

Web (ot) – Eski ingliz tilining “webb(tola)” so'zidan olingan bo'lib, 13-asr o'rtalarida “o'rgimchak to'ri” ma'nosida foydalanila boshlangan. Internetda ishlatilishi 1992 yildan boshlangan.

Browser (ot) – 1845-yilda dastlab fe'l ma'nosida foydalanilgan (ko'rib chiqish). Kompyuterlardagi dasturlarda esa 1982-yilda foydalanila boshlangan, xususan, birinchi Apple kompyuterlarida Lari Tesler tomonidan PARC deb nomlangan qidiruv tizimi ishlab chiqilgan.

Page (ot) – dastlab ushbu atama 1200-yillarda eski fransuz tili va lotin tilidan foydalanilgan pagine so'zidan olingan. Ayni mobil ilovalardagi ma'nosini anglatishi 1982-yildan boshlanadi.

Screen (ot) – 14 asr boshlarida eski Fransuz tilining escran(olov ko'rinishi) so'zidan olingan bo'lib, hozirgi kundagi ma'nosida 1946-yildan boshlab foydalanila boshlangan. Internet dasturlarida esa 1999-yildan boshlab ishlatilgan.

Desktop (ot) - qo'shma so'z hisoblanadi. 1873-yildan boshlab desk-top tarzida ishlatilgan, kompyuterlardagi asosiy menyu sifatida ya'ni kompyuter ko'rinishida 1983-yildan foydalanilgan.

Feedback(ot) – feed + back so'zlari qo'shilmasidan hosil bo'lgan. 1920-yildan axborotda foydalaniladigan signal ma'nosida ishlatilgan, keyinchalik ikki so'z bir holatda ot so'z turkumiga o'zgartirilib, 1955-yildan boshlab bugungi kundagi tarjimasini (fikir-mulohaza) bo'yicha foydalanish boshlangan.

Classroom (ot) – 1811 yildan boshlab, ushbu bitta atama sifatida foydalanilgan, class(ot) – 14-asrdan Fransuz tilining classe(taboqa) so'zidan olingan bo'lib, aynan hozirgi ma'nosida (dars mashg'uloti) 1650-yillardan boshlab foydalanilgan. 2014-yilda da esa google kompaniyasi google classroom talabalarining masofivaiy ta'limga jalb qilish uchun mazkur loyihasini ishga tushirgan.

Cookie (ot) – 1730-yildan boshlab, shotlandiyaliklar katta bulochka deb tarjima qilishgan, lekin mobil ilovalarga qanday aloqasi bor degan savolga, quyidagicha javob berish mumkin: bu atama veb-qidiruv tizim dasturchisi L.Montulli tomonidan ishlab chiqilgan. Bu atama ingliz tilidagi “magic cookie” so'zidan olingan bo'lib, dasturda ma'lumotlarni qabul qiluvchi va javob qaytaruvchi vazifasini bajaruvchi ma'nosida keladi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendation). Ta'kidlash joizki, so'zlarning genetik xusuiyati va etimologiyasini bilish yangi tilni o'rganishda katta yordam beradi. Bundan tashqari ingliz tili o'rganuvchi talabalar genetik xususiyatlardan foydalangan holda har bir so'zni taqqoslash orqali o'rganishi ular uchun qulay hisoblanadi. Bu orqali esa o'rganuvchilar ingliz tili va mahalliy til o'rtasidagi aloqalarni yaratishi ham mumkin. Ma'lumki, ingliz tili so'zlarning omonimlik va ko'p ma'nolilik jihati o'ta kuchli hisoblanadi, shu sabab, So'zning asl ma'nosini tushunish, shuningdek,

uning o'tmishda ham, hozirgi paytda ham qanday qo'llanilganligini anglash uning ishlatilish holatlarini va ma'nosini tushunishingizni oshirishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Dr.Arun.K.Behera – Etymological analysis of English words // Cross-Currents: An International Peer-Reviewed Journal on Humanities & Social Sciences – 2015 - № 1 – b 18 – 20
2. Mario Dominkovic – Historical background of the contact between celtic languages and English: Dis assis. – Strossmayer universiteti, Osijek, Xorvatiya, 2016. - 4-bet
3. R.Stockwell, D.Minkova – English words: History and structure, University of California, Los Angeles, DOI: 10.1017/CBO9780511791161
4. O.Sekerci, The easter origin of English words, Journal of language and linguistic studies, Vol.3, No1, April 2007
5. Joseph T.Shupley, Dictionary of word origins, Littlefield, Adams, New Jersey, - 1979 – pp
6. Leonard Bloomfield, Language, New York: Henry Holt, 1933: 156.
7. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Etimologiya>
8. https://www.etymonline.com/word/telegram#etymonline_v_7690
9. https://www.cuesta.edu/student/resources/ssc/study_guides/vocabulary/802_vocab_etymology.html

UO'K 811.11-112.

SINTAKTIK SATHDA VALENTLIK NAZARIYASI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR M.X.Mahmudjonova, o'qituvchi, Samarqand davlat chet tillar institute, Samarqand

Annotatsiya. Mazkur maqolada tilshunoslikda bahsli masalalardan biri bo'lgan sintaktik valentlik bo'yicha bildirilgan fikrlar o'rganilgan va ularga nisbatan muallif mulohazasi bildirilgan, sintaktik valentlikni semantik va leksik valentlikdan farqlash tamoyillari keltirilgan, tilshunoslar tomonidan berilgan ta'riflarga nisbatan muallif pozitsiyasi bayon etilgan.

Kalit so'zlar: so'z valentligi, grammatik shakl valentligi, leksik valentlik, semantik valentlik, sintaktik valentlik, obligator va fakultativ valentlik.

Аннотация. В данной статье исследуются мнения в связи с определениями данными, высказанные лингвистами по поводу синтаксической валентности, являющейся одним из дискуссионных вопросов в языкознании, и высказывается мнение автора по поводу них, излагаются принципы отличия синтаксической валентности от семантической и лексической валентности, излагается авторская позиция.

Ключевые слова: валентность слов, валентность грамматической структуры, лексическая валентность, семантическая валентность, синтаксическая валентность, обязательная и факультативная валентность.

Abstract. This article examines opinions in connection with data definitions expressed by linguists about syntactic valency, which is one of the debatable issues in linguistics, and expresses the author's opinion about them, sets out the principles for distinguishing syntactic valency from semantic and lexical valence, and sets out the author's position.

Key words: word valence, grammatical structure valency, lexical valency, semantic valence, syntactic valence, obligatory and optional valencies.

Muloqot jarayonida gaplarni hosil qilish ekanmiz nutqimizdagi so'zlar shunchaki bir-biri bilan erkin birikib ketavermaydi, balki ular muayyan qonuniyatlarga bo'ysunadi. Til unsurlarining bunday birikuv qonuniyati valentlik tushunchasida mujassamlashadi.

Jahon tilshunosligida til sathlarida valentlikni o'rganish va ilmiy ishlarda tadqiq etish tilshunos olimlarning e'tiborini doimo o'ziga jalb etib kelgan. Ma'lumki, lingvistik valentlik tushunchasi fransuz tilshunosi L.Tener tomonidan birinchi marta qo'llanilgan va u keyinchalik Rossiyada S.D.Katsnelson tomonidan tilshunoslikda keng tadbqiq etila boshladi.

Dunyo tilshunos olimlari tilning barcha sathlarida valentlikni tadqiq etishda etarlicha muvaffaqiyatlarga erishgan. Jumladan, fonologik sathda valentlik fonemalarning so'z hosil qilish imkoniyatlari asosida boshqa fonemalar bilan birikish xususiyatlarini nazarda tutadi. Morfologik valentlik esa, morfemalarning leksik va grammatik ma'no hosil qilish uchun birika olish imkoniyatlariga asoslanadi. So'zlarning mazmuniy uyg'unligi asosida birikma hosil qilish xususiyatlari tilshunoslikda leksik yoki semantik valentlik, deb yuritiladi.

Sintaktik sathda valentlik nazariyasi tilshunoslar tomonidan turlicha talqin etilgan. L.Tener valentlik deganda «... so‘zlarning o‘zaro birikish mohiyati»ni tushungan va gap tarkibida so‘zlar fe‘l atrofida birikadi, fe‘l aktantlarini boshqaradi [1], deya verbotcentrizm tamoyilini olg‘a surgan. Keyinchalik deyarli barcha tilshunoslar L.Tenerga ergashib sintaktik valentlikni fe‘l bilan bog‘laydi va sintaktik valentlik miqdorini fe‘lga birikkan sub‘ekt va ob‘ektlar sonidan kelib chiqib aniqlaydi, shu asosda bir valentli fe‘llar, ikki, uch yoki ko‘p valentli fe‘llarga ajratadi.

Rossiya tilshunoslaridan S.M.Kibardina, M.V.Vlavatsskaya va N.E.Vokresenskayalarning valentlik borasidagi tadqiqotlari alohida e‘tirof etilishi zarur [2]. Mazkur tilshunoslar nemis tilidagi fe‘l valentligini leksikografik jihatdan va sintagmatik aloqalar interpretatsiyasi sifatida tadqiq etgan. K.E.Zommerfeldt fe‘ldan tashqari ot so‘z turkumidagi leksik birliklarning semantik valentligini aniqlashga harakat qilgan hamda leksik sathda leksik-semantik maydon va grammatik maydonni farqlagan [3].

O‘zbek tilshunosligida valentlik tushunchasiga qiziqish o‘tgan asrning so‘nggi choragida paydo bo‘ldi. I.Qo‘chqorto‘ev doktorlik dissertatsiyasida o‘zbek tilidagi nutq fe‘llarini valentlik nuqtai nazaridan tadqiq etib leksik valentlikni aniqlash tamoyillarini ochib bergan [4]. Shundan so‘ng o‘zbek tilshunoslari o‘rtasida valentlik manoviy tabiatga egami yoki sintaktik xarakterga egami, degan bahs davom etdi. Bu munozaraga R.Rasulov echim topishga harakat qildi va valentlik hodisasini imkoniyatli voqelik sifatida baholab, uning ham semantik, ham sintaktik hodisa ekanligini ta’kidladi [5].

Valentlik asosidagi tadqiqotlar yigirmanchi asrning oxirgi o‘n yilligida tilshunoslar nazaridan bir oz chetda qolgan bo‘lsa-da, yigirma birinchi asr birinchi dekadasi kelib valentlik bir qator ilmiy asarlar ob‘ektiga aylandi. Bu sohada o‘zbek tilshunoslaridan A.Abduazizov fonologik valentlikni aniqlash tamoyillari bo‘yicha salmoqli tadqiqotlarni amalga oshirgan [6].

Sh.A.Ganieva o‘zbek tilidagi frazeologizmlar strukturasi ustida dissertatsion tadqiqot olib borib, unda frazeologik birliklarning leksik valentligiga urg‘u bergan [7].

Yuqorida o‘rganilgan tadqiqotlar va boshqa tilshunoslarning valentlik borasidagi fikrlaridan kelib chiqib valentlik haqida ba’zi tushunchalarni bayon etishni lozim topdik.

Tilshunoslikda valentlikning uch jihati mavjud:

1. So‘z valentligi;
2. Sintaktik valentlik;
3. Grammatik shakl valentligi.

So‘z valentligi masalasida H.G‘.Ne‘matov “lisoniy valentlik hamda nutqiy valentlikni” farqlaydi.

“Lisoniy valentlik so‘zning semantik strukturasi muayyan bir ma’noviy turkum so‘zlari bilan me’yoriy ravishda bog‘lana olishi, birika olish qobiliyatiga ega ekanligini ifodalaydi. So‘zlarning lisoniy valentligidagi bu imkoniyat so‘z valentligi yoki semantik (manoviy) valentlik deb yuritiladi. Nutqiy valentlik yashirin imkoniyat, mohiyat, umumiylik, zaruriyat bo‘lgan lisoniy valentlikning moddiylikka ega bo‘lishi, ya’ni ro‘yobga chiqishidir [8]”.

Berilgan ushbu ta’rifga ko‘ra so‘z valentligining ikki jihatini til va nutq dixotomiyasi bilan qiyoslasak bo‘ladi, degan fikrdamiz. Zero, so‘z valentligi substansial hodisa sifatida so‘zning doimiy ichki xususiyati bo‘lib, bu xususiyat nutq faoliyatida so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishida paydo bo‘lmaydi. U nutqqacha, ya’ni tilda – til «birligi» sifatida so‘z ma’no tarkibida mavjud bo‘ladi. Gap tarkibida faollashgach esa nutqiy valentlikka aylanadi.

Biriktiruvchi so‘z malum bir ma’noviy turkum (guruh) so‘zlar bilan birikishi uchun bu turkum so‘zlarning ma’lum bir sintaktik shaklda bo‘lishini talab etadi. So‘z lisoniy valentligidagi bu tomon sintaktik valentlik deyiladi. “Ma’noviy valentlik va sintaktik valentlik so‘z lisoniy valentligining ajralmas ikki tomonidir. Sintaktik valentlik bilan ma’noviy valentlik bazi holatlarda o‘zaro nisbiy mutanosib bog‘liqlikda bo‘ladi, ya’ni biri o‘zgarsa, ikkinchisi ham o‘zgaradi”, degan fikr tilshunoslar o‘rtasida mavjud.

Ba’zan valentlikning bir ko‘rinishi o‘zgarsa-da, ikkinchisi o‘zgarmasligi ham mumkin. Affiksial morfemalarning birikuvchanlik qobiliyati *grammatik shakl valentligi* deb yuritiladi [9].

Devid Kristal “A valency grammar presents a model of a sentence containing a fundamental element (typically, the verb) and a number of dependent elements (variously referred to as arguments, expressions, complements, or valents) whose number and type is determined by the valency attributed to the verb [10]”, deya e'tirof etadi hamda *vanish* fe'li faqat ega bilan birikib kela olganligi uchun bir valentli yoki monovalentli fe'l, *scrutinize* fe'li ega va vositasiz to'ldiruvchi bilan birikish xususiyatiga egaligi uchun ikki valentli fe'l, ikkitadan ko'p to'ldiruvchiga ega bo'lgan fe'llar polivalentli fe'llar deyiladi.

Shuningdek, fe'lga asoslanib sintaktik valentlikning obligator va fakultativ turlari ham farqlandi. Bunga ko'ra quyidagi beshta gap strukturasi shablonlari mavjud [11]:

1. O'timsiz fe'lli model: S + V. O'timsiz fe'ldan keyin majburiy element kelishi shart emas.

2. Bir o'timli fe'l modeli: (S + V + DO). Monotranzitiv fe'llar faqat bitta ob'ekt bilan birikib keladi.

3. Ikki o'timli fe'lli model: S + V + IO + DO. Ditransitiv fe'llar ikkita ob'ekt, ya'ni vositali va vositasiz to'ldiruvchilar bilan birikib keladi.

4. Murakkab o'timli fe'lli model: S + V + DO + OP yoki S+V+DO+A. Ushbu modelda vositasiz to'ldiruvchidan (DO) keyin ob'ekt predikativi yoki ravish kelishi mumkin.

5. Bog'lama fe'lli model: S + V + SP yoki S + V + A. Ushbu modelda bog'lama fe'ldan keyin predikativ yoki ravish kelishi kuzatiladi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan ilmiy adabiyotlarda sintaktik valentlik fe'lining leksik xususiyatiga asoslanganligining guvohi bo'ldik. Bundan kelib chiqib “gap tarkibida sintaktik valentlik faqat fe'lda mavjudmi?” degan savol tug'iladi. SHuningdek, mazkur fikrlar sintaktik valentlik emas, balki leksik valentlikka oid, degan xulosaga kelish mumkin. Zero, leksik birliklar sintaktik aloqaga kirishsagina sintaktik birlik hisoblanadi, ya'ni gap hosil qiladi. Shunday ekan, nega endi sintaktik valentlik leksik ma'noga tayanib aniqlanishi kerak, degan savolga javobni A.M.Muxin va R.M.Asadovlarning ishlaridan topdik, desak mubolag'a bo'lmaydi. A.M.Muxin “Fe'lni har doim gapning struktur markazi deb qarash ayrim noaniqliklarga olib keladi ... ingliz yoki rus tillarida fe'lsiz gaplar ham mavjudki, fe'l gapning markazi degan yondashuv nuqtai nazaridan bunday gaplarda valentlikning echimini topish aslo mumkin emas...[12]”, deya fikr bildirib fe'ldan boshqa bo'laklarda ham valentlik mavjudligiga ishora qiladi. A.M.Muxinning mazkur fikri asosli ekanligini R.M.Asadov sintaktik valentlikni aniqlashga yangicha yondashuvi orqali isbotlab berdi. U o'zining dissertatsion ishida “gap tarkibida har bir sintaktik birlik (qaysi so'z turkumi ekanligining ahamiyati yo'q) valentlikka ega bo'lishi mumkin va sintaktik birliklarning valentligi ular bog'langan sintaktik aloqalar sonidan kelib chiqib aniqlanishini va shunga ko'ra bir sintaktik aloqa asosida gapda ishtirok etgan sintaktik birlik bir valentli, ikki sintaktik aloqa asosida – ikki valentli, uch sintaktik aloqa asosida – uch valentli komponent [13]” hisoblanishini ta'kidladi va gap tarkibidagi sintaktik birliklarning sintaktik aloqalarini yunksion modellar vositasida ochib berdi.

Haqiqatan ham, R.M.Asadovning sintaktik valentlikka nisbatan bunday yondashuvi tilshunoslar o'rtasidagi sintaktik valentlikni semantik va leksik valentlikdan farqlash borasidagi bahsli munozaralarga echim bo'la oladi. Biz ham o'z tadqiqotimizda ingliz va o'zbek tillaridagi bir valentli komponentlarni funksional tahlil qilishda mazkur yondashuvga tayanamiz.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, tilshunoslikda til sathlari, ularning o'rganish obyektlari va usullari farqlangani kabi lingvistik valentlik ham shunga mos ravishda turlarga ajratilishi va ta'riflanishi kerak. Til sathlarini bir-biri bilan aralashtirib yuborish natijasida sintaktik valentlik ta'rifini belgilashda va uni aniqlashda tilshunoslar o'rtasida yuzaga kelgan chalkashliklarga aniqlik kiritish vaqti keldi. Sintaktik valentlik sintaksis sathining obyekt bo'lgan sintaktik birliklarning birikuvchanlik imkoniyati asosida aniqlanadi, bu birikuvchanlik esa sintaktik aloqa hisoblanar ekan, sintaktik valentlik soni sintaktik aloqa soniga teng bo'lishi ayni haqiqat.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. Перевод с фран. – Москва: Наука, 2007.-670с.
2. Кибардина С.М. Валентность немецкого глагола. Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Ленинград, 1988.-34с; Влавацкая М.В. Валентность как потенциал языковой синтагматики: лексикографический аспект // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2012. – №1 (12).– С.46-51; Воскресенская Н.Е. Валентность

глагола lieben в современном немецком языке // Филологические чтения факультета иностранных языков. – Вып. 4. – Вологда: ВГПУ, 2002. – С.16-17.

3. Зоммерфельдт К.Е. Семантика и валентность имён существительных –наименований деятеля с суффиксом-ЕК// Иностр.яз.в шк., 1980.– №3.– С.7-10

4. Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке компонентный и валентный анализ. Автореф. дисс. док.филол. наук. – Ташкент, 1978.-40с.

5. Расулов Р. Ўзбек тилидаги холат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т., «Фан», 1989.

6. Абдуазизов А.А. О фонологической валентности// Филологиянинг долзарб муаммолари– Тошкент, 2008. – С.14-21.

7. Ганиева Ш.А. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг валентлиги ва уларнинг воқеланиши // ФДУ. Илмий хабарлар. – Фарғона, 2009. – №1. – Б.32-35; Ганиева Ш. А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш)// Ўзбек тили фил. фан. фал. док. (PhD) дисс. автореферати.– Фарғона, 2017.-24б.

8. Ҳ.Ғ.Неъматов Неъматов Ҳ. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Т., «Университет». 1999

9. <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-282103-1.html?page=5>

10. David Crystal, *A Dictionary of Linguistics and Phonetics*, 6th ed. Blackwell, 2008

11. Douglas Biber et.al. Longman's Student Grammar of Spoken and Written English Paper . Pearson Education Limited, 496p.

12. Мухин А.М. Валентность и сочетаемость глаголов/ Вопросы языкознания, №6 –Москва, 1987.– С.52.

13. Асадов Р.М. Инглиз тили содда гап қурилмаларида моновалентли ва поливалентли компонентларнинг синтаксем таҳлили. Фил. ф. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2018.-25б.

UDC 37.013.8

PEDAGOGICAL STRATEGIES OF IMPROVING ENGLISH IN ANDRAGOGY EDUCATION

M.M.Mavlonova, teacher, Everest educational center, Tashkent

Аннотация. Мақолада андрагогик таълимда инглиз тилини такомиллаштиришнинг педагогик стратегиялари муҳокама қилинади. Касб-ҳунар таълими ходимнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш жараёнида қўшимча касбий таълим тизими алоҳида ўрин тутади. Айнан шу таълим тизими узлуксиз таълимнинг ажралмас қисми сифатида катталар шахсини ижтимоийлаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Калит сўзлар: касбий таълим, касбий ҳаракатчанлик, инсон шахсияти, шиширокчиларга ҳурмат, таълимдаги андрагогика.

Аннотация. В статье рассматриваются педагогические стратегии совершенствования английского языка в андрологическом образовании. Профессиональное образование стало фактором повышения конкурентоспособности работника на рынке труда. Особую роль в этом процессе играет система дополнительного профессионального образования. Именно эта образовательная система, как неотъемлемая часть непрерывного образования, является важнейшим фактором социализации и развития личности взрослого человека.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональная мобильность, человеческая личность, уважение к участникам, андрагогика в образовании.

Abstract. The article discusses some pedagogical strategies for improving the English language in andragogy education. Vocational education has become a factor in increasing the competitiveness of an employee in the labor market. The system of additional professional education plays a special role in this process. It is this educational system, as an integral part of lifelong education that is an essential factor in the socialization and development of the personality of an adult.

Key words: professional education, professional mobility, human personality, respect for participants, andragogy in education.

The domestic system of vocational education has undergone considerable modifications recently as a result of shifts in our society's social and economic realms. The expansion of individual private activities, together with the introduction of small and medium-sized businesses under various

forms of ownership, caused a shift in the population's job sectors and called for the creation of specialists with high levels of professional mobility.

It is feasible to guarantee a person's ongoing personality development as well as the fulfilment of his or her professional and cognitive demands within the framework of this educational system. The evolution of this system depends on the construction and development of new models of how it functions, as shown by an examination of the theory and practice of extra professional education. First, both international and local scholars address the topic of the methodological underpinnings of adult education and present the fundamental tenets for structuring the educational process.

As a result, the majority of American authors view the creation of a respectful environment as the key premise in adult education. For instance, M. Knowles states in his writing "the training environment should be defined by mutual trust and respect" [3]. According to S. Brookfield, "respect for the participants in the educational process for the significance of each of them" [1] should be the primary goal of adult education. Adults in the audience contribute years of their life experience. The learning process is greatly aided by this experience. It may be effectively applied to foster an environment of respect among those involved in the learning process. "Each one is enhanced by the experience of the other" in such a framework (M. Knowles). S. Brookfield, D. Mezirov, and P. Cross are just a few authors who have emphasized the significance of leveraging students' real-world experience as a major element in adult education. The immediate application of what has been taught is another adult learning concept that American academics have highlighted.

The experience of teaching demonstrates that people are very pragmatic in their motivation. They make an effort to use the new information or abilities right away. P. Cross discovered that "most people are not interested in learning for the purpose of using it in an illimitable future or in acquiring answers to problems that they do not have" [2] in support of this.

This is related to another adult education concept, which states that instruction should focus on problem solving and help improve a specialist's critical thinking. According to M. Knowles, "learning is a process of developing one's capacity to cope with life events one now faces" [3]. Helping individuals use their training experience to resolve both personal and professional issues is crucial.

An adult must be prepared for this since critical reflection of experience and its quick application are the foundations of good learning. As a result, one of the fundamental tenets of adult education is the assessment of an adult's level of preparation for learning. American scholars view preparedness as a mix of experience and a person's own willingness to assume a new role or viewpoint rather than just as a type of state of mind. The partnership between the instructor and the learner is another adult education tenet identified by international specialists. Identifying "issues and obstacles that need to be overcome in order to enable students to become meaningful members of society" is the goal of adult learning, according to E. Lindemann [1]. The aforementioned principles have a direct impact on cooperation. Respect must exist between student and instructor for meaningful collaboration to occur.

To assist students use what they learn in problem solving, the program planner should take into account the experiences of the students. This will help them engage in critical reflection, which can spark more action and reflection. According to S. Brookfield, cooperation implies adult participants in various research and activities are on an equal footing. As a result, according to J. Spiro, "nine common principles according to which effective adult education is characterized by the creation of an environment of respect among participants; full use of the experience of the listeners; ensures the application of what has been learned; relies on problem-solving; promotes critical reflection; provides research, action, and reflection (practice); takes into account readiness" The andragogical model of adult education created in the 1960s in the United States was founded on these concepts.

These adult education tenets are formulated and supported by domestic scientists.

1. Appreciate life. It is necessary to model situations in the learning process that enable adults to realize the specifics of the values that underlie the activities of the subjects of education, accept them on a personal level, and emotionally "experience" in the process of understanding and acceptance in order to create the conditions for positive self-realization of adults in the learning process. At the action level, what is not "lived through" is not acceptable. Hence, the relationship

between the adult learning process and their prior life and work experiences is given particular emphasis.

2. The application of active learning methods. Adults tend to "hang on" to their beliefs and professional preconceptions until they become aware of the necessity and benefits of rejecting some of them on a practical level. Active learning strategies, particularly group work, are required to address this issue. The benefit of working in small groups is the capacity to foster cooperative activities amongst individuals with various life and professional experiences, psychological make-ups, and educational requirements.

3. The formalization of the learning process' outcomes and the relative "completeness" of the learning process. One technique to sustain and grow strong motivation for the learning process is via doing this. Algorithms, technologies, and programs used in professional fields, as well as author's techniques and programs, projects, and self-presentations, are examples of educational activity products. The technique of presenting abstracts, in which the opinions and methods of eminent scientists, educators, managers, and other professionals are compared together with an examination of their own professional experience, was highly effective.

4. "Dive". It happens when an instructional activity takes center stage for a while. Immersion suggests a long period of action, internal concept unity throughout the educational process, "focusing" attention solely on the activity's aims, and "disconnection" from the environment's familiar surroundings.

5. Support for reflection as you learn about the direction and outcomes of educational activities. In this instance, a person behaves both as a subject of management (I am the controller) who plans, organizes, and evaluates its own activities and as an object of management, (I am the performer). Adults have trouble reflecting on their professional and educational pursuits, as experience has shown. Analyzing the circumstance is done instead of thinking back on one's own actions; this process is marked by intense emotional tension. Adult students more frequently attribute the causes of issues and failures in their activities to "external causes" such as the state of the nation, a lack of leftover funds, "poor leaders," etc. The subjects of the educational process start to search for "internal" causes for their mistakes as they acquire the reflective support techniques.

6. Communication cultures' consistency. Adults sit down at their computers with various communication subcultures that have developed as a result of their prior professional and personal experiences. However, the ability for cooperative collective activity in the conversation mode only exists in the context of a developed communication culture. Conducting trainings based on particular adult-relevant interactions, such as developing and defending professional activity projects, is an useful way to teach the norms of successful communication.

7. Organizing the learning process according to the modular approach. By relying on this idea, learning models may be swiftly developed that are as near to meeting the demands of certain student categories as feasible or fast rebuilt in response to the evolving needs of adult learners [4]. The proposed principles do not entirely contradict the didactic pedagogical concepts. They somewhat develop them and partially connect to them. It is difficult to encounter a circumstance in real life when the andragogical model of education and its tenets would be fully appropriate. It is not necessary to do away with the pedagogical model; rather, as a person matures, more andragogical concepts should be incorporated into his education.

The existence of specific characteristics that set this type of education apart from others, from the viewpoints of the user and provider of educational services, the legislative framework, organizational structure, learning technologies, etc., is convincingly demonstrated by an analysis of various viewpoints on the process of continuous adult education. The unique characteristics of each educational system must be considered while replicating it within the context of supplementary professional education.

REFERENCES:

1. Brookfield S.D. Theory and practice in the study of adult education: The epistemological debate. -L.: Routledge, 1989. -346 p.
2. Cross. P.K. Adults as Learners / P. K. Cross. - San Francisco: Jossey-Bass. 1984.-271 p.

3. Knowles M.S. The modern practice of adult education: From pedagogy to andragogy (Rev. Ed.) / M.S. Knowles. - N. Y.: Association Press. - 1980. - 400 p.

4. Lindeman E.C. The meaning of adult education / E. C. Lindeman. - Norman: University of Oklahoma, 1989.- 258 p.

UO'K: 811.512.133'366.596

TILSHUNOSLIKDA AKSIOLOGIK YONDASHUVNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI

I.U. Minniqulov, PhD, O'zbekiston Davlat Jahon Tillari Universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqola lingvoaksiyologiyaning falsafiy, nazariy-metodologik asoslarini tahlil qilishga bag'ishlangan. Xususan, maqolada lingvoaksiyologiyaning vujudga kelish sabablari, uning falsafiy, ilmiy-nazariy asoslari, obyekt va predmeti, maqsad va vazifalarining belgilanishi bilan bog'liq masalalar muhokama qilingan. Shuningdek, baho va qadriyatlar lingvoaksiyologiyaning o'rganish obyektini sifatida muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: aksiologiya, lingvistik aksiologiya, baho, qadriyat, qadriyatlar tizimi, aksilqadriyat, aksiologik shkala.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу философских, теоретико-методологических оснований аксиолингвистики. В частности, в статье рассматриваются причины возникновения лингвоаксиологии, ее философские, научно-теоретические основания, определение ее объекта и предмета, целей и задач. Также рассматриваются оценки и ценности как объект изучения аксиолингвистики.

Ключевые слова: аксиология, лингвистическая аксиология, оценка, ценность, система ценностей, антиценность, аксиологическая шкала.

Abstract. This article is devoted to the analysis of the philosophical, theoretical and methodological foundations of linguoaxiology. In particular, the article discusses the reasons for the emergence of linguoaxiology, its philosophical, scientific-theoretical foundations, the definition of its object and subject, aims and tasks. Also, evaluations and values are discussed as the object of study of linguoaxiology.

Key words: axiology, linguistic axiology, assessment, value, value system, anti-value, axiological scale.

Kirish. Tilning imkoniyatlari, mohiyati shu darajada murakkab tuzilishga egaki, uni tadqiq etish tilshunoslik oldiga yanada dolzarb vazifalarni qo'yadi. Bunda tilning ma'lum jihatini yoritishda uni o'rganishning muayyan yondashuvi talab etiladi. Ko'rinadiki, bu esa o'z o'rnida tilshunoslikning yangi yo'nalishlari, tadqiq tamoyillari yuzaga kelishini taqozo etadi. Jumladan, bugungi kunda tilga aksiologik yondashuv – *aksiolingvistika* – ham mana shunday vazifalardan birini amalga oshirish uchun tilshunoslikda paydo bo'lgan so'nggi yondashuvlardan biri sifatida talqin etilmoqda. Tilshunoslikning bo'limlari, yo'nalishlari o'z tadqiqot metodologiyasi, nazariy-ilmiy asoslari, obyekt va predmeti, maqsad va vazifalariga ega bo'lgani kabi ushbu yo'nalish ham ushbu xususiyatlardan holi emas, albatta.

Dolzarblik va hozirgi holati. Lingvistik aksiologiya jahon tilshunosligida tilshunoslikning ancha rivojlangan sohalaridan biriga aylanib ulgurgan. Ilmiy adabiyotlarda ushbu sohaning paydo bo'lish omillari, sabablari antroposentrik tilshunoslikning vujudga kelishi bilan izohlanishi sir emas, albatta. Shuningdek, qayd etish joizki, mazkur soha o'zbek tilshunosligida ham ma'lum darajada o'z o'rnini va ahamiyatini topdi desak adashmaymiz. Shunday ekan, tilimizning, xususan, o'zbek tili (jumladan, boshqa tillar)ning imkoniyatlarini yanada chuqurroq tadqiq qilishda, xususan, uning aksiologik aspektini o'rganishda, tilning aksiologik imkoniyatlari, dunyoning aksiologik tasvirining tilda aks etish xususiyatlarini tadqiq etishda ushbu yo'nalishning ilmiy-nazariy asoslari, metodologik tamoyillari, obyekt va predmeti, maqsad va vazifalarini ilmiy-nazariy asoslash muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur vazifani amalga oshirishda ushbu maqola ma'lum darajada xizmat qiladi.

Tahlil va muhokama. Mikhail Permilovskiyning qayd etishicha, aksiologiya obyektiv voqelikning aksiologik hodisalarini o'rganuvchi maxsus falsafiy soha bo'lib, o'z integrativ

funksiyasiga ko'ra, qadriyatlarining falsafiy, umumiy-huquqiy va ekologik ma'nodagi turli talqinlarini tahlil qilishni amalga oshiradi [5, 2012, 162]. Ko'rinadiki, aksiologiya obyektiv voqelik hodisalarini aksiologik aspektda o'rganish bilan birga qadriyatlarining turli nuqtai nazar (falsafa, huquq, ekologiya va boshq.) dagi talqinlarini tahlil qilish bilan shug'ullanadi. Inson *huquq* va *erkinliklari* qonun sohasidagi aksiologik yondashuv masalalari sifatida qayd etilishi ta'kidlanadi [5, 2012, 163]. Aniq bo'ladiki, ma'lum sohaga oid qadriyatlar ushbu sohada aksiologik yondashuv muammolari sifatida o'rganilishi mumkin.

Diana Ilieva aksiologiyani fan sifatida shunday tavsiflaydi: aksiologiya qadriyatlar nazariyasi haqidagi fan bo'lib, u qadriyatlarining tabiati, ularning voqelikdagi o'rni va qadriyatlar olamining tuzilishi, ya'ni, turli qadriyatlar, ular bilan ijtimoiy-madaniy omillar o'rtasidagi munosabatlar, shaxsning ruhiy tuzilishini o'rganadi. Milliy qadriyatlar tizimi orqali baholash milliy til tizimida har bir jamiyatda o'ziga xos madaniy modelga asoslangan baholash mezonlari bilan kodlangan [1, 2017, 24]. Demak, aniq bo'ladiki, aksiologiya qadriyatlar tabiati, tuzilishi, real voqelikdagi o'rni, shaxs ruhiy tuzilishi kabi masalalarni o'rganuvchi fan bo'lib, u milliy qadriyatlar tizimida baholashni rag'batlantirar ekan, ushbu jarayon mazkur millatning madaniy modeli asosidagi baholash mezonlari asosida amalga oshiriladi. Aksiologiya ma'lum millatni uning qadriyatlari tizimi orqali baholash imkoniga ega bo'ladi va bunda baholash tamomila mazkur xalq madaniy kodiga asoslangan mezonlar doirasida bajariladi.

Natalia Zerkina ham aksiologiyaning fan sifatidagi xususiyatlari xususida xuddi shunday fikrlar bildiradi: aksiologiya falsafiy fan bo'lib, "qadriyat" kategoriyasini, qadriyatlar olamining xususiyatlarini, tuzilishi va iyerarxiyasini, uni bilish usullarini va ontologik holatini, shuningdek, qadriyat mulohazalarining tabiati va o'ziga xos xususiyatini o'rganadi. Aksiologiya qadriyatlarining tabiati, ularning voqelikdagi o'rni va qadriyatlar olamining tuzilishi bilan bog'liq masalalarni, ya'ni turli qadriyatlarining o'zaro bog'liqligi, ijtimoiy va madaniy omillar bilan munosabatlari va shaxsning tuzilishini o'rganadi [6, 2015, 25].

Reinhard Pauls qayd etishicha, XIX asrning ikkinchi yarmida aksiologiya *baho* va *qadriyatning umumiy nazariyasi* sifatida rivoshlanishishi nemis faylasufi *Rudolf Hermann Lotzega* borib taqaladi. Shuningdek, muallif e'tirof etadiki, aksiologlar baholash aktlari amalga oshiriladigan kontekstlarning keng doirasi uchun yagona asosni ta'minlash uchun *umumiy qadriyat* tushunchasini (*mavhum ot* sifatida) ishlab chiqishga kirishdilar va bu bilan aksiologiyaning asosiy jihatlariga e'tibor deyarli berilmay, uning umumiy jihatlariga diqqat qaratilgan [7, 1990, 16]. Aksincha, bu o'rinda turli xil qadriyatlarining xilma-xilligi va baholash sodir bo'ladigan vaziyatlarning cheksizligi bilan shug'ullanish lozimligi alohida e'tirof etiladi. Shu kabi fikr rus tilshunoslari M.A. Болотина, Е.А. Шабаневalar tomonidan ham bildiriladi. Ularning fikricha, lingvoaksiologiya tilda aks etadigan *qadriyatlar* va til orqali *baholash* muammolari bilan shug'ullanuvchi yangi ilmiy yondashuv sifatida yuzga keldi [10, 2013, 21]. Ma'lum bo'ladiki, aksiologiya *baho* va *qadriyat* tushunchalarining umumiy nazariyasi haqidagi yo'nalish sifatida yuzga kelgan va ma'lum darajada takomillashgan.

Samuel L. Hartning e'tirof etishicha, aksiologiya nisbatan yangi fan sifatida tan olinishiga qaramasdan (*aksiologiya* termini dastlab Paul Lapie (1902) va (E. von Hartmann (1908)lar tomonidan qo'llangan), u shug'ullanadigan masalalar inson *o'z hayot sharoitlari, voqelikning tuzilishi, tabiatning tartibi va insonning tabiatdagi o'rni* haqida fikr yurita boshlagan paytdan boshlab biz bilan bo'lib kelgan [8, 1971, 29]. Ko'rinadiki, aksiologiya XX asrning boshlarida fan sifatida shakllangan bo'lsa-da, uning o'rganish obyekti va predmeti ma'lum darajada va ko'rinishda inson faoliyatining dastlabki ko'rinishlariga borib taqaladi.

Samuel L. Hart aksiologiyaning o'rganish predmeti sifatida quyidagilarni e'tirof etadi: *Qadriyatlarining umumiy xususiyati nimada? Qadriyatlarining holati qanday? Ular insonning qadriyatlarga betaraf tabiatga bo'lgan javoblarimi yoki ular voqelik va insonning doimiy o'zaro ta'sirining natijasimi? Tadqiqotning ilmiy usuli qadriyat mulohazalari uchun qo'llaniladimi? Qadriyat mulohazalarining o'ziga xos xususiyati nimada? Qadriyatlar ma'lum qadriyatlarni sanktsiya qiladigan ijtimoiy muhitga tegishlimi yoki bizda individual va ijtimoiy o'ziga xosliklardan ustun turadigan qadriyatlar standart bormi? Qadriyatlar haqida bilim olish mumkinmi?* [8, 1971, 30]. Anglashiladiki, aksiologiyaning o'rganish masalalari sifatida qadriyatlar va ularning

xususiyatlari, ularning holati, tabiati, qadriyatlar ta'riflari va tavsiflari, qadriyatlarning o'zaro munosabatlari, ijtimoiy muhitdagi o'ziga xosligi va boshq.larni e'tirof etish mumkin.

O'zbek tilshunos olimasi R.U. Madzhidovaning qayd etishicha, aksiologiya fan sifatida qadriyatlar tizimi va ularning voqelik, jamiyat va, xususan, shaxs bilan ijtimoiy-madaniy munosabatlarini o'rganish bilan shug'ullanadi. Dunyoning aksiologik manzarasi shaxs va jamiyatning hayotiy tajribalari hamda ma'naviy va moddiy ehtiyojlarini qondirish uchun olgan bilim, ko'nikma va malakalari bilan belgilanadigan qadriyat yo'nalishlari asosida tuzilgan [3, 2019, 99]. Aniq bo'ladiki, aksiologiya qadriyatlar tizimi, ularning obyektiv dunyo, jamiyat va shaxs bilan ijtimoiy-madaniyat munosabatga kirishishi kabi masalalarni o'rganadi. Shaxs va jamiyatning insonlarning hayoti davomida egallagan, aniqlagan qadriyat yo'nalishlari mazkur xalq uchun dunyo aksiologik manzarasini belgilashda muhim sanaladi.

Aksiologik aspekt nafaqat lingvistik tadqiqotlar balki nolingvistik tadqiqotlar predmeti bo'lib ham o'rganilgan. Xususan, Gustaf Arrhenius aholi orasida aksiologik tadqiqot o'tkazar ekan, bunda u aholini *yaxshilik* mezonini asosida baholashga urinadi va aksiologik tadqiqotini sotsiologik nuqtai nazardan amalga oshiradi. Bu yerda *yaxshilik* aholining *ichki yaxshiligi*, ya'ni, *ichki yaxshi xususiyatlariga* ishora qiladi. Mana shu mezon asosida aholini ma'lum tartibga soladi. Shuningdek, muallif axloqiy nuqtai nazardan muhim sanalgan qadriyatlar sifatida *farovonlik, adolat, erkinlik, ezgulik* va shu kabi boshqa tushunchalarni e'tirof etadi [2, 2000, 35-36]. Demak, ma'lum bo'lishicha, aholining ma'lum bir aksiologik mezon (bu yerda *ichki yaxshilik*) asosida muayyan tartib asosida baholanishida ma'lum qadriyatlar asosiy o'rin egallaydi. Shuningdek, e'tirof etish joizki, aksiologiya aholini ma'lum mezon asosida muayyan darajada tartibga solishi mumkin.

Shuningdek, Mikhail Permilovskiy e'tirof etadiki, atrof-muhitga bo'lgan huquqqa aksiologik yondashuvning asosini *insonning o'z roli o'sishi, uning ichki xususiyatlari, ya'ni ekologik ahamiyatga molik xulq-atvorga yo'naltirilganligi* kabilar tashkil etadi. Buning asosiy mazmun-mohiyati muallif tomonidan quyidagicha izohlanadi: *agar insonning maqsadlari, vazifalari va qarorlari atrof-muhitga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lsa, biz ulardan voz kechishimiz yoki ekologik oqilonalikka zid bo'lmagan tarzda tuzatishimiz kerak* [5, 2012, 169]. Aniq bo'lishicha, ma'lum sohadagi qadriyatlar insonning maqsadlari, vazifalari va qarorlariga muvofiq ravishda mavjud bo'ladi. Ya'ni, insonning maqsadlari, vazifalari va qarorlari muayyan qadriyatlar asosida yo'naltiriladi.

Tatyana V. Evsyukova muloqot (kommunikatsiya) hamjamiyatining aksiologik olam manzarasini to'g'ridan to'g'ri o'rganish uchun *blog kommunikatsiyalari qadriyatini* taqqoslanadigan hodisalar bilan bog'lash va ularni normalar, qadriyatlar, g'oyalar, munosabatlar, e'tiqodlar, maqsadlar, nishonlar, standartlar, ishonishlar (expectations), qarashlar, ehtiyojlar sifatida talqin qilish zarur [9, 2017, 346]. Ma'lum bo'lishicha, ma'lum soha aksiologik olam manzarasini yoritish uchun mazkur soha qadriyatlarini yanada aniq va turli tushunchalar bilan bog'lash zarur.

Natalia Zerkina e'tirof etishicha, baholash (evaluation) voqelikning asosiy kategoriyalaridan biri bo'lib, uning obyektiga quyidagilar kiradi: voqelik, mavjud narsalar, hodisalar, xususiyatlar, harakatlar, insonning o'zi va uning fikrlari, xatti-harakatlari va his-tuyg'ulari va boshq. Barcha baholash insoniy qadriyatlar tizimiga asoslanadi, ya'ni *to'g'ri va noto'g'ri, yaxshi va yomon* va boshqalar nisbati [6, 2015, 257]. Ko'rinadiki, baholash obyekti doirasi juda keng bo'lib, baholash qadriyatlar tizimi asosida amalga oshiriladi.

Małgorzata Fabiszak, Ewa Olszewskalar tadqiqot natijalari asosida shuni e'tirof etadiki, baholash haqiqatan ham kontseptualizatsiyaga xos bo'lsa-da, uning aksiologik qiymati kontekstga bog'liq [4, 2018, 104]. Bundan anglash mumkinki, baholash kontseptualizatsiya hodisasi bilan bog'liq bo'lib, uning aksiologik tabiati muayyan kontekstda namoyon bo'ladi.

U yoki bu etnik elatning qadriyat yo'nalishlarining ahamiyati ular (qadriyatlar) ning *milliy til tizimida – asosan lug'atda, ayniqsa, frazeologik va maqol fondida "kodlanishi"*ni belgilab berdi. Bunday "kodlash" birinchi navbatda baholash komponentini so'zning denotativ yoki konnotativ ma'nosiga va keyingi avlodlarga axborot yetkazuvchi frazeologik birliklar, maqol va matallarning uslubiy va metaforik vositalariga kiritish orqali amalga oshiriladi [1, 2017, 25]. Ma'lum bo'ladiki, muayyan elat, xalq yoki millatning qadriyatlari mazkur xalqning milliy til tizimi (lug'at, frazeologik, maqol) da kodlangan bo'ladi. Bunda qadriyatlarning baholash komponenti so'zlarning denotativ,

konnotativ ma'nosi, frazeologik birliklar, maqol va matallarning uslubiy va metaforik vositalariga singdirilgan bo'ladi.

Xulosa. Shunday qilib, qayd etish joizki, aksiologiya lingvistik yoki nolingvistik fanlar doirasida o'rganilib, uning o'rganish obyekti qadriyatlar va baholash nazariyasi sanaladi. Shu naqtai nazardan, qadriyatlar va baho masalalarini aksiologik tadqiqotlar obyekti sifatida tavsiflash maqsadga muvofiqdir.

Shunday qilib, tilshunoslikda aksiologik yo'nalishning falsafiy, nazariy-metodologik asoslari quyidagicha shakllantirilishi mumkin:

a) aksiologiya obyektiv voqelikning aksiologik hodisalarini o'rganuvchi maxsus falsafiy soha sifatida o'z integrativ funksiyasiga ega. Unga ko'ra, qadriyatlarining falsafiy, umumiy-huquqiy va ekologik ma'nodagi turli talqinlarini tahlil qilishni amalga oshiradi va, shuningdek, aksiologiya qadriyatlar nazariyasi haqidagi fan bo'lib, u qadriyatlarining tabiati, ularning voqelikdagi o'rni va qadriyatlar olamining tuzilishi, ya'ni, turli qadriyatlar, ular bilan ijtimoiy-madaniy omillar o'rtasidagi munosabatlar, shaxsning ruhiy tuzilishini o'rganadi. Ushbu ta'rif va tavsiflardan kelib chiqib qayd etish mumkinki, lingvoaksiyologiya qadriyatlar olami va uning tuzilishini tilda aks etishini o'rganadi;

b) aksiologiya *baho* va *qadriyat* tushunchalarining umumiy nazariyasi haqidagi yo'nalish sifatida yuzaga kelgan. Baholash obyekti doirasi juda keng bo'lib, baholash qadriyatlar tizimi asosida amalga oshiriladi. Baholash konseptualizatsiya hodisasi bilan bog'liq bo'lib, uning aksiologik tabiati muayyan kontekstda namoyon bo'ladi. Baho va qadriyatlar tilda o'z ifoda vositasiga ega bo'lib, konseptualizatsiya hodisasi bila bog'liq va ularning verbal ifodasi kontekstda voqelanadi;

d) aksiologiya XX asrning boshlarida fan sifatida shakllangan bo'lsa-da, uning o'rganish obyekti va predmeti ma'lum darajada va ko'rinishda inson faoliyatining dastlabki ko'rinishlariga borib taqaladi. Bu esa, lingvoaksiyologiya o'z o'rganish obyekti va predmetiga ega, tilshunoslikning bir yo'nalishi sifatida o'z tarixiy taraqqiyot bosqichlari, manbalariga egaligi va boyligini ko'rsatadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Diana Ilieva. Axiological Aspects in Language//Proceedings of University of Ruse - 2017, Volume 56, Book 5.2., P. 24-28.
2. Gustaf Arrhenius. Future Generations a Challenge for Moral Theory // Dissertation for the Degree of Doctor of Philosophy in Practical Philosophy, Uppsala University, 2000, 222 p.
3. Madzhidova Rano Urishevna. Anthropocentric Proverbs as a Concentration of Axiological Features of a Language// International Journal for Social Studies, Volume 05, Issue 11, 2019, P. 98-106.
4. Małgorzata Fabiszak, Ewa Olszewska. Axiological Ambivalence of Conceptual Imagery in Visual Communication: Commemoration Architecture and 3D Art// LaMiCuS 2 (2018), P. 104-131.
5. Mikhail Permilovskiy. The Axiological Approach to the Regulation of the Right to a Favourable Environment// Arctic Review on Law and Politics, Vol. 3, 2/2012, P. 162-185.
6. Natalia Zerkinaa, Yekaterina Lomakinab, Natalia Kostina. Axiological linguistics and foreign language teaching//Procedia - Social and Behavioral Sciences, 2015. – P. 254 - 260.
7. Reinhard Pauls. Concepts of Value: A Multi-Disciplinary Clarification. – New Zealand: Centre for Resource Management, 1990. – 76 p.
8. Samuel L. Hart. Axiology -Theory of Values//International Phenomenological Society. Philosophy and Phenomenological Research, Vol. 32, No. 1, 1971 (updated 2020), P. 29-41.
9. Tatyana V. Evsyukova et al. Axiological World Picture of the Virtual Language Personality in Blog-Discourse Space// European Research Studies Journal Volume XX, Issue 3B, 2017, P. 342-354.
10. М.А. Болотина, Е. А. Шабашева. Когнитивный аспект оценочной семантики фразеологических единиц с цветообозначениями//Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. 2013. Вып. 2. С. 21-28.

UO'K 811.111

O'ZBEK TILIDA SUYISH FUNKSIONAL-SEMANTIK MA'NOSINING GENDER XUSUSIYATLARI

D.M.Mirzazoda, mustaqil izlanuvchi, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada suyish funksional-semantik maydonini hosil qiluvchi lisoniy birliklar o'zaro munosabatlar tizimida o'xshashlik va farqlilik belgilari k o'rib chiqiladi. Bu farqlilik gender nuqtai nazardan tahlil etilganda aniq namoyon bo'ladi.

Kalit so'zlar: ong, funksional, gender, xususiyatlar, o'xshashlik, farqlilik, kategoriya

Аннотация. В статье рассматриваются признаки сходства и различия в системе взаимоотношений языковых единиц, образующих функционально-семантическое поле общения. Это различие становится очевидным при анализе с гендерной точки зрения.

Ключевые слова: сознание, функциональный, род, признаки, сходство, различие, категория.

Abstract. The article discusses the signs of similarity and differences in the system of relationships between linguistic units that form the functional-semantic field of the communication. This difference is evident when analyzed in terms of gender.

Key words: consciousness, functional, genus, features, similarity, difference, category.

Kirish (Introduction). O'zbek xalqi ongida suyish ma'no maydoni mavjud. Bu ma'no maydoni insonning borliqqa va o'z atrofidagi insonlarga ruhiy-tafakkuriy munosabatlari natijasida shakllagan. Suyish ma'nosini ifodalovchi lisoniy birliklar, birinchidan, funksional–semantik ma'nosining o'xshashligi asosida bitta ma'no maydoniga birlashsa, umumlashsa, umumiy arxisemaga ega bo'lsa-da, ular o'rtasidagi muayyan semantik farqlar ularning o'ziga xos jihatlari, differensial ma'nolariga ko'ra bir-birlaridan ajralib turishlarini, o'ziga xos alohidaliklar ekanligini ko'rsatib turadi.

Demak, suyish ma'no maydoni ichki qurilmasi o'zida nafaqat barcha ishtirokchilar uchun xos bo'lgan arxisemani, balki mazkur ishtirokchilarning o'ziga xosligini ko'rsatib turuvchi differensial semani ham aks ettiradi. Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, istalgan butunlik (sistema) o'zida o'zaro o'xshashlik va farqlilik belgilariga ega bo'lgan birliklar munosabatlarini aks ettiradi va, ayni vaqtda, ushbu munosabatlar tizimi sistemaning mavjudligini ta'minlab turadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Tildagi har qanday funksional–semantik maydon butunlik (sistema) sifatida e'tirof etilar ekan, o'sha butunlik o'z-o'zidan mantiqan sistem tahlil etilishni taqozo etadi. Xususan, H.G'. Ne'matov va R.Rasulovlar sistem tahlilda munosabatlar tushunchasi juda katta ahamiyatga ega ekanligini, chunki har qanday tizimda har bir birlikning mohiyati shu birlikning o'zida emas, balki ayni tizimning birliklari orasidagi munosabatlar orqali aniqlanishini uqtirgan holda, til birliklari orasida, asosan, uch xil munosabat mavjudligini ta'kidlaydilar:

- 1) o'xshashlik munosabatlari (paradigmatik munosabatlar);
- 2) pog'onali (iyerarxik) munosabatlar;
- 3) qo'shnihilik (sintagmatik) munosabatlar [1: 14-15].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Suyish funksional-semantik maydonini hosil qiluvchi lisoniy birliklar o'zaro munosabatlar tizimida nafaqat o'xshashlik, balki farqlilik belgisiga ham ega, bu farqlilik gender nuqtai nazardan tahlil etilganda aniq namoyon bo'ladi. Shuni ta'kidlash o'rinliki, gender nuqtai nazardan farqlanish va shu asosada ichki guruhlarga ajralish barcha funksional-semantik maydonlarga xos emas. Jumladan, son–miqdor, zamon kabi ma'no maydonlari gender nuqtai nazardan hech qanday guruhlarga ajralmaydi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Gender belgisiga egalik o'zbek tilida kishilar ismi ma'no maydonida asosiy belgi ekanligi bilan ajralib turadi. Chunonchi, tug'ilgandan so'ng o'gil va qiz bolalarga nom berish tizimi aynan shu mezon asosida amalga oshiriladi. Masalan, Diyor–Diyora, Laziz–Laziza, Erkin–Erkinoy, Toshbek–Toshxon, Shirinbek–Shiringul va boshqalar.

Kishilar ismi ma'no maydonida jins ifodalash xususiyatiga ega bo'lgan affiks morfemalar mavjud. Bu morfemalar asos morfemalarga qo'shib, ularning jinsga nisbatan belgisini ifodalaydi. Shunga ko'ra ular er yoki ayol jinsini ifodalovchi ismlarni hosil qilari. Ya'ni, [asos morfema+affiks morfema=kishi nomi].

Bu–umumiy qolip. Ushbu umumiy qolip o'z ichida xususiy qoliplarga bo'linadi va bular quyidagilar:

- 1) [asos morfema+affiksmorfema=erkaklar nomi];
- 2) [asos morfema+affiks morfema=ayollar nomi].

Biz [asos morfema+af.morfema=ayollar nomi] xususiy qolipining affiks morfemalarini aniqlashtiramiz. Bunda quyidagi holat kuzatiladi:

[asos morfema+affiks morfema=ayollar nomi]=

=[asos morfema+(-xon, -oy, -a)]=ayollar nomi

Lisoniy birliklarning gender xususiyatlari masalasida o'zbek tilshunosligida ayrim tadqiqotlar mavjud. Xususan, X. B. Samigovaning "Ingliz va o'zbek tillarida erkalash-funksional semantik maydoni" nomli dissertatsiyasida (2010) erkalash ma'nosini ifoda etuvchi birliklar gender nuqtai nazardan tahlil etilib, ular quyidagi uch guruhga bo'lingan:

- 1) erkaklar va ayollar uchun umumiy bo'lgan birliklar guruhi;
- 2) faqat erkaklarga nisbatan qo'llaniluvchi birliklar guruhi;
- 3) aynan ayollarga qaratib ifoda etiluvchi birliklar guruhi [2:16].

Shuningdek, X.B.Samigova mazkur EFSM (erkalash funksional-semantik ma'nosi) ifodalovchilarining umumiy miqdorining yuqoridagi guruhga nisbatan foizlari haqida ham muhim statistik ma'lumotni taqdim etgan. Ushbu ma'lumotga ko'ra EFSMsini ifodalovchi til birliklari guruhlari bo'yicha quyidagi foiziy ko'rsatkichlarga ega:

- 1) erkaklar va ayollar uchun umumiy yo'naltirilgan erkalash ma'nosini ifodalovchi so'zlar, so'z birikmalari va frazeologik birliklar 58,4% ni;
 - 2) erkaklarga qaratilgan birliklar 5,8% ni;
 - 3) ayollarga qaratilgan birliklar 35,8% ni tashkil etadi [1:16].
- Ya'ni, (58,4+5,8+35,8=100%)

Suyish funksional-semantik maydoni birliklarini gender nuqtai nazardan tahlil etilganda, asosan, ular o'rtasidagi paradigmatic va sintagmatic munosabatlarga ahamiyat qaratiladi. Bunda paradigmatic munosabatlar o'zaro o'xshashlik va farqlilik belgilariga ko'ra tasniflanadi. Tasnif asosini gender xoslanganlik, ya'ni erkaklar yoki ayollar uchun xoslanganlik belgisi tashkil etadi. Asosiy e'tibor SFSM birliklarining erkaklar uchun xoslangan yoki xoslanmagan; ayollar uchun xoslangan yoki xoslanmagan; ham erkaklar uchun, ham ayollar uchun xoslangan yoki xoslanmaganlik xususiyatlariga qaratiladi. Shunga ko'ra, SFSM tarkibidagi birliklarning gender xususiyatlarini uch guruhga bo'lish mumkinligi aniqlashadi:

- 1) faqat erkaklarga nisbatan ishlatiladigan birliklar;
- 2) faqat ayollarga nisbatan ishlatiladigan birliklar;
- 3) ham erkaklarga, ham ayollarga nisbatan ishlatilishi mumkin bo'lgan birliklar.

Faqat erkaklarga nisbatan ishlatiladigan suyish ma'nosini ifodalovchi birliklar, asosan, ayollar nutqida reallashadi. Cnunonchi, azizim, begim, chinorim, arslonim so'zlari ayollar nutqida suyish ma'nosini ifodalash uchun qo'llaniladi. Mazkur so'zlarda suyish ma'nosi so'z asosiga [-im], [-m] qo'shimchalarini qo'shish orqali hosil bo'lgan. Demak, o'zbek ayollari ongida suyish ma'nosini ifodalash uchun maxsus qo'shimchalar mavjud bo'lib, ushbu qo'shimchalar suyish ma'nosini ifodalovchi til birliklari tizimida alohida guruhni tashkil etadi.

Shuni ta'kidlash zarurki, aslida, [-m] va [-im] qo'shimchalari egalik qo'shimchalari sanaladi. Biror narsa yoki voqea-hodisaning uch saxsdan biriga, ya'ni birlikdagi (zidi ko'plik) birinchi shaxsga-[men]ga tegishli ekanlini ifodalab keladi.

Solishtiring:

1. **Azizim**, sizsiz yashab bo'lmaydi.
2. **Azizam**, sensiz yashab bo'lmaydi.

Ushbu misollardagi birinchi gapda [**aziz**] so'zi [-**im**] qo'shimchasini, ikkinchi gapdagi [**aziz**] so'zi [-**a**] hamda [-**m**] qo'shimchalarini qabul qilgan.

Azizim va **azizam** so'zlari tarkibidagi [-**im**] hamda [-**m**]-egalik qo'shimchasi.

Biroq ushbu kontekstda, ya'ni sintaktik butunlikda ko'p ma'noli qo'shimcha sifatida reallashgan. Ushbu qo'shimchalar semantik jihatdan ham egalik ma'nosini, ham suyish ma'nosini ifoda etish vazifasini bajaradi. **Azizam** so'zi tarkibidagi [-**a**] qo'shimchasi esa jins ifodalash ma'nosiga ega bo'lib, ayol jinsi ma'nosini hosil qilish funksiyasini bajaradi. Aynan mana shu qo'shimcha **azizim** va **azizam** so'zlarida ma'noviy jihatdan gender farqni yuzaga chiqargan va birinchi gap ayollar nutqiga xos, ikkinchi gap esa erkaklar nutqiga tegishli ekanligini ta'minlagan. Shuningdek, mazkur qo'shimcha ham jins ma'nosini ifodalash bilan birga, suyish ma'nosining

voqelanishida ishtirok etgan. Demoqchimizki, [-a] qo'shimchasi nafaqat jins ma'nosini, balki muayyan darajada suyish ma'nosini ham ifodalab kelgan.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, ongimizda gender (jins) ma'no maydoni mavjud. [-a] qo'shimchasi esa jins ma'nosini ifodalovchi qo'shimcha bo'lib, ayol jinsi ma'nosini hosil qilish vazifasiga xoslangan affiks morfema hisoblanadi.

Tildagi har bir birlik o'z ziddiga ega. Bu qoidaga ko'ra ayol jinsi ma'nosini ifodalovchi [-a] affiks morfemasining erkak jinsi ma'nosini ifodalovchi ziddi qaysi morfema sanaladi, degan savol yuzaga keladi. Tilshunoslikda nol morfema [0] tushunchasi mavjud. O'zbek xalqi ongida ayol jinsi ma'nosini ifodalovchi [-a] morfemasining ziddi nol morfema [0] tarzida shakllangan. Shuning uchun yuqoridagi birinchi misolda ishtirok etgan [**aziz**] so'zi jins ma'nosini ifodalash belgisiga ko'ra nol morfemali so'z sanalib, aynan mana shu nol morfema [0] yordamida ushbu so'z jins ma'nosini ifodalab kelgan:

1) **aziz+[0]=erkak ma'nosi;**

2) **aziz+[a]=ayol ma'nosi.**

Shuni ta'kidlash o'rinliki, jins ifodalash xususiyatiga ko'ra [**aziz+nol morfema**] shakli ba'zi nutqiy kontekstlarda jinsiy jihatdan neytrallashadi, ya'ni ham erkak, ham ayol jinsini birdaniga ifodalash xususiyatiga ega bo'ladi. Masalan, [**Aziz hamyurtlar!**] gapida jins ma'nosi neytrallashgan. Cnunonchi, ushbu undalma jins jihatdan barchaga qaratilgan. Boshqacha aytganda, ushbu undalmada **aziz** so'zining jinsiy ma'no ifodalashi kengaygan. Ushbu ma'no kengayishida ham erkak, ham ayol ma'nolari qamrab olingan. Gender yaxlitlik ma'nosi aks etgan. [**Azizim, sensiz yashab bo'lmaydi**] gapida esa gender ma'nosi toraygan, erkak jinsinigina atash semasi reallashgan. Bu misolda [**aziz**] so'zi gender nuqtai nazardan butunning bo'lagini ifodalash uchun xizmat qilgan.

Dialektik falsafada butun va bo'lak kategoriyalari mavjud [3:149-153]. Shu asosda, gender ma'no maydoni alohida butunlik (sistema) sanaladi. Erkak va

ayol jinslari esa ushbu butunlikning bo'laklari (alohida qismlari) hisoblanadi.

Xullas, [**Aziz hamyurtlar!**] gapida kontekst mohiyatiga ko'ra [**aziz**] so'zining gender ma'nosi kengaygan, ya'ni umumlashgan: ham erkak, ham ayol jinsi tushunchasini o'zida jamlagan. Boshqacha aytganda, jins nuqtai nazardan neytrallashgan, betaraf, ya'niki, faqat erkak jinsi ma'nosinigina ifoda etayotgani yo'q. Unda ayol jinsi ma'nosi ham mujassamlashgan. Gender nuqtai nazardan har ikkala jins tushunchasi qamrab olingan.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Suyish funksional–semantik maydoni ifodaviy birliklarining gender nuqtai nazardan tahlili shuni ko'rsatadiki, sevgilim, muhabbatim, yaxshi ko'rganim, suyuklim, asalim, yagonam, yolg'izim, tengsizim, aqlligim; oshig'ingman, shaydoyingman, devonangman kabi so'zlar ham erkaklar, ham ayollar tomonidan birday qo'llaniladi.

Mahbubam, dildorim, dilbarim, bonuginam, kapalagim, nozigim, oymomam, oybarchinim, gulbarchinim, shiringinam, layluginam, kumushim kabi suyish ma'noli so'zlar ayollarga nisbatan qo'llaniladi.

Ko'rinadiki, suyish ma'no maydonini batafsil tahlil va tasnif etish, ushbu ma'no maydoni birliklarini sathlararo guruhlash va gender nuqtai nazaridan farqlanishlarini ko'rib chiqish, ayni paytda, ularning barchasini til sohiblarining milliy ong, milliy ruhiyatiga, qisqasi, milliy o'zligiga tayangan holda amalga oshirish bugungi tilshunoslik oldida turgan vazifalardan biri sanaladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. H. Ne'matov, R. Rasulov. O'zbek tili sistem leksikologiyasi asoslari. T.: O'qituvchi, 1995.
2. X.B. Samigova. Ingliz va o'zbek tillarida erkalash funksional-semantik maydoni. Fil...fanl. nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya avtoreferati. T.: 2010.
3. J.Tulenov, Z G'afurov. Falsafa T.: O'qituvchi, 1991.

O'ZBEK TILI ETNOGRAFIK LEKSIKASINING DIALEKTAL XUSUSIYATLARINI O'RGANISH MUAMMOSI

O.Nurjanov, dots., Qoraqalpoq Davlat Universiteti, Nukus

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek tili etnografik leksikasining dialektal jihatlarini tadqiq etish ilmiy-amaliy ahamiyatga molik masala ekanligiga doir qarashlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: etnografizm, leksika, qipchoq, o'g'uz, leksikologiya, leksikografiya, analogiya, anomaliya, dialektizm.

Аннотация. В данной статье рассматриваются взгляды на то, что исследование диалектных аспектов этнографической лексики узбекского языка имеет научное и практическое значение.

Ключевые слова: этнография, лексика, кыпчаки, огузы, лексикология, лексикография, аналогия, аномалия, диалектизм.

Abstract. In this article, the views on the fact that researching the dialectal aspects of the ethnographic lexicon of the Uzbek language is a matter of scientific and practical importance.

Key words: ethnography, lexicon, Kipchak, Oghuz, lexicology, lexicography, analogy, anomaly, dialectism.

Jahonda juda ko'p katta-kichik, turli-tuman xalq va elatlar yashaydi. Insoniyat etnik jihatdan shuncha boy va xilma-xilki, hozirgacha yer kurrasida qancha xalq va elatlar yashayotganligi fanda aniq emas. Ular qancha va qaysi ijtimoiy darajada bo'lsin, o'z taraqqiyotida umumiy qonuniyat va qadriyatlar asosida rivojlanadi. Odatda bunday omillar deyilganda fanda umumiy til va hudud, yagona xo'jalik hayoti, milliy turmush va madaniyat, milliy his-tuyg'ular va xarakter kabilar ko'rsatiladi. Ayrim tadqiqotchilar, hatto, diniy etiqodiy asosda xalq va elatlarni ajratadilar.

Shubhasiz, ijtimoiy turmush jarayonida xalq turli xil udumlar va urf-odatlarini o'ylab topganki, ular insonlarning turmush tarzini belgilab bergan. Bu holat so'zsiz ularning tilida ham o'z aksini topgan. Shu bois tilimizdagi ushbu leksik birliklarga bo'lgan qiziqish ancha ilgari boshlangan.

Har qanday tilda o'sha tilda aloqa qiluvchi til egalarining - xalq, millat va etnik birliklarning asrlar osha o'z boshidan kechirgan ijtimoiy hayoti, turmush tarzi, hayotiy tajribalari aks etadi. Shu bois tilni xalq hayoti, tarixiy taraqqiyoti bosqichlarining yagona guvohi, uning hayotiy tajribalarini to'plab ajdodlardan avlodlarga yetkazuvchi, milliy o'ziga xosligini saqlab turuvchi, etnik jipsligining ramzi sifatida tan oladilar.

Tilning boshqa sohalarida bo'lgani kabi uning tarmoqlari leksikasi sohasida ham o'zbek tili yuqoridagi xizmat va vazifalarini bajardi hamda asrlar osha ularni saqlab qolib, kelgusi avlodlarga yetkazdi. Ammo zamonlar o'tishi bilan hayotdagi ijtimoiy o'zgarishlar, taraqqiyot tildagi barcha narsalarni saqlash imkonini bermaydi. Unda tarixiy taraqqiyot talabi bilan ba'zi til birliklari saqlanib qolishi, eskirgan til vositalari o'rnida yangi til vositalari qo'llanishi mumkin. Bularning barchasi hayot talabi, ijtimoiy taraqqiyot taqozosi bilan yuz beradi. Buni hisobga olgan tilshunoslardan biri F.de Sossyur shunday degan edi: "Agar biz tilni unda so'zlashuvchi ommasiz faqat vaqt birligida, zamonda mavjud bo'lgan (ya'ni inson bir necha asrlar davomida yakka o'zi yashagan) deb tasavvur qilsak, vaqt tilga o'zining ta'sirini o'tkazmas va tilda hech qanday o'zgarish sodir bo'lmay edi. Va, aksincha, tilda so'zlashuvchi ommani zamondan holi deb tasavvur qilinsa (ya'ni inson hayoti bir nuqtada to'xtab qolsa), tilga ijtimoiy hodisalarning ta'siri kuzatilmay edi" [1]. Demak, til hayotida zamon, makon, ijtimoiy taraqqiyot, tilda gaplashuvchi ommaning tarkibi va xarakteri kabi omillarning ta'siri katta ahamiyat kasb etadi ekan.

O'zbek tili ham mazkur ijtimoiy hodisalarning ta'sirida o'zgardi, ko'p til boyliklari iste'moldan chiqib ketdi, ularning o'rnini yangi til vositalari egalladi. Ammo shuni ham qayd qilish kerakki, iste'moldan chiqib arxaiklashgan qatlam yozma yodgorliklarda, adabiy tilda uchramasa-da, xalq tilida uning so'zlashuv nutqida hanuzgacha saqlanib qolgan bo'lishi mumkin. Shu sabab hududlar aholisi nutqidagi saqlanib qolgan til elementlarini yig'ish, ularni to'plab tahlil qilish hozirgi davrda tilshunoslar oldida turgan muhim vazifalardan biridir.

Shunday elementlardan biri Qoraqalpog'iston hududida yashovchi o'zbek shevalarida qo'llanib kelayotgan etnografizmlardir. Bu leksika vaqtlar o'tishi bilan ko'p o'zgarishlarga uchragan, ko'p qismi davrlar o'tishi bilan yo'qolib ketgan, ba'zilari yangi davr ta'sirida boshqa ekvivalentlari bilan almashgan, yangi nomlari paydo bo'lgan, keyinchalik bu nomlar ruscha va rus tili orqali boshqa g'arb tillaridan o'zlashgan yangi nomlar hisobiga boyigan. Xullas, etnografizmlar ham bu hududdagi aholi ijtimoiy turmush tarzining o'zgarishi hisobiga yangi nomlar paydo bo'lgan va ularning tarkibida katta o'zgarishlar sodir bo'lgan.

Qoraqalpog'istondagi o'zbeklar etnik jihatdan ikkita katta guruhga - qipchoq va o'g'uzlarga mansubdir. O'zbeklarning bu xildagi ikkita etnik guruhga bo'linishi ularning til jihatdan farqlanishiga - o'zbek tilining qipchoq va o'g'uz shevalari mavjud bo'lishiga sabab bo'lgan [2]. Mazkur shevalar ayrim lingvistik belgilariga ko'ra bir-biridan bir qadar farqlanadi. Shu bois hudud shevasidagi leksik xususiyatlarni o'rganish, o'zbek tili leksikologiyasi va leksikografiyasi uchun qimmatli ma'lumotlar beradi.

Qoraqalpog'iston o'zbeklari hududda turkiy xalqlar - qoraqalpoq, qozoq, turkman xalqlari vakillari bilan yondosh yashashadi. Bu esa mazkur hududdagi tilga turkiy elat va xalqlar tillarining ta'siri katta bo'lishiga olib keladi. Shuningdek, tarixiy manbalarda etnik nomlarni anglatuvchi so'zlar uchraydi. Mazkur so'zlarning ba'zilari o'zbek tilida saqlanib qolgan bo'lsa, boshqa birlari qoraqalpoq, qozoq, turkman tillarida saqlanib qolgan bo'lishi mumkin. Bu holat esa mazkur tillar materiallari va ularning ta'siri vositasida til tarixidagi eng qadimgi leksemalarni o'rganishga yordam beradi. Bu, bir tomondan, o'zbek tili lug'at tarkibining unutilayozgan til elementlarini, til tarixidagi noaniq leksik-grammatik hodisalarni o'rganish imkonini beradi.

Umumxalq tilining barcha hududlardagi til vositalari, tarmoqlar leksik birliklari, sohalarga tegishli har xil atamalar, adabiy til taraqqiyoti uchun ham, tilshunoslik fani rivoji uchun ham katta ahamiyat kasb etadi. Qoraqalpog'iston hududi o'zbeklar tilidagi etnografizm nomlarning yondosh qardosh xalqlar tilidagi ko'rinishlari ham bundan mustasno emas. Chunki bu hudud aholisi tilidagi o'ziga xosliklar, uning adabiy til va boshqa hududlar aholisi tilidan farqli jihatlari tilshunoslik fani uchun ham, o'zbek adabiy tili leksik tarkibi uchun ham qimmatli ma'lumotlar, manbalar berishi tabiiy hol.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida tilshunoslikdagi yangicha qarashlar ildizi qadimgi lotin falsafasida muhim rol o'ynagan analogiya-anomaliya nazariyasi bilan bog'lanadi. F.Boas, E.Sepir kabi amerika tilshunoslari o'z tadqiqotlarida til qurilishi bilan madaniyatning to'g'ridan to'g'ri muvofiqligini topish mumkin emasligi, xalq madaniyati uning tildagi lug'at tarkibi bilan bog'liq ekanini bayon qiladilar [3]. Ayniqsa, E.Sepirning til va madaniyat yuzasidan olib borgan kuzatishlari keyinchalik tilning xalq madaniyati, urf-odatlar bilan munosabatini o'rganuvchi alohida lingvistik yo'nalish - etnolingvistikaning shakllanishiga asos bo'lib xizmat qildi [4].

Urf-odatlar tarixi insoniyatning ibtidosiga borib taqaladi. Ibtidoiy jamiyatda dastlab diniy tasavvurlar bo'lmagan. Urf-odatlar kishilarning mehnati zamirida vujudga kelib, jamiyat rivojiga, odamlar ongining o'sishiga katta ta'sir ko'rsatgan.

Etnografiya, asosan, maishiy hayot, oilaviy turmush jarayoni bilan chambarchas bog'liqdir. Etnografik leksika inson hayotining barcha bosqichlari, turmush tarzi, nima bilan shug'ullanishi, qanday hayot kechirishini, umuman, insonga xos bo'lgan barcha odatlarni, ular bilan bog'liq va ularga ta'sir qiluvchi omillarni o'z ichiga oladi. Har bir etnos o'z navbatida ayrim qabila va urug'lar, qavm-qarindosh va jamoa, ijtimoiy guruhlar va tabaqalardan tashkil topadi. Mazkur tarixiy birliklarni yaratishda va jipslashtirishda asosiy omillardan eng muhimi milliy til hisoblanadi. Chunki ularning bir-biri bilan erkin munosabatda bo'lishi, iqtisodiy va madaniy aloqalar o'rnatishda til bosh omil hisoblanadi. Chunki til tufayli madaniy va ma'naviy birlik o'rnatiladi [5]. Shunday ekan, bu sohaga tilshunoslarning alohida e'tibor qaratishi tabiiy holdir.

Taniqli tilshunos olim A.Ishayevning qayd qilishicha, tilda dialektizmlarning bir qancha turlari mavjud, lekin bu turlar o'zbek dialektologiyasida uzil-kesil tarzda aniq hal etilmagan. Hatto, ayrim dialektizmlar tilga olinmagan va dialektizm sifatida qayd qilinmagan. Bunga etnografik dialektizmlar yaqqol dalildir [6].

Darhaqiqat, etnografik dialektizmlar masalasida xilma-xil, munozarali va hatto bir-biriga qarama-qarshi fikrlar mavjud. Qayd qilganimizdek, etnografiya fani lingvistika, xususan, dialektologiya fani bilan juda yaqin aloqada. Bunday bo'lishi tabiiy, chunki xalqning turmushi, urf-odatlar, ma'naviyati va madaniyati, eng avvalo, tildagi so'zlarda ma'lum bir hududda yashayotgan sheva, dialekt vakillarining nutqida o'z aksini topadi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, etnografizmlarning ayrimlari ilmiy asarlarda, ya'ni etnografiya fanida hamda mahalliy xususiyatlarni tasvirlash uchun badiiy adabiyotlarda qo'llanadi. Shuningdek, etnografizmlarning bir qismi adabiy til va shevalar uchun mushtarak, ba'zilari esa ba'zi shevalargagina xos bo'lib, adabiy tilda qo'llanmaydi yoki uchramaydi. Aytish joizki, mazkur muammoning murakkabligi ham shundadir.

O'zbek tili etnografik leksikasining dialektal xususiyatlarini o'rganish muammosi hozirgacha hal qilinmaganligi masalaning eng muhim tomonidir. Chunki shevalar tarkibida yashayotgan bu unsurlar bevosita til tarixi va xalq tarixi bilan chambarchas bog'liq. Har bir hudud shevasini imkon qadar areal o'rganish tarix sahifalariga yanada oydinlik kiritishi mumkin. Sababi, bu soha tarix, etnografiya, til tarixi, madaniyatshunoslik, adabiyot tarixi kabi fanlar bilan uzviy bog'liqdir. Shuning uchun ham Qoraqalpog'istondagi o'zbek shevalari etnografik leksikasini tadqiq etish fanga qimmatli ma'lumotlar beradi. Qolaversa, o'zbek shevashunosligi fani uchun ham katta ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Sossyur de F. Kurs obshey lingvistiki. Trudi yazikoznaniyu. –M.:1933,-86-87 b.
2. Ishayev A. Qoraqalpog'istondagi o'zbek shevalari.-T. "Fan", 1977, 5-b
3. Jabbarov I. o'zbek xalqi etnografiyasi. Toshkent, "o'qituvchi", 1994, 3-b
4. Nurmanov A. Tanlangan asarlar uch jildlik, II t. Toshkent, akadem nashr. 2012, 153-b
5. Jabbarov Y. ko'rsatilgan asar, 6-b
6. Ishayev A. o'zbek dialektal leksikografiyasi, "FAN", Toshkent, 1990, 91-b

UO'K 801.56:802.0

PRONOMINAL MUROJAAT SHAKLLARIDA IMPLIKATURANING ROLI

(ingliz va o'zbek tillari misolida)

*M. Qodirova, PhD, Termiz Davlat Pedagogika Insitituti, Termiz
Sh. Soqiyeva, magistr, Termiz Davlat Pedagogika Insitituti, Termiz*

Annotatsiya. Mazkur maqola tilshunoslikning nutqiy birliklaridan sanalmish pronominal murojaat shakllari tadqiqiga bag'ishlangan. Pragmalingvistik aspektida pronominal murojaat shakllariga implikaturaning ta'siri haqida empirik va tahliliy materiallar asosida talqin etilgan. Shuningdek, maqolada jahon va o'zbek tilshunoslarining pronominalizatsiya va uning birliklari haqida izohlagan fikrlari ilmiy-nazariy tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: pronominalizatsiya, murojaat, pronominal murojaat shakllari, implikatura, olmosh.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению прономинальной форм обращения от речевых единиц языкознания. В прагмалингвистическом аспекте на основе эмпирического и проанализированного материала интерпретируется влияние имплицатуры на местоименные формы обращения. Также в статье анализируются научно-теоретические взгляды мировых и узбекских языковедов на местоимение и его единицы.

Ключевые слова: прономинализация, обращение, местоименные формы обращения, имплицатура, местоимение.

Abstract. This article is devoted to the study of the pronominal forms of address from the speech units of linguistics. In the pragmalinguistic aspect, the effect of implicature on pronominal address forms is interpreted on the basis of empirical and analyzed materials. Also, the article analyzes the scientific and theoretical opinions of world and Uzbek linguists about pronominalization and its units.

Keywords: pronominalization, addressing, pronominal address forms, implicature, pronoun.

Til faqat bilim va axborot almashish uchun emas; u shaxslarning munosabatlarini o'zligini, madaniyatini va boshqalarga yaqin yoki uzoq bo'lishni afzal ko'rishini ham ko'rsatadi. Tilni chuqur

o'rganishda, muloqotchilarning suhbatni qanday boshlashlari yoki tugatishlari, ma'lum bir kontekstda bir-biriga qanday murojaat qilishlarini ham nazariy tadqiq va amaliy tahlil qilish tilshunoslikdagi dolzarb masalalardan biri sanaladi. Chunki, murojaat shakllari muloqotda hech qachon neytral bo'lmaydi.

Murojaat shakllari nima? Murojaat [مراجع] ko'rib chiqish; taqqoslash, solishtirish; biror narsa so'rash; ishni qayta ko'rish. Birovga qarata aytilgan gap, qilingan da'vat, chaqiriq va sh.k. [2; B.645]. Ingliz tilida esa, murojaat "address" atamasiga to'g'ri keladi: Address (n.) The general use of this term, in the sense of 'the manner of referring to someone in direct linguistic interaction', has provided sociolinguistics with a major field of study. Forms of address (or terms of address) have been analysed between different types of participant in different social situations, and rules proposed to explain the speaker's choice of terms, e.g. governing the use of first names, titles, intimate pronouns, etc. [4; P. 36.]

Bundan ko'rinadiki, murojaat shakllari, adresant va adresat o'rtasida aloqani vujudga keltirish bilan birga, ular o'rtasidagi ijtimoiy faktorlarni, xususan, suhbatning qanday davom etishini ta'minlovchi; ularning bir-biriga bo'lgan munosabatini anglatuvchi; ularning bir-biriga hurmati, yoshi, jinsi kabi hamda shu bilan birga milliy madaniyatini aks ettiruvchi faktorlarni namoyon etadi.

Ko'pgina tillarda murojaat shakllari pronominal va nominal turlarga bo'linadi. [7; P. 223–249.]

Pronominalizatsiya (lotincha "pronomina" — olmosh) lingvistik transpozitsiya shakllaridan biri bo'lib, so'zlarning o'ziga xos leksik ma'nosini yo'qotishi yoki zaiflashishi va mavhum ma'no hamda ko'rsatish vazifasini egallashi natijasida boshqa gap bo'laklaridan olmoshga o'tishidir. Tilshunoslikda pronominalizatsiya hodisasi qisman ko'rib chiqilgan. Jumladan, A.A. Potebnya, A.A. Shaxmatov, A.M. Peshkovskiy, V.V. Vinogradovlar ilmiy qarashlarida, pronominalizatsiya so'z umumlashgan ma'noga ega bo'lgan va shu tariqa olmoshlarga semantik ma'noda yaqinlashganda sodir bo'ladigan hodisa deb talqin qilingan. Biroq, boshqa tilshunoslar olmoshlarni yopiq so'z turkumi deb atashadi. Olmoshlarning semantik o'ziga xosligi olmoshlarni pronominalizatsiyalash hisobiga to'ldirishni imkonsiz qiladi. Olmoshlar faqat olmoshlar hisobiga to'ldiriladi: *har kim, har narsa, kim xohlasa, nima xohlasa* va h.k.

Demak, pronominal murojaat – olmosh so'z turkumi bilan ifodalanadigan murojaat shakli. Ingliz tilida ham, o'zbek tilida ham bu kabi funktsiyani bajarayotgan olmoshning ko'pgina turini misol qilish mumkin: o'zb.: – *Сен, Шокир, мендан бир нарсани яширяпсан?* (A. Саид. Қария.); – *Ўшанда ўзлари ҳам Ўзбекистонга кўчиб борсалар керак-да, а? – дея оёқдан олди Миркамол акамиз* (Э. Аъзам. Шовқин); "*Get out of here, you damned idiot!*" (M. Mitchell. *Gone with the wind*); "*What did I say? Tell me, somebody, what did I say?*" (A.Sillitoe. *Saturday Night and Sunday Morning*). Ushbu gaplardan shuni anglash mumkinki, ingliz tilida ham, o'zbek tilida pronominal murojaatlar mavjud. 1- va 3-gaplarda murojaat II shaxs kishilik olmoshi (Sen; you) yordamida; 2- va 4-gapda esa o'zlik (o'zlari) hamda gumon (somebody) olmoshlari vositasida ifodalangan. Bu shuni ko'rsatadiki, pronominal murojaatlar – ikkala tilda ham faol birlik sanaladi.

Mazkur maqola nafaqat murojaat shakllarining pronominalizatsiyalashuvini, shuningdek ularga implikasiya(implikatura)ning ta'siri haqida ham so'z yuritadi. G.P.Grays mazmunning yashirin komponentlari hisoblangan *implikasiya, implitsit ifoda, implikatura, implikat* atamalarini umumiy tushuncha sifatida ta'riflaydi. U ilk bor «implikatura» tushunchasini 1967 yilda pragmatik lingvistikaga oid hodisa sifatida tadqiq qildi va matnda hosil bo'ladigan yashirin ma'noni «implikatura hodisasi» deya talqin qildi. Faylasuf P.Graysning pragmatika nazariyasiga ko'ra, nutqiy akt orqali uzatilgan axborot ikki qismga ajraladi, yani, *nima deyildi?* ("what is said"), *nimani nazarda tutildi?* ("what is meant"), aynan bu oppozitsiyada implikatura joylashadi. [5; P. 217-237.]. O'zbek tilida matnning pragmatik xususiyatlari bo'yicha kuzatish olib borgan M.Hakimov esa, implikatura termini "bir umumiy tushunchani ifoda etuvchi umumiy yashirin atama" deb ataydi. [6; B.75-93.]

Tilshunoslikning yangi sohasi bo'lgan pragmatikada implikatura so'zma-so'z ifodalanmagan bo'lsa-da, so'zlovchi tomonidan taklif qiladigan yoki nazarda tutadigan narsadir. Implikaturalar biz muloqot qilmoqchi bo'lgan hamma narsani aniq aytishdan ko'ra samaraliroq muloqot qilishga yordam beradi. Boshqacha qilib aytganda, kommunikator tomonidan faol ravishda uzatilmagan bo'lsa-da, qabul qiluvchi nutqdan chiqaradigan xulosalar hech qachon ta'sir qilmaydi.

Shuni ta'kidlash joiz-ki, implikatsiyasi orqali an'anaviy va so'zlashuv nutqqa hissa qo'shishi ko'rsatilgan ikkinchi shaxs olmoshlari murojaat birliklarining implikatsiyasi orqali aytilgan murojaatlarni anglatadi. Jumladan, ko'pgina zamonaviy Yevropa tillarining o'ziga xos xususiyati bo'lgan pronominal murojaatlari Frantsuz tilidagi "tu" va "vous" kabi norasmiy va rasmiy murojaat shakllarini ajratib turadigan ikki yoki undan ortiq kishilik olmoshlaridan iborat. Olmosh bilan ifodalangan murojaatlar muhim o'zgaruvchanligi bilan farq qilmaydi. Masalan, ingliz tili olmoshlarining quyidagi kategoriyalari bu hodisa sifatida ishlatiladi:

- 1) 2- shaxs kishilik olmoshining birlik yoki ko'plikdagi shakli *you* ("Hey, you! What do you think you're doing?");
- 2) determinativ olmoshlari *everyone, everyone, everybody* va boshqalar ("Well, everybody, here I am.").

Yevropa tillari grammatikasining ildizlarini tushunish uchun lotin tilini tadqiq qilishga to'g'ri keladi. Chunonchi, Rim imperiyasining gullab- yashnagan davrida miloddan avvalgi III asrda, lotin tilida ikkinchi shaxsni bildiruvchi ikkita olmoshlar bor edi: *tu* (sen) va *vos* (siz). Asr oxirida Rim imperiyasi bir vaqtning o'zida bir necha imperatorlar tomonidan boshqarilib, Rim notiqchilari ko'plikda hatto bir imperatorga murojaat qila boshladilar, ya'ni ularning har biri suhbatdosh hukmdorni ham, boshqa hukmdorlarni ham ifodalash maqsadida [11].

«Pronominal» atamasi tilshunos Djozef Robinson Kuk ta'kidlaganidek, "kishilik olmoshlariga ta'luqli yoki birinchi/ikkinchi shaxs kontekstlarida va birinchi/ikkinchi shaxs ma'nolarida kishilik olmoshlar bilan bir xil tarzda sodir bo'ladigan" [12; P.1.] ma'nosini anglatuvchi "sifat" tarzida tushuniladi.

Pronominal murojaatlar suhbatdoshga qaratilgan bo'lib, ular, ko'pgina xollarda ikkinchi shaxsni anglatadi. Masalan, o'zbek tilida *sen* va *siz* [1; B.16.], ingliz tilida *you*, nemis tilida *du* va *ihr*, frantsuz tilida *tu* va *vous* [3; P.254.]. Ammo boshqa grammatik shaxslar ham murojaat olmoshlari vazifasini bajara oladi, chunki ba'zan ular ham aloqa sherigiga qaratilgan bo'ladi. Masalan, o'zbek tilidagi *birovlar, boshqalar*, nemis tilidagi *Sie* (3-shaxs ko'plik), dat tilida (daniyaliklar tili) *De* (3-shaxs ko'plik), italyan tilida *Lei* (3-shaxs birlik, xotin-qizlar uchun) [3; P.254.]. Murojaat olmoshlari, shuningdek, pronominal shakllarni (diaxronik nuqta nazardan kishilik olmoshlarining asl nusxasi paradigmalariga tegishli bo'lmagan shakllar) ham o'z ichiga oladi: ispan tilida *usted*, portugal tilida *você*, singal tilida *tamunnāsē*. Bunday shakllar murojaatni ifodalovchi gapdagi turli fe'l va qo'shimchalarning konkordantsiyasi (moslashuvi) hisoblanadi.

Professor Sh.Safarov implikaturani umuman yashirin ma'no emas, maqsadli, nutqiy yashirin ma'no sifatida tushunib, bu hodisa presuppozitsiyaga yaqin tursa-da, o'zaro farq qilishini aytib o'tadi [10; B. 132]. Murojaat shakllari ikki xil ijtimoiy deytik ma'lumotlarga hissa qo'sha oladigan an'anaviy va so'zlashuv implikaturasi tushunchasi mexanizmlaridir. V shakli shartli ravishda barcha kontekstlarda bir ma'noni bildiradi; bu ma'no kontekstga bog'liq emas. Shakllarning qarama-qarshiligi faqat so'zlashuv ta'sirini yaratish uchun muloqotchilar tomonidan boshqariladigan muayyan kontekstlarda keyin paydo bo'lishi mumkin; bu ma'nolar kontekstga bog'liq. K.Pottsning talqiniga muvofiq, ko'pgina iboralar mazmunni o'z ichiga oladi, ular majburiyatlarni, presuppozitsiyalarni, intonatsion ma'nolarni yoki suhbatni aniqlash ta'sirlarini e'tiborsiz qoldirmaydi [9; P.9]. Bu ma'nolar so'zlovchining qabul qiluvchiga yoki muloqot vaziyatiga munosabatini ifodalash uchun xizmat qiladi [8; P.235-254.].

Demak, chog'ishtirilayotgan ikkala tilda ham pronominal olmoshlar mavjud va o'ziga xosligi bilan farqlanadi. Bu esa, so'zlovchidan kommunikativ-pragmatik xususiyatlari borasida bilimga ega bo'lish ehtiyoji borligini isbotlaydi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Исқандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан.ном. ...дис.автореф. Самарқанд, 1993, 16-бет.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.645.
3. Braun, Friederike. Terms of address: Problems of patterns and usage in various languages and cultures/ F.Braun. Berlin, New York; Amsterdam: Mouton de Gruyter, 1998, p.8. 1960, p.254.
4. David Crystal. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. 2008. – U.K.: Blackwell Publishing Ltd. – P. 36. <http://ndl.ethernet.edu.et/bitstream/123456789/36901/1/8.pdf>.

5. Grays P. Logika i rechevoe obshhenie / Novoe v zarubejnoj lingvistike. Moskva: Progress, 1985. – Vip.16. Lingvisticheskaya pragmatika. – S. 217-237.
6. Hakimov M. O'zbek pragmalingvistikasi asoslari. Toshkent: Akademiya, 2013. –B.75-93.
7. Mazzon Gabriella. "Pronouns and nominal address in Shakespearean English: A socio-affective marking system in transition", in Irma Taavitsainen and Andreas H. Jucker (eds.), Diachronic perspectives on address term systems [Pragmatics & Beyond New Series 107], Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins, 2003. – P. 223–249.
8. Potts, Christopher & Shigeto Kawahara. 2004. Japanese honorifics as emotive definite descriptions. In Kazuha Watanabe & Robert B. Young (eds.), Proceedings of Semantics and Linguistic Theory 14, 235-254. Ithaca, NY: CLC Publications.
9. Potts, Christopher. 2005. The logic of conventional implicatures. Oxford: Oxford University Press, p.9.
10. Safarov Sh. Pragmalingvistika. – Toshkent, 2008. – B. 132
11. <https://blog.oxforddictionaries.com/2017/03/whats-wrong-with-you-history-pronoun/>
12. <https://escholarship.org/uc/item/9hf0g4gn>. Cooke J.R. (1968). Pronominal reference in Thai, Burmese and Vietnamese. Berkeley: University of California Press. P.1.

UO'K 81-22

O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA KOSMONIMLAR HOSIL BO'LISHINING LINGUOKULTUROLOGIK XUSUSIYATLARI

Sh.N.Qulniyozova, magistrant, Termiz davlat pedagogika instituti, Termiz

O.P.Uralova, PhD, Termiz davlat pedagogika instituti, Termiz

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tili materialida asosida kosmonimlarning etnik-lingvistik tahlili va o'zbek tillarini qiyoslash keltirilgan. Kosmonimlarni o'rganish xalq tili, madaniyati va turmush tarzining milliy-madaniy xususiyatlarini, shuningdek, xalqning tarixiy taraqqiyotining dunyoqarashi va o'ziga xosligini o'rganadi. Osmon va samoviy jismlarga alohida hurmat va sajda qilinadi, bu esa xalqning moddiy va ma'naviy madaniyatiga singib ketgan buddizmga bo'lgan e'tiqod qoldiqlaridan dalolat beradi, g'oya va tushunchalarni o'z ichiga oladi.

Kalit so'zlar: Ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'siri, sinxron tahlil, diaxronik tahlil, tilshunoslik, lingvokulturologiya.

Аннотация. В данной статье проводится этнолингвистический анализ космонимов на материале английского языке сравнении узбекского языками. Исследование космонимов представляет изучение национально-культурных особенностей языка, культуры и быта, а также мировоззрения и самобытности исторического развития народа. Особо почитают небо и небесные светила и поклоняются им, что свидетельствует о пережитках буддистских верований, пронизывающих материальную и духовную культуру народа, и включает представление и понятие.

Ключевые слова: взаимодействие английского и узбекского языков, синхронический анализ, диахронический анализ, лингвистика, лингвокультурология.

Abstract. This article provides an ethno-linguistic analysis of cosmonyms based on the material of the English language and the comparison of the Uzbek languages. The study of cosmonyms is the study of the national and cultural characteristics of the language, culture and way of life, as well as the worldview and originality of the historical development of the people. The sky and celestial bodies are especially revered and worshiped, which testifies to the remnants of pre-Buddhist beliefs that permeate the material and spiritual culture of the people, and includes ideas and concepts.

Keywords: Interaction of English and Uzbek languages, synchronic analysis, diachronic analysis, linguistics, linguoculturology.

Tilshunoslikning falsafiy tushunchasidagi savollari va madaniyatni tushunishdagi ko'plab yondashuvlar xilma-xilligi tufayli tushunarsiz bo'lib tuyulishi mumkin. Ammo bu masalalarni atroflicha tahlil qiladigan bo'lsak, tilshunoslik ularning har biri uchun o'z o'rnini belgilab, o'ziga xos tarzda asoslab bergani ma'lum bo'ladi. Insoniyat yana bir marrani bosib o'tdi va sivilizatsiya taraqqiyotining yangi yo'liga o'tdi. Ishning dolzarbligi shundaki, bugungi jamiyatda ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'siri susaymaydi, aksincha o'sib bormoqda, chunki bu masala dolzarb ahamiyat kasb etib, zamonaviy madaniyatda haqli ravishda yetakchi o'rinni egalladi. Bundan tashqari, tillar

dunyo haqidagi bilimlarning asosini tashkil qiladi, inson faoliyatining barcha sohalariga ta'sir qiladi, uning fikrlash turini shakllantiradi. Sinxron va diaxronik tahlil mafkuraviy tafakkurning alohida sohasini va inson faoliyatining alohida sohasini nazarda tutadi. Lug'atlar va ma'lumotnomalardan foydalanmasdan, eslaylikki, jamiyat - bu qandaydir faoliyat bilan bir-biri bilan bog'langan odamlar guruhidir. Ammo shuni unutmasligimiz kerakki, jamiyat til paydo bo'lgan joyda va qachon paydo bo'lishi mumkin.

Demak, insonning jamiyat bilan munosabatiga lingvokulturologiya prizmasi orqali qarash kerak. Ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'siri juda o'ziga xosdir. Madaniyat inson tomonidan yaratilgan va uni tabiatdan ajratib turadigan barcha narsadir. Shu munosabat bilan buyuk Tsitseron tilshunoslik falsafa bilan chegaralanmaydi, deb hisoblagan. Ammo insof bilan aytish kerakki, ingliz va o'zbek tillari insoniyat madaniyatining eng muhim elementi hisoblanadi. Zero, faqat nutq madaniyati madaniyatni o'zining eng to'liqligi va mumkin bo'lgan maksimal tushunchasi bilan ifodalaydi. Insoniyatning eng dolzarb muammolari tilshunoslik orqali to'liq asosga ega bo'ladi.

Ingliz tilining dolzarbligi nutq madaniyatining eng yuqori yutuqlarini ifodalaydi, bu talqin qilish imkoniyatlari bo'yicha o'sha davr falsafasidan ustun turadi. Tabiiyki, ingliz va o'zbek tillarining yutuqlari uning turli fanlar, san'atlar va insonning amaliy harakatlari bilan o'zaro aloqasiz ma'nosizdir. Ingliz va o'zbek tillari nafaqat o'ziga xosligi, balki mustaqilligi bilan ham ajralib turadi. Bu boshqa mutaxassislarining filolog ishiga dosh bera olmasligini anglatish kerak; har kim o'z ishi bilan band. Qadimgi falsafiy an'anadan tortib hozirgi Yevropa tilshunosligigacha sinxron va diaxronik tahlil jarayonida aniq konturlar saqlanib qoladi va shu bilan birga baholash, izohlash va taqqoslash ob'ektiga aylanadi. Tillar har qanday maxsus ta'limni to'ldirishga va to'ldirishga, mutaxassisni intellektualga aylantirishga chaqiriladi. Zamonaviy davrda "sivilizatsiya" tushunchasi katta shuhrat qozondi. U turli yo'nalishlar vakillari orasida keng tarqalgan, keng yoritilgan va ingliz tilidan ishlab chiqarilgan.

Shunday qilib, linguoculturologik bir necha jihatdan izohlanadigan tushunchadir:

- jamiyatning muayyan tarixiy davrdagi holati sifatida. Jamiyat bir butun sifatida emas, balki "tarixiy tiplar" yig'indisi sifatida harakat qiladi (yunon-rim, roman-german, g'arbiy).

Har qanday tilshunoslikning ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotining o'ziga xos xususiyatlari, o'ziga xos xususiyatlari bo'lgan.

Til alohida xalq yoki davlatning o'ziga xos tarixi, masalan, atsteklar sivilizatsiyasi (faylasuflar A. Toynbi, N. Danilevskiy fikricha) yoki madaniyat tanazzulining so'nggi bosqichi (O. Spengler) vazifasini bajargan.);

- madaniyatning analogiyasi sifatida. Ingliz ma'rifatparvar faylasuflari "til"ni aql va adolat g'oyalari asosida qurilgan jamiyat sifatida talqin qilganlar.

Demak, zamonaviy dunyoda ingliz va o'zbek tillarida sinxron va diaxronik tahlilni o'rganayotganda formatsion va sivilizatsiyaviy yondashuvlar o'rtasidagi farqni ko'rish zarur. Ushbu tillarni insoniyat rivojlanishining yagona yo'nalishi ("butun inson madaniyati", barcha xalqlar uchun umumiylikni ta'kidlaydigan shakllanish yondashuvi), shuningdek, har qanday xalqning o'ziga xos xususiyati ("mahalliy madaniyat") sifatida o'rganilishi mumkin. har bir madaniyat nutqining o'ziga xosligini o'rganadigan tsivilizatsiya yondashuvi).

Bu fan turli xil bilish turlarini o'rganish bilan shug'ullanadi, insonni barcha xususiyatlari va ko'rinishlari bilan o'rganadi, shuningdek, ikkita tamoyilning nisbati bilan shug'ullanadi, masalan: fan va uni amaliyotda qo'llash.

Shuni ta'kidlashni istardimki, ko'pchilik olimlar bu ikki tushunchani kengroq o'rganishga va tilshunoslik tarixida ma'rifatparvarlik, romantizm va hokazolar misolida o'z talqinini berishga harakat qiladilar.

Aytish mumkinki, tilshunoslik inson faoliyatining asosiy turlari kelib chiqadigan madaniy merosning bir qismidir. Axir, bu yozuvning o'z tili, har bir qabila, har bir urug', har bir oilaning o'z tarixi bor, bu hatto butun olam haqida eng muhim tasavvurni beradi. Ingliz va o'zbek tillari o'zaro ta'sirida jamiyatga ta'sir etib, odamlarga hayot, tabiat, jamiyat haqida uning barcha ko'rinishlarida tushuncha beradi. Ko'pgina tarixchilar tilshunoslikni xotiraning dastlabki bosqichi deb hisoblashadi. Biroq, bilimning o'ziga xos xususiyatlari bor. Odamlar yillar davomida bilim to'playdi va keyin uni

qo'llashga harakat qiladi. Zero, aynan bilimlar, shu jumladan, ko'nikmalar avloddan-avlodga o'tadi, ular yordamida ilmiy-texnikaviy taraqqiyot rivojlanadi.

Shunday qilib, biz aniqlik bilan aytishimiz mumkinki, ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'siri nafaqat tilshunoslik tarixi, balki boshqa fanlararo fanlarga ham tegishli masaladir. Olimlar hali ham bu ikki tushuncha o'rtasidagi munosabatlar haqida bahslashmoqda.

Boshqacha qilib aytganda, til voqelikning o'ziga xos talqini, bilim esa insonning biror narsadagi tushunchasidir, deyishimiz mumkin.

Tillarning o'zaro bog'liqligi muammosi, shuningdek, uning talqini o'sha davrda allaqachon g'alati kitob hisoblangan "Ma'rifat dialektikasi" asarida o'z aksini topgan. Ushbu ishning asosi yozuvlar va yozuvlardan parchalar edi. Matn 1944 yilda tugallangan va Amsterdamda nashr etilgan. Ushbu kitobning nusxalari nashr etilganidan keyin dastlabki yigirma yil davomida sotib olinishi mumkin edi. Ko'pgina tarixchilarning ta'kidlashicha, bu ish "og'ir" bo'lgan va ko'p hollarda tilshunoslikka ta'sir qilgan. Ushbu kitobni o'qib, biz uni taqdim etish shaklining qiyinligini tushunamiz. Ma'rifatparvarlik, romantizm davrida bu ikki tushuncha ezgulik va yomonlik, oq va qora bilan birga farqlana boshlagan. Bu ikki tushunchaning talqini ontologik germenevtikaga ham tasir qildi. Eng muhimi, u mifologiya g'oyalari asoslangan edi, chunki u erda bilim talab qiladigan hech narsa yo'q edi. Shunday qilib, keling, xulosa qilaylik. Ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'siri ikkita mutlaqo boshqa tushuncha bo'lib, ularni tilshunoslik tarixida faqat bir xil talqin qilish mumkin. Menimcha, ingliz va o'zbek tillarining o'zaro ta'sirini sinxron va diaxronik tahlil qilish bugungi dunyoda siyosiy platformada ro'y berayotgan global o'zgarishlar natijasida qisman mumkin. Shunday bo'lsa ham, bu muqarrar holat emas, balki o'z munosabati bilan dunyoga tartibsizlik tarqatayotgan ayrim siyosatchilarning o'ylamay munosabati tufayli yuzaga kelgan holatlar, deb o'ylayman. Bu sun'iy to'qnashuv, bo'lishi mumkin emas.

Tabiiy tsivilizatsiya jarayonlarining muqarrarligi nuqtai nazaridan, zamonaviy dunyoda ingliz va o'zbek tillarining paydo bo'lishi insoniyat tajribasi rivojlanishining oraliq bosqichi bo'lib, bu bosqich tugagach, so'ngra keyingi bosqich, degan fikrdaman. tsivilizatsiya bosqichi dunyo madaniyati axborot tizimlari orqali shakllanib, o'sadigan paytda keladi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Рунге В.Ф. Лингвистика. Кн. 1. М.: «Архитектура-с», 2016. С. 53-56.
2. Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Лингвистика. С. 27-29.
3. Юлдашев Б. Функционально-стилистические особенности фразеологических единиц в современном узбекском литературном языке: Дисс. док. фил. наук. Ташкент, 1993. 297 с.
4. Uzbek Language Explanatory Dictionary. - Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" State Scientific Publishing House, 2008. —V. IV. — P. 416 - 417 p.

UO'K 81-13

XORAZM DOSTONCHILIGI RIVOJIDA USTOZ-SHOGIRDLIK AN'ANALARI

N.E.Sabirova, DSc, Xorazm VPYMO`MM, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqoladi so'z baxshi ijrochiligining paydo bo'lishi doston janrining shakllanishi bilan bog'liq ekanligi, qadimgi madaniyat o'choqlaridan biri bo'lgan Xorazmda san'atning shakllanishi va taraqqiy etishi haqida so'z boradi. Shuningdek, Xorazm vohasida eng qadimgi baxshi, o'z navbatida baxshilar piri Oshiq Oydin haqida ancha ishonarli ma'lumotlar saqlanib qolganligi va bu bilan bog'liq dostonlar, ularning tarixi haqida ilmiy ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: baxshi ijrochiligi, doston janri, zardushtiylikning muqaddas kitobi "Avesto", eng qadimgi baxshi, Oshiq Oydin piri, oshiq baxshilar, "Kitobi dadam Qo'rqt", Qo'rqt ota.

Аннотация. В статье рассматривается становление эпического жанра, становление и развитие искусства в Хорезме, одном из центров древней культуры. Также в Хорезмском оазисе есть очень убедительные сведения о древнейших бахши, в свою очередь, пир бахши Ашик Айдын и связанные с ними былины, научные сведения об их истории.

Ключевые слова: перформанс бахши, эпический жанр, священная книга зороастризма «Авесто», древнейший бахши, Ашик Айдын пири, ашик бахши, «Китаби дадам Коркут», Коркут ота.

Abstract. This article deals with the formation of the epic genre, the formation and development of art in Khorezm, one of the centers of ancient culture. Also, in the Khorezm oasis there is a very reliable information about the oldest bakhshi, in turn, the piri of bakhshis Ashik Aydin, and related epics, scientific information about their history.

Key words: Bakhshi performance, epic genre, the sacred book of Zoroastrianism "Avesto", the oldest bakhshi, Ashiq Aydin piri, ashik bakhshis, "Kitabi Dadam Korkut", Korkut ota.

Baxshi ijrochiligining qachon paydo bo'lganligini, albatta doston janrining shakllanishi bilan bog'lashga to'g'ri keladi. Ayrim manbalarda "X-XI asrlarda dostonlarni do'mbira jo'rligida aytiladiganlari yuzaga kelgan. Dostonning bunday namunalari Kaspiy va Orol dengizlari bo'ylaridagi qadimgi ko'chmanchi turkiy qabilalar orasida vujudga kelgan. Epik dostonlarni yaratuvchi va kuylovchi badihago'ylar ko'payib borgan sari ustoz-shogirdlik an'analari vujudga kela boshladi"[1], deb yozadi tarixchi olim T.Pardaev. Professional baxshichilikning shakllanishi bilan bog'liq holda masalaga yondoshilsa, ushbu fikrga qo'shilish mumkin. Biroq, baxshichilikning qo'shiq shaklidagi turli ko'rinishlari yuqorida ta'kidlaganimiz kabi ibtidoiy jamiyat davriga borib taqaladi. Qadimiy madaniyat o'choqlaridan biri bo'lgan Xorazmda san'atning shakllanishi va taraqqiy etishi miloddan oldingi davrlarga to'g'ri keladi. S.P.Tolstovning "Qadimgi Xorazm sivilizatsiyasini izlab" kitobida san'at tarixi uchun muhim bo'lgan quyidagi so'zlar bor: "Tuproq qal'adagi marosimlar zali devorlarida rombsimon kataklarga mashshoqlarning rasmi ishlangan. Shu rasmlardan biri-arfa cholg'u asbobini chalayotgan ayolning sarg'ish rangdagi nafis rasmi butunicha saqlanib qolgan. Shu xonada surnay va qum soati shaklidagi qo'sh nog'ora tasvirlangan naqsh fragmenti ham topildi. "Arfachi ayol xonasi" ostidan do'mbiraga o'xshash ikki torli cholg'u asbobining pardasini ushlab turgan odamning qo'li tasvirlangan naqsh fragmenti, yana bir xonadan esa niqob bilan o'ynayotgan ayol tasviri topildi. Bularga o'xshash rasmlarni Rim davridagi Suriya-Misr va qisman Qora dengizning Shimolidagi muzofoti tasviriy san'atida, O'rta dengiz vohasi hamda Hindiston, Eron san'atida yaratilgan obrazlarda uchratish mumkin. Shu tariqa bu rasmlarda ikki badiiy uslub, ikki an'ana bir-biri bilan uyg'unlashib ketgan, biroq ular qadimgi Xorazm san'ati negizida o'ziga xos o'zgarishlarga uchragan" [2]. Miloddan oldingi davrdayoq shunday yuksak madaniyatga erishgan xalq orasida iqtidorli baxshilarning yetishib chiqishi ham tabiiy holdir. Zardushtiyarning muqaddas kitobi "Avesto"ning yaratilishi va uning "goh"larini kohinlar tomonidan kuylanishi ham kohinlik, shomonlik, baxshilik kasb-korla[3]rining paydo bo'lishiga zamin hozirlagan. Zardushtiylik dini hukmron bo'lgan davrlarda har bir Rustakda (qishloq, mahalla) otashgohlar bo'lib, unda kohinlar "Avesto" kitobini targ'ib qilishgan. Shu sababdan bo'lsa kerak Xorazm dostonlarida "Avesto" va "Shohnoma"ga aloqador mifologiya hamisha o'zini namoyon qilib turadi. Bertels bergan ma'lumotlarga qaraganda XI asrning 1 yarmida Unsuriy degan forsiygo'y shoir yashab, lirik she'rlar yozish bilan birga uchta doston ham yaratgan. U Beruniy bilan bir davrda yashab ijod qilgan. Uning "Vomiq va Uzro", "Xing but-u surxbut (Oq sanam va qizil sanam), "Shodbahru Aynul hayot" kabi dostonlarini Beruniy arab tiliga tarjima qilgan. Ushbu dostonlar orasidagi "Vomiq va Uzro" asari hozirgacha yetib kelgan. Demak, X asrlardayoq turli asotirlar negizida dostonlar ijod qilish, ularni tarjima, targ'ib qilish faol rivojlangan. O'sha davrda ijod qilingan ko'plab dostonlar syujeti turli o'zgarishlar bilan hozirgacha kelib yetgan. Albatta ularni o'qiydigan, ijro qiladigan talantli shaxslarning bo'lganligi ham tabiiydir. Xorazmda ko'l va daryolarda qayiq va kema haydovchilar o'zlarining piri sifatida Nuh payg'ambarni tan oladilar. Temirchilar ish boshlaganda Dovud payg'ambarni yodga solishadi. Xorazm baxshilari esa o'zlarining ma'naviy ustozlari sifatida Oshiq Oydinni e'zozlashadi. Bu tabarruk shaxs turkman baxshilarining ham piri hisoblanadi [4]. To'ra Mirzaevning yozishicha, Samarqand dostonchiligi doirasida baxshilar piri sifatida mulla G'oyib tan olinadi. Ushbu shaxs haqida shu nomdagi doston ham bor [5]. Shuni ta'kidlash kerakki, bir paytlari "Oshiq Oydin" nomli doston ham bo'lgan [6]. Qoraqalpoq va qozoqlarda So'ppasli Sipira Jirov, Ozarbayjonlarda Qo'rquq ota kabi shaxslar ham baxshi, jirovlar piri sifatida ulug'lanadilar. Oshiq Oydin piring nomi "Xirmondali", "Oshiq Najab", "Oshiq Alband" kabi Xorazm dostonlarida

ko'plab uchraydi. Ayniqsa "Oshiq Najab" dostonida uning faoliyat doirasiga katta e'tibor qaratilgan. Najab Oshiq Oydin pirga xizmat qilib, uning dutorini sovg'a sifatida olishga muvaffaq bo'ladi. "Xirmondali" dostonida soz va so'z borasida hech bir kimsa yenga olmagan Xirmondalini Oshiq Oydin aytishuvda yengib chiqadi. "Oshiq Alband" dostonida Oshiq Oydin pir epik qahramon taqdirining eng qaltis damlarida Albandga duch kelib, unga yo'l-yo'riq ko'rsatadi, dalda bag'ishlaydi:

Tanisangiz nafas etgan piringman,
Oshiqlarning maqsadini bilurman,
Sango duo etganOydinpiringman,
Ko'pyig'lama, sevar yorni ko'rarsan [7],

deb ko'zdan g'oyib bo'ladi.

Dostonlarda oshiq-baxshilar, piri bo'lgan ushbu shaxs haqida ko'plab rivoyatlar to'qilgan. Aytishlaricha uning qabrini tunagan baxshilarga pir sharob tutar ekan, agarda uni shogird ichsa, ulug' sozanda, oshiq-baxshi bo'lib yetishar ekan. "Oshiq Mahmud" dostonining O'zR FA TAFI folklor bo'limining qo'lyozmalar fondida 1431-raqamli inventarda saqlanayotgan qo'lyozmasida Mahmudjon va Nigorxonlar suvga cho'kib hayotdan ko'z yumganlarida Oshiq Oydin pir ularni "Jon tana gir" kuyini chalib tiriltiradi. Oshiq Oydin pir dastlabki xalifa Abu Bakr Siddiq (632-634) bilan aloqador silsilaga borib bog'lanadi. Bu silsila o'ziga xos g'oyaviy oqim bo'lib, so'fiylik silsilasi deb yuritilgan. Bu oqimga Abu Ali Ibn Sino, Abul Hasan Haraqoniy, Abu Sayid Maxnaiy, Abduxoliq G'ijduvoniy, Mansur Xalloy, Ahmad Yassaviy, Yusuf Hamadoniylar ham kirganlar. Oshiq Oydin pir maqbarasining shayxidi saqlanadigan "Tazkirat ul Husayin" nomli kitobda bu haqda aniq ma'lumotlar bitilgan. Shayxning vafoti hijriy yilning 632-sida voqe bo'ldi. Mudqat muboraklari shahri Bo'stonning Diyorbakr haddida hamda Bag'dodda ikki joyda ham ziyoratgohlari bor turur". Bertelsning "So'fizm va so'fiylik adabiyoti" kitobida ushbu davr bilan aloqador muhim ma'lumotlar uchraydi. Jumladan, o'sha kitobda as-Suhravardiy degan muallifning "Avoriful-maorif" degan ishi haqida so'z yuritib, uning adabiyot va san'at rivojiga qo'shgan katta ulushi xususida aytib o'tadi. Uning Giloniyning shogirdi ekanini ta'kidlab, 1255 (melodiy) yilda vafot etganini qayd qiladi [8]. Ushbu shaxsning Oshiq Oydin pir ekanligiga shubha qilmasa ham bo'ladi. Chunki biz yuqorida ta'kidlab o'tgan "Tazkirat ul Husayn" asarida Oshug'iddinning vatani shariflari Suhravarddir deyilgan. Yana o'sha kitobda aytilishicha shayx hazratlarining "Avorif sharif as Salohiy Had" degan asari ham bo'lib, u Makkada chop etilgan. "Oshiq Najab" dostonida Oshiq Oydingning shahri Bo'stonda yashaganligi, 360 so'fisi borligi, 115 yoshda ekanligi aytib o'tilgan. "Xirmondali"da ham shunga yaqin ma'lumotlar berilgan. Uning Chingizxon bosqinidan keyin 16 yil yashaganligi haqida ma'lumot beruvchi manbalar ham mavjud. So'nggi ma'lumotlarga qaraganda haqiqatan ham Oshiq Oydin pirning shajarasi Eronning Suhravard shahri bilan uzviy bog'lanadi. Ular uch qarindosh Najib Suhravardiy (1097-1168), Shayx Shahobiddin Abu Hafs Yahyo Suhravardiy (1115-1191) Shayx Shahobiddin Abu Hafs Umar Suhravardiy, (1144-1234) bo'lib, Najib Suhravardiy ularga ustozlik qilgan [9]. An-Nasaviyning yozishicha, Xorazmshoh Muhammadning obro'-e'tibori yuksalib, ulug'vor ishlarga qo'l urib boshlaydi va Bag'dodga yurish maqsadini amalga oshirishi ma'lum bo'lib qoladi. Uning bu maqsadidan qaytarish uchun eng obro'li, shayxlar shayxi nomini olgan Shixobiddin as-Suhravardiy Xorazmga elchi qilib yuboriladi. Biroq Xorazmshoh shayxni mensimay kutib oladi. Hatto ancha navbat kutib huzuriga kirganda unga o'tirishga ruxsat bermaydi. Nihoyat shayx unga payg'ambar hadislaridan so'zlamochi ekanini aytadi. Xorazmshoh bunga rozi bo'lib, pastga tushib tiz cho'kib o'tirib, shayxni tinglaydi. Shayx hadis orqali uni urush qilish maqsadidan qaytishga undaydi. Biroq bu harakatlar bekor ketadi. Nihoyat u Bag'dodga yurish qiladi. Ammo qo'shini tabiat injiqliklari tufayli parokandalikka uchraydi. Bundan ta'sirlangan Xorazmshoh as-Suhravardiyning so'ziga amal qilmaganidan pushaymon etib, shayxni qaytadan Xorazmga elchi sifatida kelishga taklif etadi [10]. Sal o'tmay Chingiz bosqini yuz beradi. Shayx Shixobiddin Suhravardiyning Xorazmshoh tomonidan yaxshi kutib olinmaganligi, Shayxning bashorati to'g'ri chiqib, Xorazmshohning xor-zorlikda halok bo'lishi Oshiq Oydingning xalq orasidagi obro'si oshib pir darajasiga ko'tarilishiga sabab bo'lganligi ehtimolga juda yaqin. Umar Suhravardiyning o'g'li Shayx Zayniddin (Zayniddin bobo) ham diniy va jamoat arbobi bo'lgan. O'sha soha bo'yicha u Toshkentga ham kelgan. Umar Suhravardiy asos solgan suhravardiylik tasavvuf tariqati deb ataluvchi bu oqim ikki daryo oralig'ida

zohidlik maktabi negizida tarkib topgan bo'lib, uning a'zolari hunarmandlar va o'qimishli ziyolilar xisobiga kengayib borgan. Suhravardiylar sunniylik aqoyidchilari bo'lib mo'tadil so'fiylik qarashlarini targ'ib qilganlar. Ular dunyoviy ilm bilan ilohiy ilmning uzviy bog'lanishini tan olishgan. Umar Suhravardiy o'zining 63 bobdan iborat "Avorif ul maorif" asarida "dunyoviy ilm-go'yoki sut, ilohiy ilm esa-uning qaymog'idir" deb yozadi. Uningasarlari arab, fors, nemis va ingliz tillarida nashr etilgan. Maboda e'tibor berilsa, Oshiq Oydin pir baxshilarning Qambar, bobo esa sozandalarning piri sifatida mashhurlik kasb etadi. O'tgan asrning 90-yillarida Oshiq Oydin pir qabri joylashgan Vos qal'asida Oshiq-baxshilar musobaqasi o'tkazish an'anaga aylangan edi. 1991 yilda bu yerda baxshilarning xalqaro bellashuv ko'rigi bo'lib o'tgan. Bu anjumanda Ozarbayjon, Turkiya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, O'zbekiston respublikalaridan kelgan ko'plab baxshilar ulug' pir qabrini ziyorat qildilar. Ayniqsa Xorazm, Toshovuz va Qoraqalpoq baxshilari bu tadbirda faol ishtirok etishdi [11]. "Kitobi dadam Qo'rqu" eposining barcha shoxobchalarida faol harakat qiladigan asosiy obraz Qo'rqu otadir. Bu obraz haqida turli olimlar turli fikrlar bildirishgan. V.V. Bartoldning ko'rsatishicha, u bahodir emas, balki urug' oqsoqolidir. Unda xalq donoligi mujassamlashgan [12]. Qo'rqu ota bashoratchi baxshi va afsonaviy shaxs. O'z navbatida u sehrar, shomondir [13]. Binobarin, Qo'rqu ota kitobning bosh qahramoni emas. Lekin uning fikrlari, qiyofasi, jami hodisalar va qahramonlar taqdirida tutgan o'rniga ko'ra butun asarni birlashtirib turuvchi qahramon rolini o'ynaydi [14]. Qo'rqu ota haqida dastlab fikr yuritgan shaxs Abul G'oziy Bahodirxonidir. Buyuk tarixchi olim "Shajarai tarokima" asarida Qo'rqu otani 14 joyda tilga oladi. Uning ko'rsatishicha, Qoraxo'ja o'g'li Qo'rqu Inal Yavi xonning vaziri bo'lib, 295 yil umr kechirgan, uchta xon davrida vazirlik qilgan, g'aroyib ishlarni amalga oshirgan. Butun o'g'uz eli unga bo'ysungan, biror farzand tug'lsa, albatta u kelib ism qo'ygan [15]. T. Mirzaevning yozishicha, Salor Qozon turkumini tashkil etuvchi qahramonlik qo'shiqlari Sharqiy Turkistondan kelgan turkiy qabilalarga tegishli bo'lib, XI asrda saljuqiylar davrida bu turkum Kichik Osiyo va Kavkazga o'tib, "Kitobi dadam Qo'rqu" tarkibidan joy oldi [16]. "Go'ro'g'li" turkumining ustuvorlik qila boshlashi bilan Qo'rqu ota to'g'risidagi doston unutilib ketgan: XIX asr boshlariga kelib, "Kitobi dadam Qo'rqu" eposining yozma nusxalarga ko'chirilishi an'analari asosida "Go'ro'g'li" turkumi dostonlari ham yozuvga olina boshlagan. Qo'rqu ota haqida jiddiy tadqiqotlar olib borgan X.G.Ko'ro'g'li o'zining "Shaman, polkovodets, ozan" (evolyutsiya obraza dede – Korkuta) maqolasida Qo'rqu ota shaxsida shomonlik, o'zonlik (baxshi) xususiyatlari mavjud bo'lganligini tasdiqlaydi, o'z navbatida uning sarkarda (polkovodets) bo'lganligiga shubha bildiradi [17]. Qozoq-qirg'iz asotirlarida Qo'rqu ota shomon obrazi sifatida talqin qilinadi. Etnograf Ch.Ch.Valixonov Qo'rqu otaning o'limdan qochishi motivini shomonlik bilan bog'laydi. Qirg'iz shomonlaridagi ushbu rivoyatda Qo'rqu ota birinchi shomon sifatida e'tirof etiladi. O'rta Osiyodagi yozma yodgorlik-"Do'st Sulton tarixi" kitobida esa Qo'rqu ota baxshilar piri sifatida tasvirlanadi. Qozoq baxshilari shu sababdan dostonni boshlash oldidan undan yordam so'rashadi, iltijo qilishadi. Qadimgi davrga oid afsonalarda Qo'rqu ota shomon tarzida tasvirlansa, Islom dini ta'sirida yaratilgan so'nggi afsonalarda u avliyo darajasiga ko'tarilgan. A.Divayev bu haqda Qozonli hududidagi Xorxut toponimi bilan aloqador afsona borligini tasdiqlaydi. Uning yozishicha, Xorxutning qabri 1880 yilgacha saqlangan, keyin uni Sirdaryo yuvib ketgan [18]. Abulg'oziy Bahodirxon Qo'rqu otani donishmand vazir sifatida tasvirlasa, Rashididdin asarlarida baxshi, O'zon tarzida beriladi. O'zon atamasi turkmanlarda ham uchraydi. Maxtumqulining bir she'rida shunday misralar bor:

Davlat ela galar bo'lsa,
Boshdan burun o'zon galar.
Davlat eldan getar bo'lsa,
Mulla bilan to'zon galar [19].

O'zon atamasi ilgari Xorazmda ham ishlatilgan.

Qo'rqu otaning lashkarboshi tarzida berilishi Abulg'oziyda ham bor bo'lib, bu ma'lumot ikki shaxsning ismini aralashtirish natijasida kelib chiqqan. Bundan tashqari o'g'uzlarda shu nomdagi urug' ham uchraydi [20].

Bu ikki shaxs haqidagi fikr K.A.Inostranov ishlarida ham uchraydi. Qolaversa, lashkarboshining ismi Qirqud tarzida yozilishini A.N.Kononov ham birinchilardan bo'lib, aniqlagan edi. Folklor asarlarida Qo'rqud-shomon, afsungar, tabib, uning musulmonlikka aloqasi rasmiyatchilik tariqasida qayd qilinadi xolos. Tarixiy asarlarda esa bu shaxs musulmon dinining muqaddas kishilaridan biri sifatida ta'kidlanadi. X.G.Koroglining mazkur maqolasida Qo'rqud ota faoliyatiga doir masalalar keng doirada tahlil etiladi. Yuqorida keltirilgan barcha tafsilotlar Qo'rqud ota obrazining to'laqonli qiyofasini gavdalandira oladi. Maqola oxirida "Kitobi dadam Qo'rqud"ning g'arb o'g'uzlarida tarqalgan yodgorligi xususida so'z yuritiladi. Barcha afsona va rivoyatlarda Qo'rqud-shomon, o'zon, davlat arbobi, hukmdor maslahatchisi, barcha o'g'uz elining donishmand ustoz sifatidagi evolyutsion obraz sifatida gavdalandiriladi. Uning baxshi sifatidagi faoliyati hech qachon yo'qolmagan. O'z navbatida uning tarixiy prototipini izlashga ham asos yo'q.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

- 1.Pardaev T. O'zbek dostonchilik maktablarining teran ildizlari ma'naviyatimiz asosi. / Jahon sivilizatsiyasida... –B.117.
- 2.Tolstov S.P. Qadimiy Xorazm sivilizatsiyasini izlab. –T.: "Yangi asr avlodi", 2014. –B.214-215. (380)
- 3.Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. –С.24. (558)
- 4.Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. -М.: Восточная литература,1968. -С.134.
- 5.Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008.-С. 66.
- 6.Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.-М.: ГИХЛ, 1947. -С.294.
- 7.Oshiqnoma, Pkitob, Urganch, «Xorazm», 2006, 187-bet.
- 8.Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965, -С. 485.
- 9.O'zbek milliy ensiklopediyasi, 8-tom. -T.: "O'zbek milliy ensiklopediyasi", 2004, 184-185- betlar.
- 10.An-Nasaviy Shixobiddin Muhammad, Sulton Jaloliddin Manguberdi tafsiloti. -T.: "O'zbekiston", 2006, 30-40-betlar.
- 11.Oshiq Oydin-94, Dashxovuz, 1994,3-bet.
12. Бартольд В.В. Коркуд, соч. т.в-М.: 1968, С.41.
13. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. –М.: Наука, 1983, С.61.
14. Nazarov B. "Qo'rqut ota kitobi" haqida. // "Yoshlik", 1988, №5, 40-bet.
15. Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Газы хана хивинского,-М.,-Л.: Изд. Ан, 1958.
- 16.Mirzaev T. Qahramonlik erosining yuzaga kelishi.// O'zbek folklorining epik janrlari, -T.: Fan, 1981, 43-bet.
17. Короглы Х.Г. Шаман, полководец, озан (эволюция образы деде –Коркута). // Советская тюркология. – Баку, 1972, №2. –С.48-62.
18. Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО, Т.Х.СП.б. 1896. –С.193-194.
- 19.Магтымгулы. Ашгабат, «Туркменистан», 1977. –Б.234. (678)
- 20.Короглы Х.Г. Кўрсатилган мақола, 52-бет.

UO'K 811.581

XITOIY TILIGA OID TIL MATERIALLARINI BAHOLASH XUSUSIYATLARI HAQIDA

Q.O.Saparova, f.f.d., prof., O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Toshkent

U.A.Irgasheva, mustaqil izlanuvchi, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada falsafa yo'nalishlaridan biri bo'lgan aksiologiyaning tilni baholashga oid masalalari, ya'ni tilshunoslik sohasida baholash tilining qanday namoyon bo'lishi, kognitiv tilshunoslikning prototip toifalari nazariyasiga asoslangan baholash tilining atributlari, kognitiv tuzilishi va ko'p o'Ichovli xususiyatlari xitoy tili misolida ko'rib chiqilgan. Bundan tashqari, maqolada so'zlar va jumalarning ikki darajasida tavsif etilishi va baholanishi o'rtasida bir-birini istisno qiladigan doimiy munosabatlar mavjudligi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: baholash tili, qadriyat, sub'ektivlik, ob'ekt, taqqoslash, aniq taqqoslash, yashirin taqqoslash, baholashda ierarxiya, qiymat atributi, tabiiy atribut.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы аксиологии, одного из направлений философии, касающегося оценки языка, то есть того, как проявляется язык оценки в лингвистике, атрибуты, когнитивная структура и многомерные свойства языка оценки, основанные на теории прототипных категорий когнитивной лингвистики, на примере китайского языка. Кроме того, в статье показано, что существует постоянная

взаимоисключающая взаимосвязь между описанием и оценкой слов и предложений на двух уровнях.

Ключевые слова: язык оценки, ценность, субъективность, объект, сравнение, явное сравнение, скрытое сравнение, иерархия в оценке, атрибут ценности, естественный атрибут.

Abstract. This article discusses the issues of axiology, one of the areas of philosophy concerning the evaluation of language, that is, how the evaluation language manifests itself in linguistics, attributes, cognitive structure and multidimensional properties of the evaluation language based on the theory of prototypical categories of cognitive linguistics, using the example of the Chinese language. In addition, the article shows that there is a constant mutually exclusive relationship between the description and evaluation of words and sentences at two levels.

Keywords: evaluation language, value, subjectivity, object, comparison, explicit comparison, implicit comparison, hierarchy in evaluation, value attribute, natural attribute.

Insonning o'zini va dunyoni ifoda etishi uchun muhim lingvistik kategoriya sifatida baholash zamonaviy tilshunoslik tadqiqotlarida dolzarb nuqtaga aylanib bormoqda. Boshqa tillar singari xitoy tilida ham baholash tizimi mavjud bo'lib, aynan ushbu tildagi baholash o'ziga xosligi bilan ajralib turadi.

Baholash tili – bu shaxsiy yoki ijtimoiy ehtiyojlarga asoslangan holda, baholash sub'ektining o'zi ifoda etayotgan ob'ekti to'g'risidagi baholash hukmining lingvistik ifodasidir [1]. Baholash tili so'zlovchining nuqtai nazarini, qadriyatlarini va u joylashgan jamiyatni aks ettirishda, so'zlovchi va tinglovchi o'rtasidagi munosabatlarni o'rnatish va saqlash hamda nutqni tashkil qilishda juda muhim rol o'ynaydi. Kognitiv manbalar nuqtai nazaridan baholash tili qadriyatlar dunyosini tushunishning lingvistik proektsiyasi bo'lib, qiymatning kognitiv atributlari uning asosiy semantik atributlari hisoblanadi; semantik funksiyalar nuqtai nazaridan baholash tili - bu baholash ma'nosini ifodalovchi til shaklidir [2]. Shu tarzda, baholash tili nutq ma'nosini yaratish, shakllarni tanlash va funksiyalarni amalga oshirish nuqtai nazaridan tavsiflash bo'yicha turli tillarda turlicha xususiyatlarga ega. Quyida baholash tiliga oid bir qancha xususiyatlarni ko'rib chiqamiz:

1. Sub'ektivlik. Konseptual faoliyatning lingvistik proekti sifatida baholash tilining o'ziga xos xususiyati uning sub'ektivligidir. Tilni baholashning sub'ektivligi ikki xil darajadan kelib chiqadi: tushunishni baholash va lingvistik ifodaning sub'ektivligi [3].

Tushunishni baholashning sub'ektivligi. Baholashning har qanday tushunchasi sub'ektivdir. Baholash tilining ushbu ko'rinishi baholash sub'ektining o'zi ifoda etayotgan ob'ektiga nisbatan sub'ektiv munosabati yoki hissiyotini ko'rsatadi. Masalan, boshlang'ich maktabning ikkinchi sinf o'quvchisi xitoy tilidagi yakuniy testda 90 ball to'plagan. Turli xil odamlar ushbu balni turlicha baholaydilar: ba'zilar “test yaxshi” deb o'ylashadi, ba'zilar “test o'rtacha” deb o'ylashadi, ba'zilar esa “test unchalik yaxshi emas” deb o'ylashadi va hokazo. Xuddi shu baholash ob'ekti va baholashning turli natijalari bilan baholash tilining sub'ektivligi birinchi navbatda baholashni tushunishning sub'ektivligidan, sub'ektivlik esa turli baholash sub'ektlari va baholash mezonlaridan kelib chiqqanligini ko'rish mumkin. Ushbu standart baholash mavzusining sub'ektiv kognitiv tajribasi bilan chambarchas bog'liq. Baholash va tushunishning sub'ektivligi ham ma'lum guruh xususiyatlariga ega [4].

Umuman olganda, bir xil ijtimoiy guruhning qiymat atributlari va baholash ko'rsatkichlari bo'yicha hukmlari bir xil idealizatsiya qilingan kognitiv modelga ega bo'ladi va bir xil ijtimoiy guruh ichidagi baholash mezonlari bir-biriga mos keladi. Shuning uchun baholash va tushunishning sub'ektivligi nisbiydir. Har qanday individual baholash guruh ichidagi idealizatsiya qilingan kognitiv modelga bo'ysunadi [5].

Baholash ifodasining sub'ektivligi. Bunda shaxsiy yoki guruh farqlari bo'lishidan qat'iy nazar, biz ushbu turdagi tushunchani sub'ektiv deb baholaymiz. Sub'ektivlik “kognitiv sub'ektivlik” deb ataladi. Ushbu turdagi baholash o'zining sub'ektiv xususiyatlarini tan oladi va ba'zida baholashning sub'ektiv munosabati yoki hissiyotlarini ifodalash uchun o'zining “men”ni lingvistik ifoda shaklida qoldiradi, masalan:

- 1) 我觉得，他，人很好。(wǒ juéde, tā, rén hěn hǎo) – Menimcha, u inson yaxshi.
- 2) 他，人真好啊！(tā, rén zhēn hǎo ā) – U inson juda yaxshi (mehribon ma'nosida).
- 3) 他，人的确很好。(tā, rén diquè hěn hǎo) – U inson haqiqatan ham juda yaxshi.

Ushbu uchta jumlaning ma'nolari shaxs sifatida "u" ga ijobiy baho beradi. Bunday baholash nutqida 1-chi misolda "menimcha" so'zi so'zlovchining baholash nuqtai nazarini aniq ko'rsatib beradi, 2-chi misolda "to'g'ri" (真 zhēn) ravishining sharhi va "ah" (啊 ā) intonatsiyani bildiruvchi so'zi so'zlovchilarga jumlani baholashda ijobiy hissiy ma'nolarni ko'rsatadi, 3-chi misolda esa "haqiqatan ham" (的确 diquè) so'zlovchilarning baholash ma'nosini ijobiy baholash tushunchasiga ishora qiladi. Ko'rinib turibdiki, baholash ifodasining sub'ektivligining namoyon bo'lishi va uning sub'ektiv ifodasiga asosan izohlovchi qo'shimchalar, intonatsiya so'zlari, ravishlar yoki "menimcha/o'yaymanki/nazarimda" (我觉得/认为/看) kabi so'zlar orqali erishiladi.

2. Taqqoslash. Labov taqqoslash baholashning muhim xususiyatlaridan biri ekanligini ta'kidlagan va baholash natijasi baholash ob'ektini sub'ekti tomonidan baholash mezonlari bilan taqqoslash orqali olinadi deb hisoblagan [6]. Har qanday baholash, baholash standarti bilan taqqoslashdan ajralmas holda amalga oshiriladi. Taqqoslash orqali baholash qiymatiga baho berish, qiymat atributlarini aniqlash va qiymatni o'lchash amalga oshiriladi. Bu baholash jarayonining "uch asosi" deb ataladi, bular - joylashishni aniqlash, sifat va miqdor. Shuning uchun har qanday baholashning lingvistik ifodasi aniq yoki yashirin taqqoslashga ega bo'lishi kerak. Masalan:

1) 这本书值得看。/ 他不配来。/ 这篇论文没有任何学术价值。(zhè běn shū zhíde kàn. / tā bù pèi lái. / zhè piān lùnwén méiyǒu rènghé xuéshù jiàzhí) – Bu kitob o'qishga arziydi./ U kelishga noloyiq./ Bu maqola hech qanday ilmiy ahamiyatga ega emas.

2) 他是著名的媒体人。/ 他的一生是不平凡的。(tā shì zhè míng de méiti rén. / tā de yīshēng shì bù píngfán de.) – U taniqli media shaxs./ Uning butun hayoti tahlikada.

3) 他比我聪明能干。(tā bǐ wǒ cōngmíng nénggān) – U mendan aqlli va qobiliyatli.

1-chi misolda baholash sub'ekti ob'ektiga qiymatning mavjudligini yoki yo'qligini qiymat tizimidagi talab nuqtai nazaridan uni hayolimizdagi qiymatning potentsial standartlari bilan taqqoslash yo'li bilan aniqlaydi, ya'ni yashirin taqqoslash orqali qiymat aniqlanadi; 2-chi misol orqali yashirin taqqoslash ko'pgina umumiy holatlarda baholash ob'ekti qiymat atributlari bo'yicha baholanadi hamda "taniqli" va "g'ayrioddiy" ijobiy baho tarzida namoyon bo'ladi; 3-chi misolda "men" so'zi yordamida aniq taqqoslash orqali baholash ob'ekti qiymat atributlari bilan tavsiflanadi va "aqlli va qobiliyatli" so'zlari orqali ijobiy baho beriladi. Yuqoridagi misollar va tahlillardan taqqoslash baholash tilining muhim xususiyati ekanligini ko'rish mumkin.

3. Baholashda ierarxiya. Ierarxiyaga asoslangan baholash natijalari nafaqat baholash sub'ektining ob'ektiga qiymat atributlari to'g'risidagi hukmini, balki ob'ekt atributlari qiymatining ifodasini ham o'z ichiga oladi. Ushbu qiymatning yuqoriligi ko'pincha aniq ierarxiyaga ajratilgan bo'lib, sifatlarda aniq ko'rinadi. Aslida, biz baholash tilining ierarxik xususiyatini ikki o'lchovda aks ettirish mumkin deb hisoblaymiz:

Birinchisi, qiymat atributlarining ierarxik tabiati, ya'ni qiymat yig'indisining yuqoriligi (keng ma'noda, bu qiymatning mavjudligi yoki yo'qligini o'z ichiga olishi mumkin). Masalan, "yaxshi" (xitoy tilida 好 hǎo) baholovchi so'zining mutlaq darajasini misol qilib olsak, biz qiymat va o'lchamning ierarxik tizimini quyidagicha o'rnatishimiz mumkin:

(不好) – 有点好 – 比较好 – 好 – 很好 – 非常好 – 相当好 – 极好 (bùhǎo) – yǒudiǎn hǎo – bǐjiào hǎo – hǎo – hěn hǎo – fēicháng hǎo – xiāngdāng hǎo – jíhǎo) ya'ni (yaxshi emas) – bir oz yaxshi – nisbatan yaxshi – yaxshi – juda yaxshi – haddan tashqari yaxshi – ancha yaxshi – a'lo (ajoyib) bu misollarning barchasi mutlaq darajani ifodalaydi. Dominant funksiya sifatida qo'shimchalardan tashkil topgan ushbu ierarxik tizim nutq potentsialini baholashni kuchaytiradi yoki susaytiradi va baholash, ifodalash uchun ajralmas til manbai hisoblanadi. Qiymat yuqoriligi turli xil baholovchi so'zlar tomonidan hosil qilingan ierarxik ketma-ketlik orqali ham amalga oshirilishi mumkin.

Ikkinchisi, tabiiy atributlarning ierarxik tabiati. Bu yerda tabiiy atributlar qiymat atributlariga ishora qiladi va narsaning o'ziga xos xususiyatlarini tavsiflaydi. Ular odatda fazoviy atributlarni

(masalan, katta, kichik, baland va qisqa), metrik atributlarni (masalan, uzoq, yaqin, yengil va og'ir), rang atributlarini (qora, oq, qizil, yashil) va boshqalarni o'z ichiga oladi. Ushbu tabiiy atributlarning ma'nosini ko'rsatadigan sifatlarning darajasi va sonida ham farqlar mavjud. Masalan, biz 1,8 metr balandlikdagi odam uchun "baland" (高 gāo) tabiiy xususiyatni quyidagicha baholashimiz mumkin: 他不高 – 他不算高 – 他比较高 – 他很高 – 他非常高 – 他相当高 – 他极高 (tā bù gāo – tā bù suàn gāo – tā bǐjiào gāo – tā hěn gāo – tā fēicháng gāo – tā xiāngdāng gāo – tā jí gāo) u baland emas – u baland hisoblanmaydi – u nisbatan baland – u baland – u juda baland – u ancha baland – u haddan ziyod baland. Bu tabiiy atributlarning darajasi yuqoriligining taxminiy ifodasidir. U tavsiflovchi til emas, balki baholovchi til toifasiga kirishi kerak. Shu nuqtai nazardan, tilda taqqoslash asosida o'rnatilgan ierarxik farqlar ko'pincha taxminiy ma'noga ega bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, kontseptual faoliyatning lingvistik proektsiyasi sifatida baholash tilining o'ziga xos xususiyati sub'ektivlikdir. Bundan tashqari, sub'ektivlik, taqqoslash va ierarxiya baholash tilining semantik xususiyatlari hisoblanadi, taqqoslash va ierarxiya o'z navbatida sub'ektiv xususiyatlardan kelib chiqadi. Ierarxik xarakter baholash tilining muhim xususiyati bo'lishi kerak. Ushbu bosqichda dominant baho aniqroq va yashirin baho noaniqroq bo'lib, uni ma'lum bir diskurs bilan birgalikda qabul qilish lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. 张颖. 汉语评价语言研究. – 中国. 黑龙江大学, 2017. – 页. 55-58.
2. 冯平. 评价论. – 中国. 北京: 东方出版社, 1995. – 页. 31-38.
3. 布占廷. 基于评价理论的语言学书评标题研究. 外语与外语教学. – 中国. 北京, 2013. – 页. 43-44.
4. 常晨光. 评价意义的韵律性特征. – 中国. 北京: 北京科技大学学报, (社会科学版), 2008. – 页. 103-104.
5. 陈令君. 评价论对语言评价意义研究的启示. – 中国. 西安: 2007. – 页. 28.
6. Labov W. Language in the Inner City: Studies in the Black English Vernacular. – Philadelphia: University of Pennsylvania Press, 1972. – P. 255.
7. 现代汉语词典 (第5版) / 中国社会科学院语言研究所词典编辑室编. – 北京: 商务印书馆, 2005. – 568 页.
8. Русча – ўзбекча луғат. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. – 1046 б.

UO'K 881.111.1

XORIJIY TILLARNI (INGLIZ TILI) O'ZLASHTIRISHDA O'YINLAR ORQALI OG'ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISH

*F.N.Sapayeva, katta o'qituvchi, Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti Urganch filiali,
Urganch*

Annotatsiya. Ingliz tilida boshlang'ich ko'nikmaga ega bo'lgan guruhlardagi talabalar bilan o'yinlar o'ynash orqali og'zaki nutqni o'stirish, o'z fikrini erkin bayon qila olish qobiliyatini kuchaytirish mumkin. Shuningdek, talabalarga so'z va iboralarni oson o'rgatishning eng samarali vositasi sifatida o'yinlardan foydalanish, ham oqituvchiga ham o'quvchiga ko'zlangan natijaga erishishda katta yordam beradi.

Kalit so'zlar: dars, o'yin, so'z, ibora, mavzu, og'zaki nutq, muloqot, muloqot qobiliyati, dialog.

Аннотация. Игра в игры с учащимися в группах, владеющими базовыми знаниями английского языка, можно развивать устную речь и укреплять умение свободно выражать свое мнение. Также использование игр как наиболее эффективного средства обучения учащихся словам и словосочетаниям в значительной степени поможет как учителю, так и ученику в достижении желаемого результата.

Ключевые слова: урок, игра, слово, фраза, тема, устная речь, общение, коммуникативные навыки, диалог.

Abstract. By playing games with students in groups who have basic English skills, it is possible to develop oral speech and strengthen the ability to express one's opinion freely. Also, the use of games as the most effective means of teaching words and phrases to students will greatly help both the teacher and the student to achieve the desired result.

Key words: lesson, game, word, phrase, topic, oral speech, communication, communication skills, dialogue.

Dars - bu o'quvchilarning kasbiy faoliyatining turli tomonlarini modellashtiradigan va ularning bilimlaridan, kasbiy faoliyat mavzusidan kompleks foydalanish uchun shart-sharoitlarni ta'minlaydigan amaliy mashg'ulot. Ingliz tilidagi dars jarayonida ko'zlangan maqsadlarga erishishning faol usullaridan biri bu o'yindir. O'yin yordamida ko'plab vazifalar bajariladi, o'tilgan material mustahkamlanadi, o'quvchilarni faolligi oshadi, mavzuni takrorlanadi. Mashg'ulotlarni tashkil etishning turli usullari orasida o'yin va o'yin vaziyatlari talabalari uchun ham katta qiziqish uyg'otadi va bu orqali nutq faoliyatini tabiiy rivojlanadi. O'yin qoidalari talabalarni o'quv jarayonida faol ishtirok etishga undaydi. Darsning barcha interfaol shakllarida nutq malakalarini shakllantirish jarayoni birinchi o'rinda turadi. Shuning uchun ta'lim jarayonida o'yinga tayyorgarlik asosiy rol o'ynaydi va tayyorgarlik bosqichida talabalarga nutq so'zlarini tuzish usullarini o'zlashtirishga yordam beradigan, mantiqiy, izchil monolog bayonotlarini yaratish qobiliyatini birlashtiradigan quydagicha mashqlar beriladi [1]. Masalan:

“How to solve the following problems?

I have to be at the exam in an hour? I'm going to an important meeting, I don't have money to buy new shoes?

My grandfather gave me a dog for my birthday, but I can't take care of an animal. What should I do?”

Bunday mashqlar o'quvchining aqliy faoliyatini faollashtiradi va og'zaki nutqni rivojlantiradi. Aytaylik, agar biz “Ovqatlanish” mavzusini olsak, unda ushbu mavzu bo'yicha rolli o'yinni o'tkazishdan oldin, "Restoranda"gi vaziyatlarni rollarda ijro etish maqsadga muvofiqdir:

1. You are in a restaurant. Your fork fell off the table. What do you do?

2. You ordered soup, but it was cold. What do you do?

3. You ordered a table for lunch in a cafe. There was no place if you came with a friend. What do you do

4. You are in a cafe. There is no menu on your desk. what do you do

Bunday mashqlar jumalarning tuzilishi, lug'atni mustahkamlashni va nutq faoliyatini faollashtiradi. Guruhdagi har bir talaba o'ziga berilgan muammoni hal qilishda zukkoligini isbotlash va shu bilan birga o'rtoqlarini tinglash, nutqini boyitish imkoniyatiga ega bo'ladi, hamda passivlikdan yiroqlashib har bir ishtirokchi o'z qarorini bildirishni o'rganadi. Bunday turdagi mashqlar o'quvchini real hayotda bo'lishi mumkin bo'lgan vaziyatlarga tayyorlaydi qisqa dialoglar tuzishga yordam beradi[2]. "Ovqatlanish" mavzusini bo'yicha kichik tayyor dialoglarni taklif qilish mumkin:

"A. Where are you going?

B. To the cafe.

A. What's there?

B. Italian pizza is served in the cafe today.

A. Then I will go with you."

Ushbu dialogdan misol sifatida foydalanish, yoki ma'lum bir grammatik mavzu bo'yicha mashqlar bilan dialog tuzish taklif qilinadi.

Guest: The salad tastes really fantastic. Where did you get it?

Host: The (Greek) salad? Self made.

Guest: And the cake? Also made yourself? Impossible.

Host: Of course. We always make the cake ourselves?

Guest: Well, you are really super — housewife!

Mehmon va uy egasi o'rtasida shunga o'xshash suhbatlar o'tkazish mumkin. Bunday dialoglar o'quvchining ijodiy va aqliy faolligini rivojlantiradi va asta-sekin "Ovqatlanish" mavzusida rol ijro etishga tayyorgarlikni oshirib boradi. Agar talaba berilgan mavzu bo'yicha so'zlarni grammatik jihatdan to'g'ri tuzilishga ega bo'lsa, interfaol o'yinga faol ishtirok etadi. U o'zining topqirligi, zukkoligi, hazil tuyg'usini qo'llay olishi bilan boshqalarga o'rnak bo'lishi mumkin.[3] Ingliz tilida boshlang'ich ko'nikmaga ega bo'lgan guruhlarda o'ynash mumkin bo'lgan "Restoranda" o'yiniga misol keltiramiz. Buning uchun oldindan quydagi narsalar tayyor bo'lishi kerak: mehmonlar uchun stol va stullar, har bir stolda menyular. Menyudagi taomlar ro'yhati rang-barang bo'lishi kerak.

Yasama pullardan foydalaniladi. Har bir guruhga ma'lum miqdorda pul berilishi kerak, shunda ular qo'lidagi mablag'ga ko'ra taom tanlashlari va musiqaga buyurtma berishlari mumkin. [4] Guruhga uchta restoran taklif etiladi:

1. "The Ol' West" restorani,
2. "The Aviary" restorani
3. "Stern" restorani.

Har bir restoran uchun ofitsiant tanlanadi. Boshqa ishtirokchilar 3-4 kishidan iborat 3 guruhga bo'linadi. Ular xohlagan restoranini tanlaydilar. Har bir guruh ishtirokchilari bir qator savollarga aniqlik kiritishlari kerak, masalan, restoranning manzili, ish vaqti va hakozi. Masalan:

I. Ishtirokchilardan biri restoranga qo'ng'iroq qiladi va administrator bilan gaplashadi:

How to get to the "The Ol' West" restaurant?

Is there music in the restaurant?

Is there the hall for the smokers?

Can we book in advance a small table for 4 people order?

How long can we wait for the food?

Is the service always friendly?

Can we order food from the grill and from the pan?etc.

II. Restoranga kelish va taomlarni tanlash.

1. I would like...

2. I want...

3. I take...

4. What are you taking?

5. What do you recommend?

Ofitsiant buyurtmani yozib oladi.

1. What do you eat for the first?

2. What do you take for main course?

3. What would you like for dessert?

4. What are you drinking?

III. Kechki ovqat paytidagi suhbat.

How do you like the atmosphere in the restaurant?

Do you think it's cozy here?

How do you like the portions?

Do you like the salad?

But I think the music is too loud. And you?

IV. To'lov payti.

Guests: We would like to pay.

Waiter: separately or together?

Guests: Together, please.

Waiter: What did you have?

Guests: 4 apple salads, 4 roast pork and 4 glasses of white wine.

Waiter: That makes... dollars.

Guests: Please.

Waiter: Thank you!

Berilgan har bir vaziyatda o'qituvchi vaqtni chegaralab beradi, bu esa ishtirokchilarni faol va chaqqon bo'lishga undaydi. [5]

Xulosa qilib aytganda, dars + o'yin - bu harakatda o'rganish, shuningdek talabalarni chet tilida muloqot qilishga undashdir. Bunda o'qituvchi passiv rolda bo'lib, o'quvchilarni dialoglarda qilgan xatolarini yozib oladi va har bir ishtirokchining kommunikativ faoliyatini baholaydi. Yakuniy bosqichda rollar muhokamasi o'tkaziladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Атаханова Г. Национально-культурная специфика фразеологических единиц со значением возраста. // преподавание языка и литературы.Т., 2004,

2. Джусупов Н. Проблема концепта в современной лингвистике. //Преподавание языка и литературы, Т., 2004, № 4. - с. 12-18.
3. Biboletova, MZ Concept of the subject "Foreign language" / MZ Biboletova, NN Trubaneva, AV Schepilova // Foreign languages at school. - 2013. - № 10.
4. Sapaeva F., Khujaniyazova G., Khajieva I., Abdullaeva Sh., Matyazova N. Learning different contexts in teaching second language. Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020 (P. 266-267)
5. Khujaniyazova G., Sapaeva F. Specific formation of foreign language professional and communicative competence in a technical university (Muallim, №SI-1 (2022) DOI [http://dx.doi.org/10.26739/2181-0850-2022-SI-1\(91-96\)](http://dx.doi.org/10.26739/2181-0850-2022-SI-1(91-96))) 7

UO'K 81-13

“ALPOMISH” DOSTONIDA NIKOH TO'YI URF-ODATLARI TASVIRI VA TALQINI

M.B.Sharipova, o'qituvchi, Buxoro Davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. *Maqolada xalq ma'naviy hazinasidan o'rin olgan marosim bilan bog'liq tasavvur-tushunchalarning izlari saqlanib qolganligi yoki muayyan bir marosimning o'tkazilishi badiiy tasvirlab berilganligi kuzatiladi. Bu esa doston (epos) va marosim munosabatini, ularning bog'liq jihatlari haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *epos, doston, baxshi, Alpomish, marosim, marosim folklori, syujet, poetik struktura, ertak morfologiyasi, an'ana.*

Аннотация. *Отмечается, что в статье сохраняются следы идей, связанных с церемонией, которые являются частью духовной сокровищницы народа, или же художественно изображено проведение той или иной церемонии. Имеется в виду отношения между эпосом (эпосом) и церемонией, связанные с ними аспекты.*

Ключевые слова: *эпос, бахши, алпомш, обряд, обрядовый фольклор, сюжет, поэтическая структура, морфология сказки, традиция.*

Abstract. *It is noted that the article retains traces of ideas related to the ceremony, which are part of the spiritual treasury of the people, or artistically depicts the conduct of a particular ceremony. This refers to the relationship between the epic (epic) and the ceremony, related aspects.*

Key words: *epos, bakhshi, alpomish, rite, ritual folklore, plot, poetic structure, morphology of a fairy tale, tradition.*

“Alpomish” dostonida eng ko'p badiiy aks ettirilgan marosimlardan biri bu nikoh to'yi marosimi va unga xos urf-odatlardir. Chunki nikoh to'yi to'ylarning eng kattasi va eng ma'suliyatlisi sanaladi. U orqali oilaviy hayotning tamal toshi qo'yiladi. Sir emaski, oila boshidan qancha mustahkam bo'lsa, keyinchalik uning mustahkamligi, tinchligi, baxtiyorligi shuncha kafolatlanadi. Oila mustahkam bo'lsa, elu yurt ham mustahkam va tinch bo'ladi. Nikoh to'yi uzoq tarixga ega bo'lib, turli davrlarda turli ko'rinishlarda o'tkazilib kelinmoqda. Jamiyat taraqqiyoti hamda insonlar turmush tarzining o'zgarishi bilan nikoh to'yi va u bilan bog'liq urf-odat, rasm-rusum va an'analar, marosimlar ham o'zgarib, mazmunan yangilanib, zamona talablariga moslashib borgan kuzatiladi. Bu holatni aniqroq tasavvur etish uchun “Alpomish” dostonida tasvirlangan qadimiy nikoh to'yi an'analari bilan hozirgi nikoh to'yi an'analarini o'zaro qiyoslash kifoya. O'zbek nikoh to'ylari uch bosqichda o'tkaziladi. Bular: 1) nikoh to'yigacha bo'ladigan urf-odatlar; 2) nikoh to'yi vaqtida o'tkaziladigan marosimlar; 3) nikoh to'yidan keyin o'tkaziladigan marosimlar.

O'zbek nikoh to'yining birinchi bosqichida “qiz tanlash” yoki “qiz ko'rish” va “sovchilik” udumlari muhim o'rin tutadi. “Qiz tanlash”da, odatda, ayollar faollik ko'rsatishgan. Sovchilikda esa erkaklar qatnashgan. An'anaga ko'ra, tanlangan qiz xonadoniga ayollar borib “og'iz ishash” qilishgan. Xalq orasida bunday sovchilik “makiyon sovchi” nomi bilan yuritilgan.

“Og'iz ishash” jarayonida qizning “boshi bo'shmi” yoki “boshi bog'liqmi” ekanligi surishtirilgan. Shundan so'ng rasmiy holda sovchi bo'lib kelishgan. “Og'iz ishash” nomi bilan yuritiluvchi sovchilikning dastlabki bosqichi “Alpomish” dostonida ham tasvirlangan. Unda yetti qalmoq bahodirlarning onasi Surxayil Qorajon uchun Barchin yashaydigan xonadonga “og'iz ishash” maqsadida tashrif buyuradi. Bu jarayon dostonida Surxayil tilidan keltirilgan quyidagi she'riy parchada o'z ifodasini topgan:

O'zbaklarning yaxshi qizi bor bo'lsa,
 Atashtirib ro'mol berib kelaman.
 O'zbaklarning yaxshi qizi bor bo'lsa,
Boshi bo'shmi deyin, avval so'rayin.
 Yaxshi qizlar agar boshi bo'sh bo'lsa,
 Kelin qilib, biror ro'mol o'rayin.
 Uylantirsam, senga xabar berayin,
 Borishli, kelishli bo'lib yurayin. [1]

Etnograf K.Shoniyozov qorluqlarning nikoh to'yi marosimi udumlari haqida to'xtalar ekan, quyidagilarni ma'lum qiladi: "Kelin bo'ladigan qiz tanlangandan keyin yigit tomonidan ikki ayol – kuyov bo'lgichning ammasi, xolasi yoki turmushga chiqqan opasi sovchilikka borishadi". Agar shu ma'lumotlar asosida "Alpomish" dostonidagi Surxayilning Barchinga sovchilikka borish epizodi o'rganilsa, Surxayil tomonidan shu udumning noto'g'ri ado etilgani, buzilgani kuzatiladi. Chunki udumlarimizda yigitning onasi emas, unga boshqa yaqin qarindosh ayol sovchilikka borishi lozim bo'lgan. Bu bilan Surxayilning manman, nopisand, befarosat ayol ekanligiga ishora qilinmoqda.

Sovchilar kelgan xonadonda qizning onasi ularni "Xush kelibsizlar!" deya ochiq chehra bilan kutib olishi, kelganlar oldiga dasturxon yoyishi, choy va eguliklar hozirlashi odat tusini olgan. Shunda gap orasida sovchilardan biri maqsadini ayon qilgan. Bu odat talqini "Alpomish" dostonida Barchinoylar xonadoniga Surxayil boshliq ayollar tashrif buyurgan epizodda quyidagicha aks ettirilgan: "Mehmonlar ko'rishib o'tirdi. Boybicha mehmonlarga osh taraddud qildi, ziyofatga palov pishirib damlab: «Endi mehmonlar bilan gaplashib o'tirayin», – deb boybicha ham kelib o'tirdi. U yoqdan, bu yoqdan gap tashlashib, besh-to'rt og'iz gap boshlashib, shunda kampir boybichaga qarab, shu qizingning boshi bo'shmi, –deb so'rab turgan eri:

Qozonda qaynagan shirboz go'shmidi?
 Shul qizingning agar boshi bo'shmidi?
 Boshi bo'shmi deyin, sendan so'rayin,
 Kelin qilib biror ro'mol o'rayin,
 Qorajonga atashtirib borayin... [2]

Sovchilik bilan bog'liq "ro'mol bog'lash" udumi qizning boshini "band qilish", ya'ni fотиha qilish rasmini ramziy ifoda etadi. "Ro'mol o'rash" marosimidan so'ng bu qizga boshqa xonadondan sovchi kelmaydi. Shu qizning endi atalgani bor hisoblanadi.

Demak, yuqorida misol keltirilgan she'riy parchadagi "boshi bo'sh", "ro'mol o'rash", "atashtirish" singari tushunchalar xalqimizning turmush tarzi bilan bog'liq etnografizmlar sifatida e'tiborni tortadi.

Sovchilikda ko'pincha yigit va qizni bir-biriga teng ko'rish, atashtirish uchun ularning mos keladigan belgi-xususiyatlariga ahamiyat qaratilgan. Ikkala yoshning "yulduzi yulduziga teng kelishi", munosibligi ta'rif-tavsif qilingan. Shundan kelib chiqib, "Alpomish" dostonida ham sovchi Surxayil tilidan Qorajon va Barchinni tenglashtirishga qaratilgan shunday so'zlar aytiladi:

Kelin qilib ketay sening qizingdi,
 Sening qizing Qorajonga lozimdi(r).
Qizingning boshida taralgan chochi,
Qorajon ham yigitlarning me'roji...
 Qorajon ham yomon emas, bekbachcha,
 Ikkovi xam o'ynab yursin dar kecha...
 Necha qizlar Qorajon deb intizor,
 O'ziga teng ko'rmas bolam zo'rabor,
 Kelin qilib borsam ko'ngli topilar,
 Necha mahram Qorajonga xizmatkor,
 Shul qizingni sening bermog'ing darkor. [3]

Sovchilar o'z niyatlarini qiz tomonga bildirganlaridan keyin qiz tomon ham o'z fikrini aytgan. "Alpomish" dostonida Barchinning onasi tomonidan Surxayil boshliq sovchilarga berilgan javob shunday keltirilgan: "Kampirdan bu so'zni eshitib, boybicha ham bir so'z deb turgan ekan:

Qozonda qaynagan shirboz go'sh emas,
 To'rda o'tirgan qizning boshi bo'sh emas.
 Qizim domot bobosining uliga,
 Mol bergani Boysin-Qo'ng'iro't elida.
 Asli o'zi Qo'ng'iro't elning be'kzodi,
 Shul qizimning bul atashgan domoti,
 Erisin tog'larning qori erisin,
 Er ostida dushman tani chirisin,
 Iloyim Qorajon o'g'ling qurisin,
 Sen eshitgin mening aytgan so'zimni. [4]

Bir osh pishgunga qadar qiz va yigit tomon shu tarzda “og'iz is'kash” savol-javobini qilib olishgan. Bunda javobning ijobiy yoki salbiy bo'lishidan qat'iy nazar tashrif buyurgan mehmonlar quruq jo'natilmagan. Shu ma'noda garchi Barchinning onasi Qorajon tomonidan kelgan sovchilarga norozilik bildirgan, qizining boshi bog'liqligini aytgan esa-da, ularni quruq qaytarmaydi. Osh suzib, mehmon qiladi. “Alpomish” dostonida buning tasviri shunday keltirilgan: “Mehmonlarni o'tqizib, qo'lini yuvdirib, uch tovoqqa oshni suzib, olib kelib mehmonlarning oldiga qo'ydi: bir tovoq to'rtovara bo'lib qoldi. Boya Qorajonning enasi zehni koyigan, ikki guruch olib og'ziga soldi. Buyoqdagi kampirlar agar uch guruch olib og'ziga solsa, haddi yo'q, boshini kesadi. Qorajonning enasidan qo'rqqanidan bular ham ikki guruchdan olib og'ziga soldi. Uch tovoq oshdan yigirma guruch kamib qoldi. Bo'ldik, – deb uzata berdi. Tovoqni berib, fotihani yuziga tortdi, mehmonlarni jo'natdi” [5].

Bu tasvir shuni anglatadiki, sovchilikka har kimni ham uzatib bo'lmaydi. Bunday ishga, asosan, ko'pni ko'rgan, odob-axloqli, nafsini tiya oladigan, ko'rimli, farosatli, o'y-fikrli, so'zga chechan kishilar jalb qilingan. Aks holda, dostonida tasvirlanganidek, xunuk holat yuz berishi mumkin. Sovchilar ham aslida mehmonning bir turidir. Xalqimiz orasida “Mehmon otangday ulug'” degan hikmat yuradi. Shuning uchun har tomonlama andishali, ko'zi to'q bo'lgan Boysari xonadoni vakillari sovchi-mehmonlarni iliq kutib olib, ularning olqishiga erishadi. Ular Boysari xonadonini “Xo'p ko'rganli boylar ekan” deya maqtab ketishadi.

Kuyov tomon, odatda, sovchilikdan qaytganlarni “Bo'rimi, tulki?” deya kutib olishi an'anaga aylangan. Agar sovchilarning ishi bitgan bo'lsa “bo'ri” deb, qiz tomon rozi bo'lmagan taqdirda “tulki” deb javob berishadi. Ana shu azaliy odat ham “Alpomish” dostonida o'z talqinini topgan. Jumladan, sovchilikka ketgan onasini Murodtepada kutib turgan Qorajonning ruhiy kechinmalari bu jihatdan shunday ifoda etilgan: “Qorajon yo'lga qarab yotibdi. Qarasa, enasi kelayapti, enasini ko'rib Qorajon: – Qalay, qalay, ena? Bo'ri bo'lib kelayapsanmi, tulki bo'lib kelayapsanmi? – dedi. Enasi aytdi: – Bolam, men borgan erda ham tulki bo'lamanmi, bo'ri bo'lib kelayotibman, seni uylantirib, bu ko'ylaklarni quda-andalikka kiyib kelayotibman” [6]. Sovchilik udumlarimiz bo'yicha agar qiz tomon qudalashishga rozi bo'lsa, kelgan sovchilarga zo'r ziyofat berish barobarida qimmatbaho sarpolar ham kiydirib jo'natadi. Ma'lumki, Surxayil kampirni it talab, egnidagi kiyimlarini yirtadi. Uning yalang'och bo'lib qolganini ko'rib, boybicha uyiga borib, yangi kiyimlar olib kelib, kampirning ustidagi kuchuk yirtgan kiyimlarini chechib olib, yangi kiyim kiydirib, kuchuklarini urib, kampirning dimog'ini chog' qilib, uyiga ergashtirib boradi. Yolg'onchi kampir esa shu holatni yashirib, Qorajonni aldaydi. Bu o'rinda Surxayil kampirning yana bir salbiy xususiyati namoyon bo'ladi. Onasiga ishongan Qorajonning esa soddadilligi, ishonuvchanligi, ko'ngli to'g'riligi anglashiladi. Shuning uchun Qorajon aytdi: «Enam bizni ko'rganli erdan uylantiribdi. Enamning bosh-oyoq sarposini qilib yuboribdi». – Endi bo'ri bo'lganingdan gapir, – deb turibdi [1]. Odatda, sovchilar sovchilik jarayonini oqizmay-tomizmay gapirib berishadi. Shu hayotiy voqelik ham “Alpomish” dostoni syujetidan o'rin olgan: “Qilgan ishidan bildirib, kampir Qorajonga qarab, bir so'z deyapti:

Kelin qilayin deb avval so'radim.
 Boysarining yaxshi qizi bor ekan,
 Oti Barchin, o'zi zulfakdor ekan, [1]

– deya sovchi ona qizning ta'rifini keltiradi.

Qirqin qizlar unga xizmatkor ekan.
 O'n to'rt yashar ekan, ayni kamoli,
 Boshida pirpirar lovdon ro'moli.
 Boybichani ko'p ag'darib so'radim,
 Boshi bo'sh ekanin toza sinadim,
 Senga atashtirib ro'mol o'radim,
 Shu bugun qalliqqa borgin, Qorajon,
 O'zbeklarning rasimi shunday bo'ladi,
 Atashtirgan kuni kuyov boradi. [1]

Odatda, sovchilarga rozilik bildirilgandan so'ng rasm-odat bo'yicha qanday udumlar amalga oshirilishi, qiz mahri uchun nimalar berilishi lozimligi, "qiz qalini" kabilar kelishib olingan. Shuning uchun sovchi bo'lib kelgan Surxayil qiz tomonga qarata:

Rasmi qa'dang menga ma'lum qilsang-chi,
 Nima deb amr etsang ani berayin,
 O'zbek boylar, rasimingni so'rayin, [1]

– deya murojaat etadi.

O'tmishda ko'proq yaqin qarindoshlar, bir-biri bilan sinashta odamlar o'zaro quda bo'lishni rejalashtirgan. Buning natijasida hatto chaqaloqlarni yoshligidan bir-biriga "atashtirib qo'yish", "qulog'ini tishlatish", "beshik kerti qilish", "etak yirtar qilish" singari odatlar amalga oshirilgan. E'tiborli jihati shundaki, bunday qadimiy odatlarimiz hozir deyarli bajarilmasa-da, ular haqidagi ma'lumotlar xalq dostonlarida badiiy motiv ko'rinishida saqlanib qolgani kuzatiladi. Jumladan, "Alpomish" dostonining Qora baxshi Umirovdan yozib olingan variantida Hakimbek bilan Barchinoyini "etak yirtish" qilib, unashtirib qo'yilgani tasvirlanadi: "Hakimbek bilan Barchinoyning orqa etagini birga ushlab yirtidi, ikkovini "etak yirtish" qilib unashtirib qo'ydi" [8].

Tadqiqotchi Latifa Xudoyqulova surxon vohasi sovchilik qo'shiqlari va aytimlariga nazar qaratar ekan, hududdagi sovchilik ko'rinishlarini ham aytib o'tadi. U "etak yirtar" shunday odatlardan biri ekanligini ta'kidlab, bu odatga ko'ra Surxon vohasining Denov tumanida qiz bola tug'ilganida kelin qilishni niyat qilgan oila mazkur xonadonga tashrif buyurib, chaqaloqqa kiygizilgan ko'ylakning etagini irim qilib yirtib qo'ygan.

"Alpomish" dostonining Fozil Yo'ldosh o'g'lidan yozib olingan variantida "Shohimardon Hakimbekka oy Barchinni atashtirib, beshkerti qilib: «Bu ikkovi eru xotin bo'lsin, Hakimbek bilan hech bir kishi barobar bo'lolmasin, omin ollohu akbar» deb fотиha o'qigani tasviri beriladi. Bolalarni yoshligidan, ya'ni beshik davridan er-xotinlikka atash "beshik kerti" udumi nomi bilan yuritiladi. Bu udum respublikamizning deyarli barcha hududlarida keng tarqalgan.

"Etak yirtar", "beshik kerti" qilingan qiz bola voyaga etganida uning etagini yirtgan yoki beshigini kertgan oila tomonidan "el belgisi" deb nomlangan marosim o'tkazilgan. Buning uchun oilaning yaqin qarindosh-urug'lari va mahalla oqsoqollari ishtirokida qizning uyiga biror jonliq, ko'pincha qo'chqor olib kelib so'rganlar va fотиha o'qiganlar shundan so'ng bu qiz "belgili" hisoblangan va uning uyiga boshqa xonadondan sovchi qo'yilmagan.

Umuman aytganda, o'zbek xonadonlarida farzandning kelajagi uchun uning yoshligidan boshlab qayg'ura boshlaydilar. Ayniqsa, o'g'li borlar yaxshi kelin olishni, qizi borlar esa uni yaxshi joyga uzatishni orzu qiladi. Shuning uchun "qiz tanlash" bosqichi juda muhim va nozik sanaladi.

Xullas, "Alpomish" dostoni nikoh to'yi jarayoni bilan bog'liq bunday maishiy hayot detallariga juda boy. Ularni keng qamrab olganligi jihatidan doston o'ziga xos qomusiy ahamiyat kasb etadi. Doston maishiy hayot detallariga juda boy. U real hayot epizodlarini keng qamrab olganligi bilan ajralib turadi. Unda xalqimizning maishiy hayotida muhim o'rin egallagan oilaviy-maishiy marosimlar badiiy ifoda etilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Алпомиш. Достон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Т.: Шарқ, 1998. – 400 б.
 2. Путилов Б. Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С.76.
 3. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б.93-94
- Эшонкул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006. – Б.5.

Саримсоқов Б. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б. 144-145.

6. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.

7. Uraeva, D. S., Sharipova, M. B., Zaripova, R. I., & Nizomova, S. S. (2020). The expression of the national traditions and beliefs in uzbek phraseological units. *Theoretical & Applied Science*, (6), 469-472.

8. Муродов М., Нахимов Н., Эргашев А. Қадриятнома. 1-китоб. – Т.: Меҳнат, 2001. – Б.35-36.

UO'T 81.42

POETIK MATNLARDA VIZUALIZATSIYA DARAJALARI

K.A.Shokarimova, katta o'qituvchi, Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Chirchiq

Annotatsiya. *Mazkur maqolada poetik matnlarning vizualizatsiya darajalari o'zbek she'riyati namunalari misolida ko'rib chiqiladi. Poetik matnlar nafaqat ma'lum bir tasvir xosil qilish orqali, balki ularda tinish belgilari va shriftni noan'anaviy tarzda qo'llash, bo'shliqlar qoldirish, matn qismlarining sahifada o'zgacha joylashuvi orqali ham vizuallashtirish mumkinligi muhokama qilinadi.*

Kalit so'zlar: *vizual poetik matnlar, vizualizatsiya darajasi, poetik grafika, punktuatsiya, shrift, bo'shliqlar, fragmentatsiya.*

Аннотация. *В статье рассмотрены уровни визуализации поэтических текстов на примере узбекской поэзии. Обсуждается, что визуальные поэтические тексты это не только тексты, которые образуют определенное изображение или фигуру, но и те, в которых нетрадиционно используются знаки препинания и шрифт, применяются пустоты и необычное размещение частей текста на странице.*

Ключевые слова: *визуальные поэтические тексты, уровень визуализации, поэтическая графика, пунктуация, шрифт, пустоты, фрагментация.*

Abstract. *The article discusses the levels of visualization of poetic texts on the example of Uzbek poetry. It is discussed that visual poetic texts are not only the texts that form a certain image or figure, but also those in which punctuation marks and font are used unconventionally; voids and unusual placement of text parts are applied*

Key words: *visual poetic texts, level of visualization, poetic graphics, punctuation, font, voids, fragmentation.*

Vizual poetik matnlar tarkibidagi vizual unsurlar ko'zga ko'rinmas bo'shliqdan tortib, dabdabali tasvir yoki naqshgacha bo'lgan ko'rinishda bo'lishi mumkin. Isroillik tilshunos R. Baransi arab vizual poetik matnlarini tadqiq qilar ekan, ularning har birida vizuallik darajasi turlicha namoyon bo'lishini ta'kidlab, uchta darajani belgilab beradi[2]. Shunga o'xshash klassifikatsiyani rus tilshunosi Yu. Kazarinning tadqiqot ishlarida ham ko'rish mumkin [2]. Biroq olim tasnifga poetik matnlardagi vizualizatsiya darajasi sifatida qaramaydi, balki ularga poetik grafikaning funksional turlari sifatida yondashadi.

Biz R. Baransining tasnifini Yu. Kazarinning tasnifiga nisbatan ancha izchil deb topib, o'zbek vizual poeziyasi namunalariidagi vizuallik darajasini aniqlash uchun foydalandik. Biroq R. Baransi maqolasidagi tasnif biz taklif qilayotgan usuldagidek sistemalashtirilmagan bo'lib, shunchaki bayon qilinib ketilgan. Bundan tashqari, poetik matnlardagi vizuallashtirishning ayrim turlari olim tomonidan keltirib o'tilmagan bo'lib, ular bizning kuzatishlarimiz natijasi hisoblanadi. Biz ularni asterisk (*) belgisini qo'yish orqali ajratib qo'ydik. Quyida o'zbek vizual poetik matnlarida vizualizatsiya darajalari va ularning qay tariqa namoyon bo'lishi keltirilib o'tiladi:

I. Birinchi daraja. Ushbu vizualizatsiya darajasi eng oddiy hisoblanib, ba'zan e'tiborsiz kitobxonlar bunday vizual poetik matnlarni an'anaviy poetik matnlardan ajrata olmasligi ham mumkin.

1. Tinish belgilar yordamida manipulyatsiya qilish.

a) tinish belgilarini ortiqcha ishlatish, ularning an'anaviy funksiyasidan chekinish. L. Budnichenko maqolasida "Futuristlar, ayniqsa, "to'mtoq nuqta va vergullar"ni qo'llashga qarshilik bildirib, ekspressiv tire, so'roq va undov belgilarni afzal ko'rardilar", deb yozadi[3, 184]. Tinish belgilarini suiste'mol qilish matnda anglashilayotgan mazmunning ekspressivlik darajasini

kuchaytiradi. O'zbek she'riyatida tinish belgilarining ortiqcha ishlatilishi Usmon Azim, Cho'lpon, Ikrom Otamurod ijodi namunaarida uchraydi.

b) tinish belgilaridan voz kechish. Ye. Yevgrashkinaning e'tirof etishicha, matnda punktuatsiya va bosh harflarni qo'llamaslik so'zlarning gap bo'lagi sifatidagi ishtirokiga yakun yasilib, endilikda ularning har biri alohida konsept sifatida shakllanadi[5, 50]. An'anaviy punktuatsiyani "o'ta qashshoq va ifodaviy emas"likda ayblagan rus shoiri V. Mayakovskiy o'zining "tinish belgisi"ni ixtiro qiladi. "Mening punktuatsiyam – bu "zinapoya", vergullarni esa kerakli o'rinlarda muharrir va korrektor qo'yib ketsin", - deydi shoir[8, 215].

v) qatorlarda so'zlardan voz kechib, tinish belgilarini o'zini qo'llash. Ba'zan shunday holatlar ham bo'ladi, muallif kechinmalarini ifodalashga so'zlar yo kamlik qiladi, yo ortiqcha bo'ladi. Qatorlarda tinish belgilarining o'zini qo'llash Ikrom Otamurodning ijodida uchraydigan hodisa.

2. Ayrim so'z yoki jumalarni katta, yotiq*, quyuq shrift, rang bilan yoki shunga o'xshash boshqacha usulda ajratish. A. Reformatskiyga ko'ra, shriftdagi manipulyatsiyalarning respientga ko'rsatgan ta'sir kuchi quyidagi tartibda bo'ladi: 1. Kapital (bunda so'zdagi barcha harflar katta registrdagi kabi bo'ladi, biroq so'zning eng birinchi harfi qolganlaridan biroz balandroq bo'ladi); 2. Yotiq shrift (kursiv); 3. Katta registr; 4. Yarim qalin shrift; 5. Qalin shrift; 6. Yuqoriroq kegl; 7. Boshqa garnaturalar[9, 145]. Poetik matnlarda vizualizatsiyaning bunday shakllari juda ko'p uchraydi. Ular odatda matndagi dinamiklik, ektravagantlikni oshiradi.

3. Poetik matnda bo'shliqlar qoldirish. D. Suxoveyning e'tirof etishicha, poetik matnlarda bo'shliq qoldirishni rus avangardist shoiri, egofuturist Vasilisk Gnedov boshlab bergan. "Oldingi badiiy asarlar strukturasi uchraydigan bo'shliqlar matn to'liq saqlanmaganligidan dalolat beradigan matn ekvivalenti vazifasini bajaradi. Bu muallifning g'oyasi, muharrir yoki senzura cheklovi natijasida matnlardagi bo'shliqlarga ishora qiluvchi nuqtalar qatoridir" [10]. Cho'lponning "2 bosh, 1 tana" she'rida haqorat so'z o'rniga ko'pgina nuqta qo'yilgan.

4. Fragmentatsiya. "Tinsh belgilari qo'llanilmaganda she'r fragment (qism)larining o'zgacha joylashuvi va sahifa oq maydoniga urg'u berilishi Reverdi ta'kidlaganidek "sintaksisning qayta kashf etilishi"dan dalolat berib, she'r lirik intonatsiyasining o'ziga xos vizualizatsiyasi hisoblanadi" [4], deb yozadi N. Golubiskaya. Haqiqatan ham, so'zlarning sahifadagi noan'anaviy joylashuvi poetik matnga katta ma'no yuklaydi.

a) Jumalardagi leksemalar bir-biridan vizual ajratilishi

b) leksemalarning fragmentatsiyasi (leksemalarning bo'g'in*, morfema*, fonemalar birikmasi* yoki fonemalarga ajralishi)

5. Sahifaning pastki qismida poetik matnning biror qismiga she'riy izoh berish. Poetik matnlarda havolalar turli xil funksiyalarni bajaradi. Ularning aksariyati informativ xarakterga ega bo'lsa-da, she'riy shakldagi izohlar ko'pincha estetik funksiyani bajaradi. Yu. Orliskiyning ta'kidlashicha, XX asr oxirlarida ijod qilgan mualliflar she'riy havolalarni, birinchi navbatda, "ritmik polifoniyani yuzaga keltirish uchun" [7] qo'llashgan. Bunday poetik matnlar Faxriyor ijodidan o'rin olgan.

6. Ikki yoki undan ortiq alifbo grafikalaridan foydalanish. Ikki xil alifbo grafikasidan foydalanish, o'z navbatida, ko'p hollarda ikki tilning bir matn doirasida kesishuvini ham nazarda tutadi. Bu holat Faxriyor she'riyatida etcetera, cool, love, ucell, beeline, flash, 3D kabi so'zlar ko'rinishida uchraydi hamda poetik matnga originallik va o'zgacha vizuallik bag'ishlaydi.

7. Poetik matnda son va raqamlar, turli formulalar, belgilardan foydalanish*. O'zbek she'riyatida, asosan, raqam va sonlarning poetik matn tarkibida uchrashini ko'rish mumkin. Bu borada A. Badaevning yozganlariga e'tibor bersak, u raqamlar ishtirokidagi poetik matnlarni jiddiy qabul qilmay, mana bunday fikrni bildiradi: "Raqamni poetik matnni tashkil qiluvchi tarkibiy qism sifatida qabul qilish mumkin, faqatgina A. Shepetchukning qalamiga mansub matnlar misolidagi tajribalardagina xolos..." [1, 21]. Biroq biz bu fikrga qo'shilmaymiz. Mazkur poetik matnlar bolalar uchun yozilgan she'rlarda uchraydi, qiziqarli shakl va ko'z quvonchigina bo'lib qolmay, ularning kognitiv qobiliyatlarini oshirishga ham xizmat qiladi

II. Ikkinchi daraja. Poetik matnlar vizualizatsiyasining ushbu darajasida yuqorida keltirib o'tilgan omillarning namoyon bo'lishi yanada kuchayadi. Endilikda nafaqat leksemalar yoki jumalar,

1. *Qator(lar)ning sahifaning o'rtasidan boshlanishi*

2. *Qator(lar)ning sahifaning o'ng tomonida tizilishi*

4. *Musoviyat tarafayin janrida yozilgan she'rlar**:

5. *Zinapoyasimon poetik matnlar*3. Qator(lar)ning yuqoridan pastga, yoki pastdan yuqoriga, diagonal yo'nalish bo'yicha joylashuvi.*

III. Uchinchi daraja. Bunda "muallif sahifaning oq maydonidan o'zgacha ijodkorlik va struktural usulda foydalanadi" [2, 56].

1. Poetik matn tarkibiga qo'shimcha tasvirning kiritilishi. Bunda ana shu tasvir va verbal matn integratsiyalashib, bitta butunlikni hosil qiladi:

2. Poetik matndagi barcha so'zlar, jumlar, qatorlar bitta yaxlit tasvirni hosil qiladi.

Yuqorida keltirib o'tilgan poetik matnlardagi vizualizatsiya darajalari aynan o'zbek vizual poeziyasi namunalarigagina asoslanadi. Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, vizualizatsiya deganda faqatgina so'z, qator, bandlarning ma'lum bir shakl yoki tasvirni hosil qilishi, matn tarkibiga grafik rasmlar kiritilishi tushunilmaydi. Vizualizatsiya g'oyat keng tushuncha bo'lib, poetik matnda kichik bo'shliqning qoldirilishi yoki bir fonemaning boshqacha shriftida yozilishi ham uning nafaqat shakli balki mohiyatini ham o'zgaritirib yuborishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Badaev, A. F. Функциональные типы poeticheskoy grafiki (na materiale russkoy poezii XVII - XXI vv.): dis. ... kand. filol. nauk: 10.02.01 / A. F. Badaev. - Yekaterinburg, 2005. - 230 s.

2. Baransi RAJ. Inter-Genres in Arabic Visual Poetry and the Levels of Fusion between Linguistic Texts and NonLinguistic Art Forms. IJLLT [Internet]. 2019 Jul.

3. Будниченко Лариса Александровна. "Пунктуационная интертекстуальность в поэзии г. Айги" Вестник Чувашского университета, no. 2, 2017, pp. 183-189.

4. Голубицкая, Н. Визуальная конфигурация стиха как особый тип семиозиса во французской экспериментальной поэзии: от Стефана Малларме к Тристану Тцара / Н. Голубицкая // Новое литературное обозрение. - 2019. - № 2(156). - С. 143-162

5. Евграшкина, Е. Семиотическая природа смысловой неопределенности в современном поэтическом дискурсе, (Bern, Switzerland: Peter Lang D, 2019) accessed Sep 8, 2021, <https://doi.org/10.3726/b15320> С. 50

UO'K 811.512.133

ABOUT LEARNER'S DICTIONARIES OF UZBEK LANGUAGE

M.M.Sobirov, mustaqil tadqiqotchi, O'zbek tili va adabiyoti universiteti, Toshkent

Annotatsiya. *Mazkur maqola o'quv lug'atchiligi masalasiga bag'ishlangan. Unda o'zbek lug'atshunosligida maktab o'quvchilari uchun ona tili fanidan o'quv lug'atlari yaratilishi masalalari yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *leksikografiya, o'quv lug'atlari, o'quv lug'atlari turlari, imlo lug'ati, izohli lug'at.*

Аннотация. *Данная статья посвящена проблеме учебных словарей. Освещены вопросы создания учебных словарей для школьников по предмету родной язык (узбекский язык).*

Ключевые слова: *лексикография, учебные словари, виды учебных словарей, орфографический словарь, толковый словарь.*

Abstract. *This article is devoted to the issue of learner's dictionaries. It covers the issues of writing learner's dictionaries of Uzbek language for schoolchildren.*

Key words: *lexicography, learner's dictionary, types of learner's dictionaries, spelling dictionary, explanatory dictionary.*

O'quv lug'atchili yo'nalishi hozirgi kunga qadar o'zbek tilshunosligining eng dolzarb yo'nalishlaridan biri bo'lib qolmoqda. Aslida, o'quv lug'atlari atamasi anchalar keng qamrovli atama. Chunki bu atama uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarini o'z ichiga oladi va bularning barchasi uchun birday ahamiyatlidir.

O'quv lug'atlari o'z maqsadi, vazifalari hamda kimga yo'naltirilganligiga ko'ra bir-biridan farqlanadi. Cnunonchi, ular eng avvalo ensiklopedik (qomusiy) yoki filologik tavsifda ekanligiga ko'ra farqlanadilar. Mazkur turlardagi lug'atlar esa o'z ichida umumiy (keng o'quvchi ommasiga

mo'ljallangan) va maxsus (muayyan soha yoki soha mutaxassislari uchun xoslangan) tarmoqlarga bo'linadi.

O'zbek tilshunosligining leksikografiya (lug'atshunoslik) bo'limi bugungi kunga qadar muayyan yutuqlarni qo'lga kiritdi. Xususan, "O'zbek tilining izohli lug'ati" ning 1981-yilgi ikki jildli nashri va 2006-2008-yilgi besh jildli nashrlari hamda 1983–1985-yillarda chop etilgan to'rt tomli "Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati" o'zbek tili lug'atshunosligini eng katta yutug'i sanaladi. O'zbek tili lug'atshunosligi hozirga qadar sharafliligi va mashaqqatli yo'lni bosib o'tgan bo'lsa-da, lug'atshunosligimizning o'quv lug'atlari tarmog'i jahon modern tilshunosligi darajasida taraqqiy etgani yo'q. Chunki yaqinlashgan o'quv lug'atlari, ba'zi maxsus ensiklopedik lug'atlarni hisobga olmaganda (masalan, 1989-yilda Toshkentda nashr etilgan "Yosh fizik ensiklopedik lug'ati: O'rta va katta yoshdagi maktab o'quvchilari uchun"), asosan IMLO LUG'ATI dangina iborat edi, xolos. Agar o'quv lug'atshunosligining fanlar bo'yicha kesimidagi ona tili faniga oid bo'limini olsak, ahvol anchalar jiddiy ekanligining guvohi bo'lamiz. Negaki 2007–2008-yillarda "Yangi asr avodi" nashriyoti tomonidan ona tili faniga oid bir turkum o'quv lug'atlari chop etilgunga qadar o'quvchilarimiz qo'lida qo'shimcha o'quv manbasi sifatida faqat "Imlo lug'ati" bor edi.

Biz imlo lug'atlarining hozirgi kunga qadar mavjud nashrlarini ko'zdan kechirsak, ularni, eng avvalo, o'zbek tilshunosligining yutuqlari sifatida e'tirof etishimiz adolatli xulosa sanaladi. Chunki bu lug'atlar o'z davri talab va ehtiyojlarini qoplash maqsadida yuzaga kelgan hamda bu vazifani asosiy manba sifatida ado etgan. Chunki, 1956-yil 4 aprelda tasdiqlangan "O'zbek orfografiyasining asosiy qoidalari" va, ayniqsa, mustaqillikka erishganimizdan so'ng 1995-yil 24-avgustda tasdiqlangan "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari tashdiqlash haqida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori va mazkur Qaror birinchi bandiga ko'ra tasdiqlangan "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari" asosida yaratilgan imlo lug'atlari o'zbek tilshunosligining muhim yutuqlari sanaladi. Shunday bo'lsa-da, vaqt o'tishi bilan davr hamma fanlar oldiga o'z talablarini qo'yayotganidek, o'zbek lug'atshunosligi oldida ham bir qator nazariy hamda amaliy muammo va vazifalar paydo bo'lmoqda. Bunday talab va ehtiyojlarning yuzaga kelishi tabiiy hol sanaladi. Masalan, 1995-yil 24-avgustda tasdiqlangan "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari" asosida Sh. Rahmatullayev hamda A. Hojiyevlar tomonidan 1995-yil "O'qituvchi" nashriyotida chop etilgan "O'zbek tilining imlo lug'ati" kitobi bugungi kun ehtiyojiga to'liq javob bera olmay qoldi. Bunga asosiy sabab-ijtimoiy-siyosiy hayot va fan-texnika sohasida yangi tushuncha va ixtirolarning paydo bo'lishi va ularning yangi so'z hamada atamalar bilan nomlanishidir.

Maktab o'quvchilari uchun yordamchi darslik sifatida o'quv lug'atlarini yaratish masalasi mustaqillikka erishganimizdan so'ng asosiy masala sifatida o'rta qo'yildi. Bu masalani birinchi bo'lib professor H. G'. Ne'matov o'zbek tilshunosligiga olib kirdi va maktab o'quvchilari uchun yordamchi darsliklar yaratish, o'quv lug'atlari esa ona tili ta'lim tizimida eng muhim yo'ldosh darsliklar bo'lishini ta'kidladi. Xususan, professor H.G'.Ne'matovning 1995-yilda pedagogika fanlari doktori, professor A.G'ulomov bilan hamkorlikda yozilgan "Ona tili ta'limi mazmuni" kitobida shunday deyilgan:

"Ona tili darslari samaradorligini oshirish uchun o'quvchi sinfda va uyda darslikdan tashqari, o'zlari uchun ixtisoslashtirilgan "O'zbek tilining izohli lug'ati", "O'zbek tilining uyadosh so'zlari lug'ati", "O'zbek tilining ma'nodosh so'zlari lug'ati", "O'zbek tilining qarama-qarshi ma'noli so'zlar lug'ati" kabi lug'atlar bilan to'liq ta'minlangan bo'lishi lozim. Afsuski, maktab o'quvchilari uchun bunday lug'atlarni yaratilmaganligi ishni qiyinlashtiradi"[1:45].

Darhaqiqat, maktab o'quvchilari uchun ona tili fanidan imlo lug'atidan tashqari boshqa turdagi lug'atlar mavjud emas edi. Masalan, Y. Abdullayev, M. Olimxonova va S. Zufarovalarning "Imlo lug'ati" kitobi fikrimizning isboti bo'la oladi. Bu lug'at bir necha bor qayta nashr etilgan bo'lib, xususan, 1987-yil mazkur lug'atning 5-nashri "O'qituvchi" nashriyotida chop etilgan edi. Mustaqillikka erishilgandan so'ng esa Sh. Rahmatullaev va A. Hojiyevlar tomonidan tuzilgan va 1995-yilda nashr etilgan "O'zbek tilining imlo lug'ati" maktab o'quvchilari uchun asosiy qo'llanma vazifasini o'tadi va o'tab kelmoqda.

Ta'lim tizimini tubdan isloh etish eng dolzarb ijtimoiy masala sifatida yuzaga keldi. Natijada 1999-yil 16-avgustda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o'rta ta'limning

davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi Qarori qabul qilindi. Bu Qarorning birinchi bandiga muvofiq umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlari tasdiqlandi. Mazkur Qarorning ikkinchi bandida esa shunday deyilgan:

“2. O‘zbekiston Pespublikasi Xalq ta’limi vazirligi:

1998-1999 o‘quv yilida ta’lim muassasalarida tajriba-sinovdan o‘tgan umumiy o‘rta ta’limning o‘quv dasturlari va rejalarini belgilangan tartibda tasdiqlasin” [“Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi”. T.: Sharq nashriyot-matbaa konserni. 1999. 3–4-betlar].

Umumiy o‘rta ta’lim o‘quv dasturining ona tili fani dasturida ona tili o‘qitishning asosiy vositalari masalasiga to‘xtalangan va bu borada quyidagilar ta’kidlangan:

“Ilk bosqichda: 1. Shu dastur asosida yaratilgan darsliklar.

2. O‘zbek tili bo‘yicha lug‘atlar: “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”, “O‘zbek tilining uyadosh so‘zlar lug‘ati”, “O‘zbek tilining ma‘nodosh so‘zlar lug‘ati”, “O‘zbek tilining shakldosh so‘zlar lug‘ati”, “O‘zbek tilining zid ma‘noli so‘zlar lug‘ati”.

Ikkinchi bosqichda bu vositalar sirasi “O‘zbek tilining so‘z yasash lug‘ati”, O‘zbek tilining ters (teskari) lug‘ati”, o‘zbek tilidagi ensiklopediya bilan to‘ldirilishi lozim” [Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi. T.: 1999. 59-bet].

Mazkur tarixiy hujjatda darsliklar bilan bir qatorda o‘quv lug‘atlarining ona tili o‘qitishning asosiy vositasi sifatida e’tirof etilishi, birinchidan, o‘zbek lug‘atchiligining yangi bosqichga ko‘tarilishiga sabab bo‘ldi. Ikkinchidan, ushbu Qarordan so‘ng o‘zbek tilshunosligida lug‘atchilikning o‘quv lug‘atchiligi tarmog‘i haqiqiy ma‘noda shakllandi. Bu muhim ishga qomusiy tilshunos H.G‘.Ne‘matov va u kishining shogirdi B.R.Mengliyevlar boshchilik qildi. Natijada, 2007–2008-yillar davomida, ona tili o‘quv dasturi asosida “Yangi asr avlodi” nashriyotida O.Shukurov va B.Boymatovalarning “O‘zbek tilining ma‘nodosh so‘zlar o‘quv lug‘ati” (2007), U.To‘rayeva va D.Shodmonovalarning “O‘zbek tilining zid ma‘noli so‘zlar o‘quv lug‘ati” (2007), X. Sultonova va G. Turdiyevlarning “O‘zbek tilining shakldosh so‘zlar o‘quv lug‘ati” (2007), Sh. Bobojonova va I.Islomovning “O‘zbek tilining so‘zlar darajalanishi o‘quv lug‘ati” (2007), Y.Hamrayevaning “O‘zbek tilining o‘zlashma so‘zlar o‘quv lug‘ati” (2007), B. Mengliyev, M.Xudoyberdiyeva va O.Boymatovalarning “O‘zbek tili iboralarinig o‘quv izohli lug‘ati” (2007), B .Mengliyev va B.Bahriddinvalarning “O‘zbek tilining so‘z tarkibi o‘quv lug‘ati” (2007), B.Mengliyev, B.Bahriddinova, M.Zaripova va M.Xushvaqtovlarning “O‘zbek tilining so‘z yasalishi o‘quv lug‘ati” (2008) chop etildi.

“O‘quvchilar uchun zarur lug‘atlar yaratilmas ekan, ijodiy tafakkurni rivojlantirish mumkin emas, og‘zaki va yozma nutqni o‘stirish vositasi bo‘lgan joriy darsliklar o‘z vazifasini to‘la bajara olmaydi”,-deya ta’kidlaydi B.Mengliyyev mazkur o‘quv lug‘atlari uchun yozgan “So‘zboshi”sida [3:4].

Darhaqiqat, shunday. Biroq 2007–2008-yillarda “Yangi asr avlodi” nashriyotida chop etilgan o‘quv lug‘atlari o‘quv lug‘atchiligidagi dastlabki tajriba bo‘lib, shu ma‘noda, bu lug‘atlarda ayrim kamchiliklar bo‘lishi tabiiy edi. Birinchidan, lug‘atlar tarkibidagi so‘zlar miqdori masalasi shunday masalalardan biri sanal-sa, ikkinchidan, chop etilgan lug‘atlar nashriy adadi mavjud ehtiyojni qoplay olishi zarur edi. Holbuki, o‘quv lug‘atlarining nashriy adadi kam bo‘lib, mavjud ehtiyojga mos emas edi.

Hozirgi kunga qadar maktab o‘quvchilari uchun mazkur lug‘atlar seriyasi yagonaligicha qolib kelmoqda. Oradan shuncha yillar o‘tgan bo‘lsa-da, bunday lug‘atlar turkumi o‘quvchilarimiz uchun maktab darsliklaridan keyin yagona o‘quv vositasi bo‘lib turibdi. Bu davr mobaynida yangi o‘lchamlardagi o‘quv darsliklari nashr etildi, biroq, hech yo‘qki, ushbu lug‘atlarning to‘ldirilgan qayta nashrlari chop etilmadi. Natijada o‘quvchilar uchun zaruriy o‘quv lug‘atlarining qayta to‘ldirilgan nashrlariga yoki mutlaqo yangi nashrlarga nisbatan ehtiyoj yuzaga keldi. To‘g‘ri, ushbu ehtiyojni qoplash maqsadida ba’zi o‘quv lug‘atlari yuzaga kedi. Masalan, Dilfuza To‘xliyevaning 2020-yil “Bayoz” nashriyotida chop etilgan va maktab darsliklariga kiritilgan mumtoz lirik asarlar–g‘azal, muxammas, ruboiy, qit‘a, tuyuq, qasida kabilarni tushunishda o‘quvchi va o‘qituvchilarga amaliy yordam berishni ko‘zda tutgan “Maktab darsliklaridagi mumtoz asarlar lug‘ati va izohi” kitobi xuddi shunday qo‘llanmalardan biri sanaladi. Biroq mazkur lug‘atning 2007–2008–yillarda “Yangi

asr avlodi” nashriyotida chop etilgan o‘quv lug‘atlaridan eng birinchi farqi shundaki, bu lug‘at faqat adabiyot darslaridagi mumtoz lirik matnlarni to‘g‘ri tushunish uchun tuzilgan. H.G‘ Ne‘matov va B.R. Mengliyevlar rahbarligida tuzilgan lug‘atlar esa maktab o‘quvchilari uchun ona tili fani bo‘limlari kesimida yaratilgan mavzuiy lug‘atlar sanaladi. Ya‘ni aniq bir mavzu asosida tuzilgan lug‘atlar sanaladi. Masalan, manodosh so‘zlar, zid ma‘noli so‘zlar, uyadosh so‘zlar, eskirgan so‘zlar, talaffuzdosh so‘zlar mavzusiga bag‘ishlangan.

Biz yuqoridagilar asosida o‘quv lug‘atchili haqida quyidagi xulosalarni bayon qilishimiz mumkin:

1. O‘quv lug‘atchiligidagi muammolarni anglash va bartaraf etishga urinish mustaqillikka erishganimizdan so‘ng yuzaga keldi. Xususan, mustaqillikning dastlabki yillarida filologiya fanlari doktori ,professor H.G‘.Ne‘matov va pedagogika fanlari doktori, professor A.G‘.G‘ulomov tomonidan 1995-yilda o‘quv lug‘atchiligini shakllantirish va o‘quv lug‘atlarini yaratish zarurligi g‘oyasi ilgari surildi. Jumladan, ular “Ona tili ta‘limi mazmuni” (1995-y.) kitobida ushbu lug‘atlar ro‘yxatini nomma-nom sanab o‘tdi. Chunki maktab o‘quvchilari uchun ona tili fani darslari yuzasidan “Imlo lug‘ati” dan boshqa o‘quv lug‘atlar mavjud emas edi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta ta‘limning davlat ta‘lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 1999-yil 16-avgustdagi Qarorining 2-bandiga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligining 1998-1999 o‘quv yilida ta‘lim muassasalarida sinovdan o‘tgan o‘quv dasturlarini belgilangan tartibda tasdiqlashi ko‘rsatib o‘tilgan. Aynan mana shu o‘quv dasturning ona tili faniga tegishli qismida ona tili o‘qitishning asosiy vositalari sifatida ikkita manba mavjudligi ko‘rsatilgan. Biri shu dastur asosida yaratilgan darsliklar bo‘lsa, ikkinchisi o‘zbek tili bo‘yicha o‘quv lug‘atlari edi. Ushbu tarixiy Qarordan o‘rin olgan ona tili o‘quv dasturida yaratilishi ko‘zda tutilgan lug‘atlar aniq ko‘rsatib o‘tilgan. Natijada bu Qaror va undan o‘rin olgan dastur o‘quv lug‘atchiligining shakllanishi va o‘quv lug‘atlarining yuzaga kelishiga hamda 2007-yilda “Yangi asr avlodi” nashriyotida chop etilishida huquqiy asos vazifasini o‘tadi. Ayni paytda, o‘quv lug‘atlarini yaratish davlat buyurtmasi darajasidagi masalaga aylandi.

3. 2007–2008-yillarda “Yangi asr avlodi” nashriyotida chop etilgan o‘quv lug‘atlari yaxlit turkum, yaxlit sistemani tashkil etadi. Chunki ularning har biri ona tili faninig muayyan bolimiga oid.Ona tili fani esa yaxlit bir sistemadir.

4. Mazkur o‘quv lug‘atlari adadi kam bo‘lsa-da, ona tili fanidagi ehtiyoj va bo‘shliqni to‘ldirishga qaratilganligi hamda ona tili o‘qitishning ikki asosiy vositasidan biri ekanligi bilan ahamiyatlidir.

5. Ushbu o‘quv lug‘atlarini boyitilgan va to‘ldirilgan holda qayta nashr etish yoki ularning yangi avlodini yaratish bugungi maktab ta‘limning yanada olg‘a siljishini ta‘minlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. A.G‘ulomov, H.Ne‘matov. Ona tili ta‘limi mazmuni. (Ona tili o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma). T.: O‘qituvchi, 1995.
2. Umumiy o‘rta ta‘limning davlat ta‘lim standartlari va o‘quv dasturi. Ona tili. Adabiyot. O‘zbek tili (ta‘lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablar uchun). T.: Sharq nashriyot-matbaa konserni.1999.
3. Y.Hamrayeva. O‘zbek tilining o‘zlashma so‘zlar o‘quv lug‘ati / So‘zboshi muallifi B.Mengliyev. Yangi asr avlodi. 2007.

UO‘K 81-115

EVFEMIK GRADUONIMIYADA AYNANLIK VA FARQLILIK TAMOYILI

S.Turdimurodov, PhD, Termiz Davlat Universiteti, Termiz

Annotatsiya. Ushbu maqolada til birliklari munosabatida aks etuvchi aynanlik va farqlilik tamoyili evfemik ma‘nodosh leksemalar qatorida ham yuzaga kelishi haqidagi ilk ilmiy-nazariy qarashlar ifodalangan. Bundan kelib chiqadiki, o‘zbek tilida evfemik sinonimlar qatorida ham graduonimik munosabatlar mavjudligi misollr asosida ko‘rsatib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: evfemizm, evfemik graduonimiya, evfemik ma‘nodosh leksemalar, aynanlik, farqlilik, sinonimik qator.

Аннотация. В данной статье высказываются первые научно-теоретические взгляды на то, что принцип точности и различия, отражающийся в отношениях между языковыми единицами, встречается и среди лексем с эвфемистическим значением. Из этого следует, что на основе примеров показано наличие градуонимических отношений между эвфемистическими синонимами в узбекском языке.

Ключевые слова: эвфемизм, эвфемная градуонимия, эвфемистические лексемы, точность, различие, синонимический ряд.

Abstract. This article expresses the first scientific-theoretical views that the principle of exactness and difference, which is reflected in the relationship between language units, also occurs among lexemes with euphemistic meaning. It follows from this that the existence of graduonymic relations among euphemistic synonyms in the Uzbek language has been shown on the basis of examples.

Key words: euphemism, euphemic graduonymy, euphemistic lexemes, exactness, difference, synonymous series.

Har bir tilda evfemik ma'noli leksemalarning keng qo'llanilishi shu millat va xalqning milliy muomala madaniyatining muhim belgisidir. Jamiyatimizdagi bo'layotgan katta o'zgarishlar evfemizmlarga nazariy va amaliy jihatdan o'zgarishlar kiritib, davr talabiga mos izohli lug'atlarni mukammallashtirishni talab etmoqda [1]. Garchi o'zbek tili evfemizmlari tadqiqi yuzasidan ma'lum ishlar amalga oshirilganligiga qaramasdan evfemik graduonimiya hodisasining talqini ana shunday tadqiq etilishi lozim ishlardan deb aytish mumkin.

Til birliklari munosabatida qayd etiluvchi aynanlik va farqlilik tamoyili evfemik ma'nodosh leksemalar qatorida ham kuzatilib, o'zbek tili nutq madaniyatining eng yuqori ko'rinishi sifatida namoyon bo'ladi. Tilshunos O.Bozorov so'zning (leksemaning) mazmun tomoniga ham, moddiy tomoni (shakli) hisoblanuvchi tovush tomoniga ham o'zgarish, rivojlanish, demak, o'zgalanishlar xosligi, shu asosda yangi shakllanmalarining (leksema turlarining) vujudga kelishi tabiiy bir hol ekanligini qayd etib, bu jarayonni chizmada quyidagicha tasvirlaydi:

Mazmun(ma'no): aynanlik → farqlilik → ziddiyat.

Shakl (tovush qobig'i): aynanlik → farqlilik → ziddiyat [2].

E'tibor berilsa, leksemalarga xos aynanlik ularning zidlanishi uchun asos bo'lgan belgi – farqlilikka tomon o'sib boradi. Qo'llanilishi noo'rin bo'lgan so'zlarning o'rnida qo'llaniluvchi evfemik ma'noli ma'nodosh leksemalar ham nutqda yumshoq qo'llanilishi nuqtayi nazaridan ma'lum farqliliklarga ega. Masalan, biror bir kishining sog'ligida salbiy tomonga o'zgarish bo'lganligini anglatuvchi, to'g'ridan-to'g'ri aytish noqulay bo'lgan **kasal** leksemasi o'rnida ma'lum ma'noda yumshoq tarzda qo'llaniladigan **bemor/betob** → **mazasi yo'q** → **tobi qochmoq/sog'ligi yaxshi emas** kabi evfemik birliklar qatorida lug'aviy darajalanishni anglash qiyin emas. Ushbu evfemik sinonim qatorda kasallik mazmunining leksemalarda oshib borish holati salbiy holatga tomon kuchayib borayotganligini ko'rish mumkin.

Bu o'rinda sinonimik qatorda paradigma a'zolariga xos bo'lgan umumiy ma'no, ya'ni aynanlik bilan bir vaqtda, ularni bir-biridan farqlab turuvchi hamda ziddiyatga asos bo'luvchi farqliliklarning ham mavjud bo'lishini e'tirof etish lozim.

Aynanlik – narsaning o'ziga o'zi tengligi, uning ma'lum sifat va miqdor belgilari o'lchamida ma'lum shakl va mazmun mutanosibligida namoyon bo'lib, farqlilik bilan uzviy aloqada shakllanishiga zamin hozirlaydi [3].

Til sathi birliklarida kuzatiluvchi aynanlikni esa ularning ma'nosi, shakli, vazifasi, uslubiy belgisi kabilarning teng kelishida, o'zaro muvofiqligida ko'rish mumkin. Bu kabi aynanliklar, farqlanishlar bilan o'zaro aloqada bo'lib, bir-biriga nisbatan belgilanadi.

O.Bozorov bu haqda fikr yuritir ekan, farqlilik aynanlik doirasidagi nozik o'zgarishlarning bevosita kuchayib, rivojlanib borishi natijasida predmetning nisbiy o'zgachalik xususiyatlarini kasb eta borish holati ekanligini, u bir tomondan, aynanlik holati, ikkinchi tomondan, zidlik (boshqachalik, boshqa narsalarga aylanib bo'lganlik ko'rinishi bilan bog'liq bo'lgan oraliq shakllanish ekanligini

ta'kidlab, bunga tildagi sinonimiya, polisemiya hodisalari bilan bog'liq bo'lgan til birliklari misol bo'la olishini ko'rsatadi [2].

Demak, evfemik ma'nodosh leksemalar orasidagi farqlilik mavjudligi ziddiyatga yo'l ochuvchi, uni yuzaga keltiruvchi belgi bo'la oladi va bu belgi graduonimiyani yuzaga keltirishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu leksemalardagi farqlilik aynanlik zamirida yuzaga kelar ekan, bu ikki jihat doimiy muhim munosabatlar asosida paydo bo'ladi. Mana shunday farqlilik aynanlikdan sifat o'zgarishlari natijasi o'laroq o'sib chiqar ekan, bu jarayonda yangi bir mohiyatning yuzaga kelishi sodir bo'ladi. E.N.Millerning qarashlariga ko'ra, zidlilik aynanlikning dialektik inkori, aynanlikning noo'xshash ko'rinishidir. Zidlilik aynanlikdan variantlilik, farqlilik, orqali (tadrijiy "sakrash" yo'li bilan) hosil bo'lgan boshqa aynanlik, ya'ni, yangi narsa bo'lib, o'zidan keyingi "zanjirli" jarayonning (aynanlik → farqlilik → zidlilik) dastlabki xalqasini hosil qiladi [4].

Evfemik ma'noli leksemalar munosabatidagi o'zaro farqlanish tamoyili, ayniqsa, quyidagi birliklarda yorqin ko'zga tashlanadi.

Boshqacha aytganda, **unashtirmoq(uylantirmoq)** (qo'llanilishi andisha, tarbiya bilan bog'liq) leksemasi o'rinda qo'llaniluvchi **beshikkerti qilinmoq, atalmoq, patir ushatmoq/non sindirmoq, fotiha bo'lmoq** evfemik sinonim qatoridagi leksemalar semantikasida amalga oshirilayotgan harakat(fe'l)ning kuchayib, harakatning oddiy bosqichidan boshlab, harakatning jiddiy tus olish jarayonida ma'no va mazmun kuchayishini kuzatish mumkin. Bu esa evfemik sinonim qatorlarda ham darajalanish jarayoni mavjudligini ko'rsatib turibdi. Bunday graduonimik qatorlardagi evfemik sinonimlardan o'rinli foydalanishda tilimizning o'ziga xos xususiyatlarini yanada yaqqol his etishimiz mumkin. Ularni nutqimizda qo'llash nutqiy vaziyatga nisbatan evfemik darajalanuvchi har bir birlikni o'z mazmuniga mos tarzda tog'ri ishlatish lozimligiga olib keladi.

Xuddi shunday, evfemik sinonimlar qatorida ham oraliq holatning mavjud bo'lishi farqlilikni yuzaga keltiradi. Masalan, **bo'g'oz** (qo'llanilishi o'zaro hurmatsizlik bilan bog'liq juda ham qo'pol) so'zi o'rnida uning yumshoq ifodasi sifatida qo'llaniladigan **boshqorong'u bo'lmoq** → **ikkikat/homilador** → **yukli/og'iroyoq** sinonimik qatorida **ikkikat** va **homilador** birligi oraliq mavqeni egallaydi. Yoki **ersiz** so'zi o'rnida qo'llaniladigan **boshi ochiq** → **beva** → **tul** sinonimik qatorida **beva** leksemasi oraliq holatda turibdi deb aytish mumkin.

Bunday vaziyatda leksik birliklar anglatgan ma'noda belgining darajalanishi yuzaga keladi. Buning natijasida evfemik ma'nodosh qatorning boshlang'ich a'zolari va keying ma'nodosh variantlari o'rtasida belgi darajasiga ko'ra mazmun kuchayishi yuzaga kelishini anglash mumkin. Bu esa evfemik graduonim leksemalarda farqlilik xususiyatidan darak beradi. Jumladan, Жумладан, **boshqorong'u bo'lmoq va og'iroyoq** leksemalarida aks etgan **boshqorong'u bo'lmoq** belgisining kuchli darajadagi farqi bu leksemalarning daraja belgisiga ko'ra ziddiyatga kirishuvini anglatadi. Xuddi shunday, **boshi ochiq** → **beva** → **tul** sinonimik qatorida **boshi ochiq** va **tul** leksemasining ta'sirida yuzaga kelgan darajalanish oqibatida **boshi ochiq** va **tul** leksemalari munosabatida ziddiyat yuzaga kelganligini kuzatishimiz mumkin.

Anglashiladiki, nafaqat antonimik munosabatdagi qatorlarda, balki evfemik sinonimik qatorlarda ham (ayniqsa, belgining miqdoriy farqlanishini anglatuvchi sinonimlar qatorida) oraliq holatlarning yuzaga kelishi bu tipdagi leksemalar munosabatida evfemik graduonimiyaning shakllanishiga olib keladi.

Gradual sinonimiya til sathida farqlilikni yorqin aks ettiruvchi lisoniy hodisadir. B.Bulgarov qayd etganidek, gradual sinonimiyaning asosini baho va gradatsion belgining darajalanishidagi farqlilik tashkil etadi [5].

Gradual sinonimiyaning xarakterli jihati shundaki, unda aynanliklar sirasida miqdoriy farqlilik yuzaga keladi. Boshqacha aytganda, leksik sath birliklariga xos aynanliklar orasidan farqlanishlar ajralib chiqadi. Bu holat evfemik sinonim sathda graduonimiyaning shakllanishiga yo'l ochadi. O.Bozorovning fikricha, lug'aviy graduonimiya semantikasi izchilligining tub asosini materiyaning bir turdan ikkinchi turiga, shuningdek, bir tur ichidagi nisbiy holatdan ikkinchi xil ko'rinishga uzluksiz o'tish, aylanishlarning lug'aviy nominatsiyada in'kos etishi yotadi [2].

Anglashiladiki, leksik sathdagi gradual sinonimiya aynanliklarning farqlilikka o'tish jarayonini aks ettiradi. Gradual sinonimik qatorga xos muhim jihat shundaki, unda aynanlik belgisiga nisbatan

farqlilik belgisi ustuvorlik qiladi. Xuddi shu xususiyat evfemik graduonim qatorlarida ham aynanlikka nisbatan farqlilik xususiyatining yuqorilik belgisi sezilib turadi.

O'zbek tilshunosligida bu masalalar tahliliga ilk bor E.Begmatov, H.Ne'matov va R.Rasulovlar tomonidan yozilgan "Leksik mikrosistema va uning tadqiq metodikasi (sistem leksikologiya tezislari)" nomli maqolasida munosabat bildirilgan [6]. O.Bozorov [2], Sh.Orifjonova [7], N.Shirinova [8], J.Jumaboyeva [9], G'.Rahmonov [10]ning tadqiqotlari amalga oshirilgan. Yuqoridagi va shu kabi amalga oshirilgan tadqiqotlar natijasi o'laroq o'zbek tilshunosligida leksik sath birliklarining semantik munosabatida kuzatiluvchi belgining darajalanishi masalasiga doir nazariy konsepsiya ma'lum darajada shakllandi. Ammo bu boradagi muammolar to'liq yechimini topgan deb bo'lmaydi:

– Til birliklariga xos darajalanish belgisining izohli lug'atlarda aks etishi;

– Evfemik graduonimiya va uning leksikografik talqini;

– Badiiy matnlarda gradual birliklarning qo'llanilishi kabi qator o'rganilishi lozim bo'lgan maxsus tadqiqotlar o'z yechimini kutmoqda.

Sinonimik qatordagi darajalanish hodisasini aks ettiruvchi gradual sinonimiya umumiy ma'nosiga ko'ra birlashuvchi sinonimlar qatorida kuzatilar ekan, har bir sinonim turda uning namoyon bo'lishini maxsus o'rganish maqsadga muvofiq. Jumladan tadqiqotimiz ob'ekti hisoblangan evfemik ma'nodosh leksemalar qatorida graduonimiyaning yuzaga chiqishi alohida tadqiq ob'ekti sanaladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Турдимуродов С. Ўзбек тилининг изоҳли лугатларида эвфемик маънолар талқини. ф.ф.ф.д. ... дисс. – Термиз, 2022, – 154-б.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1999. – 29 б.
3. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975. – С. 596.
4. Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц // Филологические науки. – М., 1987. №6. – 44-49 с.
5. Булгарова Б.А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М.А. Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 19 с.
6. Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. Систем лексикология тезислари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. № 6. – 35-50 б.
7. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Филол.фан.ном. ...дис. – Тошкент, 1994. –104-109 б.
8. Ширинова. Н. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009, – 10-11 б.
9. Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. –18 б.
10. Раҳмонов Ф. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати. ф.ф.ф.д. ... дисс. – Фарғона, 2019, – 21-б.

UO'K 81-13

HISSIYOT TUSHUNCHASI VA HISSIYOTLAR LINGVISTIKASI

Z.H.Ubaydullayeva, tayanch doktorant, Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona

Annotatsiya. *ushbu maqolada emotsiya va hissiyot tushunchalarining lingvistikada o'rganilishi, atamalar o'rtasidagi o'xshash, farqli jihatlariga atroflicha to'xtalangan. Tilshunoslikda hissiyotlarning o'rganilishi, psixologiyadagi termin ta'rifi va bu mavzuda fikr yuritgan olimlarning nazariy qarashlari berilgan. Hissiyot tushunchasi va hissiyotlar lingvistikasiga oid yetarlicha ma'lumotlarni olishingiz mumkin.*

Kalit so'zlar: *his, hissiyot, emotsiya, tuyg'u, emotiologiya, emotologiya, emotsiologiya, motiv, retrospektiv hissiyot, prospektiv hissiyot.*

Аннотация. *В данной статье подробно рассматривается изучение понятий эмоции и чувства в лингвистике, сходства и различия между терминами. Приведены изучение эмоций в языкознании, определение терминов в психологии и теоретические взгляды ученых, размышлявших над этой темой. Вы можете получить достаточно информации о концепции эмоций и лингвистике эмоций.*

Ключевые слова: чувство, ощущение, эмоция, интуиция, эмоциология, эмотология, эмоциология, мотив, ретроспективная эмоция, проспективная эмоция.

Abstract. This article discusses in detail the study of the concepts of emotions and feelings in linguistics, the similarities and differences between the terms. The study of emotions in linguistics, the definition of terms in psychology and the theoretical views of scientists who reflected on this topic are given. You can get enough information about the concept of emotions and the linguistics of emotions.

Key words: feeling, sentiment, emotion, sense, emotiology, emotology, emotsiology, motive, retrospective emotion, prospective emotion.

So‘nggi yillarda tilshunoslikda emotsionallik yoki hissiyotlar inson ichki dunyosining tili va atrof olamga, voqelikka, odamlarga bo‘lgan munosabatni (yoqimli, yoqimsiz) tarzda aks ettiruvchi sub’yektiv psixologik holat sifatida ta’riflanmoqda.

Tadqiqotchi G.M.Nosirovaning fikriga ko‘ra, emosiyalar insonning ruhiyatigina emas, balki ongining ham asosidir. Ong va ruhiyat munosabati masalasi juda murakkab bo‘lib, psixologlarni qay birining yetakchiligiga oid muammolar o‘ylantirib keladi. Insonning ongosti tuyg‘ularini quyi bosqich (nizkiy uroven) sifatida baholash an‘anasi ancha keng tarqalgan: «Ongostida, ongdan farqli o‘laroq, inson tomonidan amalga oshirayotgan harakatlarini maqsadli nazorat qilish va uning natijalarini baholash imkoni yo‘q».[2,28] Inson va uning tili, unda ifodalanuvchi hissiy komponentlarni o‘rganish muammosi his-tuyg‘ular hamda tafakkur o‘rtasidagi munosabatlar haqidagi faylasuflar va psixologlarning uzoq davom etgan munozaralaridan kelib chiqqan. Tilshunoslikda esa bu muammo olimlarning tilning fundamental-kognitiv yoki hissiy-estetik vazifasi bilan bog‘liq holda lingvistik tadqiqotlar markazida bo‘lishi kerakligi haqidagi bahs-munozaralarda o‘z ifodasini topdi. Shu nuqta‘iy nazardan qaraganda til nafaqat ma'lumotni etkazish, balki so'zlovchining ichki hissiy dunyosini ifodalash uchun ham xizmat qiladi. Insonni hissiy taraflama o'rganishga bo'lgan ilmiy qiziqish olimlarni yillar davomida o'ziga jalb qilgan. Avvaliga his-tuyg'ular alohida fanlarning o'rganish obyekti bo'lgan: falsafa, psixologiya, tilshunoslik, keyinchalik fanlararo birlashmalar paydo bo'la boshladi, buning natijasida his-tuyg'ular filologlar, biologlar va boshqa mutaxassislar bilan birgalikda ko'rib chiqila boshlandi. Inson hayotida, shaxslararo muloqotda hissiyotlarning roli katta.

Inson hayotining hissiy tomoni barcha shakl va ko‘rinishlarda faoliyat bilan uzviy bog‘liqdir. Hissiyotlar insonning atrofda voqelik hodisalariga munosabatini ifodalaydi. Eng murakkab tizimlardan biri bo‘lgan insonning hissiy tizimi ko‘p qirrali, shu jumladan lingvistik tadqiqotlarni talab qiladi. Bugungi kunda his-tuyg‘ularni o‘rganish ushbu sohadagi dolzarb vazifalardan biridir. Bu hissiyotlar butun kommunikativ makonni qamrab olganligi bilan izohlanadi: siyosat, jurnalistika, jamoatchilik, kundalik va badiiy muloqot. Ular zamonaviy inson tafakkuri va lingvistik ongining eng muhim tarkibiy qismlariga aylandi. Tilshunoslik uchun hozirgi vaqtda hissiyotlarni semantik talqin qilish va turkumlashtirish muammosi eng muhim jihati sifatida e’tirof etilmoqda. Hissiyotlar voqelikni aks ettirish shakllaridan biri bo‘lib, ular inson mavjudligining ajralmas qismi bo‘lib, odamlar hayotida muhim rol o‘ynaydi. Voqelik narsa va hodisalarini bilish jarayonida biz ularga munosabat bildiramiz, o‘z munosabatimizni turli ko‘rinishlarda, his-tuyg‘ularda ko‘rsatamiz, bu esa, shubhasiz, tilda o‘z ifodasini topadi. Bunday ko‘rinishda, his-tuyg‘ular o‘zida insonning ma’naviy va kognitiv faoliyatining murakkab mahsuli ekanligini yana ham yorqinroq ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi. Ularning tilda aks etish usullarini o‘rganish emotsionallikni o‘rganishning lingvistik metodlarini yanada rivojlantirish nuqtai nazaridan alohida ahamiyatga ega.

Hissiyotlar lingvistikasi psixologiya va tilshunoslik chorrahasida paydo bo‘lib, ko‘plab ko‘zga ko‘ringan tilshunos olimlar (N.A.Krasavskiy, E.Yu.Myagkova, V.I.Shaxovskiy)ning tadqiqot sohasiga aylandi. 20-asr oxirida V.I.Shaxovskiy tilshunoslikka “emotiologiya” atamasini kiritdi. Bu yo‘nalish hissiyotlarning inson faoliyatidagi o‘rnini o‘rganadi. Faqatgina insonning hissiy tajribasi haqida tasavvurga ega bo‘lgan holda, biz uning kim ekanligini bilamiz, deb ma’lum darajada aniq aytishimiz mumkin. Aloqa jarayonida hissiy reaksiyalarda insonning qadriyatlarini va maqsadlarini namoyon bo‘ladi. Hissiyotlarni tushunish-shaxsiyatni tushunishning kalitidir. Bu atamaning kiritilishi

nafaqat bizning his-tuyg'ularimiz va hissiy holatimizni, balki suhbatdoshning lingvistik aks ettirish darajasini aniqlashga imkon berdi.

Hissiyot so'zi arab tilidan [a. His-tuyg'ular va ularga berilganlik, hissiy holatlar] kishi ruhiyatida sodir bo'ladigan hissiy holat, shaxsni voqelikdagi narsa va hodisalarga kishilarga hamda o'z-o'ziga bo'lgan munosabatlaridan kelib chiqadigan kechinmalari.

Tuyg'u-1.fiziol. Tashqi ta'sirni sezish, his qilish, qabul qilib olish qobiliyati, sezgi. *Tuyg'u yordamida biz issiqni yoki sovuqni his qilamiz.* [Zoologiya]

2. Ruhiy yoki jismoniy kechinmalar, his-tuyg'ular majmui; his-hissiyot, his-tuyg'u. Nafis tuyg'u. Ishonch tuyg'usi. Do'stlik tuyg'usi. Og'riq tuyg'usi. A.Qahhor. Qo'shchinor chiroqlari.

Emotsiya so'zi lotincha *emovere* –qayg'urmoq, hayajonlantirmoq fe'lidan olingan. Emotsiyalar - bu “(odamlar va hayvonlardagi) ruhiy jarayonlar va holatlarning maxsus sinfi bo'lib, instinktlar, ehtiyojlar, motivlar bilan bog'liq va to'g'ridan-to'g'ri tajriba ko'rinishida (qoniqish, quvonch, qo'rquv va boshqalar) shaxsga ta'sir qiladigan hodisalar hamda vaziyatlarning ular hayotini amalga oshirishdagi ahamiyatini aks ettiradi ” [4, 263]

Ko'rinib turibdiki, har bir atama deyarli bir xil mazmuni anglatmoqda, lekin ayrim nuqtalarda ulardan biri torroq, biri esa, kengroq ma'noni barcha atamalarni qamrab, umumlashtirayotganini sezish mumkin. His va tuyg'u termini torroq ma'noda, ya'ni fiziologik jihatdan matnlarda, kommunikativ vaziyatlarda qo'llaniladi. Emotsiya va hissiyot atamaları esa, kengroq, yuqoridagi ikki termini ham o'zida jamlagandek.

Hissiyot tushunchasining mohiyatini aniqroq tushunish uchun uning boshqa fanlardagi o'rganilishiga nazar solish zarur. L.Yelmslev tilga insoniyatning dunyo to'g'risidagi tasavvuri va bilimi manbaisifatida qaraydi: “Belgilar tizimi va turg'un tuzilma bo'lmish til inson tafakkuriva psixologiyasini bilish kalitidir. Til shuningdek millatni tavsiflashga xizmat qiladi” [L.Yelmslev 1960:115].

Hissiyot tushunchasiga turli fan adabiyotlarida turlicha ta'riflar uchraydi jumladan;

A.V.Petrovskiy tahriri ostida chiqqan «Umumiy psixologiya» darsligida hissiyot –kishining o'z hayotida nimalar yuz berayotganiga, nimalarni bilib olayotganiga yoki nima bilan mashg'ul bo'layotganiga nisbatan o'zicha turli xil shaklda bildiradigan kichik munosabatdir. M.Vohidovning «Bolalar psixologiyasi» o'quv qo'llanmasida hissiyot deb – tashqi olamdagi narsa va hodisalarga bo'lgan ichki kechinmalarimizning ongimizda aks ettirilishga aytiladi. Q.Turg'unov muallifligidagi lug'atda hissiyot-shaxsning voqelikdagi narsa va hodisalarga, kishilarga hamda o'z-o'ziga bo'lgan munosabatlarida kelib chiqadigan yoqimli yoki yoqimsiz kechinmalardan iborat. Professor E.G'oziyev muallifligidagi «Umumiy psixologiya» darsligida hissiyot odamda, tirik mavjudotlar miyasida, ya'ni shaxslarning ehtiyojlarini qondiruvchi va unga monelik qiluvchi obyektlar nisbatan uning munosabatlarini aks ettirish ma'nosida qo'llaniladi. Yuqoridagi ta'riflardan ko'rinib turibdiki, hissiyot bizning tuyg'ularimizning o'ziga xos aks ettirish jarayoni bo'lib, bunda narsa va hodisalarni aks ettirish jarayonida bizda tug'iladigan ichki kechinmalar va munosabatlar aks ettiriladi. Demak, hissiyotlar o'z-o'zidan yuzaga kelmasdan, tashqi olamdagi narsa va hodisalarning ta'siri bilan bog'liq ravishda yuzaga keladi. Adabiyotlarda hissiyot bilan birga emotsiya tushunchasi ham keng doirada qo'llaniladi. Aynan emotsiya tushunchasining mazmuni nimadan iborat va hissiyot tushunchasi bilan o'zaro bog'liqligi qanday degan savol tug'iladi? Shunga muvofiq emotsiya tushunchasining mazmun mohiyatini yoritadigan bo'lsak; jumladan professor E.G'oziyevning “Umumiy psixologiya” darsligida emotsiya-odatda tashqi alomatlarini yaqqol namoyon bo'ladigan his-tuyg'ularni, ichki kechinmalarni ifodalashidan iborat psixik jarayonni yuzaga kelishining aniq shaklidir, deb ta'riflanadi.

Hissiyotlar, ruhiy holatlar inson tafakkuri va tilida aks etadi. Tilda aks etgan hissiy holatlar o'z xususiyatlariga ega. Hissiyotlar inson bilish jarayonida motiv (maqsad) bo'lib xizmat qiladi, shaxs ichki dunyosini belgilab beradi. Tashqi dunyoni idrok etishda ichki dunyo katta ahamiyat kasb etadi. “Hissiyotlar nafaqat inson ichki dunyosidagi voqe'lik aks etishining bir shakli, balki hissiyotning o'ziham shaxs munosabatini ifoda etish vositasidir ” [Shaxovskiy 1987:186].

Hissiy reaksiyalarning soni va turlari haqidagi savol uzoq vaqtlardan buyon muhokama qilinadi. Qadimgi yunon stoitsizm falsafiy maktabi vakillari ikkita yaxshilik va ikkita yomonlikka

asoslangan his-tuyg'ularni to'rtta asosiy ehtirosga bo'lish kerakligini ta'kidladilar: istak va quvonch, qayg'u va qo'rquv. R. Dekart oltita asosiy ehtirosni tan oldi: ajablanish, sevgi, nafrat, istak, quvonch va qayg'u. Ushbu nazariyalar insonning hissiy sohasining zamonaviy diskret modelining prototiplari edi. Bu qarashlarga ko'ra, his-tuyg'ular asosiy (yoki bazaviy) va o'zgaruvchan bo'linadi. Asosiy his-tuyg'ular barcha odamlarga xos bo'lib, turli madaniyat vakillarida bir xilda namoyon bo'ladi, o'zgaruvchan his-tuyg'ularning tashqi ko'rinishi madaniy jihatdan belgilanadi vakelishilgan yoki individual bo'lishi mumkin.

Biroq, turli mualliflarda turli xil asosiy his-tuyg'ularni nomlash hamda tartiblash mavjud. Bu mavzuda tadqiqot olib borgan olimlarning farazlariga ko'ra - ikkitadan o'ngachabazaviy(yoki asosiy) hissiyotlar mavjud. Pol Ekmaning fikriga ko'ra, oltita asosiy hissiyotlar mavjud: qoniqish, qiziqish, ajablanish, qayg'u, g'azab va qo'rquv. Kerroll Izard o'nta asosiy his-tuyg'ularni nomlaydi: g'azab, nafrat, jirkanish, qayg'u-azob, qo'rquv, aybdorlik, qiziqish, quvonch, uyat, ajablanish [6,131-138]. Tuyg'ularni tasniflash va bu yo'nalishda tadqiqot olib borgan, dolzarbligi bo'yicha o'z qarashlarini taklif qilgan olimlar yetarlicha. Shunday qilib, masalan, T.Braun klassifikatsiyani vaqt belgisi yoki unsuriga asosladi, His-tuyg'ularni bevosita bo'lganlarga ajratdi. Namoyon bo'lish davriga ko'ra retrospektiv (o'tmish haqida) va istiqbolli, prospektiv(kelajak haqida) hissiyotlar borligini ta'kidladi. Shunday qilib, biz barcha his-tuyg'ularni tavsiflashga qodir bo'lgan yagona tasnif haqida emas, balki ularning har biri his-tuyg'ularni guruhlariga birlashtiradigan va bir vaqtning o'zida boshqa guruhlardan ajralib turadigan ba'zi bir xususiyatni ta'kidlaydigan ularning tasniflari haqida gapiramiz, degan xulosaga kelishimiz mumkin. Bunday belgilar tashqi ko'rinish mexanizmlari, hissiy reaksiyalarni keltirib chiqaradigan sabablar, tajribalar belgisi, ularning intensivligi va barqarorligi, hissiyotlarning inson xatti-harakati va faoliyatiga ta'siri bo'lishi mumkin. [9, 35]

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, hissiyotlar va hissiyotlar lingvistikasi tilshunoslik uchun yangicha obyekt bo'lishi mumkin. Lekin azal-azaldan u barcha fanlarning asosi bo'lib kelgan. Xususan, falsafa va psixologiyaning. Tilshunoslik bu yo'nalishga e'tibor qaratganiga uncha ko'p bo'lmadi. Shunday bo'lishiga qaramay, bu yo'nalishda jahon tilshunosligida yetarlicha tadqiqot ishlari ko'plab tilshunos olimlar tomonidan qilingan. O'zbek tilshunosligida hissiyotlar lingvistikasiga oid bir nechta tadqiqot ishlari, dissertatsiyalar ilm olamiga keyingi o'n yillikda taqdim etilgan bo'lishiga qaramay, bu yo'nalish ko'plab tilshunos olimlar sintaksis, stilistika bo'limlarining tahlilida badiiy tasvir vositalari, sintaktik figuralar qismida emotsional-ekspressiv bo'yoqdorlik deb qisqa to'xtalib o'tgan. Masalan, Adham Abdullayevning "O'zbek tilida ekspressivlik ifodalashning sintaktik usuli" (Toshkent,1987) risolasida hissiyot ifodalashni turli verbal va noverbal ko'rinishlarini tahlil qilgan. Hatto, "jest" va "mimika"larga ham alohida to'xtalib o'tgan. Biz keyingi tahliliy ishlarimizda yuqoridagi mavzularga yanada ko'proq e'tibor qaratamiz va amaliy tadqiqot ishlarini sizga yetkazishga harakat qilamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Красавский Н. А. Эмоциональные концепты в немецкой и русской лингвокультурах: монография. Волгоград: Перемена, 2001. 495 с. Шаховский В. И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка. Воронеж, 1987. 192 с. Изард К. Э. Эмоции человека. М., 1980. 954 с.
2. Общая психология. Москва. Просвещения, 1986 – С.28.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006.
4. Мещеряков Б.Г., Зинченко В.П. Большой психологический словарь. – М.: Прайм-Еврознак, 567, 2003
5. T.R. Bekmirov., Shaxsning emotsional irodaviy holatlari.-T., 2022.
6. Ильин Е.П. Эмоции и чувства. – СПб.: Питер, 2001.
7. Галкова И. А. Языковые средства выражения эмоций в произведении Д.Дюморье.- Таверна«Ямайка»,- 2015.
8. Боженова.А.В. Особенности выражения эмоций в диалогической речи немецкого языка.- Белгород., 2019.
9. Филипова А.К. Анализ функционирования категории эмотивности в художественном тексте путем анализа реализации эмотивно-прагматической установки: курсовая работа/Филипова А.К.; СПб. Государственный университет. – СПб, 2011.
10. Мадаминава Н.Г. Оламининг лисоний манзарасида эмотионал концептлар. Филол.фан. д-ри. ...(DS) дисс. – Тошкент, 2021. 20 -21б.
11. Ubaydullaeva, Z. (2022). The study of emotions in linguistics. Conferencea, 159

12. Qizi, Y. Z. H., & Qizi, Q. M. U. B. (2020). New directions of linguistics theory of speech acts. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(6), 165-171.

UO'K 811.111'276.6:615+811.161.1'276.6:615

TIBBIYOT SOHASI MISOLIDA TERMIN VA TUSHUNCHA MUNOSABATI

Sh.E. Xusainova, o'qituvchi, Urganch Davlat Universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada tillarning hilma hilligi va shunga qaramasdan turli tillarga sohaga oid so'zlarning tarjima qilinish uslublaridagi o'xshashliklar haqida ma'lumot beradi.

Kalit so'zlar: termin, terminus, atama, istiloh, musculus, morfyum, Rentgen, endoskopik, mikraskopik, MRT, MSKT, shiprits stilizator, circumcision.

Аннотация. В данной статье представлена информация о многообразии языков и, несмотря на это, сходстве способов перевода слов, относящихся к данной области, в разные языки.

Ключевые слова: термин, инвазия, musculus, morphium, рентген, эндоскопический, микроскопический, МРТ, МСКТ, шприц стиллизатор.

Abstract. This article provides information about the diversity of languages and, despite this, similarities in the ways of translating words related to the field in different languages.

Key words: term, terminus, term, invasion, musculus, morphium, X-ray endoscopic, microscopic, MRI, MSCT, syringe stylizer, circumcision.

Barchamizga ma'lumki, til insonni boshqa hayvonot va nabotot olamidani ajratib turadigan eng muhim jihatlardan biri bo'lib, u inson ijtimoiy hayotidagi eng muhim omillardan biridir. Tilsiz ilmfanning hech bir sohasida bironta muvaffaqiyatga erishib bo'lmaydi. Shu o'rinda bashariyat tarixiga nazar soladigan bo'lsak, 7 mlrd. dan oshiq xalq va 7 mingga yaqin tillar mavjud bo'lib ular ba'zi jihatlardan bir biridan tubdan farq qilsa qaysidir jihatlardan bir biriga aloqadordir. Ko'p tillarga ega bo'lishning asosiy sabablaridan biri bu masofa va vaqtdir. Va ularning soni va hilma hilligining sababi insoniyatning o'zi kabi qadimgidir. Insoniyatning o'zi singari tillar doimiy ravishda va turli yo'llar bilan o'zgarib turadi. Zamon va makonga hos bo'lgan o'zgarishlar natijasida jumladan hayotimizga ilm-fan, madaniyat, ishlab chiqarish kabi sohalarning rivojlanishi natijasida yuzaga keladigan yangi so'zlar va iboralar paydo bo'ladi yoki boshqa ayni davrda muloqatda foydalanilmaydiganlari esa muomaladan chiqarilib borilaveradi.

Hammaga ma'lumki hatto bir mamlakat ichida ham odamlar bir-birini tushunmasdan, turli lahjalarda gaplashishi mumkin.

Vaqt o'tishi bilan so'zlar o'z ma'nosini o'zgartiradi yoki yangi ma'nolarni rivojlantiradi, nutq tovushlari va intonatsiya doimiy ravishda o'zgaradi. Biroq, ehtimol, til o'zgarishidagi eng asosiy o'zgarishlar asta-sekin an'anaviylashtirishdir: muloqot shakllari dastlab moslashuvchan bo'lib, vaqt o'tishi bilan ular tobora barqaror, odatiy holga keladi va ko'p hollarda majburiy bo'lib qoladi. Bu o'z-o'zidan sodir bo'ladigan tartibdir: dastlabki chalkashlikdan vaqt o'tishi bilan tobora o'ziga xos naqshlar paydo bo'ladi. Bu yerda umumiy qonuniyat shundan iboratki, bir tilda muloqot qiladigan kishilar guruhlarini masofaga qarab ajratilsa, ularning shevalari ham turli yo'nalishlarda rivojlanishi mumkin. Va vaqt o'tishi bilan ular ikki xil, ammo o'zaro bog'liq tillarda gaplashadilar.

Til taraqqiyotining har 1 bosqichida lug'at tarkibida eski qatlam, yangi qatlam, zamonaviy qatlam so'zlari mavjud bo'ladi.

Turli yillarda va turli millatlar o'z tillariga muntazam turli hil o'zgarishlar kiritilib kelmoqda va bu hamma tillar bir biri bilan uzviy bog'liq ekanining yaqqol isbotidir.

Shu o'rinda har bir tillarning katta oilasi va ulardagi o'xshashliklar va nomutanosibliklarga qaramasdan har bir xalqning o'z tilida yaratilgan hamda boshqa tillarga aslidan unchalik farq qilamagan holda ya'ni ma'no va mazmun jihatdan qolishmaydigan tarjimalari va nusxalari borligini takidlab o'tish kerak. Va ushbu asarlarni tarjima qilish asnosida albatta u qaysi soha yoki mavzuga doiriligiga qarab shu yo'nalishdagi turli termin ya'ni atamalarga duch kelinishi aniq. Biz bilamizki

termin lotincha **terminus**-chegara, had degan ma'nolarni berib, bilim yoki faoliyatning maxsus sohasiga doir tushunchani ifodalovchi so'z yoki so'z birikmasi bo'lgan so'zlarga aytiladi.

Hozirgi kunda «Termin» so'zi bilan bir qatorda «atama», «istiloh» so'zlari ham ayni ma'noda qo'llanmoqda. Lekin ular «Termin» so'zining hos ma'nosini to'liq ifoda eta olmaydi. «Atama» so'zi keng ma'noda bo'lib, geografik obyektlar, atokli nomlarga nisbatan qo'llanadi. «Istiloh» so'zini esa Termin ma'nosida tarixiy mavzulardagi matnlar masalan adabiyot tarixi, sharq falsafasi va boshqalarda bemalol qo'llash mumkin.

Terminlar va umumiste'moldagi so'zlar bir-birini to'ldiradigan leksik birliklardir. Sistem xarakterga egalik, o'z terminologik maydonida bir ma'nolilikka moyillik, his tuyg'uni ifodalamaslik, uslubiy betaraflik kabilar termin so'zlarga xos xususiyatlardir. Biologiya, matematika va tilshunoslikda qo'llanadigan «funksiya» so'zini ko'p ma'noli termin sifatida emas, balki terminologik omonimlar, sohalararo sodir bo'lib turadigan reterminologik jarayon (bir soha terminining ikkinchi soha termini sifatida qo'llanishi) hosilasi tarzida qaraladi. Shuningdek umumxalq leksikasiga doir qonuniyatlar ham termin hosil bo'lishida kuzatiladi. Masalan kundalik turmushda keng iste'molda bo'lgan so'zlar bir vahtning o'zida turli sohalarga doir terminlar hamdir. Misol tariqasida olib qaraydigan bo'lsak, o'zbek tilidagi mushak so'zi lotin tilida “musculus” bo'lib tibbiyotda deyarli barcha tillarda “muskul” deb ishlatiladi. Bu so'z oddiy hayot faoliyatimizda shunchaki tanadagi mushuklar ayniqsa qo'l oyoqdagi mushaklarga nisbatan qo'llanilsa tibbiyotda esa muskullarning turlari juda ko'p bo'lib ular bir biridan tuzilishi va vazifasiga ko'ra tubdan farq qiladi. Ya'ni ushbu termin tibbiyotda bir necha turlarga bo'linadi: sklet mushaklar, yurak mushaklar va silliq mushaklarga ajratilgan. Yoki quloq, burun, tomoq kabi so'zlar kundalik hayotimizda oddiy tana a'zosining bir qismi sifatida qaralib qo'llanilsa tibbiyotda esa inson anatomiyasiga doir so'z sifatida qo'llaniladi.

Demak biz hayot faoliyati davomida ishlatadigan ko'pchilik so'zlar aslida termin bo'la oladi desak mubolag'a bo'lmaydi. Misol uchun: gilam, sholcha, palos — gilamdo'zlik; kitob, ruchka, daftar — pedagogik soha va hakazo so'zlar umumxalq tilida faol qo'llaniladigan terminlardir.

Shuni alohida takidlash joizki boshqa soha va kasblarga solishtiradigan bo'lsak meditsina sohasi juda ham konservativ soha bo'lib unda o'zgarishlar juda kamdan kam uchraydi. Yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek tildagi o'zgarishlar asosan zamon rivojlanishi natijasida bazi so'zlaning eskirib qo'llanilmasligi yoki ayni paytda ularning o'rniga yangi so'zlarning kirib kelishini asos qilib qilib oladigan bo'sak tibbiyotda bu hodisaga juda kam hollarda guvoh bo'lamiz.

Ammo shunday bo'lishiga qaramasdan ushbu soha ham barcha sohalar qatori kundan kunga rivojlanishi natijasida ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritib kelmoqda ya'ni tibbiyotdagi kashf qilinayotgan turli hil yangiliklar o'zi bilan birgalikda sohaga yangi so'zlarni va terminlarni olib kirmoqda.

Medisinadagi sodir bo'lishi mumkin bo'lgan asosiy o'zgarishlarni quyidagi 3ta yo'nalishda ko'rishimiz mumkin.

Birinchi, davo muolajalarida qo'llaniladigan preparatlar: ularni asosiy tarkibi o'zgarimasdan qoladi lekin turli farmaseptik firmalar tomonidan ularning o'rindoshlari turli bir biriga yaqin bo'lgan nomlar bilan ishlab chiqarilishi mumkin va shuni natijasida davolash jarayoniga yangi nomlar kirib keladi. Qachonki yangi 1 turdagi yoki tarkibdagi preparat yaratilsagina yangi nom emas balki termin paydo bo'lishi mumkin. Masalan “**morfyum**” kimyoviy moddasi tahminan 300 yil oldin kashf qilingan bo'lib shu paytdan beri turli nomdagi dori va ineksiyalarda qo'llaniladi ammo vazifasi 1 hil.

Ikkinchi, tashhishlash uchun qo'llaniladigan apparaturalarda: tashhishlash yanada oson va aniq bo'lishi maqsadida qo'shimcha aparatlarining nomi va vazifasi deyarli o'zgaray qoladi ammo ulardagi funksiyalarning takomillashishi natijasida yangi qurulma yoki qo'shimcha detallar kiritilishi natijasida ushbu jarayonga ham yangi nomlar kirib keladi. Masalan nurli tekshirish usullaridan ilgari faqat **Rentgen** aparati bo'lgan bo'lsa bugungi kunda uni yanada takomillashtirib 3D rentgan-3 o'lchamli rentgenlarga o'zgartirilga. Bundan tashqari hozirda uning boshqa takomillashgan turlari **MSKT**-multi sqayner kompyuter tomografiya va **MRT**-magnit rezanans tomografiya kabilar nurlu tekshiruv turi hisoblanadi.

Uchinchi, terapiya va jarrohlik sohalarida: davolashdagi yana bir muhim yo'nalish bisoblanmish jarrohlik amaliyotlarida ham eski an'anaviy usullardan yangi **endoskopik va**

mikraskopik jarrohlik-kam jarohatli usullarga o'tilgan. Ya'ni bunda operatsiya jarayonida butunlay boshqa apparatura va uslublardan foydalaniladi.

Shu bilan birga bu sohada ham yuqorida ko'rsatilgan sabablarga ko'ra bugungi kunga kelib umuman ishlatilmay qo'yilgan va eskirgan so'zga aylangan terminlar ham mavjud. Bunga misol tariqasida "**shprints stilizator**"lar yani shprintsni stilizatsiya qilish uchun qo'llaniladigan tokda yoki boshqa uslubda qaynatish uchun mo'ljallanda anjomni aytishimiz mumkin. Hozirda nafaqat shprints stilizator va bunday shisha shprintslar umuman qo'llaniymaydi ularning o'rniga 1 martalik kauchok shprintslardan foydalaniladi.

Bundan tashqari har qanday yangi paydo bo'lgan soha yoki yo'nalishdagi so'zlarning ham deyarli yarmi tabiiyki tilga yangi kiritilgan so'zlar bo'lishi mumkin lekin bularning ham asl negizi yani o'zagi shu soha bilan bog'liq bo'lgan yoki shunga juda yaqin bo'lgan sohadan kelib chiqqan bo'ladi. Biz bilamizki so'zlarning morfolagik tahlil qilinganda so'zlar turli usullarda turlanadi, tuslanadi va so'z qurilishida muhim ahamiyatga ega so'z yasovchi va shakl yasovchi qo'shimchalar ishtirok etadi. Ma'lum bir sohaga tegishli bo'lgan termin so'z boshqa tillarda ham bir hil ishlatilinishi yoki butunlay boshqacha so'z bilan ifodalanishi mumkin. Bundan tashqari so'zning o'zagi saqlanib qolib faqat shu tilga hoz qo'shimchalar qo'shilgan bo'lishi mumkin. Bu holat ko'pincha jinsni anglatuvchi qo'shimchalarda namoyon bo'ladi.

Shuni ham takidlash joizki ba'zi kasblar faqat makonga yoki zamonga hos hisoblanib ushbu sababdan ularni boshqa tillarda uchratmasligimiz mumkin. Masalan zamonga hos so'zlardan: Xon yoki xoqon, mirob, feadal va shu kabi boshqaruv bilan bog'liq bo'lgan so'zlar o'sha davrdagi boshqaruv tizimiga oid so'zlar bo'lib bugungi kunda butun dunyo boshqaruv tizimi tubdan o'zgarib bu so'zlar hozirda ishlatilmaydi. Buni biz tepada eskirgan so'zlar misolida ham ko'rib o'tdik. Endi makonga hos bo'lga soha so'zlariga kelsak bunda quyidagi so'zlar misol bo'la oladi: zardo'zlik, halfa, baxshi, cho'girmachilik kabi so'zlar. Makonga hos so'zlar faqat ayni shu hududda ishlatilib boshqa xalqlarda bu buyum yoki kasm bo'lmasligi bilan ifodalaniladi. Bunday misollarni tibbiyotda ham ko'plab uchratishimiz mumkin. Masalan: circumcison- xatna qilish-bu so'z asosan faqat musulmonlar yashovchi hududlarda uchrab boshqa din vakillari ko'p istiqomat qiluvchi hududlarda ishlatilmasligi yoki boshqa ma'noda qo'llanilishi mumkin.

Yuqorida keltirilgan fikrlarning misollaridan kelib chiqib hulosa o'rnida shuni aytish joizki hatto o'zgarimas termin so'zlar ham yangilanishi va yangi maqsadlarda qo'llanilishi mumkin ekan. Demak zamon o'zgarishi barcha narsa qatorida tilga ham o'z ta'sirini ko'rsatib uni ham o'zgarishiga olib keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. A.Ahmedov: "Odam anatomiyasi".2018y.
2. Soha lingvistikasi: Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari.2021y Buxoro(xalqaro ilmiy amaliy konfernsiya)
- 3.M.N. Israilova. "Lotin tli va tibiy farmasevtik terminalogiya asoslari". Toshkent 2016y.
4. Xusainova Sh. "How did the world's languages develop or why don't we all speak the same language" mavzusidagi maqola.2022y.
5. Xusainova Sh. "Qutadg'u biligning inglizcha tarjimasida terminlar ifodasi usullari" mavzusidagi dissertatsiyasi.2021y.
6. M.Mustafayeva, N.Mustafayeva "Language development. Internal laws of language development"

УЎК 808.3

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТЎСИҚСИЗЛИК КОНЦЕПТИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР

М.А.Абдувалиев, проф., Андижон давлат чет тиллари институти, Андижон

Аннотация. Мақола ўзбек тилида ички ва ташқи оламдаги мавжуд универсал тўсиқсизлик муносабатлари, улар билан боғлиқ концептуал семаларни воқелантирувчи лексик бирликлар, уларнинг дериватлари, тузилиши билан боғлиқ қатор масалалар тадқиқига бағшланган.

Калит сўзлар: концепт, тўсиқсизлик концепти, имплицит, эксплицит, сўз-репрезентант, дериват, сема, лексик бирликлар, аналитик шакл, модел.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению лексических единиц и их дериватов, которые вербализируют уступительные отношения и концептуальной семантики, а также ряд других вопросов, непосредственно связанных с исследуемой темой в узбекском языке.

Ключевые слова: концепт, концепт уступительности, имплицит, эксплицит, слово-репрезентант, дериват, сема, лексические единицы, аналитическая форма, модел.

Abstract. The article is devoted to the study of the lexical units and their derivatives that verbalize concessive relations existing in the inner and outer world, semantics and a number of issues that directly connected with the topic in Uzbek.

Key words: concept, concept of concession, implicit, explicit, word-representant, derivatives, seme, lexical units, analytical form, model.

Универсал концептлар сирасига кирувчи тўсиқсизлик концепти ташқи ва ички оламдаги мавжуд муносабатлар концептуал манзарасини ташкилловчи умумий ва хусусий белги-хусусиятлар мажмуидан иборат бўлади. Бундай белги-хусусиятлар тўсиқсизлик концептини лексик сатҳ бирликлари орқали вербаллашуви ва бошқа вербал воситаларнинг семантик ва структур жиҳатлари нафақат ўзбек, балки бошқа тилларда ҳам махсус тадқиқотларнинг объекти сифатида ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ўзбек тилида тўсиқсизлик концептининг сўз номинантлари мақомига эга лексик бирликлар таҳлилга юзланамиз. **Рухсат** от лексемаси ижозат, изн ва ижозат (розилик) хати маъноларига эга бўлиб унинг бош ва ҳосила маънолари ЎТИЛда куйидагича таърифланган: 1. Бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга таалуқли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот ва шу кабилар томонидан берилган ижозат, розилик жавоби [ЎТИЛ 3 жилд: 2020: 399]. **Рухсат** лексемаси **бермоқ**, **олмоқ** кўмакчи феъллар билан бирикиши орқали кўмакчи феълли аналитик шакллар ҳосил бўлади ва тўсиқсизлик маъноси имплицит равишда ўз ифодасини топади: *Ота-онам руҳсат берди; Рухсат, эртага чойни ўрдага келиб ичинг!* (А.Қодирий. Ўткан кунлар). Тўсиқсизлик етакчи феълнинг руҳсат сўраб, руҳсат олгач, руҳсати билан каби шаклларида ҳам намоён бўлади: Ўқитувчидан руҳсат сўраб хонадан чиқдим. Ушбу лексема гап таркибида кесим вазифасида келганида ҳам тўсиқсизликни ифодалаб келади. Бунда кимгадир ижозат, жавоб бериш маъноси англашилади: *Сизга руҳсат!* **Рухсат** сўзи кесим вазифасида келганда сўроқ гап шаклидаги гап тўсиқсизлик маъносини англатмаслигини таҳлиллар кўрсатди. *Менга руҳсатми, бек?* [ЎТИЛ 2020: 399]. Ушбу от лексема **руҳсатнома** (ёзма равишда берилган ижозат, руҳсат, лицензия), **руҳсатномасиз** (махсус руҳсатномаси, лецензияси бўлмаган), **руҳсатсиз** (руҳсат сўрамай, руҳсат берилмагани ҳолда, ижозатсиз, руҳсати йўқ ҳолда, руҳсат олмасдан) дериватларига эга: *Навбатчи полициячилар руҳсатномани кўриб, бизни ичкарига қўйишди* [Фан ва турмуш]; *Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз* (А.Қодирий. Ўтган кунлар)

Таҳлиллар **руҳсат сўрамай** маъноси **берухсат**, **ижозатсиз**, **ижозат олмай** ёрдамида ҳам ифодаланиши ва улар ўзаро маънодошлигини кўрсатди. Шу маънода **руҳсат**, **изн** ва **ижозат**, **руҳсатнома**, **ижозатнома** ва **изн** синонимлик мақомига эгалар. Қийёсланг: *Берухсат кирманг!* = *Рухсатсиз кирманг!* = *Ижозатсиз кирманг!* ёки, *Бундай ишларни қилиш учун руҳсат керак* = *Бундай ишларни қилиш учун руҳсатнома керак* = *Бундай ишларни қилиш учун ижозатнома керак* ва бошқалар.

Жавоб полисеманти уч маъноли от сўзнинг учинчи ҳосила маъноси руҳсат ва изндир. Шу маънода **жавоб**, **руҳсат**, **изн** маънодош лексемалардир: *Сизга руҳсат* = *Сизга жавоб*. **Жавоб** лексемаси **-сиз** суффикси билан бирикиб ҳам тўсиқсизликни имплицит равишда ифода этади ва бу ҳолда **руҳсатномасиз**, **ижозатсиз** лексемалар билан маънодошлик касб этади: *Ишдан жавобсиз кетиб қолибсиз* = *Ишдан руҳсатсиз кетиб қолибсиз* = *Ишдан ижозатсиз кетиб қолибсиз*. Бундай маънодош туб ва дериват лексемалар у ёки бу нутқ услубига хосланганлиги билан ўзаро фарқланадилар. Масалан, **руҳсат**, **руҳсатнома**, **руҳсатсиз** кўпроқ расмий услубга хос бўлса, **изн**, **изнсиз** бадий нутқ услубига, **жавоб**, **жавобини бермоқ** (олмоқ) бадий ва сўзлашув услубига хосдир. **Жавобини бермоқ** (қўйиб юбормоқ, ажралишмоқ) фразеологик бирикмасида ҳам тўсиқсизлик семаси мавжуд: *Фарзандсизлик*

туфайли эри жавобини бериб юборган бир бевага уйланди. (Шухрат, Жаннат кидирганлар). **Рухсат** ва унга маънодош лексик бирликларнинг дериватлари **N, N+N=N, N+V=CW, N+N+Suf.=Adj., N+Suf.=Adv., N+Suf.=Adj., Pref. бе-+Nси=Adv.** моделларига эга бўлиб улар орасида сўнги тўрттаси омомоделлардир.

Шу тоифа лексемалар туркумига эрк от лексемаси ҳам кириб, у кишининг ёки кишиларнинг ўз хоҳиши билан ҳатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқи, ихтиёр, майил (ҳар кимнинг эрки ўзида), сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан мустақиллик, эркинлик (*Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун курашга отилмоқ керак*) (Ойбек. Нур кидириб)). **Эрк** бермоқ феъли билан бирикиб ихтиёрини ўзига қўйиб қўймоқ, йўл қўймоқ маъносини ифодалайди: *У ҳеч қачон ҳаяжонга ҳам эрк бермас эди* (А.Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). **Эрк** сўзининг деривати эрка бўлиб унинг кўнглига келган ишни қилиш учун ихтиёр бериб қўйилган, талтайтириб юборилган, тантик иккинчи маъносида тўсиқсизлик маъноси яширинган. Масалан: *Эрка тутса онаси, талтаяди боласи* (Мақол). Қўшма таркибли лексема эркатой, эркалик хоҳиш-ихтиёрини қозонган, шундай эрк-ихтиёрга эга маъносида қўлланади. Масалан: *Қамор раис олдин секретарнинг эркатойи эди* (М.Ҳазраткулов. Журъат). **Эркин** сифат лексемаси олти маъноли полисемант сўз бўлиб, у ҳар қандай тўсиқ, ғов, монелик ва шу кабилардан ҳоли бўлган, эрки-ихтиёри ўзида бўлган, қийналмай, қийинчиликсиз, бемалол; очиқ-ойдин, бемалол тарзда, қисиниш, тортинишдан ҳоли ҳолда, бемалол сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақилликка эга бўлган, озод маъноларини англадиб келади: **Эркинлик** дериват сўзи бирор жиҳатдан чекланиш, тайзиқ ва шу кабилардан ҳолилик маъносида қўлланади: *Ўша кунни оналар, кампирлар қиз ва невараларига эркинлик беришган.* (Ж.Шарипов. Хоразм)

Юқоридаги сўзлар фразеологизмлар таркибида ҳам келади: **эркин нафас олмоқ** (сиқилиш, танглик ҳолатидан кутилмоқ, эркин ҳолатли бўлмоқ); **эркинликда яшамок** (эркин ҳаёт, шароит), **эркин** ва **эркли**, **эрк** ва **эркинлик** маънодош сўзлар бўлса, **эркли** ва **эрксиз**, **эрклилик** ва **эрксизлик** зид маъноли сўзлардир. Юқоридаги туб ва ясама сўзлар куйидаги моделлар асосида юзага келади: **N, Adj., Adj.+Suf.=N, N+Suf.=Adj.**

Ўзбек тилидаги **ён** от лексемаси беш маъноли полисемант туб сўз бўлиб, у танҳо олинганда тўсиқсизлик маъносига эга эмас. У **бермоқ**, **босмоқ** феъллари билан бириккан ҳолда фразеологик бирлик мақомига ўтиб кимдир кимгадир (нимагадир) устун бўлишига йўл қўймоқ, паст келмоқ, рози бўлмоқ маъноларини юзага келтиради: *У аста-секин кексаликка ён бермоқда эди.* (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли), *Тожибой, бир томондан, гаши келиб гижинса, иккинчи томондан, сал ён босишга мажбур бўлди.* (П.Турсун. Ўқитувчи) Мисоллар таҳлили **ён босмоқ**, **ён бермоқ** лексемаларини синоним лексемалар деб ҳисоблашга имкон берди. **Ён бермоқ** (босмоқ)нинг **ён бериш** (-лик), **ён бермаслик** от, **ён бермай** (ён босмай) равиш каби дериватлари ЎТИЛда қайд этилмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. [ЎТИЛ, 2020: 37-41]

Эътиборга молик яна бир сифат лексема **ҳадсиз** (эски. китобий) **чексиз**, **поёнсиз** маънолари баробарида белгининг энг юқори даражаси (беҳад, ниҳоятда, ғоят)ни ҳам англадиб келади. Ушбу сўз тўғри маънода маконнинг чексизлиги, кўчма маънода инсон хис-туйғулари (севинч, қайғу, ғусса кабилар)нинг кучли эканлигини англадиб келади: *Эй, сен муаззам ва ҳадсиз саҳрода адашган саргардон сайёҳ!* (Ф.Мусаёнов. Ҳиммат); *Козим унинг кўзларига ҳадсиз бир ғусса соя солганини сезди* (У.Усмонов. Ёлқин). Бу лексема **беҳад**, **чексиз**, **поёнсиз**, **охири**, **чегараси**, **чеки йўқ**, **ниҳоятда кенг**, **сарҳадсиз**, **бениҳоя**, **поёни йўқ** сифат лексемалари билан синонимлик муносабатида бўлади. Ушбу синонимик қатор асосида макон маъноси ётса, **беҳад**, **чексиз**, **охири йўқ**, **чегараси йўқ**, **чеки йўқ** лексемалари асосида инсон хис-туйғуларига нисбатан иккинчи синонимик қатор пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан, **бепоёнлик**, **поёнсизлик**, **чексизлик**, **ҳадсизлик** от лексемаларини ҳам синоним деб ҳисоблаймиз. Чексиз сифат лексемаси ўзининг тўғри маъносида **чеки**, **чегараси**, **охири**, **поёни йўқ**; **поёнсиз**, **бепоён** маънолари ва кўчма маънода **чекланмаган**, **битмас-туганмас**; **бениҳоя**; **чуқур** маъноларини англадиб келади: **Чексиз садоқат**; **чексиз имкониятлар**, **чексиз хайрат**, **чексиз фазо** (физика), **чексиз миқдор** (матем.); *Қумри чексиз даштга ишора қилди* (Мирмуҳсин. Қумри ва Таманно). **Чексизнинг** зидди **чекли** бўлиб у **чеки**, **охири**, **поёни бўлган** маъноларига эга (чекли миқдор, чекли фазо).

Юқорида изоҳланган лексемалар қуйидаги лисоний моделлар асосида пайдо бўлади: **N+Suf.=Adj., Pref. бе-+N=Adv.: N+Suf.+Suf.=N; Pref. бе-+N+Suf.=N.**

Нарса ёки ходисага хос белгининг ўта юқори даражада эканлигини воқелантирувчи яна бир сифат лексема тенгсиз бўлиб, у **тенги, мисли йўқ, мислсиз; хаддан зиёд; бирор жиҳатдан тенг келолмайдиган** маъноларига эга: *У сўз санъатида тенгсиз эди* [ЎТИЛ, 2020: 64]; *Тенгсиз билан тенг бўлма!* (Мақол). Ушбу лексеманинг ҳар икки маъносида тўсиқсизлик семантикаси яширин тарзда намоён бўлиши кузатилди. Семантик жиҳатдан **мислсиз** сифат лексемаси тенгсиз сўзига маънодош бўлиб, у **мисли, ўхшаши йўқ, беқиёс** маъноларида қўлланади: *Бу ҳаёт оқимида мислсиз гирдоблар учрайди* (А.Қаҳҳор. Сароб). Юқорида зикр этилган сифат лексемалар тенгсизлик ва мислсизлик от дериватларига эга ва улар қуйидаги лисоний моделларда намоён бўлади: **Adj.+Suf.-сиз; Pref. бе-+N=Adj.; Adj.+Suf.+Suf.=N.**

Таҳлиллар ва кузатувлар натижаларига асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тилида тўсиқсизлик концепти унинг морфологик, сиктактик сатҳ бирликлари каторида лексик сатҳда ўз сўз номинантларига эга. Бундай сўз номинантлар (ёки сўз-репрезентантлар) турли структур қурилишга эга бўлиб, маълум системани ташкиллайдилар ва бу сўз-репрезентантлар ўзаро систем муносабатда бўладилар. Тўсиқсизлик семантикаси ифодаси учун хосланганлик ёки хосланмаганлик мақомига боғлиқ равишда тўсиқсизлик ўзбек тилида эксплицит ёки имплицит тарзда ўз ифодасини топади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бабушкин А.П., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика и семасиология монография. Воронеж: ООО «Ритм», 2018. – 229 с.
2. Бахронова Д. Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера Хорижий филология № 3, 2019, Б. 62 – 68.
3. Выготский Л.С. Мышление и речь // Выготский Л.С. Собр. соч. В 6 – ти томах. – М.: Педагогика, 1992 – Т.2. – 502 с.
4. Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке – М.: Наука, 1990.
5. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., и др. Краткий словарь когнитивных Терминов М., 1996
6. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие для студ. высш учеб. Заведений. – М.: Изд. центр «Академия», 2001. – 208 с.
7. Пименева М.В. Предисловие // Введение в когнитивную лингвистику. – Кемерово: Изд – во Кем ГУ, 2004. – Вып. 4. – 208 с.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли А.Мамадалиев таҳрири остида 5 – жилд Т.: O'zbekiston nashriyoti, 2020. -591 b.

УЎК 398:81'255.4

ОДДИЙ ФОЛЬКЛОРИЗМ: ТАРЖИМА ВА АСЛИЯТ

У.С.Азимов, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақол шеърят таркибида келтирилган экан, оддий фольклоризмни ҳосил қилади ҳамда маълум поэтик вазифа бажаради. Оддий фольклоризм бадиий асарнинг қурилишида, сюжетида ўзига хос ўрин тутди. Бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнида оддий фольклоризмнинг берилиши ҳам алоҳидалик касб этади. Мақолада шу борада фикр юритилган.

Калит сўзлар: “Маснавийи маънавий”, фольклор, шеърят, мақол, оддий фольклоризм, поэтик ифода, таржима, таржимон.

Аннотация. При цитировании пословицы в составе стихотворения она образует простой фольклоризм и выполняет специфическую поэтическую функцию. Простой фольклоризм занимает особое место в построении и сюжете художественного произведения. В процессе перевода с одного языка на другой изложение простого фольклора также имеет особое значение. В статье это обсуждается.

Ключевые слова: "Маснави Манави", фольклор, поэзия, пословица, простой фольклоризм, поэтическое выражение, перевод, переводчик.

Abstract. When the proverb is quoted in poetry, it forms a simple folklorism and performs a specific poetic function. Simple folklorism has a special place in the construction and plot of the work

of art. In the process of translation from one language to another, the presentation of simple folklorism is also special. The article discusses this.

Key words: "Masnavi Ma'navi", folklore, poetry, proverb, simple folklorism, poetic expression, translation, translator.

Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”да кўплаб халқ мақолларидан ўринли фойдаланганлар. Жумладан, “**чўянда ёбанда бувад**” тарзида кўп бор келтирганлар. Мисолга диққат қилинг:

Чуст ўро, то-ш чун банда бувад,

Лочарам чўянда ёбанда бувад. [2;52]

“Биринчи дафтар”нинг “Рум элчисининг Амир ал-мўъминин Умар Розийаллоҳу Анху хузурига келиб, унинг кароматини кўргани” фаслида берилган бу мақолни Жамол Камол шундай таржима қилади:

Кошки кул бўлсам Умарга, дерди ул,

Излаган топгай, деган гап тўғриду. [1;50]

Бу сатрларни инглиз мутаржими куйидагича беради:

He sought him that he might be as a slave to him:

inevitably the seeker is a finder. [4;91]

Кўринадики, Никольсон форс-тожик мақолининг “The seeker is the finder” [8] тарзидаги инглизча вариантдан фойдаланган. Шоир ҳосил қилган оддий фольклоризмни таржимонлар таржима тили имкониятларидан келиб чиққан ҳолда сақлаб қолишга эришишган. Бу оддий фольклоризм асарнинг шу фаслида қандай аҳамият касб этган, таржимонлар бу хусусиятни сақлаб қола олганларми деган савол туғилади. Камолддин Хусайн Хоразмий, Карим Замонийлар асарнинг “Мукамал шарҳ”ида “Рум элчиси ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг даргоҳида бандалардек хизмат қилиш учун у зотни ахтарар эди. Чунки жўянда (кидирувчи) ёбандадир (топувчидир). Байтнинг иккинчи мисраси ҳазрати Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг “Ман талаба ва жадда важада”, яъни “Ким жиддий талаб қилишга киришса, топади”, – деган буйруқларига мувофиқдир. Ушбу ҳадиси шариф форсийда “жўянда ёбанда бувад” дейилиб, зарбулмасалга айланган”, – деб ёзадилар. [3;14] Бу шарҳ икки хулосамизни тасдиқлайди:

1. Ҳадислар вақт ўтиб маълум мақолларни юзага келтирган.

2. Румий ҳазратлари аксарият ҳолларда исломий фикрларини англантиш, чуқурроқ ифодалаш учун бу мақоллардан фойдаланиб, оддий фольклоризмларни юзага келтирган. Шу сабабдан ҳам шарҳловчилар шарҳ жараёнида фикрларини яққолроқ шарҳлай олганлар.

Жамол Камол таржима жараёнида ўзбек мақоллари орасида учрайдиган “Излаган имкон топар, изламаган баҳона” мақолидан фойдаланган. [6;364] Аммо мақол айнан эмас, қисқартирилган ҳолда вазн ва қофия имкониятларига мослаб қўлланган. Шоир юзага келтирган оддий фольклоризм кўнгили кўзининг кўриши билан боғлиқ фалсафанинг идроки учун муҳим ўрин тутган. Бу оддий фольклоризм бир неча фаслни бир-бирига боғловчи восита, тугунлар ечими учун йўл бўлиб бера билган. Рум элчиси дарахт остида ухлаб ётган Умар (р.а)ни кўриб бир вақтнинг ўзида ҳам меҳрни, ҳам кўркувни ҳис қилади. Шоир маҳорат билан бир-бирига зид туйғу бирлашиб юзага келиши мумкинлигини, Умар (р.а)даги ҳайбат аслида Аллоҳнинг ҳайбати эканини ифодалар экан, излаган Аллоҳга яқинликка эришиши мумкинлигини таъкидлайди. Икки таржимон, айниқса, Жамол Камол ҳолатни таржимада сақлаб қола олган. Бу ўринда шоир яратган оддий фольклоризмнинг таржимада сақланиши ҳам роль ўйнаган.

Соёи Ҳақ бар сари банда бувад,

Оқибат чўянда ёбанда бувад.[2;337]

Таъкидлаш лозимки, шоир аксарият ҳолларда “**чўянда ёбанда бувад**” тарзида бир хил келтирса, таржимонлар, айниқса, Жамол Камол “Излаган топар” тарзидаги ифодани ҳар хил шаклда беради:

Сояйи Ҳақ бизга етгай оқибат,
Излаган ҳар кимса топгай оқибат. [1;384]

“Чўянда ёбанда бувад” мақолини байтнинг охирида берса, ўзбек таржимони иккинчи мисра бошида келтиради. Бу ҳолат қофия ҳамда вазн билан боғлиқ. Аслида таржимон оҳангдорликни радиф кўмагида сақлаб қолган, “етгай”-“топгай” сўзлари тўқ қофия бўла билмаган, равий ҳам мос келмаган.

Инглизча таржимага диққат қилинг:

The shadow of God is over the head of the servant,
the seeker at last will be a finder. [4;301]

Бу ҳолатда ҳам таржимонларнинг йўллари турлича эканлигига амин бўламиз. Жамол Камол таржимасида мисралардаги оҳангдорликни сақлаб қолиш ҳаракати кўзга ташланаётган бўлса, Николсон таржимасида асл маъно, аслиятда қўлланган сўзларнинг инглизчадаги айна маънодошларини беришга бўлган интилиш сезилади. Инглиз мутаржими ўз тилига ўтирган мисраларни ўзбекчага таржима қилиб кўрамыз: “Банда боши узради Ҳақ сояси, Оқибатда кидиргувчи топгай излаганин.” Қиёсланишимизда, Николсон таржимаси сўзма-сўз таржима сифатида аслиятга яқинроқлигига гувоҳ бўламиз, аммо вазни сақлаб қолмагани жиҳатидан ўзбекча таржимадан камчиликли экани ҳақиқат.

Оқибат чўянда ёбанда бувад,

Ки фараҷ аз сабр зоянда бувад. [2;574]

Аслиятда “**Чўянда ёбанда бувад**” мақоли оддий фольклоризмни юзага келтирар экан, аксарият ҳолларда “оқибат” сўзи билан бирга келади, чунки мақолнинг моҳияти шоирга шу сўзни келтиришини тақозо қилади. Аммо таржимон бу сўзни гоҳ сақлаб радифга айлантирса, гоҳ аслиятдаги каби оддий фольклоризмдан олдин келтирса, гоҳ умуман сақлаб қолмайди. “Олтинчи дафтар”да “Ошиқ ваъдалашган жойга келиб, маъшукани кутгани, севгилиси келавермагач, тунда ухлаб қолгани, бир маҳал маъшука келиб, ошиқни уйкуда кўриб, унинг кўйинини ёнғоққа тўлдириб кетгани” фаслида юқоридаги байт бор. Бу ўринда шоир маъшукани кутган ошиқнинг ҳали чин ошиқ эмаслигини кўрсатиш орқали Аллоҳга муҳаббатимиз ҳақиқий бўлса, дийдор ҳақида орзулаш мумкинлигини уқтиради. Шоир воқелиқдан шундай хулоса чиқариб, ишқ илмида балоғат муҳимлигини таъкидлайди:

Неча бир ёнғоқни унга жойлади,
Сен гўдаксен, ўйнагил ёнғоқ, деди.

Сарлавҳа сифатидаги насрий баёнда “Кўйинини ёнғоққа тўлдирди” жумласи бор. Шоир “Кўйинини пуч ёнғоққа тўлдирди” иборасига таянгани кўринади. Фақат маъшука ошиқнинг кутиш ваъдаси ёлғонлигини, маъшукани ёлғон ваъдага ишонтирганини англатиш учун иборадаги воқелиқдан фойдаланади. Кўчма маънони ўз маъносига алмаштиради. Аммо ёнғоқлар пуч эмаски, маъшуқада ваъда чинлигига ишора бор. Иборага таянганига далил шуки, маъшука ошиқнинг кўйнига солиб кетиши мумкин бўлган нарсалардан айнан ёнғоқни танлади. Демакки, фаросат илмига кўра нозик ишора қилди.

Аслиятдаги оддий фольклоризмни Жамол Камол шундай таржима қилади:

Изласа, топгай, яна нетгай киши,
Сабр этолса, орзуга етгай киши. [1;657] (657-846)

Шоирда таъкид йўқ, аммо таржимонда “яна нетгай киши” тарзидаги таъкид бор. Жамол Камолнинг маҳорати шундаки, таъкидловчи сўз тўқ қофияни ҳам юзага келтирган. Инглиз таржимони шундай беради:

In the end the seeker is a finder,
for from patience joy is born. [4;38] (6-38-304)

Юқорида келтирилган мисолларнинг аксариятида муаллиф Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари томонидан инсонни яхшиликка тарғиб қилиш, илоҳий нурга етиш учун улкан сабр

даркорлигини уктириш мақсади мисраларда “чўянда ёбанда бувад” зарбулмасали билан берилган. Инглиз таржимони Мавлононинг услубларида ушбу мақол қўлланган жойларда барчасида “the seeker is a finder” вариантдан фойдаланган. Ўзбекча таржимада эса, у турли кўринишларда, сўзларнинг ўрни алмашинуви орқали берилган. Халқ мақоли кўп маъноларни ўзида жо қилгани ўринли. Аммо шоир турли воқеликларни бериб, уларнинг хулосасини чуқурлаштиришда мақолни қўллаб, оддий фольклоризмни юзага келтирар экан, мақолнинг шеърият таркибида янги маъно қирралари очилишига сабаб бўлган. Янги маънолар касб этиши йўлида маҳорат кўрсатган. Инглиз таржимони аслиятни айнан сақлашга интилган бўлса, ўзбек мутаржими оддий фольклоризмни сақлаб қолиш жараёнида тилимизнинг имкониятларидан фойдаланиб, мавжуд маънога қўшимча маъноларни мужассамлаштира олган. Хулоса шуки, оддий фольклоризм шоирга фикрини мухтасар пурҳикмат ифода орқали бериш имноияти бўлса, таржимонлар бу маҳоратни сақлай олдилар. Керагида нозик тарзда янги маънолар қўшиш учун тил бойликларини ишга сола билдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Meriyus, 2010. – Б.846
2. Мавлоно Ҷалолуддин Муҳаммади Балхӣ. (2001). Маснавий Маънавӣ. Нашри Замон. – С.728
3. Маснавийи Маънавий. Камолиддин Хусайн Хоразмий, Карим Замоний. Мукаммал шарҳ. 2-китоб 10-жуз.
4. The mathnawí of Jalálu'ddín Rúmí. (2011). Book I-VI. Translation by R. A. Nicholson. University of Cambridge.
5. Шарипова Л. Шеърият ва фольклор. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 254 б.
6. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2019. – Б. 511
7. www.maqollar.uz
8. www.special-dictionary.com

УЎК: 494.3:413.13:809(575.141)

САРИҚ СЎЗИНИНГ АПЕЛЛЯТИВ ВА ОНОМАСТИК САТҲДА ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Т.Бегимов, ф.ф.д., Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши

Аннотация. Мақола ўзбек тилида сариқ сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда қўлланиши, хусусан, унинг семантик ва семиотик жиҳатларини кўрсатишга бағишланган. Мақоланинг мақсади тил ва нутқ воситаларининг миллий-маданий ўзига хослигини аниқлашда ранг белгиларининг лексик ва семантик хусусиятларини кўрсатишидир.

Калит сўзлар: ономастика, апеллятив, топоним, ранг, семасиология, семантика, сариқ.

Аннотация. Статья посвящена употреблению слова желтый в узбекском языке на апеллятивном и ономастическом уровне, в частности, показать его смысловые и семиотические аспекты. Цель статьи - показать лексико-семантические особенности цветových знаков в определении национально-культурной принадлежности языковых и речевых средств.

Ключевые слова: ономастика, апеллятив, топоним, цвет, семасиология, семантика, желтый цвет.

Annotation. The article is devoted to the use of the word yellow in the Uzbek language at the appellative and onomastic level, in particular, to show its semantic and semiotic aspects. The purpose of the article is to show the lexical and semantic features of color signs in determining the national and cultural affiliation of language and speech means.

Key words: onomastics, appellative, toponym, color, semasiology, semantics, yellow color.

Маълумки, ранги ифодаловчи сўзлар нисбатан яқин вақтгача тилшуносларнинг эътиборини жалб қилмаган. Сўнги йилларда ранг ифодаловчи сўзларга ҳам хорижий, ҳам ўзбек тилшунослигида катта қизиқиш ўйғонди. Албатта, бу қизиқиш стилистик тадқиқотларнинг умумий мазмунини ўзида акс эттириб, ранг ифодаловчи сўзлар семасиология муаммоларини, хусусан, лексик тизимлар, семантик соҳалар ва бошқаларни ўз ичига олувчи

тилшунослик муаммоларини кўриб чиқадиган кўплаб умумий лингвистик тадқиқотларнинг диққат марказига айланганлиги билан боғлиқдир.

Мазкур мақолада сариқ сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда, хусусан топонимлар таркибида қўлланишининг лисоний ва нолисоний хусусиятларини Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида кўриб чиқамиз.

Маълумки, рус ва туркий, хусусан, ўзбек тилшунослигида рангни ифодаловчи лексималарнинг апеллятив ва ономастик сатҳда қўлланишига оид бир қанча ишлар қилинган, изоҳли луғатларда унинг лексикографик талқини келтирилган. Жумладан ҳудудий топонимларни ўрганишга бағишланган барча илмий тадқиқотларда ранг-тусни ифодаловчи сўзларнинг топонимлар таркибида қўлланишининг лисоний ва нолисоний хусусиятларига тўхталилган.

Туркий тилларда рангни ифодаловчи сўзларнинг семантик хусусиятларини ўрганишда, А.Н. Кононовнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга [5,1978]. Кононовнинг келтиришича, уйғур ёзма ёдгорликларида дунёнинг тўрт томони куйидагича ифодаланган: 1) шарқ – кўк/яшил; 2) ғарбий - оқ; 3) жанубий - қизил; 4) шимолий - қора. Осиё кўчманчилари орасида асосий нуқталарнинг ранг белгилари кенг тарқалган эди: қизил - жануб, қора - шимол, кўк - шарқ, оқ - ғарб, сариқ – зенит[5, 160].

А.В. Кононов ўз мақоласида бошқа ранглар қатори сариқ сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда қўлланиш хусусиятлари ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган. Келтирилишича, сариғ, сариқ, сарих, сари сўзлари анча кенг қўлланилади: 1) этнонимларда: сари-қипчоқ;, сари-уйғурлар, саритлар (туркман қабиласи), сарихлар (сағай суяги); олти-сари, жет-сари (қирғиз уруғлари) ш. 2) топонимларда: Сарыагач, Сарыкамыш и др. [5, 174].

А.В. Кононов фикрича, Волга дарёси бўйида жойлашган машхур Саратов шаҳри номини одатда туркийча сари тов (сариқ тоғ) сўз бирикмасидан келиб чиққан деб ҳисоблашади; К. Г. Менгеснинг фикрича, бу этимологияни қабул қилиб бўлмайди, бунга иккита факт йўл қўймайди: а) рус тилида ўрта бўғинда бўғиннинг мавжудлиги — Саратов; б) *ы* (сары) товушини *а* товушига (Сара-тов) ўзгаришига бирон-бир фонетик шароитнинг мавжуд эмаслиги. Шунинг учун у бу топонимнинг келиб чиқишини эроний сар (бош, бошланиш) сўзи билан боғлаш тўғрироғ бўлишини таъкидлайди. Агар, мобо, Саратов топонимнинг биринчи компоненти чувашча сара 'сариқ' сўзи билан боғланса, у ҳолда К. Г. Менгеснинг фикри ўз кучини юкотади [5, 175].

О.Т.Молчанованинг келтиришича, сариқ ранг тизими топонимикадаги *сари* сўзи билан бўғлиқ бирликларни ўз ичига олади: Тоғли Олтой топонимиясида гидронимлар ва оронимларда тенг асосда 51 та номланишда қайд этилган. Туркийча сариғ/сари, дастлаб, мўғул тилига ўзлаштирилган ширэ ва мўғулча шар кўринишида ҳар икки гуруҳ тилларининг сўз ва топоним ясалиши тизимида кирган. Олтой тили ва унинг диалектларида сари сариқ, кумандларда - сариқ, оқ, лойқа; туба-киж. сариқ, малла, туваларда сариг - 1) сариқ; 2) булбул (отнинг ранги ҳақида); 3) оқ (тери ранги ҳақида); 4) ёрқин, очиқ (соч ҳақида); ҳақларда - сариг 1) сариқ, сап-сариг – жуда сарғиш, аҳ-сариг - соловий (от ранги). Маълумки, қадимги туркий тилларда ҳам сариғ сўзи: 1) сариқ; 2) рангпар; 3) булбул (от ҳақида) маъносини билдирган. Сари олтой топонимиясида сарича (сарғиш) ва сап-сариг шаклида ҳам қўлланади. Сари сўзи номлар таркибида гидронимик апеллятивлар билан бириккан ҳолда қорли, лойқа, баҳорги маъноларини ҳам ифодалайди. Оронимларда сари сўзининг ранг ифодалаши, апеллятивлардан иборат гидронимларда бўлгани каби, сақланиб қолади: Сари аччик, Сари бел, Сари бут, Сари тамир ва б. [6, 87-88]

Қадимда баъзи туркий тилларда, масалан, хазар ва, эхтимол, булғор тилларида сари (ғ) сўзининг қалпоқ шаклида (ҳозирги чуваш тилида бўлгани каби) “оқ” маъносини билдирган. Хазар қалъаси номи билан Саркел < сар + кел (<ўрта форс тилида гил ‘уй’ [5, 175]; солиштиринг: чув. кил ‘уй’). “хазар (яъни хазар) тилида Саркел 'Белгород' билан бир хил маънони билдиради” [5, 175]. Константин Багрянородный Саркел номини грекча *Aspron hospitium* 'оқ уй', араб географик асарларида бу қалъа ал-Бейда 'Оқ' деб, рус солномаларида 'Белая Вежа', яъни "Оқ қалъа" деб номланган; Дон соҳилидаги қадимий хазар қалъасининг

номи – Саркел (Белая Везха, Weisses Haus) чуваш тилидаги шура, шора 'ок' ва кил 'уй' сўзлари билан изоҳланган, у ердан шир. кил, шор кил - 'ок уй' [5, 176].

Саркел қалъаси хазарлар томонидан ғарбда пайдо бўлган душманларни қайтариш учун қурилган бўлиб, хазарларнинг ғарбий ва шимоли-ғарбий ерларида заифлашиб турган мавқеини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

Сариғ Югур(<Уйгур) этноними таркибидаги сари(г) сўзини, шунингдек, унинг мўғулча эквиваленти тира (тира югур)ни чувашча тур, шора билан солиштириш керак, чунки, эҳтимол, Сариғ югурлар чувашларга яқин туркий тилда сўзлашган ва Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида (ҳеч бўлмаганда 11-асрдан бери) яшаган ва шунинг учун Сариғ Югур этноними "ғарбий уйғурлар" деган маънони англатиши мумкин [5, 176].

Сариғ югурларни хитой манбаларида “сарик уйғурлар” (сариг сўзининг энг машхур маъносига кўра) деб аташади, бу эса, Л.Рашонянинг фикрига кўра, уларда хинд-герман қони, афтидан, Тохарларнинг қонининг оқиб ўтишини кўрсатади [5, 174].

Сари сўзи географик жой номлари таркибида ҳам учрайди: Сари кум — Махачқалъа (Доғистон) шаҳри яқинидаги қумтепалар; Сари Ишикотрау - жанубдан кўлга туташган қумликлар.

Қозоқ топонимикасининг тадқиқотчиси Е.Қойчубоев қозоқ топонимлари таркибидаги сар, сары элементи “кенг”, “улкан”, “бепаён” маъносини ифодалашини таъкидлайди [4, 190-192]; бу маъно машхур туркий луғатларда қайд этилмаган, *сари дала* иборасини Будагов [2, I, 686] “чексиз дашт”, Радлов “қуруқ дашт” [9, 319] маъносида таржима қилганлар; қирғ. сари талаа аҳолисиз дашт, чўл [10, 694]; киёсланг: сари талаа 1) сарғайган дашт; 2) кузги дашт [10, 637].

“Катта” маъносидаги бу сўз қирғиз тилидаги сари жол “катта ўрам ёки чорва йўли” (қара жол “ғилдирак йўли”дан фарқли ўлароқ) иборасида қайд этилган; қирғ. сари шамал 'совук шамол' (балки,ғарбий шамолдир?!); қаз. сари айаз 'титратадиган совук'[5, 176].

Хитой ва рус тили маданиятида сарик ранг белгиларининг семантикаси масаласини тадқиқ этган У. Пэйхуа контрастив таҳлил натижасида хитой тилидаги сарик иероглиф белгиси билан рус тилидаги сарик лексемасининг семантикасида ўхшашлик ва фарқларни аниқлаган. Таъкидланишича, сарик рангни билдирувчи лексик бирликларнинг семантик тузилмаларида сезиларли фарқлар мавжуд. Ҳозирги рус тилида сарик лексемаси ёрдамида император ҳокимияти, император, жасорат каби тушунчаларнинг ифода семаси мавжуд эмас. Аммо семантикаси уларга нисбатан салбий муносабатни билдирадиган ҳаракатлар, масалан, бемаъни гапириш ёки банкрот бўлиш каби семалар мавжудлиги кузатилади.

Хитой ва рус тиллари маданиятида сарик ранг ёрдамида географик жой номларини ифодалашда ҳам сезиларли фарқлар учрайди. Рус тили маданиятида сарик лексемаси ёрдамида топонимларнинг номинацияси қатъий эмас. Хитой тилида, аксинча, энг муҳим географик объектлар сарик сўзи орқали ифодаланганлигини кўриш мумкин: Сариқ денгиз, Сариқ тоғ.

Сарик иероглифи билан сарик лексемаси маъноларининг ўхшашлиги салбий ҳодисалар ва предметлар номинациясида учрайди. Рус ва хитой тилида ҳам қариллик; касаллик; нотўғри маълумот чоп этадиган матбуот сарик ранг орқали ифодаланади. Кўринадики, хитой тилида ёлғон гапириш каби ҳаракатлар учун сарик белгидан фойдаланиш хитой тилидаги сарик матбуотнинг мотивацион элементиدير [8,741 – 742]

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида таяниб айтадиган бўлсак, ўзбек тилида сарик сўзи апеллятив сатҳда қуйидаги маъноларда қўлланишини кўриш мумкин: сомон, зарчува, тилла каби нарсалар тусидаги ранг. Сарик ипак. Оч сарик ранг. Тўқ сарик. Дарахтлардаги сарик барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сарик кийимини кийган эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар.

Агар гап соч, тук, тери ҳақида кетганда сарик сўзи малла ранг тушунчасини ифодалашда ҳам қўлланади. Масалан, Рустам унинг узун муйлови, кўкиш кўзларини қоплаб олгудай қуюқ, сарик қошларини кўрди-ю, юраги шувиллаб, ўзини орқага ташлади. Ў.Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Шунингдек, сарик ирк монголоид ирқининг эскирган номи сифатида ҳам

кўлланади. Тухумнинг оқсил моддаси ўртасидаги қисмининг аталишига нисбатан ҳам сариқ сўзи кўлланади. Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини – сақлаб. Мақол.[11,449]

Жанубий Ўзбекистон топонимиясида Сариктепа номи кўп учрайди. Т. Нафасов Сарик ойконимининг келиб чиқишини этноним билан боғлаган. Сарик – умумтуркий этноним. Қуйи Қашқадарё туркманларининг сариқ ~ сариғ ~ сары уруғи бор[7, 166]. Ўз навбатида бу этноним тотемдан келиб чиққан. В. В. Радлов луғатида берилишича, сарық сўзи қадимги туркий тилда – кўй маъносига эга бўлган [9, 322.].

Оронимларнинг ҳосил бўлишида этнонимлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Лекин, Жанубий Ўзбекистондаги ҳамма Сариктепа шаклидаги оронимларни этнонимлар билан боғлаб бўлмайди. И.Г. Добродомовнинг келтиришича, оронимияда сариқ ~ сари ~ сори сўзлари – шимол маъносига ҳам эга [3, 127]. Бу ҳолда Сариктепа – шимол томонда жойлашган тепа маъноси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Т.М. Ахмедовнинг келтиришича, сары сўзи ёзма ёдгорликларда акс этган сери – “катта” сўзи билан боғлиқ бўлиб, ўзига хос луғавий-маъновий хусусият касб этади. Жумладан, Сарыгайа, Сарыдағ, Сарыйал, Сарыдаш, Сарыйохуш каби бир қанча ороним, ороойконим ва орогидронимлари таркибида келиб “баланд, йирик, улкан; катта; тик” маъноларини ифодалайди; Сарыдере ва Сарычухур оронимлари таркибида келиб, “катта, йирик; кенг” маъноларини беради [1, 51].

Демак, сариқ сўзи орографик объектлар таркибида аниқловчи компонент бўлиб келиб, унинг “баланд, юксак; тик; катта, йирик; кенг” каби маъно хусусиятларини намоён қилар экан. У ҳолда Сариктепа типидagi номлар “катта тепа, баланд тепа” маъносига эга бўлади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида шуни айтиш мумкинки, сариқ сўзи апеллятив ва ономастик сатҳда ранг-тус тушунчасини ифодалашда ўзига хос семантик хусусиятларга эга бўлади. Жумладан, у географик объектларнинг номларида кўлланиб, объектнинг жойлашган ўрни, объектнинг ҳажми, ўлчами, ҳолати, тупроқ таркиби каби тушунчаларни ифодалаш хусусиятини намоён этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахмедов Тофик Мурсалы оглы. Система азербайджанский топонимов. АДД, Баку, 1987. –С. 51.)
2. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, со включением употребительнейших слов арабских и персидских и с переводом на русский язык: в 2-х т. СПб.: Тип. АН, 1869. Т. 1. 810 с.; СПб.: Тип. АН, 1871. Т. 2. 415 с.
3. Добродомов И.Г. Из древнерусской этнонимии. – СЭ, 1966, 3. –С.127.)
4. Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. Москва: Наука, 1974. – С. 274.
5. Кононов А. Н. Семантика цветообозначения в тюркских языках.// Тюркологический сборник, 1975. Москва: «Наука», Главная редакция восточной литературы, 1978. –С. 159 – 179.
6. Молчанова О.Т. Топонимический словарь Горного Алтая. – Горно-Алтайск: Алтайское книжное издательство, 1979. – 397 с. 87-88 бет)
7. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати . –Т.: Ўқитувчи, 1988. -290 .
8. Пэйхуа У. Семантика цветообозначения желтый в китайской и русской лингвокультурах//Вестник РУДН. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика // 2018 Vol. 9 No 3 729—746 (741 – 742)
9. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. IV, СПб. 1893 – 1911. –С. 322.)
10. Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. М., 1965. -С. 346.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. www.ziyouz.com kutubxonasi.

УДК 811.161.1

СТАНОВЛЕНИЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ КАК САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ НАУЧНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

*М.Т. Вахабова, преподаватель, Самаркандский государственный институт
иностранных языков, Самарканд*

Аннотация. В данной статье освещается процесс становления лингвокультурологии как отдельного самостоятельного направления лингвистики. В исследовании выделяется необходимость данного направления в изучении проблем и взаимосвязи языка, культуры, человека.

Ключевые слова: лингвокультурология, язык, культура, человек.

Annotatsiya. Ushbu maqolada lingvokulturologiyaning tilshunoslikning alohida mustaqil yo'nalishi sifatida shakllanish jarayoni yoritilgan. Mazkur tadqiqotda til, madaniyat va inson munosabatlari va muammolarini o'rganishda ushbu yo'nalishning zarurligi ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: lingvokulturologiya, til, madaniyat, inson.

Abstract. *This article highlights the process of formation of linguoculturology as a separate independent direction of linguistics. The study emphasizes the need for this direction in the study of the problems and the relationship of language, culture, and man.*

Key words: linguoculturology, language, culture, human.

Приход в конце XX века антропоцентрической парадигмы на место господствующей системно-структурной и статической парадигмы привел к «развороту лингвистической проблематики в сторону человека и его места в культуре, ибо в центре внимания культуры и культурной традиции стоит языковая личность во всем ее многообразии» [1].

При антропоцентрической парадигме человек выводится на первое место, а язык считается его главной характеристикой, важнейшей составляющей. Культура и язык считаются антропоцентрическими сущностями, они присутствуют в человеке, служат человеку и без человека не имеют смысла.

В конце XX века появляются новые установки и цели исследования языка, новые ключевые понятия и методики. В результате в рамках антропоцентрической парадигмы появляются новые дисциплины, такие как когнитивная лингвистика, лингвополитология, этнопсихолингвистика, прикладная (компьютерная) лингвистика, и др., среди которых значимое место заняла лингвокультурология.

Несмотря на то, что лингвокультурология является молодой дисциплиной, которая появилась в 90-е годы XX века, периодизировать развитие данной дисциплины непросто. Однако многие ученые лингвисты выделяют три основных периода.

Первый период связан с началом изучения проблемы взаимосвязи языка, культуры и человека. Данный период можно считать предпосылкой появления лингвокультурологии.

Еще в начале XIX века проблему взаимоотношения языка, культуры и человека (в том числе этноса) пытались решить немецкие ученые братья Гримм, идеи которых в дальнейшем были развиты в 60-70-х годах XIX века в трудах А.Н. Афанасьева, Ф.И. Буслаева, А.А. Потебни.

Однако наиболее широко распространенные идеи о взаимодействии особенностей языка и культуры принадлежат В. фон. Гумбольдту [2]. В своих исследованиях ученый подчеркивал существенную роль языка в становлении духа народа. В. фон. Гумбольдт пытался решить проблему взаимоотношения языка и культуры, высказав идею о том, что материальная и духовная культура воплощаются в языке; всякая культура национальна, ее национальный характер выражен в языке посредством особого видения мира; язык имеет специфическую для каждого народа внутреннюю форму, которая является выражением «народного духа», его культуры; язык есть звено между человеком и окружающим его миром. Таким образом, язык является главной формой выражения и отражения культуры [3].

Многие идеи Гумбольдта впоследствии были развиты в психолингвистике, в культурной антропологии, а также в теории (гипотезе) лингвистической относительности Сэпира-Уорфа. К данной теории обращаются исследователи, серьезно занимающиеся проблемой взаимоотношения языка и культуры, языка и мышления, так как именно с помощью данной гипотезы могут быть осмыслены те факты языка, которые сложно объяснить каким-либо другим способом. В основе этой гипотезы лежит утверждение, что люди видят мир по-разному – сквозь призму своего родного языка. Для ее сторонников окружающая нас действительность существует постольку, поскольку она отражается в языке. Но если каждый язык отражает действительность особым способом, характерным только для него, то, следовательно, языки различаются своими «языковыми картинками мира».

В XX веке интерес к проблеме взаимодействия языка и культуры возрос. В начале XX века возникла австрийская школа «Слова и вещи», представители которой призывали изучать

слова в связи с вещами, которые они обозначают, а также при лингвистических исследованиях учитывать культурный контекст.

Много идей о связи языка и культуры было высказано в работах Г.О. Винокура, Н.И. Толстого, М.М. Бахтина, Ю.М. Лотмана, Е.М. Верещагина, В.В. Костомарова и других. По словам Е.М. Верещагина и В.Г. Костомарова: «В любой момент развития культуры обслуживающий ее язык отражает ее полностью и адекватно, иными словами, общество определяет прогресс в языке, особенно его подвижных уровней; с другой стороны, допустимо говорить и об определенном воздействии языка на развитие культуры (в частности, в области фольклора и художественной литературы) [4]. Во второй половине XX века рождаются такие новые дисциплины, как культурология, этнолингвистика, лингвострановедение.

Упомянутые выше направления лингвистики стали предвестником появления новой лингвистической дисциплины – лингвокультурологии.

Второй период – это 90-е годы XX века. В данном периоде проблема взаимодействия языка и культуры становится центральной в лингвистических исследованиях. Именно в этот период происходит оформление лингвокультурологии как самостоятельной области лингвистических исследований. На данном этапе по проблеме взаимосвязи языка и культуры стали проводиться научные конференции, были утверждены научные программы. В конце XX века стали издаваться монографии и защищаться диссертации по проблеме: язык-человек-культура. Все это привело к появлению нового термина.

Термин «лингвокультурология» возник в связи с работами фразеологической школы В.Н. Телия и публикациями В.В. Воробьева. В.В. Воробьев, защитивший в 1996 году докторскую диссертацию на тему «Теоретические и прикладные аспекты лингвокультурологии», одним из первых предложил следующее определение лингвокультурологии – это «комплексная научная дисциплина, изучающая взаимосвязь и взаимодействие культуры и языка в его функционировании и отражающая этот процесс как целостную структуру единиц в единстве их языкового и ...культурного содержания» [5].

Немаловажную роль в становлении лингвокультурологии как самостоятельной области лингвистических исследований сыграла Московская фразеологическая школа под руководством В.Н. Телия. По мнению В.Н. Телия, «лингвокультурология ориентирована на человеческий, а точнее – на культурный фактор в языке и на языковой фактор в человеке. А это значит, что лингвокультурология – достояние собственно антропологической парадигмы науки о человеке, центром притяжения которой является феномен культуры» [6]. Однако в отличие от других исследователей В.Н. Телия предпочитает исследовать взаимодействия языка и культуры в современном состоянии, без исторического взгляда на проблему. Такой подход приводит к рассмотрению лингвокультурологии как ответвления этнолингвистики.

Также были опубликованы труды Д.С. Лихачева, Н.И. Толстого, А. Вежбицкой, в которых было продолжено изучение взаимоотношения и взаимовлияния языка, культуры и человека.

Третий период начинается с наступления XXI века и продолжается по сей день. Данный период является этапом развития лингвокультурологии как самостоятельной научной дисциплины. Большой вклад в ее становление внесли В.А. Маслова, Н.Д. Арутюнова, Н. Ф. Алефиренко, А. Вежбицкая, Ю.С. Степанов, С.Г. Воркачев, В.В. Красных, В.Г. Костомаров, В.Н. Телия, С.Г. Тер-Минасова, А.Т. Хроленко, А.Д. Шмелев и др. По лингвокультурологии в этот период издаются научные работы и учебные пособия, которыми пользуются и по сей день.

Несмотря на то, что существует различные определения понятия «лингвокультурология», и мнения ученых не всегда совпадают, есть общее, что объединяет их. К примеру, все ученые-исследователи рассматривают лингвокультурологию как результат взаимодействия языка и культуры.

Как пишет В.А. Маслова, лингвокультурология возникла на стыке лингвистики и культурологии, и она исследует проявления культуры народа, которые отразились и

закрепились в языке. Лингвокультурология исследует и исторические, и современные языковые факты сквозь призму духовной культуры [7].

По мнению В.В. Красных, лингвокультурология – это «дисциплина, изучающая проявление, отражение и фиксацию культуры в языке и дискурсе, непосредственно связанная с изучением национальной картины мира, языкового сознания, особенностей ментально – лингвального комплекса» [8].

Е.И. Зиновьева и Е.Е. Юрков предлагают следующее определение: «лингвокультурология является теоретической филологической наукой, которая исследует различные способы представления знаний о мире носителей того или иного языка через изучение языковых единиц разных уровней, речевой деятельности, речевого поведения, дискурса...» [9].

Развитие лингвокультурологии продолжается и в наши дни, а интерес к данной молодой дисциплине растет с каждым днем. Появляются и функционируют научные школы лингвокультурологии, отличающиеся подходами в лингвокультурологических исследованиях. Все больше появляется направлений в лингвокультурологии, затрагиваются новые проблемы. Это в свою очередь является доказательством того, что наука не стоит на месте, она расширяется.

Так как лингвокультурология зародилась на стыке лингвистики и культурологии, ее можно считать междисциплинарной дисциплиной, которая находится в тесном взаимодействии со смежными науками. Данная дисциплина является одним из сложных и емких направлений лингвистики поскольку на сегодняшнее время существует большое количество языков и культур, которые в свою очередь постоянно изменяются. Изучение лингвокультурологических особенностей различных стран окажет влияние на взаимопонимание населения, на межкультурную коммуникацию.

Таким образом, лингвокультурология является молодой, но перспективной дисциплиной, которая имеет большое теоретическое значение, а также полезна в плане обеспечения успешной межкультурной коммуникации.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Волошин Ю.К. Общий американский сленг: состав, деривация и функция (лингвокультурологический аспект): Монография – Краснодар: Кубан.гос.ун-т, 2000.- С.7.
2. Гумбольдт В. фон. О различном строении человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеческого рода, СПб., 1859.
3. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. - М.: Прогресс. 1985. – С.349.
4. Верещагин Е.М. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного / Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров. – 2-е изд. – Москва: Русский язык, 1976. – С.12-13.
5. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы / В.В. Воробьев. – М. : РУДН, 1997. – С. 4.
6. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты / В.Н. Телия. – М., 1996. – С.222.
7. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия». 2001. – 208 с.
8. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – С.12.
9. Зиновьева Е.С., Юрков Е.Е. Лингвокультурология: теория и практика. – СПб.: МИРС, 2009. – С.13.

УЎК: 82/820

«ДАВЛЕТЯРБЕК» ДОСТОНИ ВА ДОСТОНДАГИ ОБРАЗЛАР

У.Х.Есемуратова, таянч докторант, Нукус Давлат Педагогика Институтини, Нукус

Annotatsiya. Бу мақолада Қорақалпоқ халқ достони « Давлетярбек» ва достондаги ижобий, салбий образлар таҳлилланди. Достон халқнинг маданий мероси сифатида ўрганилиб чиқилди. Илмий фикрлар юритилди.

Калим сўзлар: фолклор, жанр, сюжет, характер, сюжет, қаҳрамон.

Аннотация. В данной статье проанализирован каракалпакский народный эпос «Давлетярбек» и положительные и отрицательные образы в эпосе. Эпос изучался как культурное наследие народа. Состоялись научные заключения.

Ключевые слова: фольклор, жанр, сюжет, персонаж, сюжет, герой.

Abstract. This article analyzes the Karakalpak folk epic «Davletyarbek» and positive and negative images in the epic. The epic ўas studied as a cultural heritage of the people. There ўere scientific conclusions.

Keywords: folklore, genre, plot, character, plot, hero.

Биринчи Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, ”Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошўзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлўзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади” [1].

Достон – халқ оғзаки ижодининг энг йирик жанри бўлиб, у қаҳрамонлик, ишқий-саргузашт, фантастик мазмунга эга бўлган воқеаларни баён қилувчи асар. Қаҳрамонларнинг саргузаштлари, ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг қўламда тасвирловчи йирик ҳажмли лиро-эпик асар достон дейилади.

Достон давр, тузумдаги халқ руҳиятини, хусусиятларини акс эттиради. Замонлар ўтиши билан улар янги-янги мавзулар ва ғоявий мазмун билан бойиб боради. Достонлар халқ томонидан яратилгач, ижодкор халқ улар орқали ўз мақсадлари, орзу-истаклари, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Одатда, достонларнинг биринчи ижодкори унутилиб, улар наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтиши натижасида халқ мулкига айланади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими кутубхонасида “Давлетярбек” достонининг тўрт варианты сақланади. Уруштан муқаддам 1930-йиллари Садирбай Маўленов ва Шамшет Хожаниязовлар томонидан Қаражан бахши Қабуловтан “Давлетярбек” достонининг биринчи варианты ёзиб олинган. Сўнг достонни Нарбай бахши Қошекенов томонидан ижро этилган бўлиб, уни 1969-йили олим, фолклористлар Қабил Мақсетов ҳам Жалғас Қошниязовлар томонидан ёзиб олинган. Иккита умумий дафтардан иборат бу қолўзманинг ҳажми 117 саҳифа. Матн сўз ва шеърлар билан аралаш берилган. Достон 1970-йили “Ўмиўдарўа” журналида, 1995-йили Қ. Мақсетов, П. Мақсетовалар тайёрлаб ўз олдига китоб бўлиб нашрдан чиққан. Достоннинг қўлўзма ва журнал вариантлари солиштирилиб қаралганда, асл ҳолича сақланиб келинганлигини кўриш мумкин. Бу достон олимларимиз томонидан кенг турда ўрганилмаганлиги сабабли, кўпчилик бу достон ҳақида маълумотга эга эмас. Лекин, «Давлетярбек» достонини тадқиқотчиларимизнинг ҳануз ўзига тортиб келмоқда ва ўша асосда биз бу достонни қорақалпоқ халқига тегишли бўлган тарихий достон деб ҳисоблаймиз.

Достондаги бош қаҳрамони Давлетярбек бўлиб, бошқа персонажлар унинг характерини очиб бериш учун хизмат қилади. Бундаги ижобий образларга Эртуўган (Давлетярбекнинг онаси), Сарв -Тийраман (аёли), Аллаёр, Қудиёр, Маматжан, Маҳмуджан, Қувонч, Нияз, Аҳметжан, Эшҳмурат, Ҳамитбек киради. Салбий образлар сафига : Ибраҳим хан, Испандияр хан, хива вазири. Достон мавзуси туғилиш, туш, сафар, қайтиш каби турғун мавзулар билан бирлашиб, достон сюжетини ҳосил қилади. Қаҳрамон синовлардан ўтиш асносида шаклланади, тобланади. Халқ оғзаки ижодида айнан мана шу қаҳрамонликлар куйланади. Қаҳрамон ҳаёт синовдан иборат деган азалий тушунчани поетик тарзда ифода этади. Достон мавзуси эпик асарлар таркибида уч йўналишда кўзга ташланади:

- 1) тақиқларга риоя қилиш;
- 2) шартларни ўташ;
- 3) шартларини бажариш.

Бугунги кунга қадар Қўнғирот туманинда достоннинг уч -тўрт нусхаси сақланади деб тахминлайди белгили олимлар Қабул Мақсетов ва Раўшан Мақсетовалар. Олимларнинг билдиришича достонни оғзаки ижрочи бахшиларда кўп бўлган. Достонда инсонни тарбиялашда, руҳлантиришда муҳим куч бор. Ўзбекистан Фанлар Академияси

Қорақалпоғистон бўлимида «Давлетярбек» достонининг тўрт варианты сақланади. Шуларнинг ичида энг тўласи 1960-йили Қўнғирот туманининг турғини Эшхмурат оғадан ёзиб олинган варианты. Биздаги матумотларга қараганда Давлетяр белгили тарихий одам, шоир ва ботир инсон бўлган. У мустақил умр учун жонини берадиган мард инсон. Унинг отаси Эшхмурат деган замонининг таниқлиларидан. Давлетярнинг «Сарқуш» деган тулпори бўлган. Хива хони Асфандияр бу тулпор ўзиники бўлишини истайди ва ясовулларини тулпорни олиб қайтишга жўнатади. Давлетяр ўзининг тулпорини бергиси келмайди. Ясовуллар куч ишлатиб отти олмакши бўлади, бироқ, ясовуллар ўзининг ёвуз ниятига етолмайди. Давлетяр халқнинг орасидаги бундай зулумликка шидолмай туркамн халқининг белгили инсонларидан Мамеджан сардорнинг юртига кетади ва ўша ерда Ватанпарварлик қилади. Мамеджан Давлетярнинг отаси Эшхмуратнинг яқин дўсти бўлади.

Көптин мәслаҳаты ханның ярлығы,
 Башыма түшиптур жәхән тарлығы.
 Бизге қылған Хийўа ханның зорлығы,
 Иркилмегил, балам, мунда турмағыл.[6.5]

Бу жиҳатдан достон тақиқ, шарт, шартлашишдан иборат мавзулар йиғиндиси дея баҳолаш мумкин. Бу мавзуларнинг ҳар бири мураккаб шакл ва мазмун белгиларга эга. Қуйида шартлашиш мавзусининг ҳомий кучлар ва кўмакчи топишга алоқдор тури хусусидагина фикр юритамиз. Аввало, шартлашиш мавзусига изоҳ берсак: Шартлашиш алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилмаган бўлса-да, ўз тарихий асосига эга. Унда жамоавий келишув акс этади. Тақиқлар ва шартлар айнан мана шу келишувга кўра ишлаб чиқилади, амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Мелетинский қуйидагича тушунтириш берган: “Синов жамоанинг норози аъзоларини бўйсундириш, уларни розилар сафига қўшиб юбориш тадбиридир”[2.148]. Шартлашиш мавзуси эпик вазият натижасида юзага келган шартлар бўлиб, қаҳрамонлар низо, тутқунлик, фарзандсизлик, ўлим ҳолатларидан қутилишга, шунингдек, сеҳрли буюмни қўлга киритишга уринадилар. Бунда келишувга интилаётган томонлар ўз талабларини ўртага қўяди.

Тақиқ ва шартлардан фарқли, шартлашишда қаҳрамон табиати кўпроқ очилади. Тақиқлар ва шартларда яширин ҳолатда келган қаҳрамонлар ўртасидаги зиддият шартлашишларда ошқора баҳсга айланади. Аммо зиддият келишувга йўналтирилган бўлади. Тақиқларнинг бузилиши, шартларнинг ўталиши эпик ҳудудларни қай тарзда боғласа, бу жараённи шартлашиш шартлари бажарилишида ҳам кузатамиз.

Сеннен басқа гөззал түспес көзиме,
 Дүня малын алмаң хәр бир сөзине,
 Зийнетли бал тамған шийрын жүзиңе,
 Қарап мийрим қанбас бәрхә сәўдигим. [6.8]

«Давлетярбек» достонида халқлар дўстлиги асосий ўринни эгаллайди. Хива хони Давлетярбекни ўлдирмоқчи бўлиб, ўз харбийларини юбормоқчи бўлганда, онаси уни отасининг дўстти Йиталмас ўғили Маматжан сардорга бориб бошини панала -деб боласининг ёнига қирқ йигитни жўнатади.

Ат үстинен улын алып сүялмай,
 Мийри қанып дийдарына тоялмай,
 Аллаяр, Қудияр улын көралмай,
 Бизди бүгин сүйген ярдан айырды. [6.7]

«Давлетярбек» достонида бир миллат билан иккинчи миллатнинг дўстлигини, аҳиллигини достонда яхши очиб берилганлигини сезса бўлади. Инсониятнинг энг катта бойлиги тинчлик, тинчлик манбаи эса аҳилликдир. Ўзаро тотувлик ва дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари барқарор бўлган гўшадагина инсон эркин яшаб, ҳар қандай орзусини рўёбга чиқара олади. Шу нуқтаи назардан қараганда, энг катта бойлигимиз, асосий ютуғимиз, аввало, Ватанимиз осмони мусаффолиги, фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитидадир. Бу неъматларнинг қадрига етиш, турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган Ватанни асраб-авайлаш каби ғоялар илгари сурилади.

Фолклоршунос Жаббор Эшонкул: “Ҳар бир иждокорнинг ўзига хос халқ оғзаки ижоди бор. Бу услуб, ўзига хослик ва ўқнинг илдизини топишга ёрдам беради”, деганди.

Ҳақиқатан ҳам халқ севган қаҳрамонлар образи эса халқ шеърлятида жуда кенг тарқалган кўтаринки руҳда тасвирланган. Бу қаҳрамонлар халқнинг орзу-умидларидир уларнинг ҳаракатларида, кўпинча душман билан қаҳрамонона жангларда таништириш. Қорақалпоқ халқ достонининг Гўрўғли, Давлетярбек, Гулайим, Ўрта Осиёдан, бутун дунёдан Алпомиш, Қоражон, Барчин каби қаҳрамонлар етишиб чиққан.

Достон қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг энг йирик жанрларидан биридир. Тарихи, ҳикоя, саргузашт, маъно ва қизиқарли воқеалар таърифи ва мақтов ҳикоя қилиш, мақташ маъноларини билдиради. Ўзбек тилида достон сўзига изоҳ луғатда шундай таъриф берилган: “Достон – қисса, қисса. халқ қаҳрамонлари назм ва насрда айтилган, оғиздан-оғизга ўтиб келаётгани маълум бўлган достон асар машҳур саргузаштли ҳикоялар, сўзлар, тавсифлар”[3].

Якуний хулоса ўрнида шуни айтиш мумкун, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг салмоқли қисмини эгаллаган достонлар ва ушбу достонларнинг энг баҳолиларидан ҳисобланган “Давлетярбек” достонининг ҳар бир қаҳрамони у хоҳ ижобий хоҳ салбий қаҳрамон бўлсин, улар асл қорақалпоқ ёшларининг тарбиясига таъсир қилиб, ўзида халқимизнинг асрий анъаналарини сақлаб, келажак авлод вакилларига етказишда дастурул амал вазифасини бажаришда етакчиликни бой бермай келмоқда ва бу вазифани бажаришда давом этаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - Toshkent: Ma'naviyat. 2008. -30-31-betlar
- 2.Meletinskiy Ye.M. Strukturno-tipologicheskoye izucheniye skazki. – M.: Nauka, 1969. S.148.
- 3.O'zbek tilining izohli lug'ati. Toshkent: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006,
4. Өзб. Илимлер Академиясы Қарақалпақстан филиалының китапханасы қолжазбалар қоры. Араб шрифтиндеги түп нусхасы Р-П. инв. 1186. Латын хәрибине көширмеси Р-11. инв. 1111.
5. Қ.Мақсетов. «Қарақалпақ халқының көркем ауызеки дәрәпелери». -Нөкис, 1996. 229-б.
6. Дәўлетярбек (дәстан). Нөкис: Қарақалпақстан. 1995

ЎЎК 801.311=943.11

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛШУНОСЛИГИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАЛҚИНЛАР

И.Р.Казаков, ф.ф.н., доцент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада қорақалпоқ тилшунослиги ХХІ асрдан бошлаб лингвокультурологик тадқиқотларни шакллантириши босқичига қадам қўйганлиги, бугун қорақалпоқ тил илмида ҳам тил ва маданият алоқадорлигини тавсифлаш долзарб даражага кўтариллиши лозимлиги хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: лингвокультурология, психоллингвистика, миллий маданият, этнос, миллий менталлик, антропоцентрик парадигма, муқобилсиз лексика, лакуна, реалія, паремнологик бирлик, фразеологик бирлик, ўхшатиши, метафора, стереотип, прецедент бирлик, нутқий этикет, оламнинг лисоний манзараси, концепт, концептосфера, лисоний онг.

Аннотация. В статье акцентуруется внимание на том, что каракалпакское языкознание с ХХІ века вступило в стадию становления лингвокультурологии, и сегодня описание взаимоотношений языка и культуры должно быть поднято на актуальный уровень в каракалпакском языкознании.

Ключевые слова: лингвокультурология, психоллингвистика, национальная культура, этнос, национальная ментальность, антропоцентрическая парадигма, безальтернативная лексика, лакуна, реалія, паремнологическая единица, фразеологическая единица, сравнение, метафора, стереотип, прецедентная единица, речевой этикет, языковой картина мира, концепт, концептосфера, языковое сознание.

Abstract. The article focuses on the fact that Karakalpak linguistics has entered the stage of formation of linguo-cultural studies since the 21st century, and today the description of the relationship between language and culture should be raised to the actual level in Karakalpak linguistics.

Key words: lingvoculturology, psycholinguistics, national culture, ethnos, national mentality, anthropocentric paradigm, non-alternative lexicon, lacuna, reality, paremiological unit, phraseological unit, simile, metaphor, stereotype, precedent unit, speech etiquette, language picture of the world, concept, conceptosphere, linguistic consciousness.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунё тилшунослигида етакчи парадигма сифатида ўз бўй-бастини намойиш қила олган антропоцентрик йўналишнинг етакчи соҳаси лингвокультурология этнография, тилшунослик, маданиятшунослик, психолингвистика тармоқлари ҳамкорлиги қоришувида шаклланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лингвокультурология миллий маданият, этнос, миллий менталликнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир [1: 8-9]. Маълумки, ушбу соҳа XX асрнинг сўнгги йилларида юзага келди. Лингвокультурология терминининг илк бора қўлланила бошлаши эса В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотларга бориб тақалади.

Лингвокультурологиянинг мақсади миллатга хос тафаккур тарзи, маданият ва унинг табиатини тилда акс этиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишдан иборат. Бу соҳа объекти тил ва маданиятни тавсифлаш бўлса, предмети эса ўзида маданий семантикани мужассам этувчи тил бирликлари талқинига қаратилляпти. Ҳақиқатан ҳам, лингвокультурологияда тил бирликларининг маданий ахборот ташувчи сифатидаги мақоми айни ҳақиқат. Бу хилдаги тил бирликларига муқобилсиз лексика, лакуна, реалия, эталон, паремиологик бирликлар, фразеологик бирликлар, ўхшатиш, метафора, стереотиплар, прецедент бирликлар, нуткий этикетлар мансубдир. Сўнгги йиллардаги тадқиқотларнинг асосий вазифаси «Тил соҳибларининг миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи лисоний бирликлар, инсониятнинг қадимий тасаввурларига мувофиқ келувчи маданий архетиплар, нуткий мулоқотга хос бўлган миллий ижтимоий-маданий стереотиплар, оламнинг лисоний манзараси, маданиятнинг асосий концептлари мажмуи бўлган концептосфера, лисоний онгни тавсифлаш ҳамда аниқлаш» [2: 3] бўлиб ҳисобланади.

Бугун лингвокультурология хорижда, шунингдек, рус тилшунослигида анча ривож топган соҳалар қаторига киради. Айниқса, хорижда соҳага доир салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги бизга маълум. Ўша лингвокультурологик тадқиқотларда «оламнинг лисоний манзараси, лингвомаданий концептлар, лингвомаданий кодлар, прецедент бирликлар, интертекстуаллик, лисоний онг, барқарор бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари каби масалаларга жиддий эътибор қаратилаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай тадқиқотларда тилнинг барча сатҳ бирликлари, хусусан, сўз ва матннинг тамоман янгича талқини ва таҳлили устуворлик қилади. Бунда лисоний бирликларнинг нафақат тил қонуниятлари, балки жамият, инсон, маданият, руҳият, миллий менталитет каби омиллар нуктаи назаридан ҳам тадқиқ этилиши тил илмида янги ғоялар, янги илмий қарашлар ва тамойилларнинг юзага келишига сабабчи бўлди» [3: 4].

Қорақалпоқ тилшунослигида лингвокультурология энди шаклланиб келаётган, нисбатан ёш соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу соҳанинг қорақалпоқ тил илмида қамраб олиниши, тадқиқот ишларининг юзага кела бошлаши XXI асрнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Лингвокультурологиянинг қорақалпоқ тилшунослигига кириб келиши ва бу борадаги тадқиқот ишларининг жадаллик билан бошланиши ф.ф.д., профессор Ш.Абдиназимов номи билан бевосита боғлиқ [4: 140]. Олим мазкур тилшуносликда лингвокультурология соҳасига тамал тошини кўйди. Унинг «Lingvokulturologiya» номли ўқув қўлланмаси қорақалпоқ тилшунослигида соҳага оид яратилган ишларнинг марказида туради. Муаллиф томонидан билдирилган қуйидаги фикр қорақалпоқ тил илмида лингвокультурология доирасидаги тадқиқот ишларини янада жадаллаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини тўлиқ тасдиқлайди: «Бугунги кунда матн таҳлилини ўрганувчилар семантика, когнитология, лингвопоэтика, психолингвистика, лингвокультурология каби бир қатор янги йўналишлар қўлга киритган ютуқларга таянган ҳолда иш олиб борапти. Бундан асосий мақсад – нутқни шакллантирувчи ва уни қабул қилувчи инсон омилининг тил призмасида қандай поғонада

туришини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, матннинг семантик, лингвокультурологик хусусиятларини мутлақ янги планда теран ўрганиш бўлиб ҳисобланади. Ана шундай аҳамиятга молик масалалардан бири, ҳозирги кунда тил илмидаги барчанинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келаётган тил ва маданият тушунчаси, у билан боғлиқ бўлган лингвокультурология муаммолари тилшунослар томонидан ўрганилаётган бўлишига қарамай, бу масала тўлиқ ўз ечимини топди, деган хулосага келиб бўлмайди» [5: 3].

Муаллифнинг ушбу ишида тил – маданият – инсон масаласи тавсифланган. Маданият ва унинг ўрганилиши хусусида сўз юритилиб, лингвокультурологиянинг назарий асослари ҳақида фикр юритилган. Бу йўналишнинг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари кўрсатилиб, соҳага доир асосий тушунчалар изоҳланган. Лингвокультурологик бирликлардан, асосан, ўхшатишлар таҳлил қилиниб, у ҳақидаги муаллифнинг мулоҳазалари билдирилган: «Ўхшатиш учун эталон сифатида танланган сўзлар қорақалпоқ тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлиги бўлиб ҳисобланади. Қорақалпоқ тилида шахсга нисбатан «*Нилдек айнимоқ*» деган фразеологизм қўлланилади. Унинг замирида Миср давлатидаги Нил дарёси тўғрисидаги тушунча мавжуд. Қорақалпоқ фольклорида учрайдиган «*Нилдай айнийсан*» иборасини кўйидагича изоҳлаш мумкин, яъни араб халқ афсоналарининг далолат беришича, Нил дарёси эрталаб тип-тиниқ, туш пайтида кип-қизил лой аралаш, тушдан кейин кўм-кўк, кечкурун ва тунда эса қоп-қора бўлиб оқадиган дарё экан. Бу дарё ўзининг ана шундай ўзгарувчанлиги, ҳар хил тусга кириб оқиши билан жаҳон халқларини лол қолдирган. Нил дарёси ҳақидаги бу афсонани Макка, Мадина шаҳарларига ҳаж сафарига бориб келган қорақалпоқлар ўз халқига айтиб беришар экан. Кишилар Нил дарёсини ана шундай кароматли, турли қиёфага кириб оқадиган дарё деб тушунишган. «*Нилдай айнийсан*» деган жумла ўша вақтларга боғлиқ ҳолда халқ хотирасига муҳрланиб қолган, онгига сингган [6: 93].

XXI аср бошларида қорақалпоқ тил илмида лингвокультурологияга дахлдор бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинди. Ушбу диссертацияларда асосий эътибор лингвокультурологик бирликлар талқинига қаратилган. Масалан, Г.К.Кдырбаеванинг диссертацияси «MAN» – «АДАМ» концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида)» деб аталади [7: 158]. Бу ишда маданиятлараро «man» – «адам» концептосферасининг воқеланиши, концептосферанинг маданиятлар ўртасидаги лингвокогнитив ва лингвомаданий ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилади. Тадқиқотда «man» – «адам» концептосферасига оид «man», «адам», «mother», «ана», «father», «ата», «adult», «ғарри», «child», «бала», «person», «шахс», «human», «инсан», «еркек», «man», «ҳаял», «woman» концептларининг лисоний воқеланиш усул ва воситалари ишлаб чиқилган. Инглиз ва қорақалпоқ тиллари номинатив майдонида «man» – «адам» концептосферасини изоҳловчи «одам» универсал ва миллий ўзига хос компонентларининг фарқлари исботланган. Шунингдек, ишда концептосферанинг инглиз ва қорақалпоқ маданияти бадиий, паремиологик, фольклор ва сакрал матнларида лисоний вербаллашувига эътибор қаратилган. Ниҳоят, тадқиқотда концептуал таҳлил тизими ишлаб чиқилиб, улар дефиницион таҳлил, этимологик таҳлил, контекстуал таҳлил каби турларга ажратилган. Концептосферани воқелантирувчи синонимик бирликлар, олам миллий манзарасининг паремияларда воқеланиши каби масалалар ҳам ўрганилган.

Г.А.Адилованинг иши «Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг лингвомаданий таҳлили» деб номланган бўлиб, унда тилшунослиқда илк бор Қорақалпоғистон қозоқларининг этнографизмлари шу ҳудудда яшаб келаётган халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, турмуш тарзи, миллий урф-одат ва қадриятларини ўзида ифодаловчи диалектал лексик қатлам эканлиги исботлаб берилган [8: 150]. Таҳлилга тортилган этнографизмлар қозоқ тилидаги умуммиллий этнографик лексика билан тарихий-генетик жиҳатдан муштараклик касб этса-да, Оролбўйи лингвомаданий муҳитининг етакчи компонентлари – қорақалпоқ ва ўзбек тили таъсирида ўзгаришга учраб, локал хусусиятга эга лексик тизимга айланганлиги аниқланган. Ҳудуд қозоқлари тилидаги этнографизмлар лексик-семантик хусусиятларига кўра бола туғилиши ва унинг тарбияси, никоҳ ва дафн маросимлари,

таом тайёрлаш ва овқатланиш билан алоқадор луғавий бирликларга ажратилиши ўрганилган. Этнографизмларнинг асосий қисми адабий тилда муқобили бўлмаган лексик бирликлардан иборатлиги, улар ўзининг этимологик хусусиятига кўра қозоқ тили лексикаси тараққиётининг қадимий даврларига мансублиги белгиланган.

Ш.М.Кунназарованинг диссертациясида қорақалпоқ халқ эртаклари тили махсус лингвокультурологик йўналишда ўрганилган [9: 24]. Унда эртақлар тилининг луғат таркиби аниқланиб, сўзлар тематик гуруҳларга ажратилган ва уларнинг маъно хусусиятлари белгиланган. Эртақлар тилининг генеологик қатламлари – умумтуркий, араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларнинг аниқланишига эришилган ҳамда лексик қатламлар тарихий-этимологик асоси миллий анъаналарга бориб тақалиши исботлаб берилган. Эртақларнинг бадийлигини таъминлаган парадигматик муносабатдаги бирликлар, яъни омоним, синоним, антоним ва кўп маъноли сўзларнинг маъно хусусиятларига ойдинлик киритилган, қўлланилиш даражасига кўра кammaҳсул ва қўлланилиш доирасига кўра функционал-чегараланган лексикада диалектал, касбий сўзлар, табу ва эвфемизмлар аниқланган. Эртақлар тилидаги оламнинг лисоний манзараси, қорақалпоқ халқига хос объектив дунёни кўриш ва англаш, сезиш ва қабул қилишдаги миллий менталитетга хос метафоризация ҳодисаси ўрганилган, эртақлар лексикасидаги этнографизмларнинг лингвокультурологик табиатига доир мулоҳазалар умумлаштирилган.

Б.К.Бекниязовнинг диссертациясида Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмлар тадқиқ этилган [10: 24]. Ишда Қорақалпоғистонлик қозоқлар тилида фаол қўлланиладиган соматик фразеологизмларнинг бошқа туркий тиллардан ажратиб турувчи лингвомаданий, жонли сўзлашув тилига хос когнитив хусусиятлари ёритилган. Айрим соматик бирликларнинг концептуал, ментал маданий турмушга оид парадигматик, тематик ва лексик-семантик жиҳатлари очиб берилган. Қорақалпоғистонлик қозоқлар тили оралик диалект эканлиги соматик фразеологизмларни бошқа диалект намуналарига қиёслаш орқали кўрсатилган. Инсон тана аъзолари билан боғлиқ соматик фразеологизмларнинг ўз семантик майдонига эга эканлиги, эмоционал-экспрессив ифодаси, қорақалпоқ адабий тили ва диалектлардаги соматик фразеологизмлардан маъно жиҳатидан фарқланиши аниқланган. Шунинг баробарида диссертацияда диалектал соматик фразеологизмларнинг концептуал белгилари ўз аксини топган. Бундай фразеологик бирликларни тематик гуруҳларга ажратиш орқали денотатив ва коннотатив маънолари изоҳланган. Умуман, Қорақалпоғистондаги қозоқ шеваларининг лингвомаданий жиҳатларига аниқлик киритилган.

«Қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақуналар тадқиқи (чоғиштирма аспект)» деб номланувчи диссертацияда қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик ва фразеологик лақуналар ўрганилган. Бунда лингвомаданият соҳиблари томонидан тўлиқ тушунилмайдиган миллий-маданий, баҳолаш семантикали бирликлар ва функционал-стилистик хусусиятлар очиб берилди [11: 20]. Ишда лексик ва фразеологик лақуналарнинг чоғиштирилаётган тилларга оид моддий ва маданий этнографик, эмоционал ҳолатни акс эттирувчи ёки сўзловчининг муносабатини ифодаловчи психологик хусусиятлари ёритилган.

«MOTHER/АНА» концептли идентификаторларининг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида)» деб номланган диссертация Г.А.Усенова томонидан ҳимоя қилинган бўлиб, қиёсланаётган маданиятлардаги «Mother/Ана» концептининг лисоний ва маданий воқеланиш ҳолатлари, лисоний бирликлар вербаллашуви, концепт идентификаторларининг лингвистик ва миллий олам манзараси хусусиятлари антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганилган. Инглиз ва қорақалпоқ тилларида «Mother/Ана» концепт идентификаторларининг лексик, фразеологик ва паремиологик сатҳлардаги лисоний вербаллашуви исботланган. Шунингдек, лексик-семантик нуқтаи назардан алломорф ҳамда морфологик, лисоний-маданий жиҳатдан универсал ва миллий ўзига хос компонентларнинг изоморф хусусиятлари аниқланган. Қорақалпоқ миллий маданиятида онанинг фидокор, кучли аёл, меҳрибонлик, қувонч манбаи сифатидаги ижобий образлари салмоқдор эканлиги, инглиз маданиятида эса ижобий фазилатлар билан биргаликда ўғай она, онанинг болага бефарқлиги, болаларини ташлаб кетган она каби кўплаб салбий образлар мавжудлиги кўрсатилган. Хуллас,

қорақалпоқ тил илмида сўнгги йилларда лингвокультурология масалалари камраб олинган бир қанча диссертациялар тайёрланиб, улар муваффақиятли ҳимоя қилинган бўлишига қарамай, ҳали бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим.

Умуман, XXI асрда қорақалпоқ тилшунослиги ўзининг бетакрор жозибасини янги илмий қарашлар, хусусан, лингвокультурологик тамойил асосида намоёниш этишга йўналтирилган тадқиқотларни шакллантириш босқичига қадам қўйди. Ваҳоланки, антропоцентрик парадигма талабларига мувофиқ тайёрланган ҳар қандай тадқиқот қорақалпоқ тили ва маданияти моҳиятини чуқур, янада теран англашга, тил ва маданият муштараклигини тавсифлашга, шу билан бирга қорақалпоқ лисоний шахсининг қиёфасини яратишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шундай экан, бундан кейин ҳам қорақалпоқ тил илмида тил ва маданият алоқадорлиги талқини ниҳоят даражада долзарб ва эътиборга молик масала даражага кўтарилиши керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сабитова З.К. Лингвокультурология. Учебник. –М.: Флинта: Наука, 2013.
2. Худойберганаева Д. Ўзбек лингвомаданиятшунослигининг устувор вазифалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2020. –№ 5.
3. О'ша иш.
4. Abdinazimov Sh., Tolibayev X. Lingvokulturologiya. –Nokis: Qaraqalpaqstan, 2020.
5. О'ша манба.
6. О'ша манба.
7. Кдырбаева Г.К. «MAN» - «АДАМ» концептосфераси бирликларининг лингвомаданият ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): Филол. фан. фалсафа док-ри дисс (PhD). –Тошкент, 2017.
8. Адилова Г.А. Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг лингвомаданият таҳлили: Филол. фан. фалсафа док-ри дисс (PhD). –Нукус, 2018.
9. Қунназарова Ш.М. Қорақалпоқ халқ эртақларининг лексик-семантик ва лингвомаданият таҳлили: Автореф. дис. филол. фан. фалсафа. д-ри (PhD). –Нукус, 2021.
10. Бекниязов Б.К. Қорақалпоғистон қозоқлари тилидаги соматик фразеологизмларнинг лингвомаданият таҳлили: Автореф. дис. филол. фан. фалсафа. д-ри (PhD). –Нукус, 2021.
11. Жумамуратова Р.А. Қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги лексик-фразеологик лақналар тадқиқи (чиғиштирма аспект): Автореф. дис. филол. фан. фалсафа. д-ри (PhD). –Нукус, 2021.

УЎК 811

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТАБИАТ ҲОДИСАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАҚОЛЛАРДА СИНОНИМ ВА АНТОНИМ МУНОСАБАТЛАРИНИ ИФОДАЛАНИШИ

Н.Э.Мадалов, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги табиат ҳодисаси билан боғлиқ мақолларнинг синонимик ва антонимик хусусиятлари маҳаллий ва инглиз тилшунос олимларининг илмий тадқиқот ишлари назарий таҳлил қилинган ҳамда икки этнос мақолларида синоним ва антоним муносабатларнинг ифодаланиши фактик мисоллар асосида таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: паремнологик бирлик, мақол, маънодошлик, зид маънолилик, бош маъно, ҳосила маъно, лексема.

Аннотация. В данной статье теоретически анализируются научные исследования местных и английских языковедов о синонимических и антонимических особенностях пословиц, связанных с природными явлениями в английском и узбекском языках, а также о выражении синонимических и антонимических отношений в пословицах двух этнических групп анализируется на фактических примерах.

Ключевые слова: паремнологическое единство, пословица, синонимия, противоположное значение, основное значение, производное значение, лексема.

Abstract. This article deals with the scientific research works of local and English linguists on the synonymous and antonymic properties of proverbs related to natural phenomena in the English and Uzbek languages are theoretically analyzed, and the expression of synonymous and antonymous relations in the proverbs of two ethnic groups is analyzed based on factual examples.


Key words: *paremiological unit, proverb, synonymy, antonymy, primary meaning, derived meaning, lexeme.*

Тилдаги маълум бир мазмуний муносабат нутқда бир неча мақоллар ёрдамида реаллашади. Турли мақоллар воситасида бир хил мазмуний муносабатнинг ифода этилиши эса синоним мақоллар гуруҳини – қаторини юзага келтиради. Мақолларнинг синонимик қаторини кузатиш, ўз навбатида, ҳар бир мақолнинг мазмунини аниқ белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Тилни яхши билиш, унинг бой имкониятларидан тўла фойдаланиш учун, айниқса, синонимик қаторга эга бўлган мақолларни билиш ниҳоятда зарур.

Мақоллар синонимияси бўйича яратилган луғат ўзбек тилшунослигида Б.Жўраева номи билан боғланади. Б.Жўраевага қадар мақоллар лексик birlikлар синонимияси билан боғлиқ ишларда фразеологиянинг объекти сифатида [1], синтактик услубиятда эса содда ёки қўшма гап синонимияси билан алоқадор ишларда фикрни асослаш учун мисол тариқасида келтириш билан чегараланганлигини [3] унутмаслик керак.

Инглиз олими W.Meiderнинг “Proverbs: A Handbook” номли ўқув қўлланмасида мақол тилшунослик жиҳатдан таҳлил қилиниб, паремаларга таъриф берилиб, тематик гуруҳларга бўлиниб таҳлилга тортилган. Шунингдек, паремиологик birlikларнинг инглиз ва жаҳон лингвوماданиятидаги ўрни фактик мисоллар асосида очиқ берилган

Инглиз тилининг онлайн этимологик луғатида **proverb** (мақол) лексемасини қуйидаги маънодош лексемалари келтирилган: [3]



Антонимия ҳам, худди синонимия каби, сўзларнинг маъно муносабати асосида маълум birlikни ҳосил қилувчи ҳодисадир. Маълумки, синонимия бирдан ортиқ лексемаларнинг маънодошлигига асосланади ва бунда сўзларни ўзаро бирлаштирувчи нарса маънодаги бир хилликдир. Антоним birlikлар эса қуйидаги муносабатларни ифодалши керак: *маъновий ҳар хиллик; шаклий ҳар хиллик(фонетик структураси турлича) бўлиши; маъновий зидлик.*

Антонимлар семантикасидаги зидлик ҳамиша эътироф этилади. Лекин маънодаги ана шу оппозицияни тушуниш, белгилаш ва талқин қилишда бир хиллик йўқ. Шунинг учун ҳам, гарчи зид маъноли сўзларнинг антоним бўлиши эътироф этилса-да, икки сўзнинг антонимлигини белгилашда ҳар хилликлар, қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Табиат ҳодисаларига оид қуйидаги *шамол/ wind, қор/snow, ёмғир/rain, бўрон/storm, чақмоқ/ lightning, сел/ floods, дўл/ hail, момақалдирок/ thunder, вулқон/volcano, шудринг/ dew, яшин/ lightning, туман/fog, булут/cloud* каби лексемалар иштирок этган мақолларни таҳлиliga эътиборимизни қаратамиз. Масалан, қуйидаги **қор/snow** семали мақоллар синонимик қаторини олиб кўрайлик:

Халқ мақолларида қиров сўзи билан шаклланган мақоллар ҳам учраб туради. Қуйидаги мисолда *қиров сўзи аёз, совуқ* каби ифода семаларини ифода этади. Чунки қиров ва қор турли ҳолатларда содир бўладиган ва ўзаро ёндош, кетма-кет юзага чиқадиган ҳодисалар эмас. Буни дастлабки тўртлик мазмуни ҳам тасдиқлайди:

Қор ёғди деб севинма,

Аёзлари бор.

Хўжа келди деб севинма,

Ниёзлари бор.

Қор ёғди деб суюнма ,

Қировлари бор.

Сўфи келди деб суюнма ,

Сўровлари бор.

Қиров–қор– дўл бирликлари гуруҳида бир-бири билан кўп жиҳатдан яқин келувчи *қор* ва *дўл* лексемалари «*ҳаракатланувчи*», «*мавжудлик*», «*совуқлик*», «*ёгин тури*» моддий шаклга эгаллик семалари билан бирлашади. Уларни фарқловчи белги сифатида «*овоз чиқариш*», «*муз шаклли*» (*дўл* лексемаси); «*оқ пар шаклли*», «*қопланиш*» (*қор* лексемаси) семаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбек халқининг *Аямажуз олти кун, Олти ой қишдан қаттиқ кун* мақолида қўлланилан *аямажуз* лексемаси “*Ўзбек тилининг изоҳли*” луғатида *аямажиз* шаклида берилган бўлиб қуйидаги *бирдан аямажизнинг “хўкиз ўлдирар” изгирини бошланди [4]* мисоли келтирилиб ўтилган. Ушбу мақолда *аямажиз* лексемаси *изгирин совуқ маъносини изоҳлаб келмоқда*. Юқоридаги мақолда қўлланилган *қаттиқ кун* бирикмасида эса қаттиқ лексемаси изгирин сувуқ маъносини билдириб келаяпти. “*Ўзбек тилининг изоҳли*” луғатида *қаттиқ* лексемасини қуйидаги маъноларга эга эканлиги таъкидланган:

1. *Одатдаги шароитда ўз шакли ва ҳажмини сақлайдиган. Қаттиқ жисм, қаттиқ модда.*

2. *Умуман, шакл ўзгаришларига, ташиқи таъсирга яхши қаршилиқ кўрсатадиган; синдириши, ушатиши, кесили қийин бўлган. Қаттиқ ёғоч.–Бу ёқнинг тоши у ерники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, гўраша эди.*

3. *Баданга, қўлга ботадиган; салга эзилмайдигин. Қаттиқ ўрин, қаттиқ хамир. Тўлаган ака тикандай қаттиқ соқолини Сидиқжоннинг юзига ишқаб пичирлади.*

4. *Маҳкам, мустаҳкам, тишиқ. Белбоғни қаттиқ боғламоқ.*

5. *Белги даражаси юқори бўлган. Қаттиқ сувуқ, қаттиқ шамол.*

6. *Қийинчилик машаққат билан бўладиган куч меҳнат машаққат талаб этадиган; оғир қийин машаққатли. Қаттиқ меҳнат.*

7. *Сарф-харажат умуман чиқимга тобе йўқ унга чидамайдиган.* Келтирилган мақолда *қаттиқсўзини* бешинчи маъноси, яъни белги даражаси юқори бўлган маъноси таъкидланмоқда. *Аямажуз олти кун, Олти ой қишдан қаттиқ кун* мақолида *Аямажуз ва қаттиқ кун* сўзи+сўз бирикмаси ушбу мақолдагина маънодош лексема ҳисобланади.

Демак, ушбу сўз ва сўз бирмкмаси юқоридаги мақолдагина синоним бўла олади. Бундай синоним турини биз қисман синонимик ҳодиса деб атадик. Чунки, бу қатордаги синонимлар маълум бир ҳолатдагина синоним ҳисобланиб, бошқа маноларида синонимик уяга кирмайди.

Инглиз халқининг *When it rains, it pours [6]* мақоли (*Ёмғир ёғса, ёмғир ёғади*) деб таржима қилинади. Ушбу инглизча мақолдаги *rain*, (*ёмғир*), *pours* (*ёғмоқ*) лексемалари юқорида келтирилган мақолда ўзаро синонимик муносабатга киришган. Бироқ ушбу сўзларнинг инглиз тилининг изоҳли луғатларида турли маънолари келтириб ўтилган. Инглиз тилининг машхур “*Oxford advanced Learner’s Dictionary*” луғатига кўра *rain* лексемасини қуйидаги маънолари қайд эилган:

1. *rain is water that falls from the sky in separate drops* (*ёмғир - бу осмондан алоҳида томчилаб тушадиган сув*).

2. *The rains – the seasons of heavy continuous rain in tropical countries* [5] (Ёмғирлар - тропик мамлакатларда кучли доимий ёмғир фасллари.) каби маънолари келтирилган.

Шу луғатда *pour* лексемасини қуйидаги маънолари келтириб ўтилган:

1. **To make a liquid or other substance flow from a container in a continuous stream, especially by holding the container at an angle: pour the sauce over the pasta.** (Суюқлик ёки бошқа моддани идишдан узлуксиз оқимда оқиши учун, айниқса, идишни бурчак остида ушлаб туриш учун: соусни макарон устига сузинг).

2. **To flow quickly in a continuous stream: Tears poured down his cheeks.** (Оқимда тез қуйилмоқ: Кўз ёшлари ёноқларига тўкилди.).

3. **To serve a drink by letting it flow from a container into a cup or glass. Will you pour the coffee?** (Идишдан стакан ёки пиёлага қуймоқ. Кофе қуясизми?).

4. **It is pouring outside** (ёмғир ёғяпти ташқарида).

5. **To come or go somewhere continuously in large numbers:** Letters of complaint continue to pour in [5]. (Бир жойга доимий равишда кўп миқдорда келиш ёки кетиш: Шикоят хатлари келишда давом этмоқда). Ушбу *pour* лексемасининг тўртинчи маъноси ёмғир маъносини ифода этиб келмоқда. Шу билан бирга, инглизча *When it rains, it pours* мақолида *rain* ҳамда *pours* сўзлари синонимик муносабатга киришган.

Демак, ушбу лексемалар келтириб ўтилган мақолдагина маънодош сўзлар ҳисобланади.

Ўзбек халқ мақолларида табиат ҳодисалари билан боғлиқ мақолларда антонимларнинг ифодаланиши. Масалан, *Совуғинг ошса – бўстон, иссиғинг ошса – гўристон, Азиз бўлмай, мазиз бўлмас. Тўқранса — тўққиз кун, Ўқранса — ўн кун. Азиз ақчасиз кетмас, Қизлар — бўғчасиз. Барс йили — бойлик, Қуён йили — қаҳатчилик. Ёз — ёзил, қиш — қисил. Ёз ёмғири ёндан ўтар, Қиш ёмғири — жондан. Ёз куюнган, қиш суюнар. Ёз меваси — қиш хазинаси. Ёз қоқиси — қишга дори. Ёзда боши пишмаганинг, Қишда оши пишмас. Жума ёгса, шанба тинар, Шанба тинмаса, қачон тинар. Тоққа ёгса, чўл обод, чўлга ёгса, эл обод.*

Келтирилган мисолларда ёмғир лексемаси сўнгги мақоллар таркибида қўлланмаган бўлса-да, ушбу сўз билан қўшничилик муносабатига киришувчи *ёгмоқ* ва *тинмоқ* феъл-лексемалари унга ишора қилиб туради.

Инглиз халқ мақолларида табиат ҳодисалари билан боғлиқ мақолларда антонимларнинг ифодаланиши. Масалан, *Big thunder, little rain, Rain, rain, go away, come again another day. It is better to have less thunder in the mouth and more lightning in the hand. With dew before midnight, the next day sure will be bright.*

Таҳлилга тортилган мисоллардан кўриниб турибдики, мақолларда табиат ҳодисалари учун етакчи ҳаракатгина танлаб олинади. Анемонимлар ҳаракатининг турли даражасини ифодаловчи феъллар мақолларда ифода этилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Савенкова И.Е. Структура и семантика пословиц и поговорок современного русского языка. АКД. – Москва. 1989. – 16 с.
2. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. АДД. –Тошкент, 1993. – 50 б.
3. Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка. АДД. –Ташкент, 1991. – 60 с.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Русский язык, 1981. Том 1. 631б.
5. Margaret D., Jennifer B., Joanna T. Oxford advanced Learner's Dictionary. Oxford. 9th edition, Oxford university press, 2015. – 1820 p.
6. <https://proverbicals.com/rain>
7. www.freethesaurus.com/proverb

**“ҒАЗНАВИЙЛАР” РОМАНИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ
ЎРНИ ВА ТУШ МОТИВИ**

М.М.Мамурова, таянч докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада роман қаҳрамонларидан бири, газнавийлар сулоласи асосчиси Носируддавла Амир Сабуктегин қиёфаси орқали умр ва унинг мазмуни, инсоннинг яшайдан мақсади, давр муаммолари ҳақида юритган фикрлари ёритилади. Натижада ёзувчи ўзбек халқ оғзаки ижоди ва Шарқ мумтоз адабиётидаги Султон Маҳмуд билан боғлиқ турли ҳикоятларни асар сюжетида сингдириш воситасида унинг иўро даври дарслик ва қўлланмаларида акс этган қиёфасидан фарқли ижобий тасвирини яратишга эришган.

Калит сўзлар: Маҳмуд Ғазнавий, сулола, газнавийлар, Ибн Сино, Беруний, туш, қаҳрамон, персонаж.

Аннотация. В статье через образ одного из героев романа, основателя династии Газневидов Насируддавла Амира Сабуктегина освещаются его размышления о жизни и ее смысле, цели жизни, проблемах эпохи. В результате писателю удалось создать положительный образ Султана Махмуда, отличный от представленного в учебниках и пособиях эпохи Шуры, путем интеграции в сюжет различных связанных с Султаном Махмудом сюжетов из узбекского фольклора и восточной классической литературы. работы.

Ключевые слова: Махмуд Газневи, династия, Газневи, Ибн Сина, Беруни, мечта, герой, характер.

Abstract. In the article, through the image of one of the heroes of the novel, the founder of the Ghaznavid dynasty, Nasiruddavla Amir Sabuktegin, his thoughts about life and its meaning, the purpose of living, and the problems of the era are highlighted. As a result, the writer managed to create a positive image of Sultan Mahmud, different from the one shown in the textbooks and manuals of the Shura era, by integrating various stories related to Sultan Mahmud from the Uzbek folklore and Eastern classical literature into the plot of the work.

Key words: Mahmud Ghaznavi, dynasty, Ghaznavis, Ibn Sina, Beruni, dream, hero, character.

Ёзувчи қаҳрамон ва персонажлар нутқидаги бирор фикрни асослаш ва далиллаш учун улар нутқида халқ мақолларидан ҳам унумли фойдаланади. Масалан, Носируддавла Сабуктегиннинг набираларига насиҳатида ҳадисларнинг таъсири кўзга ташланади: “Яна сизларга айтадурғон ва ҳамиша ёдда тутиш лозим бўлган муҳим бир сўзим бордур. Яъни, улуғлик – адолатга, хурсандчилик эса хотиржамликка, яқинлик – дўстликка, ақл бўлса илм ва тажрибага муҳтождир” [1,30]. Ёки Ибн Синонинг Берунийга ёзган мактубидаги Маҳмуд Ғазнавий саройига келишни истамаган улуғ табиб ўзини ҳатти-харакатини “– Шуни билгилки, сен подшоҳга ёқсанг, элга ёқмайсан, аксинча, элга ёқсанг подшоҳга ёқмайсан” [1,188] дея далиллайди. Ушбу сўзларда халқ мақоллари, халқ донишмандлигининг таъсири сезилади. Ёки сарой тарихчиси Абул Фазл Байҳақийнинг насиҳатларига қулоқ солмаган Амир Масъуд салжуқийлар билан мурсага кела олмай урушга юз буради. Туркий қовмларнинг илдизига бориб тақаладиган салжуқийлар билан мурсага чорлаган тарихчи “Яхши гап билан илон индан чиқади” [1,230] деган мақолни қўллайди. Шунингдек, у ўз фикрларини далиллаш учун “Ахир, буни қайтар дунё дерлар, буғдой эксанг – буғдой, арпа эксанг – арпа олурсен...” деган фикр билан далиллайди. Ёки романнинг дастлабки саҳифаларида тасвирланган Абу Фазл Муҳаммад – Байҳақийнинг асар сўнгида ҳам Абу Солиҳ Саъид билан учрашуви манзаралари сарой тарихчиси тилидан “Ҳа, тоғ тоғ билан учрашмайди, аммо инсон инсон билан албатта учрашади” [1,239] деган сўзлар билан изоҳланиши ўзига хос асар сюжетидаги қолибловчи воқелик вазифасини ўтайди. Акедимик Н.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Шубҳасиз, ёзувчининг мазкур романи ёзишдан мақсади Маҳмуд Ғазнавий ва Фирдавсий муносабатлари масаласига аниқлик киритиш эмас. У ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги Ғазнавийлар салтанатининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш, X -XI асрларда кудратли ўзбек давлатига асос

солган Маҳмуд Ғазнавийнинг тадбиркор подшоҳ ва маърифатпарвар инсон сифатидаги сиймосини гавдалантириш, шунингдек, у ҳақдаги турли миш-мишларнинг сохта эканлигини бадий асослашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган” [2,247]. Романнинг сўнги қисмида Беруний томонидан халқ орасида кенг тарқалган Искандар Зулқарнайннинг Сулаймон тоғидаги бир ғордан “обиҳаёт” сувини топиб қайтаётиб, уни ичиб қўйган, кейин эса ўлим тополмаётган шахсни учратиб қолиши умр ва ўлим, умр ва унинг мазмуни ҳақидаги фалсафий фикр ва мушоҳада учун берилади.

Романда ёзувчи эпистоляр жанр имкониятларидан ҳам самарали фойдалангани ҳолда қаҳрамонлар дунёқараши, руҳий дунёси, кечинмаларини чуқур ифодалашга эришади. Беруний билан Ибн Сино Хоразмда шоҳ Маъмун қошидаги “Мажлиси уламо” номли Академияда учрашиб, дўстлашган эдилар. Шоҳ Маъмун исёнчилар томонидан сангсор қилиб ўлдирилгач, икки алломанинг йўллари айро тушади. Беруний Султон Маҳмуд саройига кетган бўлса, Ибн Сино эркинликни ихтиёр этиб ўзга юртларга йўл олади. Ибн Синони тутолмаган Маҳмуд Ғазнавий Берунийга ғазаб қилиб, хат ёзиб, саройга олиб келишни буюради. Беруний ўз хатида султоннинг буйруғи билан ўзининг амакиваччаси ва устози Ибн Ироқ томонидан Ибн Синонинг расми чиздирилиб барча ҳукмдорларга юборилганлигини айтarkan, уни Ғазнага келишга ундайди. Улуғ алломанинг хати илмий фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради: “Мен Ерни ҳажми ё доираси дейми, узоқ тадқиқот ва кузатувлардан сўнг 6339,58 чақирим, деган хулосага келдим. Балки, бироз янглишгандирмен, аммо ўзимга ҳисоб китобим анча аниқ эрур, деб ўйлаймен. Гоҳо кавсуннаҳрга қараб, кўп хаёлларга ботамен, шунчалик кенг дунё вақти келганда биз учун торлик қилса. Босқинчиликлар, уруш-жанжаллар нечун? Не сабабдан одамлар одамларга бўри бўлсин” [1,179-180]. Ибн Сино эса жавоб хатида олим сифатида инсон ва унинг тузилиши, табобат, борлиқ, табибнинг вазифаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этади. Дунё тамаддунига бешик бўлган Шарқнинг тенгсизлигини шундай таърифлайди: “Қуёш қайдан чиқади – Шарқдан... Бундан хулосаки, фикри ожизимча, Ерда ҳаёт ҳам Шарқдан бошланган. Шу билан бирга илм-маърифатнинг туғилиши ҳам... Қанчадан-қанча жаҳоншумул дунёга машҳур алломалар, шоиру фузалолар бизнинг замондошларимиздир... Биз келажак авлодларимизга фахрланса арзигудек илм-маърифатдан тенгсиз, бой хазина, миллатимизга ҳеч тугалмас мустаҳкам пойдевор, теран маънавий илдизларни мерос этиб қолдирдик. Ҳа, биз ана шундай ақл-заковатли илмга меҳр қўйган элатмиз” [1,187-188].

Ибн Сино ва Берунийнинг дунёқараши кенг, билим даражаси тенгсиз эканликлари хатлари мазмунидан аён бўлади. Бу эса ёзувчининг улар ижоди билан чуқур таниш эканлигидан далолатдир.

Романда туш мотивидан ҳам ўринли фойдаланилган. Носируддин Сабуктегин куллиққа тушиб қолгач, беўхшов, афт-ангори ёқимсиз бўлгани боис унга ҳаридор чиқмайди. Унинг хўжайини ва бошқалар унга нафрат билан боқишиб “Қора бачком” (“Қора хўкиз”) лақабини берган эдилар. У бу ҳолдан ғамга ботиб, уйкуга кетади. Ўз тушини қуйидагича баён этади: “Тушимдамиш: соқоллари оппоқ, басавлат бир мўйсафид ёнимга келиб: “Ўғлим, нега хафа кўринасан?” деб сўрабди. Бахтсиздирман, бу дунёга келиб рўшнолик кўрмадим”, дедим йиғлаб.

- Хафа бўлма, ўғлим, яратганга шуқур қил. Мен сенга бир мужда келтирдим, - деб қолди мўйсафид.

- Қандай хабар экан? – сўрайман ошиқиб.

- Оллоҳ таоло инсон ҳақиқий бахт-саодатга эришмоқ учун тўрт нарсага амал қилмоғи даркор эрур... Энди мен сенга айтсам, қувончли, саодатли кунларинг яқин ўғлим, сени кўрганингни ҳеч ким кўрмас. Ҳали бу чўллардан ўз ғолиб лашкарларинг билан ўтурсен, бахт сенга кулиб боққусидир” [1,26]. Сўнг мўйсафид унинг давлати барча авлодларга мерос бўлиб ўтишини айтиб, ундан бекорга қон тўқмасликни, етим-есирлар бошини силашга онт ичтириб, дуога қўл очади.

Иккинчи туш кўриш воқеаси Маҳмуд Ғазнавий билан боғлиқ рўй беради. У Ҳиндистонга юриш қилиб Матхуре вилоятини босиб олганида жуда кўп бойликларни қўлга киритади. Улар

ичида хазинасидаги сандиқ ичида улкан бир гавҳар ҳам бор эди. Маҳмуд Ғазнавий ва унинг одамлари Матхуре кўрғонининг кимсасиз бир гўшасида маймунлар тўдасига дуч келдилар. Шунда маймунлардан бири султон соқчиларидан бирининг бошидаги дасторини олиб қочади. Соқчи маймунни камон билан отмоқчи бўлганида, султон уни бу ишдан қайтаради. Шунда ўша маймун пастга тушиб дасторини яна соқчининг бошига кийдириб қўяди. Султон шу кеча туш кўради. “Хукмдорни бир оз уйқу элитган ҳам эдики, тушимиз, Ғазнадаги саройда ўтирган экан, куни-кеча кўрган она маймун келиб, унга ўз ҳасратини айтаётган эмиш. Қизиғи шундаки, она маймун шинам кийинган, эгнида заррин тўн, бошидаги тожга Матхуре қаласидан олинган ўша катта гавҳар қадалган, тожнинг оғирлигидан она маймуннинг боши бир оз қийшайиброқ қолган эмиш. Султон Маҳмуд: “Бу тожни сен қайдан олдинг?” деса Она маймун: “Буни менга пайғамбаримиз Кришнанинг ўзи совға қилган!” дебди. Кейин ёқимли мусиқа овози эшитилди. Чиройли либослар кийиб олган бир гуруҳ маймунлар ўша мусиқа оҳангига рақсга тушишар, бир хуш овозли маймун эса синиқ овоз билан мунгли бир қўшиқни хониш қила бошлабди. Унинг қўшиғига она маймун хўнг-хўнг йиғлар эмиш” [1,120]. Ана тушдан султоннинг кўнглига ғашлик тушади. Ёзувчи бу орқали Ҳиндистонга ўн олти бор юриш қилган, қанча-қанча қулларни Ғазнага олиб келган, улар орасидаги моҳир усталар кучи билан “Кўшки Ғазния”, “Жомеъ масжид”, “Бахт минораси” ни тиклаб, шаҳарни обод этган Султон Маҳмуднинг босқин ва талонларига ўзининг муносабатини билдиради. Ушбу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси “Улуғ салтанат” эпопеяси муаллифи Муҳаммад Али тарихий романда тарихий воқелик ва тарихий шахс ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Асарнинг бош ғояси – ёзувчининг мақсади, нияти. Содда айтганда, унинг ўқувчига айтмоқчи бўлган сўзи, орзуси, армони, ноласи, дил сири... Бош ғоя, ижодий ният талаб қилса, албатта, **тарихий мантиққа суянган ҳолда**, ҳамма нарса, ҳатто тарихий фактлар, шахслар номи, саналар ва ҳоказолар истисно тариқасида ўзгартирилиши мумкин. Тарихий романнинг отаси Вольтер Скотт “Айвенго” романида Ричард I Шерюракнинг ҳаддан ташқари идеаллаштириб юборган, халқнинг қўллагувчиси ва ҳимоячиси қилиб тасвирлаган. Аслида расмийлаштиришда эса бу қирол халқни қашшоқлаштирган, бошига балолар келтирган зот эди. Муаллиф тарихни билмасмиди? Лекин у ижодий ниятидан келиб чиқиб, қиролни юқоридагидек ўзгартириб тасвир этди. Бунда сеҳрли тўқима бор эди. Демак бадиий адабиётнинг ўз талаби бор бўлиб, ҳужжатларга, тарихий фактларга сира боғланиб қолмайди, балки парвозни юқорироқдан олади. Бу маънода тўқима унга қўл келади. Тўқима – ижодкорнинг ижодий ниятига қараб пайдо бўлади” [3,5]. Мақсуд Қориев ҳам “Ғазнавийлар” романида тарихий воқелик ва шахсларга ёндашувда ана шу талаб ва тамойиллар асосида иш кўради. Қаҳрамон ва персонажларнинг ўзига хос тарихий ва бадиий тўқимага уйғун қиёфаларини яратишга муваффақ бўлади.

Хулоса. Ёзувчи ўзбек халқ оғзаки ижоди, Шарқ мумтоз адабиёти, жаҳон адабиёти намуналаридан таъсирланган ҳолда Султон Маҳмуддек мураккаб шахс ва унинг даври воқеаларини асарда ҳолис, ҳаққоний акс эттиришга муваффақ бўлган.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қориев М. Танланган асарлар. III жилд. Ғазнавийлар тарихий роман. – Томлик: “Шарқ” нашриёт матбаа ан ка бош таҳририят, 2006.
2. Каримов Н. “Ғазнавийлар” романи ва унинг муаллифи ҳақида//Қориев М. Танланган асарлар. III жилд. Ғазнавийлар тарихий роман. – Томлик: “Шарқ” нашриёт матбаа ан ка бош таҳририят, 2006.
3. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат ёзишда изланишларим. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2021 йил 2 с февраль 9(4616).

ИНСОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИН ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

З.Ш.Мақсетова, магистрант, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус
Г.Б.Джолдасова, PhD, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус

Аннотация. Мазкур мақола инсон интеллектуал қобилиятларининг фразеологик бирликлар таркибида намоён бўлишини таҳлил қилишга қаратилган. Интеллектуал қобилиятларни ифодаловчи фразеологик бирликлар (ФБ) ва уларнинг компонентлари ёрдамида гавдаланиш ўзига хосликларининг инглиз ва қорақалпоқ тиллирининг мисолида таҳлил қилишни мақсад қилиб қуйганмиз. Ушбу гуруҳга «инсоннинг фикрлаш қобилиятини» ифодаловчи ФБ лар ва уларнинг компонентлари танланган ва таҳлилга тортилган.

Калим сўзлар: лисон, фразеологик бирлик, тил сатҳи, инсон, интеллект

Аннотация. Данная статья направлена на анализ проявления интеллектуальных способностей человека в структуре фразеологизмов. Поставлена задача проанализировать особенности воплощения с помощью фразеологических единиц (ФЕ), репрезентирующих интеллектуальные способности и их компонентов, на примере английского и каракалпакского языков. Для этой группы были отобраны и проанализированы ФЕ, представляющие «мыслительные способности человека» и их компоненты.

Ключевые слова: языковая единица, фразеологическая единица, языковая система, человек, интеллект

Abstract. This article is aimed at analyzing the manifestation of human intellectual abilities in the structure of phraseological units. The task was set to analyze the features of the embodiment with the help of phraseological units (PU) representing intellectual abilities and their components on the example of the English and Karakalpak languages. For this group, phraseological units were selected and analyzed, representing the “mental abilities of a person” and their components.

Key words: linguistic unit, phraseological unit, language system, human, intellect

Мазкур ишда биз инсон интеллектуал қобилиятларининг фразеологик бирликлар (ФБ) ва уларнинг компонентлари ёрдамида гавдаланиш ўзига хосликларининг инглиз ва қорақалпоқ тиллирининг мисолида таҳлил қилишни мақсад қилиб қуйганмиз. Ушбу гуруҳга «инсоннинг фикрлаш қобилиятини» ифодаловчи ФБ лар ва уларнинг компонентлари киритилган ва таҳлилга тортилган.

Инсон интеллектуал қобилиятларини ифодаловчи ФБ ларни таҳлил этишда мазкур ҳодисани баҳолаш бўйича инглиз тилида куйидаги мезон таҳлилга тортилади. Кўпгина ҳолларда инсон интеллектини баҳолаш замирида соғлом/касал қарама-қаршилиги каби семалар ётади. Ижобий белги ҳудудида инсонга хос белгиларнинг айримлари таъкидланади. Масалан, «ақыл менен ис жүритиў, ақлы пүтин» ва «ақыл жүргизиў»: *be of sound mind* – ақыл еси жайында. Интеллектнинг етишмаслиги, фаолиятнинг тезлиги пастлиги ёки инсонда меъёрдаги ақлий фаолиятнинг бўлмаслиги кўпгина ҳолларда унинг касаллиги билан ассоциация қилинади, ёки аномал ривожланиши кўрсатилади: *be out of one's senses* – ақлдан айырылыў, жилли болыў, басы орнында болмаў ва ҳ.

Инсон интеллектуал қобилиятларини ифода этувчи фразеологизмларнинг баҳолаш компонентини ўрганиш жараёнида куйидаги баҳолаш воситаларидан фойдаланилганлиги кўзга ташланди:

а) сифат ва равиш: *clever, intelligent, quick, stupid, mad, slow, sharp*, ақыллы, аңли, ақыл менен, аҳмақ, тентек, саналы, если;

б.) инсон тана аъзолари ва органларини ифода этувчи отлар: *head, finger, eye, arse, ears*; бас, мий, көз, тил, бармақлар, маңлай, мурын, қулақ;

в) атоқли отлар: *Aleck, Betty, Charley, Dick, Dora, Стив*; Өмирбек, ;

г) зооним ва фитонимлар: *ass, bat, bee, donkey, goose, awl, bananas, nuts*; қой, шошқа, таўық, таяқ, сабан, қаратал (ел, бағ, дуб, ақ терек);

«Ақлий қобилият» умумий семасига мисоллар: *one's (the) upper storey(s)* – «ақыл, мий»; *turn of mind* – «ақылдың түрлері»; *gray (grey) matter* – «ақна мий, мий бөлімлері, мий»; *бастың хәкими (кимнингдир)* – «ақыл, аң, пикир, қыял».

Умумий маъноси «аҳмоқлик» бўлган фразео-семантик кичик гуруҳига мансуб фразеологизмлар катта миқдорларни ташкил этади:

have got apartments to let; not to have (got) a brain in one's head; a proper Charley (Charlie, Charley, Charlie): cousin Betty; dead from the neck up (амер. dead above the ears); dump Dora; long hair and short wit; Кудай заргаган, басында пахта, Алла тааланың адастырган бендеси; мийи шайылган, басы орнында емес, еси жоқ; қорақалпоқ тилида «шашы узын ақылы келте» (қиз болага нисбатан айтылади).

Ушбу кичик гуруҳда муайян миқдордаги мақоллар рўйхатга олинган: *a foot's bolt may sometimes hit the mark; as the foot thinks, so the belt clicks; a food and his money are soon parted; аҳмақтың бир ырысқы артық; себебсиз күлген-аҳмақтық белгиси, ойланбай сөйлеген, айырмай өледу ва б.*

«Ақл, донолик» маъноли ва ижобий баҳо коннотациясига эга фразео-семантик кичик гуруҳига қуйидаги ФБ лар тааллуқлидир: *all there; have more brains in one's little finger than one has in his whole body; clever Dick: a clever dog; a clever head; басында хәкими бар; мийи пүтин, ақылы пүтин; ийнинде бас бар, желкесинде басы бар; бас ислейди; ақыллы бас.*

Қуйидаги мисоллар «чекланган», «узок бўлмаган» маъноли фразео-семантик кичик гуруҳга тегишли ФБ лардир: *be (run) in blinkers (wear blinkers); have a bad (no head) for smth; a one-track mind; мурны аспанда; қудайдың заргысына ушраган, аспанда жулдыз санайды.*

«Билим, билимни ўрганишга қобилият» умумий семасига эга бўлган фразео-семантик кичик гуруҳга қуйидагилар қиради: *menial furniture (furniture of (one's) mind); a walking encyclopedia; have smth. at one's fingers' ends (finger-ends, fingertips, finger-tips); walking dictionary; have swallowed a (the) dictionary; алтын баслы, энциклопедия; бас бармагындай биледи; қорақалпоқ тилида «тири энциклопедия».*

Инсоннинг ақлий фаолиятини ифодаловчи ФБ лар кичик гуруҳига қуйидагилар тааллуқли: *chew the cud (the food) (of fancy, reflection, etc); look before and after; put that and that together (put this and that together, put two and together); think aloud (think out loud); think better; think twice; absorbed (engrossed, lost) in thought (in one's own thought); collect one's thought; бас менен жақсы дос; мийге жазып алыў (көз алдына келтириў); пикирин жыйнаў; ақылы мене ис тутыў (мий менен); мийде сақлаў, ядында сақлаў. Шуниси қизикки, баъзи инглиз бир фразеологизмлари киноя мазмунли хилма-хилликка эга, яъни улар салбий баҳолаш коннотацияси билан ифодаланади: (масалан: *too clever by half; clever Dick; (as) solemn (wise) as an owl*).*

All there ФБ салбий (*not (quite) all there* ўз ақлида эмас) маънода қўлланилади.

«Желкесинде басы бар» (ақли, мулоҳазали, онгли бўлмоқ) ва «бошида подшоҳи билан» (ниҳоятда ақли, мушоҳадали, тушунчали) фразеологизмлари бир вақтнинг ўзида иккита фразео-семантик кичик гуруҳга тааллуқли бўлади. Яъни «ақыл, даналық» ва «аңлы, парасатлы» маъноли фразеологизмлар икки кичик гуруҳга зўрлаб киритилгандек таассурот қолдиради.

«Боши билан» фразеологизми «ниҳоятда ақли, журъатли, қобилиятли» маънолари билан «қобилиятлилик, истеъдодлилик, иқтидорлилик» кичик гуруҳига мансуб бўлади.

Қорақалпоқ фразеологизми «бир тис жоқары»- «бир қадем алдында» бирор шахснинг бошқасидан маълум жиҳатлари билан устунлиги билдиради (бир бош юқори) маъноси билан қисман ажратилган фразео-семантик кичик гуруҳга қиради. Шунингдек, (*as) solemn (wise) as an owl* ФБ лигининг коннотатив компоненти фразеологик маъносини аниқлаш қизик кўринади. Мазкур фразеологизмнинг эмоционал бўёқдорлиги-киноявий ҳазил, характери, баҳолаш коннотацияси қатъий салбий маъно ифода этмайди, аксинча унинг таркибига кирган компонентлари маъноларининг «ўзаро тўқнашуви» натижасида пайдо бўлган- *solemn (wise) as an owl* (инглиз тилидаги учта ФБ лар «owl» компоненти билан салбий баҳосига эга.

Қиёслаймиз: *(as) grave as an owl* – «хафақон, қовоғини солган, қайғули»; *қовоғини солиб қарамоқ; va night owl*, амер. сўзлашув – «ярим кечалик, тунги капалак (енгил табиат)».

As solemn (wise) as an owl фразеологизми услублараро ФБ лар қаторига киради, унинг экспрессив компоненти коннотацияси ифодаланмаган, ижобий баҳолаш коннотациясининг йўқлиги эса контекст воситасида тасдиқланади.

Шундай қилиб, фразеологик воситалар билан инсон интеллектуал қобилиятларини баҳолашнинг этномаданий ўзига хослиги инглиз тили материалларида қуйидагича намоён бўлади:

- ақлий фаолиятининг натижаллиги: инглизлар учун белгини тез англаб етиш, шунингдек, фаолиятнинг самаралилиги, муваффақиятлилиги долзарб ҳисобланади;

- ўткир ақллиликни айёрлик, эпчиллик билан боғлайдилар.

Олам тил манзараси ҳар қандай аспектини ўрганиш семантик тадқиқотларни фаоллаштиришни билдиради. «Шубҳасиз, ҳар бир тилнинг семантик системаси объектив борлиқнинг ва унинг эгалари субъектив оламнинг специфик концептлашишини акс эттиради. Бу ўз изоҳини талаб этади, қоида бўйича, изланишларда экстралингвистик омилларга мурожаат қилинади, улар мазкур халқнинг маданий ҳодисаси сифатида талқин этилади» [Сафаров 2006:750].

Фразеологиядаги миллий-маданий компонент табиатини икки аснода талқин этиш мумкин:

1) реал сўзлар маънолари билан;

2) у ёки бу тил доирасида ўзига хос концептуал майдон ҳосил қилган борлиқни индивидуал-тил воситасида ўзлаштирган шаклда.

Иккинчи ёндашув, бизнингча, оптимал вариантдир. Унга кўра, ҳар хил тил жамоалари концепт ҳосил қилувчи усуллардан фойдаланиб, оламнинг манзараларини турлича шакллантиради. Бу эса миллий маданиятлар асоси ҳисобланади [Карасик 2001:3-4]; [Қдырбаева, Нажимова 2011: 56-58].

Ушбу йўналишда кўпгина ФБ лар маъноларини маданият категорияларида шарҳлаш мумкин, бу эса, аслини айтганда, миллий–маданий ёндашувдир. Бошқача айтганда, ФБ лар тил эгаларининг дунёқарашида мотивланган образли тасаввур бўлиб, улар маданий-миллий коннотацияга эга бўлади [Корнилов 2003:24-25].

ФБ лар мазмун режасида (айниқса, уларнинг синхрон мотивланганлиги сезилган ҳолатда) иккита аспект ажратилади: долзарб маъно ва образли таркибли маъно. Тадқиқотимизда қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун, ФБ ларнинг образли жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, биринчидан, ушбу аспектда тиллар орасидаги фарқлар белгиланиши мумкин (актуал маънолар йиғиндиси фразеологизмларда универсал характерга эга) [Федулянова 2000:10]; иккинчидан, шунга ўхшаш фарқлар маданий-мотивланган бўлиши мумкин.

ФБ лар мазмун режаси миллий-маданий компоненти (қиёсий ёндашишда ажратилган) образли таркибга асосланади ва тиллар орасидаги когнитив аҳамиятли фарқлар билан муносабатда бўлади [Маслова 2007:128-129].

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари масаласини ҳар хил аспектларда ўрганиш зарурлигини англаш ҳозирги замон тилшунослигининг энг таянч нуқталаридандир. Ушбу заруратни тан олиш тил тўғрисидаги фанда янги мажмуавий соҳа–лингвوماданиятшуносликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу фан диққат марказида инсондаги тил омилни ўрганиш масаласи туради, яъни унинг амалий ҳаёти фаолиятида, ҳаётий фалсафасига таъсир этувчи, шу билан бирга оламда инсон мавжудлигининг барча соҳаларини дискурсив амалиёт стратегияси билан қамраб олиш жиҳатларида намоён бўлувчи тилни ўрганишни асосий вазифа қилиб қўяди.

Фразеологизмларни миллий-маданий ўзига хослиги биринчи навбатда, маънонинг денотатив аспекти билан ифодаланишида кўринади. Унга, масалан, шундай фразеологик бирликларни киритиш мумкинки, уларда миллий маданиятга оид предметлар (*paddleone'sowncano*), флора ва фауна (*treethesoon*), прецедент номлар (*CaliforniaBible, Honest*

Абе) ва бошқа атамалар тааллуқли бўлади. Аммо тил ва маданият орасидаги чуқур алоқалар шундай ФБ ларда намоён бўладики, улардан муҳим аксиологик ахборот ташувчи восита сифатида мазкур жамоада олам манзараси шаклланишида фойдаланилади. Бундай ҳолатда аксиологик маъно таркибида баҳолаш маъноси мавжуд бўлиб, улар жамоа аъзолари- тил соҳиблари учун универсал ҳодиса бўлади. Ушбу ҳодиса объект кадр-қимматини, жамиятда яхши ва ёмон ҳақида барқарорлашган норма ва тасаввурларни қайд этувчи кўрсаткичлар ёрдамида баҳолашни акс эттиради. Ушбу фразеологик бирликлар борлиқни қисмларга бўлишни ва категориялаштиришнинг миллий-маданий усуллари акс эттиради: улар мазмун ва ифода планида маданиятнинг таянч концентлари билан муносабатда бўлади, шунингдек, конкрет даврдаги жамиятнинг қадриятли мўлжаллари ҳақидаги ахборотларни ташиди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности.- Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001.- С. 3-16
2. Кдырбаева, Г. К., & Бабаджанова, Н. Х. (2022). Соляр мифологиянинг рудиментларига синхроник ёндошув. *Academic research in educational sciences*,3(6), 938-947.
3. Корнилов О.А. Языковая картина мира как производные национальных менталитетов.- М.: Че Ро, 2003.- 347 с.
4. Маслова В.А. Homolingualis в культуре.- М.: ИТДГК «Гнозис», 2007.- 175с
5. Маслова В.А. Лингвокультурология.- М.: Изд. Центр Академия, 2001.- 14-15 б.
6. Федунякова Т.Н. Английская фразеология.- Архангельск: АГУ, 2000.- 192 с

УДК 811.111

ЗАИМСТВОВАНИЕ – КАК ПРОЦЕСС РАЗВИТИЯ ЯЗЫКА

Г.М.Минаварова, преподаватель, Андижанский государственный медицинский институт, Андижан

Annotatsiya. Quyidagi maqolada xalqaro atamashunoslikda qo'llaniladigan lotin va yunon so'zlari hamda yunon – lotin morfemalar: negiz, old qo;shimcha, suffikslarning o'zlashtirish jarayoni ko'rib chiqilgan

Kalit so'zlar: o'zlashtirish, lingvistika, antik, internatsionalizmlar, neologizmlar, leksika

Аннотация. Данная статья рассматривает процесс заимствования латинских и греческих слов, а также отдельных греко-латинских морфем: корней, приставок, суффиксов, используемых в международной терминологии.

Ключевые слова: заимствование, лингвистика, античный, интернационализмы, неологизмы, лексика

Abstract. In the article it is described the process of borrowing Latin and Greek words, as well as certain Greek-Latin morphemes: roots, prefixes, suffixes used in international terminology.

Key words: borrowing, linguistics, ancient, internationalisms, neologisms, vocabulary

Современные лингвисты ведут большую работу в области исследования латинских и греческих заимствований в русском языке. Причиной этого является то, что язык служит средством накопления и хранения культурно-значимой информации. Если рассмотреть этимологию многих известных общеупотребительных слов они восходят корнями к латинскому языку. Например:

Filia - дочь, филиал

Honor - честь

Canicular – время летней жары

Finis - граница

Murus - стена

Littera - буква

Apello – обращение с речью

Jurus – право, суд

Justus - закон

Avis - птица

Bis - дважды

Voc - голос

Clepto - краду

Согласно знаменитому афоризму «*Invia est in medicina via sine lingua latina*» ни одна из современных областей науки, за исключением филологии, не пользуется в такой мере латинским языком, как медицина. Принято считать, что латинский язык – это «мёртвый» язык, однако для всех медицинских работников и фармацевтов это живой язык, используемый в повседневной деятельности. Названия болезней, признаков болезней, лекарств, анатомические, клинические, фармацевтические термины созданы на основе латинского и греческого языков. Во все европейские языки вошло много греческих и латинских слов и корней, и современный научно – технический язык развился на основе языкового наследия древнего мира.

Самым простым случаем языкового контакта является заимствование слова из одного языка в другой.

Заимствование - процесс, в результате которого в языке появляется и закрепляется слово. Заимствование пополняет словарный запас языка. Заимствованные слова отражают полноту контактов между народами. Так, в германских языках имеется обширный пласт древнейших латинских заимствований, в славянских языках древнейшие заимствования – из германских и иранских языков. Например, узбекские слова «калам» (карандаш) и «халиф» (визирь) пришли из арабского языка – «*kalam*» и «*kalif*».

При заимствовании значение слова часто изменяется. Так, французское слово *chance* означает «удача» или «тебе повезло», в то время как русское слово «шанс» означает лишь «возможность удачи». Иногда значение меняется до неузнаваемости. Например, русское слово «идиот» произошло из греческого «частное лицо», слово «сарай» восходит к персидскому слову со значением «дворец» (в русский язык оно вошло через тюркские языки). Бывает и так, что заимствованное слово возвращается в своем новом значении обратно в тот язык, из которого оно пришло. Такова история слова «быстро», пришедшего в русский язык из французского, где оно возникло после войны 1812 года, когда части русских войск оказались на территории Франции – вероятно, как передача реплики «Быстро!». Слово «шарамыга» тоже имеет свою историю. Во время Великой Отечественной войны французские солдаты, оставшиеся после поражения Франции в России превратились в бомжей и искали помощи у прохожих, обращаясь к ним «*Cher ami*», что в переводе означает «мой дорогой». В узбекском языке тоже есть латинизмы. Это такие слова как «гаргара», «гузапоя». В переводе с латинского «*gargarisma*» - это полоскание, а «*Gosippium*» - это хлопчатник.

Помимо готовых латинских и греческих слов, в международной фармацевтической терминологии широко используются отдельные греко-латинские морфемы: корни, приставки, суффиксы. Например: **andr** (андрогенные (препараты мужских половых гормонов)), **barb** (барбитураты (снотворные, успокаивающие)), **benz** (производные бензойной кислоты), **bil** (желчегонные), **caïn** (местнообезболивающие), **cid** (убивающие возбудителей болезни), **angi** (действующие на сосуды), **alg** (обезболивающие), **s(o)um** (антикоагулянты), **emet** (противорвотные), **dol** (обезблывающие), **glyc** (производные сахара), **haemat** (действующие на кровь), **hupn** (снотворные), **lax** (слабительные), **merc** (препараты ртути), **muso** (противогрибковые препараты), **pers** (регулирующие пищеварение), **phren** (психоседативные, успокаивающие), **sed** (успокаивающие, седативные) и др.

Слова греческого происхождения в русском языке бывают двух типов – в соответствии с эпохой и способом их заимствования. Наиболее многочисленную группу составляют те греческие слова, которые пришли в русский язык через латынь и новые европейские языки – сюда относится вся международная научная терминология, а также множество общезначимых слов, таких как **тема, сцена, алфавит, варвар, кафедра, Афины, финик**. Для того чтобы стать заимствованием, пришедшее из чужого языка слово должно закрепиться в новом для себя языке, прочно войти в его словарный состав – как вошло в русский язык множество иностранных слов, таких как пальто, кофе, руль, флаг, флот, штурман, шхуна, катер,

ассамблея, глобус, апоплексия, акт, генерал, фляжка, школа и др. многие из которых настолько прижились в русском языке, что только лингвисты знают об их иноязычном происхождении.

Поэтому латинизмы и грецизмы делятся на *прямые и опосредованные*. Языками-посредниками чаще всего были французский, английский, немецкий, итальянский и польский языки. Так многие европейские слова заимствованы русским языком через посредство польского, например, **музыка** (слово греческого происхождения, пришедшее в русский язык через Европу и Польшу), слово **рынок** (польского *rynok* тем же значением, возникшего, в свою очередь, из немецкого *Ring- кольцо, круг*) и др. Есть заимствования с очень долгой и сложной историей, например, слово «**лак**»: в русский язык оно пришло из немецкого или голландского, в эти языки – из итальянского, итальянцы же его заимствовали скорее всего у арабов, к которым оно попало через Иран из Индии.

Прямые заимствования – это те, которые пришли в другие языки непосредственно из языка-источника (латинского). К ним относятся ряд некоторых латинских слов:

Латинское слово	Английское слово
Singularis	singl
pluralis	plural
longus	long
muscularis	muscular
superior	superior
internus	internal
externus	external

Anamnesis – ana (повторение действия) mnesis (память) - воспоминания о болезни

Metamorphosis – meta (перерождение) - morpho (вид, форма) - выход за пределы формы

Encephalon – en (в, внутри) cephalo (голова) - внутренний головной мозг.

Аллерген - (allos – другой, ergia - действие) -

Prognosis – pro(передний, впереди) - gnosis (знание) - предсказание, предугадывание

Анорексия - an (отрицание) orexo (желание) – отсутствие желания кушать

Трансплантация - (trans - через, plantation - посадка) - пересадка

Антарктика - (anti - против Arktica - медведица) место против медведей, медведи там не водятся, там живут пингвины

Астигматизм (a – отсутствие, stigma - точка)

Progeria - pro(передний, впереди) geri,geronto (старый, старческий – преждевременное старение)

Декстракардия (dexter - правый, cardio - сердце) – правостороннее расположение сердца

Ностальгия (nostos - возвращение на Родину, algia - боль).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Барлас Л.Г. Русский язык. Введение в науку о языке. Лексикология. Этимология. Фразеология. Лексикография: Учебник под ред. Г.Г. Инфантовой. – М.: Флинта: Наука, 2003
2. Минаварова Г.М. Аспекты обучения профессиональному языку студентов медвузов *Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник - NamDU ilmiy axborotnomasi - 2022_2-сон*

УЎК 882-1

ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА СУВ ВА ОЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ ОБРАЗЛАРНИНГ ПОЭТИК ВАЗИФАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ш.Ш.Низомова, PhD, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий шеъриятда сув ва олов билан боғлиқ образларнинг поэтик вазифаларда ифодаланиши хусусида фикр юритилган. Унда сув билан ишловчи шахслар, ўсимликлар, сув транспорт воситалари поэтик образлари таҳлилга тортилган

Калит сўзлар: шеърият, маросим, оилавий-маиший маросим, тасвир, табиат ҳодисалари

Аннотация. В данной статье рассматривается выражение образов, связанных с водой и огнем, в поэтических задачах в современной поэзии, анализируются поэтические образы людей, работающих с водой, растениями, водными транспортными средствами.

Ключевые слова: поэзия, цермония, семейная цермония, образ, природные явления

Abstract. This article discusses the expression of images related to water and fire in poetic tasks in modern poetry. It analyzes the poetic images of people working with water, plants, and water transport vehicles.

Keywords: poetry, ceremony, family-life ceremony, image, natural phenomena

Ўзбек замонавий шеърятда сув билан ишловчи шахслар: сувчи, мешкобчи, ғаввос; сув жониворлари: балик, илон, кундуз, ўрдак, ғоз, оққуш; сувга алоқадор дарахт ва гуллар, ўсимликлар: мажнунтол, нилуфар, сув ўти; сув идишлари: кўза, коса, пиёла, челак, чойнак; сув транспорт воситалари: кема, қайик, елкан, сол ва ҳоказоларнинг поэтик образлари, албатта, бирор жиҳати билан севги, оила, интим кечинмалар, фарзанд ва фаровон турмуш ғоялари билан боғланади. Бу миллий шеърятимизда халқ кўшиқларидан бошлаб юзага келган ўзига хос анъана туфайли келиб чиққан бадий қонуниятдир.

Сув билан ишловчи ғаввос, мешкобчи, сувчи образлари шеърятда ўзига хос бадий вазифада талқин этилади. Аслида ғаввос – сув тубида махсус мослама билан юривчи инсон. Ғаввослар ҳаётда сув остини текшириш ёки унинг бағридан бойликлар олиб чиқиш вазифасини бажаришади. Айниқса, денгиз тубидан марварид олиб чиқиш учун маҳоратли ғаввос бўлиш талаб этилади. Шунинг учун шеърятда баъзан сўзни чиройли териб, гўзал шеърлар ярата олган маҳоратли шоирлар бевосита ғаввосларга ўхшатилади. Шундай ўхшатиш Садриддин Салим Бухорий шеърларидан бирида учрайди:

Олиб чиққай денгиздан дур
Ғаввос сенга, қийнаб жон.
 Бахш этмоқ-чун сенга хузур
 Шоирлар битар дoston [1].

Кўринадики, шеърда шоир тимсоли ғаввосга ўхшатишмоқда. Дарҳақиқат, ғаввос жонини қийнаб денгиз тубидан олиб чиққан дури билан инсонларга завқ бағишласа, шоир ўз қалбидан олиб чиққан сўз дурлари билан кишиларга хузур бағишлайди.

Сиз, эй лутф баҳрида **ғаввос**,
 У сизни соғиниб кетди.
 Деманг, шоир жимиб кетди,
 Ғазал ёзмай тиниб кетди [2].

Ушбу мисраларда ҳам шоир тўппадан-тўғри лутф баҳри (денгизи)нинг ғаввоси деб аталмоқда.

Ўтмишда **меш** (сув солиб кўтаришга мўлжалланган тери мослама) билан сув ташувчи кишини **мешкобчи** дейишган. Мешкобчилик қадимий касблардан биридир. Азалдан ўзбек тўйларида хос хизматкорлар хизмат кўрсатишган. Улар хизматига қараб турлича номланган. Жумладан, совчи, дастурхончи, қайвони, баковул, мешкобчи каби. «Алпомиш» достонида золим Ултонтоз отаси Бойбўри султонни эғнига қора меш осиб, тўйда сув ташиб хизмат қилишга мажбур қилади [3].

Замонавий шоирлар тарихий мавзуларда шеърлар ёзмоқчи бўлсалар, ана шу қадимий сувчилик касбларидан бири саналган мешкобчилик мавзусига ҳам ишора қилиб ўтадилар. Масалан:

Юрагим мисоли Бухоро,
 Муқаддас – тунлари, кундузи,
 Дарёлар қуриса ҳамки ҳеч
 Қуримас чашмаси, ҳовузи.
 Юрагим мисоли Бухоро,
 Намоён шодлиги, азоби.
 Ул сўнгги хаттоти хат битар,

Сув тутар энг сўнгги мешкоби [4].

Муҳаммад Юсуфнинг «Бободехқоним» шеърида **сувчи** образи келтирилган. Чунки деҳқон мохир сувчи ҳам бўлиши талаб этилади:

Қора денгиз бўйларида
Ким кезар жон яйратиб? [5]
Оби ҳаёт таратгувчи
Буюк сувчи ўзингсан.

Шоир деҳқонни худди Юсуф Хос Ҳожиб ҳамда Алишер Навоийлар сингари «Инсонга ризқ-рўз улашувчи» сифатида таърифлашни мақсад қилар экан, буни образли тарзда амалга ошириш учун уни «буюк сувчи» таърифи билан беради. Бу билан у деҳқончиликни сувдан айри тасаввур қилиб бўлмаслигини ўзига хос тарзда эслатади. Дарҳақиқат, деҳқон қишин-ёзин даласидан нари кетмайди. Унга Қора денгиз бўйларидек сўлим ва баҳаво жойларга бориб дам олиб келиш туйғуси бегона.

Шеърларда ҳаёти бевосита сув билан боғлиқ балиқ, илон, кундуз, қурбақа сингари жониворлар ҳамда ўрдак, ғоз, оққуш сингари парранда ва қушлар, кўпинча сув бўйида ёки сув ичида униб-ўсадиган дарахт ёки гул, ўсимликлар образи ҳам учрайди.

Дарёлар адашди юрар йўлидан,
Ёмғирлар адашди, қорлар адашди.
Ўрдак билан ғози учди кўлидан,
Тақдири чалкашиб ёрлар адашди [6].

Ш.Турдимов халқ кўшиқларида ғоз ва ўрдак образлари кўпинча ёнма-ён қўлланишини, бундай ўринларда улар бир-бирига зид поэтик маъно ифодаловчи антоним рамзларга айланишини билдиради [7]. Дарҳақиқат, О.Ҳожиевадан келтирилган юқоридаги мисраларда ҳаётнинг ҳар доим бир текисда кечмаслиги, инсон бошига баъзан синовли, машаққатли, муаммоли кунлар тушиши, айниқса, муҳаббат бобида икки севишганлар тақдири боғланмай, ўзга бировга ёр бўлишса, гўё дарё ўз йўлини, ўзанини ўзгартиргани, ёмғир-қорлар адашгани, ўрдак ва ғоз қўлдан учиб, ҳафсала пир бўлгани каби туюлади. Юқоридаги сатрларда ана шу холат халқона оҳангларда ифодаланган.

Ҳиндлар ва эскимослар майитни сувга, балиқларга ташлаганлар. Шунинг учун **балиқ** бу халқлар орасида муқаддас жонивор ҳисобланади ва у ҳомий куч сифатида эпик талқин қилинади.

Хоразмликлар эътиқодига кўра, балиқлар подасининг эгаси сув ости дунёси хўжайини Сочли отадир. Бунга Убю образи ҳам жуда яқин. Бу образ антропоморф шаклидаги сувга алоқадор руҳ бўлиб, Жанубий Қозоғистон аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалган. У муқаддас шахс эмас, мифик жонзот бўлиб, сувда яшайди ва балиқ подасини боқади. У сочлари ўсган, баҳайбат махлуқ сифатида тасаввур қилингани учун Сочли ота, Чочли ота деб юритилади. Балиқчилар сувга қармоқ ташлашдан олдин, унга:

Балиқчи ота, бакчи ота,
Уни боққан сочли ота, – дея мурожаат этишади.

Бундай образ славян ва туркий халқлар фольклорида ҳам учрайди. Масалан, туркманларда «сув одами» образи сақланган [8].

Халқ олов тимсоли орқали **фарзанд маъноси**ни ҳам ифода этган. Бу болаларга кўйиладиган Оловиддин, Оташбой, Гулхан исмлари мисолида ҳам ўз тасдиғини намоён эта олади. Лекин кейинчалик фарзанд маъноси олов образидан унинг атрибути бўлган чироқ образига кўчирилган. Шунинг учун кўпинча ота-оналарнинг ўз фарзандига тўппадан-тўғри «чироғим» деб айтиши кузатилади. Бу билан фарзандларнинг ота-она руҳига ису чироқ қилиб туриши одатига ишора қилинмоқда. Демак, «Ўғил ёққан чироқни, қиз ҳам ёқар» мақолининг маъноси қиз фарзанд ҳам оила куриб, фарзанд кўрар экан, ота-онаси номи, чироғи ўчмаслигини таъминлайди.

Кўринадики, чироқ кўчими, одатда, ўғил ва қиз фарзандларга нисбатан тенг қўлланилаверади. **Чироқ** – олов аналогларидан бири.

Тоғларим қаерда, чўлларим қани?

Одамларим, қайларга кетгансиз йирок?
 Қаршимда товланган йўлларим қани,
 Қайдасан чирок?
 Тугади!
 Тугади ҳамма оловим [9].

Нурга талпинмоқ тушунчасида яхшиликка, ёруғликка интилиш ғояси мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шоирлар ижодида сув ва олов билан боғлиқ турли нарсаларнинг ҳар хил маъноларда, турфа кўринишларда образлантирилгани кузатилади. Бу эса бадий-эстетик анъана сифатида давом этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Садриддин Салим Бухорий. Темур сўзи. / Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б.94.
2. Воҳидов Э. Деманг, шоир тиниб кетди. / Орзули дунё: Шеърлар. – Тошкент: «Шарқ», 2010. – Б.49.
3. Алпомиш. Ўзбек қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: «Фан», 1999. – Б.350.
4. Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б.44.
5. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. Шеърлар тўплами. – Тошкент: «Nihol», 2008. – Б.46.
6. Ҳожиёва О. Паноҳим. (Шеърлар ва ҳикоялар). – Тошкент: «Шарқ», 1998. – Б.11.
7. Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: «Фан», 2020. – Б.20.
8. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – Б.314.
9. Усмон Азим. Фонус. Шеърлар тўплами. – Тошкент: «Sharq», 2010. – Б.45.

УЎК 811

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ЛИСОНИЙ ШАХС ТУШУНЧАСИ

М.Х.Рузиева, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақола антропоцентрик тилшуносликнинг Марказий атамаларидан бирига бағишланган. Муаллиф тарихий ретроспектда "лингвистик шахс" атамасини талқин қилиши муаммосини ўрганади, тилшуносларнинг лингвистик шахс тушунчаси ва муаммоларига турли ёндашувларини таҳлил қилади, ушбу ҳодиса ва унинг таркибий қисмларини ўрганиши йўналишларини ўрганади; жорий атамдан фойдаланиши истиқболларини белгилайди.

Калит сўзлар: лингвистик шахс, тилшунослик, лингвистик шахс даражалари, лингвистик шахснинг таркибий қисмлари ва турлари, нутқ фаолияти, илмий парадигма.

Аннотация. Статья посвящена одному из центральных терминов антропоцентрической лингвистики. Автор рассматривает проблему толкования термина «языковая личность» в исторической ретроспективе, анализирует различные подходы лингвистов к понятию и проблематике языковой личности, исследует направления в изучении данного феномена и входящие в него компоненты; намечает перспективы использования актуального терминологического обозначения.

Ключевые слова: языковая личность, лингвистика, уровни языковой личности, компоненты и типы языковой личности, речевая деятельность, научная парадигма.

Abstract. The article is devoted to one of the central terms of anthropocentric linguistics. The author examines the problem of interpretation of the term "linguistic personality" in historical retrospect, analyzes the various approaches of linguists to the concept and problems of linguistic personality, explores the directions in the study of this phenomenon and its components; outlines the prospects for the use of the current term.

Keywords: linguistic personality, linguistics, levels of linguistic personality, components and types of linguistic personality, speech activity, scientific paradigm.

Лисоний шахс тушунчасининг фаолияти тилшунослик фанининг терминологик аппарати билан чегараланмайди. Кўп сонли турли хил гуманитар фанлар бунга ўз ҳуқуқларини ҳақли равишда даъво қиладилар: бу атамани рус тили тарихи, психология, фалсафа, адабиётшунослик, лингводидактика ва бошқа фанлар бўйича тадқиқотларда топиш мумкин. "Лисоний шахс-бу тил ўрганишининг барча жабҳаларини қамраб оладиган ва шу

билан бирга инсонни ўрганадиган фанлар ўртасидаги чегараларни бузадиган ғоя" (Караулов, 1987: 3). "Дастлаб, лисоний шахс тушунчаси психология ва социологияда шахс тушунчасидан "олинган" ва "шахс" атамасининг кенгайиши ва у томонидан белгиланган тушунча доирасининг торайиши билан шаклланади" (Воркачев, 1997: 33). Шахс тоифасига кизиқиш тилшуносликка турдош фанлар адабиётшунослик ва лингводидактикадан келиб чиққан бўлиб, бу ерда лисоний шахс тушунчасини талқин қилиш ўзига хос хусусиятларга эга (Виноградов: 1980). В.П.Нерознак лисоний шахс тушунчаси атрофида тўпланган лингвистик тадқиқотлар соҳасини "лингвистик персонология" ёки "лингвоперсонология" деб аташни таклиф қилган. (Нерознак, 1996: 113).

Агиография, -и, ж. Вид христианской литературы, содержащий жизнеописания “святых”. (от греч. Аgiос- святой и γράφω-пишу). [23]

Толковый словарь русского языка под редакцией С.А.Кузнецовой объясняет термин агиография следующим образом:

Агиография ж. [от греч hаgiос – святой, grapho, - пишу]. Вид христианский литературы, содержащий жизнеописания святых. [11]

В словаре Б.И. Кононенко даётся следующее толкование:

Агиография жития святых: повествования о жизни и подвигах людей, признанных церковью святыми.[12]

В Толковом словаре русского языка С.И. Ожеговой и Н.Ю. Шведовой этот термин объясняется следующим образом:

Агиография [гр. Hagios святой + графия вид церковной литературы, жизнеописания святых, напыщенное, неправдоподобное жизнеописание].[14]

Во всех словарях, о которых говорилось выше, термин агиография происходит от греческого слова «agio» - «священный» + gráphō «пишу» - произведение о жизни и деятельности святых, священников, то есть исторической, культурной и религиозной литературе. В русской литературе есть термин «житийная литература», что означает агиография. Следовательно, агиографическое произведение - это, прежде всего, произведение, отражающее жизнь и деятельность конкретного исторического деятеля. Но этот исторический деятель - не обычный человек, а хранитель, воплощающий в себе качества святости и исповедующий ту или иную религию.

Однако в узбекской лексикографии еще не создан словарь агиографических терминов или двуязычные переводческие словари, которые переводчики могли бы использовать в процессе перевода. Поэтому в исследовании мы больше сосредоточились на словарях и научных трудах в этой области, созданных за рубежом, и изучили принципы их создания.

Анализ. Известно, что в Европе, в том числе и в русской научной литературе, сочинения, отражающие в письменной форме жизнь церковных священников, учение церкви, историю их деятельности, религиозную деятельность исторических деятелей или групп, почитаемых церковью как святых, называются агиография. Исследование показало, что многие словари в этой области созданы зарубежными лексикографами. Например, Краткий словарь агиографических терминов В.М. Живова [8] и Агиографический словарь священных мест и жизни святых Жака Поля Миня.[9]

В связи с существованием в мире трех основных религий - христианства, буддизма и ислама, агиографическая литература также условно делится на три. Одна из них - христианская агиография, другая - буддийская агиография, а третья - мусульманская агиография. Следует отметить, что христианская агиография более изучена, чем мусульманская.

Известные востоковеды также проводили исследования в области агиографии. [3] Некоторые работы по этой теме будут подробно рассмотрены в нашей статье.

Основываясь на объяснениях, данных термину агиография в различных словарях выше, и в основном на основе теорий Т. Ефремовой, С. Ожеговой, Н. Шведовой, мы решили интерпретировать этот термин на узбекском языке следующим образом:

Агиография атамаси грекча “агио” – “муқаддас”+ урафо “ёзаман” яъни пайгамбарлар, саҳобалар, авлиёлар, шайхлар, пирлар, йирик руҳонийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи асарлардир.

Таким образом, термин агиография приводится в разных словарях, и мы уточнили его содержание., теперь остановимся на работах зарубежных ученых по изучению агиографической литературы. Е.А.Егоров уделяет больше внимания агиографической модальности в современных французских романах в основном исследует отражение жизни великих святых и священников, написанных в жанре агиографии. [7.С 38-45] Ученый исследует массу агиографических работ в Латинской агиографической библиотеке (Biblioteca Nagiographica Latina) и в разделе новых публикаций (Novum Supplementum) обнаруживает, что раздел 3321 библиотеки содержит агиографические произведения о жизни около 13 523 святых и священников. Эти работы особенно важны из-за их специфики для разных жанров и периодов. Следует отметить, что эти произведения изучались в основном лингвистами и историками, которые в своих исследованиях изучали язык, стиль агиографических произведений, период жизни святых, историю священных мест и исторических памятников. Е.А. Егоров изучает творчество французских писателей на религиозную тематику XIX и XX веков. Потому что главной темой большинства произведений того времени была религия. Вот почему Фредерик Боден в своей статье «Литература и христианство» назвал этот период «Золотым веком религиозных произведений». [20] Это связано с тем, что в этот период был создан ряд работ Франсуа Мориака, таких как «Пустыня любви» (1925), «Клубок змей» (1932), «Яства Земли» Андре Джиды (1897). Произведения в жанре агиографии характеризуются тем, что основной темой являются философские взгляды, такие как *человек и мир* и *человек и бог*.

Л.Г. Дорофеева считает что изучения русской агиографии является одной из актуальных проблем . Ученый отмечает, что существует много агиографических произведений и имеется достаточно материала и базы для их изучения, и в своем исследовании подчеркивает необходимость уделения внимания вопросам целостного анализа текстов в таких произведениях. [21. С 11-23]

Д.М. Бычков изучает агиографические традиции, сложившиеся в русской прозе конца XX - начала XXI веков. [5] Ученый разрабатывает механизмы трансформации агиографических традиций в художественной литературе в современной русской прозе. Он рассматривает особенности отражения поэтических элементов в произведениях агиографического жанра то есть в «агио-романах», созданных в 1980–2000 годах.

С.А.Моисеева изучает проблемы арабо-мелькитской агиографии IX-X веков. [13] В частности, ученый анализирует стилистические особенности таких агиографических произведений: “Мученичество Абд ал Масиха”, “Мученичество Антония (Равха)”, “Житие Иоанна Эдесского”, “Житие Антиохийского патриарха Христофора”, “Житие и чудеса Тимофея из Кахушты” и “Житие Иоанна Дамаскина”.

И. В. Бугаева изучает лексико-семантическое выражение названий священных мест в поэзии Анны Ахматовой. В частности, из-за особого места религиозных и нравственных вопросов в творчестве поэтессы, она употребляет в своих стихах с большим мастерством агиотопонимы, экклезеионимы, иортонимы, теонимы и иконимы. [4. С 53] В своих стихах А.А. Ахматова часто использует разные виды агионимов, посредством которых умело раскрывает элементы русской культуры. Например, это хорошо видно по следующим строкам:

Пусть их больше, чем звезд зажженных
В сентябрьских небесах –
Для детей, для бродяг, для влюбленных
Вырастают цветы на полях.
А мои –для святой Софии
В тот единственный светлый день

Когда возгласы литургии
Возлетят под дивную сень (1916)

И. В. Бугаева, анализируя сложные аспекты выражения агнионимов в поэзии, дает оценку роли религии в творчестве русских писателей и искусству выражения религиозных реалий. В то же время она подчеркивает тот факт, что использование такой лексики не только увеличивает художественное и эстетическое воздействие произведения, но также обогащает читателя культурной информацией.

Т.Ю. Галкина изучает вопросы английского перевода иконографической литературы на русский язык.[6] Ученый определяет изучение иконографической литературы, написанной в разных жанрах, анализ лексико-семантического значения перевода иконографических терминов, выбор их альтернатив для достижения адекватного перевода. Татьяна Галкина анализирует приемы перевода иконографических произведений ряда ученых. Ученый отмечает, что с помощью этого исследования перевод профессиональных текстов внесет огромный вклад в решение терминологических проблем. При переводе иконографических текстов с русского на английский можно сделать вывод, что одной из терминологических проблем перевода является отсутствие двуязычного словаря иконографических терминов для переводчиков. [6] При этом она подчеркивает, что анализ переводов должен основываться на следующих принципах:

1) использование пояснительного метода при переводе иконографических терминов; ; (“праздники” – “Festival icons”, “складень” – “icon with foldable side flaps”.....)

2) изучить этимологическое происхождение иконографических терминов на языке перевода;

3) предоставление иконографических терминов на языке перевода через существующие альтернативы (“оплечная икона” – “half length icon”, “житийная икона” – “hagiographic icon” ...);

4) Использование альтернатив, доступных на языке перевода, при переводе имен собственных, доступных на языке оригинала, на английский язык (“Павел” – “Paul”, “Иоанн” – “John”, “Михаил” – “Michail”, “Троицкий” – «of the Holy Trinity»).

Мы также подчеркиваем в нашем исследовании, что процесс перевода должен основываться на принципах, предложенных Т. Галкиной. Хотя агнографические аспекты перевода не изучались в узбекском переводоведении, научные исследования проводились в области литературы и исламоведения. Н. Остонкулов изучал необходимость образцовых произведений о святых в преодолении социальных противоречий и духовной нищеты в обществе. Ученый также отметил, что в XVIII веке в Среднеазиатском регионе существовали все условия, культурная среда, потребности для развития агнографической литературы. Рукописи «Такзирату-л-авлиё» и «Рисолаи Кодирия» Мухаммада Сиддика Рушди были обнаружены ученым, тексты были полностью переведены на современный алфавит, а основной источник был научно проверен в диссертации. [16] Он также раскрыл, что произведение «Насойиму-л-мухаббат» Алишера Навои является важнейшим источником восточной агнографии на тюркском языке, и что Навои был основателем узбекской агнографии. Н. Остонкулов в своих исследованиях опирается на научные взгляды зарубежных ученых А. Бердяева, М. Блока, М. Вебера, П. Сорокина, А. ДжТойнби, Л. Февра, К. Яспера. [4]

Б. Назаров исследовал особенности жанров исламской агнографии и суфийской прозы, а также отличия макамов от других агнографических произведений, художественный стиль и особенности макамов. Он также выделяет средства и искусство художественного языка, используемого в макамах, а также воплощение образа шейхов, образ пиров, мюридов в макамах на примере агнографических произведений. В своем исследовании ученый обращается к трудам Б. Ахмедова, Р. Тиллабоева, Б. Назарова. [2]

Г.Сафарова изучает лексические основы топонимов Хатырчинского района и подчеркивает, что одним из развивающихся новых направлений узбекского языкознания является узбекская ономастика и классифицирует топонимы на 13 групп, включая названия мечетей, святынь, кладбищ. Изучив создание и классификацию топонимов в районе Хатырчи,

ученый говорит: *“В топонимах топонимическим индикатором называют слова, обозначающие в составе местоимения, какой объект является именам существительным, Индикаторы служат не только для обозначения поставленной задачи, но и для формирования названия объекта как прилагательного”*. [18. С 52]

М.А. Раджабова изучает ономастические единицы в структуре фразеологизмов на материале узбекского языка. Ученый делит составные топонимические фразеологизмы на 3 большие группы, а также формирует небольшие группы внутри каждой группы. Анализируя топонимы, мифонимы, хоронимы, мифозоонимы, геортонимы в составе фразеологизмов, дает соответствующие примеры на узбекском языке для состава каждой группы. Например, есть фразы с названиями священных мест: *“Бир кўнгил иморати минг Макка зиёрати”*. *“Онангни уч марта Маккага очилаб оборсанг ҳам оқ сутини оқлолмайсан”*. *“Сувдан ўтгунча ё Боҳоваддин, сувдан ўтгач қоч Боҳоваддин, Исони аламини Мусодан олибди”*. М.А. Раджабова высказывает следующее мнение об ономастических выражениях во фразеологических выражениях: *“В качестве заключения можно отметить, что фразеологический пласт узбекского языка является очень богатым и встречающийся в ономастических единицах пословицы, поговорки и выражения приобрели национальное своеобразие. Большинство компонентов состоят из антропонимов, топонимов, агионимов. Это свидетельствует о том, что имена людей и названия местностей, а также агиономы занимают важное место в истории народа, образа жизни, обычаев, традиций и устного народного творчества”*. [22. С 22]

Хотя узбекские переводческие исследования не создали крупномасштабной монографии по переводу других религиозных произведений или произведений агиографического характера и их переводам, некоторые исследования содержат краткие научные обзоры. Например, Р.Х. Ширинова в своем исследовании «Отражение религиозных реалий в художественном переводе» проанализировала неверное толкование религиозных реалий на узбекском языке в произведениях, переведенных с французского на узбекский с помощью языка посредника, и разделила религиозные реалии на две группы:

1. Реалии, связанные с религиями, религиозными учениями и святыми местами. Она разделила реалии, принадлежащие этой группе, еще на две подгруппы:

А) Реалии, связанные с христианством (католицизм)

Б) Реалии, связанные с историей ислама и его святылиц

2. Реалии связанные с церковью, с религиозными лидерами, реалии, связанные с религиозным снаряжением.

В этой диссертации ученый проводит сравнительный анализ передачи агиографических терминов в произведениях французских писателей, анализирует искусство переводчиков в переводе терминов на язык перевода и отмечает следующие моменты:

«Стало ясно, что иногда в процессе перевода, в результате попыток упростить и национализировать текст оригинала, а иногда в результате недостаточного знания религиозных учений делается много ошибок при переводах из литературы других религий. Конечно, есть ряд общих терминологических понятий (например, бог, пророк, откровение, молитва, муножот, мольба и т. Д.), которые могут быть применены к любой религии. Но термины, которые выражают основные понятия того или иного религиозного учения (например, Пасха церковь, Рождество, апостол, священник в христианстве, намаз, хадж, хайит, сподвижник, имам и т. д. в исламе), не могут быть заменены терминами другой религии. Эта ситуация требует особой подготовки и ответственного подхода к переводу религиозных реалий. [19. С 21]

Ведь, как отмечает Р. Ширинова, такая ответственная работа как перевод терминов, относящихся к определенной области, требует специальной подготовки, обширных и основательных знаний. Это, конечно, требует от переводчика высокого уровня лингвистических и экстралингвистических знаний.

Заключение. Итак, на основании изученных материалов можно сделать вывод, что в результате изучения работы мировых переводчиков по изучению агиографических произведений в научных и теоретических источниках было обнаружено, что много работы в

этой области велось сначала в области философии, затем в религии, истории, языкознании, искусстве и литературе. Раскрывается научная и практическая значимость изучения агиографической литературы, разрабатываются новые научные теории. В агиотекстах анализировались агиографические термины: теонимы, мифонимы, хоронимы, мифозоонимы, геортонимы. В ходе анализа на примерах было подтверждено, что у переводчиков возникали различные трудности при переводе этих терминов на целевой язык в процессе перевода. При этом не проводились работы по теоретическим и практическим вопросам двуязычного и многоязычного перевода и толкования агиографических терминов. Поэтому в настоящее время необходимо уделять этому направлению больше внимания и увеличивать объем исследований, направленных на решение этих задач.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адабиётшунослик терминларининг русча ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 2010.
2. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XV- XVI в.в. Ташкент, 1985; Тиллабоев Р. XV- XVI асрлар Ўрта Осиё агиографик асарлари тарихий манба сифатида (Накшбандия тариқатида мансуб агиографик асарлар) Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1994.
- Назаров Б. “Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий хусусиятлари (Баҳоуддин Накшбанд мақомотлари асосида)”. Филол.фан.номз...дисс.автореф. Тошкент, 2000.
3. Бартольд В.В. Manuel de généalogie et chronologie pour l’histoire de l’Islam. Librairie orientaliste Heinz Lafaite. 1927 ; Вяткин В.Л. «Самария» описание Самарканда достопримечательностей мусульманских святых .Рукопись. ЦГА РУз. Ф-Р 1591, опись-2, дело –49. Бердяев. Н.А. Смысл истории. –Москва, Мысль, 1990. –176с.; Жук С.И. Макс Вебер и социальная история // Вопросы философии–Москва, 1990.-№ 5.-С.15-22.; Момзен В. Макс Вебер и социальная история . // Новая и новейшая история. –Москва, 1990. №4. –С.55-64.; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – Москва. Издательство политической литературы, 1992. – С. 544с.; Тойнбы А.Дж. Постижение истории. –Москва, Наука, –732с.; Февр Л.Дж. Постижение истории. –Москва, Наука, –732с.; Ясперс К .Смысл и назначение истории. –Москва, Политиздат, 1991. –390 с.
4. Бугаева И.В.Сакральная ономастика в поэзии Анны Ахматовой // Вопросы русской литературы. №4, 2015. –С.53.
5. Бычков Д.М. Агиографическая традиция в русской прозе конца XX – начала XXI века. Автореф.дисс. ... кан.филол.наук. –Астрахань, 2011.
6. Галкина Т.Ю. Проблемы терминологии при переводе конфессиональных текстов иконографической литературы. Автореф.дисс. канд. филол. наук. –Москва, 2007.
7. Егоров Е.А. Жанр агиографии и агиографическая модальность в современном французском романе. // Вестник Московского университета. Сер.9. Филология. 2008. №1. –С. 38-45.
8. Живов В.М. Святость. Краткий словарь агиографических терминов. М.: Языки славянской культуры.1994. –С.113.
9. Jacques Paul Migne. Dictionnaire hagiographique, ou, Vies de saints et des bienheureux, honores. Paris, 2013.
10. Ислом Энциклопедияси. www.ziyouz.com kutubxonasi.
11. Кузнецова С.А. Большой толковый словарь. -1 изд-е: СПб: Норинт. 1998.
12. Кононенко Б.И. Большой толковый словарь по культурологии. –Москва, 2003.
13. Моисеева С.А. Арабская мелькитская агиография IX –XI веков: жанровая и стилистическая характеристика. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Москва, 2012.
14. Ожегова С.И., Шведова Н.Ю. // Толковый словарь русского языка. Онлайн словарь: <http://slovari.ru/default.aspx?s=0&p=244>
15. Словарь русского языка: В 4-х т.РАН, Институт лингвистических исследований;Под ред. А.П. Евгеновой. –М.: Рус. Яз.: Полиграфресурсы, 1999.
16. Остонкулов И. Мухаммад Сиддик Рушдий “Тазкирату-л-авлиё” асарининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти. Тар.фан.док.дисс. ... автореф. –Тошкент, 2010.
17. Рўзимбоев С., Рўзиметов Х. Фольклор атамаларининг қисқача луғати. Урганч, 2007.
18. Сафарова Г. Словарные основы Хатирчинской топонимии. // Вестник наука и образования. №5(83). Часть 1. 2020. –С.52.
19. Ширинова Р. Диний реалияларни бадий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари. (Француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида). Филол.фан.номз...дисс.автореф . –Тошкент. 2002. Б. – 21.
20. Baudin F. Littérature et christianisme. Les années 20 : un âge d’or ? www.unpoissondqnsle.net.
21. Dorofeeva L. G. 2017, Problems of studying Russian hagiography, *Slovo.ru: baltijskij accent*, Vol. 8, no. 1, p. 11–23.
22. The classification of the onomastic components in uzbek phraseological layer. // Vestnik Yaroslavskiy padagogicheskiy universitet. 2013. №1. – P.22.
23. <https://classes.ru/all-russian/russian-dictionary-Efremova-term-469.htm>

**ШАРТ КОМПОНЕНТЛИ ГИПОТАКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА
КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК ТУРЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

Д.Р.Убайдуллаева, ўқитувчи, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мазкур мақолада шарт компонентли гипотаксемалар вербализаторларининг семантик ҳамда коммуникатив-прагматик жиҳатлари, уларни коммуникатив-прагматик типларга таснифлаш баён этилган.

Калим сўзлар: коммуникатив-прагматик, синкретик, мутлақ қамровли, номутлақ қамровли, мустасноли, номустасноли.

Аннотация. В данной статье рассмотрены семантическая и коммуникативно-прагматическая стороны вербализаторов условных предложений, а также их классификация на коммуникативно-прагматические типы.

Ключевые слова: коммуникативно-прагматический, синкретический, абсолютный охват, неабсолютный охват, исключительный, неисключительный.

Abstract. This article describes the semantic and communicative-pragmatic aspects of verbalizers of conditional sentences, and their classification into communicative-pragmatic types.

Key words: communicative-pragmatic, syncretic, absolute coverage, non-absolute coverage, exceptional, non-exclusive.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида шарт муносабатлари ифодаланиши турли нуктаи назардан ўрганилган: синтактик, семантик, стилистик, лингвокогнитив, лингвокультурологик, коммуникатив-прагматик ва бошқа ёндашувлар. Хусусан, шарт компонентли гипотаксемаларнинг семантик ва коммуникатив-прагматик жиҳатларининг таҳлилига эътиборни қаратамиз.

Типологик қиёсга тортилган тилларда шарт компонентли гипотаксемалар вербализаторларининг семантик жиҳатлари таҳлилига асосланган ҳолда, уларни асосан куйидаги 2 та семантик типга таснифлаштириш мақсадга мувофиқ: 1) соф ШКГни воқелантирувчи вербализаторлар (уларда соф шарт семантикаси ифодаланади, масалан, *инглиз тилида: If I go back they'll make me get operated on and then I'll put me in the line all the time.*[4] *ўзбек тилида: Агар бирон дўконда дўкончи ичкилик сотса, қаттиқ жазога тортилишини ўқтирган эди*[13].

2) синкретик (қоришиқ) ШКГни воқелантирувчи вербализаторлар (уларда шарт семантикаси ва яна бошқа семантика(лар) билан қоришади), масалан:

инглиз тилида: 'I am going to sit here, as long as I think proper, ma'am,' rejoined Mr. Bumble.[2], *I'll go back whenever you want.*[4] *ўзбек тилида: Қачон Фаргона томонларга йўли тушса, албатта уни бир зиёрат қилиб, дуосини олиб ўтарди.* [13] *Орадан сал вақт ўтгач, савдар кирди.* [12] (**шарт + пайт**); *инглиз тилида: You will be punished subject to the crimes you have committed.*[10] *ўзбек тилида: Агар босқинчиларни топиб жазо бермасангиз, мен подшоҳ ҳазратларининг ҳузурларига паноҳ истаб кетишига мажбур бўлурмен!*[12] (**шарт + огоҳлантириши**); *инглиз тилида: The more you value your number one, the more careful you must be of mine.* [4] *ўзбек тилида: Ўртогининг келганига қанчалик қувонган бўлса, опасининг келгани уни шунча ташвишга солганди.* [13] (**шарт + ўлчов-даража**); *инглиз тилида: You'd better take the keys in case I'm out.*[5] *ўзбек тилида: Агар астойдил уринсак, мушоҳада орқали ҳам фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашишимиз мумкин.*[14] (**шарт + тавсия**); *инглиз тилида: It was surprising the government was re-elected, given that they had raised taxes so much.*[5] *ўзбек тилида: Гарчи Эдигей ётиши олдидан тоза ҳавога чиқиб айланиб келган бўлсада, уй эгалари унга қулай иссиқ кўрпа-тўшак солиб, меҳмон отангдан улуг деб махсус сақлаб қўйилган чойшаб солиб берган бўлсалар ҳам янги ўринда ҳа деганда ухлай олмади.*[14] (**шарт+тўсиқсизлик**); *инглиз тилида: As is the workman, so is the work.* *ўзбек тилида: Уста қанақа бўлса, шогирд ҳам шунақа.* (**шарт+қиёслаш**); *инглиз тилида: Unless you find something else I'm afraid you will have to go back to the front*[4.] *ўзбек тилида: Самарқандни олганидан кейин сўзидан қайтсаю,*

Зухра бегимни мана бу қоронги тунда ўқириб йиғлаётган аёлнинг аҳволига солсачи? [12] (**шарт+ҳадик**); инглиз тилида: *They prepared more vegetables in case there were vegetarians among the guest.* ўзбек тилида: *Агар Турсунбойни сал иситма олиб қолса, эр-хотин уйқу нималигини унуттишар, бошидан нари кетишолмасди.*[13] (**шарт+сабаб**); Навоийнинг ҳузурига кирган бўлса, бошқа кўп нарсаларни ҳам айтиб берган бўлиши керак. (**шарт+гумон**); инглиз тилида: *I would have done it if I had had more time yesterday.*[4] ўзбек тилида: *Ўшда мен рози бўлсам, эҳтимол кейин Аҳмад Танбал сизга бунча ёғийлик қилмас эди.*[12] (**шарт+армон қилиши**); инглиз тилида: *I could go to Spain if there was no war.*[4] ўзбек тилида: *Йўл нишаб бўлса-ю, шамол орқадан эсса, чопқир отлар янада тезроқ учиши мумкин бўларди.* (**шарт+ҳаёл қилиши**); ўзбек тилида: *Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдираман.* (**шарт+тахдид**);

Инглиз ва ўзбек тилларида гипотаксемалар вербализаторларининг коммуникатив-прагматик жиҳатлари таҳлиliga асосланган ҳолда, уларни асосан қуйидаги 6 та коммуникатив-прагматик типга таснифлаштиришга асос бор:

1) “**ижобий шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи фақат ижобий бўлади), масалан; инглиз тилида: *I knew that I ought to consider myself very fortunate if I succeeded in securing employment.*[10] ўзбек тилида: *Қандай яхши бўларди, Мовароуннаҳр яна Улугбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса.*[12]

2) “**салбий шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи фақат салбий бўлади), масалан, инглиз тилида: *He must die in the streets unless someone helped him;* [2] *If students don't learn grammar rules, they won't get good marks. If you do not study harder, you'll fail the exam;* ўзбек тилида: *Яна тагин гўзал малика билан яшириқча тил бириктириб сурат чизгани қизнинг подшоҳ отасига маълум бўлса борми, мулла Фазлиддинни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас.*[12] *Агар уни ўлдирмасанг, сени ўзим ўлдираман.*[12]

3) “**мутлақ қамровли шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи тўлиқ қамровга эга бўлиб, мустасно ҳолат мавжуд эмас), масалан, инглиз тилида: *The bank let the company 100,000 pounds on condition that they repaid the money within six months*[5] ўзбек тилида: *Акамдан рухсат бўлсагина, мен у ерга бораман.*[13]

4) “**номутлақ қамровли шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифи тўлиқ қамровга эга эмас, унда мустасно ҳолат ҳам мавжуд), масалан, инглиз тилида: *I will not hesitate in admitting that most officers are honest* [4]; ўзбек тилида: *Гумонимча эрталаб Қўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир.* [12]

5) “**мустасноли шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари(улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифида бир мустасно ҳолат мавжуд), масалан, инглиз тилида: *We shall finish the work in time given that we have enough material;*[9] ўзбек тилида: *У ҳар қанча оч бўлса ҳам Тоҳирнинг олдидан дарҳол нон кавшаидан ўзини тутди.* [12]

6) “**номустасноли шарт компонентли гипотаксема семантикаси**”ни воқелантирувчи вербализатор типлари (улар орқали коммуникатив-прагматик интенцияда ифодаланган воқелик тавсифида биронта мустасно ҳолат мавжуд эмас), масалан, инглиз тилида: *You may come and see her after seven o'clock if you wish;* [4] ўзбек тилида: *Модомики канал битгунча ишлагинг келса, сенга бошқа иш топиб бераман.*[13]

Шарт муносабатларини прагматик таснифлашнинг асоси сўзловчи коммуникатив мақсадини мос равишда интерпретация қилиш муаммоси билан белгиланади. Жаҳон тилшунослигида шарт муносабатларини ўрганишга бўлган прагматик ёндашув тажрибасига таянган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодоловчи тил

бирликларининг прагматик аспектини қиёсий таҳлил қилишда қуйидаги масалалар эътиборга олинди: шарт конструкциялари прагматик аспектининг мулоқот жараёнидаги тадқиқи, уларни сўзловчининг коммуникатив-прагматик мақсадига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, шарт формаларининг прагматик хусусиятларини белгиловчи контекстуал омилларни аниқлаш, уларнинг прагматик функцияларини ўрганиш ва мулоқот иштирокчиларига прагматик таъсири каби масалалар.

Шарт маъно билдирувчи конструкциялар фақатгина шарт муносабат эмас, балки яширин прагматик маъно ҳам билдириши мумкин бўлиб, бундай прагматик маъно турлари фақатгина контекстда юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Angeliki A., Rene D. Pragmatic conditionals. Thessaloniki: Aristotle University, 1996.
2. Ch. Dickens. Oliver Twist. Penguin Books Paperback, 2003. 608.
3. Denis J. Hilton., Jean-François Bonnefon. Pragmatics at Work: Formulation and Interpretation of Conditional Instructions. Toulouse: Universite Toulouse, 2011.
4. E. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971
5. Hornby, A. S., & Wehmeier, S. (Ed.). (2000). Oxford's advanced learner's dictionary of current English (6th ed.). Oxford: Oxford University Press
6. M. Mohammadi, J. Fischer, M. Langner & R. Klabunde. 2018. Conveying the user's intention by generating speech act conditionals as indirect answers. Proceedings of KONVENS 2018.
7. Manfred Krifka. Biscuit Conditionals as Anticipatory Speech Acts// Workshop —Biscuit Conditionals. Universität Hamburg, 2017.
8. Richard A. Young. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory// Grace Theological Journal, Vol 10, Issue 1, 1989.
9. THE SUNDAY TIMES. APR 25 2003.
10. The New York Times. May. 21, 2009
11. W. Collins. The woman in white M.: Visshaya shkola, 1973
12. А.Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. "Шарқ", 2013 182 б.
13. П.Қодиров. Юлдузли тунлар.Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти, 2018. 214 б.
14. С.Ахмад. Уфқ. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 222 б.
15. Ч.Айтматов.Асрга татигулик кун. Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 85 б.
16. Хошимов Ф.М. Сложноподчиненные предложения с придаточными цели в разносистемных языках. – М. 1982
17. Хошимов Ф. М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Т.: Фан, 1991
18. Хошимов Ф. М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. – Т. 2002
19. G'orporova, N., & Ubaydullayeva, D. (2022). A communicative pragmatic study of means of expressing directive speech acts in english and uzbek languages. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(12), 825-827.
20. Ubaydullayeva, D., & Raxmonqulova, M. (2022). development of social direction in linguistics. *Science and Innovation*, 1(6), 869-873.
21. Ubaydullayeva, D., & Qayumova, S. (2022). O'zbek Xalq Maqollarining O'zbek Folklorshunosligida O'rganilishi. *Miasto Przyszłości*, 30, 133-134.

УЎК 81.119

ПОЛИСЕМИЯНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

А.А.Хайдаров, проф., ф.ф.н., Бухоро Давлат Университети, Бухоро
М.Юнусова, магистрант, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида полисемия ҳодисаси ҳақида, унинг асосий манбалари эвфемизм ва дисфемизмлар натижасида юзага келадиган маънолари ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: полисемия, полисемантик сўзлар, эвфемизм, дисфемизм лексик қатлам, сўз ясаш, экстралингвистик интралингвистик

Аннотация. В данной статье рассматривается явление полисемии в английском и узбекском языках, основными ее источниками являются эвфемизмы и дисфемизмы.

Ключевые слова: полисемия, многозначные слова, эвфемизм, дисфемизм, лексический состав, словообразование, экстралингвистический, интралингвистический

Abstract. This article discusses the phenomenon of polysemy in English and Uzbek, its main sources are euphemisms and dysphemisms.

Key words: polysemy, polysemantic words, euphemism, dysphemism, lexical structure, word formation, extralinguistic, intralinguistic.

Замонавий тилшуносликда полисемия, яъни кўп маънолилики инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тилшунослар ушбу лингвистик тушунчага турлича ёндашиб, тил луғат составининг бойиш манбаларидан бири сифатида қарайдилар.

Полисемия, деб ёзади А.Хожаев – грекча *poly* –кўп +*sema* – белги. Тил бирликларининг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши, кўп маънолилики¹.

Полисемия ҳодисаси барча тилларда ҳам салмоқли ва муҳим ўрин эгаллайди. Тилнинг бойлиги фақат сўзлар, сўз бирикмалари, иборалар миқдори билан эмас, балки тилда полисемантик сўзлар миқдори билан белгиланади. Сўзларнинг кўп маънолилиги тилнинг бойиш манбаларидан бири ҳисобланади.

Полисемия ва омонимия ҳодисалари бир-бирига ўхшаб кетади. Полисемантик сўзлар ўз туркумида бир неча лексик маънога эга бўлишида кузатилади. Ушбу лексик маънолар ўзаро бир-бир билан ҳамма вақт семантик жиҳатдан боғлиқлиги билан характерланади. Полисемантик сўзлар, аввало, сўзларнинг маъно юзага келтириш ҳисобига таркиб топади². Бу ҳодиса кўпгина тиллардаги сўзларнинг семантик тараққиётида ҳам кузатилади, деб таъкидлайди И.В.Арнольд³.

Сўз ҳосила маъноси юзага келишининг барча ҳодисалари ўз аҳамиятига эга. Полисемантик сўзлар синхроник нуқтаи назардан белгиланади. Ҳамда улар сўз лексик маънолари миқдорини ошириш билан бирга полисемантик сўз таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади.

Тилшуносликда лексик маънонинг кенгайиш ҳодисасини ҳам полисемия бўлишига сабаб бўлувчи ҳодисалардан бири деб қараш ҳам мавжуд⁴. Аммо полисемия юзага келиши бирдан ортиқ лексик маънонинг ҳосил бўлиши эканлиги ҳолда лексик маъно кўпайишига қараб бир маънонинг ички ўзгаришидир. Сўзларнинг янги лексик маъно орттириши фақат ҳосила маъно юзага келиш ҳисобига эмас, балки эвфемизм ва дисфемизм натижасида ҳам пайдо бўлади. Энди эвфемизм ва дисфемизм тушунчаларига эътибор қаратамиз. Эвфемизм грекча *euphemismos*, *eu-yaxshi*, *rhemis* – гапираман. Нарса -ҳодисанинг анча юмшоқ формадаги ифодаси, кўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол булмайдиган сўз, иборани қўллаш.

Эвфемизм ва дисфемизмлар шу тилда гаплашувчи халқ руҳиятининг ўз сўзлари лексик маъноси тараққиётида акс этиши деб қаралади. Қайси тил бўлмасин тилнинг мазкур ҳодисаси шу халқнинг удуми, дунё қараш ирим-сиримлари, умуман халқ руҳияти этиборида бўлади.

Эвфемизм ифодага ижобий ёндашувни юзага келтириш мақсадида амалга оширилади. У шу тилда сўзлашувчи халқнинг урф-одати, маданиятлиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Дисфемизм эса ифодага салбий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади. Бу эса кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ахлоқи ва ўзини тутиши билан алоқадор.

Л.А.Булаховский таъбири билан айтганда, “эвфемизм грекча *eu* яхши, – *физм*- гапираман”, яъни яхши гапираман деган маънони билдиради. Немис тилининг лингвистик луғатида эса грекча *euphemis* (*nemischaga*) *guter ruf* деб аталиб, яхши муомала маъносида деб қайд этилган. Кўпол нарсени, ҳодисани яхши сўз билан ифодаланиши. Масалан: инглиз тилида “*bitch*” (фохиша) сўзини олсак кўпол сўз қулоққа ёмон эшитилади. Энди уни куйидаги сўз ёки иборалар билан берадиган бўлсак, унда сўзнинг кўполлик маъносидан юмшоқроқ айтилишини кузатамиз.

“a lady of easy virtue, a light woman, an easy woman, a real battleaxe, a house of ill family”.

Аммо *bitch* (фохиша) сўзини қанчалик эвфемистик иборалар билан безамайлик барибир у кўполлигини, хунук сўз эканлигини ўзида намоён этиб туради. Фактлар эвфемик нутқни куйидагича таснифлашга имкон беради.

1.Воқеликнинг табуллашиш даражасига кўра: номини айтиб бўлмайдиган, “айтиш ман этилган, партографик тушунчалар билан боғлиқ эвфемалар”. Масалан “жалаб” тушунчасини

ифодаланиши учун ишлатиладиган эфемаларни куйидаги мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қиламиз.

- *Мулло Козимжон, сизнинг аёлингиз сал бежо юрадиган бўлибди (Х.Х. Ниёзий).*

- *Ўғлим, бунақа қиз экан вақтида билиб ўзингни четга олганинг яхши бўлибди (Мирмухсин).*

- *Маҳалламизда битта суюқ оёқ чиқибдида(Мирмухсин).*

- *Кимсанинг қулогига шивирлади: хотининг ҳалол эмас (А.Қаҳҳор).*

- *Чунки у эрига бевафолик қилган, ёмон йўлларга юрган (Р.Узоқова).*

Инглиз тилида : it is entirely populated by croos, stock exebangey jugglers, corrupt policemen and **ladies of easy virtue** (I.Lindsay).

She was a **light woman**, whom nobody respected (I.Lindsay).

2.Қўрқинч, совуқ, нохуш хабар ёки ўлим билан боғлиқ эфемалар. Масалан: Мурод хўжа домла билан Салимхон Иброҳимовни сиёсий идора олиб кетганли ҳақидаги хабарни эшитиб ваҳимада ўтирганларида ўрта эшик тақиллайди. Эшикни очган домла Ёқубовга “Бунақа бераҳм бўлманг. Эшик деганини занжири бўлади. Одам деган шуни шақрлатади, наҳот тарс-турс.

- *Бегим жасади ўзи қурдирган Мирзо Хумоюн мақбарасининг ўнг қаторида дафн этилган(П.Қодиров).*

-*Ёшим йигирма еттига кирди, ҳамон ўғилга зорман. Бир эмас, икки ўғлимни қабрга қўйдим (П.Қодиров).*

Инглиз тилида Patrich Heneу *has alreу gone to his long home Samuel adams has soon to follow.*

Эвфемизмлар семантик-грамматик шаклланишига кўра лисоний ва нутқий эвфемизмларга бўлинади.

Лисоний эвфемизмлар маъноси бирикма таркибидаги сўзларнинг реал маъносидаги англамайдиган яхлит ҳолда бир умрлик тушунча - образли маъно ифодаладиган воситадир. Шу жиҳати билан эвфемизмлар фразема, мақол, матал каби ҳодисалрга ёндошдир.

Инглиз тилида “ногирон ” маъносини берувчи фраземага диққат қаратамиз.

Women you have gone too far! You are out of your senses (D.Carten)Fatherloss

Лисоний эвфема луғавий бирлик, уни луғатлаштириш мумкин. Нутқий эвфема эса бу талабга жавоб бермайди.

Масалан: “ўлмоқ” тушунчасини ифодаловчи “қурбон бўлмоқ”, орамиздан кетмоқ каби эфемаларни луғатлаштириш мумкин, демак, улар лисоний эвфемалар ҳисобланади.

Инглиз тилида **heck (hell),sight – deprived (blind),farm(idiot),nedy(poor)** каби эфемалар луғат составидан жой олиши мумкин, шунинг учун улар лисоний эвфемалардир.

Тилшунос олим Анвар Омонтураев – табу ва эвфемизм ибтидоий дин,онгсиз одамларнинг таъсирида пайдо бўлган эскилик коидалари, булар йуқ бўлиб боради деган қарашлар узини оқламайди, деб кўрсатади.

Масалан: аёллар эрини “ эрим” сўзи ўрнида “дадаси”,”адаси”сўзлари билан аташади. Мана шу ҳодиса эвфемизм дейди олим. Яна фикрини давом эттириб шундай ёзади:

Ёш хотинлар эрини “ўртоғим ” дейди, бу ҳам эвфемизм⁶

И.В Арнольднинг қайд этишича, инглиз тилида “cbrist “ сўзи қуллаган,унинг урнида эвфимизм сифатида ” stripes” сузи қўлланилади.

Эвфемизм ҳам, дисфемизм ҳам тил лексик қатламининг энг тез ўзгарувчан соҳасидир.

Эвфемизмлар сингари дисфемизмлар ҳам тилда мавжуд бўлиб, унга шундай таъриф берилади. О.С Аманованинг луғатида “Дисфемизм муайян матндаги ниманидир номини маъдум даражада дағал, бетакаллуф, кўпол ном билан алмаштириб ифода этувчи тропдир ” деб шарҳлаган⁷

Масалан: Инсонга нисбатан “чучқа”,”тунка” сўзларини қуллаш дисфемизмдир. “ўлим ” сўзи ўрнига “кўзига тупроқ тўлмоқ”,” асфаласофинга кетмоқ”, “ер тишламоқ”,”ернинг каърига кетмоқ”,”ёстиғи қуримоқ”,”нариги дунёга ” жўнамоқ.

Инглиз тилшунослигида дисфемизм ҳақида ҳеч нарса берилмаган. Унинг ўрнига “slang” таҳлил этилган. Бу “slang” сўзи билан дисфемизм ўзаро дублет. Slang тушунчаси дисфемизм тушунчасига нисбатан анча кенг.

И.В Аракиннинг таъкидлашича сленгизимларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг кўпол ва хаёли, дағал ва ҳиссиётли, илтифотсиз ва хазиломузлиги ҳисобланади.

Дисфемизмлар нарса ёки кишиларнинг салбий белгиси билан аташ орқали ҳам ҳосил бўлади.

Хуллас, эвфемизм ва дисфемизм моҳиятига кўра бир хил характерга эга бўлса ҳам, ижобийлик ва салбийлик нуқтаи назардан қарама – қарши ифодага эгадир.

Эвфемизм ўзгарувчан, яъни тез эскириб ўрнига янгиси ўрнига алмашиб кирадиган қатлам бўлса, дисфемизм бу хусусиятга эга эмас. Шунингдек, улар тилдаги объектив ходисалардир.

Полисемия сўз яшаш орқали ҳам юзага келади. Л.А. Булаховский префиксларнинг сўз яшаш ҳисобига ҳам кўп маъноли сўз – полисемантик сўз таркиб топади, деб кўрсатади. Сўз яшашнинг бу тури кўпроқ Ҳинд, Европа тиллари оиласига кирувчи тилларда мавжуддир. Туркий тилларда эса сўз ясовчи сўзнинг ўзагига қўшилади.

Тилшуносликда сўз яшаш орқали полисемантик сўзларнинг пайдо бўлишида икки хил сабаб бўлади.

1. Экстралингвистик сабаб 2. Интралингвистик сабаб

Экстралингвистик сабаб билан полисемантик сўз яшашда ўзак ҳам аффикс ҳам ҳамма вақт бир маънода бўлиши шарт эмас.

Фақат бир – бирига алоқасиз шароит ва мақсадда бир ўзак ва аффикс билан бирдан ортик марта сўз яшаши аҳамиятлидир.

Интралингвистик сабабга кўра полисемантик сўз яшаш икки асосга эга бўлади.

А) ясовчи аффикснинг полисемантиклиги;

Б) ўзак бўлувчи сўзнинг полисемантиклиги;

Сўз ясалишида аффикснинг полисемантиклиги юзага келишида аҳамиятлидир. Масалан: Темирчи сўзига – лик аффикси қўшилса, қуйидаги лексик маъно таркибига эга бўлади.

1. *Темирчига хос фаолият .Темирчиликни севмоқ.*

2. *Темирчилик устахонаси. Темирчиликка кетмоқ, буюрмоқ.*

3. *Темирчилар устахонаси, дўкони. Темирчилик йул устида каби⁸.*

Шунингдек, –лик аффикси яна хусусият тепалик билдирувчи сифатлардан ўзакдан англашилган ҳолат, жой ифодаловчи белги отлардан яшаш ҳам мумкин. Полисемантик сўзларнинг манбалари сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтириши, эвфемизм, дисфемизм, ясама маънолар ясалиши билан ҳисобланади. Полесемантик сўзларнинг юзага келишида ҳосила маъноларинг пайдо бўлиши асосий ўринда туради. Аксарият ҳолларда эвфемистик ва дисфемистик маънолар уларга тенг бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сўзлар ўз семантик таркибида қанча лексик маъно бўлишига кўра икки типга маносемия ва полисемияга бўлинади. Полисемияда сўз лексик маъноларинг ўзаро боғлиқлиги ўзига хос лексик маъно типларини юзага келтиради ва улар бош маъно, асос маъно ва тобе маъно деб номланади. Полисемияда лексик маъно ўзи оид бўлган сўз қайси туркумга мансуб бўлса шу туркум вазифасини бажаради. Полисемия манбалари сифатида лексик маънонинг ҳосила маъно бериши, сўз яшаш эвфемизм ва дисфемизмлар ҳисобидан бўлади. Чоғиштирилаётган инглиз ва ўзбек тилларида полисемантик сўзларнинг манбалари деярли бир хилда. Полисемантик сўзлар тил бойлиги ҳисобланиб, улар ушбу бойликнинг сифатли қатламидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.Ўқитувчи 1985. Б.69
2. Миртожиев М. Ўзбек тили семасологияси - Т. «Мумтоз сўз» нашриёти, 2020.
3. Арнольд И.В. The English world- М. 1973. P-36.
4. Буранов Ж, Муминов А. A practical course in English lexicology. – Т. «Ўқитувчи» , 1990.
5. Анвар Омонтурдиев. Професионал нутқ эвфемикаси. (Чорвадорлар нутқи мисолида). Филология фанлар доктори. – Т. 2009-50б.
6. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов- М. 1966 «Издательство СЭ» : -60бс

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ

№1/3 (97)
2023 й., январь

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.01.2023
Босишга рухсат этилди: 12.01.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 12,3 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18